

Абдуваҳоб Мадвалиев,
Неъмат Маҳкамов,
Зуҳра Мираҳмедова,
Акмалхўжа Саиднўъмонов

**ХАЛҚАРО
ТЕРМИНЭЛЭМЕНТЛАРНИНГ
ИЗОҲЛИ-ИЛЛЮСТРАТИВ**

ЛУҒАТИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ
ИНСТИТУТИ**

**Абдуваҳоб Мадвалиев, Немат Маҳкамов,
Зухра Мираҳмедова, Акмалхўжа Сайднўмонов**

**ХАЛҚАРО
ТЕРМИНЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ
ИЗОҲЛИ-ИЛЛЮСТРАТИВ
ЛУҒАТИ**

**“Donishmand ziyozi” нашриёти
Тошкент – 2020**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Давлат тилини ривожлантириш департаменти
буюргасига биноан чоп этилди.**

УЎК 811.532.11'374.3
КБК 81.2Ўзб-4
X 22

Масъул мухаррир:
Низомиддин Маҳмудов,
филология фанлари доктори, профессор

Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-илюстратив лугати [Матн] / Абдуваҳоб Мадвалиев, Незмат Маҳкамов, Зуҳра Мираҳмедова, Акмалхўжа Сайднўймонов. – Тошкент: “Donishmand ziyosi”, 2020. – 280 б.

Фан ва техника, маданият ва санъат соҳаларига оид ўзлашма терминлар ва улар таркибидағи терминэлементлар илмий адабиётлардан ва турли соҳаий терминологик луғатлардан борган сари мустаҳкам жой олмоқда. Асосан, юнон ва лотин тиллари элементларидан таркиб топган бундай терминлар ке-йинги даврларда халқаро нуфузга эга бўлган баъзи замонавий европа тилларидан ҳам ўзлашмоқда.

Халқаро миқёсда қўлланувчи ана шундай минглаб сўз ва терминлар ҳар доим ҳам кенг оммага, баъзан ҳатто мутахассисларга ҳам тушунарли бўла-вермайди. Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда халқаро терминларни ҳосил қўлтувчи сўз ва элементларнинг маъносини очиб берувчи, уларнинг турли хил хусусиятларини тўлароқ акс эттирувчи маҳсус қўлланмага эҳтиёж сезилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-илюстратив лугати” ана шу эҳтиёжни маълум даражада қондира олади.

Халқаро терминэлементларни бир бутун ҳолда тасвиrlовчи бундай лугат ўзбек лексикографиясидагина эмас, балки туркий халқлар лугатчилигида ҳам дастлабки тажрибадир.

Лугат турли соҳа мутахассисларига, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар: Шуҳрат Кўчимов, филология фанлари доктори
Дурдана Худойберганова, филология фанлари доктори,
кatta илмий ходим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий кенгапининг
2018 йил 2 февралдаги мажлисида (1-баённома) напрса тавсия этилган.

СҮЗБОШИ

Дунёда ўзга тилдан сўз ўзлаштирган бирорта соф тил мавжуд эмас, бинобарин, ўзбек тили ҳам ўз тараққиётида бу жараённи бошдан кечирган. Айниқса, бугунги кунда, тез ўзгараётган глобаллашув даврида фан ва техника тараққиёти туфайли жуда кўплаб янги тушунчалар кириб келмоқда. Кўпинча янги тушунчалар ўз номлари, яъни тегишли терминлар билан кириб келади. Турли соҳаларда қўлланувчи ўзлашма терминлар ва улар таркибидаги халқаро терминэлементлар луғатларимиздан мустаҳкам жой олмоқда. Асосан, юонон ва лотин тиллари элементларидан таркиб топган бундай терминлар кейинги даврларда халқаро нуфузга эга бўлган баъзи замонавий европа тилларидан ҳам ўзлашмоқда.

Қайд этиш керакки, улар қадими тилларда айнан шу таркибда ва маънода мавжуд бўлган эмас. Халқаро терминэлементларнинг аксарияти фаннинг ривожланиши жараённида илм аҳллари, айрим олимлар томонидан қадими юонон ва лотин тилларининг сўз ва элементларини ўзаро бириктириш орқали ҳосил қилинган. Шунга қарамасдан, халқаро миқёсда қўлланувчи ана шундай минглаб сўз ва терминлар муайян тил томонидан ўзлаштирилар экан, ҳар доим ҳам кенг оммага, баъзан ҳатто мутахассисларга ҳам тушунарли бўлавермайди. Шу нуқтаи на зардан ҳозирги даврда халқаро терминларни ҳосил қилувчи сўз ва элементларнинг маъносини очиб берувчи, уларнинг сўз ясаш ва функционал хусусиятларини тўлароқ акс эттирувчи маҳсус қўлланмага катта эҳтиёж сезилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати” ана шу эҳтиёжни маълум даражада қондира олади.

Халқаро терминэлементларни бир бутун ҳолда тасвиrlовчи бундай луғат ўзбек лексикографиясида гина эмас, балки туркий халқлар луғатчилигига ҳам дастлабки тажрибадир. Луғатга материал бўлган сўз ва элементлар деярли барча халқлар тиллари учун умумий бўлганлигидан ушбу луғат улар учун ҳам намуна, нусха вазифасини бажариши мумкин.

Кенг доирадаги ўзбек китобхони учун мўлжалланган бу луғатнинг асосий мақсади ўзбек тилига кириб келган, ўзлашаётган халқаро терминларнинг ажralувчи таркибий қисмлари, яъни терминэлементларнинг маъноларини очиб бериш, уларнинг сўз ясаш имкониятларини кўрсатиш, улар иштироқида ясалган терминларга изоҳ беришdir.

SAMARKAND IOTISODIYOT
YASUVCHI INSTITUT
AXBOROT RESURS MARKAZI

Китобдаги луғат мақолалари қўйидагича тузилди:

1. Терминэлементлар алифбо тартибида жойлаштирилди ва уларнинг ҳар бирин янги сатрдан ёзилди.

2. Терминэлемент сўз бошида келса, ўзидан кейинги терминэлементга қўшилиши сабабли ундан кейин уч нукта, сўз сўнгига келса, ўзидан олдинги терминэлементга қўшилиши сабабли ундан олдин уч нукта қўйилди ва у қора ҳарфлар билан берилди. Тегишли терминэлементлардан тузилган ва иллюстрация сифатида берилган изоҳланмаган ва изоҳланган терминлар ҳам қора ҳарфлар билан ажратилди.

3. Терминэлементдан кейин унинг қайси тилга мансублиги, унинг лотин ёзувидағи шакли ва тегишли тилдаги дастлабки асосий маъноси кўрсатилди. Кейин унинг ҳозирги маъноси (маънолари) келтирилди.

4. Иллюстрация сифатида келтирилган, лекин изоҳланмаган сўз-терминлар, ўзаро вергул билан, изоҳланган сўз-терминлардан эса нуктали вергул (;) билан ажратилди.

5. Иллюстратив мисолларнинг таркибий қисмлари бўлган терминэлементлар, хоҳ препозитив, хоҳ постпозитив ҳолатда бўлсин, агар улар алоҳида бош сўз сифатида берилган ва изоҳланган бўлса, иллюстратив мисолнинг таркибий қисмлари сифатида лотин ёзувидағи шаклида эмас, балки бош сўз шаклида (кириллицада) берилди. Агар мисолнинг охирги таркибий терминэлементи луғатда алоҳида изоҳланмаган бўлса, унинг лотин ёзувидағи шакли ва маъноси кўрсатилди.

6. Қисқартмалар (*a.*, *лот.*, *юн.*, *ингл.*, *фр.*, *итал.*) курсив билан ёзилди.

7. Терминэлементлар ёрдамида ҳосил килинган терминларни изоҳлашда икки хил йўл тутилди. Берилган икки ва ундан ортиқ иллюстратив мисоллар баъзи ўринларда тўлиқ изоҳланган бўлса, баъзан уч-тўртта иллюстратив мисоллардан фақат биттаси ёки иккитасигина тўлиқ изоҳланди.

Айтилганларнинг далили сифатида, луғат мақолаларининг тузилиши ҳақида янада аниқроқ, яхлит тасаввур ҳосил қилиш учун қўйидаги изоҳларга назар ташлаш кифоя қиласи:

АКВ(А)... [лот. aqua – сув] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сув, сувга алокадорлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **аквамарин**, **акванавт**, **аквариум**; **акваланг** [аква...+ *ингл. lung* – ўпка] – одамнинг сув остида бемалол нафас олиб сузишига ҳамда ишлашига имкон берувчи аппарат; **акваметрия** [аква...+...метрия] – анерганик ва органик моддалар таркибидаги сув миқдорини бевосита аниқлаш (ўлчаш) усули; **акватория** [аква...+(терри) тория] – сув ҳавзаси юзасининг бир қисми; **акведук** [акв(е)...+ *лот. ducere* – олиб бориш, ўтказиш] – жар, дара, дарё, йўл устидан ўтказиладиган нов ёки қувурдан иборат кўприксимон сув ўтказгич иншоот.

...ДРОМ [юн. dromos – йўл, йўлка; югуриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йўл, йўлак, югуриш маънолари билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **автомотодром, аэродром, велодром, ракетодром, танкодром; автодром** [авто...+...дром] – автомобиллар ёки автомобиль ва мотоциклларни синаш, улар иштирокида кимўзарга мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган ҳудуд, майдон; **ипподром** [(г)иппо...+...дром] – от спорти мусобақаларини ўтказиш, отларнинг мусобақаларга тайёрлигини синаб кўриш учун мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган иншоотлар мажмуи; **космодром** [космо...+...дром] – космик ракеталарни бутлаш-йигиш, учишга тайёрлаш ва учирешга мўлжалланган иншоотлар, ускуна-жиҳозлар ва ер майдонлари мажмуи.

ДРОМ(О)... [юн. dromos – йўл, йўлка; югуриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йўл, йўлак, югуриш маънолари билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **дромограф** [дromo...+...граф] – қон окиш тезлигини ўлчайдиган асбоб; **дромомания** [дromo...+...мания] – мақсадсиз юртма-юрт кезиши, дарбадарлик ва шунга мойиллик; дайдилик, саргардонликка берилиш.

...ОМА [юн. -ома – ўсма, шиш; йирингли яра] – ўзлашма ясама тиббий терминларнинг охирги қисми бўлиб, ўзи қўшилган асос сўздан англашилган тана аъзосининг ўсмаси маъносини билдирувчи қўшимча ҳисобланади. Mac.: **гематома, карцинома, лейкома, липома, неврома, нефрома, остеома, саркома, склерома, фиброма; аденоома** [аден(о)...+...ома] – турли без тўқималарида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма; **ангiomа** [анги(о)...+...ома] – қон ва лимфа томирларида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма; **гепатома** [гепат(о)...+...ома] – жигар ҳужайраларидан ривожланадиган жигарнинг бирламчи раки, хавфли ўсма.

Ушбу луғатда ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган ёки унинг илмий терминологиясига мансуб қўшма ва содда ясама сўзларнинг таркибий қисмлари, яъни терминэлементлар бош сўз сифатида берилди ва изоҳланди (Кўплаб халқаро терминлар ва уларнинг компонентлари – терминэлементлар ўзбек тилига рус ва бошқа европа тилларидан тайёр ҳолда кириб келган ҳамда ўзларининг ўша тиллардаги шаклу шамойили ва маъноларини айнан сақлаб қолган. Бинобарин, уларнинг ясама, қўшма эканлиги ўзбек тили учун шартлидир). Луғатда умумтерминологик тизимда, хусусан, ўзбек терминологиясида у ёки бу даражада фаол ишлатилаётган 1000 дан ортиқ халқаро терминэлемент қамраб олинган.

Луғатда терминэлементларни, уларни далилловчи иллюстратив мисолларни изоҳлашда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006 –2008), 12 жилдли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

(2000 – 2006), О.Усмон, Р.Дониёровларнинг “Русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳди луғати” (1965, 1972), “Русча-ўзбекча медицина луғати”. 2 жилдли. – Тошкент: Медицина, 1962, 1971; “Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati”. 2 jildli (2010), “Словарь иностранных слов” (Москва, 1989), “Краткое методическое пособие по разработке и упорядочению научно-технической терминологии” (Москва, 1979), “Новейший словарь иностранных слов и выражений” (Минск, 2003), А.Н.Воронков, Л.П.Поняева, Л.М.Попова. Латинское наследие в русском языке. Словарь-справочник (Москва, 2002), “Большой иллюстрированный словарь иностранных слов” (Москва, 2004), “Толковый словарь русского языка конца XX века” (Москва, 2004), шунингдек, турли фан соҳалари бўйича нашр этилган маҳсус терминологик луғатлардан фойдаланилди.

Луғатни нашрга тайёрлаш жараёнида халқаро терминэлементларни йиғиши, уларни системага солиш, этимологик маълумотларни тегишли манбалар билан солиштириш ишлари, тайёр материал қўлёзмасини компьютерлаштириш ва бошқа техник ишлар кичик илмий ходимлар С.Сатторова, Р.Қиличев ва Д. Ҳакимовлар томонидан бажарилди.

Ушбу луғат нафақат ўзбек тилшунослигига, балки туркийшуносликда ҳам биринчи марта тузилаётганлиги сабабли унда айрим камчилик ва нуқсонлар, мунозарали ўринлар бўлиши табиий, албатта. Шу боис муаллифлар луғат юзасидан билдириладиган ҳар қандай танқидий ёки таклиф мазмунидаги фикр ва мулоҳазаларни самимият билан қабул киласидилар.

Лұғатда күлланған шартлы қисқартмалар рўйхати

а. – араб тилига мансуб сўз

айн. – айнан

голл. – голланд тилига мансуб сўз

ингл. – инглиз тилига мансуб сўз

исп. – испан тилига мансуб сўз

итал. – итальян тилига мансуб сўз

лот. – лотин тилига мансуб сўз

мас. – масалан

нем. – немис тилига мансуб сўз

поляк. – поляк тилига мансуб сўз

рус. – рус тилига мансуб сўз

фр. – француз тилига мансуб сўз

эск. – эскирган сўз

юн. – юонон (грек) тилига мансуб сўз

қ. – қаранг

ХАЛҚАРО ТЕРМИНЭЛЕМЕНТЛАР

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда она тилимиз, хусусан, терминологиямиздаги муаммоларни аниқлаш ва унинг асосли илмий ечимларини топиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди.

Маълумки, ҳар қандай амалдаги тил доим ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу, ўз навбатида, терминологик тизимга ҳам ўз таъсирини кўрсатади, янги тушунчалар, терминлар вужудга келади.

Ўзбек тили лексикасининг энг бой, энг ҳаракатчан ва ўта ўзгарувчан қатламларидан бири бўлган терминларнинг бош вазифаси тушунча моҳиятини, мазмунини тўлақонли англашибдир.

Маълумки, фикрни тўлиқ ва ўта аниқ ифодалаш учун унга мутаносиб равища турли тил бирликлари ҳам кўп кўлланади. Тил доим максимал аниқликка интилар экан, ортиқчаликнинг вужудга келиши табиий. Фикрнинг қисқа, лўнда ифодаланиши эса, ўз навбатида, тежамлиликни талаб қиласди. Сўзнинг таркиби узайган сайин унинг қисқаликка интилиш тамоили терминларда ҳам аниқ сезилади¹, чунки тежамлилик тилшуносликнинг бошқа бўлимларига қараганда терминологияда анча фаол ва етакчи ҳодисадир. Бунга асосий сабаб терминларга қўйилган мухим талаблардан бири – терминларнинг аниқ ва қисқа бўлиши талабидир.

Термин тушунча моҳиятини қанчалик аниқ ва тўлиқ ифодаласа, у шакл жиҳатдан мураккаб, яъни бир неча компонентли қўшма терминларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

“Кўшма сўзлар, – деб ёзган эди Г.О. Винокур, – факат янги сўзларга бўлган эҳтиёжни қондириш учунгина эмас, балки кўпроқ ҳақиқатан ҳам, икки тушунчани бир сўз орқали ифода этиши зарурати бўлгани учун ҳам зарурдир”². Ҳозирги кунда фан ва техниканинг турли соҳаларида юзага келаётган кўплаб қўшма терминлар айни ана шу мақсад – бир сўзда икки тушунчани ифодалаш учун хизмат қилмоқда.

Кейинги даврда тилимизда қўшма сўзларнинг янги тип ва моделлари пайдо бўлиб, булар, асосан, янги-янги тушунчаларни ифодаловчи қўшма терминлардир.

Қўшма терминлар ҳам қўшма сўзлар каби ўз сўзларимиздан, бошқа тил материалларидан ҳамда ҳар иккала манбанинг ўзаро комбинация-

¹ Гальперин И. Р. Информативность единиц языка. – М., 1974. – С. 84.

² Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т. V. – М., 1939. – С. 46.

сидан туғилади. Ўзбек тили материаллари асосида юзага келган қўшма терминлар, асосан, умумистеъмоддаги тайёр қўшма сўзларнинг илмий термин ёки номен сифатида терминологик системаларга қабул қилиниши маҳсулидир.

Ҳар қандай соҳада ҳам янги бир тушунчанинг пайдо бўлиши ва уни тилда ифодалаш зарурияти оқибатида муайян терминологик тизим шаклланишининг илк босқичида синонимиянинг вужудга келиши табиий бир ҳол ҳисобланади. Мутахассислар синонимияни терминологиядаги энг биринчи қусурли ҳодиса сифатида алоҳида таъкидлайдилар. Терминларни тартибга солишда тушунча ёки предметнинг энг характерли томонини, вазифасини, ижтимоий моҳияти ва қимматини ифодалаган терминни танлаб олиш энг асосий тамойил бўлмоғи керак. Шунингдек, синонимик қатордан ҳар томонлама талабга жавоб берадиган терминни танлашда аниқлик, қисқалик мезонлари асосий ўринни эгалламоғи лозим.

Ўзбек тилига четдан ўзлашган сўзлар семантикасини ёки улар таркибидаги терминэлементлар маъносини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда терминлардаги аниқлик, қисқалик мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, терминлар ясашда сўзнинг дериваторлик хусусиятини ҳисобга олмаслик ҳам мантиқсиз, нотўғри терминларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Масалан, тиббиётда ишлатиладиган фонендоскоп асбобининг ўзбекча муқобили сифатида бальзан *томиргич* сўзини ишлатиш ҳоллари пайдо бўлди. Ҳақиқатда эса, *-гич* қўшимчаси техника соҳасида турли хил нарса-курол номларини ясашда фаол қўшимча бўлиб, илмий-техникавий терминологияда терминэлемент дарражасига етган. Бироқ бу қўшимча факат феъл асосларга қўшилиб, терминлар ясади: *бурагич*, *кўсакчувгич*, *яшинқайтаргич* каби. Кўриниб турибдики, *-гич* аффикси отларга (*томир+гич* тарзида) қўшилмайди. *Олийгоҳ* (институт) атамаси ҳам *-гоҳ* қўшимчасининг отларга қўшилиб, ўринни билдирувчи отлар ясашини (*сайилгоҳ*, *жсанггоҳ*, *қароргоҳ*), сифатларга бу қўшимча қўшила олмаслигини англамаслик оқибатида вужудга келган.

Демак, ҳар бир соҳада терминларни тартибга солиб туриш узлуксиз жараён экан, бунда терминологик тамойиллар ва меъёrlарга амал қилиш бош мезон бўлмоғи керак.

Терминологиямиздаги муаммоли масалалардан яна бири турли соҳаларга оид, ўзга тилга тегишли терминларнинг таржима қилиниб, кенг кўламда ишлатилаётганлигидир. Ҳар қандай бошқа тилдаги терминни ўзбек тилига калькалаш орқали янги термин ҳосил қилиш мумкин деб қараш тўғри эмас. Ўзбек тилига таржима қилинаётган ёки муқобили топилаётган ҳар қандай терминни яратишда тилимизнинг

бой ифода имкониятларидан, сўз ясаш қоидаларидан тўғри ва унумли фойдаланиш зарур.

Фан ва техниканинг турли соҳаларига оид халқаро терминларнинг аксарияти жаҳон тилларининг кўпчилигига анча устувор ҳолда кўлланиб келаётган бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирига ўзбекча муқобил топишга ҳаракат қилишни ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Буни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ҳар қандай термин маълум бир соҳадаги тушунчани ифодалаш учун кўлланар экан, у ўша фаннинг коммуникатив бирлиги хисобланади. Иккинчидан, ҳар қандай фан дунёвий бўлиб, фанни миллийлаштиришга ҳаракат қилиш мантиқсизлиқдир. Маълумки, бирон-бир халқаро терминни алмаштирища унинг муайян тилдаги муқобили шу сўз англатаётган барча маъноларни қоплай олиши ва терминологик талабларга жавоб берса олиши энг асосий мезон бўлиши керак.

Ўзбек тилининг терминологик тизимларини шакллантириш ва бойитишида ўзлашма сўзлар муҳим ўрин эгаллади. Бу жараён бошқа тиллардан терминларни айнан ўзлаштириш ёки чет тил терминларини калькалаш орқали амалга оширилмоқда. Бу борада гибрид терминларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, халқаро терминэлементлар асосида ўзбек тилида янги лексик бирликлар ҳосил қилиш анча фаоллашди. Кўпгина тилларда халқаро терминэлементлар сифатида эътироф этилиб, кенг кўлланаётган мингдан ортиқ терминэлемент, асосан, лотинча ва юнонча морфемалардан, сўзлардан иборат. Уларнинг баъзилари турли соҳа терминларини ҳосил қилишда иштирок этса, айримлари маълум соҳалардагина термин ясади. Бошқа тиллар терминологиясида бўлганидек, ўзбек терминологиясида ҳам илмий-техник тушунчаларни ифодалаш учун юзлаб халқаро терминэлементлардан фойдаланиб келинмоқда. Халқаро терминэлементларнинг асосий қисми *авто-, агро-, аэро-, био-, макро-, микро-, ультра-* сингари генетик жиҳатдан мустақил сўзларни қисқартиришдан ҳосил килинган термин ясовчилар бўлса, бир қисми *-лог, -логия, -бус, -фоб, -скоп, -изм* каби ўз семантикасига эга бўлган фаол термин ясовчи морфемалардир. Бирорта фан соҳаси йўқки, бундай морфемалар билан термин ясалмаган бўлсин.

Халқаро терминэлементлар фан ва техника тилида муҳим роль ўйнайди ва мамлакатлараро илмий-техникавий алоқаларнинг ривожланишини осонлаштиради ва мустаҳкамлайди. Халқаро терминэлементларни қўллаш ҳолати ё бирон фан соҳасида бир типдаги тушунчалар учун бир қолипли терминлар яратиш зарурати (талаби) туфайли, ёки бирон-бир сабаб билан миллий терминэлементлардан аниқ ва қисқа термин яратиш мумкин бўлмаганligидан келиб чиқади. Халқаро терминэлементлардан хийла осонлик билан (кўшма) терминлар ҳосил қи-

лиш мумкин, чунки улар ўзаро осон бирикади ва янада кўпроқ терминлар яратиш имконини беради.

Бугунги кунда таркибида халқаро терминэлементлар мавжуд бўлган минглаб сўзлар ўзбек тили луғат таркибини ва унинг терминологик тизимини бойитмоқда. Бундай терминэлементлар ўзбекча сўзларга ҳам кўшилиб, янги терминлар ясаси, ясама терминнинг қисқалиги, тушунчани аниқ ифодалай олиши, кўшиб ёзилиши жиҳатидан терминологик талабларга мос келганлиги сабабли уларнинг миқдори ошиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўзбек терминологиясидаги гибрид кўшма терминларни тадқиқ қилган А.Мадвалиев ўзбек тили терминологик тизимларида гибрид терминларни ҳосил қилувчи халқаро терминэлементлар миқдори 50 дан ортиқ эканлигини таъкидлаган бўлса³, бугунги кунда ўзбек тилида уларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Масалан, кейинги ўн йилликда терминологиямизда кўлланана бошлаган *эко-* (экология сўзининг қисқарган шакли) терминэлементи воситасида *экоҳаракат*, *экотизим*, *екомаданият*, *еконазорат*, *екосайёхлик* каби ўнлаб терминлар ясалдики, улар умумистеъмолда ҳам кенг кўлланмоқда.

Умуман, дунёнинг етакчи тиллари илмий лексикаси 1000 дан ортиқ ана шундай юнон-лотин, қисман инглиз, француз ва бошқа тилларнинг ўзак ва морфемаларидан фойдаланади. Чунончи, В.Флуд ўзининг “Терминлар. Уларнинг структураси ва маъноси” луғатида инглиз тили учун 1150 га яқин шундай терминэлементларни келтиради. Н.В.Юшманов ўзининг “Халқаро терминология элементлари” луғат-маълумотномасида рус тили учун 1100 дан ортиқроқ терминэлементни қайд этади. Д.Хеллер ва Д.Свэнсонлар “Техника терминологияси элементлари” китобида инглизча техникавий терминларни яратища терминэлемент сифатида кўлланувчи 1129 та феъл, сифат ва от ўзакларни кўрсатадилар.⁴

Ана шундай катта миқдордаги халқаро препозитив терминэлементлардан 75 таси янги 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га (2006 – 2008) ҳам киритилиб, улар бош сўз мақомидаги бошқа терминлар сингари расмийлаштирилди, яъни бош сўз, унинг этимологияси берилиб, маъноси (ёки маънолари) изоҳланди ва шу элемент иштирокида шакллантирилган терминлардан намуналар келтирилди. Масалан:

³ Мадвалиев А. Кўшма терминларнинг хусусиятлари ва уларни тартибга солиши масалалари / Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиши принциплари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 58.

⁴ Юшманов Н. В. Элементы международной терминологии. Словарь-справочник. – Москва: Наука, 1968. – С. 3-4.

ВИДЕО- [лот. video – кўряпман] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзниг тасвирни электрон сигналлар асосида етказиб беришга алоқадорлигини билдиради: *видеомагнитофон, видеотелефон*.

ГЕМО-, ГЕМАТО- [юн. haima, haimatos – қон] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, қонга алоқадорликни билдиради: *гемодез, гематология*.

ПОЛИ- [юн. poli – кўп, анча, кўпгина] Байналмилал ўзлашма қўшина сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарсанинг кўплигини, хилма-хил, мураккаб таркибли эканини кўрсатади (мас., *полиартрит, полигон*).

ТЕТР-, ТЕТРА- [юн. tetra – тўрт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, муайян сўз (тушунча)нинг “4” раҳами билан боғлиқлигини билдиради, мас., *тетрапия, тетрод ва ҳоказо*.

Мазкур терминэлементлар бевосита ёки интерфикс (асосан, биректирувчи о, баъзан и унлиси) ёрдамида бошқа сўзлар билан осонгина бирика олади. «Бу сўзларнинг ўта агглютинативлик хусусияти уларнинг турли-туман сўзлар билан фавқулодда кенг равишда қўшила олишига имкон берадики, бунда ҳосил бўлган бирикмаларнинг турли қисмлари орасида катъий бирмаънолилик муносабатлари пайдо бўлади. Айни маҳалда улар ихчам ҳамда қўлланишда жуда қулайдир».⁵

Юқоридаги сингари халқаро препозитив терминэлементлар лингвистик адабиётда, хусусан, лексикология ва терминологияга оид асарларда турлича номланиб келади. Масалан, уларнинг «сифат морфема» (В.В.Виноградов), «префикс», «приставка», «префикссоид» (В.П.Даниленко), «препозитив блоклар» ёки «аналитик аникловчилар» (В.В.Акуленко), «аналитик сифатлар» ва «препозицион юкламалар» (Л.А.Капанадзе) каби турлича номланишини⁶ мазкур терминэлементларнинг турли хил маъноларни ифодалай олиши билан изоҳлаш мумкин. Бизнингча, уларнинг агглютинатив характеристи ва, умуман, белгига алоқадор маъноларни ифодалашини назарда тутиб, В.В.Акуленко термини билан «аналитик аникловчилар» деб аташ анча маъкулдир.

⁵ Лексика современного русского литературного языка. – М.: Наука, 1968. – С. 155-156.

⁶ Виноградов В. В. Современный русский язык. – М., 1938. – С. 45; Даниленко В. П. Об особенностях морфологического словообразования в языке науки / Русский язык. Вопросы его истории и современного состояния. – М., 1978; Акуленко В. В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. – Харьков, 1972. – С. 36; Капанадзе Л. А. Взаимодействие терминологической и общеупотребительной лексики / Развитие лексики современного русского языка. – М., 1965. – С. 98.

Препозитив терминэлементларнинг, бошқача айтганда, аналитик аникловчиларнинг аксарияти қўлланиш доирасига кўра анча маҳсуслашгандир, яъни улар муайян фан соҳасидагина ишлатилади. Масалан, *азо-, азет-, карб(он), нитро-, сульфо-, тио-* каби элементлар асосан кимёда ишлатилса, *ангио-, гемо-, кардио-, ларинго-, лейко-, мио-, тромбо-* кабилар кўпинча тиббий терминларнинг шаклланишига хизмат қиласи. Сонларнинг маъносини ифодаловчи элементлар (*уни-, би-, ди-, тетра-, гекса-, дека-*) ҳамда *а-, анти-, гео-, изо-, макро-, микро-, моно-, поли-, теле-* каби терминэлементлар қўлланишда универсал бўлиб, бир неча фан соҳаларини қамраб олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳалқаро терминэлементларнинг терминологиядаги имконияти жуда кенг, улар соҳалар терминологиясини тартибга солишда, системалаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Агар ҳалқаро қўшма терминнинг ҳар иккала (ёки уч) компоненти ўзбек тилида мустақил термин ёки терминэлемент сифатида қўлланса, бундай терминлар ўзбек тилида ҳам қўшма саналади. Масалан: *карбонводород, электростанция, электрлампа, радиостанция, фотосинтез, кинофильм, электромотор, вакуумметр, бутилкаучук, томасилак, кристаллгидрат, кварцгенератор, радиолампа, кинокомедия* кабиларнинг ҳар иккала компоненти ҳам ўзбек тили терминологик системаларида мустақил термин бўла олади, шунинг учун бу типдаги сўзлар ўзбек тилида қўшма терминлар саналади.

Биринчи қисми ҳалқаро терминэлементдан ёки мустақил қўлланувчи атрибутив элементнинг қисқартмасидан, иккинчи қисми эса мустақил терминдан тузилган терминлар ҳам ўзбек тилида қўшма ҳисобланмоғи керак. Масалан, *анти-* терминэлементи билан математикада *антиоктава, антикосинус, антипаралель, антисимметрия, антирадикал, антисимвол* сингари ўндан ортиқ қўшма терминлар ҳосил қилинган. Техникада *автомобиль, автоматик сўзларининг қисқартмаси* бўлган *авто-* иштирокида бир неча ўнлаб қўшма терминлар ясалган: *автобаза, автобензин, автоприцеп, автогрейдер, автокатализ, автокран, автомашина, авторентген* ва бошқалар. Бу типдаги қўшма терминларнинг яалиши ва материали, компонентларининг маъноси тегишли соҳаларнинг мутахассислари учун тушунарлидир. Юқоридаги ҳар икки кўринишдаги қўшма терминлар ўзбек тилида ўзлаштирма қўшма терминлар дейилади. Шу типдаги айрим русча қўшма терминларнинг иккинчи қисмидаги ясовчи қўшимчаларни тегишли ўзбекча аффиксларга алмаштириш билан қайтадан қўшма термин ҳосил қилинади: *автозаправитель – автозаправкалагич, автоморфность – автоморфлик, антиокислитель – антиоксидловчи* ва бошқалар.

Турли тилларга мансуб сўз бирликларидан ҳосил бўлган (гибрид) кўшма терминлар кейинги пайтларда дурагай кўшма сўзлар⁷ ёки гибрид терминлар номи билан юритилмоқда. Бироқ гибрид терминлар атамаси ўзбек тилидаги таркибида халқаро терминэлементлар бўлган кўшма терминларга нисбатангина қўлланмоқда.

Гибрид терминлар ўзбек илмий-техникавий терминологиясида кейинги йилларда пайдо бўлган янги типдаги кўшма терминлардир. Гибрид сўз кенг маънода “турли тил элементларидан тузилган “дурагай” сўздир”⁸. Масалан, физикадаги квазизарралар термини гибрид сўз бўлиб, у лотинча *quasi* (сохта, ёлғон) сўз шакли ҳамда ўзбек тилидаги *zarra* сўзининг қўшилишидан ясалган. Демак, ўзбек терминологиясидаги гибрид кўшма терминлар, асосан, халқаро терминэлементлар деб аталувчи сўз-ўзаклар билан ўзбекча сўзларнинг қўшилишидан ясалиб, бунда халқаро терминэлементлар сифатида юончча ва лотинча префиксал характердаги боғлиқ морфемалар иштирок этади. Масалан, *авиасоат*, *аэрофотосурат*, *гидротузлар*, *ультратовуш* сингари гибрид кўшма терминларнинг биринчи компонентлари (*авиа-*, *аэро-*, *гидро-*, *ультра-*) ана шундай халқаро терминэлементлар, иккинчи компонентлари эса ўзбекча сўзлардир.

Баъзан биргина аналитик аниқловчи билан ҳосил қилинган бундай гибридларнинг ўзи бутун бир терминологик майдонни ташкил этади. Чунончи, физика лугатида келтирилган, *радио-* элементи иштирокида ясалган 140 кўшма терминдан 20 таси гибрид кўшма терминдир. Буларга яна кундалик ҳаётдаги *радиосуҳбат*, *радиоэшилтириш*, *радиоҳикоя*, *радиомунозара*, *радиотингловчи*, *радиоустахона*, *радиоқулоқ*, *радиоҳаваскор* сингари кўшма сўз-терминларни киритиш мумкин.

Юқоридагилардан ташкари, илмий-техникавий терминологик системаларда, хусусан, кимё терминологиясида гибрид кўшма терминлар ҳосил қилувчи юончча *алло-* (аллодолчин кислота), *ксанто-* (ксанто-тузлар), *лейко-* (лейкобирикмалар), *мета-* (метаҳолат), *родо-* (родотузлар), *прото-* (протоюлдуз), *пиро-* (пироузум кислота), *стерео-* (стереотузилиш), *тио-* (тиотузлар), *эритро-* (эритротузлар) ва лотинча *ацето-* (ацетосирка кислота), *карбо-* (карбозанжирли), *мульти-* (мультитурғунлик), *сульфо-* (сульфоҳосила), *флаво-* (флавотузлар) каби кўплаб аналитик аниқловчилар фаол қўлланмоқда.

Бундай гибрид терминларнинг қисқалиги ва семантик ҳажмдорлиги терминга бўлган асосий талабларга айни мос келади. Гибрид тер-

⁷ Маматов Н. Ўзбек типида кўшма сўзлар. – Топкент: Фан, 1982. – Б. 33.

⁸ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – С. 98.

минларнинг бу хусусиятлари уларнинг тегишли бирикма терминлардан ва тавсифий терминлардан афзалигини белгилайди.

Халқаро терминэлементлар иштирокида ҳосил қилинган соҳавий терминлар куйидаги хусусиятларга кўра афзалликларга эга:

1. Маълумки, терминологияк тамойилларга кўра, термин шаклан қиска ва ихчам бўлиши керак. Шу нуткаи назардан халқаро терминэлементларни таржима қилиш натижасида ҳосил қилинган бирикмали ёки тавсифий терминлар билан уларнинг яримкалькалаш орқали ясалган шаклини қиёслаб кўрайлил: *табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати* – экология ҳаракати; *чегаралар орқали ўтувчи дарёлар* – трансчегаравий дарёлар. Ушбу синонимик жуфтликларнинг яримкалькаланган шаклларидағи экология, транс- сўзларини қисқарган шаклда экоҳаракат, трансчегаравий (дарёлар) тарзида қўллаш икки тушунчани бир сўз орқали ифодалаш мумкинлигини кўрсатади.

2. Бирор тушунчани ифодаловчи, ўзга тилга хос терминга ўзбекча муқобил топишда янгидан ҳосил қилинаётган лексик бирликнинг ахборот қабул қилиш ва узатишда имкон қадар аниқ ифодага, яъни семантиказга эга бўлиши энг муҳим омил саналади. Шу сабабли ҳам ҳар доим халқаро терминэлементлар семантикасини тўлиқ қамраб оловчи муқобил сўз танлаб олиш анча қийин кечади. Масалан, ҳарбий терминологияда фаол қўлланувчи контратака термини ўзбек тилида қарши ҳужум тарзида қўлланмоқда. Ташқи жиҳатдан шаклан қараганда бундай қўлланиш меъёрий ҳолга ўхшайди. Ҳолбуки, *контр-* терминэлементи семантикасида “жавобан” семаси мавжуд (душман ҳужумига жавобан қарши ҳужум). Ўзбекча муқобилида эса мазкур сема ифодаланмаган. Бу ерда *контрҳужум* тарзида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

3. Баъзи халқаро терминэлементлар семантик қўламишининг кенглиги ўзбек тилида уларни барча ҳолатларда муқобили билан алмаштиришга имкон бермайди. Масалан, *макро-* терминэлементини *макрозарра*, *макросурат* сўзларида *йирик*, *катта* сўзлари билан алмаштириш мумкин, бироқ *макроиқтисодиёт*, *макроиқтим* терминларида уларни синоним сифатида ишлатиб бўлмайди.

4. Халқаро терминэлементларнинг сўз таркибида турли ўринларда, яъни сўз олдида, сўз ўртасида, сўз охирида жойлаша олиши, шунингдек, бир термин таркибида икки ва ундан ортиқ терминэлементларнинг кетма-кет кела олиши уларнинг соҳавий терминлар ясашдаги имконияти кенглигини кўрсатиб турибди.

Халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган терминлар, асосан, моносемантик хусусиятга эга эканлиги билан ҳам ажralиб туради. Бу ҳол, ўз навбатида, терминэлементларни маҳсуслаштиришда қўл келади. Ўзбек тилидаги *-гич* (техника терминологиясида), *-симон*, *-дошлиар*

(ботаника терминологиясида), *-лаш*, *-лаштириш*, *-шунос*, *-шунослик* каби морфемаларнинг терминэлементларга айланиб боришида халқаро терминэлементларнинг таъсири катта.

Терминлар имлоси стандартлаштирилаётган терминларни тил нуқтаи назаридан шакллантиришнинг муҳим бир жиҳати эканлигини терминшунослар алоҳида таъкидлашади⁹. Ўзбек тили терминологиясида қўшма терминлар имлосини кузатар эканмиз, уларда бир қатор чалкашликлар кўзга ташланади. Терминэлементлар воситасида ҳосил қилинганд қўшма терминларнинг барчаси, яъни ўзбек тилига тайёр ҳолда ўзлаштирилган *радиоаппаратура*, *фотосинтез*, *автобензин* каби қўшма терминлар, халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган *авиаийуналиш*, *аэрофотосурат*, *радиолавҳа*, *киноюлдуз* каби гибрид терминларнинг қўшиб ёзилиши бирмунча меъёrlашган бўлса-да, халқаро терминэлементлар ўзбекча муқобиллар билан ифодаланган ҳолларда, уларнинг имлоси қатъий эмас. Масалан, *ультрақисқа* – *ўта қисқа* // *ўтақисқа*, *автоагдаргич* – *ўзиагдаргич* // *ўзи агдаргич* каби компонентларни маҳсус луғатларда, илмий матнларда ўзаро қўшиб ёзиш ҳамда ажратиб ёзиш ҳоллари учраб турибди. Маълумки, қўшма терминларни ҳосил қилувчи лисоний бирликларни қайси ҳолларда қўшиб, қайси ҳолларда ажратиб ёзишнинг илмий асослари ўз тадқиқини кутмоқда. Бироқ халқаро терминэлементлар ёрдамида ясалган ҳар қандай терминни – у хоҳ айнан ўзлаштирилган бўлсин, хоҳ яримкалька қилинганд бўлсин, аслига кўра қўшиб ёзиш мақсадга мувофиқdir.

Демак, соҳавий терминологияларда халқаро терминэлементлардан унумли фойдаланиш, бир томондан, терминлар маъносига аниқлик киритиб, шаклий ихчамликка олиб келса, иккинчи томондан, терминологиямизда сўз ясаш имкониятини ошириб, терминларни тартибга солишда муҳим ижобий аҳамият касб этади.

*Абдуваҳоб Мадвалиев,
Нельмат Маҳкамов*

⁹ Қаранг: Даниленко В. П. Лингвистические требования к стандартизируемой терминологии / Терминология и норма: – М.: Наука, 1972. – С. 28.

A..., унлилар олдидан АН... [юн. a-, an-] – ўзи қўшилган сўз асосидан англашилган маънони инкор этиш ёки қайсиdir сифат, хусусиятнинг мавжуд эмаслигини ифодалайдиган олд қўшимча. Mac.: **авитаминоз** [а...+ витамин +...оз] – организмда тегишли витамин(лар) этишмаслиги натижасида пайдо бўладиган касаллик; **агнозия** [а...+...гнозия] – бош мия пўстининг заарланиши натижасида нарса, ҳодисаларни фаҳмлаш, тушуниш қобилиятига эга бўлмаслик; **анормал** [а...+ нормал] – меъёрга, нормага зид бўлган, меъерий бўлмаган; **асимметрия** [а...+ симметрия] – симметриясизлик, симметриянинг бузилиши; **аналгия** [ан...+...алгия] – айрим касалликларда, баъзан туғма ҳолда оғриқ хиссининг бўлмаслиги; оғриқни сезмаслик; **анархия** [ан...+...архия] – бошбошдоқлик, тартибсизлик, хўжасизлик; ҳокимиятни, тартиб-қоидани тан олмаслик; **анаэробиоз** [ан...+ аэро...+...биоз] – организмларнинг эркин кислород бўлмаган мухитда ҳаёт кечира олиши; **аноним** [ан...+...оним] – хат ёки асарнинг номи маълум бўлмаган муаллифи; муаллифи кўрсатилмаган асар.

АВАН... [фр. avant – олдинда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, олд, олдинги, олдинда каби маъноларни билдиради. Mac.: **авангард** [аван...+ фр. garde – қўриқчи] – ҳарбий сафар вақтида асосий кучларни душманнинг тўсатдан бўладиган ҳужумидан сақлаш учун олдинда борувчи ҳарбий бўлинма; **аванзал** [аван...+ зал] – олдинги зал, асосий зал олдидағи хона; **авансцена** [аван...+ лот. scena < юн. skene – чодир, палатка] – пешсаҳна; саҳнанинг парда олди билан оркестр ўрни орасидаги қисми; **авантитул** [аван...+ титул] – китобнинг титул варагидан олдин жойлашувчи сарвараги; унда нашриёт номи, унинг маркаси, китобнинг муаллифи, номи ва бошқа маълумотлар берилади.

АВИА... [лот. avis – қуш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) қушлар билан боғлиқ сўзлар ясади. Mac.: **авифауна** [ави(а)...+ лот. Fauna – у ёки бу ҳайвонот мажмуи] – муайян ҳудудда ва мухитда ёки Ер тарихининг маълум бир даврида мавжуд бўлган қушлар; 2) авиацияга алоқадор қўшма сўзларнинг таркибий қисми. Mac.: **авиакомпас**, **авиамодель**; **авиайўналиш** [авиа...+ йўналиш]; **авиапочта** [авиа...+ почта] – почта юклари самолётда ташиладиган алоқа тармоғи.

АВТО... [юн. autos – ўзи, ўзим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, куйидаги маъноларни англатади: 1) ўзим, ўзимники, ўз қўлим билан. Mac.: **автограф**, **автократия**, **автопортрет**, **автореферат**; **автобиография** [авто...+ биография] – бирор шахснинг

ўз кўли билан ёзган таржимаи ҳоли; 2) автоматик, ўзи ҳаракатланадиган. Mac.: **автоюклагич**; **автокар** [авто... + ингл. car – аравача] – ўзи юрар аравача; 3) ўз-ўзидан. Mac.: **автогамия**, **автотомия**; **автохория** [авто...+...хория] – мева, уруғларнинг ташқи омиллар таъсирисиз ўз-ўзидан тўкилиши, сочилиши ва тарқалиши; 4) автомобилга оид. Mac.: **автовокзал**; **автомагистраль** [авто...+ лот. *magistralis* – бош, асосий] – ўтказиш қобилияти юқори бўлган катта автомобиль йўли.

АГРО... [юн., лот. *agros* – дала; қишлоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, агрономия, дехқончилик маъноларини ифодалайди. Mac.: **агробиология**, **агрокимё**, **агротехника**; **агрономия** [агро...+...номия] – дехқончилик қонун-қоидалари ҳақидағи фан; қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг илмий асоси; **агросаноат** [агро...+ саноат] – қишлоқ хўжалиги саноати.

АД... [лот. *ad* – олд, олдига, олдида; ёнида] – лотин тилидаги олд қўшимча бўлиб, кўпинча ўзи қўшилган ўзакнинг бош товушига мослашиб (ассимиляцияга учраб), *а-*, *ак-*, *ал-*, *ан-*, *ас-*, *ат-* каби кўринишларда ҳам бўлади. Mac.: **аггрегация** < *ад* + грегация, **аккомодация**, **аллитерация**, **апперцепция**, **ассимиляция**, **аттестация** сингари сўзлардаги биринчи бўғинлар лотинча *ad*- қўшимчасининг шакл ўзгаришлариdir.

...**АД**, ...**АДА** [*фр. -ade, исп. -ada*] – сўз ясовчи суффикс бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан биргаликда: 1) бирор нарсанинг кўплигини, жамликни (**аркада**, **армада**, **балюстра**, **колоннада**); 2) муайян вакт давом этадиган жараённи (**блокада**, **канонада**, **серенада**, **тампонада**) билдирада. Mac.: **аркада** [*фр. arcade*] – колонналар ёки устунлар устига ўрнатилган бир хил аркалар қатори; **серенада** [*фр. serenade* < *итал. serra* – оқшом, кечки пайт] – Европада, одатда, оқшом пайти ва кечалари эшик ортида ёки дераза остида туриб, маъшуқага бўлган хис-туйғуларни мусикий қўшиқ орқали ифодалаш.

АДЕН... [юн. *aden* – без] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, без маъносини ифодалайди. Mac.: **аденит**, **аденовируслар**, **аденоидлар**, **аденокарцинома**; **аденома** [*аден...*+...ома] – бир қатор без тўқималарида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма.

...**АЖ** [*фр. -age*] – сўз ясовчи суффикс бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан биргаликда: 1) турли хил жараёнлар, ҳаракат-холатларни ва уларни амалга ошириш усулларини (**абордаж**, **арбитраж**, **барраж**, **каротаж**, **патронаж**, **пейзаж**, **тампонаж**); 2) учиш аппаратларини бошқариш усулларини (**вираж**, **пилотаж**); 3) санъат билан боғлиқ тушунча номларини (**вернисаж**, **витраж**, **коллаж**, **плюмаж**); 4) жой, нарса-предметлар номларини (**бандаж**, **пассаж**, **экипаж**); 5) нарса-предметларни ўлчаш бирликларини (**листаж**, **литраж**, **метраж**, **тоннаж**) ифодалайди.

...АЗА [ингл. -ase] – бир қатор сўзлар таркибида сўз ясовчи суффикс сифатида ажралиб, ўзи кўшилган сўз билан биргаликда биологик кимёдаги жараёнларда фаол иштирок этувчи моддалар – ферментлар, энзимлар номларини билдиради. Mac.: **амилазалар, гидролазалар, лиазалар, нуклеазалар, оксидазалар, протеазалар** ва ҳоказо.

...АЗМ қ. ...ИЗМ

АЗО... [“азот” сўзидан < a...+ юн. zoos – тирик, жонли] – кимёвий бирикмалар номларининг таркибий қисми бўлиб, азот ва унинг бирикмаларига тегишили деган маънени англатади. Mac.: **азобензол, азобирикмалар, азобўёқлар, азогурӯх.**

АКАРИ... [юн. akari – канা] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, канা, ҳашарот каби маъноларни англатади. Mac.: **акарифаглар, акароз; акарицидлар** [юн. акари...+...цид] – турли хил каналарга карши кўлланадиган кимёвий моддалар; **акарология** [акар(о)...+...логия] – зоологиянинг каналарни ўрганувчи бўлими.

АКВ(А)... [лот. aqua – сув] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сув, сувга алокадорлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **аквамарин, акванавт, аквариум; акваланг** [аква...+ ингл. lung – ўлка] – одамнинг сув остида бемалол нафас олиб сузишига ҳамда ишлашига имкон берувчи аппарат; **акваметрия** [аква...+...метрия] – анорганик ва органик моддалар таркибидаги сув миқдорини бевосита аниқлаш (ўлчаш) усули; **акватория** [аква...+ (терри) тория] – сув ҳавзаси юзасининг бир қисми; **акведук** [акв(е)...+ лот.ducere – олиб бориш, ўтказиш] – жар, дара, дарё, йўл устидан ўтказиладиган нов ёки кувурдан иборат кўприксимон сувўтказгич иншоот.

АКРО... I [юн. akron – оёқ-кўл] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, оёқ-кўл, одам аъзоси маъноларини ифодалайди. Mac.: **акроцианоз; акромегалия** [акро...+ юн. megas, megale – катта] – гипофиз функциясининг бузилиши ва гормоннинг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида пайдо бўладиган касаллик; бунда оёқ-кўл ва бир қатор тана аъзоларининг ғоят катталашиб кетиши кузатилади.

АКРО... II [юн. akros – юқори, баланд; чўққи] – ўзлашма кўшма ва ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, юқори, баланд, чўққи маъноларини билдиради. Mac.: **акробатика; акрокефалия** [акро...+...кефалия] – бош суюгининг чўққи (минора)симон шаклда бўлиши; **акрополь** [акро...+ юн. polis – шахар] – юон шаҳарларининг муҳофазаланган ва баландлиқда жойлашган қисми; **акросома** [акро...+ юн. soma – тана] – сперматозоид бошчаси устидаги гилофча.

АКРО... III [юн. akros – чекка] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, чет, чекка маъноларини ифодалайди. Mac.:

акростих [акро...+ юн. stichos – қатор, сатр] – тегедан пастга қараб ўқилганда, ҳар бир сатр бош (биринчи) ҳарфларидан бирор исм ёки сўз келиб чиқадиган шеър тури; мумтоз адабиётимизда: мувашшаҳ.

АКСЕЛЕРО... [лот. accelerero – тезлатаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг тезликка, тезланишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **акселератор, акселерограф; акселерометр** [акселеро...+...метр] – машиналар, космик учиш аппаратлари, ракеталар, самолётлар ва бошқа юқори тезликда харакатланувчи обьектларда ҳамда машиналарни синаш пайтида пайдо бўладиган тезланишни ўтчайдиган асбоб.

АКСИО... [юн. axia – қиммат, қадр] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қадриятга алоқадорликни билдиради. Mac.: **аксиология** [аксио... + ...логия] – қадриятлар тўғрисидаги фан.

АКСОН(О)... [юн. axon – ўқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг проекция (ўқ)га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **аксонограф; аксонометрия** [аксоно...+...метрия] – чизмада предметларни параллел проекциялар ёрдамида тасвирилаш усули.

АКТИНО... [юн. aktinos – нур] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нур, нурли, нур энергияси маъноларини билдиради. Mac.: **актинограф, актиноидлар, актинометр, актинофаглар; актинолит** [актино...+...лит] – нур сочувчи тош; **актиномикоз** [актино...+ мик(о)...+...оз] – турли нурсимон замбуруғлар – актиномицетлар келтириб чиқарадиган юқумли касаллик.

АКУ... [юн. akiō – эшитаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг эштишига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **акустика; акуметрия** [аку...+...метрия] – эштишининг қайдаражада ўтқиригини инсон кулоги қабул киладиган энг паст товуш кучини аниқлаш орқали ўлчаш; аудиометрия.

АЛ... I [лот. ad – олд, -га, -да] – **АД...** терминэлементининг изоҳига қаранг. Mac.: **аллитерация** [ad...+ лот. littera – ҳарф] – бадий адабиётда мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ёки оҳангдош ундош товушларнинг баъзан сўзларнинг такрор қўлланиши.

АЛ II [а. й – al] – аниқлик артикли; араб тилидан бир қатор Шарқ халқлари тилларига ўзлашган сўзларда отлар олдидан келиб, аниқлик маъносини беради. Агар бу артиклъ б, ж, к, ф, қ, ҳ каби қамария ҳарфлари билан бошланувчи сўзларга қўшилса, аслидагидай **ал** тарзида ўқиласди. Mac.: **ал-Китоб, ал-Куръон, ал-Хоразмий**. Агар **ал** артикли д, з, н, с, р, т, ш каби шамсия ҳарфлари билан бошланувчи сўзларга қўшилса, ундаги **л** товуши ўзакдаги бош товушларга мослаштириб, иккилантириб ўқиласди: **ал-шамсу > аш-шамсу, ал-раҳмон > ар-раҳмон, ал-наби > ан-наби** каби. Ал аниқлик артикли билан келган бир қанча

арабча сўзлар турли фонетик ўзгаришлар билан бир бутун ҳолда европа тилларига ҳам ўтиб, ҳалқаро терминларга айланган: **азимут** [фр. azimut < a. السموٹ as-sumut – ўйллар, йўналишлар] – геодезия ва астрономияда: кузатиш нуқтаси меридиани текислиги билан ушбу нуқта ва кузатилаётган обьект орқали ўтувчи вертикал (тик) текислик ўртасидаги бурчак; **алкоголь** [а. الکحول al-kuhl – майин кукун; الكحول спирт] – спиртли ичимликлар; **эликсир** [фр. elixir < a. الیکسیر al-iksir – фалсафа тоши] – 1) ўрта аср кимёгарлари фикрича, абадий ёшлик баҳш этувчи тириклик суви; 2) ўсимлик моддалардан алоҳида усуlda олинадиган суюқлик; кучли дамлама; косметика ва тиббиётда ишлатилади.

...**АЛГИЯ** [юн. algos – оғриқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг оғриққа, оғриқли касалликка алокадорлигини билдиради. Mac.: **ангина**, **гемиалгия**, **глоссалгия**, **кардиалгия**, **люмбалгия**, **невралгия**, **одонталгия**, **орхиалгия**, **подалгия**; **артралгия** [артр...+...алгия] – бўғимлар оғриғи; **миалгия** [ми(о)...+...алгия] – турли характердаги мушак оғриқлари хуружи.

АЛЛО... [юн. allos – бошқа; ҳар хил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзга, бегона, бошқа маъноларини ифодалайди. Mac.: **аллергия**, **аллогамия**, **аллогенез**, **аллометрия**, **аллохория**, **аллохтонлар**; **аллоним** [алло...+...оним] – бирорнинг тахаллус, лақаб сифатида фойдаланилган ҳакиқий исми; **аллопластика** [алло...+...пластика] – аъзо ва тўқималар нуқсонларини жонли мавжудотларга алокадор бўлмаган материаллардан фойдаланиб бартараф этиш (жарроҳлик усули); **аллотропия** [алло...+...тропия] – кимёвий элементнинг тузилиши ва хоссалари турлича бўлган икки ёки ундан ортиқ оддий модда ҳолида мавжуд бўла олиши (мас., углероднинг графит ёки олмос ҳолида бўлиши).

АЛЬБИ... [лат. albus – оқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, оқимтири тусга алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: **альбинизм** [альби(н)...+...изм] – одам ва ҳайвонлар терисида ва қўзининг рангдор пардасида пигментнинг бўлмаслиги; **альбит** [альби...+...ит] – дала шпатлари гурухига мансуб жинс хосил қилувчи оқ рангли минерал; натрий алюмосиликат; **альбом** [фр. album < лат. albus – оқ] – китоб шаклида муқоваланган ва расм чизишга, турли коллекцияларни сақлашга мўлжалланган оқ, тоза вараклар.

АЛЬГО... [лат. alga – сувўт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг сувўтларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **альгицидлар**; **альгология** [алго...+...логия] – ботаниканинг сувўтларни ўрганадиган бўлими.

АЛЬТИ... [лат. altum – баландлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг баландлик маъносига алоқадор-

лигини күрсатади. Mac.: альтиграф; альтиметр [альти...+...метр] – баландлик ўлчагич (учиш аппаратларида).

АМБИ(О)..., АМБО... [лат. ambi < юн. amphī – атрофида, иккала томонидан] – ўзлашма күшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, икки томонламалик, икки қарама-қарши хусусиятга ёки ҳолатта эгалик каби маъноларни билдиради. Mac.: амбиофоник, амбоцентор; амбиавалентлик [амби...+ лот. valentia – куч] – кишида бир пайтнинг ўзида бир-бирига қарама-қарши ҳиссиётнинг юзага келиши; чунончи, баъзан кишида айни бир нарсага нисбатан ҳам меҳр, ҳам нафрат уйғониши (симпатия ва антипатия).

АМБЛИ... [юн. amblys – ўтмас] – ўзлашма күшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўтмас, кучсиз, заиф маъноларини ифодалайди. Mac.: амблигонит; амблиопия [амбли...+...опия] – кўриш анализаторининг бир ёки икки томонлама функционал шикастланиши натижасида кўриш қобилиятининг пасайиши.

АМИЛ(О)... [юн. amyelon – крахмал] – муайян ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, крахмалга алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: амилоза, амилоидлар, амилопластлар; амилацетат [амил(о)...+ лот. acetum – сирка] – органик бирикма; сирка кислотанинг амил эфири; амилодекстрин [амило...+ лот. dexstri – ўнг томондаги +...ин] – крахмал гидролиз йўли билан парчалангандага ҳосил бўладиган дастлабки маҳсулот; амилопектин [амило...+ юн. pektos – музлаган, куюлган] – глюкоза қолдиқларидан ҳосил бўлган тармоқланган полисахарид.

АМПЕЛО... [юн. ampelos – узум] – ўзлашма күшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, узум маъносини англатади. Mac.: ампелография [ампело...+...графия] – узум турлари ва навларини ўрганадиган фан; ампелотерапия [ампело...+...терапия] – турли хил касалликларни узум ёки унинг шарбати билан даволаш.

АМФИ..., АМФО... [юн. amphī – атрофи, ёни, ҳар икки томони; ampho – ҳар иккаласи; айланасига] – олд кўшимча бўлиб, ўзи кўшилган сўзда қуидаги маъноларни ифодалайди: 1) ҳар икки томондан; айланасига; теварак-атроф. Mac.: амфибрахий; амфитеатр [амфи...+ театр] – томошалар учун мўлжалланган, айлана ёки овал шаклидаги иншоот бўлиб, унда ўринлар томоша майдони атрофида пастдан юқорига зина шаклида жойлашган; амфодонтоз [амф(о)...+...одонт(о) + ...оз] – тиши атрофидаги тўқималар касаллиги; амфолитлар [амфо...+ ...лит] – бир пайтнинг ўзида мусбат ва манфий ионларини алмаштира оладиган ионитлар; 2) ҳар иккаласи. Mac.: амфиболлар, амфидиплоид, амфиподлар; амфибиялар [амфи...+ юн. bios – ҳаёт] – икки хил ҳаёт кечирувчи, сувда ва қуруқликда яшай оладиган жониворлар.

АНА... [юн. ana – яна, қайта; қарши, орқага, ортга, тескари; юкори, устига] – ушбу кўп маъноли олд қўшимча муайян сўзларга қўшилганда, қуидаги маъноларни билдиради: 1) қайта, яна: **анабаптистлар, анабиоз, анафилаксия**; 2) -га, устига, юкорига: **анаморфоз, анафора, анафронт**; 3) ортга, тескари: **анаграмма, анаплазия, анахронизм**; 4) ўҳаш, сингари: **анатоксин**; 5) ташқари: **анагалактик**; 6) қарши: **анафаза**. Mac.: **анафронт** [ана...+ фр. front – олд, пешона] – исик ҳавонинг юкорига кўтарилиб боришидан иборат атмосфера фронти; **анахронизм** [ана...+ юн. chronos – вақт, давр] – 1) хронологияга зид бўлган хатолик: бирон-бир воқеа, ҳодисанинг бошқа даврга, замонга нисбат берилиши; 2) муайян давр тасвирига шу замонга хос бўлмаган хусусиятларни атайлаб киритиб қўйиш; **анатоксин** [ана...+ юн. toxikon – заҳар, токсин] – махсус ишлов бериш йўли билан заарсизлантирилган, лекин ўзининг антиген хоссаларини сақлаб қолган бактериал токсин; **анагалактик** [ана...+ галактика]: **анагалактик юлдуз системалари** – галактикамиздан ташқарида жойлашган бошқа юлдуз системалари.

АНГИО... [юн. angeion – томир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, томирга алоқадорликни билдиради. Mac.: **ангиология, ангионервозв; ангиокардиография** [ангио...+ кардио...+ ...графия] – рентгенологик текширишда юрак ва йирик томирлар ичида контраст модда юбориб, уларнинг соя тасвирини олишга имкон берадиган усул; **ангиома** [ангио...+...ома] – қон ёки лимфа томирларида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма; **ангиоспазм** [ангио...+...спазм] – майда артерияларнинг, капиллярларнинг аъзо ва тўқималардаги қон таъминотини издан чиқарадиган, вақти-вақти билан содир бўладиган тортишиб қисқариши.

АНДРО... [юн. aner (andros) – эркак, эр киши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, эркакларга, эр кишига хос, алоқадор маъноларини ифодалайди. Mac.: **андрогенез, андрогиния, андростеронлар; андрогенлар** [андро...+...ген] – умуртқали ҳайвонлар ҳамда одамнинг эркак жинсий гормонлари; **андрология** [андро...+...логия] – урологиянинг эркаклар сийдик-таносил аъзолари касалликларини ўрганувчи соҳаси; **андрофобия** [андро...+...фобия] – эрни, эркакларни ёқтирмаслик, улардан кўркиш.

АНЕМО... [юн. anemos – шамол] – ўзлашма қўшма сўзнинг таркибида шамол маъносини ифодалайди. Mac.: **анемограф, анемометрия, анемофилия; анемометр** [анемо...+...метр] – шамолнинг, газ-ҳаво оқимининг тезлигини ўлчайдиган асбоб; **анемохория** [анемо...+...хория] – ўсимлик мевалари ва уругларининг шамол ёрдамида тарқалиши; шамол орқали чангланиш.

АНИЗО... [юн. anisos (an...+izos) – бир хил бўлмаган, тенг бўлмаган] – ўзлашма қўшма сўзнинг биринчи қисми бўлиб, бир хил эмаслик, ҳар хиллик маъносини ифодалашга хизмат қиласди. Mac.: **анизокория, анизогамия; анизотропия** [анизо...+...тропия] – модда физик хоссаларининг тури йўналиш ва кесимларда ҳар хил бўлиши.

АНИМ(АЛ)... [лат. anima, animalis – жон, рух; жонивор, жонли, тирик мавжудот] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг тирик(лик), жонли(лик), жонли мавжудот; рух маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **аниалистика, аниматизм, анимато, анимация, анимизм; анимал** [лат. animal – ҳайвон, жонивор] – ҳайвонларга, тирик мавжудотга оид, хос: **анимал функциялар** – факат ҳайвонларгагина хос (одамга эмас) функциялар; **анимал кутб** – ҳайвонлар тухумхужайрасининг уруғлантиришга қадар ядро жойлашган қисми; **анимализм** [анимал...+...изм] – баъзи динларда: муайян ҳайвон(лар)ни ҳурмат қилиш, муқаддас деб билиш, илоҳийлаштириш; зоолатрия; **анималист** [анимал...+...ист] – ҳайвонларни тасвирловчи рассом ёки ҳайкалтарош; **аниматор** [лат. animator – ҳаёт бахш этувчи, “тирилтирувчи”] – мультиплекцион фильм ижодкори, мультфильмлар яратувчи кинематограф.

...АНТ, ...ЕНТ [лат. -ant(is), -ent(is)] – от ясовчи қўшимча бўлиб: 1) муайян амал, мансаб эгалари (**интендант, комендант, президент, резидент**); 2) турли таълим босқичида ўқиётган, илмий муассасаларда ишлаётган шахслар (**аспирант, диссертант, докторант, доцент, магистрант, студент**); 3) ҳабар, маслаҳат, ёрдам берувчи, бирор нарсани намойиш қилувчи шахслар (**акцептант, ассистент, информант, консультант, лаборант, оппонент, респондент, референт; секундант; дипломант, концертант, презентант**); 4) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолиятга алоқадор шахслар (**диверсант, диссидент, коммерсант, конкурент, эмигрант**); 5) кимёвий ва доривор моддалар (**дезинфектант, дезодорант, десикант, линимент**) номларини хосил қиласди.

АНТИ... [юн. anti – қарши, зид] – муайян сўзларда олд қўшимча вазифасини бажариб, ўзи қўшилган сўзнинг антонимини, қарама-қаршини хосил қиласди. Mac.: **антибиотиклар, антигормонлар, антинейтрон, антиномия, антисемитизм, антитеррор, антифашизм, антициклон, антоним; антимонопол** [анти...+ монопол] – монополия қарши; **антиприетиклар** [анти...+ юн. рүgetos – иссиқлик, иситма] – иситмага қарши, иссиқлик туширувчи дори воситалари; **антифон** [анти...+...фон] – қулоқни беркитиш, шовқиндан ҳимоя қилиш мосламаси; **антифризлар** [анти...+ ингл. freeze – музламок] – анча паст температурада ҳам музламайдиган суюқликлар.

АНТИК(В)... [лат. antiques – қадимги] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, қадимги, қадим замонга оид; нодир, қимматбаҳо каби маъноларни билдиради. Mac.: **антик** (адабиёт, давр, театр), **антиква, антиквар** (буюм, китоб, магазин); **антиквар** [лат. antiquarius – қадимги буюмлар ишқибози, билимдони < антикв...+...арису>] – қадимги буюмлар – мебель, сурат, китоб, зеб-зийнат, тақинчоклар билимдони, тўпловчи ва сотувчisi; **антиквариат** [антиквар(и)...+...ат] – 1) қадимги қимматбаҳо буюмлар олди-сотдиси; 2) шундай буюмлар тўплами, мажмуи.

...АНТРОП [юн. anthropos – одам] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан биргалиқда энг қадим замонларда яшаб ўтган ва кейинчалик скелетлари қазиб топилган одамларнинг шартли номларини билдиради. Mac.: **африкантроплар, зинжантроплар, питекантроплар, синантроплар; архантроплар** [арх(о)...+...антроп] – тараққиёт ва маданият даражаси бўйича бир-бирига яқин, суяклари қазиб топилган одамлар; уларнинг аксарияти топилган жой номига қараб (**африкантроп, зинжантроп, синантроп**) ёки ўхшашлигига қараб (**питекантроп**) номланган. Ҳозирги терминлар орасида ҳам шу қолипда ясалганлари учрайди: **филантроп** [фил(о)...+...антроп] – одамсевар, одамларга яхшилик, мурувват қилувчи шахс.

АНТРОПО... [юн. anthropos – одам] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг одамга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **антропогенез, антропография, антропометрия, антропонимика, антропосфера, антропоцентризм; антропоидлар** [антропо...+...оид] – одамсимон маймунлар; **антропология** [антропо...+...логия] – одамнинг келиб чиқиши ва унинг жисмоний шаклланиш эволюцияси ҳақидаги фан; **антропонозлар** [антропо...+ юн. nosos – касаллик] – қўзғатувчилари фақат инсонгагина зарар етказа оладиган юқумли касалликлар гурухи; **антропофагия** [антропо...+...фагия] – одамхўрлик, каннибализм; **антропохория** [антропо...+...хория] – ўсимликларнинг инсон томонидан ғайрихтиёрий ҳаракат қилиш оқибатида тарқалиши (mac., нарса-буюмлар ташишда).

АПО... [юн. apo – -сиз; -дан ташқари] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: I. Бирор нарса йўқлигини, инкорни, узоқлашишни ифодалаш учун қўлланади. Mac.: **апомарказ, апоселений; апогей** [апо...+ юн. ge – Ер] – Ер йўлдоши (Ой ёки сунъий йўлдош)нинг Ер марказидан энг узоқда жойлашган нуқтаси. II. Бирор нарсадан пайдо бўлганликни билдиради. Mac.: **апоневроз, апоплексия, апофония; апогамия** [апо...+...гамия] – гаметофитнинг уруғланмаган хужайрасидан ўсимлик ҳосил бўлиши; **апомиксис** [апо...+ юн.

mixis – аралаштириш] – организмларни жинссиз, жинсий жараён содир бўлмасдан кўпайтиришдаги турли усуllар; **апоспория** [апо...+ юн. spora – уруғ] – ўсимликларда гаметофитнинг споралардан эмас, спорофитнинг бошқа (вегетатив) ҳужайраларидан ривожланиши, насл ҳосил қилиши.

АРАХИ(О)... [юн., лот. arachne – ўргимчак] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўргимчакка алоқадорлик, ўхшашлик маъноларини билдиради. Mac.: **арахниидлар, арахнозлар; арахноидит** [арахн(о)...+...оид +...ит] – бош мия ва орқа миядаги ўргимчак тўрисимон парданинг яллиғланиши; **арахнология** [арахно...+...логия] – зоологиянинг ўргимчаксимонлар синфини ўрганувчи соҳаси; **арахнофобия** [арахно...+...фобия] – ўргимчаклардан ҳаддан ташқари, азобли тарзда кўркиш.

АРБО(РО)... [лот. arbore – дараҳт] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг дараҳтга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **арбарицидлар** [арборо...+...цид] – кераксиз, бегона дараҳт ва буталарни йўқотишида кўлланадиган кимёвий моддалар; **арболит** [арбо...+...лит] – ёғоч, қамишнинг майдаланган чиқитларидан ва органик аралашмалардан тайёрланадиган енгил бетон тури.

АРГЕНТ(О)... [лот. argentum – кумуш] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кумушга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **аргентит; аргентометрия** [аргенто...+...метрия] – микдорий анализнинг кумуш нитратнинг титрланган эритмасидан фойдаланишга асосланган титрлаш усули.

АРИЛЛ(О)... [юн. argillos – лой, гил] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, гил, лой маъноларини ифодалайди. Mac.: **аргиллофиллар; аргиллитлар** [аргилл...+...ит] – гил ва гилсимон чўкиндиларнинг зичланиши, сувсизланиши, цементланиши натижасида ҳосил бўлган, тошқотганлиги ва сувда бўймаслиги билан гилдан ажралиб турадиган чўкма тоғ жинслари.

АРЕО... [юн. araios – уқаланувчан, сочиувчан; зич бўлмаган, суюқ] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, суюқ, сочиувчан каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **ареометр** [арео...+...метр] – суюқлик ва сочиувчан қаттиқ жисмларнинг зичлигини ўлчайдиган асбоб.

...АРИУМ, ...АРИЙ [лот. ari(um)] – асосан, жамловчи маънодаги ўрин-жой отларини ясадиган қўшимча. Бундай номларнинг айримлари даволаш билан боғлиқ (аэрарий, солярий, фотарий), аксарияти эса ҳайвон, жониворлар ва ўсимликларни асраш, кўпайтириш ва парваришилаш билан боғлиқ (аквариум, виварий, гербарий, дельфинарий, дендрарий, инсектарий, океанариум // океанарий, розарий, серпентарий, террариум // террарий); шунингдек, нарса, буюмлар

сақланадиган жойни, идишни ифодаловчи (депозитарий, колумбарий, оссуарий) номлардир. Шунингдек, планетарий, сценарий каби илмий-маърифий муассаса ва адабий асар (жанр) номлари ҳам шу қўшимча билан ясалган.

...АРИУС, ...АРИЙ [лом. arī(us)] – турли касб эгалари ва ижтимоий вазифа бажарувчи шахс отларини ясовчи қўшимча. Mac.: аграрий, архивариус, мандатарий, нотариус, парламентарий, пролетарий.

АРИФМО... [юн. arithmos – сон] – баъзи ўзлашма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сон, рақамга оидлигини кўрсатади. Mac.: арифметика; арифмометр [арифмо...+...метр] – тўрт арифметик амал бажариладиган механик ҳисоблаш машинаси.

АРК... [лом. arcus – ёй] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) ёйга, ёйсимон предметларга алоқадорликни ифодалайди: аркада, аркатура, аркбутан; 2) математикада тўғри тригонометрик функциялар номларига қўшилиб, тескари тригонометрик функциялар номларини ҳосил қиласди. Mac.: арккосинус, арксинус; арктангенс [арк...+ тангенс] – тангенсга тескари функция.

АРМ... [лом. armare – куроллантироқ; мустаҳкамламоқ, таъминламоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, куролланиш; мустаҳкамлаш; курол-аслаҳа каби маъноларни билдиради. Mac.: арматоллар, арматор; армада [исп. armada – флот, эскадра < арм...+...ада] – келишган ҳолда бир йўналишда ҳаракатланаётган кема, самолёт ёки танкларнинг унча кўп бўлмаган микдори; арматура [лом. armature – курол-аслаҳа, яроғ-аслаҳа; жиҳоз, ускуна] – 1) аппарат, машина, иншоот ва шу кабиларнинг асосий қисми ҳисобланмайдиган, лекин уларнинг нормал ишлашини таъминлайдиган ёрдамчи қисмлари мажмуи; 2) темир-бетоннинг металл каркаси (синчи), чивиқ синчлари ва умуман турли қурилмалар каркаси, синчи, қобирғалари; армия [фр. armee < лом. armo – куроллантираман] – 1) давлат қуролли кучлари мажмуи; торроқ маънода – қуруқлиқдаги қўшинлар; 2) ҳар хил қўшин турларидан бирининг бир неча қўшилмасидан тузилган ва ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга мўлжалланган йирик оператив ҳарбий бирлашма; 3) бирон-бир умумий белгиси билан ўзаро бирлашган кишиларнинг катта гуруҳи (масалан, ишсизлар армияси).

АРРЕНО... [юн. arthen – эркакка хос] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, эркак, эркакка хос маъноларини ифодалайди. Mac.: аренобластома; аренотокия [аррено...+ юн. tokos – уруғ, авлад, насл] – баъзи ҳашаротларда уруғланмаган тухумлардан фақат эркак зотлар пайдо бўлиши.

АРТР(О)... [юн. arthron – бўғим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг бўғимларга алоқадорлигини англатади.

Мас.: **артралгия, артрогрипоз, артродез, артроз, артропластика; артрит** [артр...+...ит] – бўғимларнинг яллиғланиши; **артрология** [артро...+...логия] – тибиётнинг бўғим тузилиши ва унинг касалликлари ни ўрганувчи бўлими; **артроподлар** [артро...+...под] – бўғимоёқлилар – умуртқасиз ҳайвонларнинг кичик туркуми; **аргротомия** [артро...+...томия] – жарроҳликда бўғимни кесиб очиш.

АРХЕО..., АРХО... [юн. archaios – қадими] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг қадими, кўхна эканлигини кўрсатади. Мас.: **архантроплар, археозой, археоптерикс, архозаврлар; археография** [архео...+...графия] – ёрдамчи тарих фани: тарихий қўлёзма манбаларни нашр этиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни тавсифлаш, нашрга тайёрлаш билан шугу́лланади; **археология** [архео...+...логия] – кишилик жамиятининг тарихий ўтмишини қазиб олиш жараённада топилган моддий ёдгорликлар (мехнат куроллари, курол-аслаҳа, тураржойлар, кўргонлар, рўзгор буюмлари) асосида ўрганадиган фан.

АРХИ... [юн. archi – бошланғич, бош; катта, юкори] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) ўзи қўшилган сўздаги белгининг кучли, юкори даражасини кўрсатади. Мас.: **архиреакцион** – ўта реакцион; 2) черков мансабларида катталик, юкори мавқега эгалик маъносини англатади. Мас.: **архидақон, архиерей, архимандрит; архиепископ** [архи...+ епископ] – христианлиқда олий руҳонийлик унвонларидан бири; катта, бош епископ.

...АРХИЯ [юн. arche – бошланиш, ибтидо; устунлик, ҳокимият] – ўзлашган ясама ва қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, уларнинг ҳокимиятга, бошқарув шаклига мансублигини кўрсатади. Мас.: **анаархия, иерархия; монархия** [мон(о)...+...архия] – яккаҳокимлик; давлат бошқаруви шакли; **олигархия** [олиг(о)...+...архия] – 1) сиёсий ҳокимият тор доирадаги шахсларга тегишли бўлган давлат тузуми; 2) тор доирадаги шахслар бошқарадиган давлатнинг ўзи.

АСКО... [юн. askos – қопча, халтача] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, халтача маъносини ифодалайди. Мас.: **аскохитозлар; аскомицетлар** [аско...+ юн. mykes, myketos – замбуруғ] – махсус халтачаларда ривожланиб етиладиган споралар орқали кўпаявчи замбуруғлар синфи; халтачали замбуруғлар.

...АСТ қ ...ИСТ.

АСТЕН(O)... [юн. asthenes – кучсиз, дармонсиз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бўш, кучсиз каби маъноларни билдиради. Мас.: **астения, астеносфера; астенопия** [астен(о)...+...опия] – кўриш қобилиятининг кучсизлиги, кўзнинг тез чарчаши.

АСТЕР(О)... [юн. aster – юлдуз, юлдузга ўшаган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг юлдузга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **астеризм; астероидлар** [астер(о)...+...оид] – Күёш атрофида эллиптик орбиталар бўйлаб ҳаракатланувчи, кўпчилиги Марс ва Юпитер орбиталари оралифида жойлашган кичик жисмлар; кичик сайдералар.

...АСТИКА қ. ...ИСТИКА.

АСТРО... [юн. astron – юлдуз] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг коинот ва осмон жисмларига, хусусан, юлдузларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **астробиология, астролатрия, астрометрия, астронавигация, астроним, астрофизика; астрограф** [астро...+...граф] – осмон жисмларини суратга олиш учун мўлжалланган астрономик асбоб, телескоп; **астрология** [астро...+...логия] – осмон ёритқичларининг Ерга, мамлакатларга, жамоага ёки айрим кишиларга таъсир қилиши ҳақидаги таълимот; мунажжимлик; **астронавтика** [астро...+...навтика] – баъзи ғарб мамлакатларида, хусусан, инглиззабон давлатларда: космонавтика; **астрономия** [астро...+...номия] – коинот жисмлари ва улар ҳосил қиласидаги системаларнинг, умуман, коинотнинг пайдо бўлиши, тузилиши ва ривожланиши (таратаккиёти)ни ўрганувчи фан.

...АТ [нем., ingl. -at] – сўз ясовчи қўшимча: ибтидоий жамиятдаги бошқарув тизими номларини (**матриархат, патриархат**), ибтидоий урф-одатлар номларини (**авунқулат, левират, сорорат**), ҳозирги бошқарув тизимида оид номларни (**деканат, директорат, ректорат**) ва бошқа турли маънодаги отларни (**плагиат, чемпионат, электорат**) ҳосил қиласи. Кимёдаги кислоталар ва уларнинг тузлари номларини ҳосил қилишда ҳам шу қўшимчадан фойдаланилади: **сульфат кислота – магний сульфат, карбонат кислота – калий карбонат** каби.

АТЕРО... [юн. athera – бўтқа] – асосан, ўзлашма тиббий терминларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бўтқа ҳолига келганик, қуюқлашиб маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **атерома; атеросклероз** [атеро...+ юн. sklerosis – қотиш] – ёғсимон моддалар алмашинуви бузилиб, уларнинг артерия ички қаватида тўпланиши ва биринкирувчи тўқиманинг ўсиб кетиши натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик.

...АТЛОН [юн. athlon – беллашув, мусобака, кураш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз (асосан, сонлар) билан бирга айни бир пайтнинг ўзида бир неча спорт тури бўйича ўtkазиладиган мусобакалар номини билдиради. Mac.: **биатлон, триатлон, тетратлон, пентатлон** (бу терминлар ўзбек тилида тегишли равишда **иккикураш, учкураш, тўрткураш, бешкураш** деб аталади).

АТМО... [юн. atmos – нафас олиш; буғланиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳавога, нафас олишга алоқадорлик маъносини англатади. Mac.: **атмогеокимё; атмосфера** [атмо...+...сфера] – Ер шарини ўраб олган ва у билан бирга айланадиган ҳаво қобиги; **атмофил** [атмо(сфера)...+...фил]: **атмофил элементлар** – Ер атмосферасида эркин атомлар ёки молекулалар кўринишида мавжуд бўлган кимёвий элементлар (азот, водород, кислород ва инерт газлар).

АУДИ(О)... [лот. audio – эшитаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг эшитишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **аудиенция, аудиограмма, аудиокассета, аудиомагнитофон, аудиометрия, аудифон; аудиология** [аудио...+...логия] – оториноларингологиянинг эшитиш ва унинг бузилишлари билан боғлик ҳолатларни ўрганадиган, бундай бузилишларнинг диагностикаси, оддини олиш ҳамда уларни даволаш усуllibарини ишлаб чиқадиган соҳаси. **аудиометр** [аудио...+...метр] – эшитиш даражасини (ўтқирлигини) аникладиган асбоб; **аудитория** [ауди...+ (терри)тория] – эшитиш жойи: 1) маърузалар ўқиладиган, семинар ва йигилишлар ўтказиладиган хона; 2) маъруза тингловчилар; концерт, фильм, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларнинг тингловчилари ва томошибинлари.

АУТО... [юн. autos – ўзим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; айн. **авто....** Mac.: **автовакцина, аутоиммунитет, аутоинфекция, аутоскопия, аутотрансплантация, аутофобия; аутогемотерапия** [авто...+ гемо...+...терапия] – беморнинг венасидан олинган қонни унинг мушаклари орасига ёки тери остига юбориб, айрим касалликларни даволаш усули; **аутоинвазия** [авто...+ лот. invasio – хужум] – одам ёки ҳайвонлардаги гижжа касаллигининг ўзига қайта юқиши; **аутоинтоксикация** [авто...+ лот. in – ичга + юн. toxikon – заҳар] – нормал ҳаёт фаолиятида, шунингдек, организмнинг ўзида ишлаб чиқарилган заҳарли моддалар билан заҳарланиш; **аутопластика** [авто...+...пластика] – тўкималарни бир организм доирасида кўчириб ўтказишдан иборат жарроҳлик усули; **аутотренинг** [авто...+ ингл. training – машгулот, машқ] – кишининг ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ўз жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кўрсатишидан иборат психотерапевтик усуllibар мажмуи.

АЦЕТ(О)... [лот. acetum – сирка] – ўзлашма қўшма кимёвий терминларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сирка кислотага алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **ацетамид, ацетанилид; ацетальдегид** [ацет...+ альдегид – водородсиз спирт] – суюқ, рангсиз органик бирикма, сирка кислота альдегиди; **ацетатлар** [ацет...+...ат] – сирка кислотанинг тузлари ва мураккаб эфирлари.

АЦИД(О)... [лот. acidus – нордон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нордон, кислотали каби маъноларни ифода лай-

ди. Mac.: **ацидоз, ацидофиллар; ацидиметрия** [ацид(и)...+...метрия] – кислота миқдорини аниқлашда ҳажмий анализнинг нейтралланиш реакциясига асосланган усули; **ацидофилия** [ацидо...+...филия] – хужайра протоплазмаси ва баъзи тузилмаларнинг кислотали бўёклар билан бўялиш хусусияти; **ацидофоблар** [ацидо...+...фоб] – юкори кислоталиликни кўтара олмайдиган (ёқтирмайдиган) организмлар.

...**АЦИЯ** [*fr. -ation < лат. -atio*] – ўзлашма ясама сўзлар таркибидаги суффикс – сўз ясовчи кўшимча бўлиб, ўзакдан англашилган тушунчага алоқадор жараён отларини ҳосил қиласди. Ўзбек тилидаги -лаш, -лашиш, -ланиш каби мураккаб суффиксларга тўғри келади. Mac.: **адъективация, аккредитация, аллитерация, амальгамация, аргументация, вакцинация, гидратация, гуттация, дегазация, де-зодорация, декапитация, дефлорация, индексация, лимитация, мотивация, номинация, орнаментация, регламентация, репатриация**.

АЭРо... [юн., лат. *aēr* – ҳаво] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1) авиацияга оидликни англатади. Mac.: **аэроклуб, аэролоция, аэроплан, аэропорт, аэрофлот; аэровокзал** [аэро...+ вокзал] – аэропортларда ҳаво транспорти йўловчиларига хизмат кўрсатадиган ва юк операциялари ўтказадиган бино ёки бинолар мажмуи; **аэродром** [аэро...+...дром] – самолётларнинг жойлашиши, учиши, қўнишини ҳамда уларга техник хизмат кўрсатишни таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари, умумтехник воситалар билан жиҳозланган ҳудуд, майдон; 2) ҳавода учишга оидликни ифодалайди. Mac.: **аэро-транспорт, аeronautика; аэростат** [аэро...+...стат] – ҳаводан енгил учиш аппарати; 3) ҳавога оидликни билдиради. Mac.: **аэробиоз, аэро-динамика, аэропоника, аэротория, аэрофильтр; аэрогелиотерапия** [аэро...+ гелио...+...терапия] – ҳаво ва куёш ваннасидан даволаш мақсадида фойдаланиш; **аэроиклимишнослик** – иқлимишносликнинг тропосфера ва қуий стратосферадаги иқлим шароитларини ўрганувчи бўлими; **аэробология** [аэро...+...логия] – метеорологиянинг эркин атмосферадаги физик жараёнларни ўрганувчи, уларни ўрганиш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

Б

БАЗО... [юн. *basis* – асос; юриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: I. Асос, негиз маъноларини билдиради. Mac.: **базигамия** [баз(и)...+...гамия] – аъзонинг туб қисмida уругланиш, оталиши; **базофилия** [базо...+...филия] – 1) организм ҳужайра ва тўқималарининг ишқорий бўёкларда бўялиш хусусияти; 2) қонда базофиллар-

нинг кўпайиб кетиши; **базофиллар** [базо...+...фил] – донадор лейкоцитларнинг бир шакли бўлиб, уларнинг хужайралари цитоплазмасида ишқорий хоссали бўёвчилар билан бўялишга мойил доналар бўлади. II. Юришга оидликни билдиради. Mac.: **базофобия** [базо...+...фобия] – юришдан, сёқда туришдан кўркиш.

БАКТЕРИ(O)... [*юн. bacterion* – таёқча] – ўзлашма кўшма ва ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг фақат микроскоп билан кўриш мумкин бўлган, бир хужайрали микроорганизмларга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **бактериемия**, **бактериолиз**, **бактериоскопия**, **бактериостаз**, **бактериурия**, **бактерониллар**; **бактериозлар** [бактерио...+...оз] – ўсимликларда бактериялар туфайли пайдо бўладиган юкумли касалликлар; **бактериология** [бактерио...+...логия] – микробиологиянинг бактерияларни ва улар билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи соҳаси; **бактериофаглар** [бактерио...+...фаг] – бактеријаларни ютиб, ёмириб, йўқ килиб юборувчи вируслар; **бактериофобия** [бактерио...+...фобия] – кўркув ҳолати; бунда бемор ўзини гўё микроблар билан заарланиб қолаётгандек ёки улар таъсирида турли касалликларга дучор бўлаётгандек сезади; **бактериоўғитлар** [бактерио...+...ўғит] – қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдали микроорганизмлари бўлган препаратлар; **бактерицидлик** [бактери...+...цид] – физик, кимёвий ва биологик омилларнинг микроорганизмларни ўлдира олиш хусусиятлари.

БАЛЛИСТ(O)... [*лот. ballista* < *юн. ballo* – отаман, ташлайман] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ташламоқ, отмоқ, иргитиб юбормоқ каби маъноларни билдиради. Mac.: **баллистика** [баллист...+...ика] – артиллерия снарядлари, бошқарилмайдиган ракеталар, мина, бомба, ўқ ва шу кабиларнинг ҳаракатини ўрганадиган фан; **баллиститлар** [баллист...+...ит] – тутунсиз алангалаувчи, нитроглицеринли порохлар; **баллистокардиограмма** [баллисто...+ кардио...+...грамм] – юракнинг қисқариши ва иирик томирларда қоннинг ҳаракатланиши натижасида одам танасида ҳосил бўладиган механик ҳаракатни қайд қиласидиган эгри чизик; **баллистокардиография** [баллисто...+ кардио...+...графия] – юракнинг гемодинамик фаолиятини текшириш усули.

БАЛЬНЕО... [*лот. balneum* – ванна, ҳаммом; чўмилиш] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг шифобахш минерал сувларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **бальнеореакция**, **бальнеошифохона**; **бальнеология** [бальнео...+...логия] – курортологиянинг табиий ва сунъий минерал сувлар ҳамда шифобахш балчикларнинг пайдо бўлиши ва физик-кимёвий хоссаларини, уларнинг организмга таъсирини ўрганадиган, улардан даволаш-профилактика

мақсадида фойдаланиш усулларини ишлаб чиқадиган бўлими; **бальнеотерапия** [бальнео...+...терапия] – беморларни табиий ёки сунъий тайёрланган минерал сувлар ва балчиқлар билан, шунингдек, минерал сувли ванна ва бассейнларда чўмилтириш билан даволаш; **бальнеотехника** [бальнео...+ техника] – санитария техникасининг бальнеологик маълумотларга асосланиб, минерал сувларни тугаб қолиш ҳамда ифлосланишдан саклаш учун зарур шароит түгдириш ва улардан даволаш-профилактика мақсадида самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими.

БАРИ... [юн. *barrys* – оғир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг босимга, оғирликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **барионлар** [бари...+ фр. *on* – кичрайтирувчи қўшимча] – оғир элементар зарралар гурухи; **баристезия** [бари...+ юн. *aisthesia* – ҳис-туйғу; ҳис қилиш] – ўзини вазмин, оғир ҳис этиш; **барисфера** [бари...+...сфера] – Ер шарининг тахминан 3400 – 3500 километр радиусли оғир марказий ядроси; **баритон** [бари...+...тон] – эркак хонаңдаларнинг баландлиги жиҳатидан бас билан тенор оралигидаги овоз тури; **барицентр** [бари...+...центр] – оғир жисмларнинг геометрик маркази.

БАРО... [юн. *baros* – оғирлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг босимга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **барограмма**, **барорецепторлар**, **баротравма**; **барограф** [баро...+...граф] – атмосфера босими ўзгаришларини автоматик тарзда ёзиб борувчи асбоб; **барокамера** [баро...+ лот. *camera* – гумбаз; хона] – барометрик босимни сунъий равища ўзгартиришга имкон берувчи герметик камера; **барометр** [баро...+...метр] – атмосфера босимини ўзлашда ишлатиладиган асбоб; **баротерапия** [баро...+...терапия] – даволаш мақсадида (одатдагига нисбатан) юқори ёки паст ҳаво босимидан фойдаланиш; **барохория** [баро...+...хория] – мева ва уруғларнинг ўз оғирлиги таъсирида тўкилиши, тарқалиши.

БАТИ..., **БАТО...** [юн. *bathys* – чукур] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг чукурликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **батискаф** [бати...+...скаф] – денгиз ва океанлар тубида океанографик ва бошқа тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган ўзиюрар аппарат; **батисфера** [бати...+...сфера] – денигизнинг чукур ёрларида тадқиқот ишлари олиб борища ишлатиладиган шарсимон пўлат камера; **батолит** [бато...+...лит] – чукурликда ётувчи улкан магматик тог жинслари мажмуи; **батометр** [бато...+...метр] – сувнинг кимёвий ва физиковий хоссаларини текшириш, ундаги органик ҳамда ноорганик қўшилмаларни аниқлаш мақсадида табиий сув ҳавзаларидан муайян чукурликда намуна оладиган асбоб;

батофобия [бато...+...фобия] – чукурликларга тушиб кетиш ёки сувга чўкиб кетишдан қўркиш.

БАЦИЛ(О)... [лат. bacillum – таёқча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, таёқчасимон микроорганизм (бактерия) маъносини билдиради. Mac.: **бациллотерапия** [бацилло...+...терапия] – ўлдирилган ва ярим жонсизлантирилган бактерияларни инъекция қилиб, баъзи бир касалликларни даволаш; **бациллурия** [бацилл...+...урия] – сийдиқда микроорганизмларнинг бўлиши.

БЕЛЛ..., БЕЛЬ... [фр. belles – гўзал ёки фр., итал. bel – гўзал, қўркам < лот. bellus – гўзал] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг гўзаликка оидлигини билдиради. Mac.: **беллеститика** [фр. belles – гўзал, нафис + lettres – ижодиёт + ...истика] – 1) бадиий адабиёт; 2) юксак санъат намуналарига зид рашидда айш-ишратни акс эттирувчи, вақтичоғлик, эрмак учун ёзилган енгил-елпи адабиёт маҳсули; **бельэтаж** [бель...+ фр. etage – қават] – театрларда амфитеатр билан партер устига куриладиган, ўриндиклар қўйилган айлана пешайвон; **бельканто** [итал. bel canto – гўзал куйлаш] – итальян опера санъатида вокал ижрочиликнинг енгил ва нафис куйлаш услуби.

БЕНЕ... [лат. bene – яхши, дуруст; яхшилик, манфаат] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор кимса ёки нарса учун наф, манфаат, имтиёз деган маъноларни билдиради. Mac.: **бенефис** [фр. benefice – фойда, даромад < лот. bene] – тушуми тўла ёки қисман театр жамоаси ёки айрим актёрга тўланадиган спектакль; **бенефициар** [лат. beneficiarius – имтиёзлардан фойдаланувчи < bene – манфаат, фойда] – банкка пул қўйган омонат эгаси ёки унинг меросхўри, депозит ёки омонат сертификати эгаси; **бенефиций** [лат. beneficium – яхшилик, хайр-саҳоват] – 1) илк ўрта асрларда Гарбий Европада қирол ёки йирик феодал томонидан вассалга муайян ишни бажариш, қўпинча ҳарбий хизматни ўташ шарти билан умрбод инъом қилинган ер; 2) католик черковида рухоний томонидан мукофот сифатида олинган даромадли лавозим ёки ер-мулк.

БИ... [лат. bi – икки, bis – икки марта] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, иккита предмет ёки икки хил белги маъноларини билдиради. Mac.: **бивалентлар, билабиал, билатерал, бипедализм, биплан, бихроматлар; биатлон** [би...+...атлон] – қиши спорт тури: чангидаги югуриш ва маълум мэрраларга етиб келиб, милтиқдан отиш, яъни икки марта (чангидаги пойгаси ва отишда) мусобақалашиш; **бигамия** [би...+...гамия] – иккита тилинлилик, иккиникоҳлилик; **билингвизм** [би...+ лот. lingua – тил +...изм] – иккитилилилк; икки тилдан баравар фойдаланиш, икки тилни яхши билиш; **биметалл** [би...+ ме-

талл] – турли хил металлар ёки қотишмалар (мас., пўлат билан алюминий)нинг икки қатламидан иборат материал, буюм; **бином** [би...+ лот. nomen – ном] – иккіхад; икки алгебраик ифоданинг йифиндиси ёки айирмаси; **бипатрид** [би...+ юн. patris – ватан] – айни бир пайтда икки ёки ундан ортиқ давлат фуқароси бўлган шахс.

БИБЛИО... [юн. biblion – китобча < biblos – китоб] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг китобга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **библиография** [библио...+...графия] – 1) босма ва қўлёзма асарларни ҳисобга олиш, тарғиб қилиш, уларнинг батартиб кўрсаткичларини тузиш, улар ҳақида ахборотномалар тайёрлаш билан шуғулланувчи илмий ва амалий фаолият соҳаси; 2) бирор мавзу ёки соҳага оид илмий асарлар, манбалар, китобларнинг тўлиқ ёки танлама рўйхати; **библиомания** [библио...+...мания] – яхши-ёмонининг фарқига бормасдан, ҳар қандай китобни тўплайверишга ишқибозлик; **библиотека** [библио...+...тека] – 1) китоблар тўплаими; 2) китоблар сақланадиган жой; кутубхона; **библиофил** [библио...+...фил] – китоблар шинавандаси, китобларни қадрловчи; нодир ва камёб китобларни тўпловчи.

БИЛИ... [лот. biliis – ўт, сафро] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўт (сафро)га алоқадорлигини англатади. Mac.: **биливердин** [били...+ фр. vert (verd) – яшил] – инсон ва гўштхўр ҳайвонлар ўти (сафроси)нинг яшил пигменти; **билиоторакс** [били(о)...+ юн. thorax – кўкрак; кўкрак қафаси] – плевра бўшлиғида ўт (сафро) бўлиши; **билирубин** [били...+ лот. ruber – қизил +...ин] – ўт (сафро)нинг гемоглобин парчаланишидан вужудга келадиган қизил-кўнғир пигменти.

БИН(И)... [лот. bini – жуфт, иккита] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қўшалок, яъни иккита қисмдан иборат деган маъниони билдиради. Mac.: **бинаурал** [бин(и)...+ лот. auris – қулок] – одам ёки ҳайвонларнинг товуш чиққан томонни ҳар иккала қулоги билан аниқлай олиш қобилияти; **бинокль** [бин(и)...+ лот. oculus – кўз] – узоқдаги нарсаларни иккала кўз билан кўриш имконини берадиган оптик асбоб.

БИО... [юн. bios – ҳаёт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳаётга, ҳаётий жараёнларга ҳамда биология алоқадорлигини билдиради. Mac.: **бионаутика**, **биогенез**, **биомасса**, **биометрия**, **биомеханика**, **биополимерлар**, **биоритмлар**, **биотехнология**, **биофизика**; **биобиблиография** [био...+ библиография] – шахсий библиография: босма асарлар ҳақидаги маълумотлар уларнинг муаллифлари биографияси ва муаллифга бағишлиланган ада-биётлар тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда берилади; **био-**

география [био...+ география] – тирик организмлар жамоаси ва улар компонентларининг Ер юзида тарқалиши қонуниятларини ўрганувчи фан; **биокимё** [био...+ кимё] – тирик организмларнинг кимёвий таркиби ва уларда содир бўладиган кимёвий жараёнлар ҳакидаги фан; **биокомпьютер** [био...+ компьютер] – ўта тезкор ва катта интеграция коэффициентига эга бўлган биомикросхемалар асосида яратилган электрон-хисоблаш машинаси; **биолитлар** [био...+...лит] – минераллар ва тоғ жинслари: асосан, ҳайвон ва ўсимликлар қолдикларидан иборат; **биология** [био...+...логия] – тирик табиат ҳакидаги фанлар мажмуи; **биолокация** [био...+ лот. location – жойлашиш, ўрнашиш] – ҳайвонларнинг бирор-бир обьект ёки муайян макондаги ўз ҳолатини аниқлай олиш қобилияти; **биомайдон** [био...+ майдон] – биологик таъсир ўтказиш доираси, майдони; **биопсия** [био...+...опсия] – даволаш ва касалликни аниқлаш мақсадида тирик одамнинг бирор касалланган тўқума ёки аъзосидан бир қисмини кесиб олиб, микроскопда текшириш; **биосинтез** [био...+ юн. synthesis – бирикиш, бириктириш, қўшиш] – тирик организмда ёки ундан ташқарида ферментлар таъсирида бирмунча содда бирикмалардан органик бирикмалар ҳосил бўлиши; **биосфера** [био...+...сфера] – Ернинг тирик организмлар таркалган қобиги (қисми); **биотехнология** [био...+ технология] – қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиётнинг турли соҳаларида тирик организм ва биологик жараёнлардан фойдаланадиган саноат усуллари мажмуи; **биоэтика** [био...+ лот. ethika < юн. ethos – урф-одат] – ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у инсон ҳаётига энг олий ахлоқий кадрият сифатида қарайди; **биоўғит** [био...+ ўғит] – ернинг кучини, ҳосилдорлигини ортириш учун солинадиган, таркибида ўсимликлар учун зарур биологик элементлар бўлган моддалар; **биокувват** [био...+ кувват] – таъсир этиш қучига эга бўлган биологик энергия; **биокурол** [био...+ курол] – микроорганизмлар, ҳашаротлар воситасида юкумли касалликлар тарқатадиган ялпи қирғин куроли.

...**БИОЗ** [юн. bios – ҳаёт] – ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ҳаётга, ҳаётий жараёнларга алоқадорликни билдиради. Mac.: **анабиоз** [ана...+...биоз] – баъзи бир тирик организмларда ҳаётий жараёнларнинг нокулай шароитларда секинлашиш ёки деярли тўхтаб қолиш ҳолати (mac.: баъзи ҳашарот ва жониворларнинг қишида ухлаши); **парабиоз** [пара...+...биоз] – 1) тирик тўқимани ҳаддан зиёд қўзғатиш натижасида унда қўзғалувчанлик ва ўтказувчанликнинг пасайиши; 2) икки, баъзан учта ҳайвонни қон айланиш ва лимфа системалари орқали бир-бирига сунъий улаш, чатиштириш: биологик тажрибаларда уланган организмлар аъзо ва тўқималарининг бир-бирига таъсирини ўрганиш мақсадида қўлланади; **симбиоз** [юн. sym – бир-

га, биргалиқда +... биоз] – ҳар хил турға мансуб икки организмнинг бир-бирига фойда келтириб бирга яшаш шакли.

...БИОНТ(ЛАР) [юн. bion (biontos) – яшовчан, яшовчи; тирик] – ўзлашма құшма сўзларнинг иккінчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан “эволюция жараёнида муайян мухитда яшай олишга ўрганиб (мослашиб) қолган организмлар” деган маънодаги сўзлар ҳосил қилади ва бу сўзлар асосан кўплик шаклида кўлланади. Мас.: **аэробионт**, **батобионт**, **гидробионт**, **гнатобионт**, **оксибионт**, **реобионт**, **сапробионт**, **стенобионт**, **зврибионт**; **амфибионт** [амфи...+...бионт] – икки хил мухитда (ерда ва сувда) яшашга ўрганган организм; **галобионт** [гало...+...бионт] – ўта шўр сув ҳавзаларида яшайдиган тирик организм; **потамобионт** [потамо...+...бионт] – чучук оқар сувларда – дарё ва жилғаларда яшовчи организм; **троглобионтлар** [юн. trogle – ин, уя; гор +...бионт] – инларда, горларда, тоғ жинслари ёриқларида доимий яшовчи кўплаб сутэмизувчилар, умурткасиз ҳайвонлар, гор балиқлари, думли амфибиялар.

БЛАСТО... [юн. blastos – ўсимта, муртак, новда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, биология ва тиббиёт соҳаларида пушт (эмбрион)га алоқадорликни билдиради. Мас.: **blastoma**, **blastopor**, **blastocelle**, **blastocista**, **blastula**; **blastoderma** [бласто...+...дерма] – blastula (муртак) деворини ҳосил қилувчи ва бластоцелни (бирламчи тана бўшлигини) ўраб турувчи бир ёки бир неча қават бўлиб жойлашган ҳужайралар ёки майдаланмасдан қолган сарик модда; **blastoliz** [бласто...+...лиз] – пушт моддаларининг эриб кетиши; **blastomerlar** [бласто...+...мер] – кўп ҳужайрали ҳайвонларда уруғланган тухумхужайраларнинг бўлинниб майдаланиши жараёнида ҳосил бўладиган ҳужайралар; **blastomikoz** [бласто...+...мико(з)] – ҳайвонлар териси ва ички аъзоларида учрайдиган, ачитқисимон паразит замбуруғлар – blastomiцетлар қўзгатадиган сурункали юкумли касаллик.

БЛЕНН(О)... [юн. blennos – шиллик, шилимшиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг шилимшиқ моддага алоқадорлигини билдиради. Мас.: **бленнорея** [бленно...+...рея] – кўз шиллик пардаси (конъюнктива)га гонококклар тушиши натижасида унинг ўткир йирингли яллиғланиши; **бленноррагия** [бленно...+...ррагия] – баъзи аъзолардан шиллик аралаш йиринг ажралиши; **бленноторакс** [бленно...+ юн. thorax, thorakos – кўкрак] – нафас ўйллари шиллик қаватининг катарал яллиғланиши.

БЛЕФАР(О)... [юн. blepharon – қовоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўз қовоғига алоқадорлигини билдиради. Мас.: **блефароплегия**, **блефарофимоз**; **блефарит**

[блефар...+...ит] – кўз қовоқлари чети (қирғоғи)нинг яллиғланиши; блефаропластика [блефаро...+...пластика] – кўз қовоги ва унинг айрим кисмларидаги нуқсон ёки чандиқларни йўқотиш мақсадида ўтказиладиган операция; блефароспазм [блефаро...+...спазм] – кўз айланга мушакларининг – қовоқларнинг спастик кисқариши, тортишиши; блефаротомия [блефаро...+...томия] – қовоқларнинг чекка бирикмасини кесиб, улар ўртасидаги оралиқни кенгайтириш.

БЛИЦ... [нем. Blitz – чақмоқ, яшин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кучли тезлик, тез ўтадиган, бир он каби маъноларни билдиради. Mac.: **блицинтервью** [блиц...+ ингл. interview – учрашув] – қисқа, бир онли, қизиқарли сухбат; **блицкриг** [блиц...+ нем. Krieg – уруш] – яшин тезлигидаги уруш; **блицавол** [блиц...+ савол] – узоқ ўйлашга вакт берилмайдиган савол; **блицтурнир** [блиц...+ нем. Turnier – спорт мусобақаси] – тез ўтказиладиган шахсий ёки жамоавий спорт мусобақаси (mac.: тез муддатда, қоидага биноан, 5 минутда ўтказиладиган шахмат мусобақаси).

БЛОК... [ингл. block – блокировка] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўсиш, тўхтатиш, яъни блокировка маъноларни билдиради. Mac.: **блок-аппарат** [блок...+ аппарат] – темир йўл станциясида ёки станциялараро блокировка системасини бошқарадиган аппарат; **блок-контакт** [блок...+ лот. contactus – туташиш] – автоматик бошқариш тизими электр аппаратлари, релелари ва kontaktларида қўлланадиган ва кичик қийматли бошқариш токларига мўлжалланган электр контакт; **блокпост** [блок...+ пост] – темир йўл участкасида станциялараро блокировка ускуналари билан жиҳозланган алоҳида пункт: семафор ва светофорларни бошқариб туради.

...БОЛ [ингл. ball – тўп, коптоқ] – асосан, инглиз тилидан ўзлашган қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, тўп, коптоқ маъноларини билдиради. Mac.: **бейсбол**, **гандбол**, **мотобол**, **софтбол**; **баскетбол** [ингл. basket – сават, тўр +...бол] – икки жамоа аъзоларининг (6 кишидан иборат) тўпни бир-бирига қўлма-қўл ошириб, майдоннинг икки тарафида муайян баландликдаги тахтага ўрнаштирилган тўрли ҳалқага тушириш ўйини; **волейбол** [ингл. volleyball – (қўл билан) уриб қайтармоқ +...бол] – жамоавий ўйналадиган спорт тури – ўйинчилар тўпни қўл билан уриб, ўртадаги тўр тўсиқдан ошириб, ракиб майдонига туширишга ҳаракат қиласидилар; **футбол** [ингл. football – оёқ +...бол] – ҳар бири 11 кишидан иборат икки жамоанинг бир-бирининг дарвозасига оёқ, бош, елка (қўлдан ташқари) зарбаси билан кўпроқ тўп киритишга асосланган спорт ўйини.

БОЛО... [юн. bole – нур] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг нурга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **болометр** [боло...+...метр] – электромагнит нурланиш энергиясини

ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **болоскоп** [бolo...+...скоп] – организмдаги ёт жисмларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мақсадида уларнинг турган жойини аниқлайдиган асбоб.

БОНИ... [*l. bonus* – сифатли, яхши] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сифат жиҳатидан талабга жавоб берадиган, сифати яхши деган маъноларни билдиради. Mac.: **бонитировка** [*l. bonitas* – яхши сифатлилик <*bonus*> – 1) зотли ҳайвонларни наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича баҳолаш; 2) тупроқ унумдорлигини қиёсий баҳолаш; **бонификация** [бони...+ ...фикация] – 1) товарнинг сифати шартномадагидан юқори бўлган ҳолларда товар нархига қўйиладиган қўшимча нарх; аксинча ҳолларда эса товар нархини пасайтириш; 2) сотилган товарлар миқдорига қараб савдо хизматчилини мукофотлаш.

БОТАН... [*l. botane* – ўт, ўсимлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўсимликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **ботанизирка** [< ботаника] – ботаник экспедицияларга боргандা ийғилган ўсимликлар солинадиган металл кутича; **ботаника** [*l. botanikos* – ўсимликка тегишли] – ўсимликлар, уларнинг яшаш ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фанлар мажмуи.

БОТРИ(О)... [*l. botrys* – шингил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг қисми, бўлаги маъносини билдиради. Mac.: **ботриомикоз** [ботрио...+ мик(о)...+...оз] – ҳайвонларда учрайдиган, айрим замбуруғлар қўзғатадиган сурункали юкумли касаллик; **ботриомикома** [ботрио...+ мик(о)...+...ома] – тери ва шиллик қаватдан шингил ва замбуруққа ўхшаб осилиб турадиган хавфсиз ўсма.

БРАДИ... [*l. bradys* – секин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳаракатнинг қисқаришига, секинлашишига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **брадикинезия, брадипраксия, брадифагия, брадифазия; брадикардия** [брadi...+...кардия] – юрак қисқаришларининг секинлашиши, юракнинг секин (минутига 60 мартадан кам) уриши; **брадилексия** [брadi...+ *l. lexis* – сўз бойлиги] – ўқиш қобилиятининг секинлашиши; ҳар бир сўзни ҳижжалаб, тўхтаб-тўхтаб, чўзиб ўқиш; **брадифренция** [брadi...+ *l. phren* – ақл, фикрлаш] – барча руҳий жараёнлар (фикрлаш, нутқ, хиссиёт)нинг умумий сусайиши.

БРАХИ... [*l. brachys* – қисқа, калта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, калта, қисқа маъноларини билдиради. Mac.: **брахиалгия, брахибазия, брахигнатия; брахиадактилия** [брaxi...+ *l. daktylos* – бармоқ] – ривожланиш нуқсони; қўл ёки оёқ бармоқларининг туғма калта бўлиши; **брахикардия** [брaxi...+...кардия] – юракнинг секинлашган ритмик қисқариши; **брахицефалия** // **брехи-**

цефалия [брахи...+...цефалия] – думалоқбошлик, калтабошлик; калла шаклининг кўндалангига каттароқ бўлиши.

БРИ(О)... [юн. *bryon* – мох, йўсин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йўсин, мохга оидлигини билдиради. Mac.: **бриолог** [брю...+...лог] – бриология мутахасиси, йўсиншунос; **бриология** [брю...+...логия] – ботаника фанининг мохларни (йўсинларни) ўрганувчи бўлими.

БРОМ(О)... [юн. *bromos* – қўланса, сассик] – ўзлашма қўшма ва ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қўланса, сассик ҳид маъноларини ҳамда бром элементини билдиради. Mac.: **бромидроз** [брому...+ юн. *hidros* – тер] – қўланса ҳидли тер чиқиши; **бромизм** [брому...+ ...изм] – бром тузларини узоқ вақт қабул қилиш туфайли заҳарланиш; **броминдиго** [брому...+ лат. *indiges* – кўк] – индиго молекуласидаги водород атомлари ўрнига бром атомлари киритиб ҳосил қилинган, қизил-бинафша рангдан оч яшил-кўк рангтacha бўлган маҳсулот; газламаларни бўяшда кенг қўлланади; **бромофос** [брому...+ фос(фор)] – боғлар ва сабзавот экинларининг зааркунанда ҳашаротларини йўқотишда ишлатиладиган препарат.

БРОН(Е)... [нем. *Brunja* – зирх, қоплама, совут] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг брон (зирх)га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **бронедрезина**, **бронекатер**, **бронепоезд**; **бронеавтомобиль** [броне...+ автомобиль] – пулемёт, баъзан тўп билан жихозланган, зирх билан қопланган ҳарбий автомобиль; **бронетранспортёр** [броне...+ транспортёр] – жанг майдонига аскарлар ташийдиган ва разведка қиласидиган зирхли машина; **бронтешар** – брон (зирх)ни тешиб ўтадиган курол тури.

БРОНХ(О)... [юн. *bronchos* – томок; қекирдак, трахея] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қекирдак, трахеяга оидлик маъносини билдиради. Mac.: **бронхоаденит**, **бронхография**, **бронхопневмония**, **бронхоскоп**, **бронхоспазм**, **бронхоэктомия**; **бронхит** [бронх...+...ит] – бронхлар шиллиқ пардаларининг яллигланиши; **бронхология** [бронхо...+...логия] – пульмонологиянинг бронх касалликларини ўрганадиган бўлими; **бронхоскопия** [бронхо...+...скопия] – трахея ва бронхларнинг ички юзасини бронхоскоп ёрдамида кўриб текшириш усули.

БРОНТ(О)... [юн. *bronte* – момақалдироқ; гулдураган овоз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, гулдураган овоз маъносини билдиради. Mac.: **бронтидлар** [бронт(о)...+...ид] – юқори сейсмик фаол худудларда эшитиладиган гулдураган паст товушлар; **бронтозавр** [бронто...+...завр] – калтакесаксимон ўсимликхўр динозаврларнинг бир тури; апатозаврнинг эски номи.

БРУКС(О)... [юн. brycho – ғичирлатмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тиши ғичирлатишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **бруксизм** [брукс...+...изм] – ухлаб ётганда тишини ғичирлатиш одати; **бруксомания** [бруксо...+...мания] – уйғоқликда дам-бадам тишини ғичирлатишга ўрганиб қолиш.

БУЛ... [ингл. bull – буқа, хўқиз < юн. bus – хўқиз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, хўқиз, хўқиздай, хўқиз кучи каби маъноларни билдиради. Mac.: **булимия** [бул...+ юн. limos – очлик] – эндокрин ва бошқа баъзи касаллікларда хуруж ҳолида рўй берадиган бениҳоя очлик, очкўзлик, ебтўймаслик; “молдек овқат ейиш”; **бульдог** [ингл. bulldog – хўқиз-ит] – 1) тумшуғи тўмтоқ, бўйин ва оёқлари калта, жаги кучли ит; 2) калта стволли пистолет; **бульдозер** [ингл. bulldozer < юн. bus – хўқиз] – 1) ерни суриш ва текислаш учун маҳсус кескич билан ускуналанган гусенициали трактор; 2) машинасозликда: металлни қиздириб ёки совуқлайнин букиш, тўғрилаш, турли шаклдаги деталлар тайёрлаш учун мўлжалланган кучли пресс-дастгоҳ.

...БУЛИЯ [юн. bul – ирода, куч] – ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи (охирги) таркибий қисми бўлиб, ирода, хоҳиш, истак, иштиёқ маъноларини билдиради. Mac.: **гипербулия** [гипер...+...булия] – иштаҳанинг ортиқча даражада зўр бўлиши; **гипобулия** [гипо...+...булия] – иш-фаолиятга истак ва иштиёқнинг пасайишидан иборат ҳиссий ҳолат; **парабулия** [пара...+...булия] – ҳавас, интилиш ва мойилликнинг бузилиши.

БУЛЛ... [лот. bulla – шар, пуфакча] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шар, пуфакча деган маъноларни билдиради. Mac.: **буллэз** [булл(а)...+...оз] – теридан кўтарилиб чиқкан, пуфакчали, пуфакчадан иборат касаллик; **буллит** [ингл. bullet – ўқ, ядро < лот. bulla – металл шарча] – шайбали хоккейда рақиб дарвозаси томон белгиланган жарима зарбаси; пенальти.

БУЛЬБ... [лот. bulbus – пиёз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, пиёзча, кичкина пиёз маъноларини билдиради. Mac.: **бульбила** [бульб...+...илла] – пиёз, саримсоқ кабиларнинг тўпгулида ва пиёзномоларга мансуб бошқа ўсимликларнинг барг қўлтиғида ўсадиган майда пиёзчалар; **бульбит** [бульб...+...ит] – ўн икки бармок ичак пиёзчасининг яллиғланиши; дуоденитнинг бир тури.

БУРС... [лот. bursa – ҳамён; халтача] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, халтача, халтачага ўхшаш маъноларини билдиради. Mac.: **бурсит** [бурс...+...ит] – бўғим шиллиқ халтачасининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши; **бурсэктомия** [бурс...+...эктомия] – яллиғланган бўғим халтачасини кесиб олиб ташлаш.

...БУС [лат. (omni) bus – ҳамма учун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг охирги таркибий қисми бўлиб, ҳамма, ҳамма учун деган маъноларни билдиради. Mac.: **автобус** [авто...+...бус] – йўловчи ташийдиган, тўққиз ва ундан ортиқ ўринидиги бўлган автомобиль; **аэробус** [аэро...+...бус] – йўловчи ташийдиган, кўп ўринли улкан ҳаво транспорти.

БУТИР... [нем. Butter < юн. butyron – ёғ, мой] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёғга, мойга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **бутерброд** [нем. Butter – ёғ + Brot – нон] – устига сариёғ суртилган ёки пишлок, колбаса япроғи қўйилган бир кесим нон; **бутирометр** [бутиро...+...метр] – сут таркибидаги ёғ миқдорини аниқлайдиган асбоб.

B

ВАГО... [лат. vagus – адашган, дайди, дарбадар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, адашган нерв маъносини ифодалаш учун хизмат қиласди. Mac.: **вагомиметик**, **ваготония**; **ваготомия** [ваго...+...томия] – адашган нервни олиб ташлаш ёки қисман кесиб ташлаш.

ВАЗ(О)... [лат. vas – томир; йўл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, томирга оид, уруғ тизимчасига алоқадор каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **вазоганглион**, **вазогипертония**, **вазолигатура**, **вазорезекция**, **вазоспазм**; **вазомоторлар** [вазо...+ мотор] – томирларни харакатлантирувчи нерв толаларининг умумий номи; **вазопрессин** [вазо...+ лат. pressus – босиш, эзиш +...ин] – аслида гипоталамусда ҳосил бўлиб, гипофиз (мия ортиғи)да тўпланадиган, кейин қонга ўтадиган нейрогормон; **вазотомия** [вазо...+...томия] – қон томирларини кесиши.

ВАКК... [лат. vacca, vaccula – сигир; vaccinus – сигиргага оид] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг сигиргага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **вакцинация**, **вакцинотерапия**; **вакциналар** [лат. vaccinus] – ўлдирилган ёки кучсизлантирилган микроорганизмлардан, уларнинг заарсиз токсинларидан тайёрланган, юқумли касалликлар олдини олиш учун ишлатиладиган, дастлаб сигир чечагидан олинганилиги учун шундай номланган эмдорилар.

ВАКУ... [лат. vacuum – бўшлиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бўш, бўшлиқ деган маънони ифодалаш учун хизмат қиласди. Mac.: **вакуолалар** [фр. vacuole < лат. vacuus +...ола] – ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайралари ёки бир ҳужайрали организмлар цитоплазмасида ичи ҳужайра суюқлиги (шираси) билан тўлган бўшлиқлар;

вакуум [ваку...+...ум] – 1) тамоман бўш жой, бўшлиқ; 2) сийраклаштирилган газнинг атмосфера босимидан паст босимдаги ҳолати; **вакуумметр** [вакуум +...метр] – сийраклаштирилган газлар босимини ўлчайдиган асбоб.

ВАРИ(О)... [лом. varia – ҳар хил, турли-туман; ҳар хил қилмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик маъноларини билдиради. Mac.: **варикап** [ингл. vari cap < vari(able) – ўзгарувчан + cap(asity) – сифим] – электрон қурилмаларда ўзгарувчан сифим сифатида кўлланадиган яримўтказгичли электр асбоб; **вариконд** [ингл. varicond < vari(able) + condenser – конденсатор] – ташки электр майдони таъсирида сифими ўзгарадиган конденсатор; **вариометр** [варио...+...метр] – 1) учиш аппаратларида учиш баландлигининг ўзгаришини, мас., ер магнетизми ўзгаришини аниқлайдиган асбоб.

ВАТЕР... [ингл. water – сув] – муайян сўзларга қўшилиб, сувга алоқадор, сув билан боғлиқ маъноларини ифодаловчи қўшма сўзлар ҳосил қиласди. Mac.: **ватержакет** (печь) [ватер...+ ингл. jacket – куртка; гилоф] – сув кўйлаги; рудалардан турли металларни эритиб ажратиб олиш учун мўлжалланган шахта печи; юқори қисми оловбардош ғиштдан, қуий қисми сув билан совитиладиган ичи бўш пўлат қутилардан иборат бўлади; **ватерклозет** [ватер...+ ингл. closet – ҳожатхона] – унитази қувур суви билан ювиладиган ҳожатхона; **ватерлинния** [ватер...+ ингл. line – чизик] – ҳаракатланаётган кеманинг тинч ҳолатдаги сув сатҳи билан кесишиш чизиги; **ватерполо** [ватер...+ поло] – сувда тўп билан ўйналадиган жамоавий спорт тури.

ВЕГЕТ... [лом. vegetare – ўстирмоқ, жонлантирмоқ; ўсмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўсиш, ривожланиш, ўсимлик каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **вегетарианлик** [ингл. vegetarian < лом. vegetarius – ўсимликка оид] – овқатланишда ҳайвон маҳсулотларидан тийилиб, асосан, мева ва сабзавотлар тановул қилиш; **вегетацион** [фр. vegetation – ўсимлик < лом. vegetatio – жонланиш, ўсиб чиқиш]: **вегетацион аъзолар** – ўсиш ва озиқланиш аъзолари, мас., ўсимликларда – илдиз, поя, барглар; ҳайвонотда – овқат ҳазм қилишда иштирок этувчи ва бошқа аъзолар.

ВЕЗИК(О)..., ВЕЗИКУЛ(О)... [лом. vesica – сийдик пуфаги; копток; қаварчиқ, пўрсилдок; vesicula – пуфакча; қўзок, уруғ қобиги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг пуфак, пуфакча, сийдик пуфакчаси, уруғ пуфакчасига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **везикостомия, везикулоэктомия; везикулалар** [везик(о)...+...ула] – 1) тери тошмаларининг элементлари – ичida тиниқ ёки лойқа суюқлик тўпланган яримшарсизмон пуфакчалар; 2) одам ва

ҳайвонлар организмида (урұғ, ўпка, простатада) пайдо бўлган пуфак-часимон ҳосилалар; **везикулит** [везикул(о)...+...ит] – уруғ пуфакчаларининг яллиғланиши; **везикулография** [везикуло...+...графия] – уруғ пуфакчаларини рентген нурлари билан расмга олиш; **везикулотомия** [везикуло...+...томия] – уруғ пуфакчаларини ёриш.

ВЕЛО... [лат. velox (velocis) – жонли, чакқон; тез] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг тезликка, велосипедга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **веломобиль**, **велоспорт**, **велотрек**; **велодром** [VELO...+...дром] – велосипед спорти бўйича мусобақа ва машқлар ўтказиладиган (очиқ ёки ёпик) спорт иншооти; **велосипед** [VELO(с)...+ лат. pes (pedis) – оёқ] – оёқ билан харакатга келтириладиган, 2 ёки 3 гидравликали транспорт воситаси.

ВЕНЕ..., ВЕН(О)... [лат. vena – қон томири тури] – айрим қўшма сўзларнинг таркибида келиб, шу сўзларнинг венага алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **венография**, **веностаз**, **венотомия**, **венула**; **венепункция** [вене...+ лат. puncatio – санчиш, укол] – қон қуиши ёки олиш ҳамда дори-дармонни венага киритиш учун венани ҳавол (ичи бўш) нина билан саншиб тешиш; **венесекция** [вене...+ лат. sectio – тилиш, кесиб очиш] – қон қуиши, қон чиқариш ва дори киритишда венепункциянинг иложи бўлмаган ҳолларда венани тилиш, кесиб очиш.

ВЕНТ(ИЛ)... [лат. ventilare – пулфламоқ, эсмоқ, ҳаво ҳайдамоқ, силкитмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг шамол билан боғлиқлигини билдиради. Mac.: **вентилятор** [лат. ventilatio – шамоллатиш, ҳаво ҳайдаш] – ҳаво ёки газларни ҳайдовчи ёки сўрувчи, ҳаво алмаштирувчи қурилма; **вентиляция** [лат. ventilatio – шамоллатиш, ҳаво ҳайдаш] – хоналарнинг ҳавосини алмаштириб туриш ҳамда шу жараённи амалга оширишга мўлжалланган курилмалар мажмуюи.

ВЕНТР(И)..., ВЕНТРИКУЛ(О)... [лат. vent(e)r – қорин, курсоқ; ventriculus – қоринча (мияда ва юракда)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қоринга, юрак ёки мия коринчаларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **вентрал** (қоринга оид), **вентрикулалар**, **вентрикулопунктура**, **вентрикулостомия**, **вентрикулотомия**, **вентрофикация**; **вентрикулит** [вентрикул...+...ит] – одатда, мия коринчаларининг инфекция сабабли ривожланадиган яллиғланиши; **вентрикулография** [вентрикуло...+...графия] – бош мия коринчаларига игна билан ҳаво юбориб, контраст рентгенологик усул билан текшириш (суратини олиш); **вентрикулометрия** [вентрикуло...+...метрия] – мия коринчаларининг ҳажмини ўлчаш; **вентрикулоскопия** [вентрикуло...+...скопия] – мия коринчаларини оптик толали асбоблар ёрдамида текшириш.

ВЕР... [лат. verus – ҳақиқий, ишончли] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларда ҳақиқий, чин, ишончли семаларини ҳосил қиласди. Mac.: **вердикт** [ингл. verdict < лат. vere dictum – тўғри айтилган] – 1) суд маслаҳатчиларининг суд жараёнида айбордорнинг айби бор ёки йўқлиги ҳакида қабул қилган қарори; 2) ҳал қилувчи қарор, қатъий фикр; **верификация** [фр. verification < лат. verus +...ификация] – назарий қоидалар ҳақиқийлигини текшириш, ишончлиликни тажриба йўли билан аниқлаш.

ВЕРМ(И)..., ВЕРМИКУЛ(О)... [лат. vermis –чувалчанг; курт, шилликкурут; vermiculus – кичкина курт,чувалчанг] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак (асос) қисми бўлиб, ўзи қўшилган элементлар биланчувалчангга, куртга алоқадор терминлар ҳосил қиласди. Mac.: **вермикулибетон** (ғовак, енгил бетон), **вермикулит** (минерал); **вермицидлар** [верми...+...цид] – ичакда яшовчи гельминтларни йўқотиш учун фойдаланиладиган кимёвий моддалар; **вермишель** [итал. vermicelli < vermicello – кичкиначувалчанг < лат. vermiculus] – ингичка цилиндр шаклидаги лапша (угра).

ВЕТЕР... [лат. vetus – кекса, қари] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кекса, қари маъносини билдиради. Mac.: **ветеран** [фр. veteran < лат. veteranus – кекса, синалган, тажрибали] – 1) қадимий Римда армия хизматини ўтаб бўлиб, муайян имтиёзлар олган аскар; 2) бирор соҳада узоқ йил ишлаган ёки хизмат қилган киши; фахрий.

ВИА... [лат. via – йўл] – ўзлашма қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, ўтказиш жойи, йўл каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **виадук** [фр. viaduc < лат. via + duco – ўтказаман] – йўл ўтказгич; йўлнинг дарё, жарлик, дара, ботқоқлик ҳамда бошқа йўллар билан кесишган жойларида куриладиган кўприксимон иншоот.

ВИБР(О)... [лат. vibro – титрайман, тебранаман] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибида келиб, титраш, тебраниш маъноларини ифодалайди. Mac.: **вибрация, виброграф, виброизоляция, вибротравма; виброметр** [вибро...+...метр] – тебраниш (вибрация)ларни аниқлайдиган электромеханик асбоб; **вибротерапия** [вибро...+...терапия] – айрим касалликларни, хусусан, периферик нерв системаси касалликларини маҳсус ашпаратлар билан ҳосил қилинган вибрация ёрдамида даволаш усули; **виброфон** [вибро...+...фон] – ўзига хос титрама товуш чиқарадиган урма чолғу асбоби.

ВИВИ... [лат. vivus –тирик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тирик, жонли маъноларини билдиради. Mac.: **вивидифузия, вивисекция, вивификация; виварий** [вив(и)...+...арий] – тажриба ва намойиш учун турли ҳайвонлар асраладиган ва қўпайтирилайдиган бино; ҳайвонотхона; **вивипария** [виви...+ лат. pario – туғаман]

– 1) тирик туғилиш, туғищ; ҳомила (муртак)нинг она организми ичида ривожланишидан иборат, одамга ва кўплаб сутэмизувчиларга хос насл қолдириш усули; 2) уруғнинг пишиб етилмаган мева ичида она ўсимликнинг ўзидан ўсиб чикиши.

ВИДЕО... [лат. video – қарайман, кўряпман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тасвир ҳакида ахборот узатувчи электрсигналларга, шунингдек, тасвир узатиш тизимида кўлланувчи қурилмаларга алокадорлигини англатади. Mac.: видеобар, видеодиск, видеокамера, видеоплейер, видеопрокат, видеоролик, видеосалон, видеотелефон; видеоаппаратура [видео...+ аппаратура] – видеофильмларни ёзиб олиш, монтаж қилиш, кўриб чиқиш ва оммавий намойиш қилиш учун мўлжалланган техника жиҳозлари (видеомагнитофон, видеокамера ва бошқалар); **видеобизнес** [видео...+ бизнес] – видеофильмлар яратиш ва уларни прокатга чиқариш (пуллаш) билан боғлиқ хусусий ишбилармонлик; **видеокассета** [видео...+ фр. cassette – қутича < лат. capsula – қути] – ичида товуш ва тасвирни ёзиб олиш ва уни телевизор орқали қайта кўрсатишга мўлжалланган магнит лентаси бўлган пластмасса кассета; **видеокучайтиргич** [видео...+ кучайтиргич] – видеоимпульсларни кучайтириб берувчи электрон қурилма; **видеомагнитофон** [видео...+ магнитофон] – телевизион тасвирни товуш (овоз) жўрлигига магнит лента (диск)га ёзиб олиб, уни телевизорда қайта кўрсатиш ва эшиттириш учун мўлжалланган аппарат; **видеотека** [видео...+...тека] – 1) видеокассета ва видеодисклар тўпладми; 2) улар сақланадиган жой, омбор; **видеофильм** [видео...+ фильм] – видеотехника, видеоаппаратулар ёрдамида яратилган ва намойиш этиладиган фильм; шундай видеоёзуви кассета.

ВИЗ... [лат. visere – қарамоқ, синчиклаб қарамоқ, текширмок; бормоқ, ташриф буюрмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, қараш, синчиклаб текшириш; ташриф, (юзма-юз) кўришиш каби маъноларни билдиради. Mac.: **визави**, **визир**, **визит**, **визитация**; **виза** [фр. visa < лат. visus – кўрилган, кўриб чиқилган, кўздан кечирилган] – 1) фуқароларнинг бошқа бирон-бир давлатга кириши, ундан чикиши, қисқа муддат яшаши ёки давлат худудидан ўтиши учун масъул идоралар томонидан фуқаро паспортига қўйиладиган маҳсус расмий рухсат белгиси; 2) бирон-бир хужжат устидаги ёзув – мансабдор шахснинг ушбу хужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ёки унга (конуний) куч берувчи розилик белгиси; **визуал** [лат. visualis – кўришга оид, кўриладиган] – оддий, куролланмаган кўз билан ёки бирор оптик асбоб ёрдамида кўриладиган; масалан, визуал кузатиш, визуал реклама; **визуализация** [визуал +...ация] – муайян физик жараён ёки ҳодисани кўриш учун кулай бўлган шаклда гавдалантириш (тақдим этиш).

ВИРИЛ... [лом. virilis – эркакча, эркакка хос < vir – эркак] – ўзлашма ясама сўзнинг биринчи қисми бўлиб, эркак, эркакка хос маъносини билдиради. Mac.: **вирилизм** [вирил...+...изм] – эндокрин касаллик; аёлларда эркакларга хос иккиламчи жинсий белгиларнинг (мас., соқол, мўйлов) пайдо бўлиши.

ВИСК(ОЗ)... [лом. viscosus – ёпишқоқ] – ўзлашма қўшма ва ясама терминларнинг таркибий қисми бўлиб, ёпишқоқ, қовушқоқ маъноларини ифодалайди. Mac.: **вискоза, вискозин; вискозиметр** [вискози...+...метр] – суюқлик ва газларнинг ёпишқоқлигини аниқлайдиган асбоб; **вискозиметрия** [вискози...+...метрия] – суюқлик ва газларнинг ёпишқоқлигини ўлчаш усуслари (капилляр, ультратовуш, ротацион усуслар) мажмуи.

ВИТ... [лом. vita – ҳаёт < vivo – яшайман] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, ҳаёт, яшаш маъноларини билдиради. Mac.: **витализм** [< лом. vitalis – ҳаётий +...изм] – биологияда: организмларда ҳаётий ҳодисаларни бошқарадиган номоддий, гайритабиий кучлар бор, деб тушунтирадиган оқимлар мажмуи; **витаминылар** [вита...+ аминлар – аммиакли органик бирикмалар] – тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти ва нормал модда алмашинуви учун зарур бўлган органик бирикмалар.

ВИТЕЛЛ(О)... [лом. vitellus – сариқлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сариқ рангга алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: **вителлин; вителлогенез** [вителло...+...генез] – сариқлик ҳосил бўлиши, ооцитларнинг тез ўсиш фазасида уларда сариқлик синтезланиши ва тўпланиши.

ВИТР... [лом. vitrum – шиша] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, маълум қўшимчалар билан биргаликда шишага алоқадор маъносини билдиради. Mac.: **витрина; витраж** [витр...+...аж] – шиша парчаларидан териб ёки шаффоф материаллардан фойдаланиб, дераза, эшикларга ҳар хил рангларда ишланган нақш, тасвир; **витрификация** [витри...+...фикация] – температуранинг пасайиши натижасида суюқликнинг шишасимон ҳолатга ўтиши.

ВИЦЕ... [лом. vice – ўрнига, ...учун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёрдамчи, ўринбосар маъноларини англатади. Mac.: **вице-директор; вице-президент** – 1) айрим давлатларда давлат бошлиғининг айни у билан бир пайтда сайланадиган ўринбосари; 2) турли миллий ва халқаро ташкилотларда президент ўринбосари.

ВОКАЛ(И)... [лом. vocalis – овозга, товушга оид; овозли] – ўзлашма қўшма ва ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг товушга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **вокалиграмма, вокализация, вокалископия, вокалист; вокализм** [вокал...+...изм] – муайян

тил, лаҗжа, тиллар оиласи ёки гурухининг унли товушлари, уларнинг белги ва муносабатлари тизими; **вокодер** [во(кал)...+*лот.* code – шифр, код] – сўзлашув нутки кодланган тарзда узатиладиган телефон алоқа тури (узоқ масофали алоқа линияларида уларнинг узатиш қобилиятини орттириш учун қўлланади).

ВУЛЬВ(О)... [*лот.* vulva – аёлларнинг ташки жинсий аъзолари] – ўзлашма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг аёлларнинг ташки жинсий аъзоларига ва уларнинг касалликларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **вульвизм**, **вульвагинит**; **вульвит** [вульв...+...ит] – аёллар ташки жинсий аъзоларининг яллигланиши; **вульвоэктомия** [вульво...+...эктомия] – аёлларнинг ташки жинсий аъзоларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш.

Г

ГАЛ(О)... [*юн.* hals, halos – туз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, туз; шўр, шўрхок маъноларини билдиради. Mac.: **галобионтлар**, **галоидлар**, **галофоблар**; **галогенез** [гало...+...генез] – курғоқчил зоналардаги юза сув ҳавзаларида шўр сувларнинг буғланниши натижасида осон эрийдиган тузлар чўкиндиларининг ҳосил бўлиш жараёни; **галогенлар** [гало...+...ген] – металлар билан бирикканда туз ҳосил қиласидаган фтор, хлор, бром, йод, астат каби кимёвий элементлар гурухи; **галофиллар** [гало...+...фил] – ўта шўрланган мухитда хаёт кечирадиган, шўрсевар организмлар; **галофитлар** [гало...+...фит] – чўл ва сахролардаги ва дengiz соҳилларида шўрхок ерларда ўсуви үсимликлар; **галургия** [гал(о)...+...ургия] – кимё технологиясининг тури минерал тузлар олиш усулларини ишлаб чиқувчи тармоғи.

ГАЛАКТ(О)... [*юн.* gala (galaktos) – сутли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сутга ва сут безига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **галактозурия**, **галактома**, **галактопексия**, **галактопозз**, **галактоскоп**, **галактоцеле**; **галактика** [*юн.* galaktos – сутсимон, сутли] – Күёшни ҳам ўз ичига оладиган юлдузлар системаси; **галактоза** [галакто...+...оза] – оддий қанддан иборат органик модда; сут қанди (лактоза)нинг таркибига киради; **галактометр** [галакто...+...метр] – сутнинг солиштирма оғирлигини ўлчаш учун ишлатиладиган махсус асбоб; **галакторея** [галакто...+...рея] – кўкракдан сутнинг ўз-ўзидан оқиши; **галактостаз** [галакто...+ *юн.* states – қўзгалмас] – эмизикли аёлнинг сут безида сут туриб қолиши; **галактотерапия** [галакто...+...терапия] – касалларни сут билан ва сутдан тайёрланган шифобахш препаратлар билан даволаш.

ГАЛЛ(О)... [лат. *galla* – француз; сиёхранг] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, французларга, француз тилига оидликни билдиради. Мас.: **галлицизм** [лат. *gallicus* – галларга оид + ...изм] – француз тилидан ўзлашган ёхуд француз тилидаги қолилларга тақлид қилиб тузилган сўз ёки иборалар; **галломания** [галло...+...мания] – французпастлик, французларга хос барча нарсаларга хайрихоҳлик, ихлосмандлик.

ГАЛЬВАНО... [итальян олими Л. Гальвани (*Galvani*) номидан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг гальвани (яъни электр) токига алоқадорлигини билдиради. Мас.: **гальванокаутер**, **гальванопластика**, **гальваноскоп**, **гальваностегия**, **гальванотермия**, **гальванотропизм**, **гальванофобия**; **гальванокаустика** [гальвано...+ юн. *kaustikos* – куйдирувчи, ловуллатувчи] – 1) гальвани токида қиздирилган маҳсус учниклар билан тўқималарни куйдириш усули; 2) металлга туширилган расмни гальвани токи билан ишлаш; **гальванометр** [гальвано...+...метр] – электр занъжиридаги жуда кичик ток, кучланиш ва электр миқдорини ўлчайдиган асбоб; **гальванотерапия** [гальвано...+...терапия] – бўғим, мушак, асабларнинг функционал ва органик касалликларини даволаш учун доимий электр токини қўллаш; **гальванотехника** [гальвано...+ техника] – амалий электрокимёнинг бир соҳаси; металл ва металлмас буюмлар сиртига электролитик усулда металл қоплаш жараёни.

ГАМЕТО... [юн. *gametos* – жинсий етуклик; *gamete* – хотин, *gametes* – эр] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилиб келган сўзларда жинсий етуклик маъносини билдиради. Мас.: **гаметангий**; **гаметогенез** [гамето...+...генез] – жинсий хужайралар – гаметаларнинг ҳосил бўлиши ва етилиш жараёни; **гаметофит** [гамето...+...фит] – насли алмашиниб ривожланадиган юқори даражали ўсимликларнинг жинсий авлоди; **гаметофор** [гамето...+...фор] – гаметофитнинг жинсий аъзолар жойлашган қисми; **гаметоцилдар** [гамето...+...цид] – гаметоцитларни ўлдирувчи кимёвий моддалар; **гаметоцит** [гамето...+...цит] – етилаётган жинсий хужайра.

...ГАМИЯ [юн. *gamos* – никоҳ, жуфтлашиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, никоҳ, қўшилиш; оила маъноларини билдиради. Мас.: **автогамия**, **апогамия**, **гетерогамия**, **сингамия**, **экзогамия**, **эндогамия**; **гологамия** [голо...+...гамия] – баъзи яшил сувўтлар, тубан замбуруғларда жинсий жараёнларнинг энг оддий тури; бунда жинсий хужайралар эмас, балки бутун бошли организмлар қўшилади; **гомогамия** [гомо...+...гамия] – 1) икки жинсли гулда уруғчи ва чангчиларнинг бир вақтда етилиши; 2) эркак ва урғочи жинсли индивидларнинг ўз наслига бир хил комбинацияли

генларни ўтказиши; **моногамия** [моно...+...гамия] – 1) бирникоҳлилик; оила ва никоҳнинг бир эркак ва бир аёлнинг доимо бирга яшашидан иборат тарихий шаклларидан бири; 2) эркак ҳайвоннинг бир ёки бир неча мавсум давомида айни бир ургочи ҳайвон билан қўшилиб яшashi; **полигамия** [поли...+...гамия] – кўпникоҳлилик (кўпхотинлилик ёки кўпэрлилик).

ГАММА... [юнон алифбосидаги учинчи ҳарф (γ) ва шу ҳарфнинг номи] – гамма-нурлар билан боғлиқ бўлган қўшма сўзларнинг таркибий қисми. Mac.: **гамма-аппарат**, **гаммаглобулин**, **гамма-камера**, **гамма-кардиограмма**, **гамма-нурланиш**; **гамма-дефектоскопия** [гамма...+ юн. *defectus* – нуксон +...скопия] – буюмларнинг ички нуксонларини гамма-нурлар ёрдамида аниқлаш усули; **гамма-спектроскопия** [гамма...+ лат. *spectrum* – кўриниш, хаёлий образ +... скопия] – спектроскопиянинг атом ядролари гамма-нурланишининг спектрлари ва энергиясини ўлчаш билан шуғулланадиган бўлими; **гамма-терапия** [гамма...+...терапия] – беморларни гамма-нурлар ёрдамида даволаш усуллари мажмуи; **гамма-функция** [гамма...+ функция] – математик анализдаги муҳим функциялардан бири.

ГАНГЛИО... [юн. *ganglion* – бўртиқ, шиш, ўсма; тугун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бўртиқ, нерв тугуни маъноларини билдиради. Mac.: **гангиоцит**, **гангиоэктомия**; **гангиоблокаторлар** [гангио...+ блокатор] – асосан, вегетатив ганглийлар синапсларида нерв қўзғалишининг ўтишини сусайтирадиган моддалар; **гангионеврома** [гангио...+ неврома] – вегетатив ва марказий нерв системаси турли бўлимлари ганглий хужайрасининг хавфсиз ўсмаси; **гангионит** [гангио(н)...+...ит] – нерв хужайралари тугуни ва вегетатив ганглийнинг яллиғланиши.

ГАПЛ(О)... [юн. *haploos* – якка, содда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, содда, якка, яккалик каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **гаплобактерия** [гапло...+ бактерия] – бир-бири билан қўшилмаган, мустақил хужайралардан ташкил топган бактериялар гурухи; **гаплобионт** [гапло...+...бионт] – хужайраси гаплоид хромосомали жинсий насл; **гаплоид** [гапл(о)...+...оид] – бошланғич тур соматик хромосомалари тўпламининг факат ярмигагина эга бўлган индивид; **гаплология** [гапло...+...логия] – сўзда бирин-кетин келган иккита бир хил ёки ўхшаш фонетик таркибли бўғинлардан биттасини тушиб-риб талаффуз этиш; **гаплофаза** [гапло...+ юн. *phasis* – намоён бўлиш, пайдо бўлиш] – организмнинг ривожланиш циклида хужайра ядродаги хромосомалар тўплами гаплоид (биттадан) бўлган давр.

ГАПТ(О)... [юн. *hapt* – тегаман, яқинлашаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёпишмоқ, уринмоқ маъноларини

билдиради. Mac.: **гаптоглобин** (гаптоглобулин) [гапто...+ глобулин] – одам қони зардобининг (плазмасининг) таркий қисмларидан бири бўлган мураккаб оқсил; **гаптотропизм** [гапто...+ юн. tropos – бурилиш, йўналиш +...изм] – чирмашиб ўсувчи ўсимликлар учини (аъзоларини) бирор қаттиқ жисмга тегиб бурилиши ёки айланиши.

ГАСТЕР..., ГАСТР(О)... [юн. gaster – меъда, ошқозон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг меъда, ошқозонга, овқат ҳазм қилишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гастро-граф**, **гастродуоденит**, **гастроптоз**, **гастроскоп**, **гастропазм**, **гастростомия**; **гастралгия** [гастр...+...алгия] – қорин оғриғи; **гастрит** [гастр...+...ит] – ошқозон шиллиқ қаватининг яллиғланиши; **гастролит** [гастро...+...лит] – ошқозондаги тош; одатда, безлар атрофида ҳосил бўлади; **гастроном** [гастро...+...ном] – алоҳида усулда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қўлувчи магазин; **гастроскопия** [гастро...+...скопия] – қизилўнгачга оғиз орқали киритиладиган маҳсус асбоб – гастроскоп ёрдамида ошқозон бўшлигини текшириш; **гастротомия** [гастро...+...томия] – ошқозонни кесиб очиш; **гастроэнтерит** [гастро...+ энтер(о)...+...ит] – меъда ва ингичка ичак шиллиқ қаватининг бир пайтда яллиғланиши; **гастроэнтерология** [гастро...+ энте-ро...+...логия] – тиббиётнинг овқат ҳазм қилиш аъзоларининг тузилиши ва функцияларини, уларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек, олдини олиш ва даволаш усулларини ўрганадиган бўлими.

...ГЕВЗИЯ [юн. geus – таъм] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркий қисми бўлиб, таъм, маза маъноларини билдиради. Mac.: **псевдогевзия**; **гипогевзия** [гипо...+...гевзия] – мазани сезишининг пасайиши; **гликогевзия** [глико...+...гевзия] – бирор таъсир бўлмасдан туриб, оғизнинг ўз-ўзидан ширин бўлиши; **дисгевзия** [дис...+...гевзия] – таъм билиш сезгисининг бузилиши; **парагевзия** [пара...+...гевзия] – таъм сезишининг бузилиши.

ГЕЙЗ... [исланҷча geysir – шиддатли оқим, иссиқ сув] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркий қисми бўлиб, шу сўзларнинг иссиқ сувга, иссиқ оқимга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гейзер** – даврий суратда иссиқ сув ва буғлар фавворадек отилиб турадиган булоқ; қайнар булоқ; **гейзерит** [гейзер +...ит] – иссиқ булоқ (гейзер)лардан чиқадиган сув таркибидаги кремнийнинг чўкишидан ҳосил бўлган жинс.

ГЕКС(A)... [юн. hex – олти] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 6 сонига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гексахлоран**, **гексахорд**, **гексахромия**, **гекситлар**, **гексоза**, **гексокиназа**; **гекзаметр** [гекса...+...метр] – олти туроқли дактилдан иборат метрик шеър тури; **гексагон** [гекса...+...гон] – олтибурчак; олти бурчакли; **гексаэдр** [гекса...+...эдр] – 1) олти ёқли геометрик шакл;

2) олти қиррали кристаллографик шакл; **гексод** [гекс...+...од] – олти электродли, яньи катод, анод ва түртта түрли электрон лампа.

ГЕКТО... [юн. hekaton – юз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бошланғич миқдор (бирлик, катталик)нинг 100 карра ортиқлигини, умуман, 100 сонини билдиради. Mac.: **гектоватт** [гекто...+ ватт] – 100 ваттга тенг бўлган кувват бирлиги; **гектограф** [гекто...+...граф] – машинкада ёки қўлда ёзилган матнни ёхуд иллюстрацияларни 100 нусхагача кўпайтирадиган энг содда босма асбоби; **гектометр** [гекто...+...метр] – 100 метрга тенг узунлик ўлчови бирлиги асбоби.

ГЕЛИ(О)... [юн. helios – Күёш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг Күёшга, күёш нури, күёш энергиясига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гелиобиология**, **гелиогравюра**, **гелиомобиль**, **гелиоскоп**, **гелиостат**, **гелиотрон**, **гелиофизика**, **гелиофорлар**, **гелиоэнергетика**; **гелиография** [гелио...+...графия] – астрономиянинг Күёшни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган бўлими; **гелиометр** [гелио...+...метр] – икки ёритқич ўртасидаги кичик бурчак масофаларини, Күёш, Ой ва бошқа сайёralарнинг кўринма диаметрларини ўлчайдиган асбоб; **гелиотерапия** [гелио...+...терапия] – даволаш ва профилактика мақсадида қўёш нуридан фойдаланиш; **гелиотехника** [гелио...+ техника] – техниканинг кўёш нурларини амалда фойдаланиш учун қулай бўлган бошқа тур энергияга айлантириш билан шуғулланадиган соҳаси; **гелиофил** [гелио...+...фил] – серқуёш ва ёруғ шароитни севувчи, сояга чидамсиз ўсимлик; **гелиофит** [гелио...+...фит] – қўёш нури яхши тушадиган жойларда ўсадиган ёргусевар ўсимлик; **гелиокурилма** [гелио...+ курилма] – қўёш радиацияси энергиясини фойдаланиш учун қулай бўлган бошқа тур энергияга айлантириб берадиган қурилма.

ГЕЛИК(О)... [юн. helix (helikos) – спираль, винт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, спираль, винтга оидликни билдиради. Mac.: **геликоид** [гелик(о)...+...оид] – турли винтсимон сиртларнинг бир тури; **геликоптер** [гелико...+ юн. pteron – қанот] – вертолёттинг эскирган номи.

ГЕЛО... [юн. helo – ботқоқ(лик)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ботқоқ(лик) маъносини билдиради. Mac.: **гелопланктон** [гело...+ юн. plankton – адашган; муаллақ] – оқмас сувларда яшайдиган планктонлар; **гелофитлар** [гело...+...фит] – ботқоқ жойларда яхши ўсадиган ўсимликлар.

ГЕЛЬМИНТ(О)... [юн. helmins, helminthos – чувалчанг, гижжа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, чувалчанг, гижжа маъноларини билдиради. Mac.: **гельминтлар**, **гельминтозоонозлар**;

гельминтогеография [гельминто...+ география] – гельминтологиянинг гельминтларни ўлка, вилоятлар, иқлимий, географик зоналар миқёсида ўрганадиган бўлими; **гельминтозлар** [гельминт...+...оз] – одам, ҳайвон ва ўсимликларда паразит гельминтлар (гижжалар) келтириб чиқарадиган касалликлар; **гельминтология** [гельминто...+...логия] – паразитологиянинг гельминтларни ҳамда тирик организмларда улар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганадиган соҳаси.

ГЕМ(О)..., ГЕМАТО... [юн. *haima* (*haimatos*) – қон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қонга, қон касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гемангиома**, **гемартроз**, **гематоген**, **гематомиелия**, **гемолиз**, **геморрагия**, **геморрой**, **гемостаз**, **гемотоксинлар**, **гемэритрин**; **гематология** [гемато...+...логия] – тиббиётнинг қон таркиби, хоссалари ва функциялари, касалликлари ва даволаш усуllibарини ўрганадиган соҳаси; **гематома** [гемат(о)...+...ома] – тўқималар, аъзолар, тана бўшлиқларида қон томирларининг шикастланиши натижасида қон тўпланиши; **гематофобия** [гемато...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган, хаёлдан кетмайдиган қондан қўрқиш ҳолати; **гематурия** [гемат...+...урия] – буйрак, сийдик йўллари касалликларида қоннинг сийдик билан ажralиб чиқиши (қонли сийдик); **гемоглобин** [гемо...+ лот. *globus* – шар] – одам, умуртқали ва баъзи умуртқасиз ҳайвонлар қонида бўладиган, қон айланишида муҳим роль ўйнайдиган нафас пигменти; **гемометр** (гемоглобинометр) [гемо...+...метр] – қондаги гемоглобин миқдорини аниқлайдиган асбоб; **гемотерапия** [гемо...+...терапия] – беморга ўз қонини ёки донор қонини қуийб даволаш; **гемоторакс** [гемо...+ юн. *thorax* – кўкрак қафаси] – кўкрак қафаси жароҳатланганда ва баъзи касалликларда плевра бўшлиғига қон тўпланиши (куйилиши); **гемофилия** [гемо...+...филия] – қон оқишига мойиллик билан ифодаланадиган ирсий касаллик.

ГЕМИ... [юн. *hemi* – ярим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бутуннинг тенг ярми, унинг иккidan бирига тенг миқдор маъносини билдиради. Mac.: **гемианопсия**, **гемиатрофия**, **гемикрания**, **гемипарез**, **гемиспазм**; **гемиалгия** [геми...+...алгия] – тананинг ярмида оғриқ пайдо бўлишидан иборат симптом; **гемианестезия** [геми...+ юн. *anesthesia* – сезувчанликни йўқотиш] – ярим тананинг оғриқ сезмай қолиши; **гемиатаксия** [геми...+ юн. *ataxia* – ҳаракатнинг бузилиши] – ярим танада ихтиёрий ҳаракатларга беихтиёрий ҳаракатларнинг қўшилиб кетиши; **гемигидроз** [геми... + гидр...+...оз] – одам танаси бир томонининг кўп терлаши; **гемикриптофитлар** [геми...+ крипто...+...фит] – қайта тикланувчи куртаклари тупроқ орасига қисман яшириниб қишлийдиган кўп йиллик ўтлар; **гемиопия** [геми...+...опия] – ҳар бир кўз кўриш майдонининг ярмида кўриш қобилияти-

нинг сақланиб қолиши; **гемиплегия** [геми...+...плегия] – гавда ўнг ёки чап ярмининг тўлиқ фалажланиши; **гемисфера** [геми...+...сфера] – 1) бosh мия ёки миячанинг яримшари; 2) осмон ёки Ер яримшари.

ГЕМИН... [лат. *gemini* – эгизак; қўшалоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, иккаласи биргаликда; бирга, қўш маъноларини билдиради. Mac.: **геминация** [гемин...+...ация] – икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши; **геминидлар** [гемин...+...ид] – Эгизаклар юлдуз туркумидаги метеорлар оқими.

...ГЕН [юн. *genos* – келиб чиқиш, пайдо бўлиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирон нарсадан ҳосил бўлиш ёки келиб чиқиш ёхуд бирон нарса ёки ҳодисанинг ибтидоси, негизи каби маъноларни билдиради. Mac.: **аллерген, антиген, галоген, гидроген, гомоген, оксиген; биоген** [био...+...ген]: **биоген элементлар** – организм таркибida доим мавжуд бўладиган ва маълум биологик функцияларни бажарадиган кимёвий элементлар; **гликоген** [глико...+...ген] – ҳайвон крахмали – одам ва ҳайвонларнинг асосий углевод захираси; глюкоза колдикларидан ҳосил бўлган полисахарид (замбуруғлар, кўк-яшил сувўтлар ва бактерияларда ҳам учрайди); **канцероген** [канцеро...+...ген]: **канцероген моддалар** – организмда ўсмаларни пайдо қилиш ва авж олдириш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар; **патоген** [пато...+...ген]: **патоген микроорганизмлар** – одам, ҳайвон ва ўсимликларда касаллик ва оғриқ пайдо қилувчи микроорганизмлар.

...ГЕНЕЗ [юн. *genesis* – туғилиш; келиб чиқиш, пайдо бўлиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шаклланиш, келиб чиқиш, пайдо бўлиш маъноларини билдиради. Mac.: **гетерогенез, гиногенез, гистогенез; биогенез** [био...+...генез] – органик бирикмаларнинг тирик организмлардан ҳосил бўлиши; **канцерогенез** [канцеро...+...генез] – нормал, соғлом хужайралар, тўқималардан хавфли ўсма пайдо бўлиши ва ривожланиши; **патогенез** [пато...+...генез] – 1) касаллик ёки патологик жараённинг ривожланиш механизми; 2) тиббиётнинг касалликнинг келиб чиқиши жараёни ва ривожланишини ўрганадиган бўлими.

ГЕН(O)... [юн. *genos* – уруғ, насл, авлод; келиб чиқиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг келиб чиқиш, пайдо бўлиш, туғилишга; уруғ, насл, авлодга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **ген, генеалогия, генезис, генератор, генерация, гений, геногеография, генограмма, геном, генофонд, генотип; генератив** [лат. *generare* – туғдирмоқ, пайдо қилмоқ] – туғдирувчи, ҳосил қилувчи; **генератив хужайралар** – жинсий хужайралар; **генератив аъзолар** – ўсимликларнинг жинсий кўпайиш аъзолари;

генетика [юн. genesis – келиб чиқиш, пайдо бўлиш + ...ика] – биологиянинг барча тирик организмларга хос бўлган ирсият ва турли ирсий ўзгаришларни ўрганадиган бўлими; **гениталиялар** [лот. genital – туғиши, туғдириш аъзоси] – жинсий аъзолар; **генокопия** [гено...+ лот. copia – кўп, кўпчилик] – организмнинг зохиран бошқа ирсий ўзгаришга ўхшаган, лекин ўзга бир генга боғлиқ ўзгариши; **генотип** [гено...+...тип] – муайян организмлар хромосомалари ва цитоплазмасидаги барча генлар мажмуси.

ГЕО... [юн. ge – Ер] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг Ерга, Ер шарига, тупроқса ва ерни тадқиқ этишга алоқадорлигини билдиради. Мас.: **геодинамика, геомагнетизм, геомеханика, геоморфология, геотектоника, геотехнология, геофизика, геохронология, геоэкология; геоботаника** [гео...+ ботаника] – Ер юзида ўсимлик жамоаларининг муҳит билан боғлиқ ҳолда жойлашини, таркибини ва таксимланиш қонуниятларини ўрганадиган фан; **география** [гео...+...графия] – Ернинг географик қобиғи, тузилиши ва динамикаси, алоҳида компонентларининг ҳудудлар бўйича ўзаро таъсирашуви ва таксимланишини ўрганувчи фанлар тизими; **геодезия** [гео...+ юн. daio – бўламан, ажратаман] – Ер ўлчами ва шаклини аниклаш, ер юзасини план ва хариталарда тасвирлаш учун айрим ер майдонларини ўлчаш билан шуғулланадиган фан; **геокимё** [гео...+ кимё] – кимёвий элементларнинг Ер ва турли геосфераларда тарқалиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиши қонуниятларини ўрганувчи фан; **геология** [гео...+...логия] – Ер пўсти ва Ернинг таркиби, тузилиши ва тараққиёт тарихи ҳақидаги фан; **геометр** [гео...+...метр] – 1) математик олим; 2) геометрия ўқитувчиси; **геометрия** [гео...+...метрия] – математиканинг фазовий шаклларни ва улардаги шаклий муносабатларни ўрганадиган бўлими; **геосиёsat** [гео...+ сиёsat] – муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташкиси сиёсатига таъсирини ифодаловчи сиёсатшунослик назарияси; **геосфералар** [гео...+...сфера] – Ер шарини ташкил этган концентрик қобиқлар; **геофитлар** [гео...+...фит] – ўсувлари (янгиланувчи) куртаклари тупроқ орасида қишлиядиган кўп йиллик ўт ўсимликлар; **геофон** [гео...+...фон] – Ер пўстининг юқори қатламларида тарқалаётган товуш тўлқинларини қабул килувчи асбоб; геомагнитофон.

ГЕПАТ(O)... [юн. hepar, hepatos – жигар] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг жигарга, жигар фаолиятига ва касалликларига алоқадорлигини билдиради. Мас.: **гепатаргия, гепатоз, гепатома, гепатомегалия, гепатотерапия, гепатотомия; гепатит** [гепат...+...ит] – жигарнинг яллигланиши; **гепатография** [гепато...+...графия] – жигарни рентгенологик текшириш усули; ге-

патолитиаз [гепато...+ лит...+ ...иаз] – жигар йўлларида тошчаларнинг мавжуд (пайдо) бўлиши; **гепатология** [гепато...+...логия] – тиббиётнинг жигар ва ўт йўллари касалликлари диагностикаси ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганадиган бўлими; **гепатоптоз** [гепато...+...птоз] – жигарнинг пастга тушиши.

ГЕПТА... [юн. hepta – етти] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 7 сонига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гептатоника**; **гептагон** [гепта...+...гон] – етти бурчакли; етти-бурчак; **гептахорд** [гепта...+ юн. chorde – сим, тор] 1) етти босқичли товушқатор; 2) етти торли қадимги юнон чолғу асбоби (кифара); **гептод** [гепт(о)...+...од] – етти электродли, яъни катод, анод ва бешта тўрли электрон лампа.

ГЕР(О)..., ГЕРОНТО... [юн. geron (gerontos) – кекса, қари] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қариликка, қари кишиларга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **гериатрия**, **геродермия**, **геродиеттика**, **геромаразм**, **героморфизм**, **геронтоморфоз**, **геронтопсихология**; **геронтократия** [геронто...+...кратия] – 1) ижтиёмий тузумнинг гўё ҳокимиятни кексалар эгаллаган (бошқарган) деган таҳминий илк шакли; 2) мамлакатда (ёки бошқа бирор жойда) кекса раҳбарларнинг мавжудлиги; **геронтология** [геронто...+...логия] – тирик организмларнинг, жумладан, одамнинг қариб боришини ўрганадиган тиббий-биологик фан; **геронтофилия** [геронто...+...филия] – кекса ёшдаги шахсларга нисбатан жинсий майиллик, қарилар билан жинсий муносабатда бўлишга интилиш – жинсий бузукликларнинг бир тури.

ГЕРБ(А)... [лат. herba – ўт, ўсимлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўт, ўсимликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гербалайф** [герба...+ ingl. life – хаёт] – парҳез пайтида истеъмол қилинадиган ўсимлик маҳсулотлари; **гербарий** [герб(а)...+...арий < лат. herbarium – ўт-ўлан, ўсимликлар ҳакидаги китоб] – ўрганиш ва системалаштириш мақсадида ўзига хос усулларда маҳсус йигиб олиб қуритилган ўсимликлар мажмуи; **гербицидлар** [герб(и)...+...цид] – бегона ўтларни йўқотиш учун кўлланадиган кимёвий моддалар.

ГЕТЕР(О)... [юн. heteros – бошқа, ўзга; ҳар хил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзгача, бошқа, ҳар хил каби маъноларни билдиради. Mac.: **гетеробатмия**, **гетерогамия**, **гетероген**, **гетерогония**, **гетеродин**, **гетерозигота**, **гетероморфоз**, **гетеротопия**, **гетерофония**, **гетерохрония**; **гетерогенез** [гетеро...+...генез] – организмларда икки ва ундан кўп авлодлар давомида кўпайиш усулларининг алмашинуви; **гетерокарпия** [гетеро...+ юн. karplos – мева] – ўсим-

ликнинг битта турида шакл ва физиологик хусусиятлари билан ўзаро фарқланувчи ҳар хил мевалар бўлиши; **гетеропластика** [гетеро...+...пластика] – тўқима ёки аъзоларни бошқа биологик турларга мансуб организмларга (мас., ҳайвондан одамга) кўчириб ўтқазиш ёки бир хил ўсимлик қисмини бошқа хил ўсимликка улаш, пайванд қилиш; **гетерофиллия** [гетеро...+ юн. phyllon – барг] – битта ўсимликда ёки унинг битта новдасида ёки поясида ҳар хил шаклдаги барглар бўлиши; **гетерохромия** [гетеро...+ юн. chroma – ранг, тус] – ўнг ва чап кўз ёй пардаларининг ёки бир кўз ёй пардаси турли қисмларининг ҳар хил рангли бўлиши.

ГИАЛ(О)..., ГИАЛИН(О)... [юн. hyalos – шиша; hyalinos – шиша-симон, шаффофф] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шишасимон, шишага ўхшашлик, шаффофф маъноларини билдиради. Mac.: **гиалин**, **гиалинобазальт**; **гиалиноз** [гиалин(о)...+...оз] – организм тўқималарининг тўқима хужайрасидан ташқарида бир турдаги зич, яримшаффофф оқсил моддалар ҳосил бўлиши билан характерланаидиган ўзгариши; **гиалит** [гиал...+...ит] – 1) ҳар хил қўринишдаги рангсиз, шаффофф минерал; одатда, куртаксимон, сумалаксимон суюқлик шаклида учрайдиган опал; 2) шишасимон тананинг яллиғланиши; **гиалоплазма** [гиало...+...плазма] – ҳайвон ва ўсимлик хужайралари цитоплазмасининг ёруғлик микроскопида қўринмайдиган, муайян структурали қисми.

ГИГАНТ(О)... [юн. gigas, gigantos – улкан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг катталикка, улканликка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **гигантизм** [гигант(о)...+...изм] – 1) одам бўйининг ҳаддан (меъёрдан) ташқари баланд бўлиши, патологик ўсиши; 2) ўсимликдаги бирор организмнинг ғайриформал равища ортиқ ўсиб кетиши; **гигантомания** [гиганто...+...мания] – катта, буюк ишларга асоссиз, мақсадсиз интилиш; **гигантопитеклар** [гиганто...+...питеқ] – ўлиб, қирилиб битган йирик одамсимон маймунлар.

ГИГРО... [юн. hygros – нам, хўл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сувга, намлик, намгарчиликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гигрограф**, **гигрометрия**, **гигроскопиклик**; **гигрома** [гигр(о)...+...ома] – бўғим олди ёки синовиал халтачаларда шилимшиқ суюқликнинг тўпланиши; **гигрометр** [гигро...+...метр] – хаво ва газлар намлигини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб; **гигростат** [гигро...+...стат] – турли хил модда ва предметларни доимий намлиқда узоқ вақт сақлаб туриш учун мўлжалланган лаборатория қурилмаси; **гигрофиллар** [гигро...+...фил] – юқори намлик шароитида яшашга мослашган ерусти ўсимликлари ва ҳайвонлари; **гигрофитлар** [гигро...+...фит] – сернам жойларда ўсадиган ўсимликлар.

ГИДР..., ...ГИДР [юн. hidros – тер] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг тер ва тер безларига, терлаш билан боғлик касалликларга алоқадорлигини билдиради: I. Қўшма сўзниңг биринчи қисми сифатида. Mac.: **гидрденит** [гидр...+ аден...+...ит] – тер безлари, кўпинча қўлтиқости безларининг йирингли яллигланиши; **гидраденома** [гидр...+ адено́ма] – тер безларининг хавфсиз ўсмаси; **гидроз** [гидр...+...оз] – тер безлари фаолиятининг бузилиши; **гидроцистома** [гидро...+ цист(о)...+...ома] – тер бези кистаси; кўп терлаш, шунингдек, тер ажралишининг изданчиқиши натижасида келиб чиқади. II. Қўшма сўзниңг иккинчи қисми сифатида. Mac.: **гематидроз**, **олигидрия**, **осмидроз**, **подобромидроз**; **гематогидроз** [гемато...+ гидр(о)...+...оз] – таркибида кон бўлган тер ажралиб чиқиши; **гипергидроз** [гипер...+ гидр(о)...+...оз] – кучли, ортиқча терлаш; **гипогидроз** [гипо...+ гидр(о)...+...оз] – организмнинг фаоллигига, атрофдаги ҳаво ҳароратига мос бўлмаган ҳолда тернинг аномал ҳолда кам ажралиб чиқиши; **пангидроз** [пан...+ гидр(о)...+...оз] – бутун баданнинг ҳаддан ташқари терлаши; **хромидроз** [хром...+ ...гидр +...оз] – одамларда кобалт, мис ва баъзи бошқа моддалар билан ишлаганда чиқадиган рангли тер.

ГИДРО... [юн. hydor – сув] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сувга, сув ҳавзаларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гидравлика**, **гидремия**, **гидроакустика**, **гидрогеология**, **гидродинамика**, **гидрокимё**, **гидролокация**, **гидромания**, **гидрометрия**, **гидростат**, **гидрохория**; **гидробиология** [гидро...+ биология] – биологиянинг сувда яшовчи организмлар ва уларнинг яшаш шароити билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи бўлими; **гидрофография** [гидро...+...графия] – гидрологиянинг куруқликдаги сув объектлари (ҳавзалари)ни ўрганадиган бўлими; **гидролиз** [гидро...+ ...лиз] – моддалар билан сув ўртасида ўзаро таъсири натижасида турли бирикмалар ҳосил бўлиши; **гидрология** [гидро...+...логия] – табиатдаги барча сувларни, уларнинг жойлашиши, хусусиятлари, ўзаро ва табиий атроф-муҳит таъсирида рўй берадиган ҳодисалар ҳамда жараёнлар қонуниятларини ўрганадиган фан; **гидронефроз** [гидро...+ нефроз] – буйрак истисқоси; асосан, буйрак жоми ва косачаларининг кенгайиб бориши натижасида буйрак ўлчамининг катталашавериши билан на-моён бўлади; **гидросамолёт** [гидро...+ самолёт] – сувдан кўтарилишга, сувга кўнишга ва сувда сузишга мосланган самолёт; **гидротерапия** [гидро...+...терапия] – сув билан даволаш; турли хил даволаш мақсадларида сувдан фойдаланиш; **гидрофилия** [гидро...+...филия] – 1) баъзи сув ўсимликларининг сув ёрдамида четдан чангланиши; 2) организм тўқималарининг сув ажралиб чиқишига тўскинлик килиб, уни тутиб,

сақлаб туриш қобилияти; **гидрофитлар** [гидро...+...фит] – сувда ўсадиган ўсимликлар; **гидрофоб** [гидро...+...фоб]: **гидрофоб ўсимликлар** – сувга чидамсиз, сувёкмас, сернам жойда ўса олмайдиган ўсимликлар; **гидрофон** [гидро...+...фон] – сувда тарқалаётган ёки пайдо бўлаётган товуш тўлқинларини қабул қилиб оладиган асбоб.

ГИЛ... [*юн. hyle* – модда, материя] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг жисм, материяга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гилеморфизм**; **гилозоизм** [гило...+ *юн. zoe* – ҳаёт + ...изм] – материянинг барча турларини жонли деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

ГИМЕН... I [*юн. hymen* – пўст, қобик, парда; тери] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг пўст, қобикка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гимений**, **гименолепидлар**; **гименомицетлар** [гимено...+ *юн. myces* (*myctos*) – замбуруғ] – базидияли (кўпайиш аъзосига эга) замбуруғларнинг мевали танасида очик спора ҳосил қилувчи қатламли қаторларнинг умумий номи; **гименоспорангий** [гимено...+ *юн. spora* – уруғ + *angeion* – найча, томир] – кўпчилик замбуруғ ва лишайникларнинг споралар ҳосил қилувчи қатламли аъзолари; **гименофор** [гимено...+...фор] – базидияли замбуруғларнинг гименийга эга бўлган мевали танаси сирти.

ГИМЕН... II [*юн. hymen* – парда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қизлик пардасига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гименатрезия**; **гименит** [гимен...+...ит] – қизлик пардасининг яллиғланиши; **гименотомия** [гимен(о)...+...томия] – қ. **гименэктомия**, **гименэктомия** [гимен...+...эктомия] – қизлик пардасини кесиб олиб ташлаш.

ГИМН... [*юн. gymnos* – яланғоч] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яланғочлик маъносини билдиради. Mac.: **гимнофобия** [гимно...+...фобия] – ечинищдан, яланғоч бўлишдан кўрқиши.

ГИН(О)..., **ГИНЕКО...** [*юн. gyne*, *gynaikos* – аёл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг аёлларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гинандроморфизм**, **гинатрезия**, **гинеколог**, **гинекофилия**, **гинекофобия**, **гинецей**, **гинофор**; **гинандрия** [гин(о)...+ *юн. andros* – эркак] – аёлларда унинг ўзига хос ташки кўриниши, муомаласи, фикрлаши, хатти-ҳаракати, овози ва бошқа белгиларининг эркакча тус олиши; аёлларда эркакларга хос бўлган жинсий аломатларнинг мавжудлиги; **гинекократия** [гинеко...+...кратия] – жамият тараққиётининг хўжаликда, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёллар хукмронлигидан иборат боскичи; **матриархат**; **гинекология** [гинеко...+...логия] – клиник тиббиётнинг турли ёшдаги аёллар организмининг ўзига хос анатомик-физиологик хусусиятларини, жинсий

аъзолари касалликларининг келиб чиқишини ўрганувчи, уларни даволаш ва профилактикаси усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **гинекомастия** [гинеко...+ юн. mastos – кўкрак] – эркаклар кўкрак безининг аёлларнига ўхшаб (туғма ёки орттирилган) катталашиши; **гиногенез** [гино...+...генез] – тухумхужайранинг ривожланиш ва эмбрионнинг ҳосил бўлиш усули.

ГИПЕР... [юн. hyper – юқори, ўта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзга: 1) юқоридалик, 2) меъёрдан ортиқлик, ўта даражадалик каби маъноларни беради. Mac.: **гипералгезия, гипербазитлар, гипергалактия, гипергидроз, гипердактилия, гиперемия, гипермастия, гипермимия, гипертензия, гиперфункция; гипергенез** [гипер...+...генез] – атмосфера, гидросфера ва тирик организмлар таъсири билан Ер пўстининг юқори қисмларида ва Ер юзасида минерал моддаларнинг паст температуralарда кимёвий ва физикавий жиҳатдан ўзгаришлари мажмуи; **гипергликемия** [гипер...+ глик(о)...+...емия] – қондаги қанд миқдорининг меъёрдан юқори бўлиши; **гиперинфляция** [гипер...+ лот. inflatio – кўтарилиш] – товар нархининг шиддат билан кўтарилиши, муомаладаги пул массасининг кўпайиши; **гиперкератоз** [гипер...+ юн. keratos – шох, мугуз] – одам териси мугуз қаватининг ҳаддан ташқари қалинлашиб қаттиқлашиши; **гиперкинез** [гипер...+ юн. kinesis – ҳаракат] – марказий нерв системасининг баъзи касалликларида кўл, оёқ, юз мускуларининг беихтиёр ортиқча ҳаракатланиши; **гиперосмия** [гипер...+...осмия] – хидга ўта сезигирлик ҳолати; **гипертермия** [гипер...+ юн. thermē – иссиқ, иссиқлик] – одам ва ҳайвон организмida ортиқча иссиқлик тўпланиши, ҳароратнинг жуда юқори бўлиши; иссиқ элитиши; **гипертония** [гипер...+ юн. tonos – таранглик] – 1) аъзо ва тўқималар тонуси (таранглиги)нинг ортиши; 2) юқори артериал босим; гипертоник касаллик белгиси.

ГИПНО... [юн. hypnos – уйку] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг уйкуга алокадорлигини билдиради: Mac.: **гипналигия, гипнолепсия, гипнонаркоз, гипнотизм, гипнофрения; гипнopedия** [гипно...+ юн. paideia – ўқитилиш] – табиий туш кўриш вақтида овоз воситасида ахборот узатиш йўли билан ўқитиш; **гипнотерапия** [гипно...+...терапия] – беморни унга сунъий (гипнотик) уйку ёрдамида таъсир кўрсатиб даволаш усули; **гипнофобия** [гипно...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган кўркuv, вахима: уйку пайтида ўлиб қолишдан хавотирланиб, ухлашдан кўркиш.

ГИПО... [юн. hupo – остида, тагида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1) остда, қўйида, чуқурликда жойлашганлигини, 2) муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан камлигини, пасайганлигини билдиради. Mac.: **гипестезия, гиподактилия, гиподинамия, ги-**

поксемия, гипофалангия, гипохлоремия, гипохолия, гипоэргия; гипогалактия [гипо...+ юн. galaktos – сутли] – нотүғри овқатланиш, инфекциялар ва бошқа касалликлар таъсирида эмизикли оналар сути-нинг камайиб кетиши; **гипокапния** [гипо...+ юн. kapnos – тутун] – артериал қонда карбонат ангиридридинг камайиши; **гипокинез** [гипо...+ юн. kinesis – харакат] – мушаклар ва нерв системасининг касалланиши туфайли ихтиёрий харакатларнинг куч ва микдор жиҳатдан пасайиши; **гипоксия** [гипо...+ лот. oxy(genium) – кислород] – аъзо ва тўқималарда кислород микдорининг камайиши; **гипомарказ** [гипо...+ марказ] – зилзиланинг ер сатҳидан анча чукурлиқдаги маркази; **гипоплазия** [гипо...+ юн. plasis – ҳосил бўлиш] – тўқима, аъзолар, тана қисмлари ёки бутун (яхлит) организмнинг чала ривожланиши; **гипотаксис** [гипо...+ юн. taxis – жойлашув] – гапларнинг ўзаро эргаштирувчи воситалар ёрдамида тобеланиши; **гипотония** [гипо...+ юн. tonos – тараанглик] – тўқима, аъзо ва системаларнинг бўшашуви, яъни тонуси (таранглиги)нинг пасайиши; қон босимининг пасайиши.

ГИППО... (фонетик варианти – иппо...: ипподром) [юн. hippos – от] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг отга алокадорлигини билдиради. Mac.: **гиппология** [гиппо...+...логия] – от, унинг ташки кўриниши ва турлари, анатомия ва физиологияси, уни кўпайтириш ва озиқлантириш, ундан фойдаланиш каби масалалар билан шуғулланувчи фан; отшунослик; **гиппотопотам** [гиппо...+ юн. potamos – дарё] – жуфт туёклилар туркумининг кавш қайтарувчилар кенжак туркумига ва сув айғирлари оиласига мансуб ҳайвон.

ГИПС... [юн. hypsos – баландлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, баландлик, юқорилик маъноларини билдиради. Mac.: **гипсометрия** [гипсо...+...метрия] – географик хариталарда ер юзаси рельефини горизонталлар ўтказиш ва бўяш ёрдамида тасвирлаш усули; **гипсотермометр** [гипсо...+ термо...+...метр] – тоғли жойларда атмосфера босимини ўлчайдиган симобли асбоб; **гипсофобия** [гипсо...+...фобия] – баландликка кўтарилаётганда ва баландликда одамда пайдо бўладиган кўркув; баландликдан кўркиш.

ГИРО... [юн. gyros – доира < gutepo – айланаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг айланма харакатга алокадорлигини билдиради. Mac.: **гиробус**, **гировертикаль**, **гиромагнит**, **гиrotрон**, **гиrotроп** (мухит); **гирокомпас** [гиро...+ лот. compasso – ўлчайман] – географик меридианга нисбатан кемалар йўлини кўрсатиб берувчи асбоб; **гироскоп** [гиро...+...скоп] – айланиш ўқи фазода ўз йўналишини ўзгартира оладиган тез айланувчи қаттиқ жисм; **гиростабилизатор** [гиро...+ стабилизатор] – айрим курилмалар ёки асбобларнинг турғунлигини таъминлаш учун ишлатиладиган курилма.

ГИСТЕР(О)... [юн. hyster – бачадон] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бачадонга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гистероспазм**, **гистерофор**, **гистерэктомия**; **гистерит** [гистер...+...ит] – бачадоннинг яллиғланиши; **гистерография** [гистеро...+...графия] – туғуруқ вақтида маҳсус асбоб билан дард ва тўлғоқни аниқлаш; **гистероскопия** [гистеро...+...скопия] – маҳсус кўзгули асбоб – гистероскоп ёрдамида бачадон бўшлиғининг ички юзасини текшириш.

ГИСТ(О)..., ГИСТИО... [юн. histos – тўқима] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тўқимага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гистиогенез**, **гистогематома**, **гистография**, **гистодиагноз**, **гистолиз**, **гистомоноз**, **гистотом**; **гистиоцитлар** [гистио...+...цит] – одам ва умуртқали ҳайвонлардаги биринтирувчи тўқима ҳужайраларининг бир тури; **гистогенез** [гисто...+...генез] – онтогенез даврида одам ва ҳайвон тўқималарининг тарақкий этиши; тўқималарнинг пайдо бўлиши, яшаши ва қайта тикланишини таъминлайдиган жараёнлар мажмуи; **гистокимё** [гисто...+ кимё] – ўсимлик ва ҳайвонлар тўқималарининг кимёвий хоссаларини ўрганадиган фан; **гистология** [гисто...+...логия] – одам ва кўп ҳужайрали ҳайвонлар организми тўқималари ҳақидаги фан; **гистофизиология** [гисто...+ физиология] – тўқималарда рўй берадиган физиологик жараёнларни ўрганадиган фан.

ГЛАДИ... [лат. gladius – қилич, шамшир] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қиличга алоқадорликни, қиличга ўхшашликни билдиради. Mac.: **гладиаторлар** [лат. gladiatoris – қилич билан куролланган < gladius – қилич] – қадимги Римда: ўзаро ёки йирткич ҳайвонлар билан (кўпинча қилич ёрдамида) олишиш учун маҳсус тайёргарликдан ўтган ҳарбий асир ёки қуллар; **гладиолус** [лат. gladiolus – кичкина қилич] – сафсадардошларга мансуб, туганак пиёзли кўп йиллик манзарали ўсимлик (қиличсимон барглари поядга икки қатор бўлиб жойлашади).

ГЛИК(О)... [юн. glykys – ширин] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ширин, ширали; қанд, глюкоза маъноларини билдиради. Mac.: **гликемия**, **гликогенез**, **гликозит**, **гликокол**, **гликорегуляция**, **гликофитлар**; **гликоген** [глико...+...ген] – кўп тармоқли полисахарид – одам ва ҳайвонларда асосий захира углевод; жигар ва мушакларда ҳосил бўлади; **гликозурия** [глик(о)...+...оз + ...урия] – сийдикда юқори миқдорда қанд бўлиши ва унинг сийдик билан чиқиши; **гликолиз** [глико...+...лиз] – глюкозанинг анаэроб шароитда парчаланиши; **гликолипидлар** [глико...+ юн. lipos – ёғ +...оид] – углеводли ёғсимон моддалар.

ГЛИПТ... [юн. glyptos – ўйма, кесма; ўйилган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўймакорликка; кесмага, кесишга алокадорлигини билдиради. Mac.: **глиптика** [*фр. glyptique* < юн. glypho – ўяман, кесаман] – қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо тошларга накш ёки тасвир ўйиш санъати; амалий безак санъати тури; **глиптотека** [глипто...+...тека] – глиптика ёки ҳайкалтарошлик асарлари тўплами; ҳайкалтарошлик музейи.

ГЛОБ... [лат. globus – шар, Ер шари; globulus – шарча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шарга алокадорлик, шар шаклига ўхшашлик маъноларини билдиради. Mac.: **глобал** [*фр. global* – умумий < лат. globus – Ер шари] – 1) Ер юзига оид, бутун Ер шарини қамраб олувчи; 2) умумбашарий, кенг миқёсдаги; ялпи, умумий; **глобаллашув** [*фр. global* – умумий < лат. globus – Ер шари] – дунё миқёсида ягона иқтисодий-молиявий макон, яхлит ахборот майдонининг шаклланиш жараёни; **глобин** [глоб...+...ин] – гемоглобиннинг оқсил қисми; **глобулинлар** [лат. globulus – шарча +...ин] – суюқ кислота ҳамда ишқорлар, нейтрал тузларнинг кучсиз эритмаларида яхши эрийдиган, лекин сувда учча эримайдиган глобуляр оқсиллар.

ГЛОМЕР... [лат. glomer – ўрам; копток, шарча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, коптокка, шарга оидлик, ўхшашлик маъноларини билдиради. Mac.: **гломерула** [гломер...+...ула] – буйрак танасидаги томирли коптокча (калавача); **гломерулит** [гломерул(а) + ...ит] – буйрак коптокчаларининг яллиғланиши; **гломерулонефрит** [гломерул(о)...+ нефрит] – буйрак коптокчаларининг юкумли-аллергик яллиғланиши.

ГЛОСС..., ГЛОТТ... [юн. glossa, glotta – тил; лаҳжа, сўз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тил, лаҳжа, сўзга алокадорлигини билдиради. Mac.: **глоссалгия**, **глоссолалия**, **глоссоптерис**, **глоссоптоз**, **глоссоспазм**, **глottoхронология**; **глоссоматика** [глосса...+ юн. sema – белги +...ика] – XX асрнинг 30-йилларида Копенгаген университети олимлари яратган умумлингвистик назария; **глоссит** [глосс(а)...+...ит] – турли касалликлар оқибатида тилнинг яллиғланиши; **глоссплегия** [глосс(о)...+...плегия] – тил мушакларининг фалажланиши; **глottогония** [глottо...+...гония] – тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги таълимот; **глottология** [глott(о)...+ ...логия] – тилшунослик, лингвистика.

ГЛЯЦИ(О)... [лат. glacies – муз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, музга алокадорлик маъносини билдиради. Mac.: **гляциал**, **гляциодислокация**, **гляциоизостазия**, **гляциолог**; **гляциология** [гляцио...+...логия] – Ер юзида музликларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, тузилиши ва таркиби, физик хоссалари, атрофдаги муҳит

билинг ўзаро муносабати, географик тарқалиши ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақидаги фан.

ГНАТ... [юн. gnath – жағ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг жағга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гнатодинамометр** [гнато...+ динамо...+...метр] – жағдаги тишни ушлаб турувчи тўқималарнинг қанча босимга чидамлилигини аниқлайдиган аппарат.

...ГНОЗИЯ [юн. gnosis – фан, билим, билиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, билим, билиш маъноларини билдиради. Mac.: **агнозия** [а...+...гнозия] – бош мия катта яримшарлари заарарланганда фаҳмлаш, тушуниш қобилиятини йўқотиш; **фармакгнозия** [фармак(о)...+...гнозия] – фармациянинг ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотларни ва уларни бирламчи қайта ишлашдан ҳосил бўладиган баъзи моддаларни ўрганадиган бўлими.

ГНОС... [юн. gnosis – билиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, билиш, англаш, ўзлаштириш, эгаллаш маъноларини билдиради. Mac.: **гносеология** [гносео...+...логия] – илмий билишнинг моҳияти, қонуниятлари, метод ва шакллари тўғрисидаги таълимот; **гностицизм** [юн. gnostikos – билувчи +...изм] – қадимги Рим ва Юнонистонда антик давр охирларида вужудга келган диний-фалсафий йўналиш.

ГОДО... [юн. hodos – йўл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг йўлга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **годограф** [годо...+...граф] – 1) бирор вектор функциянинг вакт давомида ўзгаришини кўрсатадиган эгри чизик; 2) сейсмик тўлқинларнинг манбадан кузатиш пунктигача етиб бориши учун кетган вактнинг масофа-га боғлиқлигини кўрсатадиган эгри чизик.

ГОЛО... [юн. holos – бутун, буткул, тўлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, буткул, тўлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **голограмма, голокрин** (безлар), **голоном** (система), **голоцен; гологамия** [голо...+...гамия] – жинсий жараёнларнинг жинсий хужайралар эмас, балки бутун-бутун организмлар қўшилишидан иборат энг оддий тури (баъзи яшил сувўтлар, тубан замбуругларда); **голография** [голо...+...графия] – тўлқинлар интерференциясидан фойдаланиб, буюмнинг фазовий тасвирини ҳосил қилиш усули.

ГОМЕО... [юн. homoios – ўхшаш, бир хил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзда айнанлик, ўхшашлик, бир хиллик маъносини билдиради. Mac.: **гомеоморфизм, гомеоморфоз, гомеопат; гомеопатия** [гомео...+...патия] – соғлом киши организмида муайян касаллик белгиларига ўхшаш ҳолатларни келти-

риб чиқарадиган дориларни беморга жуда оз микдорда бериб даволаш усули; **гомеостаз** [гомео...+ юн. stasis – ҳаракатсизлик] – организмнинг ўз ички муҳити таркиби ва хоссаларини доимо бир хилда сақлаб туриш хусусияти; **гомеостат** [гомео...+...стат] – тирик организмларнинг ўзининг баъзи характеристикаларини муайян чегарада тутиб туриш қобилиятини моделлаштирувчи электромеханик курилма.

ГОМИ(Н)... [лат. homo, hominis – одам] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, инсонга алокадорлик маъносини ифодалайди. Мас.: **гоминидлар** [гомин...+...ид] – приматлар туркумининг ўтган аждодларнинг ҳамма вакилларидан тортиб ҳозирги одамларгача қамраб олувчи оиласи.

ГОМО... [юн. homos – тенг, бир хил; ўзаро, умумий] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўхшаш, бир хил, у ёки бу нарсага мансублик маъноларини билдиради. Мас.: **гомодонтия, гомоморфизм, гомопластика, гомосексуализм, гомосфера, гомотрансплантация; гомоген** [гомо...+...ген] – келиб чиқиши, тузилиши бир хил ёки бир-бирига ўхшаш (жисм); **гомозигота** [гомо...+ юн. zygote – жуфт бўлиб қўшилган, жуфт] – ирсий белгиларига кўра бир қадар ўхшаш ота-она гаметаларининг қўшилишидан ҳосил бўладиган организм, ҳужайра; **гомология** [гомо...+...логия] 1) келиб чиқиши, тузилиши, ҳолати бир хил, аммо бажарадиган вазифаси ҳар хил бўлган организмлар ўхшашлиги; 2) проектив текисликни ўзини ўзига бир қийматли алмаштириш; **гомотетия** [гомо...+ юн. thetos – жойлашган] – текислик ёки фазодаги ўзаро ўхшаш фигуralарни геометрик алмаштириш тури; **гомотипия** [гомо...+...типия] – симметрик аъзоларнинг, мас., ўнг ва чап кўлнинг ўхшашлиги; **гомофония** [гомо...+...фония] – мусиқали кўповозлилик: бир овоз етакчи бўлиб, бошқа овозлар унга бўйсунади, жўр бўлади.

...ГОН [юн. gonia – бурчак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бурчак маъносини ифодалайди. Мас.: **гексагон, гептагон; пентагон** [пента...+...гон] – 1) бешбурчаклик; 2) (катта ҳарф билан) Вашингтон яқинидаги АҚШ мудофаа вазирлиги жойлашган беш бурчакли бино; **полигон** [поли...+...гон] – 1) кўпбурчаклик; текисликдаги эгри чизик; 2) қуруқлик ёки денгизнинг турли курол-аслаҳалар сақлаш, жанговар техника синовлари, шунингдек, ҳарбий-ўкув машғулотлари ўтказиш учун маҳсус иншоот ва курилмалар билан жиҳозланган қисми; **тетрагон** [тетра...+...гон] – тўртбурчаклик; тўрт бурчакли шакл.

ГОНИ... [юн. gony – тизза] – ўзлашма ясама сўзлар таркибида келиб, тизза маъносини билдиради. Мас.: **гонит** [гон(и)...+...ит] – тизза бўғимини серозли, сероз-йириングли ёки йирингли яллиғланиши.

ГОНИ(О)... [юн. gonia – бурчак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бурчакка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **гониоскопия, гониотомия; гониометр** [гонио...+...метр] – икки ёқли бурчакларни ўлчайдиган асбоб; **гониометрия** [гонио...+...метрия] – тригонометриянинг бурчакларни ўлчаш усулларини ўрганивчи бўлими.

ГОН(О)... [юн. gonos – уруғ, туғилиш; жинсий аъзо] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, уруғ, туғилиш, жинсий аъзо, гонококк каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **гонобленнорея, гонопилемия, гонорея, гоноцит; гонидиялар** [гоно...+...ид] – 1) ҳаракатсиз, хужайра кўринишидаги кўк-яшил сувўтларнинг кўпайиш учун хизмат қиласидиган бир хужайрали бўлаклари; 2) ипсимон бактерияларнинг кўпайиш учун хизмат қиласидиган, ҳаракатчан ёки ҳаракатсиз бир хужайрали бўлаклари; **гонококклар** [гоно...+...кокк] – одамда сийдиктаносил йўллари ва қўз шиллиқ қаватининг иирингли касалликларини қўзгатадиган жуфт бактериялар.

ГОНИЯ [юн. goneia – туғилиш, пайдо бўлиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, пайдо бўлиш, келиб чиқиш, туғилиш маъноларини ифодалайди. Mac.: **глоттогония; гетерогония** [гетеро...+...гония] – умуртқасиз ҳайвонларда насл алмашиниш шаклларидан бири: факат уруғланган тухумдан ривожланган жинсий наслнинг уруғланмаган тухумдан ривожланувчи жинсий насл билан ўзаро алмашинувидан иборат; **космогония** [космо...+...гония] – астрономиянинг космик жисмлар ва улар системаларининг пайдо бўлиши ва тараққиётини ўрганувчи бўлими; **спорогония** [спор(о)...+...гония] – жинссиз йўл билан, споралар воситаси билан кўпайиш усули, споралардан кўпайиш.

ГОР(О)... [юн. hora – одатий вақт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг муайян одатий вақтга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **гороскоп** [горо...+...скоп] – муайян вақт (мас., одам туғилган вақт) учун сайёralар ва юлдузларнинг бир-бирига нисбатан эгаллаган вазиятларини ифодаловчи чизма, жадвал; **горотелия** [горо...+ юн. telos – амалга ошириш] – ривожланишнинг баъзи организм гурухларига хос одатдаги ўртacha суръати.

ГРАВИ... [лат. gravis – оғир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, оғирлик кучи маъносини билдиради. Mac.: **гравитация, гравитон; гравиметр** [грави...+...метр] – оғирлик кучи тезланишини ўлчайдиган асбоб; **гравиметрия** [грави...+...метрия] – тор маънода: оғирлик кучини ўлчаш усуллари ҳақидаги фан; кенг маънода: Ер ва бошқа сайёralарнинг оғирлик кучи майдонини, уларнинг тузилишини ўрганувчи ва баъзи навигацион масалаларни ҳал қилувчи фан.

ГРАММА..., ГРАММАТ(О)... [юн. *gramma*, *grammatos* – ҳарф, ёзув белгиси; ёзув] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳарфга, ёзувга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **грамматика** [юн. *grammatike* < *gramma*] – 1) тилшуносликнинг сўз шакллари, сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари ҳақидаги бўлими; 2) сўз шакллари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапда ўзаро боғланиши ҳақидаги қоидалар баён этилган ўқув китоби, дарслик; **граммология** [граммато...+...логия] – турли даврларда турли жойларда тарқалган ёзувларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи фан соҳаси; **граммема** [грамм...+...ема] – сўз ўзгартирувчи қўшимча ёки ёрдамчи сўз воситаси билан ифодаланадиган энг содда грамматик маъно; **граммелефон** [грамм(о)...+...фон] – грампластинкага ёзилган товушни қайта эшиг(тир)ишга мўлжалланган аппарат.

...**ГРАММА** [юн. *gramma* – шакл, ёзув белгиси, ҳарф, ёзув] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёзувга, ёзилган, чизилган нарсага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **картограмма, криптограмма, монограмма, осциллограмма, пиктограмма, пневмограмма, рентгенограмма, сейсмограмма, стереограмма; кардиограмма** [кардио...+...грамма] – юрак уришининг маҳсус асбоб – кардиографда ёзиб олинган график тасвири; **радиограмма** [радио...+...грамма] – радиотелеграф орқали олинган ёки берилган хабар, телеграмма; **телеграмма** [теле...+...грамма] – телеграф орқали юборилган ёки олинган хабар, шунингдек, шундай хабар ёзилган хосқоғоз (бланка); **фонограмма** [фено...+...грамма] – маҳсус техник воситалар ёрдамида грампластинка, магнит тасма, кино- ёки видеоплёнка, лазер диск ва шу кабиларга ёзилган товуш садолари (нутқ, мусиқа, ашула кабилар); **эпиграмма** [эпи...+...грамма] – 1) ҳайкал, ёдгорлик, бино, совға устига ёзилган ва унинг мазмун-моҳиятини тушунитирадиган ёзув; 2) кичик ҳажмли, ўтқир (аччик) ҳажвий асар.

ГРАНУЛ(О)... [лат. *granulum* – донача < *granum* – дон, дона] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, майдо, кичкина дона, заррача маъноларини билдиради. Mac.: **гранулобласт, гранулопения, гранулопоз; гранулёма** [гранул(о)...+...ома] – одам ва ҳайвонларда бириктирувчи тўқиманинг яллиғланиши оқибатида юзага келадиган ўスマсимон тузилма; **гранулометрия** [грануло...+...метрия] – чўкинди тоғ жинслари, тупроқ ва сунъий материалларнинг турли ўлчамли бўлакларини аниқлаш усуллари мажмуи; **гранулоцитлар** [грануло...+...цит] – цитоплазмасида доначалар (гранулалар) бўладиган оқ қон таначалари (лейкоцитлар).

...**ГРАФ** [юн. *grapho* – ёзаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, куйидаги маъноларни билдиради: 1. Нима-

нидир ёзib олувчи, тавсифловчи, тадқиқ этувчи (инсон ҳакида). Мас.: **библиограф**, **доксограф**, **картограф**, **палеограф**; **биограф** [био...+...граф] – бирор шахснинг биографиясини тузувчи, ҳаёти, таржимаи ҳолини ёзувчи киши; **географ** [гео...+...граф] – география олими, мутахассиси; география ўқитувчиси; **фотограф** [фото...+...граф] – фотография мутахассиси; фотография билан шуғулланувчи, фотосурат олувчи шахс. 2. Ниманидир тикловчи, қайд этувчи, рўйхатта олувчи (нарса, асбоб ҳакида). Мас.: **автограф**, **актинограф**, **анемограф**, **гелиограф**, **дилатограф**, **кардиограф**, **лимнограф**, **магнитограф**, **мареограф**, **сейсмограф**; **барограф** [баро...+...граф] – ҳаво босимида рўй берадиган ўзгаришларни автоматик равишда ўлчаб ва ёзib турдиган асбоб; **осциллограф** [осцилло...+...граф] – техника, тиббиёт ва бошқа соҳаларда оний электр жараёнларини кузатадиган ва бу жараёнларни график шаклда ёзib оладиган асбоб; **фонограф** [фоно...+...граф] – сўз, мусиқа, ашула кабиларни механик усуlda ёзib оладиган ва эшиттирадиган асбоб.

...**ГРАФИЯ** [юн. grapho – ёзаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ёзув орқали ифодаламоқ, битмоқ маъноларини ифодалайди. Мас.: **археография**, **география**, **гидрография**, **петрография**, **полиграфия**, **радиография**, **рентгенография**, **топография**; **гастрография** [гастро...+...графия] – меъданинг турли функцияларини график қайд қилиш усулларининг умумий номи; **радиография** [радио...+...графия] – радионуклидларнинг модда орқали ўтган нурланишининг фототасвирини олиш; **монография** [моно...+...графия] – муайян мавзуни, чекланган масалалар доирасини чукур тадқиқ этувчи илмий асар; **типография** [типо...+...графия] – китоб, газета ва бошқа нашрларни босиб чиқарадиган корхона, босмахона.

ГРАФ(О)... [юн. grapho – ёзаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг хатга, дастхатга, чизмакашлик ва тасвирлашга алоқадорлигини билдиради. Мас.: **графема**, **графика**, **графит**, **графоман**, **графостатистика**; **графология** [графо...+...логия] – шахснинг хуснihatи тўғрисидаги таълимот – хат ёзган кишининг хусусиятлари ва руҳий ҳолатларини шу хат асосида аниклаш, тадқиқ этиш; **графомания** [графо...+...мания] – доим жуда кўп ва бефойда хатлар ёзаверишга ҳаддан ортиқ ишқибозлик; **графоспазм** [графо...+...спазм] – бошқа ҳаракатлар саклангани ҳолда қўл мушаклари спазмida ёзув функцияларининг бузилиши; хат ёзиш пайтида кўлларнинг қалтираши; **графофобия** [графо...+...фобия] – ёзишдан кўркиш.

ГУМ... I [лат. humus – тупрок, замин] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг тупроққа, ерга алоқадор-

лигини билдиради. Mac.: **гумификация** [гум(и)...+...фикация] – тупроқда бактериялар ва бошқа микроорганизмлар иштирокида чиринди хосил бўлиш жараёни; **гумолитлар** [гумо...+...лит] – қазилма кўмирлар мажмуи; ботқокларда ўсган юксак ўсимликлар қолдикларининг маҳсули; **гумус** [лот. humus – тупроқ] – тупроқнинг нисбатан барқарор, одатда, юқори молекуляр корамтири биримлари мажмуи; чиринди.

ГУМ... II [лот. *humanus* – инсонга хос, инсонпарвар] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг инсонга, инсоний туйғуларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **гуманизм** [лот. *humanus* – инсоний +...изм] – одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга асосланган дунёкараш; **гуманист** [лот. *humanus* – инсоний +...ист] – гуманизм тарафдори, гуманизм руҳидаги, инсонпарварлик ва инсонийликни намоён этувчи одам; **гуманитар** [фр. *humanitaire* < лот. *humanitas* – инсонпарварлик; билимлилик] – ижтимоий фанларга оид, инсоният ва унинг маданиятини ўрганадиган; мас., *гуманитар таълим, гуманитар фанлар*.

ГУММ(И)... [лот. *gummi* – елим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, елимга алоқадорликни билдиради. Mac.: **гуммилак, гуммит; гумма** [лот. *gummi* – елим] – захмнинг учламчи даврида ҳар хил аъзо ва тўқималардан ривожланадиган тугунсимон тузилма; сифилома; **гуммигут** [гумми...+ лот. *gutta* – томчи] – баъзи тропик дараҳтлар танасини тилимлаб кесиб олинадиган сутсимон оқ қуюқ шира; **гуммиарабик** [гумми...+ лот. *arabicum* – араб, арабларга оид] – баъзи акация турлари табиий ёриклиаридан ёки сунъий кесикларидан йигиб олинадиган қовушоқ тиниқ суюқлик.

Д

ДАКРИО... [юн. *dakryon* – кўз ёши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўз ёшига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **дакриоаденит** [дакрио...+ адеп...+...ит] – кўз ёши безининг яллиғланиши; **дакриоцистит** [дакрио...+ цист...+...ит] – кўз ёши халтачасининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши; **дакриуря** [дакри...+...уря] – тутқаноқ хуруж қилган пайтда беихтиёр сийиб қўйиш.

ДАКТИЛО... [юн. *daktylos* – бармоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қўлга, бармоқка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **дактилит** [дактил(о)...+...ит] – бирон-бир инфекция туфайли бармоқларнинг яллиғланиши; **дактилография** [дак-

тило...+...графия] – ёзиш учун қулай бўлган ҳар қандай текис юзада бармоқлар билан амалга оширилган ёзув (карлар ёки кар-кўрлар билан мулоқотда); **дактиология** [дактило...+...логия] – кар-соқовларнинг кўл бармоқлари ёрдамида ўзига хос тарзда гаплашиш усули; **дактиломегалия** [дактило...+ юн. *megas*, *megalus* – катта] – ривожланиш нуксони: оёқ ва кўл бармоқларининг ҳаддан ортиқ катталашиб кетиши; **дактилоскопия** [дактило...+...скопия] – одамнинг кўл бармоқларидаги тери изларини ўрганиш асосида унинг шахсини аниқлаш.

ДЕ... [*лом. de-* – ажратиш] – олд қўшимча; ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1. Ажратиш, чиқариш, йўқотиш, бекор қилиш маъноларини билдиради. Mac.: **декортикация, делистинг, депиляция, дератизация; дегазация** [де...+ *фр. gaz* – газ +...ация] – зарарли газлардан, заҳарловчи моддалардан тозалаш, зарарсизлантириш; **дегидратация** [де...+ гидрат...+...ация] – анорганик ёки органик моддалардан сув ажралиши; **демонтаж** [де...+ *фр. montage* – тўплаш, йигиш; ўрнатиш, монтаж] – машина, аппарат, иншоотни айрим қисмларга ажратиш, ўрнатилган жойидан кўчириб олиш; **денатрация** [де...+ *лом. nature* – табиий хусусият +...ация] – турли хил физик ёки кимёвий омиллар таъсирида оксилилар, нуклеин кислоталар ва бошқа биополимерлар молекулаларида ўзига хос табиий хусусиятларнинг йўқолиши; **дефолиация** [де...+ *лом. folium* – япроқ, барг +...ация] – ҳосилни машиналар ёрдамида йифиб-териб олишни осонлаштириш мақсадида ўсимлик баргларини маҳсус кимёвий моддалар – дефолиантлар ёрдамида сунъий равища тўкиш. 2. Пасайиш, пастга қараб ҳаракатланиш, таназзул маъноларини билдиради. Mac.: **дегенерация, декомпрессия, делактация; девальвация** [де...+ *фр. evaluation* – қиймат; баҳо, баҳолаш] – миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталарига нисбатан пасайиб кетиши, пасайтирилиши; **деградация** [де...+ *лом. gradatio* – аста-секин юксалиш] – бирор нарса ёки ҳолатнинг тобора ёмонлашиб бориши, айниши; таназзулга учраши.

ДЕ... [*лом. deus* – худо] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, худо маъносини билдиради. Mac.: **деизм** [де...+...изм] – худони оламнинг яратувчиси сифатида тан олувчи, лекин унинг табиат ва жамиятнинг кейинги ҳаётидаги иштирокини инкор этувчи фалсафий таълимот; **дeист** [де...+...ист] – деизм тарафдори.

ДЕБ(ИТ)... [*лом. debet* – қарз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қарз, қарздорлик маъноларини билдиради. Mac.: **дебентура** [*лом. debere* – қарздор бўлмок] – божни қайтариш ҳақидағи божхона гувоҳномаси; **дебитор** [*лом. debitor* – қарздор < *debitum* – қарз] – бирор идора, ташкилот ёки муассасадан қарздор бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

ДЕЗ... [лом., фр. des – ...дан, ...дан ажратиш, холи қилиш] – олд күшимча; ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсани йўқ қилишни ёки унинг йўқлигини, шунингдек, акс ҳаракатни билдиради. Мас.: **дезинвазия, дезориентация, дезурбанизм; дезактивация** [дез...+ лом. actives – таъсирчан, фаол +...ация] – радиоактив модда билан заҳарланган объектларни тозалаш, заарсиз ҳолга келтириш; **дезинсекция** [дез...+ лом. insectum – ҳашарот] – заарли ҳашаротларни маҳсус йўллар, воситалар билан йўқотиш, кириш; **дезинтеграция** [дез...+ лом. integratio – қайта тиклаш, тўлдириш, бутлаш] – бутунни таркибий қисмларга бўлиш, ажратиш; **дезинфекция** [дез...+ лом. inficere – юқтириш, заарлаш] – заарсизлантириш, юқумсиз ҳолга келтириш; **дезинформация** [дез...+ лом. informatio – хабардор қилиш, хабар бериш] – ёлғон хабарларни тарқатиш, ёлғон хабарлар билан чалғитиш; **дезодорация** [дез...+ лом. odor – ҳид, бўй +...ация] – кўланса, сассиқ ҳидларни маҳсус асбоблар ва кимёвий моддалар билан йўқотиш.

ДЕЙТЕР... [юн. deuteros – иккинчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг “иккинчи” тартиб сонига, ўзга, бошқа каби маъноларга алоқадорлигини билдиради. Мас.: **дейтеранопия** [дейтер...+ ан...+...опия] – кўзнинг кўр бўлмагани ҳолда, маълум рангларни, асосан, яшил рангни кўрмаслик; **дейтерий** – водород элементининг атом массаси 2 га тенг бўлган барқарор изотопи; **дейтероскопия** [дейтеро...+...скопия] – баъзи руҳий касалликларда ва иситма пайтида жуда камдан-кам ҳолларда учрайдиган, беморнинг кўзига унинг ўзи кўринадиган алаҳлаш ҳодисаси.

ДЕКА... [юн. deka – ўн] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, 10 сонига оидликни, ўнталикни билдиради. Мас.: **деканат, декаподлар; декада** [дек(а)...+...ада] – 1) ўн кунлик вақт; қадимги Мисрда вақт ўлчови бирлиги; 2) бирор нарсага бағищланган, ўн кун давомида ўтказиладиган (ўн кунлик) тадбир; **декаметр** [дека...+...метр] – ўн метрга тенг узунлик ўлчови; **декан** [юн. dekanus – ўнбоши; ўн аскар бошлиғи] – олий ўкув юртида факультет раҳбари; **декатрон** [дека...+...трон] – ҳисоблаш ва ўлчаш техникасида қўлланадиган, ўнта катод гурухи бўлган ион асбоб.

ДЕКСТР(О)... [юн. dexter – ўнг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўнг, ўнг томон маъноларини билдиради. Мас.: **декстроза** [декстр(о)...+...оза] – моносахаридлар гурухига мансуб, оддий карбонсув (углевод)дан иборат рангсиз кристалл; глюкозанинг эскирган номи; **декстрокардия** [декстро...+...кардия] – юракнинг кўк-рак қафаси ўнг томонида туғма жойлашган бўлиши.

ДЕМО... [юн. *demos* – халқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, халқ, аҳоли маъноларини билдиради. Mac.: демагог, демагогия, демограф, демос; демография [демо...+...графия] – аҳоли шунослик; бирор ҳудуд, мамлакат, бирдан ортиқ мамлакатлар ёки дунё аҳолиси ўзгаришларини илмий-статистик ўрганувчи фан тармоғи; демократия [демо...+...кратия] – 1) фуқаролар эркинлиги ва тенглиги коనуларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ҳамда юзага чиқарилган сиёсий тузум; 2) жамоа барча аъзоларининг ижтимоий ташкилотлар ҳаёти ва иш жараённида фаол иштирок этиши; демофобия [демо...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган кўрқув ҳолати: одамлар тўдасидан, оломондан қўрқиш, ваҳимага тушиш.

ДЕНДР(О)... [юн. *dendron* – дарахт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, дарахт, дарахтзор маъноларини билдиради. Mac.: дендрарий, дендрометрия; дендрит [дендр(о)...+...ит] – 1) нерв ҳужайраларининг дарахтсимон тармоқланган сезувчи ўсимталари; 2) бирор-бир минералнинг тўлик ривожланган, дарахтсимон тармоқланган кристаллари; дендрология [дендро...+...логия] – ботаникнинг дарахт ва буталарнинг турларини ўрганадиган бўлими, соҳаси; дендрометр [дендро...+...метр] – дарахт ўлчаш асбоби; дендрохронология [дендро...+ хронология] – дарахтларнинг тарихига (мас., ёшини белгилашга) оид ҳолатларни ўрганувчи фан.

ДЕНСИ..., ДЕНСИТ(О)... [лат. *densi* – зич, қалин, *densitas* – зичлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг зичликка алокадорлигини билдиради. Mac.: денситетрия [денси...+...метрия] – суюқ ва қаттиқ жисмларнинг нисбий зичлигини ўлчаш усули; денситометр [денсито...+...метр] – очилтирилган фотоматериалнинг оптик зичлигини аниқлайдиган асбоб; денситометрия [денсито...+...метрия] – илмий фотография бўлими бўлиб, кимёвий фотографик йўл билан бошқача ишланган фотографик қатламнинг ёруғлик нурини ютиши ва сочишини ўлчаш билан шуғулланади.

ДЕНТ(О)... [лат. *dentis* – тиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тишга алокадорлигини билдиради. Mac.: дентиатрия [дент...+...иатрия] – тиш касалликлари ва уларни даволаш усуслари ҳақидаги таълимот; дентин [дент...+...ин] – тишнинг минерал тузлар ва органик моддалардан таркиб топган асосий қаттиқ қисми.

ДЕРМ(О)..., ДЕРМАТ(О)... [юн. *derma*, *dermatos* – тери] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг тери, тери касалликларига алокадорлигини билдиради. Mac.: дермагия, дерматомиозит, дерматоневроз, дерматопластика, дермограф,

дермоскопия; дерматин [дермат(о)...+...ин] – ип газламадан эластик модда қоплаб тайёрланадиган сунъий чарм; **дерматит** [дермат(о)...+...ит] – терининг яллиғланиши; **дерматоз** [дермат(о)...+...оз] – тери касалликларини билдирувчи умумий термин; **дерматология** [дермато...+...логия] – тиббиёттинг тери касалликларини ўрганувчи ва уларни даволаш билан шуғулланувчи соҳаси; **дерматома** [дермат(о)...+...ома] – терида пайдо бўладиган ҳар хил шишлар.

...ДЕРМА, ...ДЕРМИЯ [юн. derma – тери; қобиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг умуман тери, касалланган тери, муайян тери касалликларининг умумий номи каби маъноларга алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **blastoderma, лейкодерма, мезодерма, сидеродерма, феллодерма, эктодерма, энтодерма; ксеродермия, склеродермия, стеародермия, цианодермия; бромодерма** [брому...+...дерма] – терига тошмалар тошиши; асосан, таркибida бром бўлган дориларни узоқ вакт истеъмол қилганда ёки шу дориларни организм қабул кила олмай қолганда кузатилади; **экзодерма** [экзо...+...дерма] – ўсимликлар илдизи бирламчи қобигининг пўйакланган хужайралари ташки қавати; илдиз тукчалари куриб қолганда химоя вазифасини бажаради; **эпидерма // эпидермис** [эпи...+...дерма] – умуртқали ҳайвонлар ва одам терисининг ташки, энг устки юпка қавати; **геродермия** [геро...+...дермия] – терининг патологик атрофияси – қари одамнинг терисини эслатади; **меланодермия** [мелано...+...дермия] – терида меланин (қора-кўнғир ранг) пигментининг кўпайиб кетиши; **пахидермия** [пахи...+...дермия] – сурункали яллиғланиши ёки давомли қўзғалиш (асабийлашиш) лар натижасида терининг ёки шиллик парданинг қалинлашиши; **пиодермия** [пио...+...дермия] – терининг йиринг ҳосил қилувчи бактериялар кўзғатадиган йирингли касалликлари.

ДЕСМ(О)... [юн. desmos – боғлама, боғловчи, алоқа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, боғлам, боғловчи, алоқа маъноларини билдиради. Mac.: **десмолазалар, десмосомалар; десмолиз** [десмо...+...лиз] – ҳайвон ва ўсимлик организмларида органик бирикмаларнинг ферментлар – десмолазалар таъсирида парчаланиш жараёнлари; **десмология** [десмо...+...логия] – тиббиёттинг бириктирувчи тўқималарни ўрганувчи соҳаси; **десмоцит** [десмо...+...цит] – бириктирувчи тўқима толаларини бир-бирига боғлаб турувчи хужайра; **десмургия** [десм(о)...+...ургия] – жарроҳлик боғламаларини қўйиш усуллари ҳақидаги таълимот.

ДЕЦИ... [лот. decem – ўн] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, физик бирликлар номларининг ўндан бир улуши маъносини билдиради. Mac.: **декибел** [деки...+ ингл. bel – иккита бир жинс-

ли физик катталиклар нисбатининг логарифмик бирлиги] – товуш ёки электромагнит тўлқинлари босимининг бирлиги – “бел”нинг ўндан бир улуши; **декилитр** [деки...+ литр] – литрниң ўндан бир улушига тенг ҳажм ўлчови бирлиги; **декиметр** [деки...+...метр] – метрниң ўндан бир улушига тенг узунлик ўлчови бирлиги.

ДИ... [*юн.di(s)* – иккита, жуфт] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, иккилик, жуфтлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **диглоссия**, **диграмма**, **диграф**, **дикарион**, **диморфизм**, **дифосген**; **дилемма** [ди...+ *юн. lemma* – асос, хукм] – бир-бирига зид бўлган икки имкониятдан бирини танлаб олишга мажбур бўлиш; **дилогия** [ди...+ ...логия] – бир муаллифнинг ягона мазмун билан бирлаштирилган икки бадиий асари; **диод** [ди...+...од] – икки электродли лампа; **дисахаридлар** [ди...+ *юн. sakchar* – қанд +...ид] – молекулалари икки қолдик моносахариддан ҳосил бўлган карбонсувлар (углеводлар).

ДИА... [*юн. dia* – орасида, аро, орқали] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўғридан-тўғри ҳаракат, кириб бориш, бўлиниш, ўзаро яқинлик, тугалланганлик маъноларини билдиради. Mac.: **диабет**, **диагенез**, **диагональ**, **диалог**, **диапазон**, **диарея**, **диаскоп**, **диафон**; **диаметр** [диа...+...метр] – айлана ва доиранинг марказдан ўтувчи ватари; **диапозитив** [диа...+ *лат. positivus* – мусбат] – проекцион фонарь ёрдамида кўрсатиш учун шаффоф пластинка ёки шишига, плёнкага туширилган рангли ёки оқ-қора фотосурат; **диафильм** [диа...+ *ингл. film* – парда] – умумий мавзу асосида бирлашган ва кинолентада муайян кетма-кетликда жойлаштирилган оқ-қора ёки рангли фототасвирлар; **диахрония** [диа...+ *юн. chronos* – вақт, давр] – тил эволюцияси, тил ҳолати (ҳодисалари)нинг даврлараро алмашиниши; тил тараққиётини вақт нуқтаи назаридан ўрганиш.

ДИГИТАЛ... [*лат. digitus* – бармоқ; *digitalis* – бармоқка оид] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бармоққа алоқадорлик маъносини билдиради. Mac.: **дигитализм** [*лат. digitalis* +...изм] – дигиталис препаратларини узок вақт қабул қилиш натижасида захарланиш; **дигиталис** [*лат. digitalis* – бармоққа оид, бармоққа ўхшаш] – Европанинг кўп жойларида, Сибирнинг баъзи ерларида ёввойи ҳолда ўсадиган ва тажриба станцияларида ўстириладиган доривор ўсимлик.

ДИДАКТ... [*юн. didaktikos* – ибратли; таълим бериш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, таълим бериш, панд-насиҳат маъноларини билдиради. Mac.: **дидактизм** [дидакт...+ ...изм] – ўтит-насиҳатга эгалик, ибратлилик, насиҳотомузлик; **дидактика** [дидакт...+...ика] – педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси асосларини ўрганувчи соҳаси.

ДИЕТ(О)... [юн. diaita – турмуш тарзи, тартиб; озиқ-овқат] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг турмуш тарзи, тартиб-коида, овқатланишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **диететика; диетология** [дието...+...логия] – соғлом ва касал кишиларнинг оқилона ва тўғри овқатланиши ҳақидаги таълимот; **диетотерапия** [дието...+...терапия] – овқат билан даволаш; беморларни маҳсус шифобаҳш овқатлар билан даволаш усули.

ДИЗ..., ундошлар олдидан **ДИС...** [лот. dis, юн. dys – йўқ бўлиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кийинчилик, бузилиш, йўқолиш каби маъноларни билдирувчи олд кўшимча ҳисобланади. Mac.: **дизартикуляция, дизассимиляция, дизостоз; дизартрия** [диз...+ юн. arthroo – товушларни бурро-бурро айтаман] – товуш чиқаришда иштирок этадиган мушаклар фаолиятининг бузилиши натижасида айрим сўзлар, бўғин ва товушларни қийналиб талаффуз этиш; **дизентерия** [диз...+ юн. enteron – ичак] – йўғон ичакнинг яллигланиши ва тез-тез қон аралаш ич кетишидан иборат ўткир юқумли касаллик; ичбуруғ; **дизосмия** [диз...+...осмия] – ҳид билиш сезгисининг бузилиши (йўқолиши); **дизурия** [диз...+...урия] – оғриқ билан қийналиб сишиш; сийишнинг издан чиқиши.

ДИКТ(О)... [лот. dictare – айтиб турмок] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг гапиришга, айтиб туришга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **диктант** [дикт...+...ант] – имловий ва пунктуацион қоидаларнинг ўзлаштирилиш даражасини текшириш учун айтиб туриб ёздириладиган ёзма иш; **диктор** [дикт...+...ор] – радио ва телевизор орқали узатиладиган тайёр матнларни микрофон олдидаги ёки телекамера қаршисида ўқиб эшигтирувчи ходим; сухандон; **диктофон** [дикто...+...фон] – оғзаки нутқ, куй ва товушларни ёзиб олиб, қайта эшигтирадиган кўл аппарати.

ДИЛАТО... [лот. dilatare – кенгайтирмок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кенгайтирувчи, чўзувчи маъноларни билдиради. Mac.: **дилататор, дилатация, дилатограф; дилатометр** [дилато...+...метр] – жисмларнинг иссиқлиқдан кенгайишини, шунингдек, жисм ўлчамларининг ташки омиллар таъсирида ўзгаришини ўлчайдиган асбоб; **дилатометрия** [дилато...+...метрия] – физиканинг жисм ўлчамлари ўзгаришининг ташки омиллар таъсирига боғлиқлиги ни ўрганадиган бўлими.

ДИНАМО... [юн. dynamis – куч] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг куч-күвват, энергияга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **динамика, динамо-машина, динамометрия; динамит** [динамо...+...ит] – ҳарбий соҳа ва тоғ ишларида қўлланадиган, асосий таркибий қисми нитроглицерин ва суюқ нитроэфирлардан

иборат бўлган кучли портловчи модда; **динамокардиография** [дина-
мо...+ кардио...+...графия] – юрак фаолиятининг механик кўринишла-
рини тадқиқ қилиш усули; **динамометр** [динамо...+...метр] – 1) техни-
када куч ёки буровчи моментни ўлчайдиган асбоб; 2) механик кучни
ёки мушаклар кучини, масалан, кўлнинг кучини ўлчайдиган асбоб,
кучўлчагич.

ДИПЛО... [юн. diploos – иккиланган, қўш, жуфт] – ўзлашма қўшма
сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қўш, жуфт, иккита деган маънолар-
ни билдиради. Mac.: **диплом**, **диплоскоп**, **диплосомия**, **диплофаза**;
диплоид [дипло...+...оид] – иккита гомологик хромосомалар тўплами-
га эга, гаплоид ҳолатга нисбатан икки ҳисса ортиқ бўлган хужайра ёки
организм; **диплококклар** [дипло...+...кокк] – думалок шаклдаги бакте-
рияларнинг жуфт-жуфт бўлиб яшайдиган тури; **диплопия** [дипло...+
...опия] – нарсаларнинг кўзга иккита бўлиб кўриниши.

ДИПС... [юн. dipsa – ташналик, иссиқ] – ўзлашма қўшма сўзлар-
нинг таркибий қисми бўлиб, иссиқ, ташналик маъноларини билдира-
ди. Mac.: **диспомания** [диспо...+...мания] – сурункали ичкилиkbозлик-
нинг бир тури; спиртли ичимликни кўмсаш; бир неча кундан ҳатто бир
неча ҳафтагача ичкилиkk ружу кўйиш, тўхтовсиз ичиш.

ДИС..., унлилар олдидан **ДИЗ...** [лот. dis, юн. dys – йўқ бўлиш] –
ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ажралиш, ўзга-
риш, тарқалиш; кийинчилк, номувофиқлик, йўқотиш, маҳрум бўлиш
каби маъноларни билдирувчи олд қўшимча. Mac.: **дисбазия**, **дисба-
ланс**, **дисгевзия**, **дисгидроз**, **дискинезия**, **дискомфорт**, **дислексия**,
диссимия, **диспноэ**, **диссонанс**, **дистония**, **дистрофия**, **дисфункци-
ция**, **дисхолия**, **дисхромия**; **дисбактериоз** [дис...+ юн. bacteria +...оз]
– организмда нормал шароитда учрайдиган бактерияларнинг ўзгариб
кетиши; **дисгармония** [дис...+ юн. harmonia – уйғунлик] – уйғунлик-
нинг бузилиши ёки йўқлиги; **уйғунсизлик**; **дисквалификация** [дис...+
квалификация] – 1) мусобақанинг техник қоидаларини бузганлиги
учун спортчини ёки жамоани эришган натижалари, эгаллаган ўрни ва
бошқалардан маҳрум қилиш; 2) ахлоқий-этик нормаларни бузганлиги
учун спортчи (ёки жамоа)ни мусобақада қатнашиш ҳуқуқидан маълум
муддатга шартли ёки умуман маҳрум этиш; **дислялия** [дис...+ юн. lalia
– сўзлаш] – сўзни қийналиб талаффуз қилиш; тили чучуклик; **дисло-
кация** [дис...+ лот. locatio – жойлаштириш] – қуролли кучларни, ҳар-
бий муассасалар ва ўқув юртларини мамлакат ҳудуди бўйлаб улар учун
ажратилган жойларга тақсимлаб ўрнаштириш; **дисменорея** [дис...+
мено...+...рея] – хайз кўришнинг бузилиши; хайз кўришдаги турли
бузилишларнинг умумий номи; **диспепсия** [дис...+ юн. pepsis – ҳазм]
– меъда-ичак фаолиятининг, овқат ҳазм қилишнинг бузилиши, издан

чиқиши; **дисплазия** [дис...+ юн. *plasis* – ҳосил бўлиш, шаклланиш] – аъзо ва тўқималар ёки тана қисмларининг нотўғри ривожланиши; **диспропорция** [дис...+ лот. *proportio* – мутаносиблик] – халқ хўжалигининг айрим соҳаларида иқтисодиётга ҳос бўлган мутаносибликларнинг бузилиши, издан чиқиши; номутаносиблик; **дисфагия** [дис...+ ...фагия] – ютиш ҳаракатининг издан чиқиши, овқат ёки сув ютишнинг қийинлашиши; **дисфония** [дис...+...фония] – ҳикилдоқ касалликларида, овоз аппаратининг ўта зўрикишида овознинг бузилиши.

ДОДЕКА... [юн. *dodeka* – ўн икки] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 12 сонига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **додекафония** [додека...+...фония] – мусикани муайян қоидаларга бўйсундириш мақсадида турли баландликдаги 12 хроматик товушдан маълум изчилликда яратиладиган композиторлик техникаси; **додекаэдр** [додека...+...эдр] – ўн икки ёкли геометрик шакл.

ДОКТ..., ДОЦ... [лот. *docere* – ўқитмоқ, таълим бермоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўқиш, ўқитиш, таълимга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **доктор** [*фр. docteur* < лот. *doctor* – олим; илмий даражা; врач] – 1) касалларни даволовчи олий маълумотли шифокор, врач; 2) докторлик диссертациясини очик ҳимоя қилган фан номзодлари ва мустақил илмий изланувчиларга бериладиган илмий даража ва шу даражани олган олим; **докторант** [доктор + ...ант] – докторлик диссертациясини ёзиш ва уни ҳимоя қилиш учун тайёрланаётган, бирор илмий муассасага бириктириб кўйиладиган фан номзоди ёки мустақил изланувчи; **докторантура** [докторант +...ура] – илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўкув юртларида олий малакали ходимлар – фан докторлари тайёрлаш шакли; **доктрина** [лот. *doctrina* – таълимот] – илмий ёки фалсафий таълимот, назария; асосий назария ёки сиёсий нуқтаи назар.

ДОЛИХО... [юн. *dolichos* – узун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, узун, узунлик маъноларини билдиради. Mac.: **долихоcefалия** // **долихоцефалия** [долихо...+...кефалия] – узун, чўзиқ шаклдаги энсиз бош, калла; **долихоколон** [долихо...+ юн. *colon* – йўғон ичак] – ривожланиш нуқсони: чамбар ичакнинг тұғма жуда узун бўлиши.

ДОРС... (ДОРЗ...) [лот. *dorsum* – орқа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, орқа, елка маъноларини билдиради. Mac.: **дорсалгия** [дорс...+...алгия] – тананинг орқа қисмидаги оғрик.

ДРОЗ... [юн. *drosos* – шудринг, шабнам; шира] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шира маъносини билдиради. Mac.: **дрозофилалар** [дрозо...+...фил] – дунёнинг жуда кўп жойларида учрайдиган майда-майдада ширахўр пашшалар.

...ДРОМ [юн. dromos – йўл, йўлка; югуриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йўл, йўлак, югуриш маънолари билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **автомотодром, аэродром, велодром, ракетодром, танкодром; автодром** [авто...+...дром] – автомобиллар ёки автомобиль ва мотоциклларни синаш, улар иштирокида кимўзарга мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган ҳудуд, майдон; **ипподром** [(г)иппо...+...дром] – от спорти мусобақаларини ўтказиш, отларнинг мусобақаларга тайёрлигини синаб кўриш учун мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган иншоотлар мажмуй; **космодром** [космо...+...дром] – космик ракеталарни бутлаш-йигиши, учишга тайёрлаш ва учиришга мўлжалланган иншоотлар, ускуна-жиҳозлар ва ер майдонлари мажмуй.

ДРОМ(О)... [юн. dromos – йўл, йўлка; югуриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йўл, йўлак, югуриш маънолари билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **дромограф** [дромо...+...граф] – қон оқиш тезлигини ўлчайдиган асбоб; **дромомания** [дромо...+...мания] – мақсадсиз юртма-юрт кезиш, дарбадарлик ва шунга мойиллик; дайдилик, саргардонликка берилиш.

ДУ... [лом. duo – икки] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, икки хил, икки ёқлама деган маъноларни билдиради. Mac.: **дуализм** [лом. dualis – иккапланган, кўш +...изм] – оламнинг ва инсон борлигининг негизини икки мустақил асос (материя ва рух)дан иборат деб қарайдиган фалсафий таълимот; **дуэль** [фр. duel – олишув, жанг < лом. duellum – уруш, жанг(халқона лотин тилида бу сўз duo – “икки” сўзи маъносига яқинлашади] – икки шахснинг ор-номус талашиб, маълум шартлар асосида яккама-якка қиличбозлик қилиши ёки тўппончадан отишиши; **дуэт** [итал. duetto < лом. duo – икки] – 1) икки қўшикчи, раққос ёки созанда учун мўлжаллаб ёзилган мусиқа асари; 2) шундай асарни ижро этадиган иккита қўшикчи ёки иккита созандадан иборат ансамбль; 3) жуфт-жуфт бўлиб ўйналадиган спорт ёки эстрада томошалари иштирокчилари.

ДУК... қ. ДЮК...

ДУОДЕНИ... [лом. duodenī – ўн иккитадан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўн икки бармоқ(ли) ичак маъносини билдиради. Mac.: **дуоденостаз; дуоденит** [дуоден(и)...+...ит] – ўн икки бармоқ(ли) ичакнинг яллиғланиши; **дуоденоптоз** [дуоден(о)...+...птоz] – ўн икки бармоқ(ли) ичакнинг пастга тушиб қолиши; **дуоденэктомия** [дуоден(и)...+...эктомия] – ўн икки бармоқ(ли) ичакни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш.

ДУР... [лом. duro – қаттиқ; чўзмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қаттиқ маъносини билдиради. Mac.: **дуралю-**

миний // дюралюминий [дур...+ алюминий] – алюминийнинг мис, кисман марганец, магний, темир билан қотишмаси; дураарахноидит [дуро...+ арахно...+...оид +...ит] – миянинг қаттиқ ва юмшоқ (ўргимчак уясиға ўхшаш) пардасининг яллиғланиши.

ДЮК..., ...ДУК [*лат. ducere* – ўтказмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, бирор нарсани ўтказиш, ўтказгич маъноларини билдиради. Mac.: **дюкер** [*нем. Dürker* < *лат. ducere* – ўтказмоқ] – дарё, йўл, канал, сой ва ҳоказолар остидан сув ўтказиш учун куриладиган букма гидротехник иншоот; **акведук** [*к. аква...*], **виадук** [*к. виа...*].

E

...ЕВТ [*юн. -eut(es)*] – бирор иш, касб билан машғул бўлган шахс отларини ясовчи қўшимча. Mac.: **герменевт; терапевт** [*юн. therapeutes* – даволовчи, парваришловчи < *therapeia* – ғамхўрлик; парваришлаш, даволаш] – ички касалликлар бўйича мутахассис врач; **фармацевт** [*юн. pharmaceutes* – дори тайёрловчи < *pharmakon* – дори] – фармацевтика бўйича олий ва ўрта маълумотга эга бўлган мутахассис, доришунос.

...ЕЙ [*юн. -eion*] – жой номини билдирувчи сўзлар ясовчи қўшимча. Mac.: **лицей** [*лат. lyceum* < *юн. Lykeion* – Аристотель дарс берган, Афина яқинидаги Аполлон Ликей ибодатхонаси ёнидаги дараҳтзорнинг номи] – кўпчилик мамлакатларда ўрта таълим ўқув юрти; **мавзолей** [*лат. mausoleum* < *юн. Mausoleion* – милоддан аввалги 4-асрда Кичик Осиёда Кария шохи Мавсол учун курилган машхур мақбара номи] – қабр устига ишланган маҳобатли, улуғвор ёдгорлик; мақбара; **музей** [*лат. museum* < *юн. museion* – музалар ибодатхонаси] – санъат, техника, табиат намуналарини, тарихий ва илмий-табиий аҳамиятга эга бўлган нарсаларни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва халққа намойиш қилиш билан шуғулланадиган муассаса.

...ЕКТ [*лат. (j)eckus* – отиш] – бугунги кунда ўз асл маъносини йўқотган, бирор нарсанинг маконда туриш ҳолатини кўрсатувчи лотинча от ясовчи қўшимча. Mac.: **объект, проект, субъект** (бу сўзлар ҳам дастлабки маъносини йўқотган ва ҳозир бошқача изоҳларга эга).

...ЕЛЛА [*лат. -ella*] – сўз ясовчи қўшимча бўлиб, кичрайтирма отларни ҳосил қилган, бироқ бугунги кунда кичрайтириш маъноси бирмунча йўқолган. Mac.: **кабелла** [*лат. capella* – эчкича; кейинчалик: кичик бутхона, ибодатхона] – 1) черков хонандалари хори; кейинчалак вокал-чолғу мусиқа жамоаси; 2) католик ва англикан динида айрим зодагонларнинг оиласи ҳозир бўлган, ибодатхоналар

ёнида, сарой ва қасрларда жойлашган кичик бутхона; **новелла** [лат. novellus – ёш ниҳол, кўчкат < novus – янги] – насрнинг кичик жанри, кичик ҳикоя; **табель** [лат. tabella – таҳтача; лавҳа, жадвал] – бирор нарсани хисобга, рўйхатта олиш варагаси.

...**ЕМА** [юн. -ema] – сўз ясовчи кўшимча; тилшуносликда нутқ бирликлари номини ифодаловчи терминлар ҳосил қиласди. Mac.: **грамма**, **графема**, **семема**, **силлабема**, **синтаксема**, **тонема**; **лексема** [юн. lexis – сўз, ибора + ... ема] – шакл ва маъно жиҳатидан бир бутун ҳолда ўрганиладиган мустакил маъноли сўз; **морфема** [юн. morphe – шакл + ... ема] – ўз маъносига эга бўлган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган тил бирлиги; **фонема** [фон...+...ема] – тил товуш курилишининг энг кичик бирлиги; фонемалар тилнинг маъноли бирликлари (морфема, сўз, гаплар)ни тузиш ва фарқлаш учун хизмат қиласди.

...**ЕМИЯ** [юн. haima – қон] – ўзлашма кўшма сўзлар таркибида келиб, шу сўзларнинг қонга, қон касалликларига алокадорлигини кўрсатадиган суффиксоид. Бунда: 1) конда бирор кимёвий ёки бошқа модданинг борлиги ёки йўқлиги (камлиги); 2) қоннинг ўзи кўп микдорда ёки оз микдорда бўлиши, камқонлик каби холатлар ўзаро фарқланади. Mac.: I. **азотемия**, **аноксемия**, **бактериемия**, **липемия**, **пиемия**, **холемия**; **гидремия** [гидр(о)...+...емия] – конда сув микдорининг кўпайиши, қоннинг суюқ бўлиши; **гликемия** [глик(о)...+...емия] – қонда қанд моддасининг бўлиши (кўпайиши). II. **олигемия**, **талассемия**; **гиперемия** [гипер...+...емия] – қоннинг муайян аъзога ёки тўқима қисмига шиддатли оқиб келиши натижасида уларда қон микдорининг кўпайиши; **ишемия** [юн. ischo – тўхтатиб тураман, тўхтатаман + ...емия] – муайян аъзони қон билан таъминловчи артериянинг димланиб ёки торайиб қолиши натижасида ўша жойда келиб чиқадиган камқонлик; **хлоремия** [хлор(о)...+...емия] – қонда хлоридларнинг (нормал, кўп ёки оз микдорда) мавжуд бўлиши.

...**ЕНТ** & ...**АНТ**.

...**ЕР** [ингл.-ег, фр. -ег, -aire, нем. -er] – сўз ясовчи; асосан, шахс отларини ва машина, асбоб, мосламалар номларини ҳосил қиласди. Mac.: I. Шахс отлари: **акционер**, **брокер**, **букмекер**, **дирижёр**, **миллионер**, **скутер**, **снайпер**, **стайер**; **аутсайдер** [ингл. outsider – ўзга, бегона < outside – ташки томон, ташқарида] – мусобақаларда орқада қолган, муваффақият қозонишга имконияти қолмаган спортчи ёки спорт жамоаси; **дизайнер** [ингл. design – режа, ғоя; лойиха, чизма + ...ер] – кийим-кечак, автомобиль, журнал муқоваси ва шу кабиларни ишлаб чиқувчи, лойиҳаловчи шахс, рассом, модельер; **спринтер** [ингл. sprinter < sprint – қисқа масофага югуриш, сузиш + ...ер] – қисқа масофаларга югуриш, юриш, ҳайдашга ихтисослашган спортчи; **стажёр** [фр. stagiaire < stage

– фаолият давомийлиги, синов муддати] – муайян лавозимда келгусида ишлаб кетиш учун синов муддатини ўтаётган ва ўқиётган шахс. II. Машина, асбоб, мосламалар номлари: **грейдер, драйвер, конвейер, контейнер; скрепер** [ингл. *scraper* – курак, киргич < *scrape* – қирмоқ, қыртишламоқ +...ер] – тиркамали, яримтиркамали ёки ўзиорар ер қазиш-транспорт машинаси; **таймер** [ингл. *timer* < *time* – вактни белгиламоқ +...ер] – бирон-бир қурилмани белгиланган вакт ўтгандан кейин ўчирувчи (ёкувчи, уловчи) ёки ўчириш (ёкиш) вакти келганилигидан хабар берувчи асбоб.

...ЕРЕЯ // ...ЕРИЯ [фр. -erie, итал. -eria] – сўз ясовчи қўшимчалар: жамловчи маънодаги ўрин-жой (галерея, оранжерея), сотув маҳсулотлари (бижутерия, галантерея, парфюмерия) ва ўйин (лотерея) номларини ҳамда ҳарбий терминларни (артиллерия, кавалерия) ҳосил қиласди.

...ЕССА, ...ИССА [фр. -esse, ингл. -ess, итал. -essa < лот. issa] – сўз ясовчи қўшимчалар: аёл зотига мансуб шахс отларини ҳосил қиласди. Mac.: **актриса, виконтесса, принцесса; аббатисса** [лот. abbatissa] – аёллар католик монастирининг бошлиги; **баронесса** [фр. baronesse] – бароннинг хотини ёки қизи; **стюардесса** [ингл. stewardess] – пассажир денгиз кемаси ёки самолётларда пассажирларга хизмат қўрсатувчи ходим. Айни шу қўшимчалар билан ясалган баъзи сўзлар рус тилига ва ундан ўзбек тилига ўзлаштириш жараёнида ҳам маъновий, ҳам фонетик жиҳатдан ўзгаришларга учраган. Mac.: **деликатес** [фр. delicatesse] – тансиқ, ёқимли овқат; **дюшес** [фр. duchesse – герцогиня] – йирик, серсув ва ширин нок тури.

...ЕТ, ...ЕТТА, ...ЕТТО [фр. -et, -ette, итал. -etto] – сўз ясовчи қўшимчалар: бирон-бир нарсанинг, тушунччанинг кичрайтмаси маъносидаги отлар ясади; **-ет** терминэлементи билан ясалган отларда кичрайтиш маъноси баъзи ўринларда деярли сезилмайди (**билет, кабинет**), баъзи сўзларда сакланган бўлса-да, улар қайта сўз ясалиш жараёнидан ўтган (**кушетка, пипетка**), факат бир сўздагина кичрайтиш маъноси аниқ сезилади: **буклет** [ингл. booklet – китобча < фр. booklette – ҳалқача, бежирим узук] – турли усувлар билан бир неча марта бусланган бир босма варакка босилган матбаа маҳсулоти (географик харита, қисқача йўлкўрсаткичлар, баъзан болаларбоп китобчалар). Айни шу кўринишдаги ва мусика ҳамда ижрога оид дуэт, **квартет, квинтет, нонет, терцет** ва бошқа терминлар ҳам асли итальян тилидаги **-etto** қўшимчаси билан ясалгандир. **-етта, -етто** қўшимчалари ёрдамида эса, асосан, санъатга, театрга оид терминлар ясалади (**аллегретто, бержетта, новеллетта, оперетта, пальметта, симфониетта, фугетта**). Mac.: **ариетта** [итал. ariaetta – кичик ария < лот. aria – қўшиқ] – одат-

да, ижросининг соддалиги ва оҳангининг қўшиққа ўхшашлиги билан ажралиб турадиган кичик ария; **канzonетта** [итал. canzonetta – кичик қўшиқ < canzone – қўшиқ] – унча катта бўлмаган, кичик канцона; **либретто** [итал. libretto – китобча] – 1) катта мусиқий-вокал асар (опера, оперетта каби)ларнинг китобча кўринишида эълон қилинган матни; 2) балет, опера, кинофильм кабилар мазмунининг бадиий сценарийси ёки қисқача сюжетли баёни. Ушбу қўшимчанинг сигарета сингари сўзларда фонетик ўзгариш ҳолати ҳам учрайди.

3

...**ЗАВР** [юн. sauros – калтакесак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб келадиган, қадим замонларда судралиб ёки ўрмалаб юрган, кейинчалик қирилиб битган қазилма хайвонларнинг (янглиш ҳолда уларга мансуб деб ҳисобланган амфибијаларнинг ҳам) номларини ҳосил қилувчи аффиксоид (бундай номлар 20 дан ортиқ ва улар, одатда, кўплик шаклида кўлланади). Mac.: **апатозаврлар, бронтозаврлар, ихтиозаврлар, плезиозаврлар, птерозаврлар; динозаврлар** [юн. dinos – қўрқинчли + ...завр] – мезозой даврида яшаб, бўр даврида қирилиб кетган кўп сонли судралиб юрувчилар синфи; **карнозаврлар** [юн. caro (carnis) гўшт + ...завр] – мезозой даврида яшаган, ханжардек бакувват тишлари бўлган, калласи хумдай, олдинги оёқлари калта, узунлиги 15 метргacha бўлган энг йирик йиртқич динозаврлар; **тиранозаврлар** [юн. tygannos – шафқатсиз + ...завр] – Шимолий Америкада бўр даврининг охирида яшаган, карнозаврлар гурухига мансуб охирги ва энг йирик йиртқич динозаврлар; **целурозаврлар** [юн. koilos – ковак + лот. ita – дум + ...завр] – юпқа деворли ғовак суюклардан иборат скелет тузилишининг енгиллиги, калла суягининг кичикилиги билан ажралиб турувчи йиртқич динозаврлар гурухи.

ЗИМ(О)... [юн. zume – ачитқи, хамиртуруш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бу сўзларнинг ачитқи маъносига дахлдорлигини кўрсатади. Mac.: **зимаза** [зим(о)...+...аза] – ачитқи таъсирида ажralадиган спиртли бижгиш ферментларининг мажмуи; **зимазалар** углеводларни спирт ва карбонат кислотага парчалайди ҳамда шакарни спиртга айлантиради; **зимогенлар** [зимо...+...ген] – ферментларнинг нофаол шакллари.

...**ЗОЙ** [юн. zoe – хаёт] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибидаги аффиксоид: ўзи қўшилган сўз билан биргаликда Ернинг геологик тарихидаги турли жинслар, жонли мавжудотлар пайдо бўлиши билан ажралиб турадиган эралар (жуда катта тарихий даврлар)нинг номла-

рини билдиради. **Мас.: криптозой, мезозой, палеозой, протерозой, фанерозой; археозой** [архео...+...зой] – Ер геологик тарихидаги энг қадимги эра; архей; **кайнозой** [юн. kainos – янги +...зой] – Ер геологик тарихида бундан 66 миллион йил аввал бошланиб, ҳозиргача давом этиб келаётган эра.

ЗОО... [юн. zoon – жонивор, ҳайвон] – ўзлашма құшма сүзларнинг бириңчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзлар билан биргаликда ҳайвонларга, ҳайвонот оламига дахлдорлик маъноларини билдиради. **Мас.: зоогеография, зоопарк, зоопсихология, зоотехния, зоофилия, зоокория; зоогамия** [зоо...+...гамия] – гулли ўсимликларнинг ҳашаротлар ёрдамида чанганиши; **зоология** [зоо...+...логия] – биологиянинг ҳайвонлар тўғрисидаги, уларни комплекс ўрганувчи соҳаси; **зоонозлар** [зоо...+ юн. nosos – касаллик] – фақат ҳайвонлар учун хос бўлган, лекин улардан одамларга ўтиши мумкин бўлган юкумли касалликлар гурухи; **зоопатология** [зоо...+ патология] – ҳайвонларнинг касалликларини ўрганадиган фан; **зоотомия** [зоо...+...томия] – зоологиянинг ҳайвонлар ички тузилишини ўрганувчи соҳаси; **зоофаглар** [зоо...+ ...фаг] – фақат бошқа ҳайвонлар билан озиқланадиган жониворлар; **зооциллар** [зоо...+...цил] – қишлоқ хўжалик зааркунандалари, асосан, кемирувчилар ва күшларга қарши курашда қўлланадиган ўта заҳарли кимёвий моддалар.

И

...ИАЗ [юн. iasis] – тиббиётда турли касаллик номларини аташ учун маҳсуслашган қўшимча. **Мас.: акариаз, аллантиаз, гельминтиаз, уролитиаз; литиаз** [лит...+...иаз] – сийдик йўлларида тош ҳосил бўлиши билан боғлиқ касаллик; **псориаз** [юн. psora – қичима, кўтири+...иаз] – терининг сурункали, вақти-вақти билан қайталаниб турадиган юкумсиз касаллиги; **элефантиаз** [юн. elephas (elephantos) – фил +...иаз] – одам ва баъзи ҳайвонларда терининг ва териости тўқималарининг кескин қалинлашуви натижасида айрим тана қисмлари, кўпинча оёқларнинг сезиларли катталашувидан (йўғонлашувидан) иборат касаллик.

...ИАТРИЯ, ...ИАТРИЯ [юн. iatreia – даволаш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчي таркибий қисми бўлиб, бириңчи қисмда ифодаланган шахс, ҳолат, касалликни даволаш, даволовчи деган маъноларни англатади. **Мас.: отиатр, психиатр, фтизиатр; гериатрия, дентиатрия, отиатрия, физиатрия, фониатрия, фтизиатрия; педиатр** [пед...+...иатр] – педиатрия мутахассиси, болалар шифокори; **педиат-**

рия [пед...+...иатрия] – тиббиётнинг бола(лар) организми анатомияси, физиологияси, патологияси ҳамда болалар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ривожланиш, даволаш, олдини олиш механизмларини ўрганувчи соҳаси; **психиатрия** [псих(о)...+...иатрия] – тиббиётнинг руҳий касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ва ривожланиш механизмларини ўрганувчи, уларни даволаш, олдини олиш ҳамда руҳий касалларга ёрдам беришни ташкил этиш усусларини ишлаб чикувчи соҳаси.

ИАТРО... [юн. iatros – врач, шифокор] – к. ятро...

...ИВ [лот. iv] – лотин тилида феъл асослардан сифат ва от ясовчи қўшимча. Mac.: **административ**, **объектив**, **прогрессив**, **эффектив** каби сифатлар ва **коллектив**, **кооператив**, **массив**, **пассив** каби отлар шу аффикс билан ясалган.

ИГН(И)... [лот. ignis – олов] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, олов маъносини англатади. Mac.: **игнитпунктура** [игни...+ лот. puncture – санчиш, укол] – куйдириш; Хитой халқ табобатида терининг муайян нукталарини тутаб ёнаётган қуруқ ёвшан таёқчалари билан куйдириш усули; **игнитрон** [игни...+...трон] – симоб катод ва бошқариладиган ёй разрядли бир анодли ион асбоб.

...ИД [юн. eidos – шакл, ташки кўриниш] – ўзлашма қўшма сўзлар, аксарият кимёвий терминларнинг иккинчи қисми бўлиб, бир катор кимёвий элементлар (асосан, металлмаслар)нинг бошқа элементлар билан ҳосил қилган бирикмалари номларини ясади. Mac.: **арсениидлар**, **йодидлар**, **карбидлар**, **сульфидлар**, **фторидлар**, **хлоридлар**; **бромидлар** [бром...+...ид] – бромнинг бошқа элементлар билан ҳосил қилган кимёвий бирикмалари; **гидридлар** [гидр(о)...+...ид] – водороднинг бошқа элементлар билан кимёвий бирикмалари; **оксидлар** [окс(и)...+...ид] – кимёвий элементларнинг кислород билан бирикмалари.

ИДЕ(О)... [юн. idea – тушунча, тасаввур; тасвир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг маълум тушунча, тасаввурлар билан боғлиқлигини билдиради. Mac.: **идеал**, **идеализм**, **идеалист**, **идеография**, **идеолог**, **идеомотор** (харакат); **идеограмма** [идео...+...грамма] – ҳарфлардан фарқли равишда, муайян тил товушларини эмас, балки бутун бир тушунчани ифодаловчи ёзув белгиси; **идеографик** [идео...+...графия] – айрим бир товушни эмас, бирданига бир бутун тушунчани ифодаловчи; **идеографик ёзув** – идеограммаларга асосланган ёзув; **идеография**; **идеология** [идео...+...логия] – сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий, диний, эстетик ва фалсафий ғоялар, тасаввурлар, тушунчалар ва қарашлар тизими.

ИДИ(О)... [юн. idios – маҳсус, алоҳида, ўзига хос] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзигагина хос, ўзига хослик маъ-

ноларини англатади. Мас.: **идиоадаптация, идиобластлар, идиограмма, идиопатия; идиогамия** [идио...+...гамия] – гулли ўсимликларнинг ўзидан чангланиши; **идиолект** [идио...+ (диа)леккт] – алоҳида шахс нутқини характерловчи хусусиятлар мажмуюи; **идиоморфизм** [идио...+ юн. morphē – шакл +...изм] – минералларнинг ўзига хос кристаллографик шаклга эга бўлиши; **идиосинкразия** [идио...+ юн. synkrosis – аралаштириш, қориштириш] – одам организмининг бальзи овқатлар ва дори моддаларга нисбатан (ирсий) ўта сезувчанлик ҳолати.

...**ИЗАЦИЯ** [*фр., нем. -isation < лот. isatio*] – ўзлашма ясама сўзлар таркибидаги суффикс – сўз ясовчи қўшимча бўлиб, ўзакдан англашилган нарса-предмет ва тушунчага ўхшатищ, шундай қилиш маъносидаги жараён отларини ҳосил қиласди. Ўзбек тилидаги -лаш, -лаштириш каби мураккаб суффиксларга тўғри келади. Мас.: **адвербиализация, ароматизация, архаизация, вокализация, гальванизация, герметизация, госпитализация, демократизация, иммобилизация, ионизация, канализация, кристаллизация, либерализация, локализация, механизация, мобилизация, назализация, нейтрализация, нормализация, оптимизация, пастеризация, поляризация, приватизация, реализация** ва ҳоказо.

...**ИЗМ, ...АЗМ** [*фр. -isme*] – фаол ва кўпмаъноли сўз ясовчи қўшимча бўлиб: 1) турли фан соҳаларидағи таълимот, назария, йўналиш ва оқимлар номини ясади. Мас.: **агностицизм, анархизм, витализм, дуализм, идеализм, либерализм, материализм; дарвинизм** [*ингл. Darwin +...изм*] – инглиз табиатшуноси Чарльз Дарвин қарашларига асосланган тирик организмларнинг тарихий тараққиёти (эволюяси) тўғрисидаги назария; **консерватизм** [*фр. conservatisme < лот. conserbare – асраромок, сақламок +...изм*] – ижтимоий ва маданий ҳаётда анъаналар ва ворисийлик ғоясига таянувчи турли хил ғоявий-сиёсий ва маданий оқимлар мажмуюи; 2) жамият қурилишининг турли боскичлари номларини ҳосил қиласди: **феодализм, капитализм, империализм, социализм, коммунизм;** 3) адабиёт, санъатдаги турли оқим ва йўналишларнинг номларини ясади. Мас.: **авангардизм, импрессионизм, конструктивизм, лиризм, натурализм, романтизм; классицизм** [*лот. classicus – намунавий +...изм*] – қадимги Юонон ва Рим санъати меросида шаклланиб, унга тақлид қилиш натижасида юзага келган адабиёт ва санъатдаги услуб, йўналиш; **модернизм** [*фр. modernizme < moderne – замонавий +...изм*] – XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг 1-ярмида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи; 4) турли динлар ва диний оқимлар номларини ҳосил қиласди. Мас.: **анимализм, аниматизм, атеизм, баптизм, буддизм, кальвинизм, католицизм, ламаизм, монотеизм,**

политеизм каби; 5) турли хил касаллар, заҳарланишлар номлари ни ҳосил қиласи. Mac.: **алкоголизм**, **ботулизм**, **бронхизм**, **героинизм**, **дальтонизм**, **инфанттилизм**, **кокайноз**, **метеоризм**, **мазохизм**, **монархизм**, **нанизм** каби; 6) тилшунослик терминларини ҳосил қиласи. Mac.: **американизм**, **архаизм**, **билингвизм**, **варваризм**, **вокализм**, **германизм**, **диалектизм**, **неологизм**, **полонизм**; **сингармонизм** [син...+ юн. *harmonia* – уйғунлик, охандошлик +...изм] – туркий тилларда ва баъзи бошқа тилларда унлилар уйғунлиги; қўшимчалардаги унлиларнинг ўзакдаги унлиларга мослашуви (баъзан бундай уйғунлик ундошларда ҳам учрайди); 7) спорт турлари номларини ҳосил қиласи. Mac.: **авиамоделизм**, **культуризм** (**атлетизм**), **моделизм**, **планеризм**, **туризм** кабилар; 8) ҳаракат, ҳолат номларини ҳосил қиласи. Mac.: **аполитизм**, **аскетизм**, **вулканизм**, **гуманизм**, **демократизм**, **драматизм**, **магнетизм**, **пессимизм**, **пуризм**, **фанатизм** каби. Шу қўшимчанинг ...азм варианти билан ҳам турли маънодаги терминлар ҳосил қилинган. Mac.: **маразм**, **оргазм**, **сарказм**, **хиазм**, **хилиазм**; **плеонаズм** [юн. *pleonasmos* – ортиқчалик < *pleo(н)*...+...изм] – нутқнинг мазмуний тўлиқлиги учун ортиқча бўлган, лекин баъзан унинг ифодавийлигини ошириш учун хизмат қиласидиган сўзларни кўллаш.

ИЗО... [юн. *isos* – бир хил, тенг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзда тенглик, вазифаси жиҳатидан ўхшашлик маъноларини билдиради. Mac.: **изобаталар**, **изогамия**, **изоглоссалар**, **изография**, **изомерлар**, **изотермия**; **изобара** [изо...+ юн. *baros* – вазн, оғирлик] – 1) географик харитада бир хил атмосферавий босимга эга бўлган жойларни бирлаштирувчи чизик; 2) иссиқлик жараёнларини акс эттирувчи тенг ёки доимий босим чизиги; 3) нуклонлари сони бир хил, лекин протон ва нейтронлари сони ҳар хил бўлган, яъни электр зарядлари жиҳатидан фарқланадиган атом ядролари; **изоморфизм** [изо...+ юн. *morphe* – шакл +...изм] – кимёвий таркиби ва кристалл тузилиши бир-бирига яқин жинсларнинг ўзгарувчан таркибли бирикмалар ҳосил қилиш қобилияти; **изотоплар** [изо...+...топ] – муайян кимёвий элементнинг атом ядроларида протонлар миқдорининг бир хил, нейтронлар миқдорининг ҳар хил бўлиши билан фарқ қиласидиган ва шу сабабли даврий системада айни бир ўринни ишғол қиласидиган радиоактив турлари; **изохронлик** [изо...+ юн. *chronos* – вақт] – баравар содир бўлиш, баравар давом этиш; бир хил, тенг давом этишилик; **изочизиклар** – харита ёки диаграммаларда қандайдир миқдор кўрсаткичлари (температура, босим, намлик даражалари)нинг бирдай, тенг бўлган нуқталарини бирлаштирувчи чизиклар.

...ИК [*лом.* -ic(e) < юн. *ik(e)*] – сўз ясовчи қўшимча: шахс билдирувчи отлар, айниқса, касал кишилар номларини (**график**, **дальтоник**,

догматик, медик, паралитик, уретритик, холерик, шизофреник, электрик) ҳамда турли маънодаги нисбий сифатларни (**акустик, гигиеник, график, диалектик, догматик, фонетик, эмфатик, юридик**) ҳосил қиласи.

...ИКА [лат. -icce < юн. -ike] – юқоридаги **-ик** қўшимчаси асосида келиб чиқкан сўз ясовчи қўшимча бўлиб: 1) фан соҳалари ва уларнинг тармоқлари номларини ясайди. Mac.: арифметика, ботаника, гидравлика, грамматика, диалектика, кибернетика, кинетика, логика, математика, поэтика, фонетика, эстетика каби; 2) бирор нарсанинг жамини, жамликни ифодаловчи сўзлар ҳосил қиласи. Mac.: антропономика, идиоматика, иероглифика, керамика, косметика, методика, пантомимика, симптоматика, синонимика, синтетика каби; 3) айрим спорт терминларини ҳосил қиласи. Mac.: акробатика, атлетика, аэробика, гимнастика каби.

ИКОНО... [юн. eikon – тасвир, образ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзлар билан биргаликда тасвирга, образга ёки иконага алоқадорлик маъносини билдиради. Mac.: иконография, иконология, иконометр; иконоскоп [иконо...+ скоп] – оптик тасвирни электр сигналга ўзгартириб берувчи узатувчи телевизион трубка; иконостас [иконо...+ юн. stasis – туриш жойи] – православлар ибодатхонасида унинг меҳроб қисмини ўрта қисмидан ажратиб турувчи, белгиланган тартибда иконалар ва нақшинкор эшиклар ўрнатилган тўсиқ; иконотека [иконо...+...тека] – муайян мавзулардаги тасвирлар тўплами, коллекцияси.

ИКОСА... [юн. eikosi – йигирма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, 20 саноқ сонини билдиради. Mac.: икосаэдр [икоса...+...эдр] – йигирмаёқлик – йигирмата кўпбурчаклик билан чегараланган жисм.

ИЛЕ(О)... [лат. ileum – ёнбош ичак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёнбош ичакка алоқадорлигини билдиради. Mac.: илеопротостомия, илеосигмоаностомоз, илеостомия, илеотифлит; илеит [илем...+...ит] – ёнбош ичакнинг яллиғланиши; илеоколопластика [илем...+ коло...+...пластика] – чамбар (йўғон) ичакнинг кесиб олиб ташланган қисмига ёнбош ичакни кўчириб ўтказиш операцияси; илеотомия [илем...+...томия] – қовурға билан қорин орасидаги ичак оралигини ёриш операцияси; илеус [илем...+...ус < юн. eileos – ин, уя] – ичак тутилиши, ичак ҳаракатининг тўсатдан фалажланиши.

...ИЛИЯ, ...ИЛЬЯ [фр. -ille, исп. -illa] – сўз ясовчи қўшимча; саноқли сўзлар таркибидагина учрайди. Mac.: мантилья [исп. mantilla] – Испания, Португалия ва Лотин Америкасида: аёллар боши ва елкасига

ташлаб оладиган, одатда, оқ ёки қора рангли түр ёпкىч; **флотилия** [*фр. flottille*] – 1) дарёлар, күллар ва денгиз қирғокларида ҳаракат қыладиган харбий кемалар құшылмаси; 2) муайян мәксадларга (саноат, экспедиция, спорт) мүлжалланган кемалар отряди; **эскадрилья** [*фр. escadrille*] – харбий ҳаво күчларида: 10 – 30 та самолёт ёки вертолётдан иборат асосий авиацион-тактик бўлинма.

ИММУН(О)... [лат. *immunis* – дахлсиз, озод, эркин; барча мажбуриятлардан ҳоли] – ўзлашма құшма ва ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг иммунитетта алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **иммуногематология, иммуногенетика, иммунодиагностика, иммунокимё, иммунопротеин, иммунопрофилактика; иммунизация** [иммун...+...изация] – сунъий равишда иммунитет ҳосил қилиш; **иммунитет** [иммун...+...итет] – биологияда: тирик мавжудотларнинг ўз бутунлиги ва биологик ноёблигини бузувчи “ёт” омиллар (микролар, захар ва шу кабилар)дан ҳимояланиш, уларга қаршилик кўрсатиш қобилияти; **иммунология** [иммuno...+...логия] – организмнинг ҳимояланиш хоссалари, унинг иммунитети ҳақидаги тиббий-биологик фан; **иммунотерапия** [иммuno...+...терапия] – бемор организмига вакциналар (эмдорилар), шифобахш зардолблар юбориб, юқумли ва бошқа баъзи касалликларга қарши иммунитет ҳосил қилиш орқали даволаш.

ИН... [лат. *in* – ич, ички, ичкарига] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ич, ичга оид маъносини англатади. Mac.: **инбридинг, инвагинация, инкретлар, иннервация, интоксикация; интубация** [*ин...+ лот. tuba* – найча +...ация] – нафас йўли тўсилиб қолганида, ҳиқилдоққа оғиз орқали махсус найча киритиб, нафасни тиклаш ёки трахеяга найча орқали наркоз юбориб оғриқсизлантириш; **инфильтрат** [*ин...+ лот. filtratus* – сузғичдан ўтказилган, фильтрланган +...ация] – 1) тўқималарда қон, лимфа, ўсмали хужайраларнинг тўпланиши натижасида тўқималарнинг муайян жойларда қалинлашуви ва ҳажман катталашуви; 2) контрабандачи, террорчи, айғоқчи ёки разведкачиларнинг блок-постлар, чегара ва бошқа тўсиклардан билдирамай ўтиб олган отряди.

...ИН [лат. *-ine*] – сўз ясовчи қўшимча: асосан, кимёвий, биокимёвий, фармацевтик моддалар, доривор препаратлар номларини ҳосил қиласди. Mac.: **аланин, анабазин, аспарагин, атропин, ауксин, ванилин, глицин, инсулин, кармин, кобаламин, левомицетин, пенталгин, пирамидин, станинин, стрихнин, тетрациклин, уротропин** каби.

...ИНГ [ингл. *-ing*] – асосан, инглиз тилидан ўзлашган ясама сўзлар таркибидағи, ҳаракат номини ясовчи қўшимча. Mac.: **дайвинг, дриблинг, инбридинг, инжиниринг, кастинг, крекинг, листинг, мар-**

кетинг, мониторинг, скрининг каби. Ушбу күшимча билан яна блюминг, кроссинг, слябинг, шепинг сингари техник асбоблар номлари, прессинг, спарринг, спиннинг, шейпинг каби спорт терминлари, брифинг, лизинг, митинг каби ижтимоий-иктисодий терминлар ва бошқа сўзлар (дансинг, петтинг, смокинг, эллинг) хосил қилинади.

ИНТЕР... [лат. *inter* – орада, ўргада] – олд күшимча; ўзлашма күшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: I. Оралиқ ҳолат; ўргада, оралиқда жойлашганлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **интергляциал, интермедия, интерсексуаллик; интервокал** [интер...+ лат. *vocalis* – унли товуш]: **интервокал товуш** – икки унли товуш ўртасида кела-диган товуш; **интеркинез** [интер...+ юн. *kinesis* – харакат] – биологияда: биринчи ва иккинчи мейоз бўлиншилар ўртасидаги вақт оралиғи; **интерполяция** [интер...+ лат. *polio* – текислайман +...ация] – математикада: бир неча нуктада берилган функция қийматларидан шу нуктадар орасидаги нукталарда функциянинг тақрибий қийматини топиш; **интерфикс** [интер...+...фикс] – тилшунослиқда: икки ўзак (асос)ни ёки ўзак билан суффиксни ўзаро бириктириш учун хизмат қиладиган сўз қисми (рус тилида бу өзиғани **о** ёки и унлилари бажаради; масалан, *электр – о – станция*). II. Умумийлик, оммавийлик, ўзаро боғлиқлик; халқаро маъноларини билдиради. Mac.: **интерлинга, интернационал, интерпол; интервидение** [интер...+ рус. видение – кўриш] – 1960 йилда Прагада иштирокчи мамлакатлар ўртасида телекўрсатувлар айирбошлиш мақсадида тузилган халқаро ташкилот; **интернационализм** [интер...+ национализм] – жаҳондаги турли миллат ва иркларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги ва ҳамкорлиги принципи; байналмилалчилик; **интернет** [интер...+ ингл. *net* – тўр, ўргимчак тўри: умумжаҳон тармоғи] – умумжаҳон компьютер тармоғи; бутун жаҳон бўйича тарқалган ва телефон ҳамда оптик толали линиялар, модемлар ва бошқалар билан ўзаро боғланган, ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган катта миқдордаги компьютерлар мажмуи.

ИНТРА..., ИНТРО... [лат. *intra* – ич, ора; ичидা, орасида] – ўзлашма күшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ичидা, орасида маъноларини ифодалайди. Mac.: **интрамолекуляр, интроверт, интреокция, интроспекция; интразоналлик** [интра...+ юн. *zone* – минтака] – табиатнинг бирон ўзига хос хусусияти ёки компонентларининг бир қанча зоналар ичида таркалиши; **интроскопия** [интро...+...скопия] – оптик жиҳатдан ношаффоф жисмлар ва мухитлардаги, шунингдек, кўринмайдиган шароитдаги ҳодисалар ва жараёнларни визуал кузатиш.

ИНФРА... [лат. *infra* – паст, куйи, остида] – ўзлашма күшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, остида, пастроқ маъноларини билдиради. Mac.: **инфракон, инфрамикробиология, инфрақизил; инфратовуш**

[инфра...+ товуш] – инсон қулоғи әшитмайдыган паст частотали товуш; **инфратузилма** [инфра... + тузилма] – ишлаб чиқарыш ва товар мұомаласига, шунингдек, инсон ҳәёт фаолияти учун зарур бўлган месъёрий шароитни таъминлашга хизмат қилувчи турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи.

ИППО..., ГИППО... [юн. *hippos* – от] – қ. гиппо... Mac.: **иппология // гиппология** (қ. гиппо...); **ипподром** [иппо...+...дром] – йўрга ва пойгачи отларни синаб кўриш ва от спорти бўйича мусобакалар ўтказиш учун маҳсус жиҳозланган иншоотлар мажмуи; отчопар.

ИРИДО... [юн. *iris* (*iridos*) – камалак, ёй] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, камалак ёки ёйга ўхшашик маъносини билдиради. Mac.: **иридий, ириодиагностика, иридофорлар; иридоциклит** [иридо... + цикл(о)...+...ит] – кўз рангдор пардаси билан киприксимон танаачасининг шикастланиш ёки инфекция туфайли яллиғланиши; **иридоцитлар** [иридо...+...цит] – азотли асос – гуанин кристаллари бўлган пигментли хужайралар.

...**ИССА** [*фр. -esse < лат. -issa*] – қ. ...е́ssa.

...**ИСТ, ...АСТ** [ингл. *-ist, -ast*] – сўз ясовчи кўшимча бўлиб, асосан, шахс отларини ҳосил қиласди. Булар: бирор фан, соҳа, йўналиш вакиллари, издошлари, тарафдорлари (**абстракционист, анималист, дарвинист, капиталист, коммунист, монархист, окулист, расист**); ишчи ва мутахассислар (**машинист, тракторист**); маданият соҳаси вакиллари (**артист, беллетрист, букинист, вокалист, журналист, очеркист, памфлетист, фантаст**); ҳарбийлар (**артиллерист, кавалерист, танкист**); спортчилар (**велосипедист, футболист, шахматист**) номлариидир. Ўзбек тилида **-ист** кўшимчаси баъзан -чи кўшимчасига алмаштирилади.

...**ИСТИКА, ...АСТИКА** [ингл. *-istika, -astika*] – **-ист** суффикси асосида пайдо бўлган мураккаб сўз ясовчи кўшимча бўлиб, асосан, фанлар ва уларнинг тармоқлари номларини ҳосил қиласди. Mac.: **африканистика, баллистика, журналистика, казуистика, криминалистика, лингвистика, публицистика, стилистика, сфрагистика, фаунистика**. Баъзан жамловчи характердаги адабий жанрлар номини ясади: **беллетристика, фантастика**.

...**ИТ I** [юн. *-itis*] – сўз ясовчи кўшимча; ўзлашма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, яллиғланиш билан кечадиган касалликлар номларини ясади. Mac.: **аднексит, аппендицит, блефарит, ирит, колит, ларингит, миелит, отит, ренит, тонзиллит, трахеит, энтерит; артрит** [артр...+...ит] – бўғимларнинг ҳар қандай яллиғланиши, шунингдек, ўтқир ва сурункали яллиғланиш-дистрофик касалликларнинг умумлашма номи; **гепатит** [гепат(о)...+...ит] – одам ва ҳайвонларда жигарнинг юкумли ва юкумсиз яллиғланиш касалликлари; **кератит** [керат(о)...+

...ит] – кўз мугуз (шох) пардасининг яллиғланиши; **менингит** [менинг(о)...+...ит] – бош ва орқа мия пўстлоғи (қобиғи)нинг бактериялар, вируслар келтириб чиқарадиган йирингли ёки сероз яллиғланиши.

...ИТ II [юн. -itis] – сўз ясовчи қўшимча; ўзлашма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, турли минераллар, портловчи ва заҳарловчи моддалар номларини ҳосил қиласди. Mac.: азурит, алунит, апатит, гранит, каолинит, магнетит, мелинит; абелит, адамсит, динамит, иприт, люзиит; англезит [фр. anglaiseite < Англиядаги Англси (Anglesey) оролининг номи + ...ит] – минерал, кўрғошин сульфат – кўрғошин олишда фойдаланиладиган руда; **витетит** [инглиз олими W. Withering (XVIII аср) номи + ...ит] – минерал, барий карбонат – барий ва унинг тузларини олишда фойдаланилади; лазурит [итал. lazurro < a., ф. лозавард, ложувард + ...ит] – кўк ёки яшил-кўк камёб минерал; қимматбаҳо бе-зак тоши; табиий кўк бўёқ – ультрамарин тайёрлашда фойдаланилади; **малахит** [юн. malache – гулхайри; тутмагачулу + ...ит] – турли зийнат буюмлари тайёрлашда, шунингдек, мис олишда хомашё сифатида фойдаланиладиган оч яшил минерал; мис яшили.

...ИТЕТ [нем. -ität] – сўз ясовчи қўшимча: асосан, умумлаштирувчи, жамловчи мавҳум отлар ҳосил қиласди ва бу сўзлар сифат, хусусият (хосса), йигин, тўпланиш каби маъноларни ифодалайди. Mac.: бонитет, вассалитет, иммунитет, квалитет, нейтралитет, паритет, приоритет, суверенитет, факультет; генералитет [нем. Generalität < лот. generalis – умумий, асосий, бош + ...итет] – қуролли кучларнинг олий раҳбарлар таркиби; генераллик унвонига эга бўлган шахслар; **менталитет** [нем. Mentalität < лот. mentis, mentalis – ақлий + ...итет] – айрим киши ёки ижтимоий гурухга хос фикрлаш тарзи, ақлий қобилият дара-жаси, маънавий салоҳият, расм-руsumлар, урф-одатлар, диний эътиқод ва бошқалар; **муниципалитет** [нем. Municipalität < лот. municipium – ўзини ўзи бошқарувчи жамоа + ...итет] – бир қанча мамлакатларда: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ва у эгаллаган, жойлашган бино.

ИХТИ(О)... [юн. ichthys (ichthyos) – балиқ] – ўзлашма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, балиқ, балиққа оид, балиққа ўхшаш каби маъноларни билдиради. Mac.: **ихтиозаврлар**, **ихтиол**, **ихтиорнис**, **ихтиостега**, **ихтиотоксикоз**, **ихтиофауна**; **ихтиоз** [ихти(о)...+...оз] – тери мугуз қаватининг аста-секин қуриб, балиқ терисига ўхшаб тангача-тангача бўлиб қолишидан иборат түфма тери касаллиги; **ихтиология** [ихтио...+...логия] – зоологиянинг балиқларни ўрганидиган соҳаси; **ихтиофаг** [ихтио...+...фаг] – асосан, балиқлар билан овқатланувчи ҳайвон.

...ИЯ [юн., лот. -ia] – юнон ва лотин тилларида сўз ясовчи қўшимча: 1) турли ҳаракат, ҳолат, тушунчаларнинг номларини (**анемия**, **ассоци-**

ация, астения, атрофия, гарантия, гармония, деменция, идиотия, иллюзия, инерция, копия, магия, материя, миссия, симметрия, субстанция, эйфория), адабиёт, санъатта оид терминларни (**комедия, мелодия, пародия, трагедия**), жой номлари – топонимларни (**колония, провинция, утопия; Болгария, Индонезия, Италия, Россия, Япония**) ҳосил қиласы.

K

КАВ(О)... [лом. cavum, cavus – бўшлиқ, ковак; ичига ботган, чуқур ер] – ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бўшлиқ, говак, ковак маъноларини ифодалайди. Mac.: **кавернит, каверноз, кавернометрия; каверна** [лом. caverna – жарлик, ўра; бўшлиқ, ботиқ ер] – 1) муайян аъзо тўқималарининг касалланиши натижасида ҳосил бўлган бўшлиқ; 2) тоғ жинслари массивида ҳосил бўлган ковак, бўшлиқ; **кавитация** [лом. cavitas (cavitatis) – ўйиқ жой, бўшлиқ] – тез оқаётган суюқликда босимнинг камайиши натижасида газ, буғ ёки уларнинг аралашмаси билан тўлган бўшлиқ (пуфакчалар)нинг ҳосил бўлиши; **кавография** [каво...+...графия] – ковак вена томирларини рентгенда текшириш усули.

КАК(О)... [юн. kakos – ёмон, хунук, ярамас] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёмон, ярамас, нохуш маънолари-ни билдиради. Mac.: **какогевзия; какография** [како...+...графия] – 1) атайлаб хато ёзиш; 2) ўқувчига атайлаб хатоларга йўл қўйилган матнни тузатиш учун беришдан иборат педагогик усул; **какосмия** [как(о)...+ ...осмия] – ҳид билиш сезгисининг камайиши, ёмонлашуви; **какофония** [како...+...фония] – мусиқада товушларнинг тартибсиз, ку-локқа ёқмайдиган тарзда палапартиш бирикиши.

КАЛЕЙД... [юн. kalos – чиройли + eidos – шакл, кўриниш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, чиройли шаклга, кўринишга алоқадорликни билдиради. Mac.: **калейдоскоп** [калейдо...+ ...скоп] – ичига бир-бирига нисбатан 60° бурчак остида узунасига З та кўзгу пластинка ўрнатилган, бир томони шаффоф, бир томони хирашиша билан беркитилган трубка-ўйинчоқ (трубка айлантирилганда, кўзгулар орасидаги рангдор шишаҷалар ва тошчалар ҳаракатланиб, кўзгуларда аксланиб, чиройли симметрик нақшлар ҳосил қиласы).

КАЛЛИ... [юн. kalos – жуда, гоят чиройли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жуда чиройли маъносини англатади. Mac.: **Каллиопа** (мифологик илоҳа номи), **каллифоридлар; каллиграф** [калли...+...граф] – 1) аниқ ва чиройли ёзув эгаси; 2) ҳусниҳат му-

аллими; **каллиграфия** [кали...+...графия] – чиройли ёзиш, хаттотлик санъяти.

КАЛОРИ... [лат. calor – иссиқлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг иссиқликка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **калориметрия** [калори...+...метрия] – турли физик, кимёвий ва биологик жараёнларда ажralувчи ёки сўрилувчи иссиқлик миқдорини ўлчаш усуслари мажмуи; **калорифер** [фр. calorifère < калори...+ лат. fero – ташийман] – вентиляция, иситиш тизимлари ва қуриткичларда ҳавони қиздириб берадиган қурилма, асбоб.

КАЛЬЦ... [лат. calcis – оҳактош, оҳак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг оҳакка, кальцийга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **кальциноз**, **кальциферол**, **кальцифир**; **кальцефиллар** [кальц(е)...+...фил] – сероҳак (ишқорли) тупроқда яхши ўсадиган ўсимликлар; **кальцеофблар** [кальц(е)...+...фоб] – сероҳак (ишқорли) тупроқда яхши ўсолмайдиган ўсимликлар; **кальцит** [кальц...+...ит] – оҳакли шпат; кальций карбонатнинг темир, магний ва марганец билан қўшилишидан ҳосил бўлган минерал.

КАН(Т)... [лат. cantus – қўшик, куй < cantare – куйламоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қўшик, куйга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **кантабиле**, **кантата**; **кантилена** [лат. cantilena – қўшик; куйлаш] – 1) равон ва оҳангдор ривожга асосланган вокал ёки чолғу куйи; 2) мусиқа асари ижросида куйчаликнинг етакчи омил бўлиши; 3) XVII аср охирларидан оҳангдор куй ва ашулалар тури.

КАНКР (КАНЦЕР)... [лат. cancer – рак < юн. karkinos – рак, қисқичбақа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг рак касаллиги билан боғлиқлигини кўрсатади. Mac.: **канкроид**, **канцерогенез**; **канцерогенлар** [канцеро...+...ген] – онкоген моддалар – маълум шароитда организмга таъсир қилганда рак ва бошқа ўスマлар пайдо қилувчи кимёвий моддалар; **канцерология** [канцеро...+...логия] – тиббиётнинг рак (саратон) касаллигини ўрганувчи соҳаси; **канцерофобия** [канцеро...+...фобия] – рак (саратон) билан касалланишдан ҳаддан ортиқ қўркиш.

КАРБО..., КАРБОН... [лат. carbo (carbonis) – кўумир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзлар билан бирга углерод ва унинг бирикмаларига алоқадорликни билдиради. Mac.: **карбамид**, **карбоген**, **карболит**, **карбониллар**, **карборунд**, **карботермия**, **карбофос**, **карбюризатор**; **карбидлар** [карб(о)...+...ид] – углероднинг асосан металлар ва баъзи металлмаслар билан ҳосил қилган кимёвий бирикмалари; **карбол** [карб(о)...+...ол]: **карбол кислота** – бўёвчи ва полимер моддалар, дорилар, пестицидлар олишда, шунинг-

дек, дезинфекциялашда ишлатиладиган органик бирикма; **карбонатит** [карбонат +...ит] – асоси карбонатлардан таркиб топган төг жинси; **карбонатлар** [карбон...+...ат] – күмир (карбонат) кислотанинг тузлари ва эфирлари; **карбопластлар** [карбо...+ пласт(масса)] – мустаҳкамловчи түлдирувчи сифатида углерод толаларига эга бўлган пластмассалар.

...**КАРД, ...КАРДИЯ** [юн. kardia – юрак] – ўзлашма кўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг юракка, юрак касалликларига алоқадорлигини кўрсатади. Чунончи, -кард термин-элементи юракни ўраб турувчи ташқи ва ички қават (парда)лар номларини (**миокард**, **перикард**, **эндокард**, **эпикард**) хосил қиласа, -кардия термин-элементи юрак тузилиши, ҳажми, ритми, касалликларини ифодаловчи терминларни (**брадикардия**, **декстрокардия**, **микрокардия**, **стенокардия**, **тахикардия**) хосил қиласи.

КАРДИО... [юн. kardia – юрак] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг юрак билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **кардиограф**, **кардиолог**, **кардиопатия**, **кардиопунктура**, **кардиосклероз**, **кардиоспазм**, **кардиоэктомия**; **кардиалгия** [карди(о)...+...алгия] – юрак соҳасидаги оғриқ; **кардиография** [кардио...+...графия] – кўкрак кафасининг юрак уриши натижасида юзага келувчи ҳаракатларини кардиограф ёрдамида қоз, фотоплёнка, кардиомонитор ёки компьютер мониторига ёзиб олиш жараёни; **кардиология** [кардио...+...логия] – тиббиётнинг юрак-томир системаси тузилиши, функцияси ва касалликларини, уларнинг юзага келиш сабаблари, ривожланиш механизmlари, ўзига хос кечиши ҳамда диагностикасини ўрганувчи, шунингдек, уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чикувчи бўлими; **кардиомонитор** [кардио...+ лот. monitor – назорат қилувчи] – юрак фаолияти ҳолатини доимий (кеча-кундуз) назорат қилувчи аппарат; **кардиофобия** [кардио...+...фобия] – юрак касаллигидан кўркиш; юрак касаллигига йўлишиб, ўлиб қолиш вахимаси; **электрокардиография** (ЭКГ) [электро...+ кардиография] – уриб турган юракнинг биоэлектрик потенциалларини ўлчаш ва ҳаракатланаётган қоз лентасига эгри чизиклар билан қайд қилиш орқали юрак мушакларини текшириш усули.

КАРИО... [юн. karion – ядро, ёнғоқ мағзи] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ҳужайра ядроси маъносини билдиради. Mac.: **кариокинез**, **кариолизис**, **кариоплазма**, **кариосистематика**; **кариограмма** [карио...+...грамм] – битта ҳужайра хромосомаларининг барча тафсилотлари билан айнан ўзига ўхшатиб акс эттирилган ва системалаштирилган тўплами; **кариология** [карио...+...логия] – цитологиянинг ҳужайра ядроси ва унинг тузилмаларини оптик ва электрон микроскопия, цитокимё, изотоп индикаторлар усуллари ёрдамида ўр-

ганувчи бўлими; **кариотип** [карио...+...тип] – у ёки бу турга мансуб организмнинг маълум ўлчам, шакл ва сонга эга хромосомалари тўплами.

КАРПО... [юн. *karpos* – мева] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, мева маъносини билдиради. Mac.: **карпология** [карпо...+...логия] – ботаниканинг мева ва уруғларни ўрганадиган бўлими.

КАРЦИН(О)... [юн. *karkinos* – қисқичбақа, рак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қисқичбақаларга, рак касаллигига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **карцинология** [карцино...+...логия] – зоологиянинг қисқичбақасимонларни ўрганувчи бўлими; **карцинома** [карцин(о)...+...ома] – эпителиал тўқималардан ўсиб чиқувчи хавфли ўсма (рак); **карцинофобия** = **канцерофобия**; **канцер...**

КАТА... [юн. *kata* – пастга, қуйига] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, юқоридан пастга ҳаракатланиш маъносини англатади. Mac.: **катаболизм, катадромлар, катаморфоз, катаракта; катагенез** [ката...+...генез] – биологияда: организмларнинг соддалашган экологик мухитга ўтиши туфайли морфофизиологик тузилишининг пасайишига, бир қанча аъзолар ва аъзолар тизимининг дезинтеграцияси ва редукциясига олиб келувчи тескари эволюция; **катапульта** [ката...+ юн. *pallo* – улоқтираман, иргитаман] – 1) ҳарбий ишда: бураган толаларнинг қайишшоқлик кучи таъсирида ҳаракатта келтириладиган улоқтириш машинаси; 2) самолёт, планёр ва бошқа учиш аппаратлари га қиска учиш йўлагида бошланғич тезлик берадиган қурилма; 3) учувчи ёки космонавтнинг учиш аппаратидан иргитиб юбориш ва кейин унинг парашютда пастга тушишини таъминловчи қурилма.

КАХЕ... [юн. *kakos* – ёмон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёмон маъносини ифодалайди. Mac.: **кахексия** [како...+ юн. *hexis* – ахвол] – тўйиб овқат емаслик, кескин озиш, камқонлик ва бошқа касалликлар сабабли организмнинг ҳаддан ташқари озиб кетиши.

КАУСТ(О)... [юн. *kaustos* – ёндирилган, қуйдирилган; *kaustikos* – қуйдирувчи, ловуллатувчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёндирувчи, қуйдирувчи, ловуллатувчи маъноларини ифодалайди. Mac.: **каузалгия** [юн. *kausis* – ачитиш, ловуллатиш +...алгия] – периферик нерв толалари жароҳатланганда чидаб бўлмайдиган даражада азоб берувчи оғриқ; **каустик** [юн. *kaustikos* – қуйдирувчи]: **каустик сода** – ўювчи ишқорлар – натрий гидроксид ва калий гидроксиднинг техник номи; **каустобиолитлар** [каусто...+ био...+...лит] – органик моддалардан ҳосил бўлган ёнувчи фойдали қазилмалар.

КВАДР(И)... [лот. *quadra* – тўртбурчаклик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 4 сони билан алоқадор-

лигини билдиради. **Мас.: квадрант, квадратура, квадриллион; квадрат** [лат. quadratus – түрт бурчакли] – 1) томонлари тенг бўлган тўғри бурчакли тўртбурчак; 2) соннинг иккинчи даражаси – бирор соннинг ўз-ўзига кўпайтмаси; **квадриплегия** [квадри...+...плегия] – икки қўл, икки оёқнинг фалажи; тетраплегия; **квадруполь** [квадр(у)...+ юн. polos – ўқ; кутб, майдон] – ишоралари мусбат ва манфий, миқдор жиҳатдан бир хил бўлган зарядларнинг квадрат шакл учларига кетма-кет жойлашишидан ташкил топган система.

КВАЗИ... [лат. quasi – гўё, худди] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сохта, ёлғон, гўё, деярли, яқин деган маъноларни ифодалайди. **Мас.: квазимпульс, квазиоптика; квазизарралар** [квази...+ зарра] – конденсатланувчи (бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта ўтувчи) мұхитлар (қаттиқ жисм, суюқ гелий)нинг элементар уйғонишлири; **квазистационар** [квази...+ лат. stationarius – доимий, ўзгармас]; **квазистационар жараён** – муайян чегараланган системада жуда катта тезликда тарқалаётган жараён бўлиб, бунда жараён тарқалаётган вакт ичидаги система ҳолати ўзгармай қолади.

КВАЛ(И)... [лат. qualis – қандай, қандай сифат ва белгига эга] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қандай, қандай сифат ва белгига эга деган маъноларни билдиради. **Мас.: квалиметрия** [квали...+...метрия] – маҳсулот сифатини миқдорий баҳолаш усулларини ўрганувчи ва амалиётда кўлловчи фан соҳаси; **квалификация** [фр. qualification < лат. quails – қандай сифатли +...ификация] – 1) бирор предмет ёки ҳодисанинг сифатини аниқлаш, унинг бирор тоифа, гурӯга мансублигини белгилаш; 2) бирор-бир меҳнат турига тайёргарлик, яроқлилик даражаси; 3) касб-хунар соҳаси, мутахассислик.

КВАНТ... [лат. quantum – қанча, нечта] – ўзлашма кўшма сўз ва бирикмаларнинг таркибий қисми бўлиб, қанча, нечта деган маъноларни англатади. **Мас.: квантификация, квантометр; квант** [нем. Quant – миқдор, масса < лат. quantum] – замонавий физиканинг бирор физик катталиктининг дискрет (узлукли) табиатга эга эканлигини тавсифловчи ва унинг энг кичик қийматини кўрсатувчи асосий тушунчаси; **квант эволюция** [лат. quantum + эволюция] – йирик таксонлар (оила, туркум, синф ва б.)нинг шаклланишида эволюциянинг юқори изчиллигини тушунирувчи концепция; **квант механика** – назарий физиканинг жуда кичик зарра (элементар зарра, атом, молекула)нинг ҳаракат қонуларини ўрганувчи бўлими.

КВАРТ... [лат. quarta, quartus – тўртингчи; чорак, тўртдан бир] – ўзлашма кўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўрт, тўртингчи, чорак деган маъноларни билдиради. **Мас.: квартал** – 1) шаҳарнинг бир қанча (одатда, тўртта) ўзаро кесишувчи кўчалар билан чегаралан-

ган бир қисми; 2) йилнинг тўртдан бири, чораги, яъни уч ой; **квартет** [итал. quartetto < лот. quartus] – 1) тўрт созанда (ёки хонанда)дан иборат ансамбль; 2) тўрт созанда, баъзан тўрт хонанда учун ёзилган мусика асари.

КВИНТ... [лот. quintus – бешинчи] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 5 сони билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **квинта, квинтилион; квинтет** [итал. quintetto < лот. quintus] – 1) беш созанда (ёки хонанда)дан иборат ансамбль; 2) беш созанда, баъзан беш хонанда учун ёзилган мусика асари.

КВОТ... [лот. quot – қанча] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қанча маъносини ифодалайди. Mac.: **квота** [лот. quota – ҳар бир кишига тўғри келадиган қисм, ҳисса < quot] – 1) умумий ишда иштирок этувчиларнинг ҳар бирiga тўғри келадиган ҳисса, қисм, пай; 2) муайян давр учун товарларни ишлаб чиқариш, истеъмол, сотиш, экспорт, импорт ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида жорий қилинадиган миқдорий чеклашлар.

КЕЛ(О)... [юн. kele – ўсма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўсмага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **келоид** [кел(о)...+...оид] – бириктирувчи тўқима ўрнида ҳосил бўладиган ўスマсимон тузилма; **келотомия** [кело...+...томия] – танадаги чандик ва берчланиб қолган ямокларни оператив йўл билан кесиб олиб ташлаш.

КЕН(О)... [юн. kenos – бўш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бўш, бўшлиқ деган маъноларни ифодалайди. Mac.: **кенотаф** [юн. kenotaphion – бўш қабр < кено...+ юн. taphos – қабр] – мурда қўйилмаган бўш қабр [Қадимги Миср, Юнонистон, Рим ва бошка ўлкаларда мархумни дағн этишининг иложи бўлмаган (масалан, мусо-фирликда вафот этган) холларда қазиб қўйилган]; **кенотрон** [кено...+ ...трон] – асосан, саноат частотали ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириш учун мўлжалланган электр-вакуумли қурилма (диод, лампа); **кенофобия** [кено...+...фобия] – руҳий касаллик: ичи бўш хона, бинодан кўркиш, вахимага тушиш.

КЕР..., КЕРАТО... [юн. keras, keratos – шох, мугуз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шох, мугуз деган маънени билдиради. Mac.: **кератомаляция, кератопатия, кератотомия, кератоэктомия; кераргирит** [кер...+ юн. argyros – кумуш +...ит] – табии кумуш хлорид, камёб минерал; кимматбахо кумуш руда; **кератит** [керат(о)...+...ит] – кўз мугуз пардасининг яллигланиши; **кератозлар** [керат(о)...+...оз] – тери мугуз (шох) қаватининг қалинлашуви билан кечадиган касалликларнинг умумий номи; **кератома** [керат(о)...+ ...ома] – тери мугуз қаватининг ўスマсимон кескин қалинлашиши;

кератопластика [керато...+...пластика] – хиралашган кўз мугуз пардасини кўчириб ўтқазиш, соғлом парда билан алмаштириш операцияси; **кератоскоп** [керато...+...скоп] – мугуз парданинг қалинлигини аниқлайдиган асбоб.

КЕФАЛ(О)..., ЦЕФАЛ(О)..., ...КЕФАЛИЯ [юн. *kephale* – бош, калла] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг бошга, каллага алоқадорлигини билдиради [Ушбу терминэлементнинг икки хил ўқилишидан унинг цефал(о)..., ...цефалия вариантлари ҳам параллел қўлланади; қ. цефал(о)...]. Mac.: **кефалогематома** // цефалогематома, **кефалография** // цефалография, **кефалоподлар** // цефалоподлар, **кефалоцеле** // цефалоцеле; **кефалометр** [кефало...+...метр] – каллани ўлчайдиган асбоб; **кефалометрия** // цефалометрия [кефало...+...метрия] – антропометрик асбоблар ёрдамида одам калласини ўлчаш системаси.

КИЛО... [фр. *kilo* < юн. *kilioi* – минг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, 1000 сони билан алоқадорликни, ўзи кўшилган сўз англатган тушунчанинг минг марта ортиклигини билдиради. Mac.: **киловатт, киловольт, килоуольт, килотонна, килограмм** [кило...+...грамм] – 1000 граммга teng оғирлик ўлчови бирлиги; **километр** [кило...+...метр] – 1000 метрга teng узунлик ўлчови бирлиги, km билан белгиланади.

КИМ... [юн. *kuma* – тўлқин, тебраниш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тўлқин, тебраниш маъноларини англатади. Mac.: **кимограф** [кимо...+...граф] – 1) физиологик жараёнларни (юрак фаолияти, мускуллар қисқариши ва бошқаларни) график қайд этиш учун мўлжалланган асбоб; 2) экспериментал фонетикада товушлар эгри чизигини ёзиб олишга мўлжалланган асбоб; **кимография** [кимо...+...графия] – турли тебранишларни (масалан, қон босими тебранишини) кимограф ёрдамида ёзиб олиш усули.

КИН..., КИНО... [юн. *kyon* (*kynos*) – ит] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг итга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **кинантропия** [кин...+ юн. *anthropos* – одам] – одам ўзини ит хис қилиб алаҳлашидан иборат рухий касаллик; **кинология** [кино...+...логия] – итлар, уларнинг тур-зотлари, уларни парваришилаш ҳакидаги фан; **кинофобия** [кино...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган ваҳимали ҳолат – итларнинг тишлишидан кўркиш.

КИНЕ(ТО)..., КИНЕМА(ТО)... [юн. *kinēma* (*kinēmatos*) – ҳаракат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳаракат билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **кинематограф, кинетизм, кинетика, кинетостатика; кинематика** [кинемато...+...ика] – механиканинг жисм массаси ва унга таъсир этувчи кучларни ҳисобга

олмаган ҳолда жисм ҳаракатининг геометрик хоссаларини ўрганувчи бўлими; **кинематография** [кинемато...+...графия] – фильмлар ишлаб чиқариш ва томошабинларга намойиш этиш билан шугулланувчи маданият ва саноат тармоғи, санъатнинг энг оммавий тури; **кинескоп** [кине...+...скоп] – оқ-қора ва рангли телетасвирларни қайта кўрсатишга мўлжалланган қабул қилувчи телевизион трубка.

КИНО... [юн. *kineo* – ҳаракатлантираман, силжитаман] – ўзлашма ва яримкалька сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кинематографияга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **киноактёр**, **киноаппарат**, **киножурнал**, **кинокамера**, **кинокомедия**, **кинолента**, **кинорежиссёр**, **кинотеатр**, **кинофестиваль**, **кинохроника**, **киношунос**, **киноюлдуз**; **кинодраматургия** [кино...+ драматургия] – адабий-кинематографик ижод тури; кинодраматургия асари, яъни сценарий фильмнинг гоявий-бадиий асоси ҳисобланади; **кинооператор** [кино...+ оператор] – кинофильмларни суратга олувчи мутахассис; **киностудия** [кино...+ студия] – кинофильмлар ишлаб чиқарадиган корхона; **кинотехника** [кино...+ техника] – 1) техниканинг кинофильмларни суратга олиш, нусхаларини кўпайтириш ва намойиш қилишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқувчи соҳаси; 2) кинематографияда фойдаланиладиган техник воситалар мажмуи; **кинофильм** [кино...+ фильм] – экранда намойиш қилиш учун яратилган кинематография асари (бадиий, хужжатли ва бошқа фильмлар).

КИСТ(О)... [юн. *kystis* – пупфакча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг пупфакча, бўшлиқ билан алоқадорлигини билдиради [Ушбу терминэлементнинг икки хил ўқилишидан кўпинча унинг цист(о)... варианти ҳам параллел кўлланади; қ. цист(о)...]. Mac.: **кистоаденома**, **кистогранулёма**; **киста** [юн. *kystis*] – турли аъзо ва тўқималарда вужудга келадиган, қалин девор билан ўралган ва ичидаги суюқ ёки бўйтқасимон массаси бўлган патологик бўшлиқ.

КЛАВ(И)... [лот. *klavis* – калит] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, калит деган маънени ифодалайди. Mac.: **клавиатура** [нем. *Klaviatur* – калитлар < лот. *klavis*] – 1) мусика асбобластида маълум тартибда жойлашган клавиш (ричаг)лар ёки тугмачалар мажмуи, клавиш механизмининг асосий қисмларидан бири; 2) ёзув машинкаси, компьютер, калькулятор каби механизмларда клавишлар мажмуи; **клавиш** [лот. *klavis*] – 1) фортепиано, аккордеон каби мусика чолғуларида товуш ҳосил қилувчи ричаг мосламасининг қўл билан босиладиган қисми, клавиатура детали; 2) турли механизмлар (ёзув машинкаси, компьютер ва бошқалар)да қўл билан босиб, ахборотларни – ҳарф, рақам, тасвир ва бошқа белгиларни дисплей ёки мониторга туширадиган мосламанинг – ричагнинг учи.

КЛАУСТР(О)... [лат. claustrum – берк бино, хона; эшик зулфини, тамба] – ўзлашма құшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, беркитиш, беркитилган хона, бино маъноларини билдиради. Mac.: **клаустрофилия** [клаустро...+...филия] – руҳий касалликларда: эшик, деразалари очик хона, бинодан қўркиб (вахимага тушиб), эшик, деразаларни зўр бериб ёпишга интилиш; **клаустрофобия** [клаустро...+...фобия] – клаустрофилиянинг аксича, эшик, деразалари беркитилган тор бино, хоналар, баланд девор, симтўрлар билан ўралган ҳовлилар ичida яшаш (туриш)дан қўркиб ваҳимага тушиб.

КЛЕЙСТО... [юн. kleistos – ёпиқ, яширинча] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жараённинг ёпиқ ҳолда рўй беришини англатади. Mac.: **клейстокарпий**; **клейстогамия** [клейсто...+...гамия] – ер бети, ҳатто тупроқ остида пайдо бўладиган майда, кўримсиз гулларнинг очилмай туриб, ўзидан чангланиши.

КЛЕПТ(О)... [юн. kleptō – ўғирлайман] – ўзлашма құшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўғирлик деган маънони билдиради. Mac.: **клептолагния**; **клептомания** [клепто...+...мания] – баъзи руҳий касалликлар негизида юзага келувчи ўғирлик қилишга интилиш, одатланиш ёки арзимаган нарсаларни ўғирлашга иштиёқ; **клептофобия** [клепто...+...фобия] – ўғирлик қилиш ёки бирорларнинг нарсаларини олишдан қўркиш.

КЛИН(О)... [юн. kline – кўрпа-тўшак, каравот] – ўзлашма құшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ётишга, кўрпа-тўшакка алокадорлигини билдиради. Mac.: **клиника** [юн. klinike – ёток касални парваришиш < юн. kline – кўрпа-тўшак, каравот] – ётиб даволаниш учун мўлжалланган, беморларни даволаш билан бирга тиббий таълим ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширадиган муссаса; **клиноcefалия // клиноцефалия** [клино...+...кефалия] – бош суюгининг тепа қисми эгарсимон ботик бўлган калла шакли; **клиномания** [клино...+...мания] – ёток (тўшак) режимига объектив кўрсатмалар бўлмаганда ҳам тўшакда ётишга хоҳиш (мойиллик).

КЛИНО... [лат. clino – оғдираман, энгаштираман] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, эгмоқ, энгаштирмоқ маъноларини ҳосил киласди. Mac.: **клинохлор**; **клинометр** [клино...+....метр] – қиялик даражасини аниқлаш учун кўлланадиган асбоб.

КО... [лат. con- – бирга] – олд қўшимча; ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1) тригонометрик функциялар: **синус**, **тангенс**, **секанс** сўзларига қўшилиб, уларга қарама-қарши маъноли терминлар ясади. Mac.: **косеканс**, **косинус**; **котангент** [ко...+ лат. tangens – уринма] – тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчакка ёпишган катетнинг бошқа (қаршидаги) катетга нисбатидан иборат тригоно-

метрик функция; қўшимча бурчакнинг тангенси; 2) қўшма ёки ясама сўзнинг иккинчи қисми билан биргалик маъносини билдиради. Mac.: **ковалент**, **коллега**, **коллинеар**, **конкубинат**, **коннотация**, **консонант**, **координация**, **корреляция**, **коферментлар**, **коэффициент** ва бошқалар. Бунда **ко... // кон...** терминэлементи ўзи қўшилган ўзакдаги бош ҳарфга мослашиб (ассимиляцияга учраб), **кол...**, **ком...**, **кор...** каби шаклларда ҳам кўлланади.

...КОКК(ЛАР) [юн. kokkos – дон, донача] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, думалоқ (шарсимон) шаклдаги, спора ҳосил қўлмайдиган, қўзгалмас, кенг тарқалган бактерияларни билдиради. Mac.: **гонококклар**, **пневмококклар**, **стафилококклар**, **стрептококклар**, **эхинококклар**; **менингококклар** [менинго...+...кокк] – жуфт шарсимон кўринишдаги, мия пардасини яллиглантирувчи, яъни менингит касаллигини келтириб чиқарувчи бактериялар; **микрококклар** [микро...+...кокк] – сув ва ҳавода яшовчи энг кичик шарсимон бактериялар; **энтерококклар** [энтеро...+...кокк] – одам ва ҳайвонлар ичагида яшовчи, колит, энтерит, эндокардит каби касалликларни келтириб чиқарувчи бактериялар.

КОЛ(О)... [юн. kolon – йўғон ичак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, йўғон ичак, чамбар ичак маъноларини англатади. Mac.: **колопексия**, **колоптоз**; **колит** [коло...+...ит] – йўғон ичак шиллиқ пардасининг ўтқир ёки сурункали яллигланиши; **колоспазм** [коло...+...спазм] – йўғон ичакнинг қисилиши, мушаклари тонусининг ошиши; **колоствомия** [коло...+...стомия] – жарроҳлик йўли билан йўғон ичакнинг бирор қисмидан ташқарига йўл (тешик) очиб қўйиш.

КОЛЛ(О)... [юн. kolla – елим; ёпишқоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг елимга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **коллаген**, **коллодий**; **коллаж** [фр. collage – елимлаш, ёпиштириш < юн. kolla – елим] – тасвирий санъатдаги усул: бирор-бир асос материалга ундан ранги ва сифати билан фарқланувчи материални ёпиштириб асар яратиш; шу усулда яратилган санъат асарининг ўзи; **колленхима** [колл(а)...+ юн. enchima – тўқима] – ўсимликлар ёш новдаларининг дастлабки механик пўстлоги тўқималари бўлиб, уларнинг мустаҳкамлиги ва эластиклигини оширади; **коллоидлар** [коло(о)...+...оид] – зарраларининг ўлчамлари турлича бўлган юқори дисперс системалар.

КОЛОР... [лот. color – ранг, тус; бўёқ] – ўзлашма қўшма ва ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг рангга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **колоризация**, **колор-индекс**, **колориметр**; **колориметрия** [колор(и)...+...метрия] – рангларни ва улар орасидаги тафовутларни ўлчаш ва микдорий жиҳатдан ифодалаш усувлари; **коло-**

рист [*фр. coloriste* < колор...+...ист] – 1) ранглардан моҳирона фойдалана биладиган ва уларни уйғунлаштира оладиган рассом; 2) газламаларга ранг бериш устаси; **колорит** [*итал. colorito* < колор...+...ит] – тасвир иштеги санъат асарларида (асосан, рангтасвирда) воқеликни ҳаққоний ва ифодали тасвирлашда рангларнинг ўзаро мутаносиблиги.

КОЛЬПО... [*юн. kolpos* – қин, дилок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қинга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **кольпогиперплазия**, **кольпокератоз**, **кольпопексия**, **кольпопоэз**, **кольпоспазм**, **кольпотормия**; **кольпит** [кольп(о)...+...ит] – турили микроблар тушиши натижасида қин шиллик пардасининг яллиғланиши; **кольпоскоп** [кольпо...+...скоп] – бачадон бўйни, қин ва ташки жинсий аъзоларни текширишга мўлжалланган асбоб (сунъий ёруғлик беради ва 20 – 30 марта катталаштириб кўрсатади); **кольпоскопия** [кольпо...+...скопия] – кольпоскоп ёрдамида аёллар жинсий аъзоларни текшириш усули; **кольпоцистит** [кольпо...+ цист(о)...+...ит] – қин ҳамда қовукнинг бир вақтда яллиғланиши.

КОНТР..., КОНТРА... [*лат. contra* – карши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз англатган маънога зид, қарама-қарши маъно ифодасини беради. Mac.: **контрадикция**, **контратака**, **контратип**, **контргайка**, **контрмарш**, **контрреволюция**, **контрфорс**, **контрабанда** [*итал. contrabando* < контра...+ *bando* – хукумат фармони] – мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликларини давлат чегарасидан қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, тақиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш; чегарадан ноқонуний олиб ўтилган нарсанинг ўзи; **контрманёвр** [контр...+ манёвр] – душман манёврларига қаршилик кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар; **контртитул** [контр...+ титул] – иирик, муҳим ва кўп жилдли нашрларда дастлабки саҳифанинг чап томонида жойлашган қўшимча титул (сафварак); асосий титул, одатдагидай, саҳифанинг ўнг томонида бўлади.

КОПР(О)... [*юн. korpos* – тезак, нажас, ахлат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ахлат, нажасга, уятли, бўлмағур нутққа алоқадорлигини билдиради. Mac.: **копролагния**, **копрофагия**, **копрофемия**; **копролалия** [копро...+ *юн. lalia* – гапира-вериш, валдираш] – руҳий касалларнинг ўз нутқида ҳақоратомуз, ҳаёсиз сўзлар, уятли ибораларни мунтазам равишда ишлатиши; **копролит** [копро...+...лит] – қазиб топилган умуртқалиларнинг тошқотган тезаги (шаклига қараб унинг қайси ҳайвонга тегишли эканлиги ҳақида холоса чиқариш мумкин); **копрология** [копро...+...логия] – ичакдаги касалликлар ва гижжаларни аниқлаш учун нажасни микроскоп орқали

текшириш; **копрофаглар** [копро...+...фаг] – хайвонлар (асосан, сут-эмизувчилар) тезаги билан озиқланадиган жонзотлар: камтукли чувал-чанглар, гүнгүхүр күнғизлар, икки қанотли ҳашаротларнинг куртлари ва бошқалар.

КОСМ(О)... [юн. kosmos – коинот] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, коинот, олам маъноларини билдиради. Mac.: **космография, космодром, космокимё, космонавт; космогония** [космо...+...гония] – кузатилаётган Коинотнинг барча турдаги жисмлари ва улар системаларининг пайдо бўлиши ва тараққиётини ўрганувчи фан; **космология** [космо...+...логия] – Коинотнинг тузилиши ва ривожланишини ҳамда нисбийлик назарияси обьектларини кузатув маълумотларига асосланган назарий тадқиқотлар ёрдамида ўрганувчи фан; **космонавтика** [космо...+...навтика] – космик фазога парвоз қилиш; турли хилдаги космик аппаратлардан фойдаланган ҳолда Коинотни ва Ердан ташқаридаги космик обьектларни ўрганишни таъминлайдиган фан ва техника соҳалари мажмуи.

КРАНИ(О)... [юн. kranion – калла суяги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг калла суягига алоқадорлигини англатади. Mac.: **краниодисплазия, краниоскопия, краиностеноз, краинотомия; краинография** [кранио...+...графия] – краинологияда кейинчалик ўрганиш мақсадида калла суякларининг контур ва тасвирларини яратиш; **краинология** [кранио...+...логия] – анатомиянинг бутун калла суяги ҳамда алоҳида қисмларининг турли шакл ва ўлчамларини ўрганувчи бўлими; **краинометрия** [кранио...+...метрия] – краинология эҳтиёжлари учун калла суягининг катта-кичиклигини ўлчаш.

...КРАТ, ...КРАТИЯ [юн. kratos – ҳокимият] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, олий ҳокимият, хукмронлик, бошқарув маъноларини ифодалайди. Бунда **-кратия** термин элементи муайян бошқарув тизими ёки шакли ва у ҳақдаги назариялар, таълимотлар номини, жамловчи отларни ҳосил қиласа, **-крат** термин элементи ана шу тизим, назариялар вакиллари, тарафдорларини билдирувчи шахс отларини ясади. Mac.: **автократ – автократия, бюрократ – бюрократия, меритократия, охлократия, партократ – партократия, технократ – технократия; аристократ** [юн. aristos – олий, энг яхши +...крат] – аристократия вакили, олий наасабли киши; **аристократия** [юн. aristos – олий, энг яхши +...кратия] – 1) жамиятнинг олий, имтиёзли қатлами; бойлар ва асилзодалар; 2) ҳокимият асилзодалар, зодагонлар қўлида бўлган давлат бошқаруви шакли; **демократ** [демо...+...крат] – демократия вакили; **демократик партия аъзоси; демократия** [демо...+...кратия] – фуқаролар эркинлиги ва тенглиги консти-

туция ва қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятининг шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум; халқ ҳокимияти; **плутократия** [юн. plutos – бойлик +...кратия] – сиёсий ҳокимият расман ва амалда плутократлар – жамиятнинг энг бой кишилари қўлида бўлган давлат тузуми.

КРЕАТ... [лот. creatio – яратиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яратиш маъносини ифодалайди. Mac.: **креативлик, креатура; креационизм** [креацио(н)...+...изм] – турларнинг ўзгармаслиги, тирик организмларнинг муайян мақсадда хилма-хил қилиб яратилганлиги тўғрисидаги гайрийлмий диний таълимот.

КРЕД... [лот. credo – ишонаман] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ишонаман, ишонч деган маъноларни билдиради. Mac.: **кредитор; кредит** [лот. creditum – қарз < credo – ишонаман] – пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш.

КРЕМ... [лот. cremare – ёқмоқ, куйдирмок] – ўзлашма ясама сўзлар таркибида келиб, шу сўзларнинг ёкиш, куйдириш жараёнига алокадорлигини билдиради. Mac.: **крематорий** [лот. crematorium – ёкиш жойи] – кремация амалга ошириладиган, маҳсус жиҳозланган бино; **кремация** [лот. crematio – ёкиш, куйдириш] – жасадни юқори температурали маҳсус печда куйдириш, шунингдек, айрим халқлар урф-одатига кўра жасадни гулханда ёкиш.

КРИМИН(О)... [лот. crimen (criminis) – жиноят] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг жиноят ва жиноятчиликка алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **криминал, криминализация; криминалист** [лот. criminalis – жиноий, жиноятга оид +...ист] – криминалистика, баъзан жиноят хукуки мутахассиси; **криминалистика** [лот. criminális +...истика] – жиноятга доир суд далилларини йиғиш, қайд қилиш, тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш, жиноятларни фош қилиш ва олдини олишнинг маҳсус усул ва воситалари тизимини ишлаб чиқувчи фан; **криминология** [кримин(о)...+...логия] – жиноятчилик, унинг сабабларини, жиноятчи шахсини ўрганувчи, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи фан.

КРИО... [юн. kryos – совук, муз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг совукка, паст ҳароратга ва музга алокадорлигини билдиради. Mac.: **криобиология, криогенез, криокимё, криолит, криоскоп, криостат; криология** [крио...+...логия] – криосфера тўғрисидаги фан; **криосфера** [крио...+...сфера] – Ернинг атмосфера, гидросфера ва литосферанинг ўзаро иссиқлик таъсири зонасидаги узук-узук (узлукли), муз мавжуд бўлган ёки борлиги эҳтимол тутилган қобиги; **криотерапия** [крио...+...терапия] – совук билан

даволаш; яллиғланиш жараёнларида, қон кетишида оғриқни қолдириш учун бирор аъзони музлатмайдиган (мўътадил) даражада совитиш; **криофиллар** [крио...+...фил] – нисбатан паст ҳороратда (кор, муз устида, музли сувда) яшай оладиган микроорганизмлар; **криофитлар** [крио...+...фит] – совуқ ва куруқ жойларда ўсувчи, алъп ўтлоқлари ва тундра ўсимлик қопламини ҳосил қилувчи ўсимликлар; **криохирургия** [крио...+ юн. cheirourgia < cheir – кўл + ergon – иш, амал] – хирургия (жарроҳлик)да тўқималарни ҳаддан ортиқ совитиш (музлатиш)га асосланган даволаш усули.

КРИПТ(О)... [юн. kryptos – маҳфий, яширин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яширин нарса, ҳаракат ёки ҳолат, маҳфийлик маъноларини англатади. Mac.: **криптогамлар, криптогенлар, криптомнезия, криpton, крипторхизм, криптофония; криптограмма** [крипто...+...грамма] – маҳфий белгилар билан ёзилган, мазмунини фақат хабардорларгина биладиган хат, хужжат; **криптография** [крипто...+...графия] – фақат хабардорларгина тушунадиган, биладиган, олдиндан келишилган белгиларга асосланган маҳфий ёзув усули; **криптофитлар** [крипто...+...фит] – янгиланиш (қайта ўсиш) куртаклари чукур тупроқ ёки сув остида илдизмева, пиёзчалар шаклида бўлган кўпийллик ўт ўсимликлар.

КСАНТ(О)... [юн. xanthos – сариқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сариқ рангга алоқадор эканлигини билдиради. Mac.: **ксантин, ксантогенатлар, ксантома; ксантоопсия** [ксант(о)...+...опсия] – нарса-буюмларнинг одам кўзига сариқ бўлиб кўриниши; **ксантофиллар** [ксанто...+...филл] – юксак ўсимликларнинг япроғи, гули, меваси ва куртакларидағи, шунингдек, сувўтлар ва микроорганизмлардаги сариқ рангли бўёвчи моддалар; **ксантохромия** [ксанто...+ юн. chroma – ранг, бўёқ] – терининг ёки орқа мия суюқлигининг сарғиш рангда бўлиши.

КСЕН(О)... [юн. xenos – бегона] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бегона маъносини ифодалайди. Mac.: **ксенобиотиклар, ксенолалия, ксенолитлар, ксенон, ксенотрансплантация; ксеногамия** [ксено...+...гамия] – бир ўсимлик гулининг шу турдаги бошқа ўсимлик гулчанги билан чангланиши; четдан чангланиш; **ксенопаразит** [ксено...+ паразит] – организмга четдан кириб қолган бегона паразит; **ксенофобия** [ксено...+...фобия] – руҳий касалликларда: нотаниш, бегона қишилардан кўркиш.

КСЕР(О)... [юн. xeros – куруқ]. – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, куруқ деган маънони билдиради. Mac.: **ксеродермия, ксерокопия, ксерокс, ксероморфизм; ксерография** [ксеро...+...графия] – яримўтказгичли материалда куруқ электрик зарядланган

кукун билан очилтириб тасвир ҳосил қилиш; **ксероз** [ксер(о)...+...оз] – терининг ёғ безлари камфаоллиги натижасида пайдо бўлган қуруклик ҳолати; **ксерофиллар** [ксеро...+...фил] – сувсиз, курғоқчил ерларда яшашга мослашган хайвонлар; **ксерофитлар** [ксеро...+...фит] – қурук (сувсиз) ерларда ўсадиган, курғоқчиликка чидамли ўсимликлар; **ксерофталмия** [ксер(о)...+ юн. ophthalmos – кўз] – кўз шиллик ва мугуз пардаларининг қуриб қолиши.

КСИЛО... [юн. xylon – кесилган дарахт, ёғоч] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, дарахт, ёғоч маъноларини билдиради. Mac.: **ксилография**, **ксилометр**, **ксилофон**; **ксилограф** [ксило...+...граф] – ёғоч ўймакори, ёғочга нақш туширувчи уста; **ксилолит** [ксило...+...лит] – каустик магнезит ёки доломит қукунига ёғоч қипиғи, ишқорбардош пигмент ва майнин дисперс минерал моддалар аралаштириб тайёрланадиган сунъий қурилиш материали (ёғоч ўрнида ишлатилади).

...КУЛА, ...УЛА [лот. -cula, -ula] – ўзлашма ясама сўзлар таркибидаги кичрайтиш отлари ясадиган қўшимчалар. Бу қўшимчалар билан ясалган кўплаб отлардаги кичрайтиш маъноси деярли сезилмайди ёки йўқолган. Mac.: **дентикула** (тишча), **корпускула** (танача, заррача), **кутикула** (терича, бир парча тери), **молекула** (кичик масса), **пелликула** (бир парча тери), **фолликула** (халтача, қобиқча); **гранула** (донача), **капсула** (кутича), **мензула** (столча), **пустула** (пуфакча), **радикула** (илдизча), **формула** (қолипча, кичкина шакл). Қавс ичидаги мазкур сўзларнинг лотин тилидаги дастлабки маънолари кўрсатилди.

КУМУЛ... [лот. cumbulus – уюм, тўда; кўпайиш, йигилиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўпланиш, йигилиш, кўпайиш маъноларига алокадорликни билдиради. Mac.: **кумуляция** [лот. cumbulatio – тўпланиш, йигилиш] – баъзи дори моддалар узоқ муддат қабул қилинганда, уларнинг организмда тўпланиб, таъсир этиш кучининг ортиши.

КУПР... [лот. surgum (сургум) – мис] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мисга алокадорлигини кўрсаатди. Mac.: **купорослар**, **купроидаргирит**; **куприт** [купр...+...ит] – қизил мис рудаси; мис (I) оксиддан иборат минерал; **купрум** [лот. Сиргум] – миснинг кимёвий формуласаларни ўқиши пайтида айтиладиган номи.

КУРВ(И)... [лот. curvus – эгри, қийшиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, эгри маъносини ифодалайди. Mac.: **курватура**; **курвиметр** [курви...+...метр] – топографик чизмалар, хариталар ва график ҳужжатларда эгри ёки илонизи чизиқлар узунлигини ўлчайдиган асбоб.

КУР(С)... [лат. *currete, cursum* – югурмоқ, шошиб чопмок; сузмок] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибидаги асосий сўз (ўзак) бўлиб, югуриш, тез юриши маъноларини билдиради. Mac.: **курс** [лат. *cursus* – югурниш, ҳаракат < *currete* – югурмоқ] – 1) кема, самолётнинг ҳаракат йўналиши; 2) муайян фан ёки унинг алоҳида бир қисмининг тўлиқ баёни; олий ёки ўрта махсус ўкув юртларида таълимнинг йиллик босқичи; **курсив** [нем. *Kursiv* < лат. *cursivus* – югурувчи] – ўнгга кийшайтирилган типография шрифти; айрим кичик ҳарфлари қўлёзма ҳарфларига ўхшаб кетади; **курсор** [ингл. *cursor* – кўрсаткич < лат. *cursor* – чопар, тез югурувчи; чавандоз] – компютер мониторидаги вертикал ёки горизонтал штрих шаклида бўлган ҳаракатчан белги; **куръер** [фр. *courrier* < лат. *currete* – югурмоқ] – 1) тезкор топшириклар билан жойларга бориш, дипломатик почтани етказиб бериш билан шуғулланувчи мансабдор шахс; 2) муассасанинг иш қоғозларини тарқатувчи ходими (чопари).

КУТ... [лат. *cutis* – тери] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тери маъносини ифодалайди. Mac.: **кутикула** [лат. *cuticula* – бир парча тери] – ҳайвонларда эпителий ҳужайрасининг очик сиртини қоплаб турадиган пишиқ қават; ўсимликларда эпидермисни қоплаб турувчи юпқа сиртқи парда.

Л

ЛАБИ... [лат. *labia, labium* – лаб; *labialis* – лабга оид] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг лабга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **лабиализация** [лат. *labialis* – лабга оид +...изация] – нутқ товушларини лабларни чўччайтириб талаффуз қилиш.

ЛАБОР... [лат. *labor* – меҳнат, иш] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, меҳнат килиш, ишлаш деган маъноларни англатади. Mac.: **лаборант** [лабор...+...ант] – лабораториялар, илмий бўлимларда ишловчи илмий ёки техник ходим; **лаборатория** [лат. *laborare* – ишлайман +...ория] – илмий муассаса, корхона, ўкув юрти таркибида илмий текширишлар, тажрибалар, амалий ва ўкув машғулотлари ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган мустақил муассаса ёки унинг бўлими ҳамда улар жойлашган бино.

ЛАКТ(О)... [лат. *lactis* – сут] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сутга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **лактоальбумин, лактобутирометр, лактоза, лактозурия, лактоскоп; лактация** [лакт...+...ация] – аёллар ва ургочи сутэмизувчи

ҳайвонларнинг сут безларида сут ҳосил бўлиши, йиғилиши ва вақти-вақти билан ажralиб чикиши; **лактометр** [лакто...+...метр] – сутнинг ёғлилик даражасини ўлчовчи асбоб; **лактотерапия** [лакто...+...терапия] – маълум схема бўйича тери остига ёки мушак орасига стерилланган сутни юбориш ҳамда сут ичириш орқали баъзи касалликларни даволаш.

ЛАЛО... [юн. *lalia* – сўзлаш, гапириш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сўзлашга, нутққа алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **лалопатия** [лало...+...патия] – баъзи касалликлар сабабли тўгри гапира олмаслик, айrim то-вушларни талаффуз эта олмаслик; нутқнинг бузилиши; **лалоплегия** [лало...+...плегия] – сўзлашда иштирок этувчи мушакларнинг фалаж-ланиши оқибатида нутқнинг бузилиши; **лалофобия** [лало...+...фобия] – дудукларнинг сўзлашдан кўркиши (тортиниши), сўзламасликка ҳаракат қилиши.

ЛАН(О)... [лот. *lana* – жун] – ўзлашма қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзнинг жунга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **ланолин** [лан(о)...+ ол(е)...+...ин] – ҳайвон жуни, қўй жунини ювганда олинадиган сарғиш ёғсимон модда.

ЛАПАР(О)... [юн. *lapare* – қорин, ички қисм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қорин, бирор нарсанинг ички қисми деган маъноларни англатади. Mac.: **лапароскопия** [лапаро...+...скопия] – айн. **перитонеоскопия**: қорин деворини тешиб, унга киритилган махсус эндоскоп (лапароскоп) ёрдамида корин бўшлиғидаги аъзоларни кўздан кечириб текшириш усули; **лапаротомия** [ла-паро...+...томия] – қорин бўшлиғини ёриб кўришдан иборат жарроҳлик операцияси.

ЛАРИНГ(О)... [юн. *laryngos* – ҳикайлдок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳикайлдоқка алоқадорлигини англатади. Mac.: **ларингалгия**, **ларинголог**, **ларингопластика**, **ларингоррагия**, **ларингоспазм**, **ларинготомия**, **ларингофон**; **ларингит** [ларинг(о)...+...ит] – ҳикайлдоқ (томуқ)нинг яллиғланиши; **ларингология** [ларинго...+...логия] – оториноларингологиянинг бир бўлими: ҳикайлдоқнинг анатомияси, физиологияси ва касалликларини, шунингдек, касаллик диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганади; **ларингоскопия** [ларинго...+...скопия] – ҳикайлдоқни махсус асбоб – ларингоскоп ёрдамида оғиз бўшлиғи орқали текшириш усули; **ларинготрахеит** [ларинго...+...трахе(о)...+...ит] – ҳикайлдоқ ва кекирдак шиллиқ қаватининг бир вактда ўткир ёки сурункали яллиғланиши; **ларингоэктомия** [ларинго...+...эктомия] – ҳикайлдоқни бутунлай кесиб олиб ташлашдан иборат жарроҳлик операцияси.

ЛАТ... [лат. latus – кенг, катта] – ўзлашма қүшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, кенг, катта каби маъноларни ифодалайди. Mac.: латифундия [лат. latifundium < latus + fundus – ер-мулк, амлок] – катта ер-мулк.

ЛАТЕР(О)... [лат. lateralis – ён, ёндан] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ён, ёнбош маъноларини билдиради. Mac.: латерал [лат. lateralis] – ёндаги, тананинг ўрта сатҳидан четда жойлашган; билатерал [би...+ латерал]: билатерал ундош – талаффуз қилинганда тилнинг учи қўзғалмас аъзога тақалиб, ҳаво оқими тилнинг икки томонидан ўтадиган ундош товуш; латеропульсия [латеро...+ лат. pulsus – зарба, уриш] – паркинсон касаллигига хос белги; бемор ён томондан аста туртиб юборилганда, унинг бир томонлама юриб кетиши.

ЛЕГ... [лат. lex (legis) – қонун; legitimus – қонуний] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қонунга алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: легислатура; легитим [лат. legitimus – қонуний] – қонунний, қонуний ҳуқуки бўлган, қонунга асосланган; легитимация [лат. legitimus – қонуний +...ация] – муайян ҳуқуқ, ваколат ва ташкилотларнинг қонунийлигини тан олиш ёки тасдиқлаш.

ЛЕЙК(О)... [юн. leukos – оқ] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг оқ рангга алоқадорлигини билдиради. Mac.: лейкемия, лейкома, лейкопения, лейкопластир, лейкоурия, лейкоцитоз; лейкодерма [лейко...+...дерма] – баъзи тери касалликлари, захм, шунингдек, баъзи бир дориларни қабул қилиш натижасида тери пигментининг камайиши ёки йўқолиши; лейкоз [лейк(о)...+...оз] – лейкемия, оқ қон касаллиги; конда оқ қон танаачалари – лейкоцитларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб, қизил қон танаачалари – эритроцитларнинг камайиб кетиши; лейкотомия [лейко...+...томия] – миянинг пешона қисмидаги овал марказдан оқ моддани кесиб олиб ташлаш операцияси; лейкоцитлар [лейко...+...цит] – оқ қон танаачалари – қоннинг ўлик ҳужайралар, бактериялар ва бошқа ёт жисмларни йўқ қилувчи ва антитаналар ишлаб чиқарувчи рангсиз шарсимон ҳужайралари.

ЛЕКС..., ЛЕКСИКО... [юн. lexis – сўз, ибора; lexikos – сўзга оид, лугавий] – ўзлашма қүшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзга оид, лугавий каби маъноларни англатади. Mac.: лексема, лексикализация, лексикон; лексика [лекс...+...ика] – муайян тил таркибига кирувчи сўзлар йиғиндиси; бирор муаллиф асарларининг лугат таркиби; лексикография [лексико...+...графия] – лугат тузиш назарияси ва лугат тузиш иши, лугатшунослик; лексикология [лексико...+...логия] – тилшуносликнинг лексикани ўрганувчи бўлими.

ЛЕКТ... [лат. lectio – ўқиши] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўқиши билан алоқадорлигини билдиради.

Мас.: **лектор; лекторий** [лат. *lectorium* < лект...+...орий] – оммабоп маърузаларни ташкил этувчи муассаса, ташкилот; маърузалар ўтказиладиган хона, бино; **лекция** [лат. *lectio* – ўқиш] – олий ўкув юртларида ёки омма орасида бирор мавзу юзасидан оғзаки баён тарзидаги машғулот, маъруза.

ЛЕПИД(О)... [юн. *lepis*, *lepidos* – тангача] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчى қисми бўлиб, тангачасимон маъносини ифодалайди. Мас.: **лепидодендрон, лепидолит; лепидокрокит** [лепидо...+ юн. *kroke* – ип, тола +...ит] – гидроксидлар синфида оид минерал; таркиби қатламли, тангачасимон, толасимон, боғламсимон агрегатлардан иборат бўлади; **лепидофитлар** [лепидо...+...фит] – барг дўмбоқчалари ва кертиклари тангачасимон, пўстлоғи нақшли бўлган, улкан доимяшил ўсимликлар.

ЛЕПР(О)... [юн. *lepra* – мохов] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сурункали юкумли касалликка – моховга алоқадорлигини билдиради. Мас.: **лепроз, лепролог, лепрома; лепрозорий** [лат. *leprosus* – моховга йўлиқкан +...орий] – мохов билан касалланганлар яшами ва даволаниши учун мўлжалланган шифохона; **лепрология** [лепро...+...логия] – тиббиётнинг мохов касаллигини текширувчи ва ўрганувчи бўлими.

ЛЕПТ(О)... [юн. *leptos* – юпқа, тор; юмшоқ, енгил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, юмшоқ, юпқа, нозик маъноларини билдиради. Мас.: **лептонлар, лептоспирозлар; лептоменингит** [лепто...+ менинг(о)...+...ит] – бош мия юмшоқ пардасининг яллиғланиши.

ЛИБЕР... [лат. *libera* – озодлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг озодликка, эркинликка алоқадорлигини билдиради. Мас.: **либерализм; либерал** [лат. *liberalis* – эркин, озод, эркинликка оид] – 1) эркин фикрли, ҳурфикр одам; ўта илтифотли киши; 2) либерализм тарафдори ёки либерал партия аъзоси; **либераллаштириш** [лат. *liberalis* – эркин, озод +...лаштириш] – мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида кенг эркинликлар бериш; иқтисодиётга ва фуқаролар шахсий ҳаётига давлат аралашувини бекор қилиш ёки камайтириш.

ЛИГ... [лат. *ligo*, *ligatum* – боғ, боғлаш, қўшиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, боғлаш, қўшиш маъноларини билдиради. Мас.: **лигатура** [лат. *ligature* – боғ, боғлам] – 1) тиббиётда қон томирлар ва бошқа ковак аъзоларни боғлаш ва тикиш учун кўллана-диган, операциядан кейин жароҳатда қолдириладиган ип; 2) матбаада икки ёки бир неча белгини қўшиб ёзиш.

ЛИГН... [лат. *lignum* – дарахт, ёғоч] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, дарахт, ёғоч маъноларини билдиради. Мас.: **лигнин** [лигн...+...ин] – томирли ўсимликларнинг хужайра қобиқлари-

да бўладиган, уларни дарахтга (ёғочга) айлантирадиган органик полимер модда; **лигнит** [лигн...+...ит] – ёнучи фойдали қазилма – қўнғир кўмири қатламларидағи қисман кўмирлашган, дарахт тўқимаси тузилишини ўзида сақлаган ёғоч.

ЛИЗ..., ...ЛИЗ [*юн. lysis* – парчаланиш, емирилиш, эриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, моддаларнинг эриши, емирилиши, парчаланиши каби маъноларни билдиради. Mac.: I. Биринчи таркибий қисм сифатида: **лизиметр**, **лизин**, **лизис**, **лизогения**; **лизосомалар** [*лизо...*+*юн. soma* – тана] – оқсиллар, нуклеин кислоталар, полисахаридларни парчаловчи ферментларга эга бўлган ҳужайра тузилмалари; **лизоцим** [*лизо...*+*юн.zyme* – хамиртуруш] – гидролазалар синфига мансуб оқсил модда (фермент), бактерия ҳужайралари пардасини емиради. II. Иккинчи таркибий қисм сифатида. Mac.: **гистолиз**, **катализ**, **плазмолиз**, **радиолиз**, **фотолиз**, **цитолиз**, **электролиз**; **гемолиз** [*гемо...*+*лиз*] – қизил қон таначалари – эритроцитларнинг парчаланиши ва ундан гемоглобин ҳамда қон плазмасининг пайдо бўлиши; **гидролиз** [*гидро...*+*лиз*] – турли хил моддалар билан сув ўртасидаги ион алмашиниш реакцияси; бунда мураккаб модда икки ёки ундан оптиқ янги моддаларга парчаланади; **лейколиз** [*лейко...*+*лиз*] – оқ қон таначалари (лейкоцитлар)нинг эриб кетиши; **пиролиз** [*пиро...*+*лиз*] – кимёвий бирикмаларни қиздириб парчалаш; **цитолиз** [*цито...*+*лиз*] – тирик ҳужайраларни тўлиқ ёки қисман эритиб парчалаш.

ЛИКВ... [*лот. liquor* – суюқлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, суюқлик маъносини ифодалайди. Mac.: **ликвация**, **ликвид**, **ликворея**, **ликёр**; **ликвор** [*лот. liquor* – суюқлик] – одам ва умуртқали ҳайвонларда бош ва орқа мия бўшликларини тўлдириб турувчи, лимфага ўхшаш суюқлик.

ЛИМИТ... [*фр. limite* < *лот. limes* (*limitis*) – чек, чегара] – айрим ўзлашма сўзларда чек, чегара маъноларини билдиради. Mac.: **лимитация** [*лимит...*+*ация*] – чеклаш, чегаралаш; **лимитлаш**; **лимитни жорий қилиш** ёки белгилаш.

ЛИМН(О)... [*юн. limne* – кўл, ҳовуз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўл, ҳовуз маъноларини англатади. Mac.: **лимнобионтлар**; **лимнология** [*лимно...*+*ология*] – кўлшунослик; **лимнофиллар** [*лимно...*+*фил*] – кўлларда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар; **лимнобионтлар**.

ЛИМФ(О)... [*лот. lympha* (*limpha*) – намлик, тоза сув] – ўзлашма тиббий терминларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг лимфа суюқлиги билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **лимфангиит**, **лимфангина**, **лимфобласт**, **лимфоррагия**, **лимфостаз**; **лимфаденит** [*лимф(о)...*+*аден...*+*ит*] – лимфа безларининг яллиғланиши;

лимфография [лимфо...+...графия] – лимфа томирларига контраст моддалар юбориб, улар ҳолати, шакли ва ўтказувчанлигини рентгенография қилиш; **лимфоцитлар** [лимфо...+...цит] – донадор бўлмаган лейкоцитларнинг бир шакли (рангсиз лимфоид тўқималарда ривожланадиган қон хужайралари).

ЛИН... [*līnum* – каноп, зигир мато] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг канопга, қалин матога алоқадорлигини билдиради. Mac.: **линкруст** [*lin...*+*līmūm crūstā* – пўст, қоплама] – қоғоз асосдан тайёрланган, юпқа пластмасса парда билан қопланган, бўртма расмли, рулон холидаги курилиш-пардозлаш материали; **линолеум** [*lin...*+*līmūm oleūm* – мой] – нам ўтказмайдиган, полга қопланадиган полимер материал.

ЛИНГВ(О)... [*līngua* – тил] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибида келиб, ўзи қўшилган сўз ёки қўшимча билан бирга тилга, тилшуносликка оид терминлар ҳосил қиласди. Mac.: **лингвист**, **лингвистика**; **лингафон** [*līngua +...phon*] – товушлар ёки сўзларни аниқ эшитиш ва тўғри талаффуз қилишга ёрдам берадиган асбоб, аппарат; **лингвопапиллит** [*лингво...+ līmūm papilla* – сўргич +...ит] – тил сўргичларининг яллиғланиши.

ЛИО... [*līo* – эритаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, эриш, эритиш маъноларини англатади. Mac.: **лиотроп**, **лиофилизация**; **лиотропия** [*лио...+...tropiā*] – эриган моддаларнинг эритувчининг турли физик хоссаларига кўрсатадиган таъсири; **лиофилия** [*лио...+...filia*] – қаттиқ моддаларнинг унга яқин турган эритувчи билан шиддатли таъсиrlашув хоссаси (уларнинг суюқлик билан яхши намланиши); **лиофобия** [*лио...+...fobija*] – қаттиқ моддаларнинг унга яқин турган эритувчи билан кучсиз таъсиrlашув хоссаси (уларнинг суюқлик билан кам, паст намланиши)

ЛИП(О)... [*līpos* – ёғ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзларда ёғ, мой маъносини ифодалашга хизмат қиласди. Mac.: **липаза**, **липидлар**, **липогенез**, **липоидлар**, **липофусцин**; **липома** [*lip(o)...+...oma*] – ёғ тўқимасидан ривожланадиган хавфсиз ўсма; **липокайн** [*липо...+ юн. kaio* – куйдираман] – ошқозоности безининг жигардаги ёғ алмашинувини тартибга солиб турувчи гормони; **липопротеидлар** [*липо...+ протеид* (мураккаб оқсил)] – таркибида оқсил (протеин) ва ёғсимон моддалар (липидлар) бўлган мураккаб оқсиллар.

ЛИТ(О)... [*līthos* – тош] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тошга ёки тошга ўхшашликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **литогенез**, **литолиз**, **литосфера**, **литотрипсия**, **литотриптор**; **литоглифика** [*лито...+ юн. glyphe* –

ўйиш, кесиш; ўйма] – тоштарошлик, тош ўймакорлиги; **литография** [лито...+...графия] – босма қолип тайёрлаш учун оҳактош (литографик тош), рух ёки алюминий варакасидан фойдаланиладиган текис босма усули; **литология** [лито...+...логия] – чўкинди тоғ жинслари ва ҳозирги чўкиндилар, уларнинг моддавий таркиби, тузилиши, шаклланиш ва ўзгариш қонуниятлари ҳамда шарт-шароитлари ҳақидаги фан; **литотомия** [лито...+...томия] – бир катор аъзоларда пайдо бўлган тош (лар)ни операция йўли билан олиб ташлаш; **литофитлар** [лито...+...фит] – тоғ чўққиларида ва тошлоқ ерларда ўсадиган ўсимликлар.

...**ЛИТ** [юн. lithos – тош] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тошга ёки тошга ўхшашликка алоқадорлигини билдиради. Ушбу терминэлемент ўзи қўшилган сўзлар билан биргаликда: 1) Ер геологик тарихидаги, хусусан, тош асридаги бир-биридан муайян фарқларга эга бўлган катта-катта даврларнинг номларини (**мезолит, неолит, палеолит, протонеолит, халколит, энеолит**); 2) таркибida тош ёки шунга ўхшаш қаттиқ модда бўлган қурилиш материаллари номларини (**гипсолит, ксилолит**); 3) минералларнинг номларини (**криолит, ксенолит, лепидолит, монолит, хризолит**) ва бошқа моддалар номларини (**капролит, одонтолит**) ҳосил қиласди. Баъзан -лиз терминэлементи билан синоним бўлган **-лит** (юн. lytos – парчаланувчи, ажралувчи) терминэлементи билан омонимик муносабатда бўлади (**электролитлар**).

ЛОГ(О)... [юн. logos – сўз; тушунча, таълимот; фикр] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, сўз, сўзга алоқадор маъноларини билдиради. Mac.: **логографлар, логограф, логоплегия, логотип; логограмма** [лого...+...грамма] – сўз-бўғин ёзувларида бутун бир сўзни ёки унинг асосини билдирувчи белги; **логопатия** [лого...+...патия] – нутқий бузилишларнинг (дудуклик, тили чучуклик каби) умумий номи; **логопедия** [лого...+ юн. paideia – тарбия, тарбиялаш] – дефектологиянинг бир бўлими – эшитиш меъёрда бўлган ҳолатда нутқининг турли хил бузилишларини ўрганади ҳамда уларнинг олдини олиш ва даволаш усусларини ишлаб чиқади.

...**ЛОГ** [юн. logos – сўз; тушунча, таълимот; фикр, муносабат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан: 1) бирор фан соҳаси билан шуғулланувчи, шу фан ва тармоқни эгаллаган мутахассис номларини (**археолог, биолог, геолог, гинеколог, гляциолог, зоолог, идеолог, метеоролог, офтальмолог, радиолог**); 2) сўз, фикр, адабий асарга алоқадор тушунчалар, терминларни (**декалог, диалог, монолог, некролог, эпилог**) билдиради. Mac.: **ихтиолог** [ихтио...+...лог] – балиқларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, ривожланиши, тарқалиши ва келиб чиқишини ўрганувчи олим, ихти-

ология мутахассиси; **спелеолог** [спелео...+...лог] – ғорларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турли хил хусусиятларини ўрганувчи олим, спелеология мутахассиси; **пролог**[юн. рго – олд, олд томон +...лог] – муқаддима сўз; бадиий асарнинг кириш қисми.

...**ЛОГИЯ** [юн. logos – сўз; тушунча, таълимот] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан: 1) фан, назария, таълимот, оқимлар номларини (**агробиология, археология, биология, геология, дендрология, зоология, криминология, лексикология, нозология, психология, радиология, этимология**); 2) таркибий тузилиши (қисмлари) турлича бўлган адабиёт ва санъат асарлари номларини (**дилология, тетралогия**) ҳосил қиласди. Mac.: **гляциология** [гляцио...+...логия] – музнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва хусусиятларини ўрганадиган фан; **офтальмология** [офтальмо...+...логия] – тиббиётнинг кўриш аъзолари анатомияси ва физиологиясини ҳамда кўз касалликларини ўрганувчи, уларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усусларини ишлаб чикувчи бўлими; **трилогия** [три...+...логия] – бир муаллифнинг ягона умумий ғоя, мазмун билан боғланган учта бадиий, мусиқий, рангтасвир ёки кино асари.

ЛОК... [лат. locus – жой] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўрин, жой билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **локал, локализация, локатив, локация, локомобиль; локатор** [лат. locare – жойлаштиру] – турли обьектлар (самолёт, кемалар)нинг жойлашган ўрнини аниқлайдиган асбоб; **локомотив** [лат. loco moveo – жойидан қўзғатаман] – темир йўлларда айрим вагонлар ёки поездларни тортуб юришга мўлжалланган транспорт воситаси (паровоз, тепловоз, электровоз); **локус** [лат. locus – жой] – муайян геннинг хромосомада жойлашган ўрни.

ЛЮМИН(О)... [лат. lumen (luminis) – нур, ёруғлик] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, хира ёруғлик маъносини ифодалайди. Mac.: **люминесценция** [люмин...+ лат. escent – кучсиз ҳаракатни, таъсирни ифодаловчи қўшимча] – баъзи моддаларнинг муайян температурада уларнинг иссиқлик нурланишига нисбатан кучлироқ бўлган, ёруғлик тебранишлари давридан анча ортиқ вақт давом этадиган (доимий иссиқлик нурланишидан фарқли) нурланиши; **люминофорлар** [люмино...+...фор] – люминесценция хоссасига эга бўлган моддалар.

ЛЮТЕ... [лат. luteus – сарик, тилларанг] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сарик ранг маъносини билдиради. Mac.: **лютеин** (хужайралар); **лютеотроп** [лютео...+...троп]: **лютеотроп гормон** – лактоген гормон, сут безлари функцияларини бошқаришда иштирок этади.

МАГНЕ(ТО)..., МАГНИТ(О)... [юн. magnetis – магнит] – ўзлашма құшма сўзларнинг бириңчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзларнинг магнитга, магнит майдонига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **магнетокимё, магнетон, магнетрон; магнитобиология, магнитооптика, магнитостатика, магнитострикция, магнитосфера; магнетоқаршилик** [магнето...+ қаршилик] – ўтказгичнинг магнит майдонидаги солиширмада электр қаршилигининг майдон йўқлигидаги солиширмада қаршилигига нисбатан ўзгариши; **магнитограф** [магнито...+...граф] – Ер магнит майдонининг вақт бўйича ўзгаришларини узлуксиз қайд қилиб борадиган асбоб; **магнитометр** [магнито...+...метр] – магнит майдони характеристикаларини ва физик объектларнинг магнит хоссаларини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **магнитофон** [магнито...+...фон] – товуш (нутқ, мусиқа)ни магнит лентага ёзib олиш ва қайта эшилтириш учун мўлжалланган аппарат.

МАКРО... [юн. makros – катта, кўп, узун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йирик катталиклар, ўлчамлар, шакллар, миқёслар билан алоқадорлигини кўрсатади (микро... терминэлементининг акси). Mac.: **макролексия, макродунё, макроиклим, макроколон, макроландшафт, макромастия, макрорельеф, макроспоралар, макроструктура (макротузилиш); макроиқтисодиёт** [макро...+ иқтисодиёт] – бозор хўжалиги умумий назариясининг бўлими: мамлакат иқтисодиёти, умуман, миллӣ хўжаликка оид катта миқёсдаги иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганади; **макроцефаллар // макроцефаллар** [макро...+ юн. kephale – бош, калла] – калласи номутаносиб равишда катта бўлган одамлар; **макромолекула** [макро...+ молекула] – ўзаро ковалент боғлар орқали бириккан, ўн мингдан юз мингтагача атомлардан тузилган йирик молекула; **макроскопик** [макро...+...скоп +...ик] – ўлчамлари анчагина катта, оддий кўз билан, яъни микроскоп ёрдамисиз кўрса бўладиган.

МАКСИМ... [лот. maximum – энг кўп, энг катта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, энг катта, энг юқори даражада маъноларини англатади. Mac.: **максимализм** [лот. maximum] – бирор-бир талаблар ва фикрларда меъёрдан ошиб кетиш, ҳаддан ошиб; **максимум** [лот. maximum] – энг кўп (катта) ёки чегаравий миқдор (катталик)ни, энг катта ҳажм, энг юқори чегара, олий даражани ифодалайдиган тушунча.

МАКУЛ... [лот. maculare – доғ килмоқ, доғ тегизмоқ, ифлослантирумоқ] – ўзлашма ясама сўзларда асосан доғ; чиқинди, яроқсиз қоғозлар маъносини билдиради. Mac.: **макулатура** [нем. Makulatur < лот.

maculare – ифлослантироқ +...ура] – босмахона чиқиндиси ёки, умуман, эски қоғоз, картон, газета, яроқсиз журнал, китоб ва бошқалар; **макулит** [лат. macula – дөг +...ит] – күз түрпардаси ва томирли пардасининг сариқ дөғи соҳасидаги яллигланиш.

МАЛАКО... [юн. malakion – моллюска < malakos – юмшоқ] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибида шу сўзнинг моллюскага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **малакология** [малако...+...логия] – зоология фанининг моллюскаларни ўрганувчи бўлими; **малакофилия** [малако...+...филия] – айрим ўсимликларнинг моллюскалар (шиллиққуртлар) ёрдамида чангланишга мосланиши.

МАММО... [лат. mamma – кўкрак; эмчак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кўкрак, эмчак маъноларини англатади. Mac.: **маммогенез; маммалиология** [лат. mammalia – сутэмизувчилар +...логия] – зоологиянинг сутэмизувчиларни ўрганадиган бўлими; **маммография** [маммо...+...графия] – сут безларини рентгенологик ўрганиш (текшириш).

...**МАН** [юн. mania – телбалик, шайдолик, ишқибозлик; майл, қизиқиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, биринчи қисмдан англашилган бирор нарсанинг ашаддий ишқибози маъносини билдиради. Mac.: **балетоман, графоман, кофеман, меломан, эротоман; библиоман** [библио...+...ман] – ҳаддан ташқари китобга, китоб тўплашга муккасидан кетган шахс; **наркоман** [нарко...+...ман] – наркотик моддалар истеъмол қилишга ружу қўйган шахс, наркоманияга йўликкан киши.

МАНГАН... [лат. manganum – марганец] – ўзлашма ясама сўзлар таркибидаги асос сўз бўлиб, марганец маъносини ифодалайди. Mac.: **манганатлар, манганит; манганин** [манган...+...ин] – миснинг марганец ва никель билан юқори электр қаршиликка эга бўлган қотишмаси; **манганокониоз** [манган(о)...+ юн. konia – чанг +...оз] – ўпкада марганецли чанг келтириб чиқарадиган сурункали касбий касаллик.

...**МАНИЯ** [юн. mania – телбалик; майл, иштиёқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, биринчи қисм (сўз)дан англашилган нарсанни кучли даражада севиш, унга интилиш, майиллик, иштиёқ, ишқибозлик (**англомания, балетомания, библиомания**) ҳамда шунинг натижасида рухий касалланиш (**дромомания, кокаиномания, нимфомания, опиомания, токсикомания, эротомания**) каби маъноларни билдиради. Mac.: **галломания** [лат. Gallia – Франция +...мания] – француздарга алоқадор барча нарсаларга (тили, адабиёти, урф-одатлари каби) қизиқиш, ҳавас қилиш; **гидромания** [гидро...+...мания] – рухий касалликларда: ўзини ўзи сувга ташлашга майиллик; **графомания** [графо...+...мания] – фойдасиз, кераксиз нарсалар ёзишга ружу

қилишдан иборат касаллик; **клептомания** [клепто...+...мания] – руҳий касалликларда ўғриликка ружу қўйиш; руҳий касаллик туфайли ўзида ўғриликка мойиллик сезиш; **меломания** [мело...+...мания] – мусиқа, куй-қўшиққа ашаддий ишқибозлик; **наркомания** [нарко...+...мания] – наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қўйиш; уларни вақтинча ёки сурункали истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик; **пиромания** [пиро...+...мания] – руҳий касалликларда: ўт қўйишга, ёндиришга тўсатдан пайдо бўладиган майл, интилиш.

МАНО... [юн. manus – тифиз бўлмаган, сийрак] – ўзлашма қўшма сўзнинг биринчи қисми бўлиб, зич, тифиз бўлмаган нарсаларга алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: **манометр** [мано...+...метр] – суюқлик, газ ёки буғнинг босимини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб.

МАНУ... [лот. manus – қўл] – ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қўлга алоқадор, қўл билан қилинадиган маъноларини ифодалайди. Mac.: **мануал** (терапия), **манускрипт** (кўлёзма); **мануфактура** [ману...+ лот. facere – қилмоқ, тайёрламоқ] – меҳнат тақсимоти ва қўл хунари техникасига асосланган корхона.

МАРГИН... [лот. marginal – ёнда, четда жойлашган < лот. margo – ҳошия, чет, чегара] – ўзлашма ясама сўзларда бирор нарсанинг ёнда, четда жойлашганлигини англатади. Mac.: **маргиналиялар** – китоб ва кўлёзмаларнинг четига, ҳошиясига қўйилган қайдлар ёки белгилар.

МАРЕ... [лот. mare – денгиз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг дengизга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **мареограф** [маре(о)...+...граф] – дengиз суви сатҳи ўзгаришларини автоматик тарзда узлуксиз қайд қилиб борадиган асбоб; **маринист** [итал. marinista < лот. mare – дengиз] – дengиз манзаралари (мариналар)ни яратувчи рангтасвирчи рассом.

МАСТ(O)... [юн. mastos – кўкрак, сийна] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўкрак касалликлари билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **мастит**, **мастодиния**, **мастоидит**, **мастоптоз**; **мастопатия** [масто...+...патия] – сут бези касалликлари; **мастэктомия** [маст...+...эктомия] – сут безини бутунлай олиб ташлаш операцияси.

МАТЕ... [юн. mathema – билиш, илм, фан] – ўзлашма терминлар таркибида билиш, фан маъноларини билдиради. Mac.: **математика** [юн. mathematike < mathema – билиш, илм] – объектив борлиқдаги миқдорий нисбатлар ва фазовий шаклларни ўрганадиган, аниқ мантикий мушоҳадаларга асосланган фан.

МАТРИ... [лот. mater – она] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, онага (аёлга) алоқадорлик маъносини ифодалайди. Mac.: **матриархат** [матри...+ юн. arche – ҳокимият +...ат] – она (аёл)

хукмронлиги; ибтидоий жамиятнинг ilk давридаги, патриархатдан олдинги ижтимоий тузум шаклларидан бири; **матрилокал** [матри...+ лот. *localis* – жойга оид]; **матрилокал никоҳ** – патриархат даврида эр-хотиннинг хотин жамоасида яшаши.

МЕГА... [юн. *megas* – катта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб: 1) бирор нарса, ҳажм ёки миқдорнинг катталигини, кўплигини билдиради. Mac.: **мегантроп**, **мегарельеф**, **мегаскоп**, **мегаспоралар**; **мегаколон** [мега...+ юн. *kolon* – йўғон ичак] – йўғон ичакнинг қисман ёки бошидан охиригача патологик катталашуви, кенгайиши; **мегаполис** [мега...+ юн. *polis* – шаҳар] – ўзаро қўшни шаҳарлар ва шаҳар типидаги аҳоли масканларининг қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган йирик шаҳарлар тўплами; **мегафон** [мега...+...фон] – овозни кучайтириб берувчи конуссиз мон карнай; 2) муайян физик катталиклар бирликларининг миллион (10^6) марта катталаширилган миқдорини кўрсатувчи олд қўшимча. Mac.: **мегабайт** [мега...+...байт] – компьютернинг миллиондан бир ахборот бирлиги; 1 **мегаватт** = 10^6 ВТ; 1 **мегагерц** = 10^6 Гц; 1 **мегом** = 10^6 ом каби.

МЕГАЛО... [юн. *megale* – катта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, катта, йирик маъноларини билдиради. Mac.: **мегалозаврлар**, **мегалоплазия**, **мегалопланктон**, **мегалоцит**; **мегалокефалия** [мегало...+ юн. *kephale* – калла, бош] – калланинг бош истисқосисиз, бир меъёрда текис (пропорционал) катталашуви; **мегаломания** [мегало...+...мания] – руҳий касалликларда: буюклик манияси, ўзининг буюклигига қатъий ишонч; **мегалополис айн**. **мегаполис**; қ. **мега...**

МЕДИ... [лот. *medium* – ўрта, ўртадаги, ўртача; восита; даволаш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, восита, ўрта, ўртача каби маъноларни англатади. Mac.: **медиал**, **медиатор**; **медиана** [лот. *mediana* – ўртадаги] – учбурчакнинг бир учи билан унга қарама-қарши томонининг ўртасини туаштирувчи кесма.

МЕЗ(О)... [юн. *mesos* – ўртадаги, ўртача, оралиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарса ёки ҳодисанинг ўртacha ҳажм ва катталигини ёки оралиқ ҳолатини ифодалайди. Mac.: **mezозой**, **мезокефалия**, **мезолит**, **мезосфера**, **мезофиллар**; **мезодерма** [мезо...+...дерма] – ғовактаниллар ва бўшлиқчиллардан ташқари одам ва кўп хужайрали ҳайвонлар ҳомиласининг ilk ривожланиш (гастро-ла) босқичида ҳосил бўладиган ўрта қавати; **мезопауза** [мезо...+ пауза] – Ер атмосферасининг 80 – 90 км баландликдаги, мезосфера ва термо-сфера ўртасидаги оралиқ қатлами; **мезофитлар** [мезо...+...фит] – етарли намлик шароитида яшовчи ўсимликлар; **ксерофитлар** ва гигрофитлар ўртасидаги оралиқ гурух.

...МЕЙСТЕР [нем. Meister – уста, раҳбар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирор соҳадаги маҳорат эгаси, уста, мутахассис деган маъноларни ифодалайди. Mac.: **балетмейстер, брандмейстер, капельмейстер, лоцмейстер, танцмейстер; гроссмейстер** [нем. Groβmeister < groβ – катта, юқори +...мейстер] – шахмат ёки шашкадаги энг олий спорт унвони; **концертмейстер** [концерт +...мейстер] – 1) оркестрдаги барча скрипкалар эргашадиган скрипкачи; 2) оркестрнинг торли чолғу асбоблар гуруҳларидағи асосий бошқарувчи созанда; 3) концертларда хонандалар, созандаларга муайян партияни ўргатувчи, машқ қилдирувчи пианиночи; **почтмейстер** [почта +...мейстер] – чор Россиясида ва бошқа баъзи мамлакатларда: шахар почта хизмати бошлиғи; **хормейстер** [хор +...мейстер] – хор раҳбари, дирижёри.

МЕЛАН(О)... [юн. melas (melanos) – қора] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қора, қораймоқ маъноларини Англатади. Mac.: **меланодермия, меланоз, меланопатия, меланосаркома, меланоцитлар, меланурия; меланизм** [мелан(о)...+...изм] – муайян турдаги ҳайвонлар ўртасида қора рангли организмларнинг кўплаб тарқалиши; **меланинлар** [мелан(о)...+...ин] – одам, ўсимлик ва ҳайвон тўқималарида кенг тарқалган тўқ жигарранг ва қора пигментлар; **меланома** [мелан(о)...+...ома] – қора пигментлар – меланинларни ишлаб чиқарадиган хужайралардан пайдо бўлувчи, асосан, тери (баъзан кўз тўрпардаси, мия, шиллик пардалар)даги хавфли ўсма.

МЕЛИОР... [лот. melior – энг яхши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тузатиш, яхшилаш маъноларини ифодалайди. Mac.: **мелиоратив, мелиоратор; мелиорация** [нем. Melioration < лот. melioratio – яхшилаш] – ерларнинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар мажмуви.

МЕЛО... [юн. melos – қўшиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилиб келган сўз билан қўшиққа, мусиқага алоқадорликни ифодалайди. Mac.: **мелодекламация, мелодика, меломания; мелодия** [мело...+ юн. ode – лирик қўшиқ, куйлаш] – маълум мусиқа асари, ашула, қўшиқ ҳосил қилувчи мусиқий товушлар бирлиги, оҳанг; **мелодрама** [мело...+ драма] – 1) мусиқали-драматик асар бўлиб, унда диалог ва монологлар мусиқа билан алмашиниб турди ёки мусиқа жўрлигига ижро қилинади; 2) драматургия жанри – ўткир ишқий саргузаштлар, яхшилик билан ёмонликнинг кескин қарама-қаршилиги, ўта кучли ҳис-ҳаяжонлар тасвиrlанган пьеса; **меломан** [мело...+...ман] – қўшиқ ёки мусиканинг ашаддий муҳлиси, шайдоси.

МЕМОР... [лат. memoria – хотира] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, эсда тутиш, хотира маъноларини ифодалайди. Mac.: **меморандум; мемориал** [лат. memorialis – хотира ёзуви; хотира га оид]: **мемориал лавҳа** – ёзув битилган металл, мармар, гранит тахта; ёдгорлик; **мемуарлар** [фр. mémoires – эсдаликлар < лат. memoria] – хужжатли адабиёт тури – давр ва одамлар ҳақидаги эсдаликлар.

...МЕН, ...МАН [ингл. man, нем., голл. man – одам, киши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, ўзи қўшилган биринчи сўз англатган соҳада, жойда фаолият юритувчи шахс номини билдиради. Mac.: **бизнесмен, омбудсмен, рекордсмен, спортсмен, супермен; конгрессмен** [ингл. congressman] – АҚШда парламент (конгресс) вакиллари қути палатасининг аъзоси; **полисмен** [ингл. policeman] – Буюк Британия, АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда полициячи; **шоумен** [ингл. showman – масхаробоз; цирк эгаси] – шоулар – томошабоп тадбирлар ташкилотчиси (етакчиси); **яхтсмен** [ингл. yachtsman] – елканли спорт билан шуғулланувчи спортчи; яхта экипажи аъзоси. Шу терминэлементнинг немис ва голланд тилларига мансуб **-ман** варианти кема ва кемада сузиш билан алоқадор шахслар номини ҳосил қиласди. Mac.: **боцман** [голл. boatsman < boot – қайик, кема + ...ман] – кемада кичик командирлар таркибидаги лавозим – палуба жамоасининг бевосита бошлиғи; **лоцман** [голл. loodsmans] – маҳаллий сузиш шароитларини яхши билган, муайян ҳудуд чегараларида кемаларни олиб борувчи мутахассис; **флагман** [нем. Flaggeman, голл. vlagman – байроқдор] – 1) флот ёки эскадра командири; 2) командир жойлашган ва унинг байроғи кўтариладиган кема.

МЕН(О)... [юн. men – ой] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибида келиб, ой маъносини ифодалашга хизмат қиласди. Mac.: **менопауза, менофобия, менструация; аменорея** [а...+ мено...+...рея] – олти ой ва ундан кўпроқ муддат ҳайз кўрмаслик; **меноррагия** [мено...+...ррагия] – ҳайз вақтида ҳар сафаргидан кўра кўпроқ ва узокроқ қон кетиши.

МЕНИНГ(О)... [юн. meninx, meningos – мия қобиги, пардаси] – ўзлашма қўшма сўзлар таркибидаги асос сўз бўлиб, мия қобиги, мия пардаси маъноларини ифодалайди. Mac.: **менингизм, менингорадикулит, менингоэнцефалит; менингит** [менинг(о)...+...ит] – бош мия ва орка мия пардаларининг бактериялар, вируслар келтириб чиқарадиган йиринглий ёки сероз яллиғланиши; **менингококклар; қ...кок(лар).**

...МЕНТ [лат. -ment] – сўз ясовчи қўшимча. Сўз асосига қўшилиб, нарса-қурол отларини ҳосил қиласди. Mac.: **орнамент** [лат. ornamentum – безак, нақш < ornare – безамок] – ритмик тартибга солинган геометрик шакллар, ўсимлик ва ҳайвон элементлари тасвиirlаридан иборат бўёқли ўйма ёки чизма нақш, безак.

МЕР(О)... [юн. *meros* – улуш, ҳисса, қисм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларда ҳисса, қисм маънолари борлигини кўрсатади. Mac.: **мерозигота; мерокрин** [меро...+ юн. *krino* – ажратаман]: **мерокрин безлар** – секрет чиқараётган хужайралари секрет ажралишида ҳалок бўлмайдиган безлар; **мерология** [меро...+...логия] – одам морфологиясининг таркибий қисми – одамнинг айрим қисмларини (аъзоларини) мурдаларда ўрганиш.

...МЕР [юн. *meros* – улуш, ҳисса, қисм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, қисм, бўлак, ўлчам маъноларини билдиради. Mac.: **blastomerlar, изомерлар, олигомерлар, эластомерлар; мономерлар** [моно...+...мер] – молекулалари ўзаро ёки бошқа моддалар молекулалари билан реакцияга киришиб, полимер ҳосил қилиш қобилиятига эга моддалар; **полимерлар** [поли...+...мер < юн. *polymeres* – хилма-хил; қисмлардан иборат] – юқори молекуляр бирикмалар; макромолекулалари кўп миқдордаги тақрорланувчи ҳалка (звено)лардан иборат бўлган моддалар. Баъзан -мер терминэлементи ўлчов асбоблари номларини ҳосил қилувчи **-метр** терминэлементи ўрнида қўлланади: **координатор, секундомер**.

...МЕРИЯ [юн. *meros* – улуш, ҳисса, қисм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, қисмлардан иборат, қисмларга бўлиниш ёки улардан таркиб топиш билан боғлиқ ҳолатларни, айрим назарияларни ифодалайди. Mac.: **изомерия, метамерия, таутомерия; мезомерия** [мезо...+...мерия] – бирикмаларнинг электрон тузилиши назарияси; **полимерия** [поли...+...мерия < юн. *polymeria* – хилма-хиллик, кўп қисмларга эгалик] – организмнинг айни бир мураккаб белги ёки ҳоссаси ривожланишининг бир қанча мустақил, лекин таъсири тенг қийматли генларга боғлиқлиги.

МЕТА... [юн. *meta* – орада, ўртада, кейин, орқали] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, оралиқда эканлик, нимадандир кейин келиш, бошқа бирон нарсага ўтиш (ўзгариш) каби маъноларни билдиради. Mac.: **метаморфизм, метастаз, метатеза, метафиза, метафизика; метабазитлар** [мета...+ юн. *basis* – асос +... ит] – асосли магматик жинсларнинг метаморфизми натижасида ҳосил бўлган метаморфик тоғ жинслари; **метагенез** [мета...+...генез] – 1) геологияда: чўкинди тоғ жинсларининг қайта ўзгариш жараёнлари мажмуи; 2) биологияда: авлодларнинг иккиласи насл алмашиниши шаклларидан бири бўлиб, бунда жинсий кўпаядиган зотлар насли жинсиз кўпаядиган зотлар насли билан алмашиниб туради; **метаплазия** [юн. *metaplasso* – қайта ҳосил бўлиш, ўзгариш] – организм бир хилдаги тўқималарининг тузилиши ва функциялари жихатидан бошқа хил тўқималарга айланиши; **метасоматизм** [мета...+ юн. *somatos* – жисм,

тана +...изм] – тоғ жинсидаги баъзи минералларнинг бошқа минераллар билан алмасиниш ҳодисаси.

МЕТАЛЛ(О)... [лат. metallum < юн. metalleuo – қазийман, ердан қазиб оламан < metallon – кон] – муайян ўзлашма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг металлга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **металлогенетика, металлооптика, металлофизика, металлургия, металлшунослик; металлография** [металло...+...графия] – металлар ва қотишмаларнинг структурасини тадқиқ килиш усули; **металлонидлар** [металл(о)...+...онид] – хоссаларига кўра, металлар ва металлмаслар орасидаги ҳолатни эгаллаган элементлар (бор, кремний, маргимуш, сурма кабилар); **металлотермия** [металло...+ юн. thermē – иссиқлик, ҳарорат] – иссиқлик ажралиши билан юз берадиган металлотермик жараён.

МЕТЕО(РО)... [юн. meteoros – осмонга кўтарилиган, осмонда сузаётган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг атмосфера ва осмон ҳодисаларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **метеопатия, метеоритлар, метеорлар, метеоролог; метеограф** [метеоро...+...граф] – ҳаво намлиги, босими ва температуррасини, шунингдек, атмосферанинг юқори қатламларидағи шамол тезлигини бир вақтда автоматик ҳолда қайд киладиган аэрологик асбоб; **метеорология** [метеоро...+...логия] – Ер атмосферасининг таркиби, тузилиши, хоссалари ва унда содир бўлаётган физик жараёнларни ўрганадиган фан.

...**МЕТР** [юн. metron – ўлчов, metreo – ўлчайман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўлчов асблори, шунингдек, метр тизимидағи узунлик ўлчовлари номларини ҳосил қиласди. Mac.: **анемометр, батометр, гелиометр, дециметр, колориметр, миллиметр, спидометр, тонометр, эргометр; барометр** [баро...+...метр] – атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб; **километр** [кило...+...метр] – ҳалқаро бирликлар тизимида минг метрга тенг узунлик ўлчови бирлиги; **омброметр** [омбро...+...метр] – тушаётган атмосфера ёғинлари микдорини ўлчайдиган асбоб; **сантиметр** [санти...+...метр] – метрнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови бирлиги; **термометр** [термо...+...метр] – температурани, иссиқлик ёки совуклик даражасини ўлчайдиган асбоб. Ўлчаш, ўлчам билан боғлиқ диаметр, периметр терминлари, шахсни билдирувчи геометр сўзи ҳам -метр терминэлементи билан ясалган.

...**МЕТРИЯ** [юн. metro – ўлчайман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўлчовлар, микдорлар ўртасидағи нисбатларга алоқадорлигини англатади. Ушбу терминэлемент билан ҳосил килинган сўзлар: 1) муайян фанлар ва уларнинг тармокларини, таълимот ва назарияларни билдиради. Mac.: **астрометрия, гигрометрия, гидрометрия, тригонометрия; геометрия** [гео...+...метрия] –

математиканинг фазовий шакллар ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган бўлими; **фотометрия** [фото...+...метрия] – оптиканинг ёруғлик катталикларини ҳамда электромагнит нурланишнинг энергетик тавсифларини ўлчаш билан шуғулланувчи бўлими; 2) ўлчаш ва шу билан боғлиқ тадқиқот усусларини билдиради. Mac.: **анемометрия, аудиометрия, дендрометрия, колориметрия, рентгенометрия, тоно-метрия, эргометрия; антропометрия** [антропо...+...метрия] – антропологиянинг одам танаси ва унинг қисмларини ўлчашдан иборат асосий усусларидан бири; **радиометрия** [радио...+...метрия] – радиоактив моддалардаги радионуклиидлар фаоллигини ўлчаш усуслари мажмуи; **телеметрия** [теле...+...метрия] – телевўлчаш: назоратдаги объектлар хотатини ифодаловчи физик катталикларни масофадан туриб ўлчаш.

МЕТР(О)... [юн. metra – бачадон] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бачадонга, бачадон касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **метрорея, метроскоп, метрофлебит, метрэктомия; метрит** [метр(о)...+...ит] – бачадон мушак қаватининг яллиғланиши; **метропатия** [метро...+...патия] – жинсий аъзоларда аник оғриқли ўзгариш бўлмаган ҳолда, бачадондан қон кетишининг зўрайиши, ҳайз даврининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши кабилардан иборат бачадон касалликлари; **метроррагия** [метро...+...ррагия] – ҳайз кўриш маромининг бузилиши оқибатида, ҳайз кўришга алоқаси бўлмаган ҳолда, бачадондан бетартиб қон кетиши; **метротомия** [метро...+...томия] – (ҳомилали) бачадонни оператив йўл билан кесиш.

МЕХАНО... [юн. mechanе – асбоб-курол, машина] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, механик ҳаракат ёки механизмга оидлик, механизм ёрдамида, механизмга ўхшаб ишлаш каби маъноларни билдиради. Mac.: **механизм, механокимё, механорецепторлар, механострикция; механика** [юн. mechanike – машиналар яратиш санъати < mechanе] – жисмларнинг фазода кўчиб юриши (жойини алмаштириши)ни ва уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ўрганувчи фан; **механотерапия** [механо...+...терапия] – баъзи касалликларни маҳсус аппаратларда жисмоний машқлар қилдириб даволаш; **механотрон** [механо...+...tron] – электр-вакуум асбоби; унда электрон ёки ион токлари уларнинг электродларини бевосита механик тарзда силжитиб бошқарилади.

МИЕЛ(О)... [юн. myelos – илик, кўмик; орқа мия] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мия ва орқа мияга, илик, кўмикка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **миелобласт, миелолейкоз, миеломаляция, миелоррагия, миелосклероз, миелофалаж, миелофиброз, миелоцит; миелит** [миел(о)...+ ...ит] –

айрим касаллуклар оқибатида орқа миянинг яллиғланиши; **миелография** [миело...+...графия] – орқа мияга контраст модда юбориб, рентгенда унинг суратини олиш; **миелома** [миел(о)...+...ома] – иликнинг түрсизмон ва плазматик хужайраларидан пайдо бўладиган ёмон сифатли (хавфли) ўсма; **миелопатия** [миело...+...патия] – орқа миянинг ҳар хил касаллик жараёнлари туфайли пайдо бўлган ўргача, ўткир ва сурункали шикастланиши.

МИЗ(О)... [юн. mis – ёқтиринаслик, нафрат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи сўз англатган шахс ёки нарсанни ёқтиринаслик, унга нафрат билан қарааш маъноларини билдиради. Mac.: **мизандрия, мизантроп, мизопедия; мизантропия** [миз...+ юн. anthropos – одам] – одамларга нафрат билан қарааш; одамларни ёқтиринаслик, улардан қочиш; **мизогиния** [мизо...+ юн. gyne – аёл] – руҳий касаллик туфайли эркакларнинг аёлларни ёқтиринаслиги; **мизонеизм** [мизо...+ не(о)...+...изм] – янгиликларни, янги нарсаларни ёқтиринаслик, уларга нафрат билан ёки менсимай қарааш.

МИК(О)..., ...МИКО(3) [юн. mykes – замбуруғ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг замбуруғларга, бирор-бир аъзода улар келтириб чиқарадиган касаллукларга алоқадорлигини англатади. Mac.: **микоатропин, микобактериялар, микодерматит, микоплазмалар, микориза, микотрофлар; микозлар** [мик(о)...+...оз] – одам ва ҳайвонлар терисида ҳамда ички аъзоларида паразитик, касаллик қўзгатувчи замбуруғлар келтириб чиқарадиган касаллукларнинг умумий номи; **микология** [мико...+...логия] – ботаниканинг бир бўлими бўлиб, замбуруғларнинг тузилиши ва биокимёвий хоссаларини, шунингдек, уларнинг табиатда ва одам ҳаётидаги аҳамиятини ўрганади; тиббиётда: терининг замбуруғли касаллукларини ўрганувчи фан; **микотоксикозлар** [мико...+ юн. toxikon – заҳар +...оз] – одам ва чорва молларида учрайдиган касаллик: замбуруғлар билан заҳарланиши.

Микозларнинг айрим турлари кўрсатилганда, ушбу терминэлемент қўшма сўзниңг иккинчи қисми бўлиб келади. Mac.: **актиномикоз, бластомикоз, вагиномикоз, хромомикоз; дерматомикоз** [дермато...+...микоз] – одам ва ҳайвонларда патоген (касаллик қўзгатувчи) замбуруғлар келтириб чиқарадиган тери касаллиги; **кератомикоз** [керато...+...микоз] – терининг мугуз қаватида учрайдиган замбуруғ касаллиги; **пневмомикоз** [пневмо...+...микоз] – паразит замбуруғлар пайдо қиласиган ўпка касаллукларининг умумий номи; **риномикоз** [рино...+...микоз] – бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг замбуруғли касаллиги; **фарингомикоз** [фаринго...+...микоз] – ютқиннинг замбуруғли касаллиги.

МИКРО... [юн. mikros – кичик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб: 1) кичик, жуда майда (хажм, микдор) маъноларини билдиради. Mac.: **микроанализ**, **микрорельеф**, **микроскопия**, **микроспоралар**, **микросхема**, **микрофауна**, **микрофлора**, **микрургия**; **микробиология** [микро...+ биология] – микроорганизмларнинг келиб чиқиши, тузилиши, таснифи, хоссалари, тарқалиши ва амалий аҳамиятини ўрганувчи фан; **микроглоссарий** [микро...+ глоссарий] – тор соҳа луғати; **микроиктисодиёт** [микро...+ иқтисодиёт] – иқтисодий назариянинг айрим бир хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, уларнинг фаолияти ва миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганадиган бўлими; **микрокефалия//микроцефалия** [микро...+...кефалия] – кичик бошлилик – тананинг бошқа аъзолари нормал ўлчамларга эга бўлгани ҳолда калла суюги ва миянинг ҳажман кичик бўлиши; **микроорганизмлар** [микро...+ организм] – микроблар; жуда майда, асосан, бир хўжайрали, факат микроскопда кўриш мумкин бўлган организмлар; 2) қўшма сўзнинг иккинчи қисмида ифодаланган асос бирликнинг миллиондан бир қисмiga teng улуш бирлигини ифодалайдиган олд қўшимча ҳисобланади. Mac.: **микрометр**; **микроампер** [микро...+ ампер] – электр токи кучининг асосий бирлиги –ампердан миллион марта кичик ўлчов бирлиги.

МИКС(О)... [юн. myxa – шилемшиқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шилемшиқ маъносини англатади. Mac.: **миксобактериялар**, **миксовируслар**, **миксорея**, **микстрофлар**; **микседема** [микс...+ юн. oīdēma – ўсма, шиш] – шилемшиқ шиш; қалқонсимон без фаолиятининг сусайиши ёки бутунлай тўхташи натижасида келиб чиқадиган касаллик; **миксома** [микс(о)...+...ома] – шиллиқ тўқимадан пайдо бўлган ўсма; **миксомицетлар** [миксо...+ юн. mykes – замбуруғ] – шилемшиқ замбуруғлар – хлорофиллсиз вегетатив танага эга бўлган замбуруғсимон организмлар туркуми.

МИКС(Т)... [лот. mixtum – аралаштириш, аралаштирилган] – ўзлашма ясама сўзларнинг асос қисми бўлиб, шу сўзларнинг аралаштириш билан боғлиқлигини кўрсатади. Mac.: **миксантроп**, **миксбордер**, **микстлар**; **миксер** [ингл. mixer – аралаштиргич < лот. mixtum] – совуқ ичимликларни тез аралаштириш, коктейль, крем, хамир, пюре тайёрлаш учун ишлатиладиган механик ёки электр асбоб; **микстура** [лот. mixture – бирикма, аралашма] – эритувчи ва унда эритилган, чала эриган доривор моддалардан иборат, ичиладиган суюқ дори шакли.

МИЛЛИ... [лот. mille – минг] – ўзлашма қўшма сўзларда бирликларни номлашда кўлланадиган олд қўшимча; минг марта кичикликни (мингдан бир улушни) билдиради. Mac.: **миллибар**, **миллиграмм**, **миллимикрон**; 1 **миллиметр** (мм) – метр (м)нинг мингдан бир қисмига teng узунлик ўлчови.

МИНИ... [лат. minimus – энг кичик] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, энг кичик, энг кам маъноларини англатади. Mac.: **минимал, минимализм, минимизация, минифутбол, минус, минускула, минута, миниметр** [мини...+...метр] – машина деталлари, калибр ва бошқаларнинг чизиқли ўлчамларини ўлчашда қўлланадаган асбоб; **минимум** [лат. minimum – энг кичик] – энг кам (кичик) миқдор (катталик)ни, энг кичик ҳажм, энг паст чегара, куйи даражани ифодалайдиган тушунча.

МИ(О)... [юн. mys, myos – мушак, мускул] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мушак (мускул)ларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **миатония, миатрофия, миоглобин, миография, миопатия, миоспазм, миофиброз; миалгия** [ми...+...алгия] – мушаклардаги оғриқ; **миастения** [ми...+ юн. asthenia – дармонсизлик, заифлик] – нерв ва мушак системасининг сурункали касаллиги; кўндаланг-тарғил мушакларнинг заифлиги, оғриб ҷарчани билан ҳарактерланади; **миозин** [мио(з)...+...ин] – мушак толалари (миофибриллалар)нинг асосий оқсили; **миозит** [мио(з)...+...ит] – скелет мушакларининг яллиғланиши; **миокардит** [мио...+...кард +...ит] – юрак мушакларининг яллиғланиши; **мииология** [мио...+...логия] – мушаклар системасининг тузилиши ҳақидаги таълимот; **миома** [ми(о)...+...ома] – мушак тўқимасидан вужудга келадиган хавфсиз ўсма.

МИРИА... [юн. mythias – ўн минг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ўлчов бирлиги номини билдиради, унинг асос ўлчов бирлигидан ўн минг марта катталигини кўрсатади. Mac.: **мириаметр** [мириа...+...метр] – ўн километр (ўн км); ўн минг метр.

МИТО... [юн. mitos – ип] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ип, ипга ўхшаш маъноларини ифодалайди. Mac.: **митоз; митохондрия** [мито...+ юн. chondrios – донача] – эукариот ҳужайраларнинг доимий қўшилмалари – икки қават мемранадан ҳосил бўлиб, ички мембранаси кристаллар (донача)лар ҳосил қиласди.

МНЕМО... [юн. mneme – хотира] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг хотирага алоқадорлигини англатади. Mac.: **мнемоника, мнемосхема; мнемотехника** [мнемо...+ юн. techne – санъат, маҳорат] – 1) мнемоника – сунъий ассоциациялар ҳосил қилиш йўли билан эслашни осонлаштирувчи, хотира ҳажмини кенгайтирувчи усуллар мажмуи; 2) масофадан туриб инсоннинг эслаб қолиш қобилиятини намойиш этиш, турли усуллар билан нарсаларни топишдан иборат цирк ёки эстрада томошаси.

МОЛЛ... [лат. mollis, molluscus – юмшоқ] – ўзлашма сўзларнинг асос қисми бўлиб, юмшоқ маъносини англатади. Mac.: **моллюскалар** [фр.

mollusques – юмшок] – юмшоқтандылар – гавдаси, одатда, бош, тана ва оёк бўлимларидан иборат ва чиганоқ билан қопланган, кенг тарқалган умуртқасиз ҳайвонлар типи.

МОНО... [юн. *tonos* – бир, якка, ягона] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, бир, ягона, ёлғиз маъноларини билдиради. Mac.: **монархия**, **моноартрит**, **моногамия**, **моногиния**, **монография**, **монокристалл**, **монолог**, **мономерлар**, **моноплан**, **монорхизм**, **монотеизм**, **монофагия**, **монохромия**; **монограмма** [моно...+...грамма] – 1) исм ва фамилия бош ҳарфларининг накш, бе-зак кўринишида қўшилиб кетиши; 2) рассомлар, ўймакорлар суратлари ва асарларидаги имзо ўрнида келадиган шартли белги (масалан, гул, жонивор тасвири); **монодрама** [моно...+ драма] – 1) бир актёр учун ёзилган драматик асар; 2) ягона иштирокчи шахснинг монологи кўринишидаги пьеса; **монокль** [*фр. monocle* < моно...+ лот. *oculus* – кўз] – бир кўзга тақиладиган, кўзойнак ўрнида ишлатиладиган доира шаклли оптик (ботиқ ёки қавариқ) линза; **моноплегия** [моно...+...плегия] – бир кўл ёки бир оёқнинг ишламай қолиши, фалажланиши; **монополия** [моно...+ юн. *poleo* – сотаман] – давлат, ташкилот, тармоқ ёки фирmanınинг бирор иқтисодий ва бошқа соҳадаги танҳо ҳукмронлик ҳуқуки – бозорни ташкил этиш шакли; **моносемия** [моно...+ юн. *sema* – белги; маъно] – бирмаънолилик – сўзларнинг матнда ҳам, матндан ташқарида ҳам фақат битта маънога эга бўлиши; **монофобия** [моно...+...фобия] – ёлғиз, якка қолишдан қўрқиш.

МОРФ(О)... [юн. *morphe* – шакл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шакл, тузилиш маъноларини ифодалайди. Mac.: **морфема**, **морфозалар**, **морфометрия**, **морфоструктура**, **морфотропия**; **морфогенез** [морфо...+...генез] – организмларнинг онтогенези (индивидуал тараққиёти) ва филогенези (тарихий тараққиёти)да янги шакллар ва тузилмаларнинг ҳосил бўлиш жараёни; **морфология** [морфо...+...логия] – 1) биологияда: одам, ҳайвон ва ўсимликлар танасидаги аъзо ва тўқималарнинг индивидуал ва тарихий ривожланиши жараёнидаги шакли ҳамда тузилишини ўрганадиган фанлар мажмуи; бунда одам морфологияси, ҳайвонлар морфологияси, ўсимликлар морфологияси, тупроқ морфологияси ўзаро фарқланади; 2) грамматиканинг сўз тузилиши (таркиби)ни, сўз доирасида грамматик маъноларнинг ифодаланишини, сўз ўзгартирувчи шаклларни, шунингдек, сўзларнинг сўз туркумлари бўйича гурухланишини ўрганувчи бўлими; сўз шакллари ҳакидаги таълимот.

МОТО... [лот. *motor* – харакатга келтирувчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 1) моторга, 2) мотоциклга алоқадорлигини, шунингдек, моторлаштирилган маъно-

сини англатади. Mac.: 1) **мотодельтаплан, мотоколонна, моторесурс, моторика, мотоўкчи; мотодрезина** [мото...+ дрезина] – мотоцикл мотори билан ҳаракатта келтирилувчи дрезина; **мотоцикл** [мото...+ юн. kyklos – доира, ғилдирак] – ички ёнув двигатели билан таъминланган, икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси; 2) **мотобол, мотовелоспорт, мотороллер, мотоспорт; мотодром** [мото...+...дром] – мотоцикл спорти бўйича машғулотлар ва мусобақалар ўtkазишга мўлжалланган, ҳар томонлама жиҳозланган спорт иншооти; **моторалли** [мото...+ ингл. rally – тўпланиш, йигилиш] – маҳсус тайёрланган мотоциклларда уни бошқариш маҳорати бўйича ёки кимўзарга ўtkазиладиган мусобақа; мотопойга.

МУК(О)..., МУЦ... [лот. mucus – шиллик, шилимшиқ] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, шиллик, шилимшиқ маъноларини англатади. Mac.: **мукополисахаридлар, мукоцитлар; мукалтин** [мук...+ юн. althaia – гулхайри +...ин] – доривор гулхайри ер устки қисмининг шиллик моддалари: нафас йўли касалликларида балғам қўчирувчи дори сифатида ишлатилади; **мукоидлар** [мук(о)...+...оид] – мукопротеидлар: 1) шилликсимон моддалар; 2) таркибида карбонсув (углевод) бўлган мураккаб оқсиллар; **муцинлар** [муц...+...ин] – нафас, овқат ҳазм қилиш аъзолари, сийдик-таносил йўллари шиллик пардаларида, шунингдек, жағости, тилости сўлак безларидаги эпителиал хужайраларнинг ажратмалари (секретлари) – шилимшиқнинг асосий таркибий қисми.

МУЛЬТИ... [лот. multum – кўп, анча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, кўп қайтарилиши (карралилиги)ни билдиради. Mac.: **мультивалентлар, мультиплексор, мультипликация, мультипрограммалаш, мультициклон, мультфильм; мультивибратор** [мульти...+ лот. vibratio – тебраниш +...оп] – икки кучайтиргич лампали электр тебранишлар генератори; **мультимедия** [ингл. multimedia < мульти...+ лот. media, medium – тўпланиш маркази; восита] – ахборот узатишнинг турли хил воситалари – матн, товуш, тасвир, анимация ва бошқалар; **мультимиллионер** [фр. multimillionaire < мульти...+ миллионер] – кўп миллионли бойлик эгаси; **мультимплекс** [лот. multiplex – мураккаб, кўп каррали] – аэрофотосуратлар бўйича топографик ҳариталар яратишга мўлжалланган универсал оптик асбоб; **мультипликатор** [лот. multiplicator – кўпайтирувчи, катталаштирувчи] – 1) мультфильмларга расм ишловчи расом; 2) машина валининг айланишлар сонини кўпайтирувчи курилма; 3) насослар ва бошқа гидравлик машина ва мосламаларда суюқлик босимини оширувчи курилма; 4) фотокамеранинг кетма-кетликдаги суратлар туркумини олишга мўлжалланган мосламаси.

МУТА... [лат. mutatio – ўзгариш < mutare – ўзгартирмок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзгариш, бир турдан иккинчи турга ўтиш маъноларини англатади. Mac.: **мутантлар, мутаротация, мутация; мутагенез** [мута...+...генез] – организмда ирсий ахборотларни сақловчи ва узатувчи нуклеин кислоталар молекулаларида ги ўзгаришлар (мутациялар)нинг пайдо бўлиши; **мутагенлар** [мута...+...ген] – тирик организмларда ирсий ўзгаришлар (мутациялар) пайдо қиласидиган физик ва кимёвий омиллар.

H

...НАВТ, ...НАВТИКА [юн. nautes – (кемада) сузувчи, nautike – кемани бошқариш санъати] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг сувда сузиш, космик аппаратда учишга алокадорлигини билдиради. Mac.: **астронавтика, астронавт, аэронавтика, гидронавт, космонавт, тайконавт** (Хитойда – космонавт); **акванавт** [аква...+...навт] – океан ва денгизларнинг гавнослар туша олмайдиган чукӯрликларида гидрокостюмда ёки сувости аппаратларида турли ишларни бажарувчи мутахассис; гидронавт; **астронавт** [астро...+...навт] – космик фазога парвоз қилувчи одам (баъзи гарб мамлакатларида **космонавт** атамаси ўрнида ишлатиладиган сўз); **космонавтика** [космо...+...навтика] – инсоният манфаатлари йўлида турли хилдаги космик аппаратлардан фойдаланган ҳолда космосни ва Ердан ташқаридаги космик обьектларни ўрганадиган фан ва техника соҳалари мажмуи; астронавтика; **стратонавт** [страто...+...навт] – маҳсус аппарат – стратостратда учувчи шахс. Айрим манбаларда шу типдаги сўзлар таркибидаги **-навт** терминэлементини лотинча *navis* (кема), *nauta* (денгизчи) сўзларига нисбат берадилар.

НАЗ(О)... [лат. nasus – бурун] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бурун маъносини ифодалайди. Mac.: **назализация** [*фр. nasalization* < лат. *nasus* – бурун] – бурунланиш; нутқ товушларининг (асосан, унлиларнинг) юмшоқ танглай пасайиши ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг айни бир пайтда ҳам оғиз, ҳам бурундан чиқишидан иборат артикуляцияси; **назография** [назо...+...графия] – рентгенда буруннинг расмини олиш; **назофарингит** [назо...+...фаринг(о)...+...ит] – бурун ва ютқин шиллик қаватининг бир вақтда яллигланиши.

НАН(О)... [юн. *nannos* – пакана, митти, кичик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1) физик катталик бирликларининг миллиарддан бир улушига тенг бирликларни ифодалаш учун хизмат

қилади; **Мас.: 1 нанометр = 10⁻⁹м;** 2) жуда кичик, энг кичик, митти маъноларини билдиради. **Мас.: нанопланктон, нанорельеф; нанизм** [нано...+...изм] – миттилик, паканалик; одам бўйининг одатда ички секреция безлари заарланиши туфайли ғайримеъёрий паст бўлиши (эркаклар учун 125 см дан паст, аёллар учун 120 см дан паст); **нано-кефалия // наноцефалия** [нано...+...кефалия (цефалия)] – кичик каллалилик; калланинг одатдагидан кўра кичик бўлиши; микрокефалия; **наносомия** [нано...+ юн. soma – тана, гавда] – пакана одамнинг гавда тузилиши; **нанотехнология** [нано...+ технология] – ўлчамлари 10⁻⁹м бўлган обьектларни – атомлар, ионлар, молекулаларни ўрганиш ва уларга ишлов бериш.

НАРКО... [юн. narkosis – карахтлик; қотиб (серрайиб) қолиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзларда тиришиб қолиш, карахтланиш, наркоз, наркотик (гиёхванд) моддалар маъноларини ифодалайди. **Мас.: нарколепсия, наркоман, наркомафия, наркотизм, наркотиклар; наркобизнес** [нарко...+ бизнес] – уюшган жиноятчи гуруҳларнинг наркотиклар ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолияти; **наркоз** [фр. narcose < юн. narkosis – карахтлик] – наркотик воситаларни кўллаш орқали беморларда сунъий равища вужудга келтириладиган уйқу холати; **наркология** [нарко...+...логия] – психиатриянинг сурункали ичкилиkbозлик, наркомания, токсикоманиянинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганувчи, уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими; **наркомания** [нарко...+...мания] – наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш; табиий ёки синтетик заҳарли моддаларни вақтингча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган, организм функцияларининг жисмоний ва руҳий жиҳатдан бузилишидан иборат касаллик холати; **бангилик, гиёхвандлик.**

НАУТО... [лат. nautes – денгизчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг денгизга, шунингдек, кемаларга алокадорлигини англатади. **Мас.: наутофон** [науто...+...фон] – туманли ёки булутли об-ҳаво пайтида товушли сигналлар бериш учун маёкларга ўрнатиладиган мембранали электроакустик аппарат.

НАФТА... [юн. naphtha – нефть] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг нефтга, нефть маҳсулотлари га алоқадорлигини кўрсатади. **Мас.: нафтенатлар, нафтоллар, нафтохинонлар; нафталин** [нафта(л)...+...ин] – органик модда; варакси-мон-кристалл тузилишга эга рангсиз, ўткир ҳидли модда; инсектицид; **нафтенлар** [юн. naphtha] – алициклик қатордаги тўйинган углеводородлар гурухи – аксарияти нефтдан олинади.

НЕВР(О)... [юн. neuron – томир, нерв] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, уларнинг нервларга, нерв системасига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **неврастения, невринома, невроз, неврома, невропатия, невропатолог, невротомия; невралгия** [нерв...+...алгия] – нерв толалари бўйлаб таркаладиган кучли оғрик; **неврит** [нерв...+...ит] – периферик нервларнинг яллиғланиши; **неврология** [нерво...+...логия] – одам ва ҳайвонлар нерв системасининг нормал ва патологик ҳолатлардаги тузилиши ҳамда функциялари, унинг филогенези ва онтогенези қонуниятлари тўғрисидаги тиббий-биологик фан; **невропатология** [нерво...+ патология] – тиббиётнинг нерв системаси касалликларини, уларнинг олдини олиш ва даволаш усусларини ўрганувчи бўлими.

НЕГА(Т)... [лот. negativus – салбий, манфий < negare – рад (инкор) қилмоқ, қайтармоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, инкор, акс каби маъноларни билдиради. Mac.: **негатив** [лот. negativus – салбий, манфий] – ок-қора фотография ва кинематографияда: олинган суратнинг ок-кора ёки рангли қисмларининг асл объектга нисбатан қарама-қарши бўлган тасвири; **негативизм** [лот. negativus – салбий, манфий +...изм] – айрим руҳий касалликларнинг белгиларидан бири: атрофдаги, ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсирга қаршилик қилиш, ҳақиқий шароитни ҳисобга олмай ўжарлик қилиш.

...НЕЗ [юн. nes – орол] – ўзлашма, тилимизда кўлланадиган ўзга жой (мамлакат ва худудлар) номларининг иккинчи таркибий қисми бўлиб, орол, оролда жойлашган маъноларини ифодалайди. Mac.: **Индонезия, Меланезия, Микронезия, Полинезия.**

НЕЙР(О)... [юн. neuron – томир, нерв] – изоҳи *айн. невр(о)...* Mac.: **нейродермит, нейролептиклар, нейроплазма, нейропсихология, нейросекреция, нейроцит; нейроанатомия** [нейро...+ анатомия] – анатомиянинг нерв системасининг шакли ва тузилишини ўрганувчи бўлими; **нейрогинекология** [нейро...+ гинекология] – тиббиётнинг аёллар жинсий аъзолари касалликлари ва нерв системаси ўртасидағи алоқадорликни ўрганувчи бўлими; **нейролингвистика** [нейро...+ лингвистика] – марказий нерв системасида нутқий бирликларни юзага келтириш ва ўзаро фарқлай билиш билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи фан тармоғи; **нейрофибриллалар** [нейро...+ лот. fibrilla – толача, ингичка тола] – нерв ҳужайраси танаси ва унинг ўсимталарида нерв системаси бўйлаб импульслар ўtkазишда иштирок этувчи ингичка толалар; **нейрохирургия** [нейро...+ хирургия] – нейрожарроҳлик; тиббиётнинг оператив йўллар билан даволанадиган периферик ва марказий нерв системаси касалликларини ўрганувчи соҳаси.

НЕЙТР(О)... [лат. neuter – ўртадаги, у ҳам, бу ҳам эмас] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бетараф, унга ҳам, бунга ҳам тегишли бўлмаган маъноларини англатади. Mac.: **нейтрализация, нейтрон, нейтропения, нейтрофиллар; нейтрал** [лат. neutralis – на унга, на бунга тегишли] – 1) курашаётган томонларнинг биронтасига ҳам қўшилмайдиган, чеккада турувчи, нейтралитетни сақловчи; 2) кимёда: на кислотали, на ишқорий реакцияга киришадиган; **нейтрализм** [фр. neutralisme < лат. neutralis + ...изм] – муайян давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатларда нейтралитет (бетарафлик) тамойилига асосланган сиёсати; **нейтралитет** [нем. Neutralität – бетарафлик < нейтрал + ...итет] – 1) бошқаларнинг жанжалларига, икки томоннинг курашига қўшилмаслик; 2) халқаро ҳукуқда: урушда қатнашмаслик; тинчлик даврида: ҳарбий блокларда иштирок этмаслик.

НЕКРО... [юн. nekros – ўлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўлик, ўлиш маъноларини англатади. Mac.: **nekремия, некробионика, некроген, некромания, некрометр, некротомия, некрофаглар, некрофилия, некрэктомия; некробиоз** [некро...+ ...биоз] – хужайра ва тўқималарда улар нобуд бўлишидан олдин кўпроқ ёки камроқ давом этадиган ўзгаришлар жараёни; **некроз** [юн. nekros – ўлик, ўлган] – тирик организмда қайсиидир аъзонинг, унинг тўқима ва хужайраларининг ўлиши, ҳалок бўлиши; **некролог** [некро...+ ...лог] – бирор кишининг ўлими ҳақида, мархумнинг кимлиги, ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берилган мақола ёки кичик хабар; **некрополь** [некро...+ юн. polis – шаҳар = ўликлар шаҳри] – қадимги Шарқда қабристон номи; **некрофобия** [некро...+ ...фобия] – ўликдан, мурдадан кўркиш.

НЕМА(Т)... [юн. nemata (nematos) – ип] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзлар таркибида ип, ипга, ипкалавага ўхшаш маъноларини англатади. Mac.: **нематобласт, нематодоз, нематофитон; нематицидлар** [немат(и)...+...цид] – думалоқ чувалчангларни (нематодаларни) ўлдирувчи, йўқ қилувчи кимёвий моддалар; **нематодалар** [немат(о)...+...оид] – думалоқ чувалчанглар – тана шакли ипсимон ёки урчуқсимон бўлган, сувда ва тупроқда яшовчи, тирик организмларда паразитлик қилувчи ва турли касаллилар келтириб чиқарувчи чувалчанглар синфи; **нематоцитлар** [немато...+...цит] – бўшлиқчли ҳайвонлар сиртқи эпителийисидаги ҳимоя ва хужум учун хизмат қилувчи ҳужайралар.

НЕО... [юн. neos – янги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисм англатган нарса, ҳодисанинг янгилигини, янгидан яратилганлигини ёки бир қадар ўзгарганлигини билдиради. Mac.: **неодарвинизм, неоколониализм, неоплазма, неореализм, нео-**

фашизм, неофилия, неофобия; неоантроплар [нео...+...антроп] – янги одамлар – антропологияда қўлланувчи ва қазилма (кроманьонлар) ҳамда ҳозир яшаётган, ҳозирги кўринишдаги одамларни билдирувчи термин; **неолит** [нео...+...лит] – Ер тарихида тош даврининг сўнгти боскичи: дехқончилик, чорвачилик, ишлабчиқаришга ўтиш; ўтроқлашиш билан характерланади; **неологизмлар** [нео...+ лог(о)...+ ...изм] – янги нарсаларни, янги тушунчаларни ифодалаш (номлаш) учун яратилган ёки бошқа тиллардан ўзлаштирилган янги сўз ва иборалар; **неонаталогия** [нео...+ лот. natalis – туғилишга оид +...логия] – педиатрияning чақалоқлар физиологияси билан шуғулланадиган бўлими.

НЕФО..., НЕФЕЛО... [юн. nephos, nephelē – булат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг булатга алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **нефелин, нефелометрия; нефанализ** [неф(о)...+ анализ] – Ернинг метеорологик сунъий йўлдошларидан олинган маълумотлар асосида тузилган, булат қатлами (булатлилик)-нинг таксимланиш хариталарини ўрганиш, таҳлил қилиш; **нефелометр** [нефело...+...метр] – эриган моддалар концентрациясини аниқлаш ҳамда туман зичлигини ўлчаш учун мўлжалланган оптик асбоб; **нефоскоп** [нефо...+...скоп] – булатнинг ҳаракат тезлиги ва йўналишини аниклайдиган асбоб.

НЕФР(О)... [юн. nephros – буйрак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, буйрак маъносини англатади. Mac.: **нефралгия, нефроз, нефролитиаз, нефрома, нефромегалия, нефроптоз, нефротомия; нефрит** [нефр...+...ит] – буйракнинг ўткир ёки сурункали яллиғланиши; **нефрология** [нефро...+...логия] – тиббиётнинг буйрак тузилиши ва фаолияти, касалликларини ўрганувчи, шунингдек, уларни даволаш ва олдини олиш усусларини ишлаб чикувчи бўлими; **нефропатия** [нефро...+...патия] – буйракнинг турли морфологик ва функционал касалликларини англатувчи умумий тушунча (термин); **нефроскопия** [нефро...+...скопия] – буйрак жоми ва косачаларини маҳсус асбоб – нефроскоп ёрдамида текшириш.

НИВ... [лот. nīv – қор] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, шу сўзларнинг қорга алокадорлигини билдиради. Mac.: **нивал** [лот. nivalis – қорли, қорга оид; совуқ]: **нивал иқлим** – қор кўп ёғадиган, лекин эриб ва буғланиб улгурмайдиган иқлим; **нивал минтақа** – мангу қорлар минтақаси; тоғларнинг энг юқори, баланд минтақаси.

НИГИЛ... [лот. nihil – ҳеч нарса, ҳеч нима] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, инкор қилиш, тан олмаслик маъноларини билдиради. Mac.: **нигилист; нигилизм** [нигил...+...изм] – барча томонидан эътироф этилган мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш.

НИГР... [лот. niger – қора] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, қора ранг, қора рангдаги каби маъноларни англатади. Mac.: **нигрозин** [нигро(з)...+...ин] – пластмасса, газламалар, чарм, мўйналарни бўяш ҳамда сиёҳ тайёрлаш учун ишлатиладиган қора бўёқ; **нигрол** [нигр(о)...+...ол] – тиндирилган ва фильтрланган ёғли гудрон; механизмларни мойлаш учун ишлатиладиган модда; **нигроспороз** [нигро...+ юн. sporоз – уруғ...+...оз] – маккажӯхори сўтаси ва гўза кўсагининг заарланган қисмларида қора дөғлар (нукталар) ҳосил бўлишидан иборат касаллик.

НИКТ(О)... [юн. пух (pyktos) – тун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг қоронгиликка ёки тунга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **никталопия, никтофилия, никтофония; никталгия** [никт...+...алгия] – тунги оғриқ; факат тунда ухлаб ётганда пайдо бўладиган оғриқ; **никтинастиялар** [никто...+ юн. nastos – зич, тифиз; қалинлашган] – ўсимликларнинг барглари ва бошқа аъзоларининг кеча ва кундуз алмашинувига, шунингдек, ҳарорат ва ёруғлик ўзгаришига нисбатан реакцияси (кундузи гулларнинг очилиши ва тунда ёпилиши ёки аксинча); **никтофобия** [никто...+...фобия] – қоронгиликдан кўрқишдан иборат руҳий ҳолат; **никтурия** [никт...+...урия] – тунда сийдик ажралишининг кўпайиши ёки сийиб қўйиш билан характерланаидиган патологик ҳолат.

НИТР(О)... [юн. nitron – табиий сода, селитра] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг азотга, азот кислотасига ва азотли бирикмаларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **нитробензол, нитроглицерин, нитрогуруҳ; нитратлар** [нитр...+...ат] – нитрат (азот) кислота тузлари; **нитридлар** [нитр...+...ид] – азотнинг бошқа, юқори электрмусбат элементлар билан бирикмалари – қийин эрийдиган, юқори ҳароратларда барқарор моддалар; **нитрофиллар** [нитро...+...фил] – нитратларга ўта бой тупроқларда ўсувчи ва ҳосил берувчи ўсимликлар; **нитрофоска** [нитро...+ фос(фор) + ка(лий)] – уч қисмли (азот, фосфор ва калийли), турли қишлоқ хўжалиги экинлари экиласидиган ҳар хил тупроқларга мос келадиган ўғит.

НОЗО... [юн. nosos – касаллик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, касаллик маъносини ифодалаш учун хизмат қиласиди: Mac.: **нозогеография, нозофилия, нозофобия; нозоареал** [нозо...+ лот. arealis – маконий < area – майдон, макон] – муайян касалликнинг ёки бир гуруҳ касалликларнинг тарқалиш худуди; **нозография** [нозо...+...графия] – касалликларни ёзib бориши, тавсифлаш, қайд қилиш; **нозология** [нозо...+...логия] – патологиянинг бир қисми бўлиб, баъзи бир касалликларни ўз моҳияти, кечиш хусусиятларини тавсифлаган ҳолда ўрганади ҳамда уларни ўзаро яқин белгилари бўйича таснифлайди.

НОК... [ингл. knock – зарба] – инглиз тилидан ўзлашган сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, зарба маъносини англатади. Mac.: нокаут [нок...+ ингл. out – четлатиш] – рақибининг берган зарбаси туфайли боксчининг 10 сониядан ортикроқ бош айланиш, гарангсираш, бальзан хушини йўқотиш ҳолати; **нокдаун** [нок...+ ингл. down – қулатиш] – бокса: рақибининг кучли зарбасидан боксчининг гарангсиб, ўз ҳаракатларини бошқара олмай қолиши ва 10 сониягача бўлган муддатда жангни давом эттиришга қодир эмаслиги.

НОКТ... [лот. nox (noctis) – тун, кечаси] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тун, кечаси каби маъноларни билдиради. Mac.: **ноктамбулизм** [нокт...+ лот. ambulare – сайр қилмоқ +...изм] – тунги бесаранжомлик, тунда ҳам худди қундузгидек харакатлар қилиш (кўпинча руҳий касалликларда); лунатизм, сомнамбулизм; **ноктюрен** [фр. nocturne – тунги < лот. nocturnus – тунги] – XVIII – XIX асрларда: кўп қисмли чолғу мусиқа асари; одатда, тунги (коронғи тушган) пайтларда очик ҳавода ижро этилган; кейинчалик: унча катта бўлмаган лирик характердаги мусиқий пьеса.

...НОМ [юн. nomos – қонун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, илм-фан, ҳолат, жараёнга алоқадор шахс отларини ҳосил қиласди. Mac.: **агроном, астроном; автоном** [авто...+...ном] – ўзини ўзи бошқарувчи, автономияга эга бўлган (масалан, *автоном республика*); **гастроном** [гастро...+...ном] – 1) танқис, нозик овқатлар ишқибози ва билимдони; 2) озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган катта магазин. Ушбу терминэлемент айрим асбоб номларини ҳосил қилишда ҳам иштирок этади: **метроном**.

НОМИН... [лот. nomen, nominis – исм, ном] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, шу сўзларнинг исм, ном, исм бериш, номлаш маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **номинал** (иш хақи), **номинализм, номинатив; номенклатура** [лот. nomenclature – исмлар рўйхати] – 1) фан, техника, санъат ва бошқа соҳаларда кўлланувчи номлар (атамалар), терминлар мажмуи ёки рўйхати; 2) бирор лавозимга тайинланиши ёки тасдиқланиши қайсиdir юкори ташкилот ваколатида бўлган шахслар давраси; **номинал** [лот. nominal – номга, исмга оид] – 1) қимматбаҳо қоғозларда белгиланган, уларнинг устига ёзиб қўйилган киймат (нарх, баҳо); 2) **номинал баҳо** – товарнинг прейскурантда ёки товарнинг ўзида кўрсатилган баҳоси; **номинация** [лот. nominatio – номлаш, аташ; номзод кўрсатиш] – 1) тилшуносликда: номлаш хусусиятига эга бўлган тил бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, фразеологизм ва гап)ни ҳосил қилиш ва шу жараённинг натижаси; 2) муайян ижодкорлик, иш-фаолият соҳаси бўйича бўладиган мусобака-танловларга номзодлар кўрсатиш ва ғолибни аниқлаш жараёни.

...НОМИЯ [юн. *nomos* – қонун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билан бирга муайян фани, қарашлар (ёки қоидалар) тизимини англатади. Mac.: **агрономия, астрономия, гетерономия, параномия; автономия** [авто...+...номия] – конституциявий ҳукуқда: бирон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларда давлат ҳокимиётини мустақил амалга ошириш ҳукуки; **гастрономия** [гастро...+...номия] – 1) ошпазлик санъати нозикликларини тушуниш, ҳис этиш; 2) юқори сифатли тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало, газак таомлар мажмуи; **таксономия** [таксо...+...номия] – бутун борлиқнинг мураккаб, одатда, иерархик тузилмали соҳаларини (жонли табиат, Ернинг тузилиши, география, геология, тишлинослик, этнография ва шу кабиларнинг объектларини) таснифлаш ва тартибга солиш назарияси, шу ҳақдаги фан.

НОМО... [юн. *nomos* – қонун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, қонун, қонуний, қонуният; тартиб маъноларини билдиради. Mac.: **номогенез** [номо...+...генез] – тирик табиатнинг тарихий ривожланиши муайян ички қонуниятлар асосида амалга ошади деб ҳисобловчи эволюцион концепция; **номограмма** [номо...+...грамма] – турли микдорлар орасидаги функционал боғлиқликни ифодалайдиган чизма; **номография** [номо...+...графия] – математиканинг алоҳида чизмалар – номограммалар тузиш назарияси ва усулларини ўрганувчи соҳаси.

НОН(А)... [лот. *pona, nonus* – тўққизинчи < *novem* – тўққиз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, тўққиз(та) маъносини билдиради. Mac.: **нонан** (кимёвий бирикма); **нона** [лот. *pona* – тўққизинчи] – 1) диатоник гамма (асосий товушқатор)нинг 9-поғонаси; товушқаторнинг 9 та кенглиги оралиғи; 2) тўққиз сатрли (қаторли) туроқ; **нонет** [итал. *nonetto* – < нон...+...етто] – 1) тўққиз чолғу асбоби ёки тўққиз овоз учун ёзилган мусиқий асар; 2) тўққиз ижрочи (созандадан хонанда)дан иборат ансамбль.

НОО... [юн. *poos* – ақл-идрок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ақл-идрок маъносини ифодалайди. Mac.: **ноология; ноопсихика** [ноо...+ психика] – ақл-идрок доирасидаги вазифаларни белгилайдиган термин; **ноосфера** [ноо...+...сфера] – биосферанинг инсон ақл-идроки ҳукмронлик қиласидаган, унинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлган янги эволюцион ҳолати.

НОСТ(О)... [лот. *nostos* – (уйга, ватанга) қайтиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ўз уйини, ватанини соғиниш, кўмсаш маъноларини ифодалайди. Mac.: **носталгия** [ност...+...алгия] – ватан соғинчи, ватанинни кўмсаш; ўтмиш воқеа-ҳодисаларини

соғиниш, шундан келиб чиқадиган қайғу ҳолати; **ностомания** [нос-то...+...мания] – мияга ўрнашиб қолган кучли ёки ғайриихтиёрий ҳолда ватанга қайтиш истаги.

НУКЛЕ... [*лот. nucleus* – ядро; ёнғоқ мағизи] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ядрога, мағизга алоқа-дорлигини билдиради. Mac.: **нуклеазалар, нуклеин** (кислоталар), **нуклиидлар; нуклеоид** [нукле...+...оид] – бактерияларнинг функционал жиҳатдан хужайра ядросига ўхшайдиган ядроли моддаси; **нуклеола** [нукле...+...ола] – хужайра ядроси ичидаги жойлашган ядроча; ядро таначаси; **нуклонлар** [*лот. nucleus* – ядро] – атом ядроларини ташкил киласидиган зарралар – протон ва нейтронларнинг умумий номи.

НЬЮ... [*ингл. new* – янги] – инглиз тилидан ўзлашган қўшма топонимларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, янги деган маънони билдиради. Mac.: **Нью-Дели, Нью-Жерси, Нью-Мексико; Нью-Йорк** [New York] – АҚШнинг энг катта саноат, молия, савдо-транспорт ҳамда сиёсий ва маданий маркази; **Нью-Хэмпшир** [New Hampshire] – Англиядаги график номи.

O

ОБЕР... [*нем. obeg* – бош, юқори, катта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, лавозим ёки бирор сифатнинг юқорилигини, катталигини кўрсатади. Mac.: **обер-кондуктор, обер-офицер, обер-прокурор; обертон** [обер...+...тон] – 1) техникада: асосий тонга нисбатан анча юқори частотали мураккаб тебранишлардан ташкил топган тон; 2) мусиқада: асосий товуш билан бирга пайдо бўладиган ва унга бошқача тус берадиган товуш.

ОВ(О)... [*лот. ovum* – тухум] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тухум, тухумсимон, тухумга ўхшаш маъноларини билдиради. Mac.: **овал** [*фр. oval* < *лот. ovum* – тухум] – тухумсимон чизма; ясси, қавариқ ёпиқ эгри чизик (айлана, эллипс кабилар); **овоскоп** [ово...+...скоп] – электрлампалар билан ёритиб, тухумнинг сифатини аниқлайдиган асбоб.

...ОД [< *электрод* (электр + *юн. hodos* – йўл = электрўтқазгич) сўзининг қисқартмаси] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, электрон лампалардаги электродлар деган маънога ишора қилувчи аффикс (ясовчи қўшимча). Mac.: **гексод, гептод, диод, тетрод, триод; анод; пентод** [пент...+...од] – беш электродли, яъни катод, анод ва 3 та тўрли электрон лампа; **катод** [*юн. kathodos* – пастга кетган йўл, нишаблик] – 1) доимий электр токи манбайнинг манфий

қутби; 2) электр токининг манфий қутбли манбаи билан бириткирилган асбоб электроди.

ОДО... [юн. hodos – йўл] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, йўл маъносини ифодалайди. Mac.: **одограф** [одо...+...граф] – кема босиб ўтадиган йўлни харитада автоматик тарзда чизиб берувчи электронавигацион асбоб; **одометр** [одо...+...метр] – отлик экипаж йўлда юрганда, унинг ғилдираклари айланишини ҳисобловчи асбоб.

ОДОНТ(О)... [юн. odus (odontos) – тиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тишга, тиш касалликлари га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **одонтография, одонтолог, одонтома, одонторрагия, одонтотерапия; одонталгия** [одонт...+...алгия] – тишлардаги оғриқ; **одонтит** [одонт...+...ит] – тишнинг яллигланиши; **одонтолит** [одонто...+...лит] – 1) тиш тоши; 2) кирилиб кетган ҳайвонларнинг яшил аморф модда (кальций гидрофосфат ва алюминий-мис аралашмаси) билан алмашинган скелет суюклари, тишлари; **одонтология** [одонто...+...логия] – тибиётнинг стоматология бўлими; тиш касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги таълимот; **одонтоскоп** [одонто...+...скоп] – тишларни текшириш учун ишлатиладиган ойна.

ОДОР... [лом. odor – ҳид, ис, бўй] – ўзлашма ясама сўзлар таркибида келиб, ҳид, ис, ҳидли каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **одорант** [одор...+...ант] – газ ёки ҳавога ўзига хос ҳид бериш учун қўшиладиган олтингугуртли модда; **одоризация** [одор...+...изация] – бирор нарсага муайян ҳид бериш, уни ўзига хос ҳидли қилиш.

ОЗ... [юн. ozo – ҳид] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ҳид, ҳид таратмоқ маъноларини ифодалайди. Mac.: **озокерит** [ингл. ozokerite < озо...+ юн. keros – мум +...ит] – тоф муми – нефтдан олинадиган сарик, яшил ёки кўнғир рангли табиий битум; **озон** [юн. ozon – ҳидли, ҳид таратувчи] – кўк рангли ўткир ҳидли газ; кучли оксидловчи.

...ОЗ [юн. -(o)sis (-озис) > -ose – маҳсус қўшимча] – тибиёт ва биологияга оид ўзлашма ясама сўзларда: шу сўзлар асосидаги маъно билан боғлиқ турли хил касалликлар ва аномалиялар номларини ҳосил қилишга маҳсуслашган қўшимча. Mac.: **акароз, алкалоз, арахноз, аскаридоз, дерматоз, ихтиоз, лейкоз, психоз, склероз; антракоз** [юн. anthrax (anthrakos) – кўмир +...оз] – тошкўмир чангни билан мунтазам нафас олиш натижасида ривожланадиган касбий ўпка касаллиги; **артроз** [артр(о)...+...оз] – бўғимларнинг сурункали дегенератив-дистрофик касаллиги; **невроз** [невр(о)...+...оз] – узоқ давом этган ва руҳиятга таъсир этувчи омиллар натижасида нерв системаси фаолиятининг бузилишидан келиб чикадиган асабий-рухий касалликлар гурухи; **неф-**

рөз [нефр(о)...+...оз] – буйрак найчалари эпителийсининг дистрофияси ва ўлиши билан ўтадиган касаллик; **токсикоз** [токсик(о)...+...оз] – организмга ташқи мухитдан тушган ёки унинг ўзида ҳосил бўлган заҳарли моддалар таъсири натижасида келиб чиқадиган касаллик (захарланиш) ҳолати.

...**ОЗА** [ингл. -ose – ясовчи қўшимча] – кимё ва биологияга оид ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи таркибий қисми (ясовчи қўшимча) бўлиб, шу сўзларнинг қандлар, карбонсувлар (углеводлар) синфига мансублигини кўрсатади. Мас.: **амилоза, галактоза, гексоза, глюкоза, лактоза, левулоза, пентоза, рибоза, сахароза, фруктоза, целлюлоза**.

...**ОИД** [юн. eidos – кўриниш, ўхшаш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми (ясовчи қўшимча) бўлиб, шу сўзларнинг ўзак қисмидан англашилган маънога ўхшашликни ифодалайди. Мас.: **алкалоидлар, гаплоид, диплоид, катеноид, коллоидлар, лантаноидлар, металлоидлар, поляроид, эллипсоид; антропоидлар** [антроп(о)...+...оид] – одамсимон маймунлар; **астероидлар** [астеро...+...оид] – кичик сайдералар; Кўёш системасининг Марс ва Юпитер орбиталари ўрталиғида айланадиган кичик осмон жисмлари; **бактероид** [бактер(ио)...+...оид] – спора ҳосил қилмайдиган, одамнинг оғиз бўшлиғида, ичакларида, жинсий аъзоларида бўладиган қўзғалмас анаэроб бактериялар; **зеброидлар** [зебра +...оид] – от ёки эшакнинг зебра билан дурагайи; **сфероид** [сфер(о)...+...оид] – сферага ўхшаш, сиртлари чегараланган ҳар қандай жисм.

ОКС(И)..., ОКСО... [лот. oxygenium – кислород < юн. oxys – нордон, аччик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, биримма ва аралашмаларда кислороднинг мавжудлигини, кислотали мухит билан боғлиқликни англатади. Мас.: **оксигеназалар, оксигенотерапия, оксидиметрия, оксикамфора, оксикислоталар, оксиметр, оксифилия, оккосинтез; оксибионтлар** [окси...+...бионт] – факат эркин молекуляр кислород мавжуд бўлган мухитда яшай оладиган организмлар; **оксигемоглобин** [окси...+ гемоглобин] – молекуляр гемоглобиннинг кислород билан бирикмаси; **оксигемометр** [окси...+ гемо...+...метр] – коннинг кислородга тўйинганлик даражасини аниқлайдиган асбоб; **оксиген(иум)** [лот. Oxygenium – кислота ҳосил қилувчи < окси...+...ген] – кислороднинг лотинча номи – кимёвий формуулаларни ўқища фойдаланилади; **оксидлар** [окс(и)...+...ид] – кимёвий элементларнинг кислород билан бирикмалари; **оксиликовит** [окси...+ лот. liquidus – суюқ +...ит] – суюқ кислород билан тўйинтирилган, майдаланган, ғовак, ёнувчи материаллардан иборат портловчи модда.

ОКТ(А)... [юн. okto – саккиз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг 8 сонига алоқадорлигини англатади.

Мас.: октава, октан, октант, октябрь; октаподлар [окта...+...под] – саккизоёқлар, спрутлар; бош қисмидә саккизта пайпаслагиши бўлган бошоёқли йиртқич денгиз моллюскалари туркуми; **октаэдр [окта...+...эрд]** – математикада: саккизта учбурчак билан чегараланган жисм, саккизёқлик; **октет [итал. ottetto < юн. okto – саккиз]** – 1) саккизта созанда (ёки хонанда)дан иборат ансамбль; 2) саккизта созанда, баъзан саккизта хонанда учун ёзилган мусиқа асари.

ОКУЛ... [*лот. oculus* – кўз] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кўз маъносини ифодалайди. **Мас.: окулист, окулометроскоп; окуляр [лот. ocularis** – кўзга оид] – оптик асбобларда (узоқликкўлчагич, дурбин, телескоп, микроскоп) кўзга энг яқин келтириладиган, объективдан олинган тасвирни катталаштириб кўрсатадиган линза ёки линзалар системаси; **окуляр-микрометр** – микроскопик объектларни ўлчаш учун кўлланадиган, шишадан ясалган асбоб.

...ОЛ [-ol < лот. oleum (ёф, мой) сўзининг қисқа шакли] – ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ёф, мой маъноларини билдиради ва, асосан, кимё ва фармацевтикамага оид терминларни ҳосил қиласди. **Мас.: бензол, бутанол, валидол, гликол, ихтиол, ментол, метанол, токоферол, толуол, фенол, этанол.**

...ОЛА [фр. -ole < лот. -ola – ясовчи қўшимча] – ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, биринчи қисм (сўз)дан кичрайтма отлар ҳосил қиласди. **Мас.: ареола, артериола, бронхиола, вакуола, нуклеола, розеола, рубреола.**

ОЛЕ(О)... [лот. oleum – мой, ёф] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўсимлик ёғи ёки минерал ёғлар билан алоқадорлигини англатади. **Мас.: олеин, олеома, олеоторакс; олеоартрит [олео...+ артрит]** – тирсак бўғимининг ёф тўқималари орқали яллигланиши; **олеография [олео...+...графия]** – литографиянинг кўп бўёқли усули, шу усул билан нашр қилинган репродукция; **олефинлар [фр. olefant – мой ҳосил қилувчи < олео...+...фиксация]** – тўйинмаган углеводородларнинг гомологик қатори.

ОЛИГ(О)... [юн. oligos – оз, озгина, кам миқдорда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, миқдорнинг озлигини, бирор нарсанинг камлигини англатади. **Мас.: олигодактилия, олигодентия, олигокинезия, олигоклаз, олигомерлар, олигополия, олигопсония, олигоспермия, олигофазия, олигохолия; олигархия [юн. oligarchia – озчилик ҳокимияти < олиг(о)...+...архия]** – давлат бошқарувининг, сиёсий ва иқтисодий хукмронликнинг аристократлар ва бойларнинг кичик груухи томонидан амалга ошириладиган шакли; **олигемия [олиг(о)...+...емия]** – организмда айланиб юрадиган умумий қон миқдорининг камайиши; **олиготрофлар [олиго...+...троф]** – дашт ва чала

саҳро жойларда, тўйимли моддалар кам бўлган тупроқда ҳам ўса оладиган ўсимликлар; **олигофрения** [олиго...+ юн. phren – ақл] – туғма ёки гўдаклик даврида орттирилган ақлий норасолик (руҳий фаолиятнинг ривожланмаганлиги); **олигурия** [олиг(о)...+...урія] – буйраклар ажратадиган сийдикнинг камайиши.

...**ОМА** [юн. -ома – ўсма, шиш; йирингли яра] – ўзлашма ясама тиббий терминларнинг охирги қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўздан англашилган тана аъзосининг ўсмаси маъносини билдирувчи қўшимча ҳисобланади. Mac.: **гематома, карцинома, лейкома, липома, неврома, нефрома, остеома, саркома, склерома, фиброма; аденона** [аден(о)...+...ома] – турли без тўқималарида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма; **ангиома** [анги(о)...+...ома] – қон ва лимфа томирларида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма; **гепатома** [гепат(о)...+...ома] – жигарнинг жигар хужайраларидан ривожланадиган бирламчи раки, хавфли ўсма.

ОМБР(О) [юн. ombros – ёмғир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёмғирга алоқадорлигини англатади. Mac.: **омброметр, омброфиллар; омброфитлар** [омбро...+ ...фит] – фақат атмосфера ёғинлари намидан фойдаланувчи ўсимликлар; **омброфоблар** [омбро...+...фоб] – 1) курғокчил ерларда ўсадиган, сурункали ёмғирларга ва ёмғирнинг механик таъсирига чидамайдиган ўсимликлар; 2) сояни ёқтирамайдиган, қўёшсевар ўсимликлар.

ОМО... [юн. homos – тенг, бир хил; ўхаш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисмдан англашилган тушунчанинг бир хил, ўхаш, тенг бўлишини билдиради. Mac.: **омографлар, омонимия, омоформа; омонимлар** [омо...+...оним] – умумий маънога эга бўлмаган, тасаввурий боғланмаган, лекин бир хил ёзилиб, бир хил айтиладиган сўзлар; **омофонлар** [омо...+...фон] – бир хил талаффуз қилинадиган, лекин ёзилишида фарқ қиласидиган сўзлар.

ОМФАЛ(О)... [юн. omphalos – киндик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, киндик маъносини билдиради. Mac.: **омфалоррагия, омфалотаксис, омфалэктомия; омфалит** [омфал...+...ит] – киндикнинг яллиғланиши; **омфалотомия** [омфало...+...томия] – киндикни, киндик тизимчасини кесиши.

ОНЕЙР(О)... [юн. oneiros – туш кўриш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, уйку, туш кўриш маъноларини англатади. Mac.: **онейроид** [онейр(о)...+...оид] – онгнинг уйкусимон қоронгилашиши; атроф-мухитни нотўғри идрок этиш ва очик-ойдин фантастик ўйлар гирдобида кечадиган ажиб, ширин хаёллар ва воқеаларга бой ҳолат.

...**ОНИМ** [юн. opuma – ном, исм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзлар билан ном, исмларга алоқа-

дор тил ҳодисаларини англатади. Mac.: аллоним, аноним, антоним, антропоним, гидроним, дромоним, космоним, омоним, ороним, псевдоним, синоним, топоним.

ОНИХО... [юн. onyx (onychos) – тирноқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тирноқ ва тирноқ касалликлари маъноларини билдиради. Mac.: **онихия**, **онихоз**, **онихолиз**; **онихомикоз** [онихо...+...микоз] – турли замбуруғ касалликларида тирноқларнинг зараланиши; **онихоптоз** [онихо...+...птоз] – тирноқларнинг тушиб кетиши; **онихофагия** [онихо...+...фагия] – ўз тирноқларини ғажищ, тишлашга одатланиш.

ОНКО... [юн. onkos – шиш, ўсма, ўсиқ, гудда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг шиш, ўсмага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **онкоген**, **онкограф**, **онколитлар**, **онколог**, **онкотерапия**; **онкогенетика** [онко...+ генетика] – онкологиянинг ўスマлар вужудга келиши ва ривожланишида ирсий омиллар аҳамиятини ўрганадиган соҳаси; **онколиз** [онко...+...лиз] – ўсма хужайраларининг емирилиши; **онкология** [онко...+...логия] – тиббий-биологик фан; одам, ҳайвон ва ўсимликларда онкогенезни назарий, экспериментал ва клиник жиҳатдан ўрганади, шунингдек, ўスマларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, даволаш ҳамда олдини олиш усуулларини ишлаб чиқади.

ОНОМА(ТО)... [юн. onoma – ном, исм] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ном, исмга алоқадорлигини ифодалайди. Mac.: **ономасиология**, **ономатопея**, **ономатопоэтика**; **ономастика** [юн. onomastike – номлаш, ном қўйиш санъати] – 1) тил-шунуносликнинг ҳар қандай атоқли номларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи соҳаси; 2) муайян тилда мавжуд бўлган барча атоқли номлар мажмуи; **ономатология** [ономато...+...логия] – тишишнуносликнинг атоқли отларни ўрганувчи бўлими.

ОНТО... [юн. ontos – борлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг борликка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **онтогенез**, **онтогенетика**; **онтология** [онто...+...логия] – фалсафанинг борлик, унинг тамойиллари, асослари, тузилиши ва қонуниятлари ҳақидаги бўлими.

ОО... [юн. oon – тухум] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг тухумга, тухумхужайрага алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **оогамия**, **оолемма**, **оолитлар**, **ооплазма**; **оогенез** [оо...+...генез] – тухумхужайраларнинг тухумдонда вужудга келиши ва ривожланиши; **оогоний** [оо...+ юн. gonos – туғилиш] – эмбрион ривожланишининг илк босқичида ҳосил бўлувчи аёллар жинсий хужайраси; **ооцитлар** [оо...+...цит] – ҳайвон ва одам тухумдонида ривожланган ва вояга етган тухумхужайра.

...ОПИЯ, ...ОПСИЯ [юн. ops (opos) – кўз, кўриш, қараш, нигоҳ] – ўзлашма қўшма терминларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, кўриш билан боғлиқ нуқсонларни, касалликларни билдиради. Mac.: **гемианопсия, гиперметропия, дейтеранопсия, ксантопсия, миопия, палинопсия, пресбиопия, протанопия, тейхопсия, трианопия, циклопсия, эмметропия, эритропсия; астенопия** [юн. asthenes – кучсиз, заиф + ...опсия] – кўришнинг заифлиги ва кўзнинг тезда чарчаб қолиши; **гемералопсия** [юн. hemera – кун, кундуз + alaos – кўр, сўқир + ...опсия] – кундузги кўриш; шабкўрлик – қўёш ботганидан кейин, оқшом пайтлари кўзнинг яхши кўра олмаслиги; **гемианопсия** [геми...+ ан...+ ...опсия] – ҳар бир кўзда кўриш майдони ярмининг йўқолиб қолишидан келиб чиқадиган яримкўрлик, чалаккўрлик (мияга қон қуйилиши, травмалар ва ўсмаларда); **гемиопсия** [геми...+...опсия] – чалаккўрлик, яримкўрлик; **гетеропсия** [гетер(о)...+...опсия] – одамда ҳар икки кўзнинг кўриш ўткирлигидаги фарқ; **зоопсия** [зоо...+...опсия] – одам кўз ўнгига ҳайвонлар образи пайдо бўлиши билан боғлиқ кўриш галлюцинацияси; **макропсия** [макр(о)...+...опсия] – кўриш нуқсони – буюмларнинг кўзга ўз ҳажмидан бир неча марта катта бўлиб кўриниши; **микропсия** [микр(о)...+...опсия] – нарсаларнинг аслига нисбатан кичрайиб, кичкина бўлиб кўриниши; **никталопсия** [юн. pyktales – кеча, оқшомга оид + ...опсия] – ғира-шира ёруғлиқда ёки кечаси атрофдаги нарсаларни ажратса олмаслик; **полиопсия** [поли...+...опсия] – бир объект иккита ёки бир нечта бўлиб кўринишидан иборат кўриш нуқсони.

ОПТ... [лат. optare – танламоқ, хоҳламоқ; истамоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, танлаш; хоҳиш, истак маъноларини ифодалайди. Mac.: **опцион, опция; оптант** [опт...+...ант] – фуқароликни танлаб олиш (оптация) хукуқига эга бўлган шахс; **оптация** [лат. optatio – хоҳлаш; танлаш < опт...+...ация] – икки мамлакат фуқаролигидан бирини танлаш, кўпинча бу ҳол мамлакатнинг чегараси, ҳудуди ўзгарганда ёки мамлакат икки мустакил давлатга бўлинганда рўй беради.

ОПТ..., ОПС... [юн. ops, opsis, optilos – кўз] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўз, кўриш ва нур, ёруғлик билан боғлиқлигини кўрсатади. Mac.: **оптикометрист, оптотиплар, оптоэлектроника, оптрон; опсин** [опс...+ ...ин] – кўриш пигменти таркибига киравчи оқсил; **оптика** [юн. optike – кўриш ҳақидаги фан] – 1) физиканинг ёруғлик табиатини, ёруғлик ҳодисалари қонуниятларини, ёруғлик билан моддаларнинг ўзаро тъсирини ўрганадиган бўлими; 2) оптик асбоблар (кўзойнак, контакт линза ва уларга алоқадор товарлар) ва системаларнинг умумий номи; **оптиметр** [опти...+...метр] – чизиқли ўлчамларни ричагли-оптик механизм ёрдамида нисбий усулда ўлчовчи асбоб; **оптограмма** [опто...+

...грамма] – күз түрпардасига тушадиган буюм суратининг фиксацияси; оптометр [опто...+...метр] – күзнинг максимал кўриш кучини тўйлик аниқлаб берадиган оптик асбоб.

...ОР [лот. -og] – лотинча сўз ясовчи қўшимча бўлиб: I. Бирор ишни бажарувчи, бирор иш билан шуғулланувчи шахс отларини ясайди. Mac.: агитатор, агрессор, дебитор, диктатор, диктор, директор, оратор, ревизор, репетитор; доктор [лот. doctor – ўқитувчи] – 1) шифокор, врач; 2) олий илмий дараҷа ва шу даражани олган олим. II. Нарса-предмет, машина, механизм номларини ҳосил қиласди. Mac.: аэратор, компрессор, мотор, реактор; трактор [ингл. tractor < лот. trahere – тортмоқ, судрамоқ] – қишлоқ хўжалиги ва қурилишда: ўзига тиркалган ёки ўрнатилган бир қатор мослама ва қурилмаларни тортувчи ва ташувчи гусенициали ёки ғилдиракли ўзиюрар машина.

...ОРАМА [юн. horama – манзара, кўриниш; лавҳа; томоша] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кенг манзара, кўриниш; чор атроф манзараси маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: диорама [ди(о)...+...орама] – 1) рассомлик тури бўлиб, бунда тасвир маҳсус ёритиладиган, ёруғлик ўтказадиган материал (мато, газлама)нинг ҳар икки томонига ёки хира ойнага чизилади; 2) тасмасимон, ярим доира шаклида эгилган, олдинги планда ҳажмдор буюмлар чизилган расм (панорамадан фарқли равища бутун уфқ доирасини эмас, балки унинг бир қисмини қамраб олади): панорама [пан...+...орама] – 1) муайян жойнинг юқоридан кўриниши; 2) доира шаклидаги, юқори томонидан ёруғ тушадиган бинонинг деворига гир айлана ишланган, олдинги планда ҳажмдор макетлари бўлган бутун уфқ доирасини қамраб оловчи, ҳақиқий манзарадай туюладиган йирик расмлар; 3) замбаракни отиш чоғида уни кўринадиган ва кўринмайдиган нишонларга тўғрилаш учун кўлланадиган бурчакўлчагич оптик асбоб; циркорама [цирк(о)...+...орама] – томоша залиниг гир айланасига қурилган панорама экранли кино.

ОРДИН... [лот. ordinis – тартиб] – ўзлашма ясама сўзлар таркибида келиб, тартиб, тартибланган, тартибга келтирилган каби маъноларни билдиради. Mac.: ординар, ордината, ортинатура; ординатор [лот. ordinator – бошқарувчи, ташкил қилувчи, тартибга солувчи] – даволаш муассасаларида: бўлим мудири раҳбарлигига беморларни даволайдиган врач.

...ОРИЙ, ...ОРИЯ [лот. -oī] – лотинча сўз ясовчи қўшимча бўлиб, бирор иш амалга ошириладиган, бажариладиган жой, макон номларини ҳосил қиласди. Mac.: амбулатория, аудитория, аэротория, гипноторий, инкубаторий, люпозорий, профилакторий, санаторий; акватория [лот. aquatorium < аква...+...(т)ория] – океан, денгиз, сув

омбори ёки порт худудининг белгиланган чегарадаги сув майдони; **крематорий** [лот. crematio – күйдириш, ёндириш +...орий] – кремация (ўликларни, мурдаларни ёндириш) учун мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган бино; **лепрозорий** [лот. leprosus – моховга оид +...орий] – мохов билан касалланганларни жамиятдан ажратиш ва даволаш учун мўлжалланган муассаса; моховхона; **обсерватория** [лот. observatio – кузатиш +...ория] – 1) астрономик, метеорологик, сейсмик ва бошқа тадқиқотлар олиб боришга мўлжаллаб жиҳозланган илмий муассаса; 2) шундай муассаса жойлашган бино.

ОРИКТ... [юн. ογύκτος – қазиб олинадиган, қазилма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қазиш билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **ориктоценоз** [орикто...+ юн. κοίνος – умумий, биргаликда] – муайян жойлашган еридан қазиб олинган, тошга айланган ҳайвонлар қолдиқлари мажмуи.

ОРНИТ(О)... [юн. ὄρνιθος – қуш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қуш маъносини англатади. Mac.: **орнитоз, орнитоподлар, орнитофауна, орнитофилия; орнитология** [орнито...+ ...логия] – зоологиянинг қушларни ҳар томонлама ўрганувчи бўлими; **орнитохория** [орнито...+...хория] – ўсимлик мевалари ва уруғларининг уларни еган қушлар ёрдамида тарқалиши.

ОРО... [юн. ὄρος – тоғ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг тоғ билан, тоққа алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **орогенез, орография; ороген** [оро...+...ген] – Ер пўстининг тектоник фаол зонаси ривожланишининг иккичи босқичи бўлиб, бунда кўтарилишлар содир бўлиб, тоғлар юзага келган.

ОРТО... [юн. orthos – тик, тўғри] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсанинг тикилгини, тўғрилигини, бирор ходисанинг тўғридан-тўғри рўй беришини билдиради. Mac.: **ортогенез, ортогнатия, ортогонал, ортоклаз, ортоскоп, ортотропизм, ортофория; ортодоксия** [орто...+ юн. δόχα – фикр, тасаввур] – бирор-бир таълимот, йўналиш, дунёқарааш асосларига оғишмай, қатъий амал қилиш, эргашиш; **ортодонтия** [орт(о)...+ юн. οδοντος – тиш] – стоматологиянинг тишлар, тиш қаторлари, жағ ва юз суюклари деформациясини хамда бу нуксонларни даволаш усусларини ўрганувчи соҳаси; **ортопедия** [орто...+ юн. παιδεία – парвариш қилиш] – тиббиётнинг туғма нуксонлар, шикастлар ва турли касалликлар оқибатида таянч-ҳаракат аъзолари шакли ва функциясининг бузилишини аниqlаш, даволаш ва унинг олдини олиш йўлларини ўрганувчи соҳаси.

ОРФО... [юн. orthos – тўғри] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзда тўғри маъносини ифодалайди. Mac.: **орфограмма; орфография** [орфо...+...графия] – 1) тўғри ёзиш ҳақи-

даги қоидалар тизими; имло; 2) тилшуносликнинг шундай қоидалар тизимини ишлаб чиқадиган бўлими; **орфоэпия** [орфо...+ юн. epos – нутқ, талаффуз] – 1) тилшуносликнинг адабий талаффуз меъёрларини ўрганувчи бўлими; 2) муайян миллий тилнинг талаффуз меъёрларига мос ҳолда бир хил талаффузни таъминловчи қоидалар тизими ва уларга риоя қилиш.

ОРХЕО..., ОРХИ... [юн. orchis – мояк, тухум] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг моякка, тухумга алоқадорлигини англатади. Mac.: **орхеоцеле, орхипексия, орхиэктомия; орхеотомия** [орхео...+...томия] – моякни кесиш; **орхиалгия** [орхи...+...алгия] – мояк оғриғи; **орхит** [орхи...+ит] – моякнинг яллиғланиши.

ОСМО... [юн. osmos – туртқи, босим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг импульсга ва осмотик босимга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **осмометрия, осморецепторлар; осмометр** [осмо...+...метр] – осмотик босимни ўлчайдиган асбоб; **осморегуляция** [осмо...+ лот. regulo – йўналтираман, бошқараман +...ация] – тирик организмлар ички муҳитидаги осмотик босимнинг нисбатан барқарорлигини таъминловчи физик-кимёвий ва физиологик жараёнлар; **осмос** [юн. osmos – туртқи, босим] – эритувчининг эритма билан эритувчи орасига ёки концентрацияси турлича бўлган иккита эритма орасига қўйилган яримўтказгичли парда орқали аста-секин бир томонлама ўтиш ҳодисаси.

ОСМ(О)..., ...ОСМИЯ [юн. osme – ҳид, ис, бўй] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва икkinчи қисмлари бўлиб, ўзлари қўшилган сўзлар билан ҳид, ис маъноларига алоқадор терминлар ҳосил қиласди. Mac.: **осмий, осмофорлар, осмоцепторлар; осмидроз** [осм...+ юн. hidr – тер +...оз] – сассик терлаш, сассиқ тер чиқариш; **осмология** [осмо...+...логия] – ҳид сезиш билан боғлик ҳолат ва ҳодисаларни ўрганувчи фан; **осмометр** [осмо...+...метр] – ҳид сезиш қобилиятини ўлчайдиган асбоб; **дизосмия, какосмия, паросмия, псевдосмия; гиперосмия** [гипер...+...осмия] – ҳид билиш сезгисининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши; **гипосмия** [гип(о)...+...осмия] – ҳид сезиш қобилиятининг пасайиши.

ОСС(Е)... [лот. os (ossis) – суяқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, суяқ маъносини ифодалайди. Mac.: **оссеомукоидлар, оссокальцинол; оссеин** [оссе...+...ин] – суяқ таркибига кирувчи оксилсизмон модда; **оссификация** [осси...+...фикация] – маҳсус ҳужайралар (остеобластлар) таъсирида уч боскичда суяқ ҳосил бўлиш жараёни; **оссуарий** [осс(у)...+...арий] – зардуштийликда (милодий V – VIII асрлар): сопол, тош ёки ганҷдан ясалган, марҳумнинг суюги солинадиган идиш; суюқдон, остатон.

ОСТЕО... [юн. osteon – сүяқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сүякка, сүяк тўқимасига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **остеобласт**, **остеодисплазия**, **остеоз**, **остеомалияция**, **остеомиелит**, **остеонекроз**, **остеопатия**, **остеопластика**, **остеосинтез**, **остеотом**, **остеофитлар**, **остеохондроз**, **остеоцит**; **остеоартрит** [остео...+ артр...+...ит] – сүяк ва бўғимнинг сурункали ва тарқалган яллиғланиши; **остеогенез** [остео...+...генез] – сүяк тўқимасининг тарақкий этиши; сүякнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши; **остеолиз** [остео...+...лиз] – сүякнинг емирилиши, эриши; сүякни ҳосил қилган тузларнинг эриши ёки икки сүяк орасига қўйилган сүяк бўлакчасининг сўрилиши; **остеология** [остео...+...логия] – анатомиянинг одам скелети ва айрим сүякларининг тузилиши, шакллари ва ўлчамлари, ривожланиши ва ўзгаришларини ўрганувчи соҳаси; **остеома** [осте(о)...+...ома] – сүяк тўқимасидан ҳосил бўладиган хавфсиз ўсма; **остеотомия** [остео...+...томия] – сүякни маҳсус асбоб – остеотом ёрдамида кесиш, тешиш; **остит** [ост(ео)...+...ит] – сүяк тўқимасининг яллиғланиши.

ОСЦИЛЛ(О)... [лат. oscillo – тебранаман] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг тебраниш билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **осциллограмма**, **осциллография**, **осциллятор**, **осцилляция**; **осциллограф** [осцилло...+...граф] – икки ёки бир неча тез ўзгарувчан (электрик ёки нозэлектрик) катталиклар ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи эгри чизикларни кузатиш ва ёзиб олишга мўлжалланган ўлчов асбоби; **осциллометр** [осцилло...+...метр] – осцилляция (тебраниш)ларнинг барча турларини ўлчаб берадиган асбоб.

ОТ(О)... [юн. us (otos) – кулоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қулоқка, қулоқ касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **отиатр**, **отолитлар**, **отомикоз**, **отоневралгия**, **отоневрология**, **отопластика**, **оторея**, **оторрагия**, **отоскоп**; **отиатрия** [от(о)...+...иатрия] – оториноларингологиянинг қулоқ касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш масалаларини ўрганувчи соҳаси; **отит** [от...+...ит] – қулоқнинг яллиғланиши (отитнинг уч хил тури фарқланади); **отология** [ото...+...логия] – тиббиётнинг қулоқ анатомияси, патологияси, физиологиясини ўрганувчи ва қулоқ касалликларини даволаш билан шуғулланувчи бўлими; **оториноларингология** [ото...+ рино...+ ларинго...+...логия] – тиббиётнинг қулоқ, бурун, томоқ, ҳалкум, ҳиқилдоқ ва уларга ёндош аъзо ва тўқималар тузилиши, вазифаси ва касалликларини ўрганувчи соҳаси; **отосклероз** [ото...+ юн. sklerosis – қотиб қолиш] – ўрта қулоқни ички қулоқ билан бирлаштириб турадиган овал дарча соҳасида сүяк тўқимасининг ўсиб кетиши билан ифодаланадиган қулоқ касаллиги; **отоскопия** [ото...+...скопия]

– кулоқни маҳсус асбоб – отоскоп ёрдамида текшириш усули; **отофон** [ото...+...фон] – эшитиш найчаси; қулоғи оғир, гаранг кишиларда эшитишни кучайтириш учун мұлжалланган аппарат.

ОФТАЛЬМ(О)... [юн. ophthalmos – күз] – ўзлашма құшма сўзларнинг бириңчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўзга, кўз касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **офтальмия, офтальмолог, офтальмомаляция, офтальморрагия, офтальмосклероз, офтальмоскоп, офтальмэктомия; офтальмит** [офтальм...+...ит] – кўзнинг яллиганиши; **офтальмология** [офтальмо...+...логия] – кўз касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганадиган фан; **офтальмоплегия** [офтальмо...+...плегия] – кўзнинг бир ёки бир неча мушагининг фалажланиши; **офтальмоскопия** [офтальмо...+...скопия] – маҳсус асбоб – офтальмоскоп ёрдамида кўз соққасининг ички пардаларини (тубини) текшириш усули.

П

ПАГ(О)... [юн. pagos – муз] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, музлик, муз ҳолат маъноларини билдиради. Mac.: **пагон** [паго...+ юн.on – борлик, мавжудот] – муз қатламларида яшовчи ёки музлаб музга ёпишиб, анабиоз ҳолатида бўлган ҳайвон ва ўсимликларнинг организмлари.

ПАЗИ... [юн. pas – ҳар қандай, ҳамма] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, барча, жами деган маъноларни билдиради. Mac.: **пазиграфия** [пази...+...графия] – турли тилларда сўзлашувчи кўпчилик халқларга белги маъноси тушунарли бўлган ёзув, масалан, нота ёзувлари, араб рақамлари.

ПАЛЕО... [юн. palaios – қадимги] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қадимга, қадимги замонга, палеонтологияга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **палеоантроплар, палеоботаника, палеогеография, палеограф, палеозой, палеомагнетизм, палеопитек, палеоцен; палеоантропология** [палео...+ антропология] – антропологиянинг қазилма одамлар қолдиқларини ўрганувчи соҳаси; **палеография** [палео...+...графия] – ёзув материаллари ва қуроллари, ёзув белгилари шаклларининг ўзгаришлари, қўлёзма ва китобларнинг безатилишига қараб қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганувчи ва шу йўл билан уларнинг яратилган жойи ва вақтини аниқловчи тарих-филология фани; **палеоклиматонослик** [палео...+ иқлиминдонослик] – Ернинг ўтмишдаги иқлими тарихини ўрганадиган фан; **палеолит** [палео...+...лит] – тош асрининг энг қадимги даври; **палеонтология**

[пале(о)...+ онто...+...логия] – Ернинг бутун ўтмиш геологик даврларида мавжуд бўлган жонли табиатнинг тарихий тараққиётини, қазилма қолдиқлари сақланган организмлар, уларнинг ҳаёт фаслияти ва оркитоценозлар (тошқотган организмлар)ни ўрганадиган фан; **палеопатология** [палео...+ патология] – узоқ ўтмишда Ер юзида мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвон организмларининг касалликларини ўрганувчи фан; **палеофаунистика** [палео...+ лот. Fauna – ҳайвонот дунёси +...истика] – палеонтологиянинг турли геологик даврлар фаунасини ўрганувчи соҳаси; **палеоэкология** [палео...+ экология] – палеонтологиянинг Ернинг ўтмиш геологик даврида тирик организмларнинг ҳаёт тарзи, ўзаро муносабатлари, яшаш шароити, кирилиб кетиш ва яшаб (сақланиб) қолиш сабабларини ўрганувчи соҳаси.

ПАЛИН... [юн. palin – қайта, яна] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қайтадан, бошқатдан, яна деган маъноларни билдиради. Mac.: **палиндромия, палинестезия, палинодия, палинопсия, палинфразия; палингенез // палингенезис** [палин...+...генез] – 1) Ернинг жуда чуқур қатламларидаги магматик тоғ жинсларининг тўлиқ ёки қисман эриб, магмага айланиш жараёни; 2) организмда дастлаб бўлган, кейинчалик йўқотилган қисмларнинг қайта тикланиши ёки регенерацияси; **палинграфия** [палин...+...графия] – харфлар, сўзларни ва сўзларнинг бирор қисмини қайтариб ёзиш; **палиндром** [палин...+...дром (ортга югуриш)] – ҳар икки томондан бир хил ўқиладиган сўз, ибора ёки шеър (алла, кичик, қовоқ, қочоқ каби); **палинергия** [палин...+ юн. ergia – хатти-харакат] – айрим психозларда бир хил маъносиз хараткларни қайтаравериш ҳолати.

ПАН..., ПАНТО... [юн. pan (pantos) – ҳамма, барча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сўзнинг иккинчи қисмida ифодаланган ҳодиса барчага, ҳамма учун умумий эканлигини, бирор нарсанинг умуман барча йўналишларда қамраб олинишини билдиради. Mac.: **панаортит** [пан...+ юн. aorte – аорта +...ит] – аорта девори барча қаватларининг яллиғланиши; **пангенезис** [пан...+...генез(ис)] – ирсийлик хақида Ч.Дарвин томонидан илгари сурилган фаразия: унга кўра, ота-оналарнинг белги ва хоссалари организмнинг барча ҳужай-ралари ишлаб чиқарадиган майда зарралар (геммулалар) орқали авлодларга ўтади (кейинчалик бу фаразия ўз исботини топмади); **пандактилит** [пан...+ дактил(о)...+...ит] – бармоқдаги барча тўқималарнинг яллиғланиши; **пандемия** [юн. pandemia – бутун халқ < пан...+ юн. demos – халқ] – бутун мамлакат, бир неча мамлакат ёки бутун қитъа ахолисининг анча қисмини қамраб олувчи эпидемия (юкумли касаллик); **панкардит** [пан...+ карди...+...ит] – юракнинг барча қаватлари – перикард, миокард, эндокарднинг бир вақтда яллиғланиши; **панофобия** [пано...+

...фобия] – мияга ўрнашиб қолған күркүв ҳолати, атроф-мухитдаги деярли барча нарса, ҳодисалардан ҳадиссираш, ваҳимага тушиш; **пантейизм** [пан...+ юн. theos – худо +...изм] – худо билан табиат бир деб ҳисобловчи ва табиатни худонинг мужассамланган ҳолати деб билувчи диний-фалсафий таълимот; **пантометр** [панто...+...метр] – ўрмон ва торф ботқоқликларининг топографик ҳаритасини тузишда ишлатиладиган, бурчак ўлчайдиган асбоб; **пантографлар** [панто...+...фаг] – барча нарсаларни еяверадиган, жуда хилма-хил овқатлар билан озиқланадиган ҳайвонлар.

ПАР... [лом. par – тенг, бир хил] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бир турли, ҳар жиҳатдан тенг деган маъноларни билдиради. Mac.: **паритет** [нем. Parität < лом. paritatis – тенглик] – 1) жанжалли масалаларни, низо ва келишмовчиликларни текшириш ва бартараф қилишда томонларнинг тенглиги ва бир хил мавқега эга бўлиши; 2) турли мамлакатлар валюталари ўртасидаги қонуний тартибда белгиланадиган ўзаро нисбат.

ПАРА... I [юн. para – ёнида, яқинида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яқин, ёнма-ён жойлашганликни (турганликни), шунингдек, бирор ҳолатдан (меъёрдан) четта чиққанликни, узоклашишни, бирор нарсанинг бузилишини, сохталигини билдиради. Mac.: **парагевзия, парадонтоз, паракинезия, паралексия, парамнезия, паранефрит, парасуицид; парабиоз** [пара...+...биоз] – ҳаёт билан ўлим орасидаги ҳолат; қўзғалиш жараёнининг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши натижасида тормозланиш вужудга келиши; **парабола** [юн. parabole – яқинлашиш] – ҳар бир нуктаси фокус деб аталган бир нуктадан ва директриса деб аталган бир тўғри чизикдан баравар узокликда бўлган очик эгри чизик; **парагепатит** [пара...+ гепатит] – жигар атрофидаги тўқиманинг яллиғланиши; **параграфия** [пара...+...графия] – патологик ҳолат; бунда бемор ҳарфларни бир-бираидан ажратса олмайди ва улардан сўз ҳамда жумлалар туза олмайди ёки ёзиш қобилиятини йўқотади; **параденит** [пар(а)...+ аден...+ ...ит] – без атрофидаги тўқиманинг яллиғланиши; **паралингвистика** [пара...+ лингвистика] – тилшуносликнинг нутқий алоқанинг нолисоний воситалари (фонацион, кинетик ва график воситалар)ни ўрганувчи соҳаси; **парамагнетизм** [пара...+ магнетизм] – ташқи магнит майдонидаги модданинг шу майдон йўналишида магнитланиш хоссаси; **парамастит** [пара...+ маст(о)...+...ит] – сут безлари атрофидаги тўқиманинг яллиғланиши; **параметр** [пара...+...метр] – 1) сон қийматлари маълум турдаги элементлар тўпламидан (масалан, эгри чизиклардан) аниқ элементни (эгри чизикни) ажратиб олиш имконини берувчи микдор, катталик; 2) кўрсаткич; жараён, ҳодиса ёки сис-

теманинг, машина ёки асбобнинг, модда ёки муҳитнинг бирор хоссасини ифодаловчи катталик; **параметрит** [пара...+ метр(а)...+...ит] – бачадон атрофидаги бириктирувчи тўқималарнинг яллиғланиши; **парапроктит** [пара...+ прокт(о)...+...ит] – тўғри ичак ва орқа чиқарув тешиги атрофидаги клетчаткаларнинг йирингли яллиғланиши; **парапсихология** [пара...+ психология] – 1) баъзи одамларда кузатиладиган экстрасенсор ҳис этиш, психокинез ва бошқа руҳий қобилиятлар ҳақидаги таълимот; 2) сезги аъзолари иштирокисиз бўлиб ўтадиган идрок усулларини, шунингдек, тирик мавжудотнинг организмдан ташқарида пайдо бўладиган табиий ҳодисаларга мушаклар ҳаракатисиз таъсир этишини ўрганиш ва амалга оширишдан иборат психолигик тадқиқотлар соҳаси; **паратрихоз** [пара...+ трих(о)...+...оз] – сочнинг ўз ўрнидан бошқа жойда ўсиши; **парахолия** [пара...+ юн. chole – ўт, сафро] – ўт (сафро) ажralишининг бузилиши; **парестезия** [пара...+ юн. aisthesis – ҳис, туйғу, сезги] – тананинг маълум бир қисмида увушкиш, чумоли юраётгандек ёки совук қотаётгандек ҳолатни ҳис қилиш.

ПАРА... II [юн. para – қарши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бошқасини инкор этадиган, унинг зидди деган маъноларни билдиради. Mac.: **парадокс**, **параномия**; **параиммунитет** [пара...+ иммунитет] – касаллик қўзғатувчи асосий микробга қарши иммунитет билан бирга параллел равишда пайдо бўладиган қўшимча микробга қарши иммунитет ҳосил бўлиши; **параинфекция** [пара...+ инфекция] – белгилари бирор юқумли касалликка ўхшаса ҳам, лекин шу касаллик микролари пайдо қилмаган ҳолат; **парахронизм** [пара...+ хрон(о)...+...изм] – хронологик хатолик – бирор бўлиб ўтган воқеани ўша воқеа бўлган вақтда эмас, бошқа вақтда бўлган деб кўрсатиш.

ПАРТ... [лот. pars (partis) – бўлак, қисм, улущ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қисм, бўлак, улущ, бутуннинг бўлаги деган маъноларни билдиради. Mac.: **партикуляризм**, **парцеляция**, **парциал** (босим); **партитура** [итал. partitura – бўлиш, ажратиш, тақсимлаш < лот. partis] – оркестр, хор, камер ансамблъ кабилар учун мўлжалланган кўп овозли мусиқа асарининг ҳар бир овоз ёки соз партияси тартиб билан кўрсатилган нота ёзуви; **партия** [фр. partie, нем. Partei < лот. pars (partis) – қисм, бўлак, улущ] – 1) синф, бошқа ижтимоий гурӯҳ ва қатламлар манфаатларини ифодаловчи ва муайян мақсадларга эришишда уларга раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилот; 2) гоя ва мақсадларининг умумийлиги билан ёки бирор ишни бажариш учун бирлашган кишилар гурӯҳи; 3) шахмат, шашка, карта каби ўйинларнинг тўлиқ (бошидан охиригача бўлган)

вақти; 4) ташилаётган товарларнинг маълум бир қисми, туркуми; 5) кўп овозли мусиқа асарининг бир овоз (соз) ёки бир хил овоз (соз)-лар гуруҳи учун мўлжалланган қисми.

ПАРТЕН... [юн. *parthenos* – бокира] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бокира, ёш қиз маъносини билдиради. Mac.: **партенокарпия; партеногенез** [партено...+...генез] – тухумнинг ургуламасдан ривожланишидан иборат жинсий кўпайиш тури; **партенофилия** [партено...+...филия] – хотинларнинг балоғатга етган қизлар билан жинсий алоқа қилишга интилиши.

ПАСС... I [фр. *passer* – ўтмоқ, йўналмоқ < лот. *passo* – қадам ташламоқ, одимламоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, маълум йўналишда ҳаракатда бўлмоқ маъносини билдиради. Mac.: **паспорт, пассаж, пассатижи; пассакалья** [фр. *passee* – ўтиш + *calle* – кўча] – 1) XVI асрдан меҳмонларни кузатиш жараёнида ижро этиладиган тантанавор ёки марҳсимон испанча ракс; 2) орган, клавир учун ёзилган вариация шаклидаги пьеса; **пассажир** [фр. *passager* – ўтувчи, ўтиб борувчи] – поезд, пароход, самолёт ва бошқа транспорт воситаларида катновчи, йўловчи; **пассиметр** [фр. *passeeime* < *passer* – ўтиш + ...метр] – машина деталларидағи тешиклар диаметрини контакт усули билан аниқлайдиган асбоб; **пассеизм** [фр. *passeisme* < *passer* – ўтмиш] – ўтмишни кўмсаш ва ҳозирги кунга, тараққиётга бефарқ ёки душманлик билан қарашиб.

ПАСС... II [лот. *passus sum* – чидамоқ, азоб чекмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, азоб чекиш, хаяжон, эҳтирос маъноларини ифодалайди. Mac.: **пассив** [нем. *Passiv*, *passiv* < лот. *passives* – азоб-уқубатли; ҳаракатсиз] – 1) бирор корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи; 2) бухгалтерия балансининг ўнг томони: корхонанинг мансублик ва мақсаддаға кўра гурухланган маблагларининг ҳосил бўлиш манбаларини ифодалайди; 3) пассив (савдо баланси): четдан мол келтириш (импорт) четта мол чиқариш (экспорт)дан ортиқ бўлган ҳолат; **пассия** [фр. *passion* – эҳтирос < лот. *passio* – дард, азоб, азоб чекиш] – кучли ҳис-туйғу, эҳтирос манбаи; севгили, маҳбуба.

ПАСТ... [лот. *pastas* – хамир] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, хамирга ўхшашликни билдиради. Mac.: **паста** [итал. *pasta* < лот. *pastos* – хамир] – тибибиёт, косметика, пазандалик, рассомлик соҳаларида кўлланадиган турли хил хамирсизон моддаларнинг умумий номи; **пастель** [фр. *pastel* < итал. *pastello* < *pasta* – хамир] – бўёқ, бўр ва боғловчи моддадан тайёрланадиган, қопламасиз юмшоқ рангдор қаламлар; **постила** [лот. *pastillus* – кулча] – қирғичдан ўтказилган меваларга ёки тухум оқи билан аралаштирилган меваларга ша-

кар қўшиб пишириладиган ширинлик; **пастилаж** [фр. pastillage < лот. *pastillus* – кулча] – эзib пишитилган ва куйдирилган лойдан тайёрланган ҳайкалтарошлик асари.

...**ПАТ**, ...**ПАТИЯ** [*юн. pathos* – дард, азоб; *ғам*, қайғу, фалокат; *касаллик*] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг биринчи қисмида ифодаланган тана аъзоси ёки унинг бирор қисмининг касаллигини, нуқсони борлигини (-пат – касал шахснинг ўзини, -патия эса касаллик ҳолатини) билдиради (Баъзи терминларда бу маъно ҳатто сезилмаслиги мумкин: *тепепат* – *тепепатия*). Мас.: **аденопатия**, **гомеопатия**, **лалопатия**, **мастопатия**, **миопатия**, **невропатия**, **остеопатия**, **энцефалопатия**; гидропат [гидро...+...пат] – гидропатия усуллари билан даволайдиган шифокор, бальнеологик врач; **психопат** [*психо*...+...пат] – психопатия билан касалланган шахс; бекарор, енгил табиатли, жizzаки, иродаси суст одам; **аллеропатия** [*юн. allelon* – бир-бирига, ўзаро +...патия] – ўзидан турли органик моддалар ажратиб чиқариш йўли билан бир турдаги ўсимликларнинг бошқа турдаги ўсимликларга таъсири кўрсатиши; **артропатия** [*артро*...+...патия] – марказий нерв системаси, орқа мия касалликларида учровчи, қўл ва оёқ бўғимларининг трофик ўзарлиши; **кардиопатия** [*кардио*...+...патия] – миокарднинг ревматизмга, ишемик ва бошқа юрак касалликларига алоқаси бўлмаган зарарлашишларининг умумий номи; **логопатия** [*лого*...+...патия] – нормал эшитиш ҳолатида нутқнинг нуқсонли бўлиши (дудукланиш, тили чучуклик, л, р, з, с товушларини тўғри талаффуз қила олмаслик); **нефропатия** [*нефро*...+...патия] – буйракларнинг турли хил морфологик ва функционал касалликларини англатувчи умумий термин; **психопатия** [*психо*...+...патия] – маълум бир руҳий касаллик бўлмай, айrim шахсларда рухиятнинг бузилиб туриши: руҳий (психик) жараёнлар дисгармонияси, бетайнинлик, бекарорлик, жizzакилик, енгилтабиатликда намоён бўлади; **энтеропатия** [*энтеро*...+...патия] – ичак касалликларининг умумий номи.

ПАТЕР..., ПАТР(И)... [*юн. pater*, *лот. patris* – ота; отахон] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг отага, эркакка алоқадорлигини билдиради. Мас.: **патриархал** (оила), **патрилокал** (никоҳ), **патрология**, **патронимия**, **патриций(лар)**; **патернализм** [*лот. paternus* – оталик, оталарча +...изм] – давлатнинг ўз фуқароларига, фирмаларнинг ўз ходимларига, бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга ҳомийлик, ғамхўрлик муносабати; ижтимоий ва меҳнат муносабатларини давлатлар ўртасида, шунингдек, давлат ва фирма даражасида тартибга солиш шакли; **патриарх** [*патри*...+...арх(ия)] – черков иерархиясида олий унвон; **патриархат** [*патри*...+...арх(о)...+...ат] – ибтидоий

жамият даврида ижтимоий муносабатлар шакли: бунда жамият, хўжалик ва оиласда эркак устун, хукмрон мавқега эга бўлган.

ПАТО... [юн. pathos – азобланиш, касаллик] – ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг касаллик, дард, азобга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **патография**, **патоморфоз**, **патопсихология**; **патогенез** [пато...+...генез] – касалликлар, касаллик жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши механизмлари; **патология** [пато...+...логия] – назарий ва клиник тиббиётнинг турли хил касалликлар учун умумий бўлган жараёнларнинг келиб чиқиш қонуниятлари ни ўрганадиган соҳаси; **патофобия** [пато...+...фобия] – тузалмайдиган оғир касалга йўлиқиши, майиб-мажруҳ бўлиб қолишдан телбаларча қўрқиб ваҳимага тушиш.

ПАХИ... [юн. pachys – қалин, йўғон] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, йўғонлашган, қалинлашган маъноларини билдиради. Mac.: **пахикефалия**, **пахиостоз**, **пахипериостит**, **пахиплеврит**; **пахигирия** [пахи...+ юн. gyros – доира] – бош мия пушталарининг турли касалликлар оқибатида қалинлашиб, тўқималар архитекторик тузилишининг ўзгариши; **пахиглоссия** [пахи...+ юн. glossa – тил] – тилнинг ғайритабиий йўғонлашиши; **пахидактилия** [пахи...+ юн. dactylos – бармок] – қўл ва оёқ бармоклари ўлчамларининг ғайриодатий катталашиши; **пахикефалия // пахицефалия** [пахи...+...кефалия] – калла сүякларининг йўғонлашиши, одатдагидан йўғон бўлиши; энса (орқа) томони япаски калла; **пахименингит** [пахи...+ менинг(о)...+ ...ит] – мия қаттиқ қобигининг яллиғланиши; **пахиметр** [пахи...+ ...метр] – объекtlар йўғонлигини ўлчовчи асбоб; **пахионихия** [пахи...+ юн. onichos – тирнок] – тирноқ пластинкаси остидаги эпидермис қаватининг қалинлашиб кетиши билан кечадиган кератоз.

ПАЦ... [лом. pacis – тинчлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тинчлик, хотиржамлик маъноларини билдиради. Mac.: **пацифизм** [лом. pacificus – тинчликпарвар +...изм] – ҳар қандай урушга, жумладан, адолатли урушга ҳам қарши бўлган ва Ер юзида тинчлик бўлишини ёқловчи дунёқараш, оқим; **пацификация** [лом. pacificatio – тинчлик ўрнатиш, бўйсундириш < паци...+...ификация] – кўзғолонлар, ҳалқ ғалаёнлари, миллий-озодлик ҳаракатини куч, зўравонлик билан бостириш; **пацифист** – пацифизм (тинчлик) тарафдори.

ПАЦИ... [лом. patiens – чидамли; азоб чекувчи] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жисмоний ёки руҳий азобланиш маъноларини билдиради (қ. **пасс...II**). Mac.: **пациент** [лом. patiens (patientis) – дард, азоб чекувчи; касал; чидамли, сабрли < patio – дард чекмоқ, чидамоқ] – тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ёки тиббий назорат остида бўлган шахс.

ПЕД... [лат. pes (pedis) – оёқ; товоң] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг оёқка, товоңга оидлигини билдиради. Mac.: **педаль**, **педикула**, **педипальпалар**; **педограф** [педо...+...граф] – оёқ кафти (таги)нинг қофозга туширилган изи; **педометр** [педо...+...метр] – босилган қадамлар сонини автоматик равишда ҳисоблаб борадиган асбоб, қадамўлчагич; **педикюр** [*фр.* pedicure < пед(и)...+ лат. curo – парваришлайман, ғамхўрлик қиласман] – оёқ товоңини парваришлаш, қадоқларни йўқотиш, тирноқларни тозалаш, силлиқлаш, мустаҳкамлаш ва бўяш.

ПЕД(О)... [юн. pais, paidos – бола] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг болага, гўдакка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **педерастия**, **педиатр**, **педодонтия**, **педоморфоз**, **педофилия**, **педоцентризм**; **педагог** [юн. paidagogos – дастлаб: болани мактабга етаклаб борувчи ва уйда назорат қилиб турувчи кул; раҳбар; кейинча: тарбиячи < paidos – бола + agogos – олиб борувчи] – педагогика мутахассиси; ўқитувчи, мураббий; **педагогика** [юн. pedagogike < paidos – бола + ago – олиб бораман, тарбия қиласман] – таълим, тарбия ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуи; **педиатрия** [пед...+...иатрия] – тибибиётнинг болалар касалликлари ва уларни даволаш усусларини ўрганувчи бўлими; **педогенез** [педо...+...генез] – бир қатор умуртқасиз ҳайвонлар личинкасида уругланмаган тухумхужайрадан янги наслнинг ривожланиши; партеногенез шаклларидан бири; **педология** [пед(о)...+...логия] – бола ривожланишига нисбатан психологик, биологик, ижтимоий (социологик) қарашлар мажмуи; болалар ҳаёти ва ўсишини мунтазам ўрганувчи фан; **педометр** [педо...+...метр] – чақалоқларни ўлчаш учун қўлланадиган асбоб.

ПЕКТ... [юн. pektos – қуюқ; музлаган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, таркибидаги асосий модда кўп деган маънени билдиради. Mac.: **пектинлар** // **пектин моддалар** [пект(о)...+...ин] – барча қуруқлик ўсимликлари ва бир қатор сувўтлар таркибидаги эрийдиган ва эримайдиган юқори молекулали полисахаридлар; **пектол** [пект...+...ол] – термопсиснинг қуруқ экстракти, опий кукуни, натрий бикарбонат, анис мойи ва чучукмия кукунидан иборат таблетка.

ПЕКТОР(О)... [лат. pectus (pectoris) – кўкрак] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўкракка алоқадорлик маъносини билдиради. Mac.: **пектораль** [лат. rektoralis – кўкракка оид] – қадимги Миср ва Европада мис асрода кўкрак ва елкани безаш учун металдан ясалган ва бўйинга тақиладиган безак; **пекторофония** [пекторо...+...фония] – кўкрак қафасидан эшитиладиган аускультация товушининг

кучайиши; пекторилоквия [пектор(и)...+ лот. loqua – нутқ, сўз; тил] – кўкрак қафаси аускультация қилинаётганда касалга айрим сўзларни талаффуз эттириб текшириш.

ПЕЛЛ(И)... [лот. pellis – тери] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг терига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **пеллагра** [итал. pelle agra – ғадир-будур, дағал тери < лот. pellis – тери] – организмда РР витамиини (никотин кислотаси) ва В гурухига мансуб бошқа баъзи витаминлар етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик; **пелликула** [лот. pellicula – бир парча тери, пўст, қобиқ < пелли...+...кула] – 1) тери ёки бирор парданинг юпқаланиб қолиши; 2) айрим бир ҳужайрали организмларнинг пардаси, қобиғи.

ПЕН(О)... [лот. poena – жазолаш, жарима] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жазо, жарима маъноларини билдиради. Mac.: **пенальти** [ингл. penalty < лот. poena – жазолаш, жарима] – айрим спорт ўйинларида: жарима майдончасида қоидани бузганлиги учун қоидабузар рақиб дарвозаси томон белгиланган ва йўналтириладиган жарима зарбаси (тўпи); **пеноология** [пено...+...логия] – жазо (асосан, қаттиқ жиноятлар учун) ҳақидаги таълимот; **пеня** [лот. poena – жазо] – пул-тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаганлик учун тўланадиган жарима; **пенитенциар** [лот. poenitentia < пени...+ лот. tentare – иқорор бўлмоқ, тавба, пушаймон қилмоқ]: **пенитенциар система** – жиноий ишлар учун озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўташ масканлари (қамоқхоналар, лагерлар, ахлоқ тузатиш-мехнат колониялари) мажмуи.

ПЕНО... [рус. pena – кўпик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзлар англатган нарса-буюмларнинг енгил, ғовак, кўпиксимон эканлигини билдиради. Mac.: **пенокерамика**, **пено-металл**, **пенорезина**; **пенобетон** [пено...+ бетон] – иссиқликни унча ўтказмайдиган, серғовак бетон; бинокорлик материали; **пенопласт** [пено...+ юн. plastos – ёпиширилган, ясалган] – сувдан беш баравар енгил, серғовак пластмасса; **пеносиликат** [пено...+ силикат] – оҳак ва кумдан тайёрланадиган серғовак курилиш материали; **пеношиша** [пено...+ шиша] – ғовак структурали материал.

ПЕНТ(А)... [юн. penta – беш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг 5 сонига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пентаметр**, **пентатоника**, **пентахорд**; **пентатлон** [пент...+ ...атлон] – спортда замонавий бешкураш; бир пайтнинг ўзида спортнинг бешта тури бўйича мусобақалашиш; **пентаграмма** [пента...+ ...грамма] – ҳар бир томонига баландлиги бир хил, тенг ёнли учбурчаклар ясалган мунтазам бешбурчак; **пентозалар** [пент(а)...+...оза] –

молекуласида бешта углерод атоми бўлган моносахаридлар; пентод [пент(а)...+...од] – беш электродли, яъни катод, учта тўр ва аноддан иборат электрон лампа.

ПЕПС... [юн. pepsis – ҳазм қилиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, овқат ҳазм қилишга оидликни билдиради. Mac.: **пепси-кола; пепсин** [пепс...+...ин] – оқсилиларни парчалайдиган ҳазм ферменти.

ПЕР... [лот. reg – орқали, оралаб, бўйлаб; юкори, ортиқ, кўп] – I. Олд кўмакчи: маълум нарса орқали, унинг орасидан йўналганикни, йўналтиришни билдиради. Mac.: **пертубация, перфузия; перорал** [пер...+ фр. oral – оғизга оид < лот. os (oris) – оғиз]: перорал усул – дори воситаларини оғиз орқали юбориш усули; **перспирация** [пер...+ лот. spiratio – нафас олиш-чиқариш] – тери билан (орқали) нафас олиш. II. Олд қўшимча: маълум белгининг зўрайиши; масалан, кимёда муайян элементнинг юкори оксидланиш даражасини ёки бирикмада, моддада кислород микдорининг кўплигини билдиради. Mac.: **перкарбонатлар, персульфатлар, перхлорметан, перхлорэтилен; пергидроль** [пер...+ гидр(о)...+...ол] – водород пероксиднинг (H_2O_2)нинг сувдаги 30% ли эритмаси; **перманганатлар** [пер...+ лот. Manganum – марганец + ...ат] – перманганат кислота ($HMnO_4$)нинг тузлари (mac., калий перманганат); **пероксидлар** [пер...+ оксид] – таркибида ўзаро боғланган икки кислород атомидан иборат гурухи (-O–O-) бўлган мурракаб моддалар; **перхлоратлар** [пер...+ хлор...+...ат] – перхлорат кислота ($HClO_4$) тузлари (mac., калий перхлорат).

ПЕРИ... [юн. regi – атрофида, яқинида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсага қўшнилик, яқинлик, унинг яқинида, атрофида, ташқарисида жойлашган каби маъноларни билдиради. Mac.: **periаденит, перибронхит, периглоссит, периколит, периостит, периселений, перископ, перифраза, период; периартериит** [пери...+ артери...+...ит] – артерия қон томирлари ташки қаватининг ва артериялар атрофидаги тўқималарнинг яллигланиши; **перигей** [пери...+ юн. geo – ер] – Ер атрофида орбита бўйлаб айланувчи жисмлар (Ой, сунъий йўлдош каби)нинг Ер марказига энг яқин вазияти; **перигелий** [пери...+ юн. helios – қуёш] – Қуёш атрофида айланадиган осмон жисмлари орбитасининг Күёшга энг яқин нуқтаси; **перикард** [пери...+...кард] – юракни сиртдан ўраб турадиган халтасимон қобик; юрак халтаси; **перимарказ** [пери...+ марказ] – космик жисм (сайёра) орбитасининг система массаси марказига энг яқин нуқтаси; **периметр** [пери...+...метр] – 1) ҳар қандай ёпик эгри чизиқнинг узунлиги (масалан, кўпбурчакнинг периметри унинг ҳамма томонлари йигиндисига тенг); 2) кўриш майдони чега-

расини аниқлаб берадиган асбоб; **перинатал** [peri...+ лот. natalis – туғуруққа, туғышга оид]: **перинатал давр** – ҳомиладорликнинг 28-ҳафтасидан бошланиб, бола түгилгандан кейинги 7-кунгача бўлган даврни ўз ичига олган муддат; **перископ** [peri...+...скоп] – бевосита кузатиш мумкин бўлмаган берк, пана жойлардан (масалан, бронетранспортёр, сувости кемаси, танк кабилардан) атрофни кузатиш имконини берувчи оптик асбоб.

ПЕССИМ... [лот. pessimus – энг ёмон] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ишончсизлик, умидсизлик каби маъноларни билдиради. Mac.: **пессимизм** [пессим...+...изм] – келажакка ишончсизлик, умидсизлик билан қарашиб, ҳар бир нарсанинг ёмон томонини кўришга мойиллик, руҳий тушкунлик; **пессимист** [пессим...+...ист] – руҳий тушкунликка юз тутган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган киши; **пессимум** [лот. pessimum – энг ёмон] – жуда кучли таъсир натижасида аъзо ёки тўқималарда қўзғалиш жараёнинг вужудга келмай қолиши, улар фаоллигининг камайиши.

ПЕСТИ... [лот. pestis – юқумли касаллик, мараз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, юқумли касаллик маъносини билдиради. Mac.: **пестицидлар** [пести...+...цид] – ўсимликларни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилишда ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларига, дарахт ва буталарга, ғаллага зарар келтирадиган ҳашаротларни қиришда кўлланадиган кимёвий моддалар.

ПЕТР(О)... [юн. petros – тош] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тошга, тоғ жинсларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **петроглиф**, **петротектоника**, **петрофизика**, **петрургия**; **петрификация** [петр(и)...+...фикация] – тошга айланиш; кальций тузларининг тўқимага бир текисда ўтиши натижасида тўқиманинг тош каби қаттиқлашиши; **петрография** [петро...+...графия] – к. **петрология**; **петрокимё** [петро...+ кимё] – петрологиянинг магматик тоғ жинслари ва жинс хосил қилувчи минералларда кимёвий элементларнинг тақсимланишини ўрганадиган соҳаси; **петрология** [петро...+...логия] – геологиянинг тоғ жинсларини, уларнинг минералогик ва кимёвий таркибини, тузилишини, тарқалиш қонуниятларини, келиб чиқишини ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган бўлими; **петрофитлар** [петро...+...фит] – тошлок ерларда, қояларда ўсадиган ўсимликлар; **литофитлар**.

ПИЕЛ(О)... [юн. pyelos – буйрак жоми] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, буйрак жоми маъносини билдиради. Mac.: **пиелолитотомия**, **пиелометрия**, **пиелоскопия**, **пиелотомия**, **пиелопиелит**, **пиелоэктазия**; **пиелит** [пиел(о)...+...ит] – буйрак жомининг яллиғланиши; **пиелография** [пиело...+...графия] – буйрак жомига ёки

косачасига контраст моддә киритиб, рентгенологик текшириш усули; **пиелонефрит** [пиело...+ нефрит] – буйрак, буйрак жоми, косачаси ва тўқимасининг яллиғланиши.

ПИКНО... [юн. *ρυκνος* – зич; тез] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, зич, тифиз, тез-тез деган маъноларни билдиради. Mac.: **пикнолепсия**; **пикнозонд** [пикно...+ фр. *sonde* – қидириб топиш асбоби] – турли чуқурликлардаги денгиз сувининг зичлигини тез аниқлайдиган асбоб; **пикнокардия** [пикно...+...кардия] – юрак уришининг тезлашиши; **пикнометр** [пикно...+...метр] – газ, суюқлик ва қаттиқ жисмлар зичлигини аниқ ўлчаш учун мўлжалланган, маҳсус шаклли ва аниқ сифимли шиша идиш.

ПИКР... [юн. *ρυκρος* – аччик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сезги аъзоларига қаттиқ таъсир қиласидиган; ўткир, аччик, ўювчи каби маъноларни билдиради. Mac.: **пикротоксин** [пикро...+ юн. *toksin* – заҳар] – ўсимлик меваларида бўладиган тириштирувчи заҳар.

ПИКТ... [лат. *pictus* – чизилган, тасвиранган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг (бўёқ билан) чизишига, тасвирашга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пиктограмма** [пикто...+...грамма] – қадимги ёзув шаклларидан бири – ҳодиса, предмет ва шу кабиларнинг шартли белгиси, сурати; **пиктография** [пикто...+...графия] – пиктограммага асосланган, фонетик ёзувдан олдинги, жуда қадимги ёзув шакли; **пиктографик** [пикто...+...графия]: **пиктографик ёзув** – ахборотнинг умумий мазмунини расм ёки тартиблаштирилган бир неча расмлар шаклида ифодалаш усули.

ПИЛО... [лат. *pilos* – соч] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сочга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пиломикоз** [пило...+...микоз] – паразит замбуруғлар қўзғатадиган соч касалликларининг умумий номи; **пилоцистик** [пило...+ юн. *cystos* – пуфакча] – тукли циста (бўшлиқ, пуфакча)га оид.

ПИЛОР(О)... [юн. *pyloros* – дарвазабон; ошқозоннинг чиқиши қисми (тешиги)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ошқозон (меъда)нинг ўн икки бармоқли ичакка тулашиш жойидаги тешикни (пилорусни) билдиради. Mac.: **пилорин**, **пилородуденит**, **пилоропластика**, **пилоростеноз**, **пилоростомия**, **пилоротомия**; **пилороскопия** [пилоро...+...скопия] – ошқозон чиқиши қисми текшириш; **пилороспазм** [пилоро...+...спазм] – ошқозон чиқиши қисми (пилорус)нинг қисилиши, тортишиб қолиши; **пилоректомия** [пилор...+...эктомия] – ошқозоннинг пилорус қисмини кесиб олиб ташлаш операцияси.

ПИНАК(О)... [юн. *pinax*, *pinakos* – расм, чизма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг расмга, суратга

алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пинакотека** [пинако...+...тека] – 1) қадимги Юнонда расмлар, тасвиirlар сақланадиган жой; 2) суратлар галереяси.

ПИНО... [юн. ріно – ичмоқ] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шимиб олмоқ, қамраб олмоқ каби маъноларни англатади. Mac.: **пиноцитоз** [пино...+ цит(о)...+...оз] – хужайранинг атроф-муҳитдан суюқликни жадал шимиб олиши.

ПИ(О)... [юн. руоп – йириング] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг йирингга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пиартроз, пиогенез, пиококклар, пиометрит, пионефроз, пиорея, пиотерапия, пиоцит; пиемия** [пи(о)...+...емия] – йиринг микробларининг доимий ёки даврий равишда қонга ўтиши натижасида келиб чиқадиган касаллик; сепсиснинг бир тури; **пионефрит** [пио...+ нефрит] – буйракнинг йирингли яллиғланиши; **пиоторакс** [пио...+ юн. thorax – кўкрак; плевра бўшлиғи] – плевра бўшлиғида йиринг йигилиши; йирингли плеврит; **пиосальпинкс** [пио...+ юн. salpinx – най, труба] – бачадон найида йиринг тўпланиши; **пиурия** [пи(о)...+...урия] – буйраклар, сийдик йўллари, простата касалликларида йирингнинг сийдик билан ажralиб чиқиши.

ПИР(О)... [юн. руг – алнга, олов; ҳарорат] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, алнга, олов; ҳарорат маъноларини билдиради. Mac.: **пирагирит, пиргелиометр, пиргеометр, пири, пирографит, пиролит, пиromетрия, пироселекция, пиротоксин, пирофиллит; пиранограф** [пир(о)...+ юн. ano – юкорида +...граф] – тўғри тушаётган ёки тарқоқ қуёш радиациясини узлуксиз қайд қилиб бориш учун мўлжалланган асбоб; **пиранометр** [пир(о)...+ юн. ano – юкорида +...метр] – ётиқ сиртга тушаётган йиғма ёки тарқоқ қуёш радиациясини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **пиролиз** [пиро...+...лиз] – мураккаб моддаларни уларга ҳаво бермай юқори температура таъсирида оддий моддаларга парчалаш; **пиромания** [пиро...+...мания] – рухий касалликларда: бирор нарсани ёқишига, ўт қўйишга ҳаддан ташқари қизиқиш, шунга мойиллик; **пиromеталлургия** [пиро...+ металлургия] – металлар ва металл қотишмаларини юқори (800° – 2200°) температурада олиш ҳамда тозалаш жараёнлари мажмуи; **пиrometer** [пиро...+...метр] – спектрнинг оптик соҳасида ношаффоф жисмларнинг нурланишига қараб уларнинг температурасини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **пиротерапия** [пиро...+...терапия] – сунъий усулда тана ҳароратини кескин ошириш йўли билан баъзи касалликларни даволаш; **пиротехника** [пиро...+ техника] – техниканинг портловчи ва ёнувчи аралашмалар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва уларни амалда қўллаш билан шуғулланувчи тармоғи; **пирофобия** [пиро...+...фобия] – ўт, оловдан қўрқиши.

ПИТЕК..., ...ПИТЕК [юн. pythekos – маймун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг маймунга, одамсимон маймунларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **питекантроплар** [питек...+...антроп] – неандерталлардан олдин яшаган, энг қадимги қазилма одам; **австралопитеклар**, **гигантопитеклар**, **дриопитеклар**, **парапитеклар**, **рамапитеклар**; **гигантопитеклар** [юн. gigas, gigantus – йирик, улкан +...питек] – антропоген даврнинг ўрталарида яшаган, Жануби-Шарқий Осиёдан жағва тиш суюклари топилган йирик одамсимон маймунлар тури; **палеопитеклар** [палео...+...питек] – қазилма одамсимон маймунлар (суяқ қолдиқлари 1879 йилда Шимолий Ҳиндистонда топилган); **плиопитеклар** [плио...+...питек] – қолдиқлари дастлаб Францияда топилган қазилма одамсимон маймунлар – ҳозирги гибонларнинг аждодлари хисобланади.

ПЛАЗМО..., ...ПЛАЗМА [юн. plasma – яратилган, ясалган, ясама нарса] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг плазмага ёки хужайра моддасига алоқадорлигини билдиради. Mac.: 1) **плазмогамия**, **плазмоген**, **плазмокимё**, **плазмон**; **плазмодесмалар** [плазмо...+ юн. desmos – боғлама, боғловчи, бириктирувчи тўқима] – ўсимликларда қўшини хужайралар протопластларини ўзаро боғлаб турувчи жуда ингичка цитоплазма ипчалари; **плазмолемма** [плазмо...+ юн. lemma – қобик, пўст] – ўсимлик ва ҳайвон хужайралари протоплазмасини ўраб турувчи мембрана; **плазмолиз** [плазмо...+...лиз] – хужайранинг ўлаётгандаги ўзгариш хилларидан бири; протеолитик ферментлар таъсирида цитоплазманинг хужайра қобигидан ажralиб, эриб кетиши билан ифодаланади; **плазмотрон** [плазмо...+...трон] – паст ҳароратли плазмани олиш учун ишлатиладиган газ-разрядли курилма; **плазмцитлар** [плазмо...+...цит] – думалоқ ядроли ва базофил цитоплазмали юмшоқ бириктирувчи тўқима хужайралари; 2) **гиалоплазма**, **кариоплазма**; **протоплазма** [прото...+...плазма] – тирик хужайранинг цитоплазма ва ядродан иборат таркибий қисми; унда барча ҳаётий жараёнлар амалга ошади; **цитоплазма** [цито...+...плазма] – хужайранинг энг муҳим таркибий қисми, хужайра ядросидан ташқари унинг барча тирик моддаси.

ПЛАН... [лот. planus – ясси, текис] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ясси, текис маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **планиметр** [план(и)...+...метр] – ясси шакллар сатхини аниқлайдиган, шунингдек, муайян турдаги интегралларнинг сон қийматини топиш учун мўлжалланган математик асбоб; **планиметрия** [план(и)...+...метрия] – элементар геометри-

янинг ясси шаклларни ўрганадиган бўлими; **планисфера** [план(и)...+...сфера] – Ер шари ёки осмон гумбази глобусларининг ясси харитада яримшарлар шаклидаги тасвири; **пленоцит** [план(о)...+...цит] – ясси шаклдаги эритроцит.

...ПЛАН [лот. *planum* – яссилик, текислик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг учиш аппаратларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **аэроплан**, **батиплан**, **биплан**, **моноплан**; **гидроплан** [гидро...+...план] – сув юзасидан учиб, унга қўнувчи самолётнинг эскирган номи; **стратоплан** [страто...+...план] – стратосферада учишга мосланган самолётнинг эскирган номи; **дельтаплан** [*юн. delta* – юонон алифбосидаги тўртинчи ҳарф (Δ)-нинг номи +...план] – учбуручак (дельтасимон) қанотга эга бўлган ўта енгил моторсиз учиш аппарати.

ПЛАНТ... I [лот. *planta* – ўсимлик; кўчат, қаламча] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўсимликка, кўчат экишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **плантараж**, **плантатор**; **плантация** [лот. *plantatio* – ўсимлик, кўчат ўтқазиш, экиш; кўчатзор] – 1) асосан, тропик ва субтропик экинлар (масалан, шакарқамиш, пахта, чой, кофе кабилар) етиштириладиган йирик дехқончилик хўжалиги; 2) фақат маҳсус экинлар экилган катта ер майдони.

ПЛАНТ... II [лот. *planta* – оёқ кафти; товоң] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг оёқ кафти, оёқ изи маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **планограмма** [плант(о)...+...грамма] – яссиоёқликни аниқлаш усули; бунда оёқ тагига бўёқ суртиб, текис оқ қоғозга босилса, унга оёқ тагининг изи тушади ва шу изга караб оёқ панжаси (кафти) гумбазининг босиш юзаси аниқланади.

ПЛАСТ... [*юн. plastos* – (лойдан, юмшоқ нарсадан) ясалган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўриниш, шакл хосил қилиш каби маъноларни билдиради. Mac.: **пластикат**, **пластикация**, **пластиклик**, **пластмасса(лар)**; **пластилин** [*итал. plastilina* <*юн. plastos* – ясалган +...ин>] – лой, мум ва мойбўёқлардан тайёрланадиган, тез қуримайдиган пластик масса; **пластификаторлар** [пласт(и)...+...фикация] – полимер материаллар – пластмасса, резина, лаклар, бўёқлар, елимларга уларнинг пластик ёки эластик ҳолатини яхшилаш учун қўшиладиган моддалар; **пластификация** [пласт(и)...+...фикация] – полимер моддага пластификатор киритиш жараёни.

...ПЛАСТИКА [*юн. plastike* – (бирор шакл) ясаш санъати; ҳайкалтарошлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, қайта тикловчи жарроҳлик усулларини, у ёки бу аъзонинг шаклини, функциясини қайта тиклайдиган жарроҳлик операциясини

бидиради. Mac.: **автопластика, артропластика, гомопластика, кератопластика, органопластика; аллопластика** [алло...+...пластика] – қайта тикловчи жарроҳлиқда: одамнинг аъзо ва тўқималаридағи нуқсонларни бартараф этишда нобиологик материаллардан фойдаланиш усули; **гетеропластика** [гетеро...+...пластика] – ҳайвон тўқималари ёки аъзоларини одамга кўчириб ўтқазишдан иборат жарроҳлик операцияси; **ринопластика** [рино...+...пластика] – шикастланган бурунни қайта тиклаш ёки унинг шаклини ўзгартириш учун қилинадиган пластик операция; **торакопластика** [торако...+...пластика] – плевра бўшлигининг йирингли касалликларида, ўпка силининг баъзи турларида: ўпка функциясига янги шароит яратиш учун кўкрак қафаси шаклини ўзгартириш мақсадида бир неча қовурғани олиб ташлаш ёки кесиб кўйиш.

ПЛАТ... [*юн. platys* – текис, силлик; *ясси*] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, текислик, яссиликка алоқадорликни билдиради. Mac.: **платибазия, платикрания, платиспондилля, платицитлар; платицефалия // платицефалия** [*плат(и)...+...кефалия*] – яссибошлик, калланинг узунасига унча ривожланмаганлиги; **платистафилия** [*плат(и)...+ юн. staphyle* – узум шингили, боши; тилча] – ривожланиш нуқсони; танглайнинг туғма сербар ва ясси бўлиши; **платонихия** [*плат...+ юн. onyx* (*onychos*) – тирнок] – тирноқнинг нормал шаклда, ясси ва кенг бўлиши; **платформа** [*фр. plate-forme* – ясси шакл <*юн. platys*>] – 1) темир йўл станцияларида пассажирларнинг поездга чиқиши ёки тушиши, юк тушириш ёки ортиш учун темир йўлга нисбатан баландрок қилиб ишланган узун саҳн, текис майдонча; 2) идиш-қопсиз юклар, контейнерлар ташиладиган, ён деворлари унча баланд бўлмаган, усти очиқ юк вагони; 3) бирор сиёсий партия, ижтимоий ташкилот, гурух ёки арбобнинг дунёқарashi, маслаги, иш-ҳаракат дастури, асосий талаблари.

ПЛАЦ... [*нем. Platz* – жой, майдон <*фр. place*>] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян жой, майдон маъноларини билдиради. Mac.: **плацдарм** [*фр. place d'armes* – қўшинлар учун майдон] – хужум қилаётган қўшинлар томонидан сувнинг қарши қирғоғида эгалланган ёки қарама-қарши қирғоққа чекинаётган қўшинлар томонидан тутиб турилган жой; **плацкарта** [*нем. Platz* – жой + *Karte* – билет] – узоқ йўлларга юрадиган поезд вагонларидағи алоҳида жой учун бериладиган чипта.

ПЛЕБ... [*лом. plebis* – оддий халқ; умумхалқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, оддий халқ, умумхалқ, оммавий маъноларини билдиради. Mac.: **плебисцит** [*лом. plebiscitum* – халқ ҳукми, қарори <*plebis* – оддий халқ + *scitum* – қарор>] – умумхалқ овозига кў-

йиши; бирор масалани умумхалқ ўртасида овозга қўйиб ёки умумхалқ фикрини тўплаб хал қилиш; референдум.

ПЛЕВР(О)... [юн. pleura – ён томон, девор, парда, қобик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг плеврага алокадорлигини билдиради. Mac.: **плевралгия, плевропневмония, плеврорея, плевротомия, плеврэктомия; плеврит** [плевр...+...ит] – плевранинг яллигланиши – плевра бўшлигига ва сатҳида суюқлик тўпланиши билан намоён бўладиган яллигланиш; **плеврогепатит** [плевро...+ гепатит] – жигар ва жигар олдидаги плевра қисмининг яллигланиши; **плеврография** [плевро...+...графия] – плевра бўшлигига контраст модда юбориб, рентгенологик текшириш усули; **плевроскопия** [плевро...+...скопия] – маҳсус асбоб – плевроскоп билан плевра бўшлигини кўриб текшириш.

...ПЛЕГИЯ [юн. plege – зарба, шикаст; фалаж] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг фалажга, параличга алокадорлигини билдиради. Mac.: **блефароплегия, гастраплегия, гемиплегия, глоссоплегия, диплегия, кардиоплегия, квадриплегия, моноплегия, офтальмоплегия, триплегия; параплегия** [пара...+...плегия] – ҳар иккала кўл ёки ҳар иккала оёқнинг бутунлай фалажланиши; **полиплегия** [поли...+...плегия] – бир қанча мушакларнинг бир вақтда фалажланиши; **проктоплегия** [прокто...+...плегия] – орқа чиқарув тешиги ва тўғри ичак мушакларнинг фалажи; **тетраплегия** [тетра...+...плегия] – ҳаракат нервлари ёки мушакларнинг шикастланиши натижасида кўл ва оёқларнинг ҳаракатсизланиб, фалаж бўлиб қолиши.

ПЛЕЗИ(О)... [юн. plesios – яқин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яқин, ўхшаш маъноларини билдиради. Mac.: **плезиография, плезиотерапия; плезиантроп** [плези(о)...+...антроп] – австралопитекка яқин одамсимон маймун; **плезиозаврлар** [плезио...+...завр] – қадимда кенг тарқалган, кейин қирилиб йўқ бўлиб кетган дениз судралувчиларининг кичик туркуми.

ПЛЕЙО..., ПЛЕЙСТО..., ПЛЕО... [юн. pleion – катта, улкан; кўп; pleistos – энг кўп, энг катта, энг юқори; pleon – энг кўп сонли; анча, кўпгина] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисмлари бўлиб, сон, миқдор жиҳатдан ортикликни, кўпликни; жуда кўп, кўп сонли эканликни ифодалайди. Mac.: **плейотропия** [плейо...+...тропия] – геннинг организмдаги бир неча белгининг ривожланишига бирданига таъсир эта олиш хусусияти; **плейохромия** [плейо...+ юн. chroma – ранг] – рангнинг кўпайиши, хусусан, ўт (сафро) пигментларининг ортиқча ажралиши; **плейстосейстлар** [плейсто...+ юн. seistos – титраган, тебранган; ларзага келган] – географик харитада энг кучли зилзила (ер қи-

мирлаш) нукталаrinи бирлаштирувчи (кўрсатувчи) чизиқлар; **плейстоцен** [плейсто...+...цен] – Ер тариҳида тўртламчи давр (антропоген)-нинг қуи, энг кўп (таксинан бир миллион йил) давом этган, ҳаётнинг нисбатан янги кўплаб шакллари пайдо бўлган бўлими; **плеомастия** [плео...+ юн. mastos – кўкрак, кўкрак сўрғичи +...ия] – сут бези ёки эмчак учининг иккитадан ортиқ бўлиши (ривожланиш нуксони); **плеоморфизм** [плео...+ морф(о)...+...изм] – якка организм ёки бир турдан ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи бир неча хил шакллар ҳосил бўлиши; **плеоцитоз** [плео...+ цит(о)...+...оз] – орқа мия суюқлигига хужайра элементларининг кўпайиши.

ПЛЕКС... [лот. plexus – ўралашган, чирмашган; чигал] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нерв чигалига алоқадорликни билдиради. Mac.: **плексалгия** [plex...+...алгия] – нерв чигаллари жойлашган соҳалар – елка, куракдаги ва қўлнинг юқори қисмидаги оғрик; **плексиглас** [plex(i)...+ ингл. glass – шиша] – органик шиша асосида олинадиган қаттиқ, оптик шаффоф материаллар (пластмасалар)нинг умумий техник номи; полиметилметакрилат; **плексит** [plex...+...ит] – орқа миядан чиқадиган нерв чигалларининг ўткир яллиғланиши.

ПЛЕСС... [юн. plesso – ураман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қўл ёки бирор восита билан зарб бермоқ маъноси ни билдиради. Mac.: **плессиметр** [плесс(и)...+...метр] – перкуссия қилишда врач томонидан ишлатиладиган пластинкасимон маҳсус металл асбоб.

ПЛИ(О)... [юн. pleion – катта, улкан; кўп] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳажм, миқдор жиҳатдан катта, ортиқ деган маъноларни билдиради. Mac.: **плиопитеқ**; **плиозаврлар** [плио...+ ...завр] – юра ва бўр даврларида яшаган йирик, йиртқич, калла суяги 3 метргача бўлган денгиз судралиб юрувчилари; **плиоцен** [плио...+ ...цен] – неоген даврининг юқори бўлими бўлиб, 2 миллиондан 7 миллион йилгacha бўлган вақтни ўз ичига олади.

ПЛУТ... [юн. plutos – бойлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бойлика алоқадорлигини билдиради. Mac.: **плутократ** [плуто...+...крат] – ўзининг бойлиги туфайли обру қозонган ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланувчи шахс; **плутократия** [плуто...+...кратия] – ҳокимият расман ва батамом жамиятнинг энг бой, мулкдор табақа вакиллари – плутократлар қўлида бўлган давлат тузуми, бойлар ҳукмронлиги.

ПЛЮВИ... [лот. pluvia – ёмғир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёмғирга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **плювиометр**; **плювиограф** [плюви(о)...+...граф] – ёғаётган

ёмгирнинг шиддати ва миқдорини ҳамда ёғиш вақтини автоматик қайд этиб турадиган асбоб.

ПЛЮР... [лат. pluralis – қўп, хилма-хил] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўплик, хилма-хил деган маъноларни билдиради. Mac.: **плюрализм** [лат. pluralis +...изм] – 1) жамият сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли хил шаклларининг бир пайтда бирга яшаси, мавжуд бўлиши – демократик ҳуқукий жамият тузилишининг асосий тамойили; 2) ғоялар, қарашлар, манфаатларнинг танлаш эркинлигига имкон берувчи хилма-хиллиги, кўплиги; 3) борлиқнинг, ҳаётнинг бир неча (ёки кўпгина) мустақил ибтидоси ёки билимнинг бир неча асоси мавжуд, деб хисобловчи фалсафий қараш, таълимот; **плюрилатерал** [фр. plurilatéral – қўп томонлама < плюр(и)...+ лат. lateralis – ён, томон]: **плюрилатерал шартнома** – бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши мумкин (очик) бўлган шартнома, битим.

ПНЕВМА(ТО)..., ПНЕВМО(Н)... [юн. pneuma (pneumatos) – нафас олиш, ҳаво; енгил ҳаво оқими; pneumon – ўпка] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нафас олиш-чиқариш, газ, ҳаво ҳамда ўпка билан боғлиқ ҳаракат-ҳолат ёки касалликларни билдиради. Mac.: **пневматоз**, **пневматокардия**, **пневматометрия**, **пневматоцеле**; **пневмолиз**, **пневтометр**, **пневмония**, **пневмопатия**, **пневмосклероз**, **пневмотомия**, **пневмоцистит**; **пневматолиз** [пневмато...+...лиз] – магмадан ажралиб чиқсан рудали элементлар, газлар ва сув буғларига бой суюқликларнинг төғ жинслари билан ўзаро реакцияга киришиб, турли минераллар ҳосил бўлиши; **пневматофорлар** [пневмато...+...фор] – айрим тропик дараҳтларнинг ерусти (очик ҳаводаги) илдизлари бўлиб, ноқулай шароитларда ўсувлари ўсимликларнинг еости қисмларини ҳаво билан таъминлайди; **пневмоавтоматика** [пневмо...+ автоматика] – пневматик тизимлар ва курилмалар ёрдамида ишлабчиқариш жараёнларини автоматик бошқаришини ростлаб туриш усулларини ишлаб чиқиш, техника воситаларини яратиш билан шугулланувчи техника соҳаси; автоматик ростлаш ва бошқариш воситалари мажмуи; **пневмограмма** [пневмо...+...грамма] – кўкрак қафасидаги нафас олиш ҳаракатларини пневмограф ёрдамида ёзиб олинган график тасвири; **пневмография** [пневмо...+...графия] – одам ва ҳайвонлар кўкрак қафасининг нафас олиш вақтидаги ҳаракатини маҳсус асбоб – пневмограф ёрдамида ёзиб олиш; **пневмококклар** [пневмо...+...кокк] – одам ва ҳайвонларнинг нафас олиш аъзоларида яллиғланиш касалликларини келтириб чиқарувчи шарсизмон бактериялар; **пневмокониозлар** [пневмо...+ юн. konia – чанг + ...оз] – нафас аъзоларининг (ўпканинг) сурункали касб касалликлари;

корхоналарда заарли чангларни узоқ вақт ютишдан пайдо бўлади; **пневмоскоп** [пневмо...+...скоп] – нафас олиш қуввати ёки кучини кўрсатадиган асбоб; **пневмотерапия** [пневмо...+...терапия] – заряд-сизлантирилган ёки электр заряди билан бойитилган ҳаводан нафас олдириш ёрдамида ўпка касаллигини даволаш; **пневмоторакс** [пневмо...+ юн. torax – кўкрак] – плевра бўшлиғида ҳаво ёки газ тўпланиши; **пневмотранспорт** [пневмо...+ транспорт] – сочиувчан ва донали материалларни ҳаво ёки газ кучи билан ташишга имкон берадиган курилмалар мажмуи.

...**ПНОЭ** [юн. р noe – нафас олиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг нафас олиш, унинг турлича даражаси билан боғлиқлигини кўрсатади. Mac.: **гиперпноэ**, **ортопноэ**, **полипноэ**; **апноэ** [а...+...пноэ] – қонда карбонат ангирид камайган пайтларда нафас олишнинг вақтинча тўхтаб қолиши; **брэдипноэ** [брэди...+...пноэ] – нафас олишнинг секинлашиши (минутига 12 ва ундан ҳам кам марта бўлиши); **диспноэ** [дис...+...пноэ] – ҳарсилаш; нафас олишнинг қийинлашиши, унинг мароми ва чукурлигининг бузилиши; **таксипноэ** [такси...+...пноэ] – тез-тез нафас олиш; нафас сикилишининг бир тури (баъзи юрак касалликларида).

ПОД..., ...ПОД [юн. rus, podos – оёқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, оёқ маъносини билдиради: I. Қўшма сўзларнинг биринчи қисми. Mac.: **пододинамометр**, **подокарпус**, **подофиллум**; **подагра** [под...+ юн. agra – ўлжа, курбон, қопқон] – организмда пурин моддаси алмашинуви бузилишидан келиб чиқадиган сурункали касаллик; бўғимларда қаттиқ оғриқ хуружлари, уларнинг яллиғланиши ва деформацияси билан намоён бўлади; **подиатрия** [под...+...иатрия] – тиббиётнинг оёқ панжаси тузилишини ўрганиш ва турли касалликларини даволаш билан шуғулланувчи соҳаси; **подобромуидроз** [под(о)...+ бром(о)...+ юн. hidros – тер +...оз] – оёқнинг сассиқ терлаши; **подометрия** [под(о)...+...метрия] – оёқ панжасининг узунлигини аниқлаш усули; **подуралар** [под...+ юн. ura – дум, қуйруқ] – оёқдумлилар; тубан ёки бирламчи қанотсиз ҳашаротларнинг энг катта туркуми; **подэнцефалия** [под...+ юн. enkephalos – бош мия] – ривожланиш нуқсони; бунда бош миянинг кўп қисми калла бўшлиғидан ташқарида жойлашиб, у билан оёқча орқали боғланган бўлади. II. Қўшма сўзларнинг иккинчи қисми (асосан, кўплик қўшимчаси билан). Mac.: **артроподлар**, **брахиоподлар**, **зауроподлар**, **копеподлар**, **октаподлар**, **пантоподлар**, **псевдоподлар**; **гастроподлар** [гастро...+...под] – қориноёқли моллюскалар; деярли барча жойларда яшовчи қориноёқлилар синфи; **декаподлар** [дека...+...под] – 1) ўн оёқли қисқичбақасимонлар: асо-

сан, денгиз умуртқасиз ҳайвонлари туркуми; 2) цефалоподлар (ўнта пайпаслагиши бўлади); **орнитоподлар** [орнито...+...под] – кушларга ўхшаб икки оёқда ҳаракатланган ўсимликхўр динозаврлар; **цефалоподлар** [цефало...+...под] – бошоёқли моллюскалар; иссиқ денигизларда яшовчи, балиқ ва бошқа моллюскалар билан озиқланувчи йиртқич моллюскалар синфи.

ПОЗИТ... [*лот.* positivus – мусбат, ижобий] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ижобий, ҳақиқий, мусбат деган маъноларни билдиради. *Мас.*: **позитив** [*лот.* positivus – мусбат; ҳақиқий] – 1) негативдан кўчирилган ва нарсанинг ҳақиқий ранг-тусини (ок, кора ёки бошқа рангларни) акс эттирадиган фотосурат ва шундай сурат туширилган пластинка ёки плёнка; 2) фактларга, тажрибага асосланган; ишончли, тасдиқловчи; **позитивизм** [*фр.* positivisme <*лот.* positivus>] – барча ҳақиқий (позитив) билим – бирор фалсафанинг ўз устидан хукмронлигига муҳтож бўлмаган махсус фанлар тадқиқотларининг умумий натижасидир, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш; **позитрон** [*лот.* positi(vus) – мусбат +...tron] – мусбат электр зарядли элементар зарра; электроннинг антисарраси.

ПОЛЕМ(О)... [*юн.* polemos – уруш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг урушга, жанжалга, баҳс-мунозарага алоқадорлигини билдиради. *Мас.*: **полемика** [*юн.* polemikos – жанговар, жангари, уришқоқ] – бирор масала юзасидан бўлган тортишув, мунозара; бирор масалада фикрлар тўқнашуви; **полемология** [полемо...+...логия] – ижтимоий ҳодиса сифатида урушлар, уларнинг сабаблари, оқибатлари, олдини олиш усулларини ўрганувчи фан.

ПОЛИ... [*юн.* poly – кўп, кўп сонли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, иккинчи қисмдан англашилган бирор нарсанинг кўплигини, таркибан хилма-хиллигини кўрсатади. *Мас.*: **полигамия, полигон, полиграфия, полимастия, полиметрия, полиморфизм, полиорхизм, полиплегия, полиптих, полиурия, полифагия, полифония, полиэдр, полиэфирлар; полиандрия** [поли...+*юн.* aner (andros) – эркак, эр] – кўпэрлилик; хотин кишининг бир неча эри бўлиши; **полиартрит** [поли...+ артр(o)...+...ит] – бир неча бўғимнинг бир вақтда ёки кетма-кет яллиғланиши; **полигиния** [поли...+*юн.* gynе – аёл, хотин] – кўпхотинлилик; эркакнинг бир неча хотини бўлиши, бир неча хотинга уйланганлиги; **полиглот** [поли...+*юн.* glotta – тил] – кўп тилларни биладиган киши; **полидактилия** [поли...+*юн.* daktylos – бармоқ] – кўпбармоқлилик; туғма ривожланиш нуқсони: қўл ёки оёқда ортиқча бармоқ бўлиши; **полиемия** [поли...+...емия] – танада қон миқдорининг ҳаддан ташқари кўп бўлиши; **поликлиника** [поли...+ клиника] – тиббиётнинг кўп соҳалари бўйича қатнаб ёки

ўйда даволанувчиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси; **полимерлар** [поли...+...мер] – молекулалари кўп сонли такрорланувчи гурухлар (мономер звенолари)дан ташкил топган (бир неча мингдан бир неча миллионгача) юқори молекуляр массали кимёвий бирикмалар; **полиневрит** [поли...+ неврит] – кўплаб периферик нервларнинг яллигланиши; **полином** [поли...+ лот. nomen – ном, исм] – кўпҳад; ўзаро қўшув ёки аиирув белгилари билан бириккан, бир неча бирҳадлардан иборат алгебраик ифода; **полисахаридлар** [поли...+ сахаридлар, углеводлар] – жуда кўп моносахаридлар қолдиқларидан ташкил топган юқори молекуляр углеводлар (карбонсувлар); гидролиз жараёнида яна кўплаб моносахаридларга парчаланади; **полисемия** [поли...+ юн. sema – белги] – бир сўз ёки иборанинг бир неча маънога эга бўлиши, кўпмаънолилик; **политеизм** [поли...+ те(о)...+...изм] – бир неча худога сигинувчи, бир неча худони эътироф этувчи дин ёки диний эътиқод, кўлхудолилик; **политехника** [поли...+ техника] – техниканинг турли соҳаларини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган тармоқ; **полихромия** [поли...+ юн. chroma – ранг, бўёқ] – 1) амалий безак санъати, ҳайкалтарошлиқ, меъморлик асарларининг кўранглилиги; 2) бир қанча бўёқ (ранг)лар ишлатилган босма нашр.

ПОМ... [лот. pomus – мевали дарахт; ротум – мева; олма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мевага, олмага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **помада** [пом...+...ада] – турли хушбўй моддалар ва бўягичлар аралашмасидан тайёрланган косметик восита (ушбу сўз дастлаб олма ҳидли суртма маъносида ишлатилган); **помидор** [итал. pomidoro < рото d'oro – олтин олма] – сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг ейишли думалоқ қизил ҳосили; **помология** [помо...+...логия] – мевали ва резавор ўсимликлар навларини ҳамда улар билан боғлиқ илмий-амалий масалаларни ўрганувчи фан.

ПОНТ... [лот. pons (pontis) – кўприк] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўприкка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **понтон** [фр. ponton < лот. pons (pontis) – кўприк] – 1) вақтингчалик кўприк, иншоот ва шу кабиларни сувда кўтариб туриш учун хизмат қиласидиган таги ясси қайик; ана шундай қайиқларга ўрнатилган мувакқат кўприк; 2) сувга чўккан кемаларни кўтариб чиқадиган бочкасимон, ичи бўш пўлат курилма.

ПОПУЛ... [лот. populus – ҳалқ, аҳоли] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳалқа, оммага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **популизм** [попул...+...изм] – ғоявий-сиёсий мазмунига кўра хилма-хил бўлган ижтимоий оқимлар ва харакатларнинг кенг

оммага мурожаат қилиб, ўткир ижтимоий муаммоларни тез ва осон ҳал қилишга ваъда бериш сиёсати; **популяризация** [лат. *popularis* – халққа оид +...изация] – оммалаштириш, омма орасига ёйиш; маълум ва машҳур қилиш; **популяция** [лат. *populatio*] – эркин чатиша оладиган ёки шундай имкониятга эга бўлган, аниқ яшаш ареалини эгаллаган ва маълум даражада замон ва маконда бир-бирига ўзаро таъсир кўрса-тадиган организмлар гуруҳи.

ПОРН... [юн. *pornos* – фоҳиш, бузук] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, фаҳш, бузуклик маъноларини билдиради. Mac.: **порнографомания**; **порнография** [порно...+...графия] – адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, видеоёзув, радиоэшилтириш кабиларда жинсий ҳаётни вульгар-натуралистик, ҳаёсизларча тасвирлаш.

ПОРТ... [лат. *porta* – кириш қисм; эшик, дарвоза; *portare* – олиб (солиб) юрмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: I. Бирор ерга кириш жойи, эшик, дарвоза маъноларини билдиради. Mac.: **порт**, **портик**, **портьера**; **портал** [нем. *Portal* < лат. *porta* – эшик, дарвоза] – биноларнинг алоҳида безатилган кириш қисми; **портье** [фр. *portier* – дарвазабон, эшикбон < лат. *porta* – эшик, дарвоза] – меҳмонхоналарда хоналарнинг калитларини сақлаш ва почтани қабул қилиб олишга масъул эшикбон; швейцар. II. Бирор нарсани олиб (солиб) юриш, кўчиришга мўлжалланганликни билдиради; **портатив** [фр. *portative*, нем. *portative* – олиб (кўчириб) юриладиган < лат. *portare* – олиб юрмоқ] – 1) кўчириб олиб юриладиган орган (мусиқа асбоби); 2) кичик ўлчамли, ўзи билан бирга олиб юришга, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга қулай (*портатив магнитофон*); **портсигар** [фр. *porte-cigare*, *porte-cigarette* < лат. *portare* – олиб юрмоқ + сигарета] – папирос, сигарета, сигара солиб кўйила-диган қутича, папиросқути; **портупея** [лат. *portare* – олиб юрмоқ + ере – шпага; найзасимон қилич] – қилич, ханжар кабиларни тутиб (ушлаб) туриш учун елка ёки белга ўраладиган камар; **портфель** [фр. *porte-fouille* – қоғоздан; портфель < лат. *portare* – олиб юрмоқ + юн. *phylon* – барг; ваарақ] – 1) китоб, дафтар, қоғоз ва шу кабилар солиб юриладиган, илгакли ва дастали тўртбурчак сумка, папка. 2) нашриётлар, газета, журнал таҳририятлари томонидан нашр учун қабул қилиб олинган қўлёзма материаллар мажмуюи; **портшез** [лат. *portare* + *chaise* – стул] – енгил, усти ёпик, олиб юришга мўлжалланган яrimётиқ кресло.

ПОСС... [лат. *posse* – қила олмоқ; *possum* – куч, қувват; имконият] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кучга, имкониятга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **поссибилизм** [лат. *possibilis* – бўлиш мумкин бўлган, рўёбга чиқадиган +...изм] –

Францияда XIX аср охири – XX аср бошларидаги ишчилар ҳаракати; улар ўз тактикаларини “имкониятлар сиёсати” деб атаганлар; **поссибилист** – посибилизм иштироқчилари.

ПОСТ... [лат. post – кейин] – лотинча олд кўмакчи; ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, маълум вақтдан кейин, сўнг; кейинги, орқасидаги деган маъноларни билдиради. Mac.: **постлюдия**, **постмодернизм**, **постпаралитик**, **постпозиция**, **постфикс**; **постимпрессионизм** [пост...+ импрессионизм] – XIX аср охири – XX аср бошларида француз рассомлик санъатида импрессионизмга акс тарзда пайдо бўлган йўналишларнинг умумлашма номи; **постнатал** [пост...+ лат. natalis – туғилишга оид] – туғилгандан кейин бевосита пайдо бўладиган ёки юз берадиган; **постскриптум** [пост...+ лат. scriptum – кўлёзма, ёзилган асар] – тугалланган ва имзоланган хат охирода, одатда, P.S. ҳарфларини кўйиб, ундан кейин ёзиладиган қўшимча матн; **постэмбрионал** [пост...+ юн. лат. embrionalis – пуштга, эмбрионга оид] – мавжудотларнинг эмбрионал ҳолатдан кейинги, яъни туғилишдан кейинги ривожланиш даврига оид; **постэнцефалит** [пост...+ юн. enkephale – бош мия +...ит] – энцефалит касаллигидан кейинги ҳолат.

ПОТАМ(О)... [юн. potamos – дарё] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг дарёга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **потамобионтлар** [потамо...+...бионт] – дарёда яшашга мослашган организмлар; **потамология** [потамо...+...логия] – дарё гидрологиясининг эскича номланиши; **потамопланктон** [потамо...+ планктон] – дарё планктони.

ПОТЕНЦ(И)... [лат. potentia – куч, қувват; имконият < pote, potis – кучли, қудратли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг куч, қувватга, энергияга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **потенциал**, **потенциометрия**, **потенция**; **потенциалоскоп** [лат. potential – кучли; кучга оид, тегишли +...скоп] – электр сигналларни ёзиб олиш хоссасига эга бўлган электрон-нур хотира курилмаси; **потенциометр** [потенци(о)...+...метр] – 1) электр юритувчи куч ёки электр кучланиши, ток кучини компенсацион ўлчаш усулида аникладиган асбоб; 2) электр кучланишини бошқариб турувчи (созловчи) асбоб – кучланиш бўлгичи схемаси бўйича уланган ўзгарувчан резистор.

ПОЭ... [юн. poieo – яратаман] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ижод маҳсули, яратилган нарса маъноларини билдиради. Mac.: **поэзия** [юн. poiesis – асар, ижод; ижод маҳсули < poieo – яратаман] – 1) бадиий ижоднинг шеърий шакли, шеърият; назм; 2) бирор ҳалқнинг, даврнинг ёки шоирнинг шеърий асарлари мажмуи; шеърлар; **поэма** [юн. poëma – яратиш; яратилган

нарса] – 1) катта ҳажмдаги лиро-эпик шеърий адабий асар; 2) эркин курилишли, унча катта бўлмаган мусиқий лирик пьеса, бир қисмдан иборат йирик симфоник асар; **поэтика** [юн. poietike – яратиш, ижод қилиш санъати] – 1) адабиёт назариясининг бадиий асарлардаги ифода воситалари тизимини ўрганувчи соҳаси; 2) адабиётдаги бирор йўналишнинг ёки алоҳида ёзувчи, шоирнинг бадиий тамойиллари ва ўзига хосликлари тизими.

...ПОЭЗ [юн. poiesis – яратиш, ҳосил қилиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, яратилиш, ҳосил бўлиш; ишлаб чиқиши, ҳосил қилиш маъноларини билдиради. Mac.: **кольппоэз, лимфопоэз, миелопоэз, тромбопоэз, галактопоэз** [галакто...+ ...поэз] – сут безида сут ҳосил бўлиш жараёни; **гемопоэз** [гемо...+ ...поэз] – қон ишлаб чиқарувчи аъзо томонидан қон танаачаларининг яратилиши, кўпайиши; **лейкопоэз** [лейко...+...поэз] – лейкоцитлар – оқ қон танаачаларининг ҳосил бўлиш жараёни; **ономатопоэз** [ономато...+ ...поэз] – тавсифланаётган буюмдан чиқадиган овозни акс эттирувчи сўзларни ўйлаб топиш – кўпинча шизофрениклар турли неологизмларни ўйлаб топишга мойил бўладилар; **эритропоэз** [эритро...+...поэз] – физиологик шароитда илик тўқимасида эритробластлардан эритроцитларнинг ҳосил бўлиш жараёни.

ПРАГМАТ(О)... [юн. pragma (pragmatos) – иш, амалиёт; хатти-ҳаракат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, иш, амал, хатти-ҳаракат маъноларини билдиради. Mac.: **прагматагнозия** [прагмат(о)...+ а...+...гнозия] – оддин билган объекtlарни, нарсаларни танимаслик; **прагматизм** [прагмат(о)...+...изм] – билиш объекtlари онгдан мустақил равишда мавжуд бўлмайди, балки амалий вазифаларни ҳал қилиш жараёнидаги билишга оид ҳаракатлар билан шаклланади, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот бўлиб, у объектив ҳақиқатни билишни инкор этади; **прагматика** [юн. pragmatikos – ишбилармон, уddyaburon; тажрибали] – 1) семиотиканинг белги тизимлари ва улардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган соҳаси; 2) фойдаланувчининг белгилар тизимига муносабатининг ўзи.

ПРЕ... [лат. prae – олдинда, олд томонда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми; аввал, олдин, олдинда, олдиндан деган маъноларни билдирувчи олд қўшимча. Mac.: **преагонал, прегангrena, пресаркома, пресенил, пресуппозиция, презклампсия; президент** [лат. praesidens (praesidentis) – олдинда ўтирувчи] – 1) республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи; 2) баъзи ташкилот, илмий музассаса ёки жамиятлар ижроия органининг маълум муддатга сайлаб қўйилган раиси, раҳбари; **президиум** [пре...+ лат. sidere – ўтирмоқ]

– 1) мажлис, кенгаш ва шу каби катта йигилишларни коллегиал бошқариб бориш учун сайланган кишилар гурухи; ҳайъат. 2) баъзи давлат, сиёсий, ижтимоий, илмий ташкилот ёки муассасаларнинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи; **прелиюдия** [пре...+ лот. ludere – ўйнамоқ, чалмоқ] – бирор мусиқий асарга муқаддима ҳисобланадиган чолғу-мусиқий пьеса; **пренатал** [пре...+ лот. natalis – туғилишга оид]: **пренатал давр** – туғиш бошланишидан олдинги давр; **пропозиция** [пре...+ лот. position – вазият, ҳолат, мавқе] – гапда бир-бири билан ўзаро боғлиқ иккита сўздан бирининг бошқасига нисбатан ҳолати; **префикс** [пре...+...фикс] – сўз асоси (ўзаги) олдидан қўшиладиган аффикс; олд қўшимча.

ПРЕСБИ... [юн. presbys – қари] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қарилликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пресбиопия** [пресби...+...опия] – қариганда кўз гавҳари эластиклигининг камайиб бориши ёки йўқолиши натижасида кўз аккомодациясининг сусайиши, яқиндаги нарсаларни кўра олмаслик; **пресбиестезия** [пресби...+ юн. aisthesis – сезги, хис-туйғу] – қарилликда тери сезувчанигининг пасайиши; **пресбиофрения** [пресби(о)...+ юн. phren – ақл, хотира] – ёши катта кишиларда учрайдиган касаллик, ақлипастликнинг бир кўриниши.

ПРЕСС... [лот. pressus – босим, босиш < pressere – босмоқ, қисмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, босим, босиш, қисиш ҳамда матбуот маъноларини билдиради. Mac.: **пресс-атташе, пресс-бюро, пресс-конференция, пресс-релиз; прессорецепторлар** [прес(о)...+ рецептор] – қон томири деворидаги таъсирчан нерв толалари; **пресс-папье** [фр. presse-papiers < presser – қисмоқ, босмоқ + papier – қофоз] – босма қофоз маҳкамланадиган канцелярия асбоби, босма; **пресс-қолип** [пресс...+ қолип] – керамика, металл, пластмасса, резина ва бошқа материалларни пресслаш йўли билан маълум шаклдағи ҳажмий буюлар олишга мўлжалланган мослама.

ПРИМ... [лот. prima, primitus, primitivus – биринчи, дастлабки] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, биринчи, дастлабки; ибтидоий каби маъноларни билдиради. Mac.: **прима, прима-балерина, примула; примадонна** [итал. prima donna – биринчи хоним < лот. prima – биринчи] – опера ёки опереттада бош (биринчи) партияларни ижро этувчи аёл хонанда; **приматлар** [лот. primates – биринчи ўринда турганлар, дастлабкилар] – юксак (олий) сутэмизувчилар туркуми; чаламаймунлар ва одамсимон маймунлар туркумчаларини ҳам қамраб олади; **приматология** [примат(лар) +...логия] – зоологиянинг приматларни ўрганувчи бўлими; **примитив** [лот. primitivus – энг биринчи; ибтидоий] – 1) санъат тараққиётининг илк даврида

яратилган асар; 2) илмга асосланмаган; замонавий талабларга жавоб бермайдиган; оддий, содда; қолоқ; **примитивизм** [примитив +...изм] – XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келган, бадиий воситаларни соддалаштиришга ва примитив (ибтидоий) шаклларга мурожаат қилишга асосланган авангارد санъат оқими.

ПРО... I [лот., юн. pro – олдинга, олдиндан] – ўзлашма ясама сўзларда олд қўшимча бўлиб, олд томонга, олға, илгари, олдиндан деган маъноларни билдиради. Mac.: **провизор, проект, прожектор, про-кариотлар, промоторлар, протеза, профаза; прогнатизм** [про...+ юн. gnathos – жағ +...изм] – одам калла суяги юз қисмининг кучли равиша олдинга туртиб чиқиши; **прогноз** [юн. prognosis – олдиндан кўриш, билиш; башорат < про...+ юн. gnosis – билим, билиш; таълимот] – бирор воқеа-ҳодиса (об-ҳаво, касаллик, хатти-ҳаракат)нинг келгуси ривожланиши ва оқибат-натижаси ҳақида маҳсус тадқиқотларга асосланган хулоса; башорат; **прогрессия** [про...+ лот. gressio – юриш, ҳаракат; ўсиш] – ҳар бири ўзидан олдинги сонга белгили сонни қўшиш ёки кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган сонлар қатори; **проекция** [лот. projectus – олдинга туртиб чиқсан, кўриниб турган < про...+ лот. jectare – иргитмоқ, отмоқ] – 1) бирор нарсанинг текислиқдаги, масалан, қоғоздаги акси, тасвири; 2) оптик асбоблар воситаси билан экранга туширилган тасвир; **пролог** [про...+...лог] – 1) театрда: спектакль бошланиши олдидан ижро этиладиган, томошибинларни спектаклни идрок қилишга тайёрловчи кўриниш, саҳна; 2) адабий-бадиий асарларда: асосий баёндан олдин келадиган воқеаларни тасвирловчи ёки уларни тушунтирувчи муқаддима қисми; **пропедевтика** [юн. propaideuo – олдиндан ўқитаман] – бирор фанга кириш, муқаддима; бирор фанга тайёрлаш курси.

ПРО... II [юн. pro – учун, ўрнига] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўринбосар, ўрнига мажбуриятни бажарувчи маъноларини билдиради. Mac.: **проректор** [про...+ лот. rector – бошқарувчи, раҳбар] – олий ўқув юртларида ректорнинг маълум соҳа бўйича ўринбосари.

ПРОКТ(О)... [юн. proktos – тўғри ичак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тўғри ичакка алокадорлигини билдиради. Mac.: **проктейриз, проктодиния, проктопексия, проктоспазм, проктэктомия; проктит** [прокт(о)...+...ит] – тўғри ичак шиллиқ пардасининг яллиғланиши; **проктология** [прокто...+...логия] – тиббиётнинг тўғри (йўғон) ичак, анал канали ва оралиқ соҳа касалликларининг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш усусларини ўрганувчи бўлими; **прокторрагия** [прокто...+...рагия] – тўғри ичакдан кўп миқдорда қон аралаш йиринг ва шил-

лиқ ажралиши; **проктоскопия** [прокто...+...скопия] – түғри ичакни проктоскоп билан текшириш, күриш; **проктостеноз** [прокто...+ юн. stenos – торайиш] – түғри ичакнинг торайиши ёки сиқилиши; **проктотомия** [прокто...+...томия] – туғма бекик орқа чиқарув тешигини кесиб, түғри ичак йўлини очиш.

ПРОЛ(И)... [лат. proles – авлод, насл] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг авлод, наслга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пролетарий** [лат. proletarius – насл, авлод қолдирувчи] – 1) қадимги Римда ўз авлодидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, энг камбағал фуқаролар қатлами; 2) ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ёлланма ишчи; **пролиферация** [проли...+ лат. fero – олиб бораман, ўтказман +...ация] – организмда янги хужайралар ҳосил бўлиши ва кўпайиши натижасида тўқималарнинг ўсиб кетиши; **пролификация** [проли...+...фикация] – ўсимликларда: ўсишдан ва ривожланишдан тўхтаган бирорта аъзодан бошқа бир аъзонинг ривожланиши.

ПРОТ(О)..., ПРОТЕРО... [лат. protos – энг биринчи, proteros – иккитадан биринчиси; анча олдинги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирламчи, асл, бошланғич, ибтидо ҳамда олий даража (мансаб) маъноларини англатади. Mac.: **протактиний, протандрия // протерандрия, протерозой, протодъякон, протопластлар, протопресвитер, проторенессанс; протанопия** [прот(о)...+ ан...+...опия] – туғма ҳолдаги қисман ранг ажрата олмаслик; бунда қизил рангни идрок қилиш йўқолади; **протерогиния // протогиния** [прото(протеро)...+ юн. gyne – аёл; урғочи] – уругчининг чангчига нисбатан эртароқ етилиши; **протограф** [прото...+...граф] – анча кейинги даврларга тегишли матнлар, нусха ва таҳрирларга асос бўлган қўлёзма; **протозоа** [прото...+ юн. zoa – ҳаёт] – барча бир хужайрали энг содда организмлар учун қабул қилинган умумий ном; **протозоология** [прото...+ зоология] – зоологиянинг бир хужайрали содда ҳайвонлар типини ўрганувчи бўлими; **протонерей** [прото...+ юн. hiereus – коҳин < hieros – муқаддас] – православ черковида: катта (юқори мартабали) рухоний; **протокол** [фр. protocole < юн. protokollon – биринчи варақ < прото...+ юн. kollao – елимлайман (ёзган одам номи ҳамда сана кўрсатилган ҳолда ўрама хатга елимлаб қўйилган)] – 1) баённома – мажлис, йигилиш, суд жараёни ва шу кабилардаги барча ҳаракатларнинг ёзма баёнидан ва қабул қилинган қарорлардан иборат расмий хужжат; 2) мансабдор шахс томонидан тузилган, у амалга оширган хатти-ҳаракатлар ва аниқлаган фактлар тавсифидан иборат далолатнома; 3) халқаро конференция қабул қилган ва халқаро шартнома кучига эга бўлган қарор; про-

топлазма [прото...+...плазма] – жонивор ва ўсимликлар организми хужайраларидағи ҳаёттің жараёнлар учун энг керакли модда; тирик хужайранинг цитоплазма ва ядродан ташкил топған таркибий қисми; **прототип** [прото...+...тип] – бадий образ яратышда муаллифга бош манба, намуна бўлган реал шахс.

ПСАММ(О)... [юн. psammos – кум] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кумга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **псаммитлар, псаммокарцинома, псаммома; псаммон** [псамм...+ юн. on – борлик, мавжудот] – кўл ва дарё қирғоқларидаги нам кумларда яшашга мослашган организмлар; **псаммотерапия** [псаммо...+...терапия] – даволаш усули; кумга кўмилиб даволаниш; **псаммофиллар** [псаммо...+...фил] – кумда, унинг қатламларида ва юзасида яшашга мослашган организмлар; **псаммофитлар** [псаммо...+...фит] – учма кумларда ўсадиган чўл ўсимликлари.

ПСЕВДО... [юн. pseudos – ёлғон, сохта] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, иккинчи қисмнинг сохта, ёлғон эканлигини англатади. Mac.: **псевдоангиома, псевдоанимия, псевдококайн, псевдомания, псевдомнезия, псевдосклероз, псевдоцирроз; псевдоартроз** [псевдо...+ артр(о)...+...оз] – сохта бўғим; синган суяклар тўғри битмай, улар бўғимлари орасига мушаклар ёки бошқа тўқималар кириб қолиши, суякларнинг бир-биридан ажралиб кетиши сабабли пайдо бўладиган бўғим; **псевдогевзия** [псевдо...+...гевзия] – сохта таъм сезиш; йўқ нарсалар мазасини ҳис қилиш; **псевдогидрофобия** [псевдо...+ гидро...+...фобия] – руҳий касалликларда: сувдан сохта кўркиш; **псевдология** [псевдо...+...логия] – ўз шахсини яхши кўрсатиш мақсадида ёлғон, уйдирма ва ғайритабиий фикрларни сўзлашга мойиллик; **псевдоморфозлар** [псевдо...+ юн. morphosis – ҳосил бўлиш, шаклланиш] – таркиби ва ички тузилишига ташки шакли мувофиқ бўлмаган минерал ҳосиллар; **псевдоним** [юн. pseudonymos – ёлғон, сохта ном эгаси < псевдо...+...оним] – ёзувчи, шоир, сиёсий арбоб томонидан ўз исми ўрнида кўлланадиган сохта, ўйлаб топилган ном, исм; тахаллус, лақаб; **псевдоплегия** [псевдо...+...плегия] – организмда нерв толалари бузилмай туриб, фалажлик белгиларининг кўриниши; сохта фалаж; **псевдоподиялар** [псевдо...+...под] – бир хужайрали организмлардаги ва кўп хужайрали организмларнинг эркин ҳаракатланувчи хужайраларидаги мувакқат цитоплазматик ўсимталар (ҳаракатланиш ва озиқ моддаларни қамраб олиш учун хизмат қиласи); **псевдосмия** [псевд(о)...+...осмия] – ҳид билиш галлюцинацияси, йўқ нарсалар ҳидини сезиш.

ПСИЛ(О)... [юн. psilos – яланғоч, туксиз, силлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яланғоч, силлик каби маъноларни

ифодалайди. Mac.: **псиломелан** [псило...+ юн. melas (melanos) – қора] – марганецнинг кора, баъзан кўнғир рангли мураккаб гидроксидларидан иборат минераллар гурухининг умумлашма номи; **пцилофитлар** [пцило...+...фит] – кирилиб, йўқолиб кетган ўтсимон ёки дараҳтсимон ўсимликларнинг энг қадимги ва содда бўлими.

ПСИХ(О)... [юн. psyche – рух] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг руҳиятга, онгга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **психиатр, психиатрия, психика, психогениялар, психопат, психопатия, психотроп, психофизиология, психастения** [пцих(о)...+ юн. astheneia – кучсизлик, ожизлик, заифлик] – руҳий ожизлик: 1) неврознинг бир хили, бунда киши мияси таҳликали ўй-фикрлар билан банд бўлади; 2) киши феъл-атворидаги патологик ҳолат; **психопатиянинг** бир хили: ўз-ўзига ишонмаслик, ҳамма нарсадан шубҳаланиш, иккиланиш, ваҳимага тушиш билан ифодаланади; **психоанализ** [пцихо...+ анализ] – руҳий фаолиятни, руҳни таҳлил этиш; руҳий фаолиятнинг англаб бўлмайдиган томонларини таҳлил қилиш усули; **психозлар** [пцих(о)...+...оз] – психик (руҳий) касалликлар – бош мия фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган хасталиклар; уларнинг пайдо бўлишида ирсий омил (насл) асосий ўрин тутади; **психолингвистика** [пцихо...+ лингвистика] – нутқий ифодаларнинг пайдо бўлиши ҳамда нутқнинг тил тизими билан ўзаро муносабатда ўзлаштирилиши қонуниятларини ўрганувчи фан; **психология** [пцихо...+...логия] – 1) инсон руҳий (психик) фаолияти ва ҳайвонлар хатти-харакатининг қонуниятлари, шакллари, ривожланиши ҳақидаги фан; 2) бирор фаолият турига боғлиқ бўлган руҳий (психик) жараёнлар мажмуи; 3) кишининг ички дунёси, кечинмалари, характер хусусиятлари, руҳий ҳолати; **психометрия** [пцихо...+...метрия] – руҳий жараёнларни маҳсус усуллар билан ўлчаш ва уларни математик нутқтаи назардан текшириш; **психопатология** [пцихо...+ патология] – психиатриянинг руҳий касалликлар, патологик жараёнлар ва ҳолатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш механизmlари, келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг ўтиши қонуниятларини ўрганувчи ҳамда уларни таснифлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **психотерапия** [пцихо...+...терапия] – беморларни даволаш мақсадида улар учун қулай шарт-шароит яратиб, ширинсўзлик, хушмуомалалик билан улар онгига руҳий таъсир этиш.

ПСИХР(О)... [юн. psychros – совук] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, совукқа оид деган манони билдиради. Mac.: **пцихрофиллар, психрофитлар, психрофоблар, психрофор; психрометр** [пцихро...+...метр] – ҳаво намлиги ва ҳароратини аниқлашда ишлатиладиган асбоб; **пцихротерапия** [пцихро...+...терапия] – касал-

ни совуқ таъсирида даволаш; **психрофобия** [психро... + ...фобия] – со-
вуқдан қўрқиши.

ПСОР... [юн. psora – қичима] – ўзлашма қўшма сўзларнинг тарки-
бий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қичима касаллигига алоқадорлигини
 билдиради. Масалан: **псориаз** [псор...+...иаз] – келиб чиқиши но-
 маълум сурункали тери касаллиги (пўстлокли темиратки); **псориазин**
 [псориаз +...ин] – таркибида дихлорэтилсульфид ва вазелин бўлган,
 псориазни даволашда қўлланадиган суртма; **псороптоз** [псоро...+...птоз]
 – ҳайвонлар (кўпинча қўй, қорамол, от, қуён)да псороптидалар (тери
 каналари) кўзгатадиган инвазион касаллик.

ПТЕР(О)... [юн. pteron – қанот] – ўзлашма қўшма сўзларнинг тарки-
бий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қанотли ҳайвонларга алоқадорлигини
 билдиради. Mac.: **птеранодон** [птер...+ юн. anodontos – тишсиз] – катта
 бош ва тишсиз жағға эга бўлган, учиб юрувчи, улкан қазилма калтаке-
 саклар гуруҳи; **птеродактиль** [птеро...+ юн. daktylos – бармоқ] – бўр
 даври бошларида яшаган, унча катта бўлмаган (15 – 20 см) учувчи калта-
 кесаклар гуруҳчаси; **птерозаврлар** [птеро...+...завр] – юра ва бўр давр-
 ларида барча қитъаларда яшаган судралиб юрувчилар туркуми.

ПТИАЛ(О)... [юн. ptyalon – сўлак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сўлак ва сўлак безига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **птиализм** [питал(о)...+...изм] – сўлакнинг ортиқча ажралиши, сўлакнинг оқиши; **птиалин** [птиал...+...ин] – сўлак амилазаси – сўлак безлари ишлаб чиқарадиган ва мураккаб углеводларни оддий углеводларга парчалайдиган фермент; **птиалит** [птия(л)...+...лит] – сўлак тошлари; **птиалореакция** [птиало...+ реакция] – сўлакда ўтказиладиган реакция; **птиалорея** [птиало...+...рея] – ҳаддан ташқари кўп сўлак ажралиши.

...ПТОЗ [юн. ptosis – тушиш, силжиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, бирор аъзонинг ўз ўрнидан силжиши, пастга тушиши маъноларини билдиради. Mac.: **блефароптоз**, **висцероптоз**, **гистероптоз**, **колоноптоз**, **проктоптоз**, **спланхноптоз**, **тиреоптоз**; **гастроптоз** [гастро...+...птоз] – меъда (ошқозон) бойламларининг бўшашиб кетиши натижасида унинг пастга тушиб қолиши; **гепатоптоз** [гепато...+...птоз] – жигарнинг ўз ўрнидан пастрок тушиши; жигарнинг одатдан ташқари пастда жойлашуви ва ҳаракатчан бўлиб қолиши; **мастоптоз** [масто...+...птоз] – сут безининг ўз оғирлиги таъсирида шаклини йўқотиши, чўзилиши ва пастга тушиши; **нефроптоз** [нефро...+ ...птоз] – буйракларнинг ўз ўрнидан пастга тушиб қолиши; **онихоптоз** [онихо...+...птоз] – тирноқнинг тушиб кетиши; **проптоз** [про...+...птоз] – олдинга силжиш, кўзғалиш; **спленоптоз** [сплено...+ ...птоз] – қоражигар (талоқ)нинг ўз ўрнидан силжиб пастга тушиши.

ПУЛЬВЕР... [лат. pulvis (pulveris) – чанг, кукун] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг чангга, кукунга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пульверизатор** [фр. pulvérisateur < лат. pulverisare – чангитмоқ, чангитиб сепмоқ] – суюқ ёки кукун моддаларни пуркайдиган ёки чангитиб сепадиган асбоб; **пульверизация** [фр. pulvériser < пульвер...+...изация] – 1) суюқликларни пульверизатор билан пуркаш, чангитиб сепиш; 2) кўпинча кекирдак, томоқ ва бурун касалликларида суюқ дориларни маҳсус пуркагич асбоб ёрдамида юбориш.

ПУЛЬМО..., ПУЛЬМОНО... [лат. pulmo (pulmonis) – ўпка] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўпка га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пульмометрия** [пульмо...+...метрия] – ўпка ҳажмини ўлчаш; **пульмонология** [пульмоно...+...логия] – тиббиётнинг ўпка, бронхлар ва плевранинг тузилиши, иш фаолияти ҳамда касалликларини ўрганувчи, ушбу касалликлар профилактикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **пульмонэктомия** [пульмон(о)...+...эктомия] – ўпка тўқимасининг бир қисмини кесиб олиб ташлаш.

ПУНКТ... [лат. punctum – санчиш; нуқта < punctege – санчмоқ, санчиб тешмоқ; нуқта кўймоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг санчиш, уколга ҳамда нуқта (тиниш белгиси)га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пунктограмма** [пункто...+...грамма] – ёзма нутқда пунктуация қоидаларига мувофиқ ҳолда қўлланган тиниш белгиси; **пунктуация** [нем. Punktuation < лат. punctege – нуқта кўймоқ +...ация] – 1) тиниш белгиларини қўллаш қоидалари тўплами; 2) матнда тиниш белгиларининг кўйилиши; **пункция** [нем. Punktion < лат. punctio – санчиб тешиш, укол] – даволаш ёки профилактика мақсадларида бирор тана бўшлигини, тўқималарни ковак игна билан тешиш.

ПУПИЛЛО... [лат. pupilla, pupula – кўз қораҷиги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўз қораҷиги билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **пупиллография** [пупилло...+...графия] – кўз қораҷигининг катта-кичиклигини чизиб кўрсатиш; қораҷик реакциясини ёзма текшириш усули; **пупиллометр** [пупилло...+...метр] – кўз қораҷигининг кенглигини ўлчайдиган асбоб; **пупиллоплегия** [пупилло...+...плегия] – кўз қораҷигининг ёруғлик таъсирида оғриши.

ПУР... [лат. rugus – соф, тоза] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, соф, тоза, аниқ деган маъноларни англатади. Mac.: **пурген, пуринлар** (кимёда), **пуританлар**; **пуризм** [пур...+...изм] – 1) адабий тилни бошқа тиллардан олинган ўзлашмалар, нео-

логизмлардан, вульгаризмлардан тозалашга интилиш; 2) урф-одатларнинг соғлиги ва жиддийлигига интилиш.

ПЬЕЗО... [юн. piezo – босаман, қисаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг босимга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **пъезокварц**, **пъезоэлектр**; **пъезография** [пъезо...+...графия] – жисмларда босим таъсирида юзага келадиган ўзгаришларни график шаклда текшириш усуллари; **пъезомагнетизм** [пъезо...+магнетизм] – антиферромагнетикларнинг ташки босим таъсири остида магнитланганлиги; **пъезометр** [пъезо...+...метр] – 1) газ, суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг атрофлама босим таъсири остидаги сиқилиш даражасини ўлчайдиган қурилма; 2) қаттиқ жисмларнинг чизиқли деформациясини ўлчайдиган қурилма; 3) терининг босимни сезиш даражасини ўлчайдиган асбоб.

P

РАБД(О)... [юн. rhabdos – чивик, новда; тола] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мушакка, мушак толаларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **рабдовируслар**, **рабдомиобластома**; **рабдомиома** [рабдо...+ ми(о)...+...ома] – кўндаланг-тарғил мушак толаларидан ўсиб чиқадиган хавфсиз ўсма; **рабдомиосаркома** [рабдо...+ мио...+ сарк(о)...+...ома] – хавфли рабдомиома.

РАДИ(О)... [лот. radius – нур] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг нурга, нурланишга, нур тарқатишга, радиацияга, радиога алоқадорлигини билдиради. Mac.: **радиоактивлик**, **радиоалоқа**, **радиобиология**, **радиография**, **радиодиапазон**, **радиозонд**, **радиокимё**, **радиокомпас**, **радиола**, **радиолокация**, **радиомарказ**, **радиометрия**, **радионавигация**, **радиопеленг**, **радиосигнал**, **радиотелеграф**, **радиотелефон**, **радиотехника**, **радиотоксикология**, **радиотўлқинлар**, **радиоузаткич**, **радиофизика**, **радиоэшиттириш**, **радиус**; **радиатор** [лот. radiare – нур чиқармоқ, тарқатмоқ + лот. tor – от ясовчи қўшимча] – 1) ички ёниш двигателидаги совитувчи суюқлик ёки совитувчи мой ҳаракатини пасайтирувчи асбоб; 2) катта биноларда ишлатиладиган иситиш асбоби; 3) иш пайтида қизиб кетадиган радиотехник элементларни совитувчи қурилма; **радиация** [лот. radiatio – нурланиш] – ядрорий ўзгаришлар оқибатида вужудга келадиган электромагнит ва корпускуляр нурланишлар; **радий** [лот. radium < radius – нур] – Менделеев даврий системасининг II гурухига мансуб радиоактив кимёвий элемент; соғ радий – хавода тез оксидланадиган кумушдек оқ металл; **радио** [лот. radio – нурла-

наман, нур тарқатаман] – 1) ахборотларни электромагнит түлкінлар ёрдамида узок масофадан симли ёки симсиз узатиш ва қабул қилиш усули; 2) симсиз узатиш усулига асосланиб физик ҳодисаларни ўрганиш ва бу усулдан турли соҳаларда турли мақсадлар учун фойдаланиш; 3) радиотүлкінларни қабул қилувчи, симга уланган аппарат; **радиоаппаратура** [радио...+ аппаратура] – грампластиинка, магнит тасмаси, оптик диск, дискета кабиларга ёзилган ёки антенна ёрдамида қабул қилиб олинган электрсигналларни қайта ўзгартирувчи курилмалар; **радиограмма** [радио...+...грамма] – радио орқали юборилган хабар ёки маълумот; **радиолиз** [радио...+...лиз] – моддаларнинг ионловчи нурланиш таъсири остида кимёвий ёки физик-кимёвий ўзгариши; **радиолог** [радио...+...лог] – 1) радиоактив ҳодисалар бўйича мутахассис; 2) радиоактив моддалар билан даволаш бўйича мутахассис врач; **радиология** [радио...+...логия] – тибиётнинг касалликларни аниқлаш ва даволаш учун ионловчи нурланишдан фойдаланишни, нурланишларнинг организмга таъсири ҳамда нурланишдан ҳимоялаш муаммоларини ўрганадиган соҳаси; **радиолокатор** [радио...+ локатор] – радиолокацион станция, радар; муйян масофадаги обьектлар (самолёт, кема кабилар)нинг турган жойини ҳар қандай кўриниш шароитларида аниқлай оладиган курилма; **радиоспорт** [радио...+ спорт] – қисқа ва ультрақисқа түлкінлар диапазонида ҳаваскорлик радиоалокасини ўрнатиш бўйича мусобақалар; **радиостудия** [радио...+ студия] – радиоэшилтиришлар олиб бориладиган, микрофонлар ва товушюткич материаллар билан жиҳозланган бино; **радиотелескоп** [радио...+ телескоп] – осмон жисмларининг радионурланишини қайд этиб борувчи курилма; **радиотерапия** [радио...+...терапия] – касалликларни радиоактив моддаларнинг ионловчи нурланиши ёрдамида даволаш; **радиофобия** [радио...+...фобия] – радиациядан, нурланишдан ёки шунга алоқадор ҳодисалардан қўркиш; **радиоэлектроника** [радио...+ электроника] – фан ва техниканинг ахборотларни электромагнит тебранишлар ва түлкінлар тарзида узатиш ва ўзгартириш билан боғлик соҳалари мажмуи.

РАДИК... [лат. radix – илдиз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, илдиз, асос, туб маъноларини билдиради. Мас.: **радикализм**, **радикотомия**, **радикула**, **радикуляр**; **радикал** [лат. radical – илдизга тегишли; туб, асосли] – 1) туб ва қатъий ўзгаришлар тарафдори; радикализм тарафдори ёки радикал партия аъзоси; 2) илдиз чиқариш амалининг белгиси – $\sqrt{}$ ва шу амалнинг натижаси; 3) молекулада бир кимёвий бирикмадан иккинчи кимёвий бирикмага ўзгармасдан ўтадиган атомлар гурухи; **радикулит** [лат. radicula – орқа миянинг нерв илдизчаси +...ит] – орқа мия нерв илдизчаларининг яллигла-

ниши; радикулоневрит [радикул(о)...+ неврит] – орка мия нервлари ва улар илдизчаларининг бир пайтда яллигланиши.

РАМ... [лат. ramus – шох, бутоқ, новда; тола; ramiculus – шохча] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шохча, шохчага ўхшаш; тола деган маъноларни билдиради. Mac.: **рамисэктомия, рамитис; рамикотомия** [рами(ко)...+...томия] – симпатик нерв системасининг бириктирувчи оқ толаларини кесиш; **рамификация** [рами...+...фикация] – шохчаларга (тармоқларга) бўлиниш.

РАР... [лат. raritas – ноёб, камёб] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ноёб, камёб каби маъноларни билдиради. Mac.: **раритет** [нем. Rarität < лат. raritas] – камдан-кам учрайдиган, ноёб, кимматбаҳо нарса.

РАТИ... [лат. ratus – тасдиқланган, қонуний кучга эга] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тасдиқланган, юридик жиҳатдан ҳақиқий деган маъноларни билдиради. Mac.: **ратификация** [лат. ratificatio < ratus – ҳал қилинган, тасдиқланган +...фикация] – аҳдлашувчи давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартноманинг муайян давлатда юридик кучга эга бўлишини олий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши.

РАХИ(O)... [юн. rhachis – умуртқа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг умуртқага, умуртқа погонасига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **рахиалгия, рахианестезия, рахи(о)-лиз, рахиометр, рахиомиелит, рахиоплегия, рахиотомия; рахиграф** [рахи...+...граф] – елка ва умуртқа погонасининг контурини ёзадиган асбоб; **рахит** [рахи...+...ит] – ёш болалар организмида минераллар алмашинуви бузилиши ва D витаминининг етишмаслиги натижасида содир бўладиган касаллик (оёқ қийшиқлиги ривожланади); **рахитермометрия** [рахи...+ термо...+...метрия] – орка мия суюклиги хароратини ўлчаш.

РАЦИ(O)... I [лат. ratio – ақл, ақл-идрок] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ақл-идрокка, ақлий меҳнатга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **рационал, рационализатор, рационалист; рационализация** [лат. rationalis – ақлли, оқилона +...изация] – фаолиятнинг бирор соҳасини такомиллаштириш, ишни янада яхшироқ ташкиллаштириш; **рационализм** [лат. rationalis – ақлли, оқилона +...изм] – ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-авторининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

РАЦИ(O)... II [лат. ratio (rationis) – ўлчов, ҳисоб] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳисоб, ўлчов, ҳисоблаб чиқариш маъноларини билдиради. Mac.: **рацион** [нем. Ration < лат. ratio – ўлчов] – маълум муддатга мўлжалланган ва миқдори, таркиби белгилangan овқат ёки озуқа, ем.

РЕ... I [лат. *realis* – моддий; ҳақиқий <*res* – нарса, буюм; модда] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, моддий, ҳаққоний деган маъноларни билдиради. Мас.: **реализм** [лат. *realis* +...изм] – 1) адабиёт ва санъатда воқеликни, ҳаётни бадиий воситалар орқали ҳаққоний ва бутун тўлалиги билан акс эттиришга интиувчи оқим; 2) онгдан ташқаридағи мавжуд реаллик гўё идеал объектларнинг мавжудлигидан ёки субъект – билиш жараёни ёки тажрибага боғлиқ бўлмаган билиш объектидан иборатdir, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш; **ребус** [лат. *rebus* – барча нарсалар билан (тасвирланган) <*res* – нарса, буюм + *bus* – ҳамма] – топилиши керак бўлган сўз ёки ибора сурат, ҳарф ва баъзи шартли белгилар кўринишида ифода этиладиган жумбоқ.

РЕ... II [лат. *re* – яна, қайта, такрор] – ўзлашма ясама сўзлар таркибидағи олд қўшимча бўлиб: 1) муайян ҳаракат ёки воқеа-ходисанинг қайтарилишини, тикланишини, такрорланишини, янгидан бошланишини (реконструкция, ревакцинация); 2) қарама-қарши ҳаракатни, қарши, акс таъсирни (реакция, регресс) билдиради. Мас.: **реактив, реактивация, ревальвация, редукция, реинвестиция, репарация, репродуктив, ресинтез, реэспорт; реабилитация** [лат. *rehabilitatio* – тиклаш, аслига қайтариш <*re*... + лат. *habilitas* – яроқлилик, лаёқатлилик] – 1) организмнинг издан чиққан функцияларини ҳамда беморлар ва ноғиронлар меҳнат қобилиятини тез ва тўла-тўқис тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; 2) ноҳақ жазоланган, қораланган шахснинг аввалги хукуқлари, обўси, қадр-қимматининг тикланиши, унинг тамоман оқланиши; **реампутация** [ре...+ лат. *amputatio* – кесиш, киркиш, кесиб (киркиб) ташлаш] – ампутация бўлган ерда битмайдиган яралар пайдо бўлса ёки ўша ерларни протезлашга мослаш керак бўлса, қайтадан ампутация қилиш; **реанимация** [ре...+ лат. *animatio* – жонлантириш, тирилтириш] – клиник ўлим ҳолатидаги кишиларни тирилтириш, шунингдек, ҳаётий мухим аъзоларнинг турли сабаблар билан бузилган ёки тўсатдан йўқолган функцияларини қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи; **регенерация** [лат. *regeneratio* – қайта тиклаш, янгилаш <*re*...+ лат. *generatio* – туғилиш, келиб чиқиши] – организмнинг ҳаёт давомида йўқотган ёки шикастланган тўқима ва аъзоларини тиклаш хусусияти, шунингдек, унинг айрим қисмларидан бир бутун организмнинг қайта тикланиши; **реимплантация** [ре...+ лат. *im* (*in*) – ичига, ичида + *plantatio* – экиш; ўтқазиши] – ҳайвон ёки ўсимлик танасида тўқима ёки аъзоларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазиш ва уларнинг янги жойда яшаб кетиши; **реимпорт** [ре...+ ингл. *import* < лат. *importare* – олиб келмоқ, киритмоқ] – чет элга чиқариладиган, аммо у ерда қайта ишлов берил-

маган ва истеъмол қилинмаган товарларни қайтадан мамлакатнинг ўзига олиб келиш; **реинверсия** [ре...+ лот. inversio – айланиш, орқага ўгириши] – ағдарилиб, тескари бўлиб қолган аъзоларни, хусусан, бачадонни ўзининг асли ҳолатига, асли жойига келтириш; **реинфекция** [ре...+ лот. infectio – сингдириш, юқтириш] – бир одамга бир хил юкумли касалликнинг даволаниш даврида қайта юқиши; **рекомбинация** [ре...+ лот. combinatio – бирикиш, бириктириш] – 1) биологияда: тирик организмларда генетик материалнинг наслда қайта тақсимланиши; 2) кимёда: бетартиб ҳаракат натижасида ҳар хил ишорали ионларнинг ўзаро учрашиб, нейтрал молекулалар (атомлар)ни ҳосил қилиш жараёни; **ремилитаризация** [ре...+ лот. militaris – ҳарбий +...изация] – қайтадан куроллантириш, куролсизлантирилган томоннинг, мамлакатнинг армиясини, ҳарбий саноат ва истехкомларини қайтадан тиклаш; **реземиграция** [ре...+ лот. emigratio – кўчиш, кўчиб кетиш, кўчириш] – эмигрантларни, чет мамлакатга кўчиб кетган кишиларни ўз ватанига қайтариш; репатриация.

РЕГ... [лот. regula – меъёр, мезон; қоида < regulare – йўналтирмоқ, тартибга солмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бошқариш, тартибга солиш (келтириш)га оид деган маъноларни билдиради. Mac.: **регламент** [фр. reglement – бошқариш < лот. regula – қоида] – 1) давлат органи, муассаса, ташкилот кабиларнинг иш тартибни белгиловчи қоидалар мажмуи; 2) мажлис, кенгаш, анжуман, сессия ва шу кабиларни ўtkазиш тартиби; **регулятор** [лот. regulare – тартибга солмоқ] – машина, механизмларнинг бир текис ишлашини, юришини таъминлаб турадиган ёки ҳарорат, босим, тезлик кабиларни бирдай сақлайдиган асбоб, мослама.

РЕКТ(О)... [лот. rectus – тўғри, тик; оддий] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўғри, оддий; тўғри ичак каби маъноларни билдиради. Mac.: **ректификат, ректостеноз, ректостомия, ректотомия, ректоцеле; ректалгия** [рект...+...алгия] – тўғри ичакнинг пастки қисми невралгияси; **ректит** [рект...+...ит] – тўғри ичакнинг яллигланиши; **ректификация** [лот. rectificatio – тўғрилаш < ректи...+...фикация] – суюқ аралашмалар компонентларини ректификацион колонналарда ҳайдаш (буғга айлантириш) усулида ажратиш; **ректолог** [ректо...+...лог] – тўғри ичак касалликларини даволашга ихтисослашган врач; **ректоскопия** [ректо...+...скопия] – оптик асбоб – ректоскоп билан тўғри ичакнинг ички юзаси ва бўшлигини текшириб кўриш.

РЕН(О)... [лот. gen, genes – буйрак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг буйракка, буйрак касалликларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **ренал** (буйракка оид), **реноавгография; ренин** [рен...+...ин] – буйрак ишемиясида ёки қон босими

камайганда ажраладиган протеолитик фермент; **рено...+графия** – радиографик усул ёрдамида буйракларни текшириш; **ренопатия** [рено...+...патия] – буйракларнинг турли хил касалликларини англатувчи умумий термин.

РЕНТГЕН(О)... [нем. Röntgen – немис физиги Вильгельм Рентген номидан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг рентген нурлари, улар ёрдамида турли касалликларни аниқлаш ва даволаш билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **рентгенанатомия**, **рентгенодиагностика**, **рентгенология**, **рентгенометр**, **рентгенометрия**, **рентгеноспектроскопия**, **рентгенотерапевт**, **рентгенотехника**; **рентгенограмма** [рентгено...+...грамма] – ички аъзоларнинг рентген нурлари ёрдамида олинган сурати; **рентгенография** [рентгено...+...графия] – текширилаётган объектнинг барқарор негатив тасвирини рентген нури ёрдамида маҳсус плёнка ёки пластинкага туширишдан иборат рентгенологик текшириш усули; **рентгенолог** [рентгено...+...лог] – рентген асбоблари ёрдамида касалликларни аниқловчи ва даволовчи врач; **рентгеноскопия** [рентгено...+...скопия] – ички аъзоларни коронтирилган хонада экранда кўриб туриб текшириш – асосий рентгенологик текшириш усулларидан бири; **рентгенотерапия** [рентгено...+...терапия] – рентген нурлари ёрдамида бир қатор касалликларни (хавфли ўсмаларни, қон ишлаб чиқарувчи аъзолар касалликларини) даволаш; **рентгенэпиляция** [рентгено...+ эпиляция] – айrim тери касалликларида рентген нурлари таъсир эттириб сочни тушириш.

РЕО... [юн. rheos – оқиш, оқим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг оқимга, оқишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **реобионтлар**, **реовирус**, **реография**, **реотропизм**, **реохорд**; **реобаза** [рео...+ юн. basis – асос] – анча узоқ таъсир кўрсатиш билан тирик тўқималарда кўзғалиш ҳосил қила оладиган энг паст доимий электр токи кучи; **реокардиография** [рео...+ кардио...+...графия] – қон айланишига оид функцияларни текшириш усули; **реология** [рео...+...логия] – физиканинг моддалар оқувчанлиги ва деформацияланиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи соҳаси; **реометр** [рео...+...метр] – газ сарфини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **реостат** [рео...+...стат] – электр занжиридаги ток ёки кучланишни ростлаб турадиган асбоб, қурилма; **реофиллар** [рео...+...фил] – оқар сувларда ва денгизнинг сув кўтарилиб қайтадиган саёз ва доимий оқим таъсирида бўлган қисмида яшашга мослашган организмлар.

РЕПТ... [лот. reptilis – судралувчи] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, судралувчи, судралиб юрувчи маъноларини билдиради. Mac.: **рептилиялар** [лот. reptile – судралиб юрувчилар]

– судралиб, ўрмалаб юрувчи умуртқали ҳайвонлар синфи: хамелеон, илон, калтакесак, тошбақа, тимсоҳ кабиларни ўз ичига олади.

РЕТИ(Н)..., РЕТИКУЛ(О)... [лат. retīna – тўрпарда; retīculum – кичкина тўр, тўрсават, панжара; кўз] – ўзлашма ясама, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тўрга, кўз тўрпардасига алоқадорлигини билдиради. Mac.: ретикулосаркома, ретикулоцит, ретина, ретинобластома, ретинол, ретинопапиллит; ретикулома [ретикул(о)...+...ома] – ретикула ҳужайраларидан пайдо бўлган ўсма; ретикуляр [лат. reticularis – кўз тўрпардасига оид] – тўрга ўхшаш, тўр-тўр, тўрсимон (масалан, ретикуляр тўқума); **ретинит** [ретин...+...ит] – кўз тўрпардаси (ретина)нинг яллиғланиши; **ретиноз** [ретин...+...оз] – кўз тўрпардасида нормал модда алмашинувининг бузилиши; **ретинопатия** [ретино...+...патия] – кўз тўрпардасининг яллиғланишсиз кечадиган касалликлари; **ретиноскопия** [ретино...+...скопия] – рентгеноскоп ёрдамида кўз тўрпардасини текшириш; **ретинофот** [ретино...+...фот (фото...)] – кўз тўрпардасининг суратини олиш учун ишлатиладиган асбоб.

РЕТРО... [лат. retro – орқага, орқада] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ниманингdir орқасида, орқасига, орқа томонга каби маъноларни билдиради. Mac.: ретроверсия, ретродевиация, ретроморфоз, ретроперитонит, ретроплазия, ретропозиция; **ретрогения** [ретро...+...гения] – ривожланиш нуқсони; пастки жағ суюгининг (пастки тиш қаторининг) одатдаги жойидан орқага силжиган ҳолати; **ретрогнатия** [ретро...+ юн. gnathos – жағ, тишлар қатори] – юқори жағнинг одатдаги туришидан, пешона фронтал кесимидан орқага сурилганлиги; **ретрографад** [лат. retrogrades – орқага юрувчи] – дунё-караши қолоқ бўлган, тараққиёт (прогресс)га душман бўлган киши; **ретроспекция** [ретро...+ лат. spectare – қарамок] – ўтмишга назар, мурожаат, ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни таҳлил қилиш, на-зардан ўтказиш; **ретрофарингит** [ретро...+ фаринг(о)...+...ит] – томоқ шиллиқ пардаси девори орқа қисмининг яллиғланиши; **ретрофлексия** [ретро...+ лат. flexio – эгилиш, букилиш] – бирор аъзо ёки унинг қисмининг орқага эгилиши, масалан, бачадон юкори қисмининг орқага аномал эгилиши.

РЕФРАКТ... [лат. refractus – синган, эгилган, кийшайган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишда ёруғлик йўналишининг ўзгаришини билдиради. Mac.: рефрактометрия, рефрактор, рефрактура; **рефрактометр** [рефракто...+...метр] – нур синиши кўрсаткичини ўлчайдиган асбоб; **рефрактоскоп** [рефракто...+...скоп] – кўзнинг нур синдириш кучини текширувчи асбоб; **рефракция** [лат. refractio – эгилиш, букилиш; ўз-

гариш] – 1) ёруғлик, товуш ёки электромагнит түлкінлари тарқалиш йұналишининг мухит хилма-хиллиги туфайли ўзгариш (әгилиш, қийшайиш) ҳодисаси; 2) күз гавҳарининг доимо ўз танасини ўзgartириб, күзнинг күриш қобилиятыни атроф-мұхитта мос slab туриши.

...РЕЯ [юн. rheo – оқаман] – ўзлашма құшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирор аъзо ёки унинг қисмидан суюқлик ажралиб чиқишини (оқишини) билдиради. Mac.: **гематорея, гонорея, гонобленнорея, ларингорея, сперматорея, урорея; бленнорея** [бленно...+...рея] – күз шиллик пардасининг ўткир йириングли яллиғланиши бўлиб, унда қовоқ, күз шиллик пардаси шишади, териси қизаради, кўздан йириング оқади; **галакторея** [галакто...+...рея] – ҳомиладорликка боғлик бўлмаган ҳолда сут безидан ўз-ўзидан сут ажралиб туриши ва ҳайз кўрмасликдан иборат патологик ҳолат; **лимфорея** [лимфо...+...рея] – лимфа томирларининг шикастланиши оқибатида тана юзаси ёки бўшлиғига лимфа суюқлигининг оқиши; **оторея** [ото...+...рея] – қулоқдан йириңг оқиши; **пиорея** [пио...+...рея] – йириңг чиқиши; оқиши; **ринорея** [рино...+...рея] – тумов натижасида бурундан назла (суюқлик) келиши.

РИГ... [лат. rigere – мустахкам, қаттиқ бўлмок] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қаттиқлашиш, қотиб қолиш, қатъийлик маъноларини билдиради. Mac.: **ригоризм** [фр. rigorisme < лат. rigor – қатъийлик +...изм] – муайян тамойил қоидаларига, айниқса, ахлоқ масалаларига катъий, оғишмай амал қилиш; **риgidлик** [лат. rigidus – қаттиқ (қатъий)] – 1) мушаклар тонусининг кучайиб кетиши натижасида баъзи аъзолар (кўл-оёқ) ёки гавда қисмларининг (таёқдек) қотиб қолиши; 2) психик (рухий) жараёнларнинг, фикрлашнинг ўзгарувчан мухит талабларига мос равища йұналиш, кўзғалиш ва мосланыш қобилиятынинг пастилиги, сустлиги.

РИЗ(О)... [юн. rhiza – илдиз] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг илдиз, асос, негиз маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **rizома, ризоменингомиелит; ризоидлар** [риз(о)...+...оид] – мөғор замбуругларида бўладиган соч (тола) симон ўсимталар бўлиб, илдиз вазифасини бажаради; **ризосфера** [ризо...+...сфера] – ўсимлик илдизларига бевосита тегиб турадиган ва микроорганизмларга бой тупроқ қатлами; **ризотомия** [ризо...+...томия] – орқа мия канали ичидаги орқа мия нервлари илдизласини кесиш.

РИН(О)... [юн. rhinos – бурун] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бурунга ва бурун касаллклари га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **ринобленнорея, риновирус, риноларингит, ринометр, ринонекроз, ринорея, риностеноз, ринофарингит; ринит** [рин...+...ит] – бурун бўшлиғи шиллик парда-

сининг яллигланиши; ринолит [рино...+...лит] – бурун тоши; бурун бўшлиғига бирор ёт жисм тушгандан сўнг унинг атрофида оҳак тузлари йигилишидан ҳосил бўлган тош; **ринология** [рино...+...логия] – тиббиётнинг бурун ва бурун бўшлигининг тузилиши, касалликлари, уларнинг олдини олиш ва даволаш масалаларини ўрганадиган бўлими; **риномикоз** [рино...+...микоз] – бурун бўшлиғи шиллик пардасининг замбуруғли (замбуруғлар қўзғатадиган) касалликларининг умумий номи; **ринопластика** [рино...+...пластика] – жарроҳлик йўли билан бурун шаклинни тузатиш ёки уни янгидан ясаш (пучук бурунни тўғрилаш); **риноррагия** [рино...+...ррагия] – бурун қонаши, бурундан қон келиши; **риноскоп** [рино...+...скоп] – пешонага тақиладиган ва бурун бўшлигини қўрсатадиган қўзгули оптик асбоб; **риноскопия** [рино...+...скопия] – бурун бўшлигини риноскоп ва бурун кенгайтирувчи мослама ёрдамида текшириш усули; **ринофима** [рино...+ юн. phuma – шиш, ўсимта] – буруннинг устки қисмидаги теридан ўсиб ҳосил бўлган ўスマлар.

РОД(О)... [юн. rhodon – атиргул] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг гулга, атиргулга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **родаминлар**, **роданиллар**, **родий**, **родопсин**, **родоцит**; **рододендрон** [родо...+ юн. dendron – дараҳт] – верескдошларга мансуб бута ёки кичикрөк дараҳтлар туркуми; **родология** [родо...+...логия] – ботаниканинг раъногулдошлар оиласини ўрганувчи бўлими; **родонит** [родо(н)...+...ит] – занжирсизмон силикатлар кенжা синфига мансуб минерал: кальций ва марганецнинг қизғиши, донадор ва зич масса кўришишидаги мураккаб силикати; **родохрозит** [родо...+ юн. chrosis – ранг + ...ит] – карбонатлар синфига мансуб, асосан, икки валентли марганец карбонатдан иборат қизғиши рангли минерал; **родофан** [родо...+ юн. phan – ёрқин] – кўз тўрпардаси колбачаларидаги қизил пигмент.

РОТ... [лат. rotare – айлантирамоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ғилдирак; айлана, айланиш, айлантириш деган маъноларни билдиради. Mac.: **ротаметр** [лат. rotare – айлантирамоқ + ...метр] – 1) суюқлик ёки газ сарфи ўлчанадиган асбоб; 2) машина узели ва асбоблар деталлари ўлчамлари ўлчанадиган пневматик асбоб; 3) матбаада қолип пластиналарининг ғадир-будурлигини ўлчайдиган асбоб; **ротапринт** [лат. roto – айлантираман + ингл. print – босмоқ] – оғсет босма усулида ишлайдиган, ихчам босма машина; **ротатор** [лат. rotator – айлантирувчи] – қўлёзма, чизма, расм ва бошқалардан нусха кўчирадиган, уларни кўпайтириб берадиган аппарат.

...РРАГИЯ [юн. rrhagos – оқиши, оқиб кетиши; ғиртилган, ёрилган, тешилган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор аъзо ёки тўқимадан кучли ёки аномал равишда суюқлик чиқишини,

окишини билдиради. Mac.: ларингоррагия, одонторрагия, офтальмопррагия, риноррагия, уретроррагия, уроррагия, энтероррагия; бленноррагия [бленно...+...ррагия] – баъзи аъзолардан шиллик аралаш йиринг ажралиши; геморрагия [гемо...+...ррагия] – қон окиши; қон томирларининг бутунлигига путур етганда (кесилганда, ёрилганда), ўтказувчанлиги бузилганда, қоннинг томир ташқарисига оқиб кетиши; меноррагия [мено...+...ррагия] – хайз конининг кўп ва бир неча кун (беш кундан ортиқ) келиши; метроррагия [метро...+...ррагия] – хайз кўришдан ташқари вақтларда бачадондан бетартиб қон келиши; оторрагия [ото...+...ррагия] – битта ёки иккала қулоқдан қон окиши; плазморрагия [плазмо...+...ррагия] – қоннинг суюқ қисми – плазманинг қон томирларидан ташқарига чиқиши; прокторрагия [прокто...+...ррагия] – тўғри ичакдан кўп миқдорда қон аралаш йиринг ва шиллик ажралиши; стоматоррагия [стомато...+...ррагия] – оғиз қонаши; оғиздан қон окиши.

РУБ(Р)... [lot. ruber – қизил; rubor – қизиллик, қизил ранг] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қизил, қизил ранг (сиёҳ) маъноларини билдиради. Mac.: рубеллит, рубероид, рубидий, рубин; рубрика [lot. rubrika – қизил тупроқ; қонун сарлавҳаси] – 1) газета, журнал ва бошқа нашрларда бирор бўлимнинг сарлавҳаси (қадимда салавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган); 2) босма асарларда бўлим, графа; рубеола [рубе(р)...+...ола] – болаларнинг ўтқир юқумли касаллиги; қизилча; руброфития [рубро...+...фит] – тери ва тирноқларнинг замбуруғли касаллиги; руброфобия [рубро...+...фобия] – қизил рангдан, қизил рангга бўялган нарса, буюм ва бошқалардан қўрқиб ваҳимага тушиш; эритрофобия.

РУД... [lot. rudis – дағал, ишлов берилмаган; ривожланмаган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, дастлабки, ибтидо ҳолда қолган, ривожланмаган; дағал; хомаки маъноларини билдиради. Mac.:rudиментар (аъзо) [lot. rudimentar – ривожланмаган, йўқолаётган; қолдик] – 1) организмнинг эволюцион тараққиёти давомида ўз аҳамиятини йўқотган ва йўқотиб бораётган (аъзо); 2) куракоёкли ҳайвонларнинг орқа оёқлари қолдиги;rudимент [lot. rudimentum – ибтидоий, бошланғич асос; ривожланмаган муртак] – 1) организмнинг эволюцион тараққиёти жараённида ўз аҳамиятини йўқотган тана аъзоси ёки шу аъзонинг қолдиги; 2) йўқ бўлиб кетган нарса, ҳодисаларнинг сарқитлари, қолдиклари.

РУПТ... [lot. ruptus – йиртилган, бузилган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, йиртилиш, ёрилиш, узилиш каби маъноларни билдиради. Mac.: руптура [рупт...+...ура] – бирор аъзонинг ташқи муҳит таъсирида ёрилиб, йиртилиб шикастланиши.

САГИТТ... [лат. *sagitta* – ўқ, найза] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўқ, найза; дудама пичоқча маъноларини ифодалайди. Mac.: **сагитта** [лат. *sagitta*] – ўлжани икки тутам қил-илмоклари билан чанглаб оладиган, денгизларда яшовчи йирткич умуртқасиз жонзотлар; **сагиттал** [лат. *sagittalis*] – танани узунасига (бўйига) ўнг ва чап яримларга бўлувчи, юқоридан пастга ўрта чизиқ бўйлаб ўтувчи (текислик).

САКР... [лат. *sacrum* – илоҳий, муқаддас буюм; ибодат] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, диний, илоҳий, муқаддас маъноларини ифодалайди. Mac.: **сакрал**, **сакраментал**; **сакристия** [лат. *sacrum* – муқаддас, азиз жой] – католиклар ибодатхонасида: ризалар ва черков анжомлари сакланадиган жой; ризахона.

САЛЬПИНГ... [юн. *salpinx* (*salpingos*) – най, труба] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бачадон найчалари, Евстахий найчаси маъноларини англатади. Mac.: **сальпингит**, **сальпинголизис**, **сальпингофорит**, **сальпинготомия**, **сальпингоцеле**; **сальпингография** [сальпинго...+...графия] – бачадон ичи инъекцияси ёрдамида контраст модда киритилиб, фаллопий наиларининг биттаси ёки иккитасининг рентгенографиясини олиш.

САН... [лат. *sanus* – соғ, соғлом] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, соғлиқ, соғломлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **санаторий**, **санитария**; **санация** [лат. *sanatio* – даволаш, соғломлаштириш] – 1) соғломлаштириш, санитария шароитларини яхшилаш; 2) оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш чора-тадбирлари; 3) банк ва корхоналарнинг синишига йўл қўймасликка ёки уларнинг рақобатбардошлигини кучайтиришга қаратилган тадбирлар; **санитар** [лат. *sanitas* – соғломлик, саломатлик] – даволаш муассасаларида касалларга қаровчи, тозаликни сакловчи кичик тиббиёт ходими.

САНГВ... [лат. *sanguis* – қон] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, тез эмоцияга берилувчан, қони қайнок (одам) маъносини билдиради. Mac.: **сангвиник** [сангв(и)...+ рус. -ник – шахс оти ясовчи қўшимча] – ўз мизожи билан бошқа одамлардан ажралиб турувчи, тез эмоцияга берилувчи шахс.

САНТИ... [лат. *centum* – юз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билдирган асосий ўлчови бирлигидан 100 марта кичикликни билдиради. Mac.: **сантиграмм** [санти...+ ...грамм] – граммнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови бирлиги; **сантиметр** [санти...+...метр] – метрнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови бирлиги.

САПРО... [юн. sapros – чириган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, чириш, ириш, бузилиш каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **сапрогенлар, сапропель, сапротрофлар, сапрофитлар; сапробионтлар** [сапро...+...бионт] – органик моддалар билан ифлосланган сувларда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар; **сапропелитлар** [сапро...+ юн. pelos – балчик, лой +...ит] – сув ҳавзалари тубида тўпланиб қолган органик моддалар қолдиқларининг ўзгаришидан ҳосил бўлган маҳсулотлар; қазиб олинадиган кўмирлар гурухи; **сапрофаглар** [сапро...+...фаг] – организмларнинг (йиринглаган) қолдиқлари, бошқа ҳайвонларнинг ажралмалари билан озиқланадиган ҳайвон ва ўсимликлар.

САРК(О)... [юн. sarx (sarkos) – эт, гўшт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг гўштга, юмшоқ тўқима ва мушак толаларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **саркоаденома, саркобласт, саркоидоз, саркоплазма, саркостоз, саркоцеле; сарколемма** [сарко...+ юн. lemma – пўст, пўстлоқ, қобиқ] – силлиқ ва кўндаланг-тарғил мушак толаларини, шунингдек, юракнинг мушак толаларини ўраб турувчи юпқа қобиқ (парда); **сарколиз** [сарко...+...лиз] – кўндаланг-тарғил мушак толаларининг, юмшоқ тўқиманинг ферментлар таъсирида эриши; **саркология** [сарко...+...логия] – тиббиётнинг танаёдаги юмшоқ тўқималарни ўрганувчи бўлими; **саркома** [сарк(о)...+...ома] – асосан, бириктирувчи тўқимадан, баъзан сук жумигидан пайдо бўладиган хавфли ўсма; **саркофаг** [сарко...+...фаг] – тош, мармар ёки ёғочдан ясаладиган улкан тобут ёки сафана.

САХАР... [рус. сахар < юн. sakchar – қанд, шакар < санскритча sakchara – қум] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қанд, шакар маъноларини билдиради. Mac.: **сахаридлар, сахариметр, сахаромикоз; сахариметрия** [сахар(и)...+...метрия] – маҳсус асбоб – сахариметрдан фойдаланиб, эритмадаги қанд микдорини аниқлаш усули; **сахарин** [сахар...+...ин] – рангсиз, ширин таъмли кристалл модда; **сахароза** [сахар...+...оза] – шакарқамиш ёки лавлаги шакари (қанди); дисахаридлар гурухига мансуб углевод: қаттиқ, рангсиз кристалл модда.

СЕБ(О)... [лот. sebum – ёғ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ёғ маъносини англатади. Mac.: **себореид, себоррагия; себолит** [себо...+...лит] – ёғ безларида тош ҳосил бўлиши; **себорея** [себ(о)...+...рея] – теридаги ёғ безлари функциясининг бузилиши; кучли даражада ёғ ажралиши билан кечадиган тери касаллиги.

СЕЙСМО... [юн. seismos – ер силкиниши, қимираши; зилзила] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ер қимирашига, еrostи силкинишларига алоқадорлигини кўрсатади.

Мас.: **сейсмостезия, сейсмобардошлиқ, сейсмоген, сейсмометрия, сейсмонастия, сейсмотектоника; сейсмограмма** [сейсмо...+...грамма] – зилзила ёки портлаш натижасида юзага келадиган ер тебранишлари ёки силкинишларининг маҳсус асбоб – сейсмограф ёрдамида қайд этилган график тасвири; **сейсмограф** [сейсмо...+...граф] – зилзила ёки портлаш пайтида вужудга келадиган ер тебранишлари ва силкинишлари (сейсмик сигналлар)ни қайд килиш учун мўлжалланган асбоб; **сейсмология** [сейсмо...+...логия] – геофизиканинг зилзилалар, уларнинг содир бўлиш сабаблари ва оқибатларини ўрганадиган бўлими; **сейсмометрия** [сейсмо...+...метрия] – сейсмологиянинг зилзила пайтида грунт, бино ва иншоотларнинг тебранишларини ёзиб олувчи асбоблар ва усулларни яратиш билан шуғулланувчи бўлими; **сейсмотерапия** [сейсмо...+...терапия] – касални механик тарзда тебрантириш (вibration) билан даволаш.

СЕКВ... [лат. sequor – бориш, кетиш, эргашиш; sequestrum < sequestro – ташқарига (алоҳида) қўяман, ажратаман] – ўзлашма ясама сўзларнинг ўзак қисми бўлиб, ажралиш, ажралган нарса маъноларини билдиради. Мас.: **секвенция, секвестротомия, секвестрэктомия; секвестр** [лат. sequestrum] – 1) муайян мол-мулк ёки маблағдан фойдаланишга давлат органлари томонидан давлат манфаатлари учун кўлланадиган тақиқ ёки чеклов; 2) бирон-бир аъзонинг (кўпинча суюкнинг) тирик қисмидан ажралиб чиқсан ўлган қисми; **секвестрация** [лат. sequestrum +...ация] – ўлган тўқима билан тирик тўқима чегарасида реактив яллиғланиш рўй бериб, ўлган тўқиманинг тирик тўқимадан бутунлай узилиб чиқиши; секвестр ажралиб чиқиши.

СЕКС... I [лат. sexus – жинс] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ушбу сўзларнинг жинсга, жинсий алоқага оидлигини билдиради. Мас.: **сексапил, сексолог, сексонатолог, сексуал; сексология** [сексо...+...логия] – жинсий ҳаёт тўғрисидаги билимлар ва илмий тадқиқотлар соҳаси; инсон жинсий ҳаётининг тиббий-биологик, ижтимоий-тарихий ва психологик жиҳатларини қамраб олувчи турли хил тадқиқотлар мажмуудан иборат тиббий-биологик соҳа; **сексонатология** [сексо...+ патология] – тиббийтнинг инсон жинсий ҳаёти ва ҳатти-харакати билан боғлиқ касалликларни, уларнинг келиб чиқишини ҳамда олдини олиш усулларини ўрганувчи, уларни аниқлаш ва даволаш билан шуғулланувчи соҳаси.

СЕКС... II [лат. sex – олти; sexta, sextus – олтинчи] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, олти, олтинчи маъноларини билдиради. Мас.: **секста, секстаккорд, секстант, секстина; секстет** [нем. Sextett < итал. sextetto < секст...+...етто < лат. sex – олти] – 1) олти ижрочи (созандо ёки хонандо)дан иборат ансамбль; 2) шундай (олти

кишилик) ансамбль ижросига мўлжалланган мусика асари; **семестр** [фр. semestre < лот. sex + mensis – ой, вақт ўлчови] – яримийиллик; олти ойлик муддат.

СЕК(Т)... [лот. seco, secare – кесмоқ, бўлмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, кесиш, бўлиш, ажратиш маъноларини билдиради. Mac.: **секанс**, **секта**; **секатор** [фр. secateur < лот. secare – кесмоқ] – боғбонлар ишлатадиган қайчи; токқайчи; **сектор** [лот. sector – кесувчи]: 1) **ясси сектор** – геометрияда эгри чизикли жисм майдонининг бир қисми бўлиб, у фигура ичидағи бир нуқтадан чиқувчи икки тўғри чизик ва улар ўртасидаги эгри чизик кесмаси билан чегараланган бўлади; 2) радиал чизиклар билан чегараланган жой, майдон; 3) муассаса ёки ташкилотнинг муайян ихтисослик йўналишидаги бир бўлаги; бўлим, бўлинма; **секция** [лот. sectio – кесма; кесиш, қирқиши] – 1) муайян муассаса ёки ташкилотнинг бир қисми, бўлинмаси; 2) бирор машина ёки техник қурилманинг кўплаб бир хил қисмларидан биттаси (масалан, иситиш батареясининг секцияси); 3) тураржойлар ёки саноат биноларининг тўлиқ режалаштирилган бир бўлаги; 4) савдо корхоналарининг бир турдаги товарлар сотишга мўлжалланган алоҳида бир бўлими; 5) тиббиётда мурдани (ўликни) ёриш.

СЕКУНД... [лот. secundus – иккинчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, минутнинг олтмишдан бир қисмiga тенг вақт ўлчови бирлигини билдиради. Mac.: **секундомер** [секундо...+...мер] – вақт оралиғини секундлар ва секунднинг улушларида, минутлар, соатларда аниқ ўлчайдиган асбоб.

СЕЛЕН(О)... [юн. selene – Ой < selos – нур, ёғду] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг Ойга, Ойнинг ўрганилишига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **селенит**, **селенография**, **селеноцентрик**; **селенодезия** [селено...+ юн. daio – бўламан] – астрономиянинг Ой шакли ва ўлчамларини ўрганадиган соҳаси; **селенология** [селено...+...логия] – планетология (сайёрашунослик)нинг Ой сирти тузилишини ва кимёвий-минералогик таркибини ўрганиш билан шугулланадиган соҳаси.

СЕМА..., СЕМИО... [юн. sema, semeion – белги, маъно] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, белги, маъно, мазмун каби маъноларни англатади. Mac.: **сема**, **семема**, **семиография**, **семиология**; **семантика** [юн. semantikos – ифодаловчи, билдирувчи] – 1) айрим сўзлар ва сўз қисмларининг, сўз биримларининг маъновий (мазмуний) томони; 2) тилшуносликнинг тил бирликлари, энг аввало, сўз маъносини ўрганадиган соҳаси; **семасиология** [юн. semasia – белги, ифода +...логия] – тилшуносликнинг тил бирликлари маъносини ва бу

маъноларнинг ўзгаришларини ўрганувчи бўлими; **семафор** [сема...+ фор] – 1) светофор; чорраҳаларда ва пиёдалар ўтиш йўлларида транспорт ва одамлар ҳаракатини автоматик ёки механик тарзда тартибга солувчи асбоб; 2) темир йўллардаги стационар сигнал қурилмаси; **семиотика** [юн. *semeiotike* – белгилар ҳакидаги фан < *semeion* – белги] – 1) тиббий диагностиканинг касалликларнинг белгиларини, уларнинг ҳарактерли кўшилмаларини ўрганувчи соҳаси; 2) ахборот узатиш усулларини, табиий ва сунъий тиллардаги белги ва белги тизимларининг хоссаларини, физикавий, кимёвий, диний, афсонавий (сехрли) ва бошқа рамзларни ўрганувчи фан.

СЕМИ... [лат. *semi* – ярим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ярим, яримта маъноларини ифодалайди. Mac.: **семисидерация**; **семифлексия** [семи...+ лат. *flexio* – букилган] – кўл-оёқларнинг ярим букилган ҳолда туриши.

СЕМ(ИН)... [лат. *semen* (*seminis*) – уруғ, тухум; сперма; кўчат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг эркаклар уруғига, спермага алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **семинация** [лат. *seminatio* – уруғлантириш] – дилоқ (кин) ёки бачадонга уруғ киритиш; уруғлантириш; **семинома** [семин...+...ома] – уруғдоннинг етилмаган эпителий хужайраларидан ўсиб чиқадиган хавфли ўсма; **семинурия** [семин...+...урия] – уруғнинг сийдик билан ажралиши.

СЕНС... // СЕНТ... [лат. *sensus* – сезги, туйғу, ҳис; *sentio* – сезаман, ҳис қиласман] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сезги, ҳис-туйғу, идрок маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **сенсибилизатор**, **сенситограмма**, **сенситометрия**, **сенсопатия**, **сенсор**, **сентиментализм**; **сенсация** [лат. *sensatio* – таассурот; сезиш, ҳис қилиш] – 1) бирон-бир воеа, ҳабар билан кишиларда кўзгатилган кучли таассурот; 2) овоза, ҳаяжон, кучли қизиқишга сабаб бўлган ана шу воеанинг, ҳабарнинг ўзи; **сенсибилизация** [лат. *sensibilis* – сезиларли, билинарли +...изация] – 1) ҳайвон организми ёки унинг айрим аъзоларининг бирон-бир (асосан, кимёвий) кўзгатувчилар таъсирига сезувчанлигининг ортиши; 2) табиий ёруғсезувчанликни орттириш мақсадида фотографик эмульсияларга махсус органик бўёқлар (сенсибилизаторлар) қўшиш; **сенситетр** [сенс(и)...+...метр] – тананинг турли соҳаларидаги сезувчанлик даражасини ўлчайдиган асбоб; **сенситометр** [лат. *sensitivus* – сезгир +...метр] – фотоматериалиларнинг ёруғсезгирлик ва бошқа кўрсаткичларини аниқлайдиган асбоб; **сенсопаралич** [сенс(о)...+ паралич] – сенсофалаж – танадаги сезувчи нервларнинг фалажланиши; **сенсуализм** [лат. *sensualis* – сезгига оид, сезиладиган, билиб бўладиган +...изм] – билиш назариясида: сезиларни билишнинг асосий манбаи деб эътироф этувчи йўналиш.

СЕПТ... I [лат. *septem* – етти] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, 7 сонини билдиради. Mac.: **септаккорд, септима** (музиқа терминлари); **септет** [нем. *Septett* < итал. *septetto* < септ...+ ...етто] – 1) етти ижрочи (созанда ёки хонанда)дан иборат ансамбль, гурух; 2) етти ижрочи ёки етти хил мусиқа асбоби учун ёзилган мусиқий асар;

СЕПТ... II [юн. *septis* – чиринди, чирик; чириш; *septikos* – чиритувчи, иритувчи] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг чириш, ириш, айниш, йиринглашга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **септик, септикопиемия, септиметрит; сепсис** [юн. *sepsis* – чириш, ириш] – одам ва ҳайвонларда йиринг ҳосил қилувчи микробларнинг инфекция ўчогидан қонга ўтиб, қоннинг заҳарланиши натижасида келиб чиқадиган оғир юкумли касаллик; **септициемия** [юн. *septikos* – чиритувчи, иритувчи +...емия] – сепсис турларидан бири; бунда турли қўзғатувчилар (микроблар) қонда кўпайиб, қонни эритроцитларни батамом ўлдирувчи, қон ва ажралмалар ҳосил қилалигиган аъзоларни издан чиқарувчи заҳарлар билан тўлдиради.

СЕРВ... [лат. *servio, servire* – хизмат қилмоқ (кўрсатмоқ)] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, хизмат қилиш (кўрсатиш), хизмат қилувчи, хизматкор маъноларини ифодалайди. Mac.: **сервант, сервил, сервитут, сержант; сервис** [фр. *service* – хизмат кўрсатиш; ошхона асбоблари] – маълум миқдордаги кишиларга мўлжалланган, бир хил нафис безакли ошхона ёки чой (ичиш) идишларининг тўлиқ йиғиндиси (тўплами); **сервилизм** [лат. *servilis* – қулларга хос, қулларча +...изм] – малайлик, хизматкорлик; лаганбардорлик, тиз чўкиб сажда қилиш; **сервис** [ингл. *service* – хизмат кўрсатиш] – кундалик ҳаётнинг турли соҳаларида – магазинлар, меҳмонхоналар, ёнилғи қуиши шохобчалари ва шу кабиларда сифатли хизмат кўрсатиш.

СЕР(О)... [лат. *serum* – зардоб] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг зардобга, қон зардобига, сероз пардага алоқадорлигини билдиради. Mac.: **серальбумин, серолог, серопрогноз, серопрофилактика, серореакция, серотонин, серохром; серодиагностика** [серо...+ диагностика] – қон гурухини аниқлаш; иммун зардобрлар ёрдамида юкумли касалликларни аниқлаш; **сероз** [сер(о)...+...оз] – зардобга оид, зардбли, қон зардобига ўхшаш ёки ундан ҳосил бўладиган (масалан, *сероз суюклик, сероз парда*); **сероиммунитет** [серо...+ иммунитет] – иммун зардоб юбориш йўли билан ҳосил бўлган иммунитет; **серология** [серо...+...логия] – иммунологиянинг қон зардеби хоссаларини ва иммун зардобидан фойдаланиш усулларини ўрганувчи соҳаси; **сероскопия** [серо...+...скопия] – қон зардобини

диагностик мақсадларда текшириш; **серотерапия** [серо...+...терапия] – юқумли касалликларни эмланган ҳайвонлар қонидан тайёрланган махсус зардоб билан даволаш.

СЕРПЕНТ... [*лат. serpens* – илон] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, илон, илонга оид, илонга ўхшаш каби маъноларни ифодалайди. Mac.: **серпент**, **серпентина**, **серпентинит**; **серпантин** [*фр. serpentin* < серпент...+...ин] – 1) ранг-баранг қоғозлардан тайёрланган, бал, маскарад, карнавал иштирокчиларига иргитиладиган, шунингдек, янги йил арчаларини безатишда ишлатиладиган узун энсиз лента; 2) тоғлардаги айланма илонизи йўл; **серпентарий** [серпент...+...арий] – заҳар олиш максадида заҳарли илонлар сақлана-диган бино; илонхона; **серпентин** [*ингл. serpentine* < серпент...+...ин] – сувли магний силикатдан ташкил топган қат-қат силикатлар кичик синфиға мансуб минерал.

СИАЛ(О)... [*юн. sialon* – сўлак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сўлак, сўлак бези деган маъноларни англатади. Mac.: **сиаладенотомия**, **сиалодохит**, **сиалолитотомия**, **сиалорея**, **сиалостаз**, **сиалоцеле**; **сиаладенит** [сиал...+ аден...+...ит] – сўлак безлари нинг яллигланиши; **сиалазрофагия** [сиал...+ аэро...+...фагия] – сўлак ва ҳаво (газ) ютиш; **сиалография** [сиало...+...графия] – сўлак безлари ва йўлларини контраст моддалар юбориб, рентген нурлари ёрдамида текшириш; **сиалодуктит** [сиало...+ дук(т)...+...ит] – сўлак йўлининг яллигланиши; **сиалолит** [сиало...+...лит] – сўлак бези ёки унинг йўллари (найчалари)даги тош; **сиалома** [сиал(о)...+...ома] – сўлак безлари ўсмаси.

СИГН... [*лат. signum* – белги] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, белги маъносини ифодалайди. Mac.: **сигнал**, **сигнифика**, **сигнификат**; **сигнализация** [*фр. signalisation* – белгини масо-фага узатиш < *лат. signalis* – белги бўлиб хизмат килувчи +...изация] – сигналлар системаси ҳамда сигнал берувчи асбоб ва мосламалар; **сигналограмма** [сигнал(о)...+...грамма] – сигналлар ёзилган ахборот узатиш-сақлаш воситаси (масалан, компакт-диск, магнит лента, дискета ва бошқалар); **сигнатура** [*фр. signature* – имзо, ёрлиқ < *лат. signare* – белгиламоқ, кўрсатмоқ] – 1) рецептнинг дорини кўллаш усули кўрсатилган қисми ва дорига қўшиб бериладиган врач рецептининг нусхаси (ёрлик); 2) китобларда ҳар бир босма табокнинг арабча рақамлар билан белгиланган тартиб рақами.

СИДЕР... I [*юн. sideros* – темир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, темирга, темирли бирималарга алоқадорликни билдиради. Mac.: **сидерация**, **сидеробласт**, **сидеролит**, **сидеропения**, **сидероцит**; **сидерит** [*ингл. siderite* < сидер...+...ит] – темир шпати –

кулранг-күнғир рангли темир карбонатдан иборат минерал; **сидеродерма** [сидер(о)...+...дерма] – темир алмашинувининг бузилиши натижасида терининг бронза рангга кириши; **сидероз** [сидер...+...оз] – темир оксид чангларининг ўпкага таъсиридан келиб чиқадиган касб касаллиги; **сидерофил** [сидер(о)...+...фил]: **сидерофил элементлар** – темирни ютиш (сингдириш)га мойил элементлар.

СИДЕР... [лат. *sideris*] – юлдуз, осмон ёритқичи; юлдузлар туркуми] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг юлдузга, осмон ёритқичларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **сидерик ой** [сидер...+...ик – сифат ясовчи кўшимча] – Ойнинг осмонда тўлиқ айланиб, яна тегишли юлдузларга қайтиб келгунича ўтган вакт оралиғи; **сидерик йил** – Ернинг Күёш атрофида тўлиқ айланиш даври; **сидеростат** [сидер(о)...+...стат] – жойи ўзгариб турадиган яssi кўзгули ёрдамчи астрономик асбоб.

СИКК... [лат. *siccus* – қуруқ, куриган] – ўзлашма ясама сўзнинг таркибий қисми бўлиб, куриш; қуритилган, қоқ маъноларини билдиради. Mac.: **сиккатив** [лат. *siccatus* – қуриладиган] – лок-бўёқларни тез қуриладиган модда.

СИЛИК... [лат. *silex*, *silicis* – чақмоқтош; кремний] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кремнийга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **силикатоз, силикон, силикотуберкулёт, силицидлар, силицитлар; силикагель** [силик(а)...+ лат. *geli* – совук, муз] – полисиликат кислота гелини (ивик чўкмасини) қиздириб олинадиган микроовак жисм; **силикатлар** [силик...+...ат] – силикат кислотанинг тузлари; жинс ҳосил қилувчи энг муҳим минераллар; **силикозлар** [силик...+...оз] – нафас ўйллари ва ўпкага қўумир чангиги, кум-тупроқ, кварц чанглари тушиши (ютилиши) оқибатида келиб чиқадиган касб касаллеклари; **силикотермия** [силик(о)...+ юн. *therme* – иссиқлик] – кремнийнинг ёки кремнийга бой бўлган ферросилицийнинг қайтарувчи таъсири билан оксидлардан металлар ва қотишмалар олиш (бу жараёнда кўп миқдорда иссиқлик ажралади); **силициум** [лат. *Silicium*] – кремнийнинг кимёвий формуулаларни ўқиш пайтида айтиладиган номи.

СИЛЛАБ... [юн. *syllabe* – бўғин] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бўғинга алоқадорликни англатади. Mac.: **силлабема** [силлаб...+...ема] – 1) силлабик ёзув белгиси; 2) маъно фарқловчи бирлик сифатида қўлланган бўғин; **силлабик** [юн. *syllabikos* – бўғинга оид]: **силлабик ёзув** – фонетик ёзувнинг бир тури бўлиб, бунда ундош ва унлилар изчиллиги бир белги билан ифодаланади; **силлабик шеър** – ҳар сатрда бўғинлар сони тенг бўлишига асосланган шеър тизими.

СИМ... қ. СИН...

СИМИЛ... [лот. *similis* – ўхшаш < *simulare* – ўхшатмоқ, тақлид қылмоқ; ўзини бирор ҳолатга солмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, ўхшатиш, тақлид қилиш, муғомбирлик каби маъноларни билдиради. Мас.: **симулянт; симуляция** [лот. *simulatio* – муғомбирлик] – ўзини ёлғондан бирор кўйга солиш, муғомбирлик қилиш (масалан, соғлом кишининг ўзини касал, бемор қилиб кўрсатиши).

СИН..., СИМ... [юн., лот. *syn* – бирга] – олд қўшимча; ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирга, биргаликда маъноларини англатади. Мас.: **синалгия, синкинезия, синорхизм, синотия; симбионт, симпатия, симфония; сингармонизм** [син...+ юн. *harmonia* – оҳангдошлиқ, уйғунлик +...изм] – унлилар оҳангдошлиги; сўзнинг унлилар (баъзан ундошлар) таркиби бўйича бир хил шаклланиши; **синдактилия** [син...+ юн. *daktylos* – бармоқ] – эмбрионал ривожланиш нуқсони: кўл ёки оёқдаги бармоқларнинг (масалан, ўрта бармоқ билан кўрсаткич бармоқнинг) ўзаро тўлиқ ёки қисман кўшилиб (бирашиб) ўсиши; **синостоз** [син...+ юн. *osteon* – сукъ +...оз] – синартроз турларидан бири – сукъларнинг сукъ тўқимаси орқали ўзаро кўшилиб кетиши; **синхрония** [син...+ юн. *chronos* – вакт, давр] – 1) бир ёки бир неча ҳодиса ёки жараёнларнинг бир вақтда ва ўзаро мос равишда содир бўлиши; 2) тил ҳодисаларининг муайян бир тарихий тараққиёт босқичида мавжудлиги ва ўзаро боғланганлиги; **симбиоз** [юн. *symbiosis* – бирга яшаш < син...+...биоз] – ҳар хил турга мансуб икки организмнинг узок вақт биргаликда ҳаёт кечириши; **симпласт** [син...+ юн. *plastos* – ясалган, ясама] – ҳайвон ва ўсимликларда ҳужайралари муайян шаклга эга бўлмаган тўқима тури.

СИН(О)... [лот. *Sina* – Хитой] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг Хитой – Чин мамлакатига, хитойликларга алоқадорлигини билдиради. Мас.: **синология; синантроплар** [син...+...антроп] – қазилма одамларнинг энг қадимги, питекантропга яқин тури; илк бор Хитойда, Пекин яқинидан топилганлиги сабабли шундай номланган; **синолог** [сино...+...лог] – хитойшунослик (синология) мутахассиси.

СКАТ(О)... [юн. *skor, skatos* – ахлат, нажас] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нажас, ахлат, фекал модда маъноларини билдиради. Мас.: **скатарактия, скатемия, скатофагия; скатол** [скато...+...ол] – оксиллар чириганда, уларнинг йўғон ичакда парчалашида тарқаладиган ёқимсиз (нажас) ҳидли органик бирикма; **скатология** [скато...+...логия] – 1) нажас, ахлатни текшириш, ўрга-

ниш; 2) нажасланиш, ични бўшатиш билан боғлиқ адабиёт ва латифалар ҳамда уларга қизиқиши; **скатоскопия** [скато...+...скопия] – нажас, ахлатни микроскопда текшириш, кўздан кечириш.

СКАФ..., ...СКАФ [*юн. skaphe* – қайиқ; *тогора*] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, қайиққа ўхшашликни, қайиққа оидликни билдиради. Mac.: **скафандр** [*фр. scaphandre* < скраф... + *юн. andros* – одам] – одамнинг чукур сув остида, ўта баландликда, космосда ишлаши учун мўлжалланган герметик мослама (костюм); **скафоцефалия // скафоцефалия** [скрафо...+...кефалия] – шаклан қайиққа ўхшайдиган калла; **батискаф** [бати...+...скаф] – чукур сувости тадқиқотлари учун мўлжалланган ўзиорар аппарат.

СКИА... [*юн. skia* – ўлик шарпаси, арвоҳ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шарпа, арвоҳ; соя, кўланка каби маъноларни билдиради. Mac.: **скиаграмма, скиаметрия, скиаскоп, скиатрон; скиаграфия** [скиа...+...графия] – *айн.* **рентгенография; скиаскопия** [скиа...+...скопия] – соя тушириш йўли билан кўз рефракциясини аниқлаш; бу жараён офтальмоскоп ёки скиаскоп ёрдамида бажарилади; **скиалогия** [скиа...+...логия] – рентгенологиянинг бир бўлими: рентген нурлари таъсирида экран ёки плёнкага одам аъзоларининг сояси туширилади ва ана шу сояларнинг ҳолати, шакли, ҳажми ва қайси касаллик учун тааллуқли эканлиги ўрганилади.

СКЛЕРО... [*юн. skleros* – қаттиқ, берч] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг қотиш, қаттиқлашиш, зичлашиш; кўзнинг оқи маънолари билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **склерера, склераденит, склерокератит, склеромаляция, склеропластика, склеростеноз, склерэктомия; склерит** [склер(а)...+...ит] – кўз оқи ва мугуз пардасининг яллигланиши; **склеродермия** [склеро...+...дермия] – терининг бириктирувчи тўқималари ва ички аъзоларнинг тахтадек қотиб қолишидан иборат касаллик; **склероз** [склер(о)...+...оз] – турли сабабларга кўра тўқима, аъзоларда етилган бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кетиши ва натижада аъзо, тўқиманинг қаттиқлашиб бурушиб қолиши; **склерома** [склер(о)...+...ома] – бадандаги бирор қисмнинг қаттиқлашиб, бездек бўлиб қолишидан иборат сурункали юқумли касаллик; **склерометр** [склеро...+...метр] – турли материалларнинг тирналиш ёки босилишга нисбатан чидамлилиги бўйича қаттиқлигини аниқловчи асбоб; **склероскоп** [склеро...+...скоп] – металл ва бошқа материалларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **склеротом** [склеро...+...том] – кўз оқини кесиб қилинадиган операцияда (склеротомияда) ишлатиладиган жарроҳлик асбоби.

...СКОП, ...СКОПИЯ [юн. skopeo – кўраман, қарайман, кузатаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, булардан **-скоп** терминэлементи ўзидан олдинги сўзга қўшилиб, кузатиш, визуал ўрганиш учун мўлжалланган асбоб, мослама, аппарат маъноларини англатади. Луғатларда ушбу терминэлемент билан ясалган 40 дан ортиқ асбоб номи берилган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи тиббиёт соҳасида қўлланадиган асбоблардир. Mac.: **гальваноскоп, гороскоп, дактилоскоп, диаскоп, краниоскоп, лапароскоп, овоскоп, отоскоп, перископ, ректоскоп, риноскоп, стетоскоп, фонендоскоп; бронхоскоп** [бронхо...+...скоп] – кекирдак ва бронхлар ички юзасини визуал текшириш учун мўлжалланган асбоб; **гастроскоп** [гастро...+...скоп] – ошқозон (мезда)га оғиз ва қизилўнгач орқали киритиладиган, оптик ва ёритиш системалари билан таъминланган, ошқозоннинг ички юзасини текширадиган найсимон асбоб; **дефектоскоп** [лот. defectus – нуқсон, камчилик +...скоп] – турли материаллар ёки буюмлардаги нуқсон (дефект)ларни аниқлаш, текшириш учун ишлатиладиган асбоб; **микроскоп** [микро...+...скоп] – оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса-буюмларни катталаштирилган ҳолда кўриб текширишга мўлжалланган оптик асбоб; **фильмоскоп** [фильм(о)...+...скоп] – диафильмлар кўриш учун мўлжалланган асбоб бўлиб, у кадрдаги тасварни оқ экран ёки деворда акс эттиради; **энтероскоп** [энтеро...+...скоп] – ингичка ичак бўшлигини текшириш учун ишлатиладиган оптик асбоб.

-скопия терминэлементи эса бирор нарсани, тана аъзосини кузатиш, визуал ўрганиш, кўриб текшириш усуслари номларини билдиради. Mac.: **бронхоскопия, гастроскопия, дефектоскопия, кератоскопия, офтальмоскопия, ректоскопия, скиаскопия, скотоскопия, соматоскопия, спектроскопия; дактилоскопия** [дактило...+...скопия] – криминалистиканинг жиноятчини аниқлаш, қайд этиш ва қидириш учун қўл бармоқлари учидаги тери излари тузилишини ўрганадиган бўлими; **краниоскопия** [крактико...+...скопия] – бош (калла) суюгини визуал ўрганиш, текшириш; **лапароскопия** [лапаро...+...скопия] – қорин бўшлигини эндоскоп билан текшириш; **торакоскопия** [торако...+...скопия] – плевра бўшлигини ўрганиш мақсадида уни маҳсус оптик асбоб – торакоскоп билан кўриб текшириш; **эндоскопия** [эндо...+...скопия] – ковак, ичи бўш, найсимон аъзолар (мезда, тўғри ичак, қовуқ, бронхлар ва бошқалар)ни трубка, найга ўхшаш оптик асбоблар ёрдамида кўриб текшириш усули (қайси аъзо текширилишига қараб **бронхоскопия, гастроскопия, колоноскопия, цистоскопия** ва бошқа усувлар фарқланади).

СКОТ(О)... [юн. skotos – қоронғилик] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қоронғи, қоронғилик маъноларини билдиради. Mac.: **скотодиния**, **скотометр**, **скотоскоп**, **скотоскопия**; **скотома** [скот(о)...+...ома] – кўзнинг кўрув майдонидаги чегараланган хира доғлар (нуксонлар); **скотометрия** [ското...+...метрия] – кўзнинг кўрув майдонидаги доғни аниқлаш усули; **скотопия** [скот(о)...+...опия] – кўзнинг қоронғиликка мослашиши; **скотофилия** [ското...+...филия] – қоронғиликни севиш, ёқтириш; **скотофобия** [ското...+...фобия] – қоронғи(лик)дан қўрқиш.

СОЛ... I [лат. solus – бир] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бир, ягона, ёлғиз маъноларини билдиради. Mac.: **солитаризм**, **солитёр**, **соло-вексель**; **солипсизм** [сол(и)...+ лат. ipse – ўзи, ўзим +...изм] – 1) воқеликда фақат инсон ва унинг онги мавжуд, объектив дунё ва бошқа одамлар шу индивиднинг онгидагина мавжуддир, деб ҳисобловчи фалсафий назария; 2) этикада: ўта худбинлик, эгоцентризм маъносига ишлатилади; **солист** [сол...+...ист] – бирор асарнинг бир қисмини (партия, ария) ёки бутун асарни якка ижро этувчи (яккахон) созанда ёки хонанда; **соло** [итал. solo – якка, ёлғиз < лат. solus] – 1) бир созанда ёки хонанда ижроси учун ёзилган мусиқий асар ёки унинг бир қисми; 2) мусиқий ёки вокал асарнинг, рақснинг бир киши томонидан ижро этилиши.

СОЛ... II [лат. sol – қуёш, қуёш нури] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қуёш, қуёшга доир маъноларини билдиради. Mac.: **соляризация**; **солярий** [лат. solarium – уйнинг жануб томонидаги яssi том < sol] – беморлар қуёш нурида тобланадиган, қуёш ваннасини қабул қиласидиган, маҳсус жиҳозланган очик майдонча ёки бино; **соляриграф** [лат. solaris – қуёшли +...граф] – Қуёш радиациясини қайд қилиб борадиган асбоб.

СОМ(AT)... [юн. soma (somatos) – тана, гавда] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, танага, гавдага оид маъносини англатади. Mac.: **соматогамия**, **соматомедин**, **соматоплевра**, **соматостатин**, **соматотип**, **соматотропин**; **соматодидимус** [сомато...+ юн. didymae – эгизаклар] – таналари бирлашиб кетган эгизаклар; **соматология** [сомато...+...логия] – одам морфологиясининг инсон танаси ўлчам ва шакллари ҳамда уларнинг ўзгаришларини ўрганувчи соҳаси; **соматометрия** [сомато...+...метрия] – соматологиянинг таркибий қисми – инсон танаси ва унинг қисмлари ўлчамлари (катталиги)ни ўлчаш; **соматоскопия** [сомато...+...скопия] – соматологиянинг таркибий қисми – одам гавдаси (қомати) типларини, гавда ва аъзолар мутаносиблигини тавсифлаш.

СОМН... [лат. somnus – уйқу] – ўзлашма құшма сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, уйқу, мудраш маъноларини билдиради. Mac.: **сомнамбулизм** [сомн...+ лат. ambulare – юрмоқ, сайр қилмоқ +...изм] – уйқуда юриш; бунда бемор одатдаги ҳаракатларини уйқуда ғайри-ихтиёрий бажаради; **сомнолоквия** [сомн...+ лат. loquitare – кўп гапирмок; сергап бўлмоқ] – уйқуда гапириш өдати; **сомноленция** [лат. somnolentia < сомно...+ лат. lentere – секин ҳаракатланмоқ, бўшашмоқ] – уйқусираш, эсанкираш; онгнинг енгилгина ўзгариши.

СОН... [лат. sonus – товуш, овоз, садо] – ўзлашма құшма, ясама сүзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, товуш, овоз, жаранг маъноларини билдиради. Mac.: **сонатина, сонометр, соноризм, сонорика, сонотопография; сонант** [лат. sonantis – овоз (товуш) чиқа-рувчи, жарангловчи] – сонор ундош; **соната** [итал. sonata – жаранг, жарангли овоз; ўйин, ижро < лат. sonare – янграмоқ, жарангламоқ] – бир ёки икки чолгу асбоби учун ёзилган, турли тезлиқдаги 3 – 4 қисмдан иборат мусиқа асари; **сонет** [итал. sonetto < лат. sonus] – ўзига хос қофияланган, иккита 4 сатрли, иккита 3 сатрли шеърлардан иборат 14 мисрали шеър; **сонор** [лат. sonorus – жаранглаган, жарангдор, овоздор]: **сонор ундош** – овознинг иштирокига ва ҳосил бўлиш усулига кўра алоҳида хусусиятларга эга бўлган ундошларнинг умумий номи.

СОРБ... [лат. sorbeo – ютаман] – ўзлашма ясама сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, ютувчи, ютмоқ маъноларини англатади. Mac.: **сорбат, сорбтив; сорбентлар** [лат. sorbens (sorbentis) – ютувчи] – газ, буғ ва эриган моддаларни ютиш учун қўлланадиган қаттиқ ёки суюқ моддалар; ютувчи модда **сорбент**, ютиладиган модда эса **сорбтив** ёки **сорбат** дейилади; **сорбция** [лат. sorbtio – ютиш, шимиш; ютилиш] – атроф-мухитдаги моддалар, газ ёки эритманинг қаттиқ жисм ёки суюқлик томонидан ютилиши.

СОФ... [юн. sophia – донолик; sophos – доно, донишманд] – ўзлашма ясама сүзларнинг ўзак қисми бўлиб, донолик, донишмандлик; мугом-бирлик, айёрлик каби маъноларни билдиради. Mac.: **софист(лар), софизм** [юн. sophisma – айёрлик; ёлғон хулоса (чиқариш)] – расман тўғрига, ҳақиқатга ўхшаган бўлса-да, ёлғон далилларга асосланиб чиқарилган хулоса; **софистика** [юн. sophistike – мунозарани айёрлик билан олиб бориш; унинг йўналишини ўзгартириб юбориш маҳорати] – мантиқ қонунларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама, мунозара қилиш.

СОЦИ(О)... [лат. societas – жамият, socialis – ижтимоий] – ўзлашма құшма, ясама сүзларнинг биринчи қисми бўлиб, жамиятга, ижтимоий соҳаларга алоқадорлик маъносини англатади. Mac.: **соци-**

ал, социализм, социобиология, социолог, социосфера; социум; социолект [ингл. *sociolect* < соци(о)...+ (диа)лект] – маълум ижтимоий гурух нутқининг ўзига хосликлари, муайян тилнинг характерли сўз кўлланиши, ифода усуллари ва услубияти билан ажralиб турадиган ижтимоий лахжаси; **социолингвистика** [соци(о)...+ лингвистика] – ижтимоий тилшунослик – тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий вазифалари, ижтимоий омилларнинг тилга таъсир кўрсатиши ҳамда тилнинг жамият ҳаётида тутган ўрни билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ўрганувчи илмий-назарий соҳа; **социология** [соци(о)...+ ...логия] – бир бутун тизим ҳисобланган жамият ҳақидаги ва айrim ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар, шахс ва жамият муносабатлари тўғрисидаги фан; **социометрия** [соци(о)...+ ...метрия] – ижтимоий психологиянинг кишилар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи бўлими.

СПАЗМ(О)..., ...СПАЗМ [юн. *spasma, spasmus* – (томир, мушакларда) тортишиш, тиришиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг кўл-оёқ мушакларининг ёки ичи бўш, ковак аъзолар мушак деворининг тортишиб, вақтинча торайишига алоқадорлигини билдиради: I. Кўшма сўзларнинг биринчи қисми сифатида. Mac.: **спазматик, спазмотоксин; спазмодермия** [спазмо...+...дермия] – терининг тортишиб қолиши; **спазмолитиклар** [спазмо...+ юн. *lysis* – қутулиш, халос бўлиш] – ички ва бошқа аъзоларнинг силлиқ мушаклари спазмасини йўқотувчи дори моддалар; **спазмофилия** [спазмо...+...филия] – шайтонлаш; уч ёшгача бўлган болаларда қонда кальций микдорининг камайиши натижасида пайдо бўладиган, вақти-вақтида шайтонлаб қолиш билан кечадиган касаллик. II. Кўшма сўзларнинг иккинчи қисми сифатида. Mac.: **ангиспазм, колоспазм; бронхоспазм** [бронхо...+...спазм] – майда бронхлар ва бронхиолалар тешигининг торайиши; бронх девори мушакларининг спастик қисқариши; **гемиспазм** [геми...+...спазм] – тананинг бир томони (ярми)даги мушакларнинг вақти-вақти билан тортишиб қолиши; **ларингоспазм** [ларинго...+...спазм] – ҳиқилдоқ (бўғиз) мушакларининг тортишиб қисқариши бўлиб, товуш чиқарувчи ораликтининг торайишига ёки бутунлай беркилиб қолишига олиб келади; **энтероспазм** [энтеро...+...спазм] – ингичка ичак спазми, ичакнинг торайиб туриши.

СПЕКТ(Р)... [лат. *spectare* – қарамоқ, назар солмоқ; кўриб чиқмоқ; томоша қилмоқ] – ўзлашма ясама, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўриш, кузатиш, назар (нигоҳ) ташлаш, томоша қилиш маъноларини билдиради. Mac.: **спектрал, спектрограф, спектрограмма, спектрогелиограф, спектроГелиоскоп, спектроко-**

лориметр, спектрометрия, спектроскоп, спектрофотометрия; спектр [лат. spectrum – тасаввур, кўриш, хаёлда гавдалантириш] – 1) муайян система ёки жараённи тавсифловчи бирон-бир катталикнинг барча қийматлари йиғиндиси; 2) муайян нурнинг шиша призма ва шу каби синдирувчи мұхит орқали ўтганида ҳосил бўладиган ранг-баранг чизиқлар мажмуи; **спектрограмма** [спектр(о)...+...грамм] – осмон ёритқичи ёки кимёвий модда спектрининг фототасвири; **спектрограф** [спектр(о)...+...граф] – бирор-бир манба нурланишининг тўлиқ спектрини қайд этувчи оптик асбоб; **спектроскоп** [спектр(о)...+...скоп] – нурланиш спектрини визуал қузатишга мўлжалланган оптик асбоб; **спектроскопия** [спектр(о)...+...скопия] – физиканинг моддаларнинг электромагнит нурланиш спектрларини ўрганадиган соҳаси.

СПЕЛЕ(О)... [юн. spelaios – гор, унгур] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг гор, унгурга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **спелеолог** [спелео...+...лог] – горшунос, спелеология мутахассиси; **спелеология** [спелео...+...логия] – горшунослик; горларнинг келиб чиқиши, морфологияси, микроиқлими, сувлари, органик дунёси, моддий маданият қолдиқлари, ҳозирги фойдаланилиши каби масалаларни ўрганадиган фан; **спелеотерапия** [спелео...+...терапия] – беморларни горлар ва ишланиб бўлган конларнинг микроиқлими таъсирида узоқ вақт даволаш; **спелеофауна** [спелео...+ лат. Fauna – ҳайвонот олами] – горларда, тоғ жинслари ёриқларида яшовчи ҳайвонлар мажмуи.

СПЕРМ(О)..., **СПЕРМАТ(О)...** [юн. sperma (spermato) – уруғ, пушт, шаҳват] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг эркаклар уруғи (сперма)га, у билан боғлиқ касалликларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **сперматобласт**, **сперматогенез**, **сперматоксин**, **сперматофорлар**, **сперматоцеле**, **сперматоцит**; **сперматит** [спермат(о)...+...ит] – уруғ тизимчасининг яллиғланиши; **сперматограмма** [спермато...+...грамм] – шаҳватнинг сифати ва микдори таркибини текшириш натижасида олинган маълумотлар; **сперматозоид** [спермато...+ зоо...+...ид] – одам, ҳайвон ва қўпчилик ўсимликларнинг эркак жинсий ҳужайраси; **сперматорея** [спермато...+...рея] – баъзи касалликларда, орқа мия жароҳатланганда шаҳватнинг (уруг суюқлигининг) оқиб туриши (баъзан қаттиқ кучанганда ҳам рўй беради); **сперматурия** [спермат(о)...+...урия] – сперматозоидларнинг сийдик билан ажралиб туриши, сийдик таркибида бўлиши; **спермолит** [спермо...+...лит] – уруғ йўлида ҳосил бўладиган тошлар; **спермэктомия** [сперм(о)...+...эктомия] – уруғ тизимчасининг бир қисмини кесиб олиб ташлаш операцияси.

СПЕЦИ... [лат. species – тур, жинс, хил, кўриниш] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, маълум бир тур, жинсга, кўринишга оидлик маъносини ифодалайди. Mac.: **специализация** [фр. specialization – махсуслашиш, махсуслаштириш < лат. specialis – тур, жинсга оид, алоҳида, хусусий +...изация] – махсуслаш(тир) иш, ихтисослаш(тир)иш: 1) бирон соҳада махсус билимларга эга бўлиш; 2) фаолиятни бирон касб-хунар, ихтисосликка қаратиш; 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятини муайян маҳсулот турларинигина тайёрлаш, ишлаб чиқариш билан чеклаб қўйиш; **специфика** [лат. specificus – турни, жинсни белгиловчи; турга оид] – бирор нарса, ҳодиса учунгина хос, характерли хусусиятлар мажмуи; **спецификация** [лат. specificatio < специ...+...фикация] – 1) машина, асбоб-ускуна, курилма ва шу кабиларнинг батафсил тавсифи акс эттирилган жадвал шаклидаги техник ҳужжат; 2) бирор нарсанинг эътибор қаратиш зарур бўлган тафсилотларини санаб чиқиш, гурухлар бўйича тақсимлаш.

СПИД... [ингл. speed – тезлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тезлик маъносини ифодалайди. Mac.: **спидвей** [спид...+ ингл. way – йўл] – 1) трекда ёки стадионнинг яхмалак йўл-каларида ўтказиладиган мотоцикл пойгалари; 2) юқори тезликка мўлжалланган автомобиль йўли; **спидометр** [спид(о)...+...метр] – автомобиль, мотоцикл ҳаракат тезлигини ва қанча йўл босиб ўтилганини кўрсатувчи асбоб.

СПИРО... [лат. spirare – нафас олмоқ; пуфламоқ; эсмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг нафас олиш-чиқариш билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **спирант, спирометрия, спироскоп, спироэргометрия; спирограмма** [спиро...+...грамма] – нафас олиш-чиқариш ҳажмининг спирография йўли билан олинган эгри чизиқли тасвири; **спирограф** [спиро...+...граф] – ўпка ҳажмининг ўзгаришларини қайд этиш, нафас олиш тезлиги ва чукурлигини, кислород истеъмолини аниқлаш учун мўлжалланган асбоб; **спирометр** [спиро...+...метр] – нафас билан ўпкага кирадиган ва ундан чиқадиган ҳаво миқдорини ўлчайдиган асбоб.

СПЛАНХН(О)... [юн. splanchna – ички аъзолар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ички (корин бўшлиғидаги) аъзолар ва уларнинг касалликларига алоқадор тиббий терминлар ҳосил қиласди. Mac.: **спланхнобласт, спланхнодиния, спланхноплевра, спланхноскелет, спланхносклероз, спланхнотом; спланхнография** [спланхно...+...графия] – ички аъзоларнинг тасвирий анатомияси; **спланхнология** [спланхно...+...логия] – анатомиянинг нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик-таносил системаларидаги ички

аъзоларни ўрганадиган соҳаси; **спланхномегалия** [спланхно...+ юн. *megale* – катта, улкан] – ички аъзоларнинг меъёрдагидан катта бўлиши; **спланхноптоз** [спланхно...+...птоз] – қорин бўшлиғидаги ички аъзоларнинг – ошқозон, ичак, жигар кабиларнинг турли сабабларга кўра осилиб пастга тушиши; **спланхнэктомия** [спланхн...+...эктомия] – ички аъзолар нервининг бир қисмини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш.

СПЛЕН(О)... [юн. *splen* – талоқ, қоражигар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, талоқ (коражигар) ва унинг касалликларига алоқадор тиббий терминларни ҳосил килади. Mac.: **спленаденома**, **спленит**, **спленобласт**, **спленомегалия**, **спленопневмония**, **спленоптоз**, **спленоцит**, **спленэктомия**; **спленалгия** [сплен...+ ...алгия] – талоқ соҳасидаги оғрик; **спленография** [сплено...+...графия] – талоқ (коражигар)ни рентген нурлари билан суратга олиш; **спленокератоз** [сплено...+ керат(о)...+...оз] – талоқнинг қаттиқлашиши; **спленома** [сплен(о)...+...ома] – талоқ (коражигар) ўсмаси; **спленопатия** [сплено...+...патия] – талоқнинг айрим касалликлари.

СПОНДИЛ(О)... [юн. *spondylos* – умуртқа суяги, умуртқа поғонаси] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, умуртқа суяги, умуртқа поғонаси маъноларини билдиради. Mac.: **спондилёз**, **спондилоартроз**, **спондилолиз**; **спондилит** [спондил(о)...+...ит] – умуртқа поғонасининг сурункали яллиғланиши; **спондилоартрит** [спондило...+ артрит] – умуртқалараро бўғимларнинг яллиғланиши; **спондилотомия** [спондило...+...томия] – кўндаланг туриб қолган ҳомилани майдалаб олиб ташлашга тўғри келганда умуртқа поғонасини синдириш, қирқиш.

СПОР... [юн. *spora* – экиш, сепиш; уруғ, дона] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўсимлик уруғи, муртаги, спора маъноларини ифодалайди. Mac.: **споробласт**, **спороген**, **спорогония**, **спородерма**, **спороциста**; **спор** [юн. *spora*] – замбуруғлар ва ўсимликларда нокулай шароитларда сакланиш ва жинссиз кўпайиш учун хизмат қиладиган маҳсус ҳужайра; одатда, зич, ташқи таъсирга бардошли парда билан қопланган бўлади; **спорангий** [спор...+ юн. *angeion* – идиш] – кўпчилик тубан ўсимликларда: бир ҳужайрали ёки юксак ўсимликларда кўп ҳужайрали кўпайиш аъзоси бўлиб, унда споралар ҳосил бўлади; **спорицид** [спор(и)...+...цид] – спораларни ўлдирувчи модда; **спорофилл** [споро...+...филл] – бир қатор юксак ўсимликларнинг ўзгарган барги бўлиб, унда жинссиз кўпайиш аъзолари – спорангийлар ривожланади; **спорофит** [споро...+...фит] – ўсимликларда диплоид фазадан иборат ва зиготадан ўсиб ривожланадиган жинссиз авлод.

СТАВР(О)... [юн. stauros – бут] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бут, бутга ўхшаш маъноларини билдиради. Mac.: **ставролит** [ставро...+...лит] – бут тош – силикатлар кичик синфига мансуб минерал, кристаллари донадор агрегатлар бўлиб, бутсимон қўшалоқликка эга; **ставропигиал** [ставро...+ юн. pegnumi – тасдикламоқ, жорий қилмоқ; тикламоқ]: **ставропигиал монастырь** – маҳаллий черков ҳокимиятига тобе бўлмаган, бевосита патриарх бошлиқ бўлган монастырь; **Ставрополь** [ставро... + юн. polis – шаҳар] – Россия Федерациясидаги ўлка ва шаҳар номи.

СТАНН... [лат. stannum – қалай] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг кимёвий элемент – қалай ва унинг бирикмаларига алоқадорлигини ифодалайди. Mac.: **станиоль** [нем. Stanniol < станн(и)...+...ол] – асосий таркибий қисми қўрғошин ёки қалай бўлган қотишмалардан тайёрланган юпқа металл тахта ёки ленталар; **станнин** [станн...+...ин] – қалай колчедани – сульфидлар синфига мансуб минерал; кимёвий таркиби мис, темир, қалай ва олтингугуртдан иборат; **станнум** [лат. Stannum] – кимёвий формулалар таркибидаги қалай символи (Sn) айнан шундай ўқилади.

СТАТ(О)..., ...СТАТ [юн. statos – тик турувчи; қўзғалмас, ҳаракатсиз] – ўзлашма ясама, қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, туриш, тик вазиятда бўлиш, тўхтаб туриш; ҳолатнинг ўзгармас, доимий бўлиши, ўзгармаслик, барқарорлик маъноларини, шу маъноларни таъминлайдиган асбоб, аппарат, қурилмалар номларини билдиради: I. Ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми сифатида. Mac.: **статик**, **статолитлар**, **статоскоп**, **статоцисталар**; **станция** [лат. statio – тўхтаб туриш; тўхташ жойи] – 1) темир йўл поездлари ёки қуруқликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; 2) муайян соҳа бўйича мунтазам кузатишлар ва тадқиқотлар олиб бориладиган ёки маҳсус хизмат кўрсатиладиган муассаса ёки корхона; **статика** [юн. statike < statos] – 1) механиканинг жисмларнинг муайян кучлар остидаги мувозанат шарт-шароитларини ўрганадиган соҳаси; 2) тинч, ҳаракатсиз ҳолат ёки мувозанат; **статор** [стат...+...ор < лат. sto – тик турман] – электромашиналарнинг айланмайдиган, қўзғалмас қисми (унинг ичига айланувчи қисм – ротор жойлашади); **стационар** [лат. stationarius – қўзғалмас, ҳаракатланмайдиган] – 1) умуман, доимий фаолият кўрсатувчи муассаса (масалан, кутубхона); 2) беморлар доимий жой билан таъминланиб, бир қанча суткалаб ётадиган даволаш муассасаси. II. Ўзлашма сўзларнинг иккинчи қисми сифатида. Mac.: **аэростат**, **гелиостат**, **гомеостат**, **стратостат**, **термостат**, **целостат**; **гигростат** [гигро...+...стат] – нарсалар, моддаларни доимо намликда тутиб ту-

рувчи лаборатория курилмаси; **гидростат** [гидро...+ ...стат] – сувости ишлари ва тадқиқотлари учун мўлжалланган, асосий кемадан йўғон аркон билан 300 метргача чуқурликка тушириладиган аппарат; **криостат** [крио...+...стат] – суюлтирилган ёки қотиб қолган азот, водород, гелий кабилар ёрдамида доимий криоген (ўта паст) температурани ишчи ҳажмда сақлаб турувчи курилма; **фильмостат** [фильм(о)...+...стат] – киноплёнка ўрамлари (рулонлари)ни узок муддат сақлашга мўлжалланган металл шкаф (кути).

СТАФИЛ(О)... [юн. staphyle – бошоқ; бир бош, бир шингил (узум)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўп-тўп, бир бош (шингил) узумга ўхшаш, тилча деган маъноларни билдиради. Mac.: **стафилодиализ**, **стафилолизин**, **стафилоррафия**; **стафилоангина** [стафило...+ лот. angina < angere – бўғмоқ] – стафилококклар таъсирида томоқда оғриқ туриб, сохта бўғма пардаси пайдо бўлиши; **стафилококк** [стафило...+...кокк] – кўпайиш чоғида узум бошига (шингилга) ўхшаш тўдалар ҳосил қилувчи шарсимон бактериялар туркуми; **стафилома** [стафил(о)...+...ома] – бирор аъзода дўғпайиб чиқсан чандиқ ёки битган яра ўрни; **стафилоцид** [стафило...+...цид] – стафилококкларни ўлдирувчи (дори моддаси).

СТЕАР(О)..., СТЕАТ(О)... [юн. stear (steatos) – ёғ, мой] – ўзлашма қўшма (ясама) сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёғ, мойга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **стеаратлар**, **стеародермия**, **стеатаденома**, **стеатоз**, **стеатолиз**, **стеатопатия**, **стеатопигия**; **стеарин** [стеар...+...ин] – бир неча ёғ кислоталарининг аралашмасидан иборат, ушлаганда қўлга ёғдек уннайдиган оқ ёки сарик рангли яримшаффоф қаттиқ масса; **стеатит** [стеат...+...ит] – 1) ёғ тўқимасининг яллигланиши; 2) сувли магний силикат – ушлаганда ёғсимон сезиладиган, шаффоф ёки яримшаффоф юмшоқ минерал; **стеатома** [стеат(о)...+...ома] – ёғ безларининг кистаси (ўсмаси); **липома**; **стеатонекроз** [стеато...+ некроз] – ёғ тўқимасининг чириши, ўлиши; **стеаторея** [стеато...+...рея] – ёғ моддаларининг ошқозон-ичак йўлида ҳазм бўлмаслиги натижасида уларнинг кўп миқдорда ахлат (нажас) билан чиқиши.

СТЕЛЛ... [лот. stella – юлдуз; сайёра] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, юлдуз, юлдузсимон маъноларини билдиради. Mac.: **стеллит** [ингл. stellite <stell...+...ит] – кобальт асосида қуйилган, таркибида яна хром, ванадий, карбон (углерод) ва кремний бўлган қаттиқ қотишма; **стеллэктомия** [stell...+...эктомия] – стенокардия касаллигини даволаш максадида юлдузсимон тугунчалар устидаги бўйин симпатик тизимчасини кесиб ажратиш операцияси.

СТЕНО... [юн. stenos – тор, энсиз, камбар; зич, тифиз, сиқик, қисқа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тор (торайиш), энсиз, тифиз, сиқик, қисқа маъноларини билдиради. Mac.: **стенобатлар, стеногалинлар, стенограф, стенографист, стеноз, стеностомия, стенохтермлар, стеноторакс, стенофаглар, стеноцефалия; стенобионтлар** [стено...+...бионт] – атроф-муҳитнинг нисбатан барқарор шароитларида гина яшай оладиган ҳайвон ва ўсимликлар; **стенограмма** [стено...+...грамма] – оғзаки нутқнинг стенографик усулида ёзиб олинган матни; **стенография** [стено...+...графия] – оғзаки нутқни турли шартли белгилар ва қисқартмалар билан тез ёзиб олиш усули ва шундай ёзувнинг ўзи; **стенокардия** [стено...+...кардия] – юрак ишемик касаллигининг кўкрак қафасининг марказий ёки чап қисмида тўсатдан пайдо бўладиган ғижимловчи оғриқ билан, кўркув ва ваҳима билан кечадиган шакли; **стенотоплар** [стено...+...топ] – стенотоп организмлар: фақат маълум бир биотоплардагина яшайдиган ва бошқа жойларда учрамайдиган организмлар.

СТЕРЕО... [юн. stereos – каттиқ, қатъий; ҳажмий, фазовий] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб: 1) қаттиқлик, қатъийлик, барқарорлик; 2) ҳажмдорлик, фазовий тақсимланиши мавжудлиги каби маъноларни билдиради. Mac.: **стерадиан, стереобат, стереогнозия, стереограмма, стереометр, стереопроектор, стереорентгенография, стереофония; стереограф** [стерео...+...граф] – аэрофотосуратлар асосида топографик хариталар тузиш учун мўлжалланган универсал механик лойиҳалаш асбоби; **стереокимё** [стерео...+ кимё] – молекула-лардаги атомларнинг фазовий жойлашиши, тузилиши ва унинг физик хоссаларга, шунингдек, реакциялар йўналиши ва тезлигига таъсири ҳақидаги фан; **стереометрия** [стерео...+...метрия] – геометриянинг бир текисликда ётмаган, фазодаги геометрик шаклларни ўрганадиган бўлими; **стереоскоп** [стерео...+...скоп] – бир нарсанинг иккита тасвирини бирга қўшиб, бўрттириб, ҳажмдор қилиб кўрсатадиган бинокуляр (икки кўзли) оптик асбоб; **стереотип** [стерео...+...тип] – 1) металл, резина ёки пластмассадан қилинган яхлит босма қолип – китоб, газета, журнал ва шу кабиларни кўп нусхада нашр этиш учун терилган матннинг нусхаси; 2) бир хил сўз, имо-ишора ва ҳаракат-холатларнинг доимо такрорланиши, қайтарилиши ва унга жавобан олий нерв системасида юзага келадиган жараён; **стереотипия** [стерео...+ ...типия] – стереотип (1)лар тайёрлаш ва улардан фойдаланиб, китоб ва шу кабиларни босиш усули, техникаси.

СТЕТ(О)... [юн. stethos – кўкрак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўкрак, кўкрак қафаси маъноларини билдиради. Mac.: **стетоклип, стетоскопия, стетофонендоскоп, стетофонограф;**

стетограф [стето...+..граф] – нафас ҳаракатларини қайд қиласынан асбоб; **стетоскоп** [стето... +...скоп] – юрак тонларини, шунингдес, үпкадаги шовқынларни ва бошқа табиий товушларни эшлишига мүлжалланган асбоб.

СТИГМА(Т)... [юн. stigma (stigmatos) – дөг, белги; нұқта] – үзлашма ясама сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, дөг, яра ўрни, кичкина яра маъноларини билдиради. Mac.: **стигмалар, стигмарин, стигматик; стигматлар** [стигм(а)...+...ат] – 1) айрим диний мутаассиб кишиларнинг баданида жазава пайтларида пайдо бўладиган қонли яра; 2) асабий-рухий тутқаноқ белгиси сифатидаги дөглар, ярачалар; **стигматоз** [стигмат(о)...+...оз] – чегараланган яралар пайдо бўлиши билан давом этадиган тери касаллиги.

СТОМ..., СТОМАТО... [юн. stoma (stomatos) – оғиз] – үзлашма қўшма сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сүзларнинг оғиз ва оғиз бўшлиғига, айни аъзо касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **стоматолог, стоматопатия, стоматоррагия; стоматит** [стомат(о)...+...ит] – оғиз бўшлиғидаги шиллиқ парданинг ялигланиши; **стоматология** [стомато...+...логия] – клиник тиббиётнинг оғиз бўшлиғи аъзолари ва унга ёндош аъзолар касалликларини ўрганувчи соҳаси; **стоматопластика** [стомато...+...пластика] – оғиз бўшлиғида қилинадиган пластик операциялар; **стоматоскопия** [стомато...+...скопия] – оғиз бўшлиғини маҳсус оптик асбоб (стоматоскоп) ёрдамида кўриб текшириш, оғиз бўшлиғининг расмини олиш.

...СТОМИЯ [юн. stomia – сунъий тешик очиш < stoma – оғиз, тешик] – үзлашма қўшма сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, оғизга оид; бирор аъзода сунъий ташқи тешик, йўл очиш, ўзаро улаш маъноларини билдиради. Mac.: **гастростомия, илеостомия, колостомия, риностомия; еюностомия** [лот. jejunum – ингичка ичак +...стомия] – баъзи ичак касалликларида беморни озиқлантириб туриш учун оч ичакда қилинадиган операция (сунъий йўл очиш); **ксеростомия** [ксеро...+...стомия] – сўлак безлари секрециясининг камайиши туфайли оғизнинг куриб қолиши; **нефростомия** [нефро...+...стомия] – буйракда операция йўли билан ташқарига тешик очиш; **стеностомия** [стено...+...стомия] – томоқ йўлининг торайиши; **холецистостомия** [холе...+ цисто...+...стомия] – ўт пуфагини кесиб, ташқарига йўл очиб қўйиш операцияси.

СТРАБ... [юн. strabos – эгри, қийшиқ] – үзлашма ясама сүзларнинг таркибий қисми бўлиб, қийшиқ, ғилай маъноларини билдиради. Mac.: **страбизм** [страб...+...изм] – ғилайлик, кўз соққасининг нотўғри ўрнашуви.

СТРАТ... I [юн. stratos – қўшин] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, қўшин, армия маъноларини ифодалайди. Mac.: **стратег** [юн. strategos – қўшин бошлиғи, бош қўмондон < юн. stratos + ago – бошлаб бораман] – иирик ҳарбий қўшилмаларнинг жанговар харакатларига раҳбарлик қилувчи саркарда; **стратегия** [юн. strategia] – ҳарбий санъатнинг мамлакатни ва қуролли кучларни урушга тайёрлаш, уни режалаштириш ва олиб боришнинг назарий ва амалий масалаларини қамраб олувчи соҳаси.

СТРАТ(И, О)... II [лом. stratum – ёпқич, тўшама; қават, қатлам] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қатлам, қават маъноларини билдиради. Mac.: **стратификация, стратовулкан, стратоизогипслар, стратопауза, стратоплан, стратиграфия** [страт(и)...+...графия] – геологиянинг тоғ жинсларининг шаклланиш изчиллигини, уларнинг дастлабки маконий муносабатлари ҳамда нисбий ёшини ўрганувчи соҳаси; **стратисфера** [страт(и)...+...сфера] – Ер пўстининг, асосан, чўкинди ва дастлаб чўкинди бўлган жинслардан таркиб топган устки қисми; **стратонавт** [страто...+...навт] – стратосферага учувчи одам; **стратостат** [страт(о)...+...стат] – одамни стратосферага учириш учун мўлжалланган, герметик берк ва маҳсус жиҳозланган аэростат; **стратосфера** [страт(о)...+...сфера] – атмосферанинг тропосферадан 8 – 10 километрдан то 50 километр баландликкача бўлган оралиқда жойлашган қатлами.

СТРУК(Т)... [лом. struo, structum – устма-уст қўяман, тўплайман, қураман, жойлаштираман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жойлашиш, тартиб, тузилиш, қурилиш маъноларини билдиради. Mac.: **структура** [лом. structura – тузилиш, қурилиш; боғланиш] – муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғликлиги; объектнинг ҳар қандай шароитда ҳам (турли ташқи ва ички ўзгаришларда) бутунлигини таъминловчи барқарор алокалари мажмуи; **структур(авий)** [< рус. структурный – структурага оид, структурага эга, структурага асосланган]: **структур тилшунослик** – тил ҳақидаги қарашлар ва уни ўрганиш усуллари мажмуи (тилни аниқ ажralиб турувчи таркибий элементларга эга бўлган белгилар тизими сифатида тушунишга асосланади); **структур формула** – нафақат кимёвий бирикмалар таркибини, балки молекуладаги атомлар боғланишини ҳам кўрсатувчи формула; **структурализм** [структур(ал)...+...изм] – тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, тарих ва шу каби ижтимоий фанларда структур усуллар ва моделлаштиришдан, семиотика элементлари ва формаллаштириш, математикалаштиришдан фойдаланиш билан боғлиқ йўналиш.

СТУДИ... [итал. studio – ўқиш, ўргатиш < лот. studere – ғайрат билан ишламоқ, шуғулланмоқ; ўқимоқ, ўрганмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўқиш, ўргатиш билан машғуллик маъносини билдиради. Mac.: **студент** [нем. Student < лот. studens (studentis) – ўкувчи, ўрганувчи; қунт билан шуғулланувчи] – Ўзбекистонда: олий ўкув юрти, АҚШ, Буюк Британия каби айрим мамлакатларда: олий ва ўрта маҳсус ўкув юрти ўқувчиси; талаба; **студия** [итал. studio – ҳафсала, қунт; ўқиш, ўрганиш; нем. Studio – машғулотлар хонаси] – 1) рассом ёки хайкалтарош устахонаси; 2) рассом ёки актёрлар тайёрлайдиган мактаб; 3) ижодий фаолият билан бир каторда сахна ёки тасвирий санъат асарларини ўрганадиган, асосан, ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) жамоаси; 4) бадиий ва бошқа фильмлар яратувчи ижодий ва техник ходимлар жамоаси; шу жамоа ишлайдиган жой, киностудия; 5) радиоэшилтириш ва телекўрсатувлар олиб бориладиган маҳсус бино; радиостудия ёки телестудия; 6) умуман, сурат олиш, овоз ёзиш ва бошқа мақсадлар учун маҳсус жиҳозланган иш жойи.

СУБ... [лот. sub – остида, пастда, ёнида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: I. Бирор нарсанинг остида, тагида, орасида, яқинида жойлашганликни билдиради. Mac.: **субарахноид**, **субарктика**, **суборбитал**, **субстрат**, **субэкваториал**; **сублитораль** [суб...+ лот. litoralis – қирғоққа оид, қирғоқбўйи] – океан ва денгизлар тубининг литоралдан бевосита пастроқда жойлашган қирғоқбўйи қисми; **субмарина** [ингл. submarine < суб...+ лот. marine – денгизга оид] – сувости кемаси; **субтропик** [суб...+ тропик]: **субтропик ўсимликлар** – маълум минтақаларда ўсувчи, асосан, доимяшил, барг тўқадиган баъзи мевали дарахтлар ҳамда буталар (апельсин, мандарин, зайтун, хурмо каби); **субтитр** [суб...+ титр] – кинофильм кадрлари остидаги ёзув (талаффуз қилинаётган матннинг изохи, бошқа тилга таржимаси); II. Тобелик, бўйсуниши маъноларини ифодалашга хизмат қиласи. Mac.: **субинспектор**; **субординация** [суб...+ лот. ordinatio – тартибга келтириш] – мансаби, кўрсатган хизматлари ёки унвони бўйича кичикларнинг катталарга бўйсуниши тизими (хизмат интизоми қоидаларига асосланади). III. Иккинчи даражалилик; асосий, тўлиқ эмаслик маъноларини билдиради. Mac.: **субарендатор**, **субделириум**, **субинволюция**, **субфебрил**; **субаренда** [суб...+ поляк. arenda < лот. arrendare – ижарага бермоқ] – ижарага олинган кўчмас мулкни ёки бошқа мол-мулкларни бошқаларга ижарага бериш; **субинфекция** [суб...+ инфекция] – белгилари яққол (тўлиқ) ифодаланмаган юқумли касаллик.

СУДО(Р)... [лот. sudor – тер; суюқлик, намлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тер маъносини ифодалайди. Mac.:

судограмма [судо...+...грамма] – тер билан ажраладиган бүёк моддалари организмга юборилганидан сўнг, тер чиқсан соҳаларнинг график тасвири; **судорифероцит** [судор(и)...+ феро...+...цит] – тер безининг секретор хужайраси.

СУЛЬФ(О)... [*lom.* sulphur, sulfur. – олтингугурт] – кимё, тиббиётга оид ўзлашма қўшма терминларнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг олтингугуртга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **сульфазин**, **сульфозин**, **сульфолан**, **сульфонал** (дори моддалар), **сульфитлар**, **сульфитометр**; **сульфанемия** [сульф...+ анемия] – сульфаниламидларни кўплаб бериш натижасида ҳосил бўлган, кам учрайдиган ўткир гемолитик анемия; **сульфанурия** [сульф...+ анурия] – сульфамид препаратларини ишлатавериш натижасида сийдик чиқмай қолиши; **сульфатлар** [сульф...+...ат] – сульфат кислотанинг ўрта ва нордон кристалл тузлари ва эфирлари; **сульфидлар** [сульф...+...ид] – олтингугуртнинг металлар, шунингдек, айрим металлмаслар билан ҳосил қилган бирикмалари; **сульфокислоталар** – таркибида сульфогурух бўлган, сувда яхши эрийдиган кислоталар; **сульфур** [*lom.* Sulphur] – баъзи кимёвий формулаларни ўқишда S символи айнан шундай айтилади.

СУПЕР..., СУПРА... [*lom.* super, supra – юқори, олий; юқорида, устида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб: 1) бирор нарсанинг олий сифатли, юқори даражали эканлигини ёки астойдил, зўр бериб қилинган ҳаракатни; 2) юқорида, бирор нарсанинг устида жойлашганликни; 3) бош, асосий; катта деган маъноларни билдиради. Mac.: **суперавиация**, **супермен**, **супермодель**, **супернапалм**, **супероксидлар**, **суперортikon**, **суперсимметрия**, **суперстрат**, **суперфиниш**, **супрематизм**; **суперарбитр** [супер...+ фр. arbitre < *lom.* arbiter – кузатувчи, гувоҳ; воситачи] – ҳакамлик судининг бошқа арбитрлар сайлаган арбитри (судьяси); бошқа арбитрлар ўртасида муроса, келишув бўлмагандан, ҳал килувчи овозга эга бўлади; **суперинтендант** [супер...+ фр. intendant – бошқарувчи < *lom.* superintendentis – бош, олий назоратчи] – 1) протестантларда: черков округини бошқарувчи рухоний; 2) АҚШда: ҳалқ таълими департаментининг бошлиғи; **суперинфекция** [супер...+ инфекция] – бирор юқумли касаллик тўлиқ даволанмаган шароитда яна шу касаллик микроби билан касалланиш; касалликнинг қайталаниши; **супермаркет** [супер...+ нем. Markt – бозор] – турли хил озиқ-овқат ва саноат моллари сотиладиган катта дўкон; **супермуқова** [супер...+ муқова] – муқова устидаги қўшимча қоплама; **суперфосфат** [супер...+ фосфат] – апатит ва фосфоритларга сульфат кислота билан ишлов бериб ҳосил қилинадиган юқори сифатли фосфорли ўғит; **суперэлита** [су-

пер...+ *фр. elite* – энг яхши, сайланган, сараланган] – энг яхши, сара ўсимликларнинг муайян навга хос барча белги ва хоссаларни тўлиқ мужассам қилган уруғлари; **супралитораль** [супра...+ *лат. litoralis* – кирғоққа оид, кирғоқбўйи] – денгиз ва қуруқлик чегарасида литоралдан юқорироқ жойлашган зона.

СУРДО... [*лат. surdus* – кар, гарант] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кар, қулоғи оғир ёки заиф эшитувчи маъноларини билдиради. Mac.: **сурдина, сурдокамера, сурдомутизм; сурдология** [сурдо...+...логия] – карлик, қулоғи оғирлик ва унинг оқибатлари тўғрисидаги фан; **сурдопедагогика** [сурдо...+ педагогика] – дефектологиянинг кар ёки заиф эшитувчи болаларни маҳсус ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан шуғулланувчи соҳаси; **сурдотерапия** [сурдо...+...терапия] – қулоғи оғирлик ва гарантликни даволаш усуллари мажмуи; **сурдотехника** [сурдо...+ техника] – асбобсозлик тармоғи; эшитишдаги нуқсонлар ва улар билан боғлиқ нутқ бузилишларини тузиши ва аслига келтириш учун мўлжалланган техника воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

СФЕН(О)... [*юн. sphēn* – пона] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, пона, понасимон, понага ўхшаш маъноларини билдиради. Mac.: **сфеноидал, сfenopalatal, сfenotrezia; сфеноидит** [сфен(о)...+...оид +...ит] – понасимон суяқ (асос суяқ) бўшлигининг яллиғланиши; **сфеноидотомия** [сфеноид(о)...+...томия] – понасимон суяқ бўшлигини очиш, кесиш операцияси; **сфеноцефалия // сфеноцефалия** [сфено...+...кефалия] – ривожланиш нуқсони: калланинг пона шаклда бўлиши (пешона қисми кенг, орқа қисми тор бўлган калла).

СФЕР(О)... [*юн. sphaira* – шар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг геометрик шакллар – шарга, сферага ўхшашлигини, уларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **сферитлар, сфероид, сфероцит; сферолит** [сфера...+...лит] – 1) игнасимон кристалларнинг шар шаклидаги, радиал-нурсимон тузилиши аралашмаси (магматик ва чўқинди тоғ жинслари таркибига киради); 2) янги түғилган болаларнинг буйракларида топилган чўкма; **сферометр** [сфера...+...метр] – шарсимон юза (оптик линзалар)нинг эгрилик радиусини ўлчайдиган асбоб; **сферосомалар** [сфера...+ *юн. soma* – жисм; гавда, тана] – микросомалар; таркибида липид ва оқсиллар бўлган ҳужайра доначалари (гранулалари).

...**СФЕРА** [*юн. sphaira* – шар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккичи таркибий қисми бўлиб, шарга, сферага ўхшашлик, шарсимон шакл, шунингдек, сирт, сатҳ, юза маъноларини билдиради. Mac.: **астеносфера, гемисфера, криосфера, магнитосфера, ноосфера,**

фотосфера, хромосфера, экзосфера; атмосфера [атмо...+...сфера] – айрим осмон жисмларининг газсимон қобиги; чунончи, *Ер атмосфераси* – Ер атрофида у билан бирга айланувчи ҳаво мухити; асосан, азот, кислороддан иборат; **литосфера, тропосфера, гидросфера, озонасфера, стратосфера, ионосфера, мезосфера, термосфера, гомосфера, гетеросфера** – Ер атмосферасининг 0 дан 100 ва ундан ортиқ километр баландликкача бўлган қатламларининг номлари; **биосфера** [био...+..сфера] – Ер шарида ҳаёт тарқалган худуд; атмосферанинг литосфера, тропосфера, гидросфера қатламларини камраб олади; **псевдосфера** [псевдо...+...сфера] – трактиса (эгри чизик)нинг текислик ўки атрофида айланишидан ҳосил бўладиган текислик.

СФИГМ(О)... [юн. *sphygmos* – пульс, юрак уриши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тезлашган пульс, юракнинг тез уриши маъноларини билдиради. Мас.: **сфигмоболометрия, сфигмограмма, сфигмограф, сфигмоид, сфигмокардиограф, сфигмометр, сфигмоскоп, сфигмотонограф; сфигмография** [сфигмо...+...графия] – артерия деворлари тебранишлари (пульс)ни маҳсус асбоб – сфигмограф ёрдамида ёзиб олиш; **сфигмоманометр** [сфигмо...+ манометр] – артериал қон босимини ўлчайдиган асбоб; **сфигмометрия** [сфигмо...+...метрия] – томир уриши (пульс)ни ўлчаш.

СФРАГ... [юн. *sphragis* – муҳр] – ўзлашма ясама сўзнинг таркибий қисми бўлиб, муҳр ва тамға маъноларини билдиради. Мас.: **сфрагистика** [сфраг...+...истика] – тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган ёрдамчи соҳаси; **сигиллография**.

Т

ТАБ(У)Л... [лат. *tabula* – доска, жадвал; стол; сурат] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тахта (доска), жадвал; сурат, тасвир маъноларини билдиради. Мас.: **таблетка, табулятор, табуляграмма; таблица** [польск. *tablica* < лат. *tabula* – доска, жадвал] – маълумотлар ва сонларнинг чизиқлар билан устун ва қаторларга ажратилган ва маълум тартибда жойлаштирилган рўйхати; **табло** [фр. *tableau* – сурат, тасвир < лат. *tabula*] – ахборот-маълумотларни одамлар тушунадиган шаклда кулай акс эттириш воситаси: турли хил шартли тасвирлар, ёруғлик ва бошқа сигналлари бўлган тахта, шчит ёки экрандан иборат; **табулатура** [нем. *Tabulatur* < лат. *tabula* – доска, жадвал] – ҳарф ёки рақамлар орқали мусиқа ёзишнинг эскича тизими.

ТАВТ(О)..., ТАУТО... [юн. *tauto* – айнан ўхшаш, бир хил, худди ўзи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, айни бир нарсанинг ўзи, такрорланиши деган маъноларни билдиради. Mac.: **тавтограмма** [тавто...+...грамма] – барча сўзлари бир хил ҳарф билан бошланадиган шеър; **тавтология** [тавто...+...логия] – 1) бир фикр, мазмунни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ифодалаш, сўзни ортиқча такрорлаш; 2) мантиқда: ўзига хос хукм бўлиб, унда таърифланадиган тушунча айнан ўзи воситасида таърифланади, яъни таърифнинг аникловчи қисми аникланувчи қисмida ифода этилган маънони такрорлайди; **таутомерия** [тауто...+...мерия] – қайтар изомерия ҳодисаси: бунда изомерлар ўзаро ҳаракатчан мувозанатда бўлади, яъни бири иккинчисига осонгина ўтиб (айланиб) туради.

ТАКС(И)... [юн. *taxis* – тартиб билан жойлашиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тартиб, тартиб билан жойлашганлик маъноларини билдиради. Mac.: **таксислар** – содда (бир хужайрали) ўсимликлар, ҳайвонлар ва алоҳида хужайраларда бир томонлама таъсир кўрсатувчи қўзғатувчиларга нисбатан ҳаракат реакциялари – аэротаксис, гидротаксис, термотаксис, фототаксис, хемотаксис, электротаксис; **таксономия** [таксо...+...номия] – бутун борликнинг, одатда, иерархик тузилишга эга бўлган, мураккаб шаклланган соҳаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси.

ТАЛАСС... [юн. *thalassa* – денгиз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг денгиз билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **талассоид**; **талассотерапия** [талассо...+...терапия] – иқлим ёрдамида даволашнинг бир кўриниши бўлиб, денгиз иқлими ва денгизда чўмилтириш билан даволаш усули; **талассемия** [таласс...+...емия] – Ўрта ер денгизи касаллиги – дастлаб Ўрта ер денгизи соҳилларида яшовчи аҳолида топилган ирсий камқонлик (анемия) касаллиги.

ТАНАТ(О)... [юн. *thanatos* – ўлим, ўлиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўлим билан, ўлиш жараёни билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **танатогенез**, **танатоценоз**; **танатология** [танато...+...логия] – тиббиётнинг ўлим, унинг сабаблари, механизми ва белгиларини, шунингдек, реанимация ва ўлимолди азобларини енгиллаштириш масалаларини ўрганадиган бўлими; **танатофобия** [танато...+...фобия] – мияда ўрнашиб қолган қўркув: ўлиб қолишдан кўркиш.

ТАУТ(О)... қ. тавт(о)... .

ТАФ(О)... [юн. *taphos* – гўр, қабр, кўмиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, қабр, мозор ёки кўмиш маъноларини ифодалайди. Mac.: **тафоценоз**; **тафономия** [тафо...+...

...номия] – палеонтологиянинг кўмилиш жараёнларини ёки ҳайвон ва ўсимликлар қазилма қолдиқлари жойларининг шаклланишини ўрганувчи бўлими; **тафофобия** [тафо...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган кўркув: ўлимдан, ўлимга оид нарсалардан, тириклиайн кўмилишдан кўркиш.

ТАХИ... [юн. tachys (tacheos) – тез, тез бўладиган, жадал] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тез, жадал; тез амалга ошириладиган, тезлик маъноларини ифодалайди. Mac.: **таксиметр, тахеометрия, тахипноэ, тахителия, тахограф, тахикардия** [такси...+...кардия] – юрак қисқаришларининг тезлашиши; **тахиметр** [такси...+...метр] – сув оқими тезлигини ўлчайдиган асбоб; **тахометр** [таксо...+...метр] – бирор жисмнинг, масалан, машина ва механизм валларининг айланиш частотасини ўлчайдиган асбоб.

ТЕА... [юн. thea – манзара, кўриниш; томоша; кўриб чикиш, кўздан кечириш] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кўриб чикиш, кўздан кечириш, томоша қилиш маъноларини билдиради. Mac.: **теодолит, теорема, театр** [юн. theatron – томошагоҳ] – 1) санъат турларидан бири; актёрнинг омма олдидағи ижроси жараённида юзага келадиган саҳнавий воқеа; 2) театр томошалари учун мўлжалланган бино.

...ТЕКА [юн. theke – бирор нарса сакланадиган идиш, жой, омбор] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўзи қўшилиб қелган сўздан англашилган нарсанинг тўплами ва уларни саклаш учун мўлжалланган маҳсус жой, идиш, омбор маъноларини билдиради. Mac.: **библиотека (кутубхона), видеотека, глиптотека, иконотека, синематека, фонотека, фототека; дискотека** [диск(о)...+...тека] – 1) асосан, мусиқий ёзувлари бўлган лазер дисклар, грампластинкалар тўплами; 2) рақс залига эга бўлган ўшлар клуби; **картотека** [карт(о)...+...тека] – 1) маълум соҳага оид маълумот ёки материаллар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар йиғиндиси; 2) шундай карточкалар сакланадиган маҳсус кутилар; **пинакотека** [пинако...+...тека] – тасвирий санъат асарлари омбори; суратлар галереяси; **фильмотека** [фильм(о)...+...тека] – киноархив ёки синематека: маҳсус омборхонада маълум тартибда жойлаштирилган кинофильмлар тўплами ва шундай омборхона жойлашган муассаса.

ТЕКС(Т)... [лат. textus – тўқиши, улаш, ўриш; тузилиш; газлама; боф, боғланиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тўқиши, улаш, тузилиш, боғланиш; газлама маъноларини билдиради. Mac.: **тексоҳром, текст, текстология; текст** [лат. texo – тўқийман, ўрайман] – тола ёки ипнинг чизиқли зичлигини ифодалайдиган катталиқ, тола массасининг тола узунлигига нисбати;

текстиль [лом. textile – газлама] – толалар ва иплардан тайёрланадиган маҳсулотлар: газламалар, трикотаж, нотўқима материаллар, гилам, кигиз-намат маҳсулотлари, момик пахта, тўқимачилик-атторлик буюмлари, ғалтак иплар, арқонлар ва бошқалар; **текстолит** [текст(о)...+лит] – ип-газлама қатламларига синтетик смолалар шимдириш ва 150° температурада катта босимда пресслаш йўли билан тайёрланадиган пластик материал; **текстура** [лом. textura – газлама; тузилиш] – аморф жисмлардаги молекулаларнинг ёки поликристаллар, кристаллар ва газламаларда толаларнинг муайян йўналишда жойлашуви.

ТЕКТ... [юн. tekto – кураман, барпо қиласман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, куриш, яратиш, барпо қилиш маъноларини англатади. Mac.: **тектоника** [юн. tektonike – куриш (курилиш), бунёдкорлик санъати] – геологиянинг Ер пўсти (литосфера)нинг ёки Ер юқори мантиясининг структураси, ҳаракати, деформацияси ва ривожланишини ўрганувчи бўлими; геотектоника; **тектонитлар** [юн. tektonike] – бошланғич (асос) жинсларнинг тектоник ҳаракатлар таъсирида парчаланиши ва ишқаланиши натижасида пайдо бўлган метаморфик тоғ жинслари; **тектоник** [юн. tektonikos – қуришга, бунёдкорликка оид]; **тектоник ҳаракатлар** – Ер пўстининг бирон-бир йўналишда тебранма, бурмаланма, букилма ёки ёрилма ҳаракатлари бўлиб, улар пўстнинг деформациясига ёки унинг қатламлари узилишига сабаб бўлади.

ТЕЛЕ... [юн. tele – узок, узокда, узокка] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, узок масофадан туриб ҳаракат (таъсир) қилувчи ёки амалга оширилувчи деган маъноларни англатади ёки “телевизион” сўзи маъносига тўғри келади. Mac.: **телефошқариш, телевизион, телекинез, телекс, телемарафон, теленазорат, телеобъектив, телепатия, телестудия, телефония, телевидение** [теле...+лом. visio (> рус. видение) – кўриш] – фан, техника ва маданиятнинг кўринадиган ахборотлар (ҳаракатланувчи тасвирлар)ни радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш билан боғлик соҳаси; ахборотларни тарқатиш воситаларидан бири; **телевизор** [теле...+лом. viso – қарайман] – телестудиядан узатиладиган телекўрсатувларнинг электр сигналларини қабул қилиш, кучайтириш ҳамда тасвир ва товушга айлантириш учун мўлжалланган радиоэлектрон курилма; **телеграмма** [теле...+...грамма] – телеграф орқали узатиладиган хужжатли хабар; **телефраф** [теле...+...граф] – телеграммаларни юбориш, қабул қилиш ва эгасига етказиб бериш билан шуғулланадиган алоқа тури; шу жараёнлар билан шуғулланувчи алоқа корхонаси; **телеметрия** [теле...+

...метрия] – кучланиш, ток кучи, қувват, босим, температура, сатх, учиш баландлиги, организмнинг биологик кўрсаткичлари, метеорологик маълумотлар ва бошқа катталикларни масофадан туриб ўлчаш; **телемеханика** [теле...+ механика] – 1) ахборотларни масофадан туриб бошқариш ва назорат қилиш мақсадида уларни узатиш ҳамда қабул қилиш усулларини ва техника воситаларини ишлаб чиқиши билан шугулланадиган фан; 2) техниканинг ахборотларни кодлаш, уларни симли алоқа ва радиоалоқа каналлари бўйича узатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш билан шугулланадиган бўлимни; **телескоп** [теле...+...скоп] – осмон ёриткичларини визуал, фотографик, фотоэлектрик ва спектрал усулларда кузатиш учун мўлжалланган астрономик оптик асбоб; **телетайп** [теле...+ ингл. type – машинкада ёзиш] – ахборотларни узатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган ҳарф босиши аппарати; **телефон** [теле...+...фон] – 1) электр сигналларини товуш сигналларига айлантириб берадиган электр-акустик асбоб; 2) телефон аппаратининг қисқа номи.

ТЕЛ(О)..., ТЕЛЕО... [юн. telos (teleos) – мақсад, ният; энг охири] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, мақсад, ният, истак; энг охири маъноларини ифодалайди. Mac.: **телантроп** [тел(о)...+ ...антроп] – суюк қолдиқлари Африка жанубидан қазиб олинган энг қадимги одам; **телеология** [телео...+...логия] – дунёдаги, табиатдаги барча ҳодиса ва жараёнлар мақсадга мувофиқ тарзда курилган ва ҳар қандай ўзгаришлар (табиат ҳодисалари, инсон хатти-ҳаракати, тарихий ҳодисалар) табиат ёки Худо томонидан аввалдан белгиланган мақсад асосида рўй беради, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот.

ТЕМПЕР... [лат. temperare – аралаштирумок, қўшмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, керакли нисбатда аралаштириш, ўзаро тенг нисбатда қўшиш; тўғри нисбат, мутаносиблик маъноларини ифодалайди. Mac.: **темперамент, температура, темперация; темпера** [итал. tempere – бўёқларни аралаштириш < лат. temperare] – 1) бўёқ моддаси ва боғловчи моддаси сувли эмульсия ва тухум сарифидан таркиб топган бўёқ; 2) темпера бўёқлари ёрдамида яратиладиган рангтасвир тури.

ТЕНД..., ТЕНЗ(О)... [лат. tendere (tensum) – тортмоқ, чўзмоқ, таранг қилмоқ; йўналтирумок] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, маълум томонга тортилиш, чўзилиш, интилиш; таранглик, мойиллик маъноларини ифодалайди. Mac.: **тенденция** [нем. Tendenz < лат. tendere] – 1) қарашларда ёки маълум фолиятда йўналганлик; нимагадир интилиш, мойиллик, қизиқиш; кимнингдир қизиқишлари йўналиши; 2) маълум ҳодисанинг ривожланиб боришидаги йўналиш; олдиндан танлаб олинган ғоя, фикр; **тензиметр**

[тенз(и)...+...метр] – түйинган буғлар босимини ўлчайдиган асбоб; **тензиометр** [тензи(о)...+...метр] – суюқликларнинг сирт таранглигини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **тензометр** [тенз(о)...+...метр] – қаттиқ жисмларда (машина деталларида, иншоотларда) механик босимлар сабабли юзага келувчи деформацияларни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб.

ТЕНД(О)..., ТЕНО... [*лат.* tendo (*tendinis*) – пай] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг пайга, пай касалликларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **тендобурсит**, **тендомуцин**, **тендосиновит**, **тенодез**, **теноррафия**, **тенофит**; **тендинит** [тендин...+...ит] – пайнинг яллиғланиши, мадда бойлаши; **тендоганинит** [тендо...+ *лат.* *vagina* – қин +...ит] – асосан, панжа, билак, болдиридаги пай қисмлари (бўшлиқлари)нинг яллиғланиши; **тенолиз** [тено...+...лиз] – чандик бўлиб, атрофдаги тўқималарга бирикib қолган пайларни операция қилиб ажратиб бўшатиш; **тенопластика** [тено...+...пластика] – шикастланган пайни қайта тиклаш ёки реконструкция қилишдан иборат жарроҳлик операцияси; **тенотомия** [тено...+...томия] – ғилайликда кўзнинг ташқарига ҳаракатлантирувчи мушакларини кесиш операцияси.

ТЕО... [*юн.* theos – худо] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг худо маъносига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **теогония**, **теодицея**, **теолог**, **теософия**, **теизм** [те(о)...+...изм] – худо оламдан ташқариди турди, оламни ўз иродаси билан яратган ва унда мавжуд бўлган мутлак шахс деб тушунувчи диний таълимот; **теократия** [тео...+...кратия] – давлат бошқаруви шакли; бунда давлатнинг бошлиги бир вактнинг ўзида диний бошлиқ (раҳнамо) ҳам ҳисобланади; **теология** [тео...+...логия] – худонинг моҳияти ва иродаси хақидаги диний таълимотлар мажмуи.

...ТЕРАПИЯ [*юн.* *therapeia* – ғамхўрлик, парвариш қилиш, даволаш] – ўзлашма қўшма тиббий терминларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, беморларни, муайян касалликни биринчи қисмдаги сўз англатган нарса билан даволаш маъносини билдиради. Mac.: **ампелотерапия**, **балънеотерапия**, **гемотерапия**, **гидротерапия**, **механотерапия**, **органотерапия**, **радиотерапия**, **серотерапия**, **физиотерапия**, **электротерапия**; **аэротерапия** [аэро...+...терапия] – баъзи касалликларнинг белгиланган вактлардагина очиқ ҳавода бўлиш (ҳаво ванналари) билан даволаш; **гормонотерапия** [гормон(о)...+...терапия] – баъзи касалликларни гормонал мувозанатни тиклаш мақсадида гормонлар ва уларнинг препаратлари билан даволаш; **ионотерапия** [ион(о)...+...терапия] – даволаш мақсадларида организмга ионлар киритиш; **термотерапия** [термо...+...терапия] – даволаш мақсадларида иссиқликдан фойдала-

ниш, иссиқлик билан даволаш; **фототерапия** [фото...+...терапия] – нур билан даволаш; даволаш мақсадида ультрабинафша, инфракизил ва бошқа нурлардан фойдаланиш.

ТЕРАТО... [юн. teras (teratos) – майиб-мажрух, бадбашара] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг туғма майиб-мажруҳликка, ривожланиш нуқсонларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **тератогенез, тератома; тератология** [терато...+...логия] – ботаника, зоология ва тиббиётда: ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар ривожланишидаги туғма майиблик, мажруҳлик каби нуқсонларни ўрганувчи кичик соҳалар.

ТЕРИ(О)... [юн. therion – ёввойи, йиртқич ҳайвон] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сутэмизувчи ҳайвонларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **териодонтлар** [тери(о)...+ одонт] – қадимда яшаган йиртқич тишли ҳайвонлар гурухи; **териология** [терио...+...логия] – зоологиянинг сутэмизувчи ҳайвонларни ўрганувчи соҳаси; **маммалиология**

ТЕРМ(О)... [юн. thermē – иссиқлик] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг иссиқликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **термал, термобарометр, термодинамика, термоизоляция, термокимё, термопластлар, терморезистор, термосфера, термофиллар, термоэлемент; терманестезия** [терм...+ анестезия] – температура (харорат)ни сезишнинг йўқолиши; **термит** [терм(о)...+...ит] – алюминий ёки магнийнинг баъзи металлар оксиди билан кукунсимон аралашмаси; **унинг интенсив ёниши** натижасида реакция махсулотлари температураси 2000° дан ошади; **термограф** [термо...+...граф] – ҳаво, суюқлик ва шу кабилар температурасини узлуксиз қайд килувчи асбоб; **термометр** [термо...+...метр] – температура, ҳароратни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; **термометрия** [термо...+...метрия] – амалий физика ва метрологиянинг температурани ўлчаш усуслари ва воситаларини ўз ичига олган бўлими; **терморегуляция** [термо... + лот. regulo – тартибга соламан, бошқараман +...ация] – одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар (кушлар ва сутэмизувчилар) тана ҳароратининг турғунлигини таъминловчи физиологик жараён; **терморостлагич** [термо...+ ростлагич] – хона, печь ва бошқалардаги температурани бирдай тутиб турадиган қурилма; **термостат** [термо...+...стат] – температурани доимий сақлаш учун мўлжалланган асбоб.

ТЕРР... I [лот. terra – ер, худуд; тупрок] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ер, замин маъноларини ифодалайди. Mac.: **террарий // терраиум, терренкур, территория; терракота** [итал. terra cotta – қиздирилган, куйдирилган тупрок, лой < лот.

terra] – рангдор лой ва ундан тайёрланиб, махсус хумдонларда қиздирилган, бадиий ва амалий аҳамиятга эга сирланмаган сопол буюмлар; **терраса** [фр. terrasse < лот. terra] – 1) дарё, күл ва денгиз қиргоқлари ҳамда тоғ ёнбагирларидаги келиб чиқиши турлича бўлган, тик ёнбагир билан чегараланган горизонтал ёки нишаброқ табиий саҳн; 2) асосий бинонинг умумий томи остида қўшимча қурилган йўлаксимон айвон, пешайвон.

ТЕРР... II [лот. terragae – қўрқитмоқ, чўчитмоқ, даҳшат солмоқ; таъқиб қилмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, қўрқитиш, чўчитиш маъноларини билдиради. Mac.: **террор** [фр. terreur < лот. terror – қўрқув, даҳшат] – сиёсий рақибларни қўрқитиш, жазолаш, йўқ қилиш, аҳоли ўртасида тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (қотиллик, ёнғин чиқариш, портлатиш, гаровга олиш ва ҳоказо); **терроризм** [лот. terror +...изм] – бирор-бир ниятга эришиш учун аҳоли ва ҳокимиятни қўрқитиш, ваҳимага солиш мақсадида олиб бориладиган қўпорувчилик, қотиллик сиёсати.

ТЕРЦИ... [лот. tertius – учинчи; учдан бир] – ўзлашма ясама сўзлар таркибида келиб, шу сўзларнинг 3 (уч) сони билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **терциналар, терция; терцет** [итал. terzetto] – 1) уч ижрочи, асосан, хонандадан ташкил топган ансамбль; 2) уч хонанда ёки уч созанда ижросига мўлжалланган мусиқий асар; 3) уч сатрдан иборат шеър банди.

ТЕТРА... [юн. tetra – тўрт] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг 4 сони билан алоқадорлигини билдиради. Mac.: **тетрагонал, тетраподлар, тетрахлорэтан, тетрахорд, тетраэтилкўрғошин; тетралогия** [тетра...+...логия] – бир муаллифнинг ягона ғоя, мазмун асосида бирлаштирилган тўрт бадиий, мусиқий ёки саҳна асари; **тетраплегия** [тетра...+...плегия] – ҳаракатлантирувчи нервлар ёки мушакларнинг заарланиши натижасида кўл-оёқларнинг фалаж бўлиб қолиши; **тетраэдр** [тетра...+...эдр] – ҳамма ёқлари учбурчаклардан иборат тўртёқлик; учбурчакли пирамида; **тетрод** [тетр(а)...+...од] – тўрт электродли (катод, иккита тўр ва анодли) электрон лампа;

ТЕХН(O)... [юн. techne – санъат, маҳорат; ҳунар, билим] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор ишни амалга оширишдаги санъат ва маҳорат, билим билан алоқадорликни билдиради. Mac.: **техникум, техноген, технократ, технолог, технопарк, технотрон; технечий** [юн. technetos – ясама, сунъий] – Менделеев даврий системасининг VII гурухига мансуб кумушранг-кулранг радиоактив металл; сунъий равишда олинган биринчи кимёвий эле-

мент; техника [юн. *technikos* – моҳир, билимдон] – 1) товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда кўлланадиган моддий воситалар ва ақлий билимлар мажмуи; 2) бирор иш (хунар) ёки санъатда кўлланадиган усуллар мажмуи ва уларни эгаллаш; 3) бирор ишлаб чиқариш соҳасидаги машина, механизм, қурилма ва асбоб-ускуналар мажмуи; **технология** [техно...+...логия] – халқ хўжалигининг турли соҳаларида маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш усуллари мажмуи; шу усулларни ишлаб чиқиш, ўрганиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш билан шуғулланадиган фан; **технократия** [техно...+...кратия] – 1) ижтимоий тафаккурдаги оқим; унга кўра, жамият бутунлай илмий-техника тафаккури тамойиллари билан бошқарилиши мумкин; техниклар, муҳандислар ва олимлар (технократлар) илмий-техника тафаккурининг намояндалари бўлиб, корхоналар ва умуман жамиятдаги барча ҳокимият тадбиркор ва сиёsatчилардан уларга ўтиши керак; 2) ишлаб чиқариш ва давлат аппаратининг юқори малакали мутахассислари (юқори даражали олимлар, менежерлар, муҳандислар) қатлами; **технополис** [техно...+ юн. *polis* – шаҳар] – инновация жараёнларини жадаллаштириш, техник-технологик янгиликларни тез ва самарали кўллашга ёрдам бериш мақсадида ташкил этиладиган эркин иқтисодий зоналар шаклларидан бири.

ТИО... [юн. *theion* – олтингугурт] – айрим кимёвий бирикмаларнинг номларини билдирувчи ўзлашма кўшма терминларнинг биринчи қисми бўлиб, шу бирикмалар таркибида олтингугурт борлигини англатади. Mac.: **тиокислоталар, тиокол, тиосульфатлар, тиофен, тиофеноллар, тиоцианатлар; тиоиндиго** [тио...+ индиго] – таркибида олтингугурт бўладиган нилранг органик бўёқ; **тиоспиртлар** [тио...+ спирт] – таркибида сульфидрил гуруҳ бўлган ўта сассик органик бирикмалар; меркаптанлар; **тиофил** [тио...+...фил]: **тиофил организмлар** – олтингугурт ва унинг бирикмалари мухитида яхши ўсадиган бактериялар; **тиоэфирлар** [тио...+ юн. *aither* – ҳаво] – органик сульфидлар: органик радикалларнинг олтингугурт билан бирикмалари.

...ТИП, ...ТИПИЯ [юн. *typos* – из; нусха; шакл, қолип; тасвир, образ; ўхшашлиқ] – ўзлашма кўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб: 1) полиграфия, матбаа, нашр (чоп) этиш билан боғлиқ терминлар (**альфатип, линотип, монотип, палеотип, стереотип** – босма машиналар; **автотипия, акватипия, монотипия, стереотипия, фототипия, хромотипия** – босищ, чоп этиш усуллари); 2) фотография, суратга олиш, тасвир ҳосил қилиш билан боғлиқ терминлар (**дагерротипия, диазотипия, контратип, микротипия**); 3) тасвир, образ билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, адабиётшунослик терминлари (**архетип,**

прототип, стереотип); 4) организмларнинг ўзаро муносабатлари, улар ўртасидаги бир хиллик, ўхшашлик маъноларидаги биологик терминлар (биотип, генотип, гомотипия, кариотип, соматотип, фенотип, экотип) ҳосил киласди.

ТИФЛ(О)... [юн. typhlos – кўр] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўрларга, кўрликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **тифлоэктазия; тифлопедагогика** [тифло...+ педагогика] – дефектологиянинг кўр ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда уларни меҳнатта тайёрлаш масалаларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **тифлотехника** [тифло...+ техника] – кўрлар, кўзи ожизлар ва кўр-карларни ўқитиш, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, кўзи ожизларнинг кўриш қобилиятини кучайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган маҳсус асбобсозлик соҳаси.

ТОК... [юн. tokos – авлод, уруг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, авлод, насл маъноларини билдиради. Mac.: **токоферол** [токо...+ фер(о)...+...ол] – тирик организмнинг хаёт фаолияти ва нормал модда алмашинуви учун зарур бўлган органик бирикмалардан бири – Е витамини: ҳайвонлар бепуштлигига қарши қўлланади.

ТОКСИК(О)... [юн. toxikon – заҳар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, заҳар, захарланиш маъноларини англатади. Mac.: **токсиген, токсикоз, токсинлар; токсемия** [токс(ико)...+...емия] – қонда ташқаридан кирган ёки организмнинг ўзида ишлаб чиқарилган токсинларнинг айланиб юришидан пайдо бўлган захарланиш; **токси(ко)дермия** [токсико...+...дермия] – захарлар таъсирида вужудга келган тери касаллиги; **токсикология** [токсико...+...логия] – тиббиётнинг захарли моддаларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, уларнинг тирик организмларга таъсири механизми, захарланиш аломатларини ўрганувчи соҳаси; **токсикомания** [токсико...+...мания] – мастилик, қисқа муддатли хурсандчилик, кайф пайдо қилувчи турли хил моддалар (спирли ичимликлар, наркотиклар, баъзи дорилар, майший кимё воситалари)ни истеъмол қилишга мойиллик билан намоён бўлувчи касалликларнинг умумий номи.

...ТОМ [юн. tome – кесилган, кесувчи; кесма] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб: I. Танадаги бирор аъзони кесувчи, қиркувчи (асбоб) деган маънони билдиради. Mac.: **аденотом, дерматом, капсулотом, микротом, склеротом, фаринготом; витреотом** [лат. vitrum – шиша +...том] – шишаасимон танани кесадиган асбоб; **гистотом** [гисто...+...том] – микроскоп остида текшириш учун жуда юпқа кесма тайёрлайдиган асбоб; микротом; **остеотом** [остео...+...том] – суккни тешувчи маҳсус асбоб; **тонзиллотом** [лат. tonsillae – бодомчасимон безлар +...том] – бодомча безини қисман

олиб ташлашда ишлатиладиган асбоб. П. Бирон-бир аъзо ривожидаги муртак (эмбрионал) ҳолатни ифодалайди. Мас.: дерматом, миотом, нефротом, спланхнотом.

...**ТОМИЯ** [юн. tome – кесиш, қирқиши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, биринчи қисм (сўз)дан англешилган тана аъзосини кесиш, қирқиши, тешиш, ёриб (очиб) кўриш, кесиб олиб ташлаш каби маъноларни билдиради. Мас.: **автомотия, блефаротомия, гепатотомия, дихотомия, кератотомия, ларинготомия, литотомия, нефротомия, орхеотомия, плевротомия, пневмотомия, склеротомия, флеботомия, эмбриотомия; адено...+...томия**] – ютқиннинг бурун қисмидаги катталашган лимфоид тўқимани олиб ташлаш; **артротомия** [артро...+...томия] – бўғим халтасини оператив йўл билан очиш; **венотомия** [вено...+...томия] – тромбни олиб ташлаш учун ёки бошқа мақсаддада вена қон томирини кенгроқ очиш; **гастротомия** [гастро...+...томия] – ошқозонни кесиб очиш; **лапаротомия** [лапаро...+...томия] – қорин бўшлигини унда жойлашган аъзоларни операция қилиш ёки ташхисни аниқлаштириш мақсадида ёриб очиш; **остеотомия** [остео...+...томия] – тутма ёки орттирилган нуқсонларни тўғрилаш учун сукни остеотом ёрдамида кесиш ёки тешиш операцияси; **торакотомия** [торако...+...томия] – ўпка, юрак, қон томирлар, ошқозон шикастланганда кўкрак қафасини операция йўли билан очиш; **трахеотомия** [трахео...+...томия] – нафас олишни тиклаш максадида трахея (кекирдак)ни очиш ва унинг тирқишига маҳсус найча киритиш.

ТОН(О)... [юн. tonos – таранглик; кучланиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, тон, тонус (таранглик) маъноларини англатади. Мас.: **тонография, тонометрия; тонограф** [тоно...+...граф] – тонусни чизик билан қайд қиласидиган, ёзадиган асбоб; **тонометр** [тоно...+...метр] – 1) қон босимини, шунингдек, кўзнинг ички босимини ўлчайдиган аппарат; 2) икки камертоннинг тебранишлар частотасини таққослаш учун мўлжалланган асбоб; **тонус** [лот. tonus < юн. tonos – таранглик] – нерв марказлари ёки мушак тўқималарининг ҷарчамай, узоқ вақт давомида кўзғалган ҳолатда бўлиши.

ТОП(О)..., ...ТОП [юн. topos – жой, ўрин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг муайян жой, ўринга алоқадорлигини билдиради: I. Кўшма сўзларнинг биринчи қисми сифатида. Мас.: **топограф, топонимия, топонимлар; топография** [токо...+...графия] – геодезиянинг бирор жойнинг, ер сатхининг географик ва геометрик элементларини тасвиrlаш ва шу асосда топографик ҳариталар яратиш усуllibарини ўрганувчи бўлими; **топология** [токо...+...логия] – математиканинг геометрик шакл-

ларнинг энг умумий хоссаларини ўрганувчи бўлими; **топонимика** [того...+ ...оним + ...ика] – 1) бирор жойнинг, ҳудуднинг географик номлари мажмуи; 2) лексикологиянинг географик номларни ўрганадиган бўлими. II. Кўшма сўзларнинг иккинчи қисми сифатида. Mac.: **изотоп**, **хронотоп**; **биотоп** [био...+...топ] – ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар (биоценоз) нисбатан бир хил яшаш шароитларига эга бўлган қуруқлик қисми ёки сув ҳавзаси; **стенотоплар** [стено...+ ...топ] – фақат муайян бир (тор) ҳудудда яшовчи ўсимликлар ва ҳайвонлар; **эрвритоплар** [эври...+...топ] – турли хил яшаш шароитларида яшай оладиган ўсимликлар ва ҳайвонлар.

ТОРАК(О)... [юн. thorax (thorakos) – кўкрак] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кўкрак, кўкрак қафаси маъноларини билдиради. Mac.: **торакоқаустика**, **торакомелус**, **торакопластика**, **торакоскопия**, **торакофагус**, **торакоцентез**; **торакобронхтомия** [торако...+ бронхо...+...томия] – кўкрак қафаси девори орқали бронхларни кесиш; **торакометр** [торако...+...метр] – кўкрак қафаси ёки қориннинг айланма ўлчовини аниқлайдиган асбоб; **торакоскоп** [торако...+...скоп] – плевра бўшлиғини текшириш учун ишлатиладиган маҳсус оптик асбоб; **торакотомия** [торако...+...томия] – операция йўли билан кўкрак қафасини очиш.

ТОТ... [лот. totus, totalis – тўла, тўлик, бутунчча, бутунлай, ҳаммаси] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бутун, тўлик, бутунлай маъноларини англатади. Mac.: **тотал** [лот. totalis – бутун, бутунлай, барча] – беистисно барчага баравар, тааллуқли, ялпи, умумий (масалан, *тотал уруши*); **тоталитар** [фр. totalitaire < лот. totaliter – бутун, барча, бутунлай] – зўравонлик билан характерланадиган, демократик озодлик ва шахс эркинлигини чеклаш ёки йўқотишга қаратилган (масалан, *тоталитар давлат* – тоталитаризм); **тоталитаризм** [фр. totalitarisme < тоталитар +...изм] – давлат бошқаруви шаклларидан бири: бунда жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи (тотал) назорати ўрнатилади, конституцион ҳуқуқ ва эркинликлар йўқотилади, бир шахс ёки ижтимоий гуруҳ (сиёсий партия)нинг яккаҳокимлигига бўйсунилади, мухолифлар ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан қатагон уюштирилади.

ТРА(НС)... [лот. trans – орқали, ичидан, ўртасидан, устидан; билан] – олд кўмакчи, олд кўшимча; ўзлашма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) қандайдир жой, фазо, майдон орқали ҳаракатланиш, уни (оралаб, ичидан) кесиб ўтиш (масалан, *трансатлантик*); 2) бирон нарса изидан, ортидан бориш, эргашиш; бирон нарсанинг нариги (орқа) томонида, ундан кейин жойлашиш (масалан, *трансальтик*, *трансуранлар*); 3) бирор нарса воситасида ифодалаш, белгилаш ёки

күчириш, узатиш (масалан, *трансдукция, транслитерация, трансплантация*) каби маъноларни билдиради. Mac.: **трансгрессия, трансляция, трансмиллий** (корпорация), **трансмиссия, транспорзация, транспорт, транспортёр, трансфер(т), трансформация, трансхимолай** (тоғлари); **транскрипция** [лат. *transcriptio* (*transscriptio*) – күчириб ёзиш] – 1) бирор тилдаги нутқ товушларининг талафузини шартли белги ва ҳарфлар воситасида аник акс эттириш; шу мақсад учун хизмат қиласидан белгилар тизими; 2) бирор соз ёки овоз учун мұлжаллаб ёзилган мусика асарини бошқа соз ёки овоз ижроси учун мослаштириш ёки уни усталик билан қайта ишлеш; **транслитерация** [транс...+ лат. *lit(t)era* – ҳарф + ...ация] – бирор алифбо асосида ёзилган матнлар ёки алохуда сўзларни бошқа бир алифбо воситалари билан ҳарфма-ҳарф акс эттириш; **транслокация** [транс...+ лат. *locatio* – жойлашиш] – хромосомалар бир қисмининг ўша хромосоманинг бошқа қисмига ёки иккинчи хромосомага ўтиб қолиши, хромосомаларнинг қайта курилиши; **транспирация** [транс...+ лат. *spirare* – нафас олмоқ ва чиқармоқ] – ўсимлик баргларининг сув буғлатиши; ўсимликнинг тұхтосиз нам олиб туришига ёрдам берадиган, тупроқдан минерал тузларининг келиб туришини таъминлайдиган, тұқымалар ҳароратини бошқарып турадиган мұхим физиологик жараён; **трансплантация** [лат. *transplantare* – күчириб бошқа жойга ўтқазмоқ] – одам ва ҳайвонларда патологик жараён натижасида шикастланган ёки олиб ташланган тұқима ва аъзолар ўрнига соғломини күчириб ўтқазиш; **трансуран** [транс...+ уран]: **трансуран элементлар** – Менделеев даврий системасида урандан сўнг жойлашган кимёвий элементлар.

ТРАХ(И)... [юн. *trachys* – дағал, ғадир-бұдурур] – ўзлашма ясама сўзларининг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, дагаллик, ғадир-бұдурулик маъноларини билдиради. Mac.: **трахит** [трах(и)...+...ит] – таркиби бўйича сиенитларга мос келувчи эффузив магматик тоғ жинси; **трахома** [трах(и)...+...ома] – кўзнинг рангдор пардаси ва мугуз пардасининг кучли шикастланиши билан ифодаланадиган сурункали юкумли кўз касаллиги.

ТРАХЕ(О)... [юн. *tracheia* – нафас олиш; томок, кекирдак, бўғиз] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, нафас олиш йўллари, нафас олиш найчалари, томок, бўғиз каби маъноларни билдиради. Mac.: **трахендлар, трахеобактериоз, трахеомикоз, трахеоскопия, трахеостомия, трахеотомия; трахеит** [трахе...+...ит] – нафас йўли (трахея) шиллиқ пардасининг яллиғланиши; **трахеобронхит** [трахео...+ бронх(о)...+...ит] – кекирдак ва бронхларнинг бир пайтда яллиғланиши; **трахеопластика** [трахео...+...пластика] – кекирдакнинг

ёрилган ёки олиб ташланган қисмини жаррохлик йўли билан тиклаш, ямаш; **трахея** [юн. tracheia] – 1) кекирдак ва бронхлар орасида жойлашган нафас олиш йўли, найчаси; 2) ўсимликнинг сув ўтказувчи найчалири (тўқималари).

ТРЕМ(О)... [лат. tremere – титрамоқ, қалтирамоқ, зирилламоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, титраш, қалтираш маъноларини англатади. Mac.: **тремограф**, **тремоло**; **тремограмма** [тремо...+...грамма] – тана қисмларининг титрашини тремограф асбоби ёрдамида чизиқлар шаклида ёзиб олиш; **треморнинг график тасвири**; **тремор** [лат. tremor – титраш, қалтираш] – нерв системаси шикастланганда қўл ва оёкларнинг, бош, тил ва бошқа аъзоларнинг ритмик холда титраши.

ТРЕМ(АТ)... [юн. trema – ёриқ, тешиқ, туйнук, тирқищ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тешиқ, тирқищ маъноларини билдиради. Mac.: **трематодалар** [юн. trematodes – сўргичлар билан таъминланган < trema] – сўргичли чувалчанглар; оғиз ва қорин соҳасида сўргичлари бўлган яssi паразит чувалчанглар синфи; **трематодозлар** [трематод(а) +...оз] – одам ва ҳайвонларда сўргичли чувалчанглар – трематодалар келтириб чиқарадиган гижжа касалликлари гурухи.

ТРИ... [юн. tri – уч, 3 сони] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, уч (3) сони билан боғлиқ сўзлар, терминлар ҳосил килади; учликка, уч киши ёки нарсага алоқадорликни билдиради. Mac.: **триада**, **триатлон**, **триглиф**, **тригонокефалия**, **трилогия**, **триместр**, **тринитротолуол**, **триплекс**, **триплет**, **трисекция**, **трицепс**, **триэрд**; **тригонометрия** [три...+ гоно...+...метрия] – математиканинг тригонометрик функцияларнинг хоссалари, учбуручакнинг томонлари билан бурчаклари орасидаги муносабатларни ўрганувчи бўлими; **трио** [итал. trio] – 1) уч хонанда ёки созандадан ташкил топган ансамбль; 2) шундай ансамблга мўлжаллаб ёзилган мусика асари; **триод** [три...+...од] – катод, бошқарувчи тўр ва аноддан иборат уч электродли электрон лампа; **триплан** [три...+...план] – бир-бирининг устида параллел жойлашган учта қанотга эга бўлган самолёт; **триптих** [юн. triptychos – уч қават; уч буқланган] – умумий бадийиғоя, мавзу ёки сюжет билан бирлашган, 3 қисмдан ташкил топган тасвирий санъат асари; **трифтонг** [три...+...фтонг] – бир бўғинда учта унли товушнинг бирикиши.

ТРИБ(О)... [юн. trіbo – ишқаламоқ, уқаламоқ; суртмоқ; эзмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ишқалаш, ишқалиш, уқалаш, эзиш маъноларини билдиради. Mac.: **трибология**, **трибоэлектр**; **триболюминесценция** [трибо...+ люминесценция] – баъзи

кристалл моддаларнинг ишқаланиши ва парчаланишида рўй берадиган люминесценция; **трибометрия** [трибо...+...метрия] – ишқаланувчи сиртларнинг ишқаланиш кучи ва ейилишга чидамлилигини ўлчаш усуллари.

ТРИПС... [юн. *thrypsis* – парчалаш; суюлтириш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, майдалаш, суюлтириш, парчалаш маъноларини ифодалайди. Мас.: **трипсин** [трипс...+...ин] – одам ва ҳайвонларнинг ошқозоности безида синтезланиб, ичакларда оқсиллар парчаланишида иштирок этувчи, гидролазалар синфиға мансуб, овқат ҳазм қилувчи модда.

ТРИХ(О)... [юн. *trix* (*trichos*) – қил, соч, тук] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қил, соч, тук маъноларини ифодалайди. Мас.: **трихобактерия, трихобезоар, трихокардия, трихоклазия, трихология, трихомалар, трихопатия, трихорексия, трихорея, трихоспороз; трихалгия** [трих(о)...+...алгия] – жазаваланган кишиларда сочни силаганда оғриқ сезиш; **трихиаз(ис)** [трих(о)...+ ...иаз] – киприкларнинг ичкарига караб, кўз соққаси томон нотўғри ўсиши (трахома ва блефарит касалликларида); **трихоглоссия** [трихо...+ юн. *glossa* – тил] – тил сўргичларининг дағалланиши натижасида тил юзасида туклар ҳосил бўлиши; **трихоз** [трих(о)...+...оз] – соchlарнинг ноноормал ўсиб кетиши билан боғлиқ касаллик; **трихомикозлар** [трихо...+...микоз] – ўсимлик паразитлари туфайли келиб чиқадиган турли соч касалликлари; **трихотрофия** [трихо...+...трофия] – соchlарнинг озиқланиши; **трихофития** [трихо...+...фит] – қирма темиратки; терининг (шунингдек, соч ва тирноқларнинг) замбуруғлар қўзғатадиган юкумли касаллиги.

ТРОМБ(О)... [юн. *trombos* – куйқа, лахта (қон)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қон ёки лимфа томирларида кујулиб, тиқилиб қолган қон (лимфа) куйқаси, лахтаси маъносини билдиради. Мас.: **тромбартериит, тромбин, тромбокиназа, тромболиз, тромбопения, тромбоэмболия; тромбоз** [юн. *trombos*] – тирик организмда томир ичida пайдо бўладиган қон лахтаси; эритроцит, тромбокит ва фибриндан иборат лахта томир деворига ёпишиб, қон оқимига халақит беради; **тромбофилия** [тромбо...+...филия] – тромб ҳосил бўлишига мойиллик; **тромбофлебит** [тромбо...+ флеб(о)...+...ит] – вена деворининг тромб ҳосил бўлиши билан яллигланиши; **тромбоцитлар** [тромбо...+...цит] – одам ва сутэмизувлар қонидаги ядросиз хужайралар – қон ивишида иштирок этувчи қон пластинкалари; **тромбэктомия** [тромб...+...эктомия] – тромбни операция йўли билан қон томиридан ажратиб олиш.

...ТРОН [электрон сўзининг қисқарган шакли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, баъзи электр-вакуумли асбоб-ускуналар, қурилма ва жиҳозларнинг номини ҳосил қиласди. Mac.: **амплитрон**, **вибротрон**, **гиротрон**, **декатрон**, **игнитрон**, **кенетрон**, **магнетрон**, **механотрон**, **микротрон**, **синхротрон**, **фазотрон**, **циклотрон**; **альфатрон** [альфа +...tron] – электрон вакуумметр; газ босимини ўлчовчи асбоб; **плазмотрон** [плазма +...tron] – плазматли генератор; паст температурали плазма олиш учун мўлжалланган газ-разрядли қурилма; **синхроциклотрон** [синхро...+ цикло...+...tron] – оғир зарядланган зарра (протон, дейтрон ва бошқа)ларнинг тезлаткичи; **фантастрон** [фантастика +...tron] – электрик тебранишларнинг релаксацион генератори; **характран** [*юн. character* – шакл, кўриниш + ...tron] – дастлабки ҳисоблаш машиналарида монитор вазифасини ба-жарган электрон-нурли асбоб.

ТРОП(О)... [*юн. tropos* – айланиш; бурилиш, йўналиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, бирор томонга, бирон обьектга қараб айланиш, бурилиш, йўналиш маъноларини ифодалайди. Mac.: **тропизм** [троп...+...изм] – физик, кимёвий ва бошқа қўзғатувчиларнинг бир ёқлама таъсирида ўсимлик аъзоларининг кўпинча қўзғатувчилар томон бурилиб ўсиши; қўзғатувчиларнинг тури ва таъсирига қараб, **аэротропизм**, **гаптотропизм**, **гелиотропизм**, **гепотропизм**, **гидротропизм**, **ортотропизм**, **реотропизм**, **фототропизм**, **хемотропизмлар** фарқланади; **тропометр** [тропо...+...метр] – 1) кўз соққасининг айланишини ўлчайдиган асбоб; 2) узун сукларнинг буралиш ва тарангланишини ўлчайдиган асбоб; **тропосфера** [тропо...+ ...сфера] – атмосферанинг Ер юзаси таъсири яққол сезиладиган қуи, асосий қисми; **тропопауза** [тропо...+ *юн. pausis* – тўхташ, тугаш] – тропосфера ва стратосфера орасидаги ўтиш қатлами.

...ТРОП, ...ТРОПИЯ [*юн. tropos* – бурилиш, ўзгариш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, бурилиш, ўзгариш, бирор томонга йўналганлик; муайян хосса маъноларини билдиради. Бунда ўзлашма сўздаги -троп терминэлементи, асосан, тегишли маънодаги сифатлар ясади: **азеотроп** (эритма), **гиротроп** (муҳит), **гонадотроп** (гормон), **лиотроп** (қатор), **политроп** (жараён), **психотроп** (моддалар); айрим ҳолларда эса от ясади. Mac.: **гелиотроп** [гелио...+...троп] – триангуляцияда горизонтал бурчакларни аниқ ўлчаш учун ишлатиладиган геодезик асбоб; унинг асосий қисми – ясси кўзгу куёш нурларини бир геодезик нуқтадан иккинчиси йўналишида қайтаради. Қўшма сўзлардаги -тропия терминэлементи эса тегишли сўзларда ҳаракат, холат, ўзгариш, хосса маъноларини ҳосил қиласди. Mac.: **анизотропия**, **лиотропия**, **морфотропия**, **энтропия**;

аллотропия [алло...+...тропия] – кимёвий элементларнинг икки ёки ундан ортиқ кўринишда бўлиши; **изотропия** [изо...+...тропия] – физик обьектлар хоссаларининг барча йўналишларда бир хил бўлиши; **лиотропия** [лио...+...тропия] – эриган моддаларнинг эритувчининг турли физик хоссаларига кўрсатадиган таъсири; **тиксотропия** [юн. thixeis – тегищ, тегиниш +...тропия] – дисперс системаларнинг механик таъсир туфайли бузилган асл структурасини қайта тиклай олиш қобилияти.

ТРОФ(О)... [юн. trophe – озиқ-овқат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг озиқ-овқат, озиқланиш, овқатланишга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **трофика**, **трофобласт**, **трофолаксис**; **трофобиоз** [трофо...+...биоз] – симбиознинг бир кўриниши бўлиб, бунда баъзи жониворлар бошқаларининг модда алмашинувидан ҳосил бўлган маҳсулотлари билан озиқланади (ҳашаротларда кузатилади); **трофология** [трофо...+...логия] – тирик организмларнинг озиқланиши ҳақидаги фан; **трофоневроз** [трофо...+...невроз] – тўқима ва аъзоларнинг озиқланишини бузувчи (издан чиқарувчи) касаллик; **трофоцит** [трофо...+...цит] – бошқа хужайраларга озиқ моддалари ва қурилиш материаллари етказиб берувчи хужайра; озиқлантирувчи (боқувчи) хужайра.

...ТРОФ, ...ТРОФИЯ [юн. trophe – озиқ-овқат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг озиқ-овқат, озиқланиш, овқатланишга алоқадорлигини билдиради. Булардан -**троф** терминэлементи озиқланиш тарзи ва озуқа тури ҳар хил бўлган организмлар номини ҳосил қилса. Mac.: **ауксотрофлар**, **микотрофлар**, **микситрофлар**, **прототрофлар**, **экзотрофлар**; **автотрофлар** [авто...+...троф] – ҳаёт учун зарур бўлган барча органик моддаларни ноорганик моддалардан синтезлаб олувчи организмлар; **гетеротрофлар** [гетеро...+...троф] – ўзининг озуқаси сифатида тайёр органик моддалардан фойдаланувчи организмлар (одам, барча ҳайвонлар, айрим ўсимликлар, аксар бактериялар ва замбуруғлар); **мезотрофлар** [мезо...+...троф] – тупроқ ёки бошқа муҳитда озуқа моддаларнинг мўътадил (ўргача) бўлишини талаб килувчи ўсимликлар; **олиготрофлар** [олиго...+...троф] – қурғоқчил дашт ва чала сахролардаги озиқ моддалар жуда кам бўлган тупроқларда ўса оладиган ўсимликлар.

-**трофия** терминэлементи бирон тўқима, аъзо ёки бутун организмнинг озиқланишидаги нуқсон (бузилиш)лар ва бунинг оқибатлари ни англатувчи терминлар ясайди. Mac.: **атрофия**, **гипертрофия**, **трихотрофия**, **эйтрофия**; **гипотрофия** [гипо...+...трофия] – 1) атрофия: аъзо ёки унинг бирор қисмининг кичрайиши; зидди – **гипертрофия**; 2) болаларда овқатланишнинг сурункали касаллиги бўлиб, у ҳаддан

ташқари озишга, тананинг яхши ривожланмаслигига ёки бутунлай ўсишдан тұхташига олиб келади.

ТУРБ(О)... [лом. turbe (turbinis) – қуон, уурма; шиддатли айланыш] – ўзлашма қүшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларда айланма ҳаракат маъноси мавжудлигини кўрсатади. Mac.: турбина, турбобур, турбодетандер, турбореактив (мотор, самолёт); турбогенератор [турбо...+ генератор] – газ ёки буг турбинаси ёрдамида айланма ҳаракатлантириладиган электр генератор; турбокомпрессор [турбо...+ компрессор] – турбина билан ҳаракатга келтириладиган марказдан қочма ҳаво компрессори.

У

У... [юн. ou – йўқ, мавжуд эмас] – ўзлашма қүшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, инкор маъносини ифодалайди. Mac.: утопизм, утопист; **утопия** [у...+ юн. topos – жой, макон] – 1) илмий асосга эга бўлмаган идеал ижтимоий тузум тасвири; 2) ижтимоий қайта куришларнинг ҳар қандай нореал, хаёлий режалари; 3) амалга ошмайдиган орзу, хомхаёл.

УЗ(У)... [лом. usus – қўллаш, ишлатиш, фойдаланиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, қўллаш, фойдаланиш маъноларини билдиради. Mac.: **узуал** [узу...+...ал – нисбий сифат ясовчи қўшимча] – умумқўлланишга оид, умумқўлланишга хос (масалан, **узуал маъно** – сўзнинг одатдаги, ҳаммага тушунарли, ҳамма кўллайдиган маъноси); **узус** [лом. usus – қўллаш, фойдаланиш; урф-одат, одатланиш] – тил бирлигининг (сўз, фразеологизм кабиларнинг) одатий, ҳамма томонидан қўлланиши.

...**УЛ(А)** [лом. -ula] – кичрайтиш отлари ясайдиган қўшимча. Изоҳи ва мисоллар ҳақида ...кула, ...ула терминэлементларига қаранг.

УЛ(О)... [юн. ul – милк] – ўзлашма қүшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг милк ва унинг касалликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **улатрофия, улэритета, улалгия** [ул...+...алгия] – милк оғриги; **улоглоссит** [уло...+ глосс...+...ит] – милк ва тилнинг яллиғланиши.

УЛЬТИМ... [лом. ultimus – энг охирги, сўнгги] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, охирги, сўнгги, қатъий деган маъноларни билдиради. Mac.: **ультиматум** [лом. ultimatum – охиригача етказилган] – халқаро хукуқда: бирон масала юзасидан бир давлатнинг бошқа давлат олдига қўйган, дипломатик хужжатда ёки оғзаки шаклда баён қилинган, бажарилиши шарт бўлган қатъий талаби.

УЛЬТРА... [лат. ultra – ортикроқ, күпроқ, янада; чегарадан (хаддан) ташқари] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, микдор ва сифат белгиларига кўра меъёрдан, хаддан ташқари; энг четки, оҳирги, ўта каби маъноларни билдиради. Mac.: ультрабазитлар, ультрабинафша (нурланиш), ультравируслар, ультрамикроанализ, ультрамикронлар, ультратузилма, ультрафильтрация, ультрақисқа (тўлқинлар); ультраабиссалъ [ультра...+ юн. abyssos – тубсиз, жуда чуқур] – океан тубининг анчагина – 6000 метрдан чуқурроқ қисми; ультраакустика [ультра...+ акустика] – ўта юқори частотали товуш тўлқинларининг хусусиятлари ва қўлланиш имкониятларини ўрганувчи фан; **ультрамарин** [ультра...+ лат. marginus – денгизга оид +...ин] – каолин, сода, олтингугурт, кўмир аралашмасини эритиб олинадиган, яшил рангдан бинафша рангача бўлган пигментлар; **ультрамикроскоп** [ультра...+ микроскоп] – оддий микроскоп билан кўриб бўлмайдиган жуда майда зарраларни кучли ёруғлик оқими ёрдамида кўриш имконини берадиган оптик асбоб; **ультратовуш** [ультра...+ товуш] – одам қулоғи қабул қила олмайдиган, фақат маҳсус асбоб билан эшитса бўладиган, тўлқинларининг тебраниш частотаси 20 килогерцдан юқори бўлган товуш; **ультрацентрифуга** [ультра...+ центрифуга] – роторининг ҳаддан ташқари тез айланиши ҳисобига ернинг тортиш кучидан юз минглаб, ҳатто миллион марта ортиқ марказдан кочма куч ҳосил қиласидиган аппарат.

...УМ, ...УС [лат. -um, -us] – лотин тилидан ўзлаштирилган сўзларда бирлик сондаги бош келишик қўшимчаларини англатади. Булардан -ум қўшимчасини олган сўзлар, асосан, от туркумига, баъзан эса сифат ва сифатдошларга мансуб сўзлардир; -ус билан тугалланган сўзлар эса фақат от туркумидаги сўзлардир. Ҳар иккала қўшимча билан тугалланган сўзлар рус тилига, бинобарин, ўзбек тилига ҳам айнан, куйида ёзилганидек қабул қилинган ва тор соҳалардагина қўлланади. Mac.: **декорум, кондоминиум, медиум, меморандум, опиум (юн.) пленум, подиум (юн.), постскриптум, социум, уникум; казус, коитус, локус, модус, полюс, тонус** ва бошқалар.

УНИ... [лат. unus, unī – бир] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бир, ягона, умумий; бирлик каби маъноларни билдиради. Mac.: **универсал, университет, унионизм, униполляр (уникутбий), униформа,ния; уникал** [лат. unicus – ягона, битта] – маълум жиҳатдан ягона, ўзига ҳос; **уникум** [лат. unicum – бошқаларга ўхшамаган, бошқача] – 1) бетакрор, ягона, аломат нарса; 2) бирон жиҳатдан ноёб, бетакрор одам; **унион** [лат. unio (unionis) – бирлик] – иттифоқ, бирлашма; **унисон** [итал. unison < уни...+ лат. sonus – товуш] – бир хил

баландликдаги бир неча овоз (товуш)нинг айни бир вактдаги ўзаро мослиги ёки оҳангдошлиги; **унитар** [фр. unitaire < лот. unitas – бирлик] – ягона, бирлашган, бир бутунликни ташкил этувчи (масалан, *унитар давлат, унитар корхона*); **унитаризм** [фр. unitarisme < лот. unitas – бирлик] – давлат тузилишининг уни ташкил этувчи худудларни марказлаштиришга асосланган тамойили; **унификация** [уни...+...ификация] – ягона тизимга, шаклга, бир хилликка келтириш.

...**УРА** [лот. -ura] – лотинча сўз ясовчи кўшимча бўлиб, ўзи кўшилган сўзлар билан, асосан, жамлик, кўплик ва бошқа маънолардаги отлар ҳосил қиласди: 1) турли дараҷадаги таълим ва амалиёт босқичлари ни билдирувчи отларни (**адъюнктура, аспирантура, докторантура, интернатура, магистратура, ординатура**); 2) ўзакдан англашилган шахсларнинг жамиини, кўплигини англатувчи отларни (**агентура, адвокатура, доцентура, кандидатура, клиентура**); 3) нарса, буюм, асбоб-жихоз, белги ва шу кабиларнинг мажмуини, қаторини, кўплигини ифодаловчи отларни (**аппаратура, аркатура, арматура, гарнитура, клавиатура, конъюнктура, кубатура, лигатура, мускулатура, титулатура, рецептура, сигнатура**); 4) ўрин-жой отларини (**комендатура, регистратура**); 5) мусиқага оид отларни (**колоратура, партитура**) ҳосил қиласди.

УРАН(О)... [юн. uranos – осмон; танглай] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, асл маъносида – осмон, кўчма маънода – танглай деган маъноларни билдиради. Mac.: **уранофобия** [уран(о)...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган кўркув – осмонга қарашдан қўркиш; **уронопластика** [уран(о)...+...пластика] – танглай пластикаси; танглайдаги нуқсонларни йўқотиш учун қўлланадиган пластик операцияларнинг умумий номи.

УРБ... [лот. urbs – шаҳар] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шаҳар, шаҳарга оид, мансуб каби маъноларни билдиради. Mac.: **урбанизация** [фр. urbanisation < лот. urbanus – шаҳарга оид +...изация] – саноатнинг ва аҳолининг шаҳарларда тўпланиши ҳамда жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб боришидан иборат ижобий жараён; **урбанизм** [фр. urbanisme < лот. urbanus +...изм] – 1) санъет ва адабиётда йирик шаҳарларнинг ва шаҳарликлар ҳаётининг тасвири, тавсифи; 2) меъморликда: XX аср шаҳарсозлигига юзага келган оқим, йўналиш.

...**УРГ, ...УРГИЯ** [юн. ergon – иш, амал, фаолият] – сўз ясовчи кўшимча; ўзлашма ясама сўзларнинг охирги қисмлари бўлиб, -ург кўшимчаси бирор соҳа ишчиси, мутахассиси маъносидаги шахс отларни, -ургия қўшимчаси эса бирор фан, иш-фаолият, ишлабчиқариш соҳаси, улар билан боғлиқ таълимот, жараённи ифодаловчи отлар-

ни хосил қиласы. **Мас.: драматург, металлург, хирург; галургия, десмургия, драматургия, металлургия, микрургия, петрургия, хиургия.**

УРЕТЕР(О)... [юн. ureter – сийдик йўли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сийдик йўли ва унинг касалликлари билан алоқадорлигини кўрсатади. **Мас.: уретеролиз, уретеролитиаз, уретероррагия, уретероцеле, уретерэктомия; уретерит** [уретер...+...ит] – сийдик йўлининг яллиғланиши; **уретерография** [уретеро...+...графия] – юқори сийдик йўлига контраст модда юбориб, рентген нурлари воситасида унинг расмини олиш; **уретеролитотомия** [уретеро...+ лито...+...томия] – юқори сийдик йўлида пайдо бўлган тошни олиб ташлаш операцияси; **уретероскопия** [уретеро...+...скопия] – сийдик йўлини (найларини) уретерескоп (сийдик найи ва буйрак жомига киритиладиган қаттиқ ва эгилувчан асбоб) ёрдамида текшириш; **уретеротомия** [уретеро...+...томия] – сийдик йўлинин кесиш операцияси.

УРЕТР(О)... [юн. urethra – сийдик чиқариш йўли, найи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сийдик чиқариш йўли (канали, найи) билан алоқадорлигини кўрсатади. **Мас.: уретраплазия, уретрогеморрагия, уретрометр, уретроскоп, уретроскопия, уретростеноз, уретростомия, уретроцеле, уретроцистит; уретралгия** [уретр...+...алгия] – сийдик чиқариш йўлида оғрик сезилиши; **уретризм** [уретр...+...изм] – сийдик чиқариш йўлининг ортиқча таъсирланиши ва сурункасига спазм бўлиб туриши; **уретрит** [уретр...+...ит] – уретра (сийдик чиқариш йўли)нинг яллиғланиши; **уретрометрия** [уретро...+...метрия] – сийдик чиқариш йўли диаметрини уретрометр ёрдамида ўтлаш; **уретропластика** [уретро...+...пластика] – сийдик чиқариш йўлининг шакли ва функциясини тиклаш учун қилинадиган операцияларнинг умумий ҳоми; **уретроспазм** [уретро...+...спазм] – сийдик чиқариш йўлининг қисилиб колиши; **уретротомия** [уретро...+...томия] – сийдик чиқариш йўлини жарроҳлик йўли билан очиш; **уретрэктомия** [уретр...+...эктомия] – сийдик чиқариш йўли ёки унинг бир қисмини кесиб олиб ташлаш.

...УРИЯ [юн. uiron – сийдик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сийдикка, сийдик ажралишига алоқадорлигини билдиради; бу қўшимча қўшилганда; 1) бирор модданинг сийдикда мавжуд эканлигини ёки сийдик билан ажралиб чиқишини ифодалайдиган терминлар (**азотурия, бактериурия, гематурия, гемоглобинурия, гликозурия, меланурия, пиурия, протеинурия, фенолурия, фосфатурия**); 2) сийдик ажралишидаги нуқсонларни (сийдик тутилиши, оз ёки кўп ажралиши)

ифодалайдиган терминлар (**анурия, дизурия, ишурия, олигурия, полиурия**) ҳосил бўлади.

УРО... [юн. urop – сийдик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг сийдик, карбамид ва сийдик-тансил аъзоларига алокадорлигини билдиради. Мас.: **уробактериялар, уробилин, уролит, уролитиаз, уролог, уронефроз, уроррагия, уропсис, уроскоп, уроцеле, уроцистит; урография** [уро...+ ...графия] – сийдик аъзоларига контраст модда юбориб, рентген нурлари воситасида уларнинг расмини олиш; **урология** [уро...+...логия] – клиник тибиётнинг сийдик аъзолари системасини, жинсий аъзолар касалликларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганувчи, шунингдек, бу касалликлар диагностикаси, давоси ҳамда олдини олиш усусларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **урометр** [уро...+...метр] – сийдикнинг солиштирма оғирлигини аниқлайдиган асбоб; **урорея** [уро...+...рея] – сийдикнинг беихтиёр, ўз-ўзидан ажralиб чиқиши; **уроскопия** [уро...+...скопия] – диагностик мақсадларда сийдикни текшириш; **уротерапия** [уро...+...терапия] – баъзи касалликларни тери остига сийдик юбориш билан даволаш; **урофобия** [уро...+...фобия] – нокулай шароитда (масалан, дарс пайтида) сийиш эҳтимоли туғилишидан қўркиш.

...**УС, ...УМ** [лат. -us, -um] – ...ум, ...ус терминэлементига қаранг.

Ф

ФАГ(О)... [юн. phagos – еювчи, еб юборувчи, ямламай ютувчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, еб битирувчи, емирувчи, ютиб юборувчи; озик-овқат деган маъноларни билдиради. Мас.: **фагодиагностика, фаголиз, фагосомалар, фагоцитоз; фагопрофилактика** [фаго...+ профилактика] – юкумли касаллик(лар) ҳавфи туғилганда соғлом одамларга махсус бактериофаглар юбориш йўли билан уларнинг олдини олиш; **фаготерапия** [фаго...+...терапия] – организмга махсус бактериофагларни юбориш йўли билан юкумли касалликларни даволаш; **фагофобия** [фаго...+...фобия] – баъзи руҳий касалликларда: овқат ютишдан қўркиш; **фагоцитлар** [фаго...+..цит] – одам ва ҳайвонларни бириктирувчи тўқималаридағи химояга ихтисослашган ҳужайралар; организмга кириб қолган ёт моддаларни, бактерия ва микробларни ютиб, ҳазм қиласидиган оқ қон танаачалари.

...**ФАГ, ...ФАГИЯ** [юн. phagos – еювчи, еб юборувчи, ямламай ютувчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, бунда **-фаг** терминэлементи биринчи қисмдаги сўз англатган

нарсани, моддани өювчи, еб битириувчи, емирувчи, ютиб юборувчи деган маъноларни билдиради ва кўпинча -лар қўшимчаси билан кўлланади. Мас.: **детритофаглар**, **копрофаглар**, **макрофаглар**, **микрофаглар**, **монофаглар**, **полифаглар**, **саркофаг**, **эврифаглар**; **бактериофаглар** [бактерио...+...фаг] – бактерияларни ютиб, емириб, йўқ қилиб юборувчи вируслар, бактериялар кушандаси; **зоофаглар** [зоо...+...фаг] – факат бошқа ҳайвонлар гўшти билан озиқланувчи ҳайвонлар; **ихтиофаг** [ихтио...+...фаг] – асосан, балиқ билан озиқланадиган ҳайвонлар; **некрофаглар** [некро...+...фаг] – ўлимтихўрлар; бошқа ҳайвонларнинг мурдаларини ейдиган жониворлар; **сапрофаглар** [сапро...+...фаг] – организмларнинг чириётган қолдиқлари ёки ҳайвонларнинг ахлатлари билан озиқланадиган ҳайвон ва ўсимликлар; **фитофаглар** [фито...+...фаг] – факат ўсимликлар билан озиқланадиган ҳайвонлар; **энтомофаглар** [энтомо...+...фаг] – ҳашаротлар билан озиқланадиган ҳайвонлар.

-**фагия** терминэлементи эса ейиш, еб битириш, ютиш, емириш маъноларини билдиради. Мас.: **полифагия**, **таксифагия**, **фитофагия**; **антропофагия** [антропо...+...фагия] – одамхўрлик, каннибализм; **онихофагия** [онихо...+...фагия] – ўз тирноқларини ғажиш, тишлашга одатланиш; **эврифагия** [эври...+...фагия] – организмнинг турли-туман ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари билан овқатланиш қобилияти; **полифагиянинг энг юқори даражаси**.

ФАКО... [юн. phakos – ясмик, ясмиқсимон линза; кўз гавҳари] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг линзага, кўз гавҳарига алоқадорлигини билдиради. Мас.: **факоан-филаксия**, **факоген**, **факоглаукома**, **факозимаза**, **факоматоз**, **факоскоп**, **факоскотазм**; **факолиз** [фако...+...лиз] – 1) кўз гавҳарини кесиб, ажратиб олиш; 2) кўз гавҳарини факолизин ёки бошқа антиген таъсирида эритиш; **факометр** [фако...+...метр] – кўз гавҳарининг нур синдириш кучини ўлчайдиган асбоб; **факоскопия** [фако...+ ...скопия] – кўзни (кўз гавҳарини) факоскоп ёрдамида текшириш; **факоцистит** [фако...+ цист(о)...+...ит] – кўз гавҳари қобиги (пардаси)нинг яллиғланиши.

ФАК(Т)... [лот. facere – қилмоқ, бажармоқ; ясамоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, бирор иш қилиш, машғул бўлиш, ясаш каби маъноларни билдиради. Мас.: **фактография**, **фактология**, **фактор**, **факториал**, **фактотум**, **факультатив**, **факультет**; **факсимиле** [лот. fac simile – айнан шундай қил] – 1) қўлёзма, ёзма хужжат, бирор кишининг имзосини, бирор-бир сурат ёки манзарани фотографик ёки босма усулда айнан акс эттириш; 2) асл (ўз қўли билан қўйилган) имзони аниқ акс эттириувчи босма

шакл, мухр; **факт** [лат. factum – қилинган иш] – 1) ҳақиқат, бўлган воқеа, ҳодиса, ҳолат; 2) назарияни шакллантирувчи, қатъий белгиланган асос; 3) ҳақиқийлиги исботланган билим, тажриба; **фактория** [ингл. factory – завод, савдо идораси < лат. factorium, factoria – иш жойи, устахона] – 1) ажнабий савдогарларнинг мустамлакалардаги ёки мустақил мамлакатларнинг чекка ўлкаларидағи савдо-сотиқ корхонаси; 2) айрим узоқ овчилик худудларидағи тайёрлов ва олди-сотди пункти.

ФАЛЬС... [лат. falsus – ёлғон, соxта < falsificare – соxталаштиrmоқ, алдамоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёлғонга, алдашга, соxталикка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **фальсификат, фальш; фальсификатор** [фр. falsificateur < лат. falsificatio] – соxталаштирувчи, қалбакилаштирувчи шахс; қаллоб; **фальсификация** [фальс(и)...+...фикация < лат. falsificatio – соxталаштириш] – чин, ҳақиқий воқеа-ҳодисани бузиб кўрсатиш, соxталаштириш, қалбакилаштириш.

ФАНЕР(О)... [юн. phaneros – очиқ, ошкора, аник] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, очиқ, очиқ-ойдин, ошкора маъноларини ифодалайди. Mac.: **фанерогамлар** [фанеро...+...гам(ия)] – жинсий кўпайиш аъзолари очиқ кўриниб турган гулли ўсимликлар; **фанерозой** [фанеро...+...зой] – палеозой, мезозой ва кайнозой эраларини қамраб олган, 570 миллион йил давом этган, ишонарли органик қолдиқлари бўлган йирик тарихий давр; **фанерофитлар** [фанеро...+...фит] – баҳорда ўсишда давом этадиган қайта тикланиш куртаклари тупроқдан анча юқори жойлашган барча ўсимликлар (дарахтлар, буталар, дараҳтсизон лианалар).

ФАНТ... [юн. phantos, phantasia – ўй, хаёл, тасаввур] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ўй, хаёл, ўйлаш, хаёл суриш, фараз, тасаввур, хаёлий шарпа маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фантазёр, фантасмагория, фантаст, фантастрон, фантом; фантазия** [юн. phantasia – хаёл, тасаввур] – 1) ижодий тасаввур, хаёлот; 2) орзу-хаёл, уйдирма, тўқима; ақлга (ҳақиқатга) тўғри келмайдиган гаплар; 3) оммабоп куйларга тақлидан яратилган, эркин шаклдаги мусикий пьеса; **фантастика** [юн. phantastike – хаёл суриш, тасаввур (фараз) қилиш қобилияти] – 1) мазмуни ва шакли борлиқ билан бевосита мос келмайдиган бадиий ижод тури (адабиёт, кино, тасвирий санъат); 2) мавжуд бўлмаган, нореал, амалга ошмайдиган нарса, хомхаёл; бўлмаган (ёлғон) гап.

ФАРИНГ(О)... [юн. pharynx, pharyngos – ютқин, ҳалқум] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг ютқин, ҳалқумга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **фарингал, фаринга-**

лизация, фарингизм, фарингомикоз, фарингопаралич, фарингопластика, фарингоскоп, фарингоспазм, фарингоцеле; фарингит [фаринг(о)...+...ит] – ютқин (халкүм) шиллиқ пардасининг яллигланиши; **фаринголарингит** [фаринго...+ ларинг(о)...+...ит] – ютқин ва хиқилдоқнинг яллигланиши; **фаринголит** [фаринго...+...лит] – ютқин деворларида тош ҳосил бўлиши; **фарингология** [фаринго...+...логия] – ютқин ва унинг касалликлари ҳақидаги таълимот; **фарингоплегия** [фаринго...+...плегия] – ютқин мушакларининг фалажланиши; **фарингоскопия** [фаринго...+...скопия] – томоқ ва ҳалкүмни маҳсус оптик асбоб – фарингоскоп билан текшириш; **фарингэктомия** [фаринг(о)...+...эктомия] – ютқиннинг бир қисмини кесиб олиб ташлаш операцияси.

ФАРМАК... [юн. pharmakon – дори; заҳар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг дориларга, доривор моддаларга алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **фармакогенетика, фармакогноз, фармакодиагноз, фармакодинамика, фармакокимё, фармакомания, фармакопея, фармакопсихоз, фармацевт, фармацевтика; фармакогнозия** [фармако...+...гнозия] – фармациянинг ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотлар ва уларни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган моддаларни ўрганувчи бўлими; **фармакология** [фармако...+...логия] – дори-дармон маҳсулотларининг одам ва ҳайвонлар организмига таъсирини ва дориларни қўллаш коидаларини ўрганадиган фан; доришунослик; **фармакорадиография** [фармако...+ радиография] – тана аъзоларини дорилар ёрдамида рентгенологик йўл билан текшириш; **фармакотерапия** [фармако...+...терапия] – касални, касалликларни дорилар, доривор моддалар билан даволаш; **фармакофобия** [фармако...+...фобия] – дори ва заҳарлардан кўркиш, ўринсиз ҳадисираш; **фармация** [юн. pharmakeia – дори, дори ишлатиш; заҳарлаш] – дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, дорилар тайёрлаш, саклаш, дорихона ва даволаш муассасаларига етказиб бериш масалаларини ўрганувчи илмий-амалий фаолиятлар мажмуи.

ФЕБР... [лот. febris – иситма] – ўзлашма сўзлар таркибида иситма, ҳароратнинг кўтарилиши маъноларини англатади. Mac.: **фебрил** [febrilis] – иситмага, ҳароратнинг кўтарилишига тегишли, алокадор.

ФЕДЕР... [лот. foedus – иттифоқ, уюшма; алоқа, боғланиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, иттифоқ, уюшма маъноларини билдиради. Mac.: **федерализм** [*фр. federalisme < лот. foederalis* – иттифоқка оид +...изм] – 1) баъзи мамлакатларда федератив давлат тузуми ўрнатишга интилувчи сиёсий ҳаракат; 2) бирор нарсанинг федерация принципига асосланган ташкилий қурил-

маси; федератив [*фр. federatif* < лат. *foederativus* – иттифокка оид] – федерация асосида тузилган (давлат); **федерация** [лат. *foederatio* – иттифоқ, бирлашма < *foederare* – иттифоқ бўлиб, бирлашиб мустаҳкамламоқ] – 1) давлат тузуми шаклларидан бири; бунда давлат нисбатан мустақил субъектлар – штатлар, округлар, ўлкалар, ерлар, республикалар бирлашуви натижасида шаклланади (Ҳиндистон, Германия, Россия, АҚШ ва бошқа давлатларда); 2) халқаро ёки миллий жамоатчилик ташкилоти.

ФЕК... [лат. *faex* (*faecis*) – чўкинди, куйқа, лойқа] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, ахлат, најас, гўнг маъноларини билдиради. Мас.: **фекалиялар** – 1) одам ва ҳайвонларнинг чиқаринчилари (најас, тезак, гўнг), шунингдек, биологик ахлатлар, юундилар; 2) **фекал ўғитлар** – одамнинг ўғит сифатида фойдаланиладиган сийдиги ва ахлатлари.

ФЕЛЛО... [юн. *phellos* – пўкак; пўкак дараҳти] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, пўкак, пўкак дараҳти пўстлоғи деган маъноларни билдиради. Мас.: **феллоген** [фелло...+...ген] – пўкак камбий (тўқима); ўсимлик поясидаги пўкак ҳосил қилувчи тўқима; **феллодерма** [фелло...+...дерма] – перицермаларнинг феллоген хужайраларидан ривожланадиган ички қисми.

ФЕМИН... [лат. *femina* – аёл, ургочи] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг аёлларга алоқадорлигини англатади. Мас.: **феминизация** [фемин...+...изация] – 1) эркак организмида аёлларга ҳос иккиласмчи жинсий белгиларнинг (ингичка овоз, сут безлари) ривожланиши; 2) жамиятда, жамият ва шахс ҳаётининг маълум соҳаларида аёллар роли ва таъсирининг ортиб бориши; **феминизм** [фемин...+...изм] – XVIII асрда пайдо бўлган, аёлларнинг ўз ҳукуқларини эркаклар ҳукуқлари билан тенглаштириш учун олиб борган қураши (харакати).

ФЕН(О)... [юн. *phaino* – кўрсатаман, ёритаман, намоён қиласман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кўрсатиш, намоён қилиш маъноларини ифодалайди. Мас.: **феногенетика**, **фенокопия**, **феномен**; **фенол** [фен(о)...+...ол] – тошкўмир қатронидан, бензолдан олинадиган ёки синтетик йўл билан ҳосил қилинадиган, техникада кенг қўлланадиган рангсиз кристалл модда; **фенология** [фено...+...логия] – биологиянинг йил фасллари алмашинувининг жонли табиатга таъсирини ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ўзгаришларни ўрганадиган бўлими; **фенотип** [фено...+...тип] – организмнинг индивидуал ривожланиш жараёнида шаклланган барча белгилари ва хоссалари йигиндиси.

ФЕР..., ...ФЕР [юн. phero, лот. fero – олиб бораман, элтаман, ташийман, етказаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, олиб бормоқ, ташимоқ, элтмоқ маъноларини билдиради. Mac.: **феромонлар** [фера...+ юн. hormao – ҳаракатга келтираман, қўзғатаман] – ҳайвонлар, хусусан, ҳашаротларнинг экзокрин безлари ёки алоҳида хужайралари ишлаб чиқарадиган оқсиллар; ҳашаротлар атроф-мухитга чиқарадиган биологик фаол моддалар (ўзига хос сигнал вазифасини бажаради); **калорифер** [калор(и)...+...фер] – вентиляция, ҳаво билан иситиш тизимлари ва қуриткичларда ҳавони қиздириб берадиган асбоб; **трансфер** [фр. transfert < лот. trans-fero – олиб ўтаман, кўчириб ўтказаман] – 1) мамлакатлар ўртасида аҳолининг бир қисмини айирбошлиш, бинобарин, фуқаролигини ўзгаририш; 2) компьютер тармоқларида маълумотларни узатиш.

ФЕРР(О)... [лот. ferrum – темир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, темир, темирли, темирга алоқадор каби маъноларни билдиради. Mac.: **феррованадий**, **феррограф**, **ферромагнетиклар**, **ферромолибден**, **ферронихром**, **ферроцен**; **феррит** [ферр(о)...+...ит] – темир-углеродли қотишмаларнинг таркибий фазаларидан бири; углерод ва легирловчи элементларнинг альфа-темирдаги қаттиқ эритмаси; **феррозонд** [ферро...+ фр. sonde – пайпаслагич] – магнит майдони кучланганлигини ўлчаш учун ишлатиладиган қурилма; **ферромагнетизм** [ферро...+ магнетизм] – баъзи кристалл моддаларнинг магнит жиҳатидан тартиблашган ҳолати; **феррометр** [ферро...+...метр] – 1) индукциянинг оний қийматларини ҳамда ферромагнит намуналардаги магнит майдони кучланганлигини аниқлайдиган қурилма; 2) қондаги темир микдорини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб; **ферроқотишмалар** [ферро...+ қотишмалар] – темирнинг кремний, марганец, хром ва бошқа элементлар билан қотишмалари.

ФЕСТ... [лот. festum – байрам; байрам зиёфати] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг байрамга, шоду хуррамликка, хурсандчиликка алоқадорлигини билдиради. Mac.: **фестиваль** [фр., итал. festival < лот. festivus – шод, хурсанд; байрамга оид, байрамона] – санъатнинг турли соҳаларида эришилган энг яхши ютуқларнинг оммавий кўрик-танлови; вақти-вақти билан ўтказиладиган маданий байрамлар.

ФИБР(О)... [лот. fibra – ип, тола] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, тола, пай (мушак) толаси маъноларини ифодалайди. Mac.: **фиброзия**, **фибрин**, **фибробластлар**, **фибролипома**, **фибролит**, **фибросаркома**, **фиброзитлар**; **фибриллалар** [лот. fibrilla – ипча, толача < фибр(о)...+...илла] – айрим хужайралар ичидаги ва хужайралараро моддадаги оқсил толачалари; хужайра цитоплазмасининг

харакатланиш ёки таянч функциясини бажарадиган ипсимон тузилмаси; **фибрилляция** [лат. fibrillatio – толаланиш] – 1) ингичка толалар ҳосил бўлиши; 2) юрак мушак толаларининг турли вақтларда ўз-ўзидан якка-якка қисқариши; **фиброаденома** [фибро...+ аден(о)...+...ома] – без ва бириктирувчи тўқимадан ривожланадиган хавфсиз ўсма; **фиброз** [фибр...+...оз] – бириктирувчи тўқиманинг ортиқча ҳосил бўлиши, ўсиб кетиши; **фибролизин** [фибро...+...лиз +...ин] – мушак толалари, фибриллаларни эритадиган модда; **фиброма** [фибр...+...ома] – тери, шиллик пардалар, пайлар ва сут безларидағи толали бириктирувчи тўқимадан юзага келган хавфсиз ўсма.

ФИДЕ... [лат. fides – эътиқод, ишонч] – ўзлашма ясама сўзнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, ишонч, эътиқод маъноларини англатади. Mac.: **фидеизм** [*фр. fideisme* < лат. fides +...изм] – теистик динларда: эътиқод ақл-идроқдан устун туради, деб таъкидловчи ғайрийлмий дунёқарааш.

ФИЗ..., ФИС... [юн. physa – дам, пуфлаш] – ўзлашма қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, пуфлаш маъносини билдиради. Mac.: **фисгармония** [фис...+ гармония] – оёқ педали билан дам бериладиган, клавишли мусиқа чолғу асбоби.

ФИЗИО... [юн. physis – табиат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг табиатга, табиийликка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **физика, физиогномика, физиономия, физиопатиялар; физиатрия** [физи(о)...+...иатрия] – айнан физиотерапия; **физиократлар** [*фр. physiocratos* < физио...+...крат] – XVIII аср ўрталарида Францияда: классик сиёсий иқтисодиёт намояндалари; улар ерни, дехқончиликни бойликнинг ягона манбаи деб ҳисоблаганлар; **физиология** [физио...+...логия] – одам, ҳайвон ва ўсимлик организмлари функцияларини, системалари, аъзолари, тўқималарини, улар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳаёт фаолиятини ўрганадиган фан; **физиопрофилактика** [физио...+ профилактика] – организмни чиниқтириш ва касалликдан саклаш учун табиий ёки сунъий физик омиллардан фойдаланиш; **физиотерапия** [физио...+...терапия] – клиник тиббиётнинг табиий ва сунъий физик омилларнинг организмга таъсири механизмини ўрганувчи ва уларни даволаш-профилактика мақсадида қўллаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ФИК(О)... [юн. phykos – сувўтлар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сувўтларга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фикомикоз; фикология** [фико...+...логия] – сувўтларни ўрганувчи фан; альгология; **фикомицетлар** [фико...+ юн. mykes (myketos) – замбуруғ] – тубан замбуруғлар синфи (уларнинг тана тузилиши ва кўпайиш аъзолари ташқи кўринишдан яшил сувўтларга ўхшайди).

...ФИКАЦИЯ [лат. facere – қылмоқ, бажармоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми англатган нарса-предметга алоқадор ишни бажариш маъносига оидлигини билдиради; ўзбек тилидаги -лаш, -лаштириш мураккаб қўшимчаларига тўғри келади. Mac.: **бонификация** (яхшилаш); **газификация** (газлаштириш); **кинофиксация, мистификация, пластификация, радиофикация** (радиолаштириш), **ратификация, тарификация, электрификация** (электрлаштириш).

...ФИКС [лат. fixus – мустаҳкам; кўзгалмас, бириктирилган] – ўзлашма ясама сўзларнинг иккинчи таркибий (ўзак) қисми бўлиб, бир қатор лотинча олд қўшимчалар билан биргаликда тилшунослик терминларини (сўз ясовчи ёки сўз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг номларини) ҳосил қиласди. Mac.: **аффикс** [< ad-fixus], **интерфикс**, **инффикс**, **постфикс**, **префикс**, **суффикс** [< sub-fixus].

...ФИЛ, ...ФИЛИЯ [юн. philos – севувчи, дўст; phileo – сева-ман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, улардан **-фил** терминэлементи қўшма сўзнинг биринчи қисмидан ифодаланган нарса-предметни, ўрин-жой ёки ҳолатни севувчи, унга мойил бўлган, интилувчи тирик организмлар деган маъноларни билдиради. Mac.: **базофиллар**, **библиофил**, **гелофиллар**, **кальцефиллар**, **криофиллар**, **ксерофиллар**, **литофиллар**, **нитрофиллар**, **педофил**, **псаммофиллар**; **мезофиллар** [мезо...+...фил] – ўртacha 20 – 40⁰ да нормал ҳаёт кечирувчи ва кўпаювчи организмлар; **омброфиллар** [омбро...+...фил] – узоқ ёқкан ёмғир, ҳавонинг юқори намлиги, ёмғир томчиларининг механик таъсирига чидамли ўсимликлар; **психрофиллар** [психро...+...фил] – криофиллар; одатда, 10⁰ дан юқори бўлмаган температурада нормал ҳаёт кечирувчи ва кўпаювчи организмлар; **термофиллар** [термо...+...фил] – доимий юқори ҳароратда яшашга мослашган организмлар.

-филия терминэлементи эса мазкур нарсаларни севиш, унга меҳр қўйиш, интилиш, мойиллик, уни ёқтириш (ҳолати) маъноларини билдиради. Mac.: **базофилия**, **библиофилия**, **гемофилия**, **гидрофилия**, **зоофилия**, **некрофилия**, **орнитофилия**, **педофилия**; **автофилия** [авто...+...филия] – ўз-ўзини яхши кўриш, ўзига ўзи ошик бўлиш; **анемофилия** [анемо...+...филия] – ўсимликларнинг шамол ёрдамида чангланишга мослашганлиги; **гидрофилия** [гидро...+...филия] – 1) баъзи сув ўсимликларининг сув ёрдамида четдан чангланиши; 2) организм тўқималарининг сув ажралиб чиқишига йўл кўймай, уни тутиб туриш қобилияти; **энтомофилия** [энтомо...+...филия] – ўсимлик гулларининг ҳашаротлар ёрдамида четдан чангланишга мослашганлиги.

ФИЛ..., ФИЛО... [юн. *philos* – севувчи, дўст; *phileo* – севаман] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг бирор нарсани севиш, унга қизиқиши, интилиши, майл, ҳавас; дўстлик маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **филантропия, филармония, филодендрон, филокартия, филолог, философ, философия, филуменист, филумения; филантроп** [фил...+антроп] – саҳоватпеша, муҳтожларга шафқатли, беғараз хайр-саҳоват қиласидаги киши; **филателия** [фил...+ юн. *ateleia* – тўловдан озод килиш] – почта ва герб маркалари, маркали ва штампли конвертлар ва шу кабиларни коллекция учун тўплаш ва ўрганиш; **филология** [фило...+...логия] – тиљшунослик, адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик ва палеография каби гуманитар фанлардан таркиб топган умумий фан; ёзма ёдгорликларни лисоний ва услубий жиҳатдан таҳлил этиш орқали инсон маънавий маданиятининг тарихи ва моҳиятини ўрганади; **филотаймия** [фило...+ ингл. *time* – вақт, давр] – календар (таквим)ларни коллекция учун тўплаш; **филофония** [фило...+...фония] – овоз ёзувларини – грампластиналар, магнит ленталари, дисклардаги ёзувларни тўплаш, коллекция қилиш.

ФИЛ(О)... [юн. *phylon* – авлод, уруғ, насл, зот] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг уруғ, авлод, наслга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **филогения, филум; филогенез** [фило...+...генез] – 1) тирик организмлардаги алоҳида аъзоларнинг тарихий ривожланиш жараёни; 2) айни тирик организмларнинг бир бутун ҳолда ва алоҳида гуруҳлар (турлар, туркумлар, оиласлар, синфлар) бўйича ривожланиш жараёни (эволюцияси); **филогенетика** [фило...+ генетика] – генетиканинг тирик организмлар эволюциясини, уларнинг филогенезини ўрганувчи соҳаси.

ФИЛИ... [лат. *filius* – ўғил; *filia* – қиз] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўғил, қиз; бўлим, бўлинма, шуъба маъноларини билдиради. Mac.: **филиал** [лат. *filialis* – ўғилники, ўғилга тегишли] – бирор йирик корхона, муассаса ёки жамоат ташкилотининг мустақил бўлими; **филиация** [*фр. filiation* < лат. *filiatio* – қариндошлардан мустақил бўлиб ажралиш] – 1) муайян мамлакатда туғилганлиги сабабли фуқароликка эга бўлиш; 2) бўлиниш, ажралиш жараёнида изчил ривожланиш, дастлабки манба билан боғлиқлик (алоқа)ни сақлаб қолиш; 3) католицизмда: шуъба монастырь.

ФИЛЛ(О)..., ...ФИЛЛ [юн. *phyllon* – барг, япроқ; варак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, барг, варак, баргсимон, варакқа ўхшаш каби маъноларни билдиради. Mac.: **филлодий, филломедузалар, филлофора, филлохинон; филлит** [филл...+...ит] – серицит, хлорит, кварц ва бошқа минералларнинг

майда тангачаларидан таркиб топган, юпқа вараксимон метаморфик тоғ жинси; **филлокладий** [филло...+ юн. *klados* – шох, новда] – барглар вазифасини бажарувчи баргсимон новда; **филлоксера** [филло...+ юн. *xeros* – қуруқ] – узум (ток) барглари ва илдизлар шираси билан озиқланадиган түгриқанотли яшил-сарғиш ҳашарот; **филлотаксис** [филло...+ юн. *taxis* – тартиб билан жойлашиш] – баргларнинг поя ва шохчаларда жойлашиш тартиби; **пирофиллит, хлорофиллар**; **гетерофиллия** [гетеро...+...филл(ия)] – бир ўсимликнинг ўзида турли шаклдаги баргларнинг мавжуд бўлиши; **ксантофиллар** [ксанто...+ ...филл] – юксак ўсимликларнинг барглари, куртаклари, гуллари ва меваларида, кўплаб сувўтлар ва микроорганизмларда бўладиган сарик бўёвчи бирикмалар.

ФИН... [*лат.* *finis* – чек, чегара; охир, ниҳоя, хотима] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, охир, ниҳоя, охирига (ниҳоясига, якунига) етиш маъноларини билдиради. **Мас.: финализм, финитизм; финал** [*итал.* *finale* – охир, ниҳоя <*лат.* *finalis* – охирги, энг сўнгги] – 1) охир, ниҳоя, хотима; 2) мусиқий, рақс ва адабий асарларнинг якуний, хотима қисми; 3) спорт мусобақаларида: ғолиблар аникланадиган якуний учрашув; **финиш** [*ингл.* *finish* – охир, ниҳоя, тугаш <*лат.* *finis*] – 1) тезлик учун бўлган спорт мусобақаларининг якуний, ҳал қилувчи қисми; 2) шундай мусобақаларда оралиқ масофанинг сўнгги нуқтаси.

ФИТ(О)..., ...ФИТ [юн. *phyton* – ўсимлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг ўсимликларга ва ўсимликлар ҳақидаги фанга – ботаникага алоқадорлигини билдиради. **Мас.: фитобентос, фитоген, фитогормонлар, фитолеймалар, фитоморфозлар, фитопланктон, фитотроп, фитофаглар, фитофтора, фитоценоз; фитобар** [фито...+ бар] – дорихоналарда, баъзи магазинларда: ўсимликлардан тайёрланадиган маҳсулотлар (йиғмалар, дамламалар, қайнатмалар, шарбатлар ва ҳоказо) сотиладиган бўлим; **фитодизайнер** [фито...+ дизайнер] – биноларнинг ички интеръерлари ва витриналарни, байрам ва ярмаркаларни ўсимликлар билан жиҳозлаш (безатиш) бўйича мутахассис; **фитоиклим** [фито...+ иклим] – ўсимликлар яшаш мухитидаги намлик ва температура режими; **фитонцидлар** [фито(н)...+...цид] – юксак ўсимликлардан чиқариладиган ва бошқа организмларнинг ўсиши, ривожланишини тўхтатиб қўядиган биологик фаол моддалар; **фитопатология** [фито...+ патология] – ўсимликларнинг касалликлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳақидаги фан; **фитотерапия** [фито...+...терапия] – тиббиётнинг касалликларни ўсимликлар ёрдамида даволаш усулларини ўрганувчи соҳаси.

Иккинчи таркибий қисми -**фит** терминэлементи бўлган қўшма сўз (термин)лар яшаёт тарзи, муҳити ва жойи, озиқланиш манбаи, ташқи тузилиши (кўриниши) ва бошқа белгиларига кўра турлича, хилма-хил бўлган туркум ўсимликларни атайди ва, одатда, кўплик қўшимчилиги билан кўлланади. Мас.: **гаметофитлар**, **гелиофитлар**, **геофитлар**, **гигрофитлар**, **гидрофитлар**, **криофитлар**, **криптофитлар**, **ксерофитлар**, **лепидофитлар**, **литофитлар**, **мезофитлар**, **омброфитлар**, **псаммофитлар**; **оксилофитлар** [окси...+ юн. *iłys* – лойқа, балчик + ...фит] – нордон, кислотали тупроқда ўсадиган ўсимликлар; **психрофитлар** [психро...+...фит] – юқори кенгликлар ва баланд тоғлардаги узок давом этадиган қиши мавсумига мослашган ўсимликлар; **сапропифтилар** [сапро...+...фит] – ўлган (ўлик) организмларнинг органик моддасидан озиқланадиган ўсимликлар, замбуруғ ва бактериялар.

ФЛАВ(О)... [лот. *flavus* – сариқ; тилларанг] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сариқ, сарғиш, сарик-қўнғир маъноларини билдиради. Мас.: **флавонитрит**, **флавопротеидлар**; **флавонитрат** [флаво...+ нитрат] – сарғиш-жигарранг комплекс туз (флавотузлар гурухига киради); **флавонлар** [лот. *flavus* – сариқ] – гетероциклик қатордаги органик бирикмалар: сариқ гулларда бўладиган бўёвчи моддалар; **флавотузлар** [флаво...+ туз] – кислота қолдиқлари билан комплекс ионнинг бириқишидан ҳосил бўлган тузлар (аксариятининг ранги сариқ, сарик-қўнғир бўлади).

ФЛЕБ(О)... [юн. *phleps* (*phlebos*) – вена, томир] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг венага, умуман қон томирига алоқадорлигини кўрсатади. Мас.: **флебангиома**, **флебограмма**, **флебосклероз**, **флеботонометр**, **флеботромбоз**, **флебэкстазия**, **флебэктомия**; **флебит** [флеб...+...ит] – вена томирининг яллиғланиши; **флебография** [флебо...+...графия] – 1) венани контраст модда билан тўлдириб, уни рентгенологик текшириш усули (ангиографиянинг бир тури); 2) веноз деворларнинг пульс тебранишларини қоғозда, компьютер мониторида қайд этиш усуллари мажмуи; **флеболит** [флебо...+...лит] – оҳаклашган тромб – тромбофлебит билан касалланиш асорати; **флебоманометр** [флебо...+ манометр] – вена қон босимини ўтлаш учун ишлатиладиган асбоб; **флеботомия** [флебо...+...томия] – кон чиқариш учун вена томирини кесиш; **флеботромбоз** [флебо...+ тромбоз] – вена томирлари яллиғланмасдан венада тромбоз ҳосил бўлиши, венанинг тиқилиб қолиши.

ФЛЕКС..., ФЛЕКТ... [лот. *flexio* – эгиш, букиш; *flectere* – эгмоқ, букмоқ; қайирмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, эгиш, букиш, буриш; эгилиш, букилиш, бурилиш, ўзгариш каби маъноларни билдиради. Мас.: **флексография**, **флексор**;

ФЛЕКСИЯ [лат. flexio – эгилиш, букилиш; ўзгариш] – 1) грамматикада: сўзнинг турланиш ёки тусланиш жараёнида ўзгарадиган тугалланмаси; янги сўз ва грамматик шакллар ясашда ўзакдаги товушларнинг ўзгариши (ички флексия); 2) тиббиётда: оёқ-кўлнинг ёки тананинг букилиши (эгилиши); **ФЛЕКСУРА** [лат. flexura – букилган (эгилган) жой; букик, эгик] – Ер қобигининг бирор қисмида тоф жинслари қатламларининг тирсаксимон ёки зинапоясимон эгилиши натижасида ҳосил бўлган тектоник структура; **ФЛЕКТИВ** [лат. flectivus]: **ФЛЕКТИВ ТИЛЛАР** – ички флексиядан фойдаланувчи тиллар (масалан, араб ва рус тиллари).

ФЛОР..., **ФЛЁР...** [лат. flor, floris – гул, чечак] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, гул, чечак, ўсимлик маъноларини билдиради. Mac.: **флёрдоранж** [фр. fleur d'orange – апельсин (норанж) гули] – бигарадия (аччик апельсин) дарахтининг оппоқ гуллари ва айни шу гул кўринишидаги сунъий гуллар (бир қатор ғарб мамлакатларида келиннинг тўй либосини безашда ундан бокиралик рамзи сифатида фойдаланилади); **флора** [лат. Flora < floris – гул] – 1) Рим мифологиясида: гуллар, баҳор ва ёшлик маъбудасининг номи; 2) Ер куррасининг бирор ҳудудидаги ёки бирор геологик даврдаги барча ўсимликлар мажмуи; 3) ичаклардаги бактериал вируслар; ичак микрофлораси.

ФЛЮ(КС)... [лат. fluor, fluxus – окиш, оқим; ўйналиш < fluere – оқмоқ, қуйилмоқ, томмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, оқим, окиш, қуйилиш, сизиб ўтиш, томчилаш маъноларини билдиради. Mac.: **флюидлар**, **флюксус**, **флюороз**, **флюс**; **фломастер** [ингл. flowmaster < flow < лат. fluor – оқим + master – соҳиб, хўжайин] – найчасимон ғовак стерженга шимдирилган ва ундан сизиб оқиб чиқадиган махсус бўёқ билан расм чизиш ва ёзиш учун хизмат қиласидиган асбоб; **флюксметр** [флюкс...+...метр] – магнит оқими ўзгаришларини аниқлайдиган асбоб; **флюорография** [лат. fluor – оқим +...графия] – рентгенологик текшириш усули: бунда одам тана аъзоларининг рентген тасвирини нурланувчи экрандан унча катта бўлмаган фотоплёнкага кўчириш, суратга тушириш.

...ФОБ, ...ФОБИЯ [юн. phobos – қўрқиш, қўрқув, қўрқинч; ваҳима, даҳшат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисмлари бўлиб, -фоб терминэлементи бирор киши ёки нарсани ёмон қўрувчи, унга нафрат билан қаровчи, ундан қўркувчи (одам, ҳайвон, ўсимлик) маъноларини билдиради. Mac.: **англофоб**, **ацидофоблар**, **гидрофоблар**, **кальцефоблар**, **омброфоблар**; **галофоблар** [гало...+...фоб] – чучук сув ҳавзалари ва тупроқларда яшовчи, яшаш муҳити шўрланганда ҳалок бўлувчи тирик организмлар; **гелиофоблар** [гелио...+...фоб] – кўёш нурларини ёқтирмайдиган, ундан қўркувчи ўсимликлар.

-фобия терминэлементи эса бирор нарсага тоқат қила олмаслик, унга душманлик билан қараш, ундан күркиш, ваҳимага тушиш маъноларини билдиради. Mac.: **андрофобия**, **арахнофобия**, **гематофобия**, **графофобия**, **канцерофобия**, **клаустрофобия**, **лиофобия**, **некрофобия**, **никтофобия**, **пирофобия**, **радиофобия**, **фобофобия**, **эротофобия**; **агорафобия** [юн. *agora* – майдон + ...фобия] – психоневрознинг бир тури: очик саҳнлар, майдонлардан күркиш; **гидрофобия** [гидро...+ ...фобия] – сувдан күркиш; бир култум сувни ютища, сувни кўрганда ёки у ҳакда эслатилганда оғрикли ютиниш талвасасининг пайдо бўлиши; **зоофобия** [зоо...+ ...фобия] – ҳайвонларни кўрганда, ҳатто улар ҳакида эслатилганда ҳаддан ташқари күркиш, ваҳимага тушиш; **мизофобия** [мизо...+ ...фобия] – бирор нарсага тегиб кетиб ифлосланишдан, нопок бўлишдан күркиш, ваҳимага тушиш; **фотофобия** [фото...+ ...фобия] – кундузги табиий ёки тунги сунъий ёруғликка нисбатан сезирликнинг ортиб кетиши; ёруғликни ёқтираслик.

ФОК... [лат. *focus* – марказ, ўчоқ; манба, нуқта] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, бирор нарса тўпландиган марказ, нуқта маъноларини билдиради. Mac.: **фокал** (фокусга оид); **фокус** [лат. *focus*] – 1) синган ёки аксланган нурларнинг кесишган нуқтаси; 2) суратга олинадиган нарсаларнинг энг равшан, аниқ кўринадиган нуқтаси; 3) касаллик (яллиғланиш) жараёни маркази; 4) марказ, ўчоқ (масалан, зилзила фокуси).

ФОЛИ... [лат. *folium* – барг, япроқ; варақ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларда варақ, сахифа маънолари борлигини кўрсатади. Mac.: **фельетон** (варакча; газета мақоласи); **фолиация, фолио; фолиант** [нем. *Foliant* – катта, улкан китоб < лат. *folium* – варақ] – (қоғоз листининг ярмига тенг ҳажмдаги) жуда катта ва қалин, қадимий китоб; **фольга** [польск. *folga* < лат. *folium* – варақ] – 1) зарқоғоз; рангли металлар ва қотишмалардан тайёрланган юпқа варақ ёки тасмалар; 2) бронза, алюминий ёки куруқ бўёқ кукуни юритилган (қопланган) коғоз калька ёки целлофан.

ФОН(О)... [юн. *phone* – товуш, овоз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг овозга, товушга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фонастения, фонация, фонема, фонематизм, фоника, фония, фонограф, фонокардиограмма; фонендоскоп** [фон...+ эндо...+ ...скоп] – стетоскоп (одам ва ҳайвонлар ички аъзоларини эшитиб кўришга мўлжалланган трубка)нинг ҳозирги кўриниши; **фонетика** [юн. *phonetike* (*phonetikos*) – овозга, товушга оид] – 1) тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усулларини ва уларнинг акустик тавсифини ўрганувчи соҳаси; 2) муайян тилнинг товуш таркиби; **фониатрия** [фон...+ ...иатрия] –

оториноларингологиянинг товуш (овоз)нинг бузилиш сабабларини ўрганувчи ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси; **фонограмма** [фоно...+...грамма] – грампластинка, кино- ва видеоплёнка, компакт-диск, дискета кабиларга ёзиб олинган овоз; **фонология** [фоно...+...логия] – тилшуносликнинг фонемалар тизимини ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганувчи бўлими; **фонометр** [фоно...+...метр] – товуш кучини (баландлигини, ўткирлигини) ўлчовчи асбоб; **фоноскоп** [фоно...+...скоп] – нутқ ва артикуляциянинг фонетик хусусиятларини ўрганишда ишлатиладиган асбоб; **фонотека** [фоно...+...тека] – 1) уй, кутубхона, архив ва бошқа жойлардаги овоз ёзувлари, фонограммалар тўплами; 2) шундай ёзувлар тўпланган ва сақланадиган муассаса.

...ФОН, ...ФОНИЯ [юн. phone – товуш, овоз] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг товуш, овоз, шовқинг алоқадорлигини кўрсатади. Бунда -фон термини элементи овоз, товуш билан бевосита боғлиқ бўлган асбоб, мослама, курилма, иншоотлар номини билдиради. Mac.: **вибрафон**, геофон, гидрофон, граммофон, диктофон, микрофон, наутофон, отофон, электрофон; **диафон** [диа...+...фон] – туман пайтида маёқдан кучли товуш сигналлари бериш учун мўлжалланган асбоб; **ксилофон** [ксило...+...фон] – клавиатура тартибида тўрт қатор килиб тўртбурчак асосга жойлаштирилган чорқирра ёғоч бўлакларидан иборат ва ёғоч болғачалар билан уриб чалинадиган мусика асбоби; **ларингофон** [ларинго...+...фон] – ҳиқилдоққа тегиб турадиган қилиб тақиладиган, ҳиқилдоқ бойламлари ва тогайларининг механик тебранишларини электр тебранишларига айлантирадиган асбоб; **патефон** [фр. Pate – граммофонлар ишлаб чиқарувчи “Пате” фирмасининг номи +...фон] – кўчма граммофон; **саксофон** [фр. saxophone < Sax – бельгиялик ихтирочи уста Адольф Сакс номи +...фон] – тилчали, пуфлама мис чолғу асбоби (тузилиши кларнетга ўхшайди); **таксофон** [лот. taxa – баҳо, нарх +...фон] – танга, маҳсус жетон ёки карточка билан ишлайдиган, абонентни бошқа абонент билан бир марта улаб берадиган оммавий телефон аппарати.

-фония терминэлементи эса овоз, товуш, шовқин билан боғлиқ ҳаракат, ҳолат, жараён номларини ҳосил қиласди. Mac.: **додекафония**, **какофония**, **микрофония**, **филофония**; **диафония** [диа...+...фония] – мусикий оҳангдошликтарнинг бузилиши; диссонанснинг юононча аталиши; **криптофония** [крипто...+...фония] – шифрлар кўлланадиган телефон сўзлашувлари; **полифония** [поли...+...фония] – мусикада: кўп-овозлилик; адабиётда: бадиий асарнинг мазмун ва характер жиҳатдан мураккаблиги.

ФОНТ... [лат. fons (fontis) – манба, булоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг биринчи (ўзак) қисми бўлиб, манба, булоқ маъносини англатади. Mac.: **фонтан** [итал. fontana < лат. fontis] – 1) юқорига босим орқали отилаётган суюқлик ёки газ оқими; 2) босим ёрдамида отилиб чиқувчи сув оқимидан фойдаланиб қурилган манзарали иншоот; фаввора.

...ФОР [юн. phorus – ташувчи, элтувчи, олиб борувчи] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бирор нарсани ташувчи, элтувчи, ўз таркибида тутивчи маъноларига алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **иридофорлар, семафор, фосфор, хромофор, электрофор; гуанофорлар** [ингл. guanine – пурин асоси +...фор] – баликлар, амфибиялар, судралиб юрувчилар терисидаги пигмент хужайралар; **осмофорлар** [осмо...+...фор] – бир қатор ўсимликлар (кўпийллик сувўтлар, лианалар ва бошқалар)нинг хушбўй, ёқимли ҳид таратувчи безлари; **сперматофорлар** [спермато...+...фор] – баъзи амфибиялар, моллюскалар, чувалчанглар ва бўғимоёқлиларда эркак жинсий хужайралар (сперматозоидлар) сақланадиган ва ташиладиган халтачалар; **термофор** [термо...+...фор] – иссиқлик билан даволашда ишлатиладиган асбоб.

ФОРМ... [лат. aciditas formica – чумоли кислота] – ўзлашма кимёвий терминларда *формиат кислота* (чумоли кислота) бирикмасининг қисқартмаси сифатида қўлланади ва шу кислота бирикмаларини билдиради. Mac.: **формалин; формальдегид** [форм...+ альдегид (< aldehid – alkohol dehydrogenatum – водородсизлантирилган спирт)] – чумоли кислота альдегиди; органик бирикма – ўтқир ҳидли рангсиз газ (кимё саноатида хомашё сифатида ишлатилади); **формиатлар** [форм(и)...+...ат] – чумоли кислотанинг тузлари ва эфирлари.

ФОРТ... [итал. forte – қаттиқ, кучли] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қаттиқ, кучли маъноларини ифодалайди. Mac.: **форт, форте, фортиссимо; фортельяно** [нем. Fortepiano < форте...+ итал. piano – аста, кучсиз] – клавишлари бармоқ билан босиб чалинадиган, торли мусиқа асбоби (роядъ билан пианинонинг умумий номи).

ФОС... [лат. phos – нур, ёруғлик] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ёруғликка, ёруғлик ҳодисаларига алокадорлигини билдиради. Mac.: **фосген** [фос...+...ген] – алифатик қатордаги органик бирикма; бўғувчи таъсирга эга заҳарловчи модда, рангсиз газ; **фосфен** [фос...+ юн. phaino – кўрсатаман] – кўзга ёруғлик таъсири бўлмагани ҳолда одамда пайдо бўладиган рангдор доғларни кўриш сезгиси; **фосфор** [фос...+...фор] – Менделеев даврий системасининг V гурухига мансуб металлмас; оқ, кизил, бинафша, сарик рангли аллотропик шакллари бор; оқ фосфор қоронгиликда нур таратгани учун “фосфор” (нур таратувчи, нур элтувчи) деб номланган.

ФОТО... [юн. phos (photos) – нур, ёруғлик] – ўзлашма құшма сүзларнинг бириңчи таркибий қисми бўлиб: I. Ёруғлик, ёруғлик нурлари таъсири остида рўй берадиган ёки ҳаракатланадиган деган маъноларни билдиради. Mac.: **фотодиод**, **фотоионизация**, **фотокатод**, **фотолюминесценция**, **фотометр**, **фотометрия**, **фотон**, **фоторецепторлар**, **фотосфера**, **фототерапия**, **фототропизм**, **фотофобия**, **фотоэлемент**, **фотоэффект**; **фотарий** [фот...+...арий] – профилактика ва даволаш мақсадларида ультрабинафша нурлар билан гурухли нурланишлар ўтказиладиган даволаш ҳонаси; **фотобактериялар** [фото...+бактерия] – нурланувчи бактериялар; оксидланганда нур таратувчи моддалар ҳосил қиласи; **фотобиология** [фото...+биология] – биологиянинг тирик организмларга ёруғлик таъсирини, жумладан, фотосинтез, фототаксис, фототропизм ва бошқа жараёнларни ўрганувчи бўлими; **фотокимё** [фото...+кимё] – физик кимёнинг ёруғлик келтириб чиқарадиган кимёвий реакцияларни ўрганувчи соҳаси; **фотолиз** [фото...+лиз] – ютилган ёруғлик таъсири остида модда молекулаларининг ўзгариши; **фотосинтез** [фото...+юн. synthesis – биритириш, боғлаш] – яшил ўсимликлар ва фотосинтезловчи микроорганизмлар томонидан Қуёш ёруғлик энергиясининг органик моддалардаги кимёвий боғланишлар энергиясига айлантирилиши; **фототаксис** [фото...+юн. taxis – тартиб бўйича жойлашиш] – микроорганизмларнинг, ўсимлик ва ҳайвонлар аъзоларининг бир томонлама ёруғлик тушиши таъсири остидаги ҳаракатлари; II. Фотографияга, суратга олишга алоқадорликни билдиради. Mac.: **фото**, **фотограмметрия**, **фотокамера**, **фотолаборатория**, **фотомеханика**, **фотообъектив**, **фотоплан**, **фотостат**, **фотосхема**, **фототипия**, **фотоэффект**; **фотоаппарат** [фото...+аппарат] – тасвирга олиш учун мўлжалланган оптик-механик қурилма; фотокамера; **фотогелиограф** [фото...+гелио...+...граф] – астрономияда: Қуёшни суратга олишга мўлжалланган аппарат; **фотография** [фото...+...графия] – 1) ёруғликсезгир фотоматериалларда предметларнинг тасвирини олиш усули ҳамда шундай усул билан олинган тасвир, сурат, расм; 2) шундай расмлар тайёрланадиган устахона; **фотомодель** [фото...+модель] – реклама роликларида, реклама плакатлари учун суратга тушадиган, янги кийим-кечак нусхаларини оммага намойиш қиласидиган аёл ёки эркак; **фотомонтаж** [фото...+монтаж] – фотосуратлар ёки уларнинг айрим қисмларидан, баъзан бошқа расмлар қўшган холда бадиий ва мазмуний жиҳатдан ягона композиция тузиш; шу усулда тайёрланган плакат, реклама ва бошқалар; **фототека** [фото...+...тека] – фотосуратлар ва негативларнинг тартибга солинган тўплами.

ФРАГ..., ФРАК(Т)... [лат. fractum, frangere – синдиримоқ, парчаламоқ; бузмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, парча, бўлак, қисм; синиқ; синиш, парчаланиш, бўлиниш каби маъноларни билдиради. Mac.: **фрагмент** [лат. fragmentum – синик, бўлак, парча] – 1) бирор ижод маҳсули (бадиий асар, мақола, мусика) парчаси, бир қисми; 2) рассомлик, ҳайкалтарошлик, мъеморлик каби санъат асарининг сақланиб қолган парчаси, бўлаги; **фрактура** [лат. fractura – синик, ёриқ, дарз] – 1) тиббиётда: суюкларнинг синиши, дарз кетиши; 2) готик шрифтнинг бир тури; 3) готик сурат (тасвир) услуби; **фракция** [фр. fraction – улуш; бўлак, қисм < лат. fractio – синдириш, бузиш; синик, дарз] – 1) бирор-бир сиёсий партиянинг, қонунчилик органининг сиёсатини парламентда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, жамоат ташкилотларида ифода этувчи ташкилий гурух; 2) аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга ва уни амалга ошириш дастурига эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида бўлаги.

ФРЕН(О)... [юн. phren – калла суюги; онг, ақл; мия] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг онг, ақлга; мияга ёки диафрагмага алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **френозин, френокардия, френолепсия, френоплегия; френалгия** [френ...+...алгия] – диафрагмада оғриқ бўлиши, диафрагманинг оғриши; **френастения** [френ...+астения] – онг, идрокнинг пастлиги, ақлпастлик; **френит** [френ...+..ит] – 1) бош миянинг яллигланиши; 2) диафрагманинг яллигланиши; **френология** [фreno...+...логия] – инсоннинг руҳий (психик) хусусиятлари унинг калла суюги шаклига боғлик деб хисобловчи таълимот.

ФРИГ... [лат. frigus – совуқ, аёз; совуқлик] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг совукка ёки совуқликка алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фриgidлик** [лат. frigidus – совуқ(лик), лоқайд(лик)] – жинсий совуқлик; жинсий майлнинг йўқлиги ва жинсий алоқадан қоникмасликда намоён бўлади.

ФРИК(Т)... [лат. fricare – ишқамоқ, ишқаламоқ, суртмоқ; уваламоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг ишқаш, ишқаланиш, суркаш, майдалаш маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фрикатив** [лат. fricare – ишқаламоқ; қисмоқ]: **фрикатив ундошлар** – нутқ аъзолари бир-бирига яқинлашиб, ҳаво тор оралиқдан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган *в, ф, з, с, ж, ш, х* ундошлари; **фрикцион** [лат. frictio – ишқаланиш, сиқилиш]: **фрикцион узатма** – бир-бирига сиқилиб айланадиган вал, диск ва бошқа деталлар орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи хисобига айланма ҳаракат узатиладиган ёки ўзгартириладиган механик узатма; **фрикция** [лат. frictio – ишқаланиш, сиқилиш] – бир сиртнинг иккинчисига ишқаланиши.

...ФТОНГ [юн. phthongos – овоз, товуш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг товушга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **полифтонг, трифтонг; дифтонг** [ди...+...фтонг] – икки унлиниңг бир бўғинда кетма-кет, қатор келиши.

ФУГ... [итал. fuga – югуриш, қочиш < лот. fugare – югурмоқ, қочмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, югуриш, қочиш, четлашиш маъноларини билдиради. Mac.: **фугас, фугато, фугетта; фуга** [итал. fuga] – кўп овозли (полифоник) мусиқанинг хийла мураккаб шакли; турли овозлар билан бир мавзуни кўп марта изчил такрорлашга асосланади.

ФУЛЬГУР... [лот. fulgur – яшин, чақмоқ] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, яшин, чақмоқ, учкун, чақнаш каби маъноларни билдиради. Mac.: **фульгурация** [лот. fulguratio – чақмоқ чакиши] – тўқималарни юқори частотали ўзгарувчан электр токи учкунлари билан куйдириш; **фульгуритлар** [фульгур...+...ит] – қумни яшин урганда кум зарраларининг эришидан ҳосил бўладиган, тармокланган кичик найчалар (чақмоқ найзалари).

ФУМ... [лот. fumus – тутун, ис, дуд; буғ, бугланиш] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, тутун, дуд, буғга алоқадорликни билдиради. Mac.: **фумароллар, фумигаторлар; фумигантлар** [лот. fumigare – тутун (дуд), буғ билан қопламоқ, дудламоқ +...ант] – экинлар зааркунандалари ва касаллик қўзгатувчиларини дудлаш (газлаш) усули билан йўқотишида қўлланадиган кимёвий моддалар; **фумигация** [лот. fumigatio – дудлаш, тутун билан қоплаш] – тутун билан қоплаш, тутун бостириш; **дудлаш** – қишлоқ хўжалиги экинлар ва чорва молларининг касалликлари ва зааркунандаларига қарши кураш усулларидан бири.

ФУНГИ... [лот. fungus – замбуруғ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг замбуруғларга, замбуруғли касалликларга алоқадорлигини билдиради. Mac.: **фунгицидлар** [фунги...+...цид] – қишлоқ хўжалиги экинларининг замбуруғли ва бактериал касалликларига қарши курашда қўлланадиган кимёвий моддалар.

ФУНД... [лот. fundus – туб, асос, негиз; меъёр; бош унсур] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, асос, туб, негиз; пойдевор; меъёр, чегара маъноларини билдиради. Mac.: **фундамент; фундаментал** [лот. fundamentalis] – асосли, ишонарли, жиддий; мустаҳкам, маҳкам; бош, асосий (масалан, **фундаментал кутубхона** – бош, асосий кутубхона); **фундаментализм** [фундаментал...+...изм] – бирор таълимот ақидаларининг, жумладан, илохий китоблардаги тушунчаларнинг дастлабки, соғ ҳолатини саклаб қо-

лишни астайдил ҳимоя қиласынан, уларни бошқа (мажозий) маңнода талқин қилишни рад этадиган ижтимоий, мағкуравий, диний йұналишларнинг умумий номи.

ФУРФУР... [лат. furfur – пүчок; қипик, кепак] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қипик, кепак, чиқиндига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **фурфурол** [фурфур...+...ол] – ёғоч кириндилари, маккажӯхори сўтаси, кунгабоқар пўчоғи кабилардан олинадиган, жавдари нон хиди келадиган оч сарик рангли суюқлик; органик бирикма.

ФУТУР... [лат. futurum – келажак] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, келажак, келгуси маңноларини билдиради. Mac.: **футуризм** [футур...+...изм] – XX аср бошларида Европа адабиётida пайдо бўлган, адабиёт ва санъатдаги бадиий ва маънавий мерос анъаналарини инкор этиб, анъанавий маданият билан алоқани узишни, замонавий урбанистик маданиятни тарғиб қиласынан авангардлик оқимларидан бири; **футурология** [футур(о)...+...логия] – инсониятнинг ва жамият ҳаёти айрим соҳаларининг, умуман, Ернинг келаҗак ҳолатини башорат ва тадқиқ қилиш билан шугулланувчи илмий соҳа.

X

ХАЛЬК(О)... [юн. chalkos – мис] – ўзлашма құшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мисга, мис бирикмаларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **халькогенидлар**, **халькозин**, **халькофил** (элементлар); **халькогенлар** [халько...+...ген] – Менделеев даврий системасининг VI групхига мансуб элементлар: кислород, олтингугурт, селен, теллур ва полоний; **халькопирит** [халько...+...пирит] – мис колчедани; таркиби асосан мис ва темир сульфиддан, қисман селен, рух, теллур, кумуш, олтин кабиларнинг сульфидлари аралашмасидан иборат бўлган минерал.

ХЕЙЛ(О)... [юн. cheilos – лаб, дудок] – ўзлашма ясама, құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, лабга оид деган маънени билдиради. Mac.: **хейлит** [хейл...+...ит] – лабларнинг териси, шиллик пардаси ва қизил ҳошиясининг яллиғланиши; **хейлоз** [хейл...+...оз] – лабларнинг шиш, қизариш ва ёрилиш билан намоён бўладиган жароҳатланиши; **хейлопластика** [хейло...+...пластика] – лаблардаги нуксонни пластик операция йўли билан тузатиши.

ХЕМИ..., ХЕМО... [ингл. chemi < лат. alchimia – алкимё; кимё] – ўзлашма құшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кимё, кимёвий; кимёвий жараёнларга оид деган маъноларни билдиради. Mac.: **хеми-**

люминесценция, хемоген (ётқизиқлар), **хемопрофилактика, хеморецепторлар, хеморецепция, хемосорбция, хемостерилизаторлар, хемотаксис, хемотроника; хеморефлекс** [хемо...+ рефлекс] – кимёвий таъсиrlар натижасида вужудга келган рефлекс; **хемосинтез** [хемо...+ синтез] – таркибида хлорофилл пигменти бўлмаган микроорганизмлар томонидан турли анорганик бирикмалардан уларнинг оксидланиши натижасида ҳосил бўлган энергия ҳисобига органик моддаларнинг биосинтезланиш жараёни; **хемотерапия** [хемо...+...терапия] – касалликка сабаб бўлган микроорганизмга заарли таъсир кўрсатадиган, аммо беморни заҳарламайдиган кимёвий дорилар бериш йўли билан касалликни даволаш; **хемотропизм** [хемо...+...тропизм] – кимёвий моддаларнинг бир ёклами таъсирида ўсимлик аъзоларининг бурилиб ўсиши (ўсув йўналишини ўзгартириши).

ХИЛ(О)... [юн. chylos – шира] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг лимфага, лимфа суюқлигига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **хилангиона, хилопневмоторакс, хилостаз, хилоцеле, хилэктазия; хилоторакс** [хило...+ юн. thorax – кўкрак] – кўкрак лимфа йўли деворининг заарланиши натижасида плевра бўшлиғига лимфа тўпланиши; **хилурдия** [хил...+...урдия] – сийдикда лимфа бўлиши, бундай сийдик худди сутга ўхшайди; **хилус** [юн. chylos – шира] – овқат ҳазм бўлишида ичак, лимфа томирлари ва кўкрак лимфа йўлида ҳосил бўладиган сутсимон суюқлик.

ХИМО... [юн. chymos – шира] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ошқозон шираси маъносини билдиради. Mac.: **химотрипсин, химотрипсиноген; химозин** [химо(з)...+...ин] – одам ва хайвонлар ошқозони ширасида учрайдиган фермент; **химус** [юн. chymos] – овқат ҳазм бўлиши жараёнида ошқозон ёки ингичка ичакда ҳосил бўладиган яримсуюқ, гомоген ёки суюқ бўтқага ўхшаш маҳсулот.

ХИР(О)... [юн. cheir – қўл, кафт, панжа] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қўл, кафт маъноларини англатади. Mac.: **хиромантия, хиротерий, хиротония; хиропрактика** [хиро...+ практика] – қўллар ёрдамида турли касалликларни, хусусан, умуртқа касалликларини даволаш усули; **хироамалиёт; хирург** [хир...+...ург] – хирургия мутахассиси, жарроҳ; **хирургия** [хир...+...ургия] – жарроҳлик; клиник тиббиётнинг даволашда операция усуллари қўлланиши лозим бўлган касаллик ва шикастланишларни ўрганадиган ҳамда операция қилиш йўллари, усуллари ва техникасини ишлаб чиқадиган бўлими.

ХЛОР(О)... [юн. chloros – яшил-сариқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, хлор, хлорга оид (хлор – Менделеев даврий системасининг VII груухига мансуб яшил-сариқ рангли, ўткир

хидли бўғувчи газ) маъноларини билдиради. Mac.: **хлораминлар**, **хлоратлар**, **хлорелла**, **хлоридлар**, **хлоритлар**, **хлорлейкоз**, **хлорома**, **хлоропения**, **хлоропрен**, **хлоросаркома**, **хлороформ**, **хлорсиরка** (кислота); **хлоратор** [инг. chlorinator < юн. chloros] – хлорни маълум дозаларга бўлиш, унинг сувли эритмаларини тайёrlаш ва хлорлаш учун хизмат қиласиган аппарат; **хлоремия** [хлор...+ ...емия] – конда кўп ёки оз микдорда хлоридларнинг мавжуд бўлиши; **хлородонтия** [хлор...+ юн. odontos – тиш +...ия] – сут тишларининг кўкимтири рангда бўлиши; **хлороз** [хлор...+...оз] – камқонликнинг бир тури: организмда темирнинг етарли даражада бўлмаслиги ва шу сабабли эритроцитлардаги бўёвчи пигментнинг сезиларли даражада камайишидан келиб чиқади; **хлорома** [хлор...+...ома] – лимфаденоид тўқимадан ва кўмикдан чиқадиган ўзига хос ўсма; **хлоропластлар** [хлоро...+ юн. plastos – ясалган] – ўсимликларнинг фотосинтез қиласиган ички органоидлари (пластидалари); **хлоропсия** [хлор...+ ...опсия] – кўриш бузилишининг бир тури, бунда атрофдаги нарсалар яшил рангда кўринади; **хлорофилл** [хлоро...+...филл] – ўсимликларнинг барглар, новдалар рангини белгиловчи яшил пигменти; биринчи марта яшил ранг сифатида ўсимлик баргидан ажратиб олинган; **хлорпикрин** [хлор...+ юн. pikros – аччиқ +...ин] – бўғувчи заҳарловчи модда; хлорли оҳак ёки хлорни пикрин кислота ва унинг тузларига таъсир эттириб олинадиган суюк органик модда.

ХОЛЕ... [юн. chole – ўт, сафро] – ўзлашма сўзларнинг таркибий кисми бўлиб, шу сўзларнинг ўт (сафро)га алоқадорлигини билдиради. Mac.: **холангография**, **холангома**, **холангит**, **холелитиаз**, **холера**, **холестаз**, **холестерин**, **холецистограмма**, **холецистография**; **холография** [холе...+...графия] – ўт (сафро) системасини рентген нурлари билан текшириш; **холемия** [хол(е)...+...емия] – конда ўт бўлиши, ўтнинг қонга ўтиши; **холепатия** [холе...+...патия] – ўт пуфаги ва ўт йўлларининг касалликлари; **холерик** [лом. cholericus < юн. chole] – мизож (темперамент) турларидан бири; ишга шиддат билан киришувчи, тез пайдо бўлувчи хис-туйғуларга эга, лекин қизиқонлиги, сержаҳл ва серзардалиги хатти-ҳаракатларида, нутқида, мимикасида яққол кўриниб турадиган, кайфияти тез ўзгарадиган шахс; **холецистит** [холе...+ цистит] – ўт пуфагининг ўткир ёки сурункали яллигланиши; **холин** [хол(е)...+...ин] – дастлаб ўт (сафро)да топилган, В гурухига мансуб витамин; организмда ёғлар алмашинувида муҳим аҳамиятга эга.

ХОНДР(О)... [юн. chondros – тоғай] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тоғайга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **хондрин**, **хондробласт**, **хондрогенез**, **хондродисплазия**, **хондродистрофия**, **хондромалияция**, **хондромиома**, **хондросаркома**;

хондрит [хондр...+...ит] – тоғай түқимасининг яллиғланиши; **хондroma** [хондр...+...ома] – тоғайнинг хавфсиз ўсмаси; **хондроцитлар** [хондро...+...цит] – тоғай түқимасининг етилган ҳужайралари; **хондрэктомия** [хондр...+...эктомия] – бўғим тоғайнин олиб ташлаш.

ХОР(О)... [юн. choros – мамлакат; жой, макон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакат, макон маъноларини билдиради. Mac.: **хорология** [хор(о)...+...логия] – ўсимлик ва ҳайвонларнинг алоҳида турлари, оиласлари ва бошқа систематик гуруҳлари (таксонлари)нинг тарқалиш ҳудудлари (ареаллари)ни ўрганувчи фан; ареология.

ХОРЕ(О)... [юн. choreia – рақс, ўйин] – ўзлашма қўшма ва ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг рақсга, ўйинга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **хорей** [юн. choreios – ўйинга оид; шўх, ўйноки] – рус шеър тузилишида биринчи ҳижосига ургу тушадиган, антик шеър тузилишида эса чўзиқ ёки қисқа ҳижолардан иборат икки ҳижоли шеър вазни; **хореография** [хорео...+...графия] – 1) рақс ҳаракатларини алоҳида белгилар тизими ёрдамида ёзил олиш; 2) рақс санъати; 3) балет ёки рақс таркибидаги барча элементлар мажмуи; **хорея** [юн. choreia – ракс, ўйин] – *авлиё Витт рақси* – нерв касаллиги бўлиб, юз, кўл, оёқ мушакларининг бетартиб, гайриихтиёрий қисқариши, титраб қалтираши билан намоён бўлади (бундай ҳаракатлар факат уйку вақтида тўхтайди).

ХРЕСТО... [юн. chrestos – яхши, фойдали] – ўзлашма қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, яхши, фойдали, аҳамиятли деган маъноларни билдиради. Mac.: **хрестоматия** [юн. chrestomatheia < chrestos + manthano – ўқийман, ўрганаман] – ёзувчилар ёки олимларнинг мавзуий жиҳатдан танланган асарлари ёки улардан олинган парчалар тўпламидан иборат ўқув кўлланмаси.

ХРИЗ(О)... [юн. chrysos – олтин, тилла] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг олтин, олtinga ўхаш, олтинранг (тилларанг) маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **хризантема, хризоберилл, хризолит, хризомонадалар, хризопраз; хризиаз** [хриз...+...иаз] – тўқималарда олтин тўпланиб қолиши; **хризодерма** [хризо...+ ...дерма] – организмга кириб қолган олтин таъсири туфайли терида йўқолмайдиган доғ пайдо бўлиши; **хризоколла** [хризо...+ ...колла] – сувли мис силикат, ёпик кристалли, мўрт, кўк-яшил рангли минерал; **хризотерапия** [хризо...+...терапия] – баъзи касалликларни олтин препаратлари билан даволаш; **хризотил** [хризо...+ ...тилос – тола] – серпентин гуруҳига мансуб минерал; одатда, ингичка толали, ипакдек ялтироқ, оч тилларанг бўлади.

ХРОМ(О)..., ХРОМАТО... [юн. chroma (chromatos) – ранг, тус; бўёқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ранг-тусга, бўёқ ва бўялишга, кимёвий элемент – хром ва унинг бирикмаларига алоқадорлигини кўрсатади. Мас.: **хроматидлар, хроматофилия, хроматофобия, хроматурия, хромобактериялар, хромолитография, хромопластлар, хромосома, хромосфера, хромотерапия, хромофотография; хромаль** [хром...+ ал(юминий)] – темир, хром ва алюминий қотишмаси; **хромансиль** [хром...+ ман(ган) + сил(иций)] – таркибида хром, манган (марганец) ва силиций (кремний) бўлган легирланган пўлат; **хроматизм** [хромат(о)...+...изм] – 1) танада рангли доғлар пайдо бўлиши; 2) рангли нурлар кўринишига оид галлюцинация, йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши; **хроматлар** [хром...+...ат] – хромат ва хромит кислоталарнинг тузлари – кучли ва заҳарли оксидловчилар; **хроматограмма** [хромато...+...грамма] – хроматография натижаларининг график тасвири; **хроматография** [хромато...+...графия] – газ, суюқлик ёки эриган моддалар аралашмаларини адсорбция йўли билан ажратиб олиш ва таҳлил қилиш усули; **хроматолиз** [хромато...+...лиз] – 1) ҳужайра ядроси таркибидаги хроматиннинг эриб парчаланиши; 2) нейрон таркибидаги хроматофил модданинг эриб йўқ бўлиб кетиши; **хроматопсия** [хромат(о)...+...опсия] – 1) рангли кўриш, рангсиз объекtlарнинг рангли кўриниши; 2) рангта нисбатан қисман ёки таҳминий кўрлик; **хроматофорлар** [хромато...+...фор] – терига ранг берадиган пигмент доначаларига эга бўлган ҳужайралар; **хромогенлар** [хромо...+...ген] – ўсимлик ва ҳайвон тўқималари ҳужайраларида бўладиган, оксидланганда бўялиш хусусиятига эга бўлган рангсиз моддалар; **хромоскопия** [хромо...+...скопия] – 1) ранг кўриш қобилиятини текшириш; 2) организмга турли бўёқ моддаларни юбориб, сийдик рангининг ўзгаришига қараб буйрак фаолиятини текшириш; **хромоцитлар** [хромо...+...цит] – организмда бириктирувчи тўқима таркибига кирадиган, пигмент ҳужайраларини емирадиган сайдер ҳужайралар.

ХРОН(О)... [юн. chronos – вақт, давр, замон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг вақт, замон маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Мас.: **хронаксиметр, хронаксия, хронизатор, хроногнозия, хроноскопия, хронотропия, хронофармакология, хронофотограмма, хронофотография; хроника** [юн. chronikos – вақтга, замонга оид] – 1) тарихий воқеа-ҳодисаларнинг даврий изчилликдаги ёзма баёни; солнома; 2) ижтимоий ёки оиласий воқеа-ҳодисаларнинг изчил баёнидан иборат адабий асар; 3) даврий матбуот, радио, телевидение ва кинода: кундалик воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборий маълумотлар; 4) кундалик воқеа-ҳодисаларга

багишланган ҳужжатли фильм; **хронобиология** [хроно...+ биология] – биологиянинг муайян даврда кечган (ўтган) биологик жараёнларни ўрганувчи бўлими; **хронограф** [хроно...+...граф] – қисқа вақт оралиқларини ўлчаш ёки қандайдир воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтган вақтни аниқ қайд этиш, ёзиш учун мўлжалланган асбоб; **хронология** [хроно...+...логия] – 1) вақтни ўлчаш ва уни ёзиб олиш усуслари ҳақидаги фан; 2) тарихий воқеа-ҳодисаларнинг даврий изчиллиги, кетма-кетлиги; 3) муайян воқеа-ҳодисаларнинг даврий кетма-кетликдаги рўйхати; **хронометр** [хроно...+...метр] – 1) юқори аниқликка эга бўлган пружинали кўчма соат; 2) ўта аниқ юрадиган соат; **хронометраж** [хроно...+...метр +...аж] – муайян такрорланувчи меҳнат жараёнлари ёки бошқа ҳаракатларни бажариш учун сарфланган вақтни ўлчаш усули (бунда уларнинг давомийлиги ўлчанади ва бажарилиш шарт-шароитлари таҳлил қилинади); **хроноскоп** [хроно...+...скоп] – икки(та) соат кўрсаткичларини таққослаш ҳамда жуда қисқа вақт оралиқларини аниқ ўлчашга мўлжалланган асбоб; **хронотоп** [хроно...+...топ] – муайян эстетик ҳодисанинг, масалан, романда баён этилган воқеаларнинг маконий-замоний тавсифлари мажмуи; асар қахрамонлари ва муаллифининг маконий-замоний муносабатлари.

...**ХТОН** [юн. chton – замин, тупроқ, ер] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирон ерга, жойга мансуб, маҳаллий; айни жойга мансуб бўлмаган, бегона каби маъноларни билдиради. Mac.: **автохтон** [юн. autochton – маҳаллий, туб жойли] – ҳозир жойлашган ерда, заминда пайдо бўлган, маҳаллий (масалан, *автохтон тоз жинслари, автохтон организмлар*); **автохтонлар** – 1) мамлакатнинг дастлабки, туб аҳолиси; 2) эволюция жараёнида муайян бир ерда шаклланган ёки қадимдан шу ерда яшаган ва ҳозирда ҳам яшаб келаётган ўсимлик ва ҳайвон организмлари;aborigenlar; **аллохтон** [алло...+...хтон] – ҳозирги ўрнашган еридан бошқа жойда пайдо бўлган (масалан, *аллохтон тоз жинслари, аллохтон организмлар*); **аллохтонлар** – ҳозир муайян бир жойда яшовчи, лекин организмлар тарихий тараққиёти жараёнида қандайдир бошқа жойда пайдо бўлган организмлар.

Ц

ЦЕД... [лом. sedere – воз кечмоқ, (бировга) бермоқ, топширмоқ, рухсат бермоқ] – ўзлашма ясама сўзнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, бирор нарсадан воз кечиш, уни бошқа бировга бериш маъносини билдиради. Mac.: **цедент** [цед...+...ент] – ўзининг талаб қилиш хукукини бошқа биров ихтиёрига топширувчи кредитор.

...ЦЕЛЕ [юн. kele – шиш, бўртиқ; шишиш, қаппайиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирор аъзода ёки унинг атрофида пайдо бўладиган пулфаксимон, халтасимон бўшлиқни, чуррани, муайян аъзода пайдо бўлган шиш, бўртиқни билдиради. Mac.: **варикоцеле, гастроцеле, гидроцеле, миелоцеле, пневматоцеле, ректоцеле, тироцеле, уретероцеле, уроцеле, цефалоцеле, цистоцеле; галактоцеле** [галакто...+...целе] – кўкрак бези сут йўлларининг бекилиши натижасида пайдо бўлган хавфсиз пулфакча; **гематоцеле** [гемато...+...целе] – қонли шиш; можк пардаси бўшлиғига қон тўпланиши; **иридоцеле** [иридо...+...целе] – кўз мугуз пардасининг нуқсони туфайли кўз рангдор пардаси қисмининг шишиши; **омфалоцеле** [омфало...+...целе] – киндик чурраси; **орхеоцеле** [орхео...+...целе] – човёрғоқ чурраси; **пиоцеле** [пио...+...целе] – бўшлиқ ёки найда йиринг тўпланиб, уларнинг кенгайиши; **проктоцеле** [прокто...+...целе] – тўгри ичакнинг бўртиб чиқиши ёки унда ғурра ҳосил бўлиши; **саркоцеле** [сарко...+...целе] – мушакларда пайдо бўладиган киста; **сперматоцеле** [спермато...+...целе] – уруғдон ёки уруғ ортигининг кенгайиб, шаклан пулфакка ўхшаб қолиши; **фарингоцеле** [фаринго...+...целе] – ютқин бир қисмининг кенгайиб, ҳалқага ўхшаб қолиши.

ЦЕЛ(О)... [лом. caelum – осмон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, осмон маъносини билдиради. Mac.: **целостат** [цело...+...стат] – соат механизми билан айланадиган ва айланishi ўқига эга бўлган ясси кўзгули ёрдамчи астрономик асбоб (ҳаракатдаги, яъни ўрнини ўзгартириб турадиган осмон ёритқичларини кузатишда ишлатилади).

ЦЕЛЛ(О)... [лом. cella, cellula – кичик хона, хужра; хужайра] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг целлюлозага, хужайрага алокадорлигини кўрсатади. Mac.: **целлофан** [целло...+ юн. phanos – тиник, шаффоф] – вискозадан маҳсус усул билан ҳосил қилинадиган юпқа, сув ўтказмайдиган шаффоф материал; **целлULOид** [целлюл(оза) +...оид] – целлюлоза нитратидан тайёрланган, тез алангаланадиган эластик шаффоф модда; **целлюлоза** [фр. cellulose < лом. cellula – хужайра +...оза] – глюкоза молекулалари қолдигидан ҳосил бўладиган, ўсимлик хужайралари қобигининг асосий таркибий қисми бўлган юқори молекуляр бирикма; ўсимлик тўқималарининг механик чидамлилиги ҳамда эластиклигини таъминлайди.

ЦЕН(О)..., ...ЦЕН [юн. kainos – янги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, янги; куйи, кейинги маъноларини билдиради. Mac.: **ценогенезлар** [цено...+...генез] – организмда унинг ilk ривожланиш босқичларида (эмбрионал ёки

личинка ҳолида) пайдо бўладиган ва етилган организмларда сақла-ниб қолмайдиган мослашишлар; палеоцен, плейстоцен, плиоцен, ферроцен; миоцен [юн. meion – кичик, кичикрок; камрок +...цен] – неогеннинг қуий бўлинмаси; олигоцен [олиго...+...цен] – палеоген-нинг юқори бўлинмаси; эоцен [эо...+...цен] – палеоген системанинг ўрта бўлими бўлиб, Ер геологик тарихидаги палеоген замоннинг ўрталарига тўғри келади.

ЦЕНТ... [лат. centum – юз (100)] – ўзлашма сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, юз (100) маъносини билдиради. Mac.: центурион, центурия; цент [ингл. cent < лат. centum – юз] – АҚШ, Канада ва бошқа бир қанча мамлакатларда шу мамлакатлар асосий пул бирликларининг юздан бир улушкига тенг бўлган танга пул; центнер [нем. Zentner < лат. centenarium] – 1) юз қадоққа тенг оғирлик (масса) бирлиги; 2) ҳалқаро бирликлар тизимида: 100 килограммга тенг оғирлик (масса) бирлиги.

ЦЕНТР... [лат. centrum – марказ < юн. kentron – ўткир уч, чўққи, тўпланган жой, ўчоқ, марказ] – ўзлашма ясама ва қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, марказ, ўрта нуқта маъноларини англатади. Mac.: централизм, центризм, центриола, центромера; центрифуга [центр(и)...+ лат. fuga – қочиш, югуриш] – бир жинсли бўлмаган бирикмаларни (масалан, суюқ аралашмаларни) марказдан қочма куч таъсири билан таркибий қисмларга ажратадиган аппарат; центро-план [центр(о)...+...план] – самолёт қанотининг кўпинча фюзеляж билан бир бутунликни ташкил қилувчи марказий қисми; центро-сомалар [центр(о)...+ юн. soma – гавда, тана] – ҳайвонлар ва баъзи ўсимликлар хужайраларида центриолаларни ўраб турувчи хужайра маркази, доимий қўшилма (органоид ҳамда цитоплазманинг бир қисми).

ЦЕР(О)... [лат. сега – мум] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг мумга алоқадорлигини билдиради. Mac.: церопластика [нем. Zeroplastik < цер(о)...+...пластика] – мумдан ясалган ҳайкалтарошлик буюмлари; мум ҳайкалтарошлиги.

ЦЕРЕБР(О)... [лат. cerebrum – бош мия; ақл, идрок] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бош мия билан боғлиқлигини кўрсатади. Mac.: церебрал, церебрин, церебропизидлар, церебролизин, церебромаляция, церебросклероз, цереброспинал; церебрастения [церебр...+ астения] – астениянинг бош оғриги, бош айланиши, хотиранинг озгина пасайиши ва бош мия шикастланишининг бошқа белгилари билан бир вақтда кечиши; калла ва бош миянинг шикастланиши натижасида психик фолиятнинг пасайиши, заарланиши; цереброз [церебр(о)...+...оз] –

бош миянинг айрим касалликлари; **цереброма** [церебр(о)...+...ома] – бош мия тўқимасида вужудга келган ўсма; **церебропсихоз** [церебро...+ психоз] – бош мия касаллиги туфайли фикрлаш қобилияти-нинг бузилиши.

ЦЕФАЛ(О)..., ...ЦЕФАЛИЯ [юн. kephale – бош, калла] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг бошга, каллага алоқадорлигини кўрсатади [Ушбу терминэлементнинг икки хил ўқилишидан унинг қефал(о)..., ...кефалия варианtlари ҳам параллел қўлланади; қ. қефал(о)...]: I. Кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми сифатида умуман каллага алоқадорликни билдиради. Mac.: **цефалгия**, **цефалит**, **цефалогематома** // **кефалогематома**, **цефалография** // **кефалография**, **цефаломенингит**, **цефалометр**, **цефалотомия**, **цефалотрипсия**; **цефализация** [цефал...+...изация] – бош (калла)нинг шаклланиши; **цефалома** [цефал(о)...+...ома] – бош мия тўқимасида вужудга келган ўсма; **цефалоподлар** // **кефалоподлар** [цефало...+...под] – бошоёқли моллюскалар; илиқ денгизларда яшовчи, балиқ ва бошқа моллюскалар билан озиқланувчи йиртқич моллюскалар синфи; **цефалоцеле** [цефало...+...целе] – ичиди мия моддаси ёки унинг пардалари бўлган мия-калла суюги шиши. II. Кўшма сўзларнинг иккинчи қисми сифатида калланинг тузилиши, шакли, ҳажми ва бошқа омиллар билан боғлиқ нуқсон ва касалликларни билдиради. Mac.: **акроцефалия** // **акрокефалия**, **брахицефалия**, **макроцефалия** // **макрокефалия**, **микроцефалия** // **микрокефалия**, **наноцефалия**, **оксицефалия**, **пахицефалия** // **пахикефалия**, **сфеноцефалия** // **сфенокефалия**, **цебоцефалия**; **гидроцефалия** // **гидрокефалия** [гидро...+...цефалия] – бош мия истисқоси; мия қоринчаларида орқа мия суюқлигининг кўпайиши билан намоён бўладиган касаллик; **плагиоцефалия** [юн. plagios – эгри, қийшиқ +...цефалия] – қийшиқбошлик; калланинг бир ярми катталашиб, асимметрик бўлиши натижасида бошнинг қийшайиб қолиши; **шизоцефалия** [шизо...+...цефалия] – калланинг түғма нуқсони: каллада узунасига кетган ёриқ бўлиши билан намоён бўлади.

ЦИАН(О)... [юн. kyanos – ҳаворанг, кўк, мовий] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳаворанг, кўк рангли; циан (рангсиз, заҳарли газ) маъноларини билдиради. Mac.: **циангемоглобин**, **цианиллар**, **цианобактерия**, **цианоз**, **цианофил**; **цианидлар** [циан(о)...+...ид] – водород цианид кислота тузлари; **цианогидроз** [циано...+ гидроз] – кўк рангга бўялган тер чиқариш; тернинг кўк бўлиб чиқиши; **цианодерма** [циано...+...дерма] – терининг кўк рангли бўлиши, кўкариши, кўкариб туриши; **цианопсия** [циан...+...опсия] – атроф-мухитнинг кўкимтир рангда кўриниши.

ЦИВ... [лат. *civis* – фуқаро, граждан] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг фуқаролик, давлат, сиёсат маъноларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **цивил, цивилизатор, цивилист; цивилизация** [лат. *civilis* – фуқаролик, давлат, сиёсатга оид +...изация] – тамаддун: 1) ижтимоий тараққиёт, моддий ва маънавий маданият даражаси, босқичи; 2) замонавий жаҳон маданияти; **цивилистика** [лат. *civilis* +...истика] – фуқаролик хукуки ҳақидаги фан.

...**ЦИД** [лат. *caedere* – ўлдирмоқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ўлдириш, кириш, йўқ қилиш, йўқотиш; қарши курашиш маъноларини билдиради. Mac.: **акарицидлар, арборицидлар, бактерицидлар, вермицидлар, гербицидлар, зооцидлар, нематоцидлар, пестицидлар, спорицидлар, фунгицидлар; альгицидлар** [альги...+...цид] – шолипоялар, баликчилик ҳовузларида сувўтларга қарши курашда қўлланадиган кимёвий воситалар; **геноцид** [гено...+...цид] – иркӣ, миллий ёки диний важ-баҳоналар билан айрим аҳоли гурухларини қириш, ёппасига ўлдириш; **инсектицидлар** [лат. *insecta* – ҳашаротлар +...цид] – зааркунанда ҳашаротларга қарши курашда қўлланувчи кимёвий воситалар; **ларвицидлар** [лат. *lارва* – личинка, курт +...цид] – бир қатор ҳашаротларнинг тухумдан чиққан куртларини йўқотиш учун қўлланадиган инсектицидлар; **суицид** [лат. *sui* – ўзини ўзи +...цид] – ўзини ўзи ўлдириш.

ЦИКЛ(О)... [юн. *kyklos* – доира, айлана] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг доира, айлана, доирасимон, ҳалқасимон; мунтазам тақрорланиш маъноларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **цикл, циклогексан, циклограмма, циклоп(лар), циклоплегия, циклосомия, циклотимия; циклогенез** [цикло...+...генез] – циклоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; **циклография** [цикло...+...графия] – инсон ҳаракати фаза (босқич)ларини тананинг ҳаракатланувчи турли қисмларига маҳкамланган нурланувчи нишон ва лампочкаларни суратга олиш йўли билан қайд этиш; **циклон** [юн. *kyklon* – айланувчи] – 1) атмосфера гирдоби; 2) ҳавони ёки газни марказдан қочма куч таъсирида ҳар хил қаттиқ жисмлардан тозалайдиган аппарат; **циклотрон** [цикло...+...трон] – ядро тадқикотларида: зарядланган микрозарралар (протонлар, ионлар)ни теззагатадиган курилма; **циклофрения** [цикло...+ юн. *phren* – юрак, қалб; ақл, идрок] – психоз (рухий қасаллик)ларнинг бир тури – асосан, эмоционал бекарорлик, руҳий ҳолатнинг ўзгаришлари ва қайталанишга мойиллик билан намоён бўлади.

ЦИРК(УМ)... [лат. *circus* – айлана, доира; *circum* – теварак-атроф] – ўзлашма ясама, қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, айлана, доира; бирор нарсанинг атрофида, яқинида каби маъноларни билдиради.

Мас.: **цирк**, **циркорама**, **циркулятор**, **циркумтартктик**, **циркумдукция**, **циркумтропик**; **циркуль** [*лот.* *circulus* – айланы, ҳалқа] – айланалар чизиш, кесмаларни ўлчаш каби ишларда кўлланадиган асбоб; **циркуляр** [*нем.* *Zirkular* <*лот.* *circularis* – айланма, айланниб юрадиган] – идоравий бўйсунишдаги муассасаларга ёки тобе мансабдор шахсларга тарқатиладиган (юбориладиган) ёзма фармойиш; **циркуляция** [*лот.* *circulatio* < *циркул...+...ация*] – 1) доира бўйлаб айланиш, айланма ҳаракат, айланниб туриш; айланниб дастлабки жойига қайтиб келиш (масалан, қон циркуляцияси); 2) суюқлик ёки газнинг ёпиқ (айланма) оқими; **циркумарктик** [циркум...+ Арктика]: **циркумарктик организмлар** – яшаш минтакаси Ер шарининг шимолий кутб зонасини ҳалқа бўлиб камраб олувчи ўсимликлар ва ҳайвонлар.

ЦИСТ(О)... [*юн.* *kystis* – сийдик пухаги, қовуқ] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг пухакка, пухаксимон нарсага, сийдик пухагига, қовуққа алоқадорлигини кўрсатади [Ушбу терминэлементнинг икки хил ўқилишидан баъзан унинг **кист(о)...** варианти ҳам параллел кўлланади; қ. **кист(о)...**]. Мас.: **циста**, **цистерна**, **цистометрия**, **цистопиелит**, **цистоплегия**, **цистоскоп**, **цистоцеле**, **цистэктомия**, **цистектомия**; **цисталгия** [**цист...+...алгия**] – қовуқда аниқ касаллик аломатлари бўлмагани ҳолда тез-тез қийналиб оғриқ билан сийиш; **цистит** [**цист...+...ит**] – сийдик пухаги – қовуқнинг яллиғланиши; **цистография** [**цисто...+...графия**] – қовуқнинг турли касалликларида пайдо бўладиган ўзгаришларни унга тоза ҳаво, кислород ёки контраст моддалар юбориб, ренгенологик текшириш усули; **цистолитиаз** [**цисто...+...лит...+...иаз**] – қовуқда тошлар пайдо бўлиши; **цистоскопия** [**цисто...+...скопия**] – цистоскоп ёрдамида қовуқни текшириш; **цистостомия** [**цисто...+...стомия**] – қовуқда сунъий тешик очиш.

ЦИТ(О)..., ...ЦИТ(ЛАР) [*юн.* *kytos* – идиш; омбор; ҳужайра] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи ва иккинчи таркибий қисмлари бўлиб, шу сўзларнинг ҳайвон ва ўсимликлар ҳужайраларига (жонли ҳужайраларга) алоқадорлигини кўрсатади: I. Кўшма сўзларнинг биринчи қисми сифатида. Мас.: **цитобиология**, **цитодиагностика**, **цитокинез**, **цитоморфология**, **цитопатология**, **цитоспороз**, **цитофизиология**, **цитофотометрия**, **цитохромлар**; **цитогенез** [**цито...+...генез**] – ҳужайраларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти; **цитогенетика** [**цито...+...генетика**] – генетиканинг ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ҳужайра ва субҳужайра доирасида ўрганувчи соҳаси; **цитокимё** [**цито...+...кимё**] – цитологиянинг ҳужайра тузилмаларининг кимёвий таркиби, ҳужайрада кимёвий бирикмаларнинг синтезланиши, тақсимланиши ва фаоллигини, ўзгаришларини ўрганувчи бўлими; **цитолиз** [**цито...+**

...лиз] – ҳайвон ва ўсимлик ҳужайрасининг бутунлай ёки қисман эриши натижасида ҳужайранинг симирилиши; **цитология** [цито...+...логия] – ҳужайраларнинг тузилиши ва функциясини, кўп ҳужайрали, шунингдек, бир ҳужайрали организмлардаги аъзо ва тўқималарнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларини ўрганадиган фан; **цитоплазма** [цито...+...плазма] – ҳужайранинг ядро билан плазматик мембрана ораглигидан жойлашган асосий таркибий қисми; **цитотомия** [цито...+...томия] – ҳужайраларнинг яровий бўлинишидаги охирги қисми; бунда она ҳужайра иккита қизлик ҳужайрага бўлинади ва улар ўртасида тўсиқ пайдо бўлади. II. Қўшма сўзларнинг иккинчи қисми сифатида. Mac.: **гангилоцитлар, иридоцитлар, лейкоцитлар, лимфоцитлар, тромбоцитлар, трофоцитлар, фагоцитлар, хромоцитлар; астроцитлар** [астро...+...цит] – марказий нерв системасида жойлашган, юлдузсимон, узун толали ёки плазматик ҳужайралар; **гоноцит** [гоно...+...цит] – дастлабки жинсий ҳужайра; **миелоцитлар** [миело...+...цит] – илик (кўмик) ҳужайралари бўлиб, улардан донадор лейкоцитлар – гранулоцитларнинг барча турлари ҳосил бўлади; **миоцитлар** [мио...+...цит] – одам ва ҳайвонлар миокардининг оралиқ тўқимасида ҳар хил миқдорда доим бўладиган бир ядроли ҳужайралар; **моноцитлар** [моно...+...цит] – лейкоцитларнинг фагоцитоз хусусиятига эга бўлган бир тури; **остеоцитлар** [остео...+...цит] – умуртқали ҳайвонлар ва одам сукт тўқимасининг остеобластлардан ҳосил бўладиган ҳужайралари.

ЦИТР... [лат. citrus – цитрус (лимон) дарахти] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг лимонга, умуман, цитрус ўсимликларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **цитрамон, цитрин, цитрованилин, цитрон; цитраль** [ингл. citral < лат. citrus] – лимон ҳидри сарғиш суюқлик – лимон ва бошқа эфир мойларининг муҳим таркибий қисми; **цитратлар** [цитр...+...ат] – лимон (цитрат) кислотанинг тузлари ва эфирлари; **цитрус** [лат. citrus] – рутадошлар оиласига мансуб, кўп турлари ёввойи табиатда учрамайдиган дарахт ва буталар тури.

III

ШИЗО... [юн. schizo – бўламан, майдалайман, парчалайман; ёраман, янчаман] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг майдаланиш, бўлиниш, парчаланиш ва умуман бузилишларга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **шизик** (= **шизофреник**), **шизоид, шизомикоз, шизомицетлар, шизофазия, шизоцефалия, шизоцит; шизогония** [шизо...+...гония] – баъзи

энг содда организмлар ва айрим сувўтларнинг жинссиз кўпайиши; бунда ядронинг такрор-такрор бўлиниши рўй беради, кейин организм кўплаб организмларга ажралади; **шизомания** [шизо...+ ...мания] – шизофрениянинг ирсий мойиллик асосидаги енгил кўчиш турларининг умумий номи; **шизофреник** [лат. *schizophrenicus* < шизо...+ юн. *phren*] – шизофрения билан касалланган одам; **шизофрения** [шизо...+ юн. *phren* – ўй, фикр; ақл] – алоҳида ёки узлуксиз хуружлар шаклида шахснинг ўзгариши билан кечадиган рухий касаллик; унинг турли босқичларида рухий фаолият бузилишининг ҳар хил алматлари – васваса, алаҳлаш, галлюцинация, асабий-рухий қўзгалувчанлик, ҳаракатсизлик, бемор шахсининг ўзгариши кабилар кузатилади.

Э

ЭВ..., ЭЙ..., ЭУ... [юн. *eu* – яхши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, яхши, дуруст, соз; ёқимли маъноларини билдиради. Mac.: **эвкалипт**, **эвкариотлар**, **эвксерофитлар**, **эвритмия**, **эвтиреоз**, **эвтрофикация**; **эвтаназия** [эв...+ юн. *thanatos* – ўлим] – беморнинг ўлим олди азоб-оғриқларини енгиллаштириш; тузалиши қийин, азоб-оғриқдан қийналлаётган беморларнинг ўлимини тезлаштириш; **эвтрофлар** [юн. *eutrophia* – яхши овқатланиш < эв...+ ...троф] – фақат озиқ моддаларига бой тупроқдагина яхши ўса оладиган ўсимликлар; **эвфемизм** [юн. *euphemismos* < эв...+ юн. *phemi* – гапираман] – бирор сабабга кўра қўлланиши тақиқланган ёки қўлланиши ноқулай бўлган кўпол, дағал сўз ўрнига бошқа юмшокрок сўз ёки ибора қўллаш; **эвфония** [юн. *euphonía* < эв...+...фония] – оҳангдорлик; нутқда кучли оҳангдорлик туғдирувчи турли фонетик усуслар, ҳолатлар.

ЭВРИ... [юн. *eugus* – кенг, чексиз; кўп; кенг ёйилган] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, кенг, чексиз; хилма-хил, кўп каби маъноларни билдиради. Mac.: **эврибатлар**, **эвриптеридлар**, **эвритермлар**, **эвритмия**, **эвритоплар**; **эврибионтлар** [эври...+...бионт] – атроф-муҳит шароитларининг сезиларли ўзгаришларига бардош бериб яшай оладиган организмлар; **эвригалинлар** [эври...+ юн. *hals* – туз +...ин] – эвригалин ҳайвонлар: юқори дараҷадаги шўр(ланган) сувларда яшай оладиган денгиз организмлари; **эврифаглар** [эври...+...фаг] – ҳар хил овқатларни танламай еяверадиган ҳайвонлар; **эвриэдафлар** [эври...+ юн. *edaphos* – ер, тупроқ] – жуда хилма-хил, ҳар хил тупроқ шароитларида яшашга мослашган организмлар.

ЭГО... [лат. ego – мен] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг “мен”га, “мен” шахсига, умуман, инсон шахсига, “ўзим” маъносига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **эгоист**, **эгопсихология**, **эготизм**, **эгофония**; **эгоизм** [эго...+...изм] – ўз фойдаси, манфаатини кўзловчи хатти-ҳаракат, ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатидан устун қўйиш; **эгомания** [эго...+...мания] – ўзини ўзи яхши кўриш; ўта худбинлик, манманлик, димоғдорлик; **эгоцентризм** [эго...+ центр...+...изм] – шахснинг ўз қизиқиш доирасига боғланиб қолиши, бошқа одамлар ва нарсаларга нисбатан ўзининг дастлабки билишига оид қараши ёки фикрини ўзгартира олмаслигидан иборат хислати; **эгоизмнинг энг юқори даражаси**.

...**ЭДР** [юн. *hedra* – ён, ёқ, кирра, сирт, асос] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, ён, ёқ, кирра, асос каби маъноларни англатади. Mac.: **гексаэдр** (олтиёқлик), **додекаэдр** (ўнинкиёқлик), **октаэдр** (саккизёқлик), **полиэдр** (кўпёқлик), **тетраэдр** (тўртёқлик); **триэдр** [три...+...эдр] – учёқлик; бир нуқтадан чиқувчи, бир текислиқда ётмайдиган учта нурдан иборат геометрик шакл.

ЭЗОФАГ(О)... [юн. *oisophagos* – қизилўнгач] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг қизилўнгачга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **эзофагизм**, **эзофагокардиография**, **эзофагомалляция**, **эзофагоскопия**, **эзофагоспазм**, **эзофагостеноз**, **эзофагостомия**, **эзофаготомия**; **эзофагит** [эзофаг...+...ит] – қизилўнгачнинг яллиғланиши; **эзофагогастростомия** [эзофаго...+ гастро...+...стомия] – қизилўнгачни меъда (ошқозон)га улаш операцияси; **эзофагометр** [эзофаго...+...метр] – қизилўнгач узунлигини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб; **эзофагопластика** [эзофаго...+...пластика] – қизилўнгач торайиб қолганда, унинг касал қисмини олиб ташлаб, ўрнига ингичка ёки йўғон ичак, меъда ёки теридан янги қизилўнгач ясаш операцияси; **эзофагоскоп** [эзофаго...+...скоп] – қизилўнгачнинг ички бўшлигини текшириб кўрища ишлатиладиган асбоб; **эзофагостомия** [эзофаго...+...стомия] – қизилўнгач деворини кесиб, ташқарига очиб кўйиш операцияси; **эзофагэктомия** [эзофаг(о)...+...эктомия] – қизилўнгачнинг бир қисмини кесиб олиб ташлаш.

ЭЙ..., ЭВ..., ЭУ... [юн. *eu* – яхши] – ушбу терминэлементнинг изохи ҳақида қ. **эв...** Mac.: **эйглобулин**, **эйқупин**, **эймидрин**, **эйхинин** – дори моддаларнинг номлари; **эйритмия**, **эйтанаэзия**; **эйтония** [эй...+ юн. *tonos* – таранглик, зўриқиши] – тананинг яйраши, енгил тортиши; ўз-ўзини енгил сезиши ва шу сезгидан лаззатланиш; **эйтрофия** [эй...+...трофия] – нормал овқатланиш; овқатни иштаҳа билан ейиш, овқатнинг яхши сингиши, ҳазм бўлиши; **эйфория** [юн. *euphorbia* < эй...+ юн. *phore* – бошдан кечираман, ўтказаман] – объектив ҳолат билан боғлиқ

бўлмаган димоғчоглик; ўз-ўзидан, ғайриихтиёрий кўтаринки-хурсандчилик ҳолатида бўлиш (асосан, руҳий касалликларда, наркотик моддалар қабул қилганда кузатилади).

ЭКВИ... [лат. aequus – тенг, баравар] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, тенг, баравар, тенг (бир хил) қийматли каби маъноларни билдиради. Мас.: экваториал, эквивалентлик, эквилибрест, эквипотенциал; экватор [лат. aequator – тенглаштирувчи < aequus – тенг] – ҳар иккала қутбдан тенг узоқликда ўтказилган, Ернинг айланиш ўқига перпендикуляр бўлган ва Ер шарини шимолий ва жанубий яримшарларга бўладиган, узунлиги 40 минг километр бўлган катта айлана чизик; эквивалент [экви...+ лат. valens (valentis) – куч, аҳамият, қийматга эга бўлган] – куч, аҳамият, қиймат ва бошқа жиҳатлардан тенг ёки ўзаро мувофиқ келувчи нарса (нарса-буюм, хизмат, тушунча, ҳодиса, миқдор); эквилибристика [экви...+ лат. libris – мувозанатда туриш +...истика] – тез бажариладиган ҳаракатларни амалга оширишда артистнинг ўз мувозанатини саклаш маҳоратига асосланган цирк санъати жанри; эквилинеарлик [экви...+ лат. linea – сатр, қатор, йўл] – тенгсатрлилик; шеърий таржимада сатрлар сонининг аслиятдаги миқдорда бўлишига риоя қилиш; эквиритмия [экви...+ юн. rythmos – ритм, вазн] – таржимон томонидан аслиятдаги ҳар бир алоҳида шеър ритмик (вазний) хусусиятларининг аниқ берилиши.

ЭКЗ(О)... [юн. echo – ташқариси, сирти; ташқари, ташқарида, ташқаридан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарса ёки кимсадан ташқари, ташқарида жойлашганликни; ташқари, сирт томон каби маъноларни билдиради. Мас.: экзантема, экзартикуляция, экзентерация, экзогенота, экзодерма, экзокарпий, экзосмос, экзосфера, экзотермик, экзотрофлар, экзофория; экзобиология [экзо...+ биология] – космик биологиянинг Ердан ташқарида ҳаёт, яшаш шакллари мавжудлиги эҳтимолини ўрганувчи соҳаси; экзогамия [экзо...+...гамия] – 1) ибтидоий жамиятда бир уруғ ёки жамоа вакиллари (якин қариндошлар) ўртасида жинсий муносабат (никох)ларнинг тақиқланганлиги; 2) келиб чиқиши турлича бўлган хужайраларнинг кўшилиши; экзоген [экзо...+...ген] – организмда бирор жараёнга ташки мухит омилларининг таъсири натижасида рўй берадиган; ташки мухит таъсирида келиб чиқсан; экзостоз [экз(о)...+ ост(ео)...+...оз] – суяқ сиртидан ўсиб чиқсан хавфсиз суяқ ўсмаси; экзотоксин [экзо...+ юн. toxikon – заҳар] – патоген микроблар, бактериялар атроф-мухитга чиқарадиган заҳар модда; экзофталъм [экз(о)...+ юн. ophthalmos – кўз] – кўз соққасининг кўз косасидан чиққудек бўлиб чақчайиб туриши; чақчайма кўз.

ЭКО... [юн. oikos – уй, ватан, туаржой] – ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, уй-жой, уй, атроф-муҳит каби маъноларни билдиради. Mac.: экологик, эконом, эконометрия, экономия, экосистема, экотип; экогенез [эко...+...генез] – организмлар ва яшаш муҳити ўртасида уларнинг бирга яшаш тарихи давомидаги муносабатларининг ривожланиш жараёни; экология [эко...+...логия] – биргалиқда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан бўлган муносабатини, шунингдек, одам ва биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини ўрганадиган фан; экономика [юн. oikonomike – уй-рўзғор хўжалигини бошқариш санъати] – иқтиодиёт: 1) маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг тақсимоти доирасидаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси; 2) муайян жой, минтақа, мамлакат ёки бутун дунёнинг (тўлик ёки қисман) хўжалиги (ишлабчиқаришнинг барча тармоқлари ёки алоҳида турлари бўйича); 3) хўжаликнинг у ёки бу тармоғини ва тармоқлараро муносабатларни ўрганувчи фан; экоцид [эко...+...цид] – инсонни ўраб турувчи табиий муҳитни бузиш, йўқ қилиш; экологик мувозанатнинг кескин бузилиши.

ЭКС... [лот. ex – келиб чиқиши, манбани ифодалайдиган олд қўшимча] – ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб: 1) бирор жойдан чиқиши, ажралиш, чиқариб олиш; 2) аввалги, собиқ каби маъноларни англатади. Mac.: экспаустер, экспергия // экспергия, экспатриант, экспорт, экспудация, эксперриториаллик, экспирпация, экспфолиация, экспцентрик; эксп-президент, эксп-премьер, эксптерн; экспгумация [экс...+ лот. gutus – тупроқ +...ация] – мурдан кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш зарурияти туғилганда уни дафн этилган жойидан (гўрдан) ковлаб олиш; экспатриация [экс...+ лот. patria – ватан, туғилган юрт +...ация] – ватандан ташқарига ихтиёрий ёки мажбурий кўчиши, кўчириш (одатда, фуқароликдан маҳрум қилиш билан); эксплантация [экс...+ лот. plantare – (кўчириб) ўтказиш + ...ация] – организм хужайра ва тўқималарини, кичикроқ аъзоларни тирик организмдан ташқарида сунъий озиқ муҳитида сақлаш, ўстириш ва қайтадан организмга пайвандлаш; экспроприация [фр. expropriation < лот. expropriatio – мол-мулқдан ажратиш] – давлат ҳокимияти томонидан мажбурий равишда (ҳақини тўлаб ёки тўламасдан) мол-мулқдан маҳрум қилиш; экспрадиция [фр. extradition < эксп...+ лот. traditio – бериш, топшириш] – халқаро ҳукуқда: жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун бир давлатдан иккинчи давлатга бериш; эксп-чемпион [экс...+ чемпион] – собиқ чемпион; ҳозиргидан аввалроқ спортнинг маълум бир тури бўйича биринчилликни олган (ғолиб бўлган) спортчи ёки спорт жамоаси.

ЭКСТРА... [лат. extra – мөйөрдән юқори, ҳаддан ташқари, ўта, фавқулодда] – олд қўшимча; ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ҳаддан ташқари, одатдаги мөйөрдән юқори, ортиқ, ортиқча, устига каби маъноларни ифодалайди. Mac.: экстраверт, экстразонал, экстраординар, экстраполяция, экстрасенсор, экстрасистола; экстрапепторлар [экстра...+ лат. receptor – қабул қилувчи] – тана сиртида, терида ўрнашган сезувчи нерв учлари; экстрасенс [экстра...+ лат. sensitivus – сезгир, таъсиричан] – атроф-мухитни, борликни (сезги аъзолари иштирокисиз) идрок қилиш ҳамда ўзга кишилар ва ҳайвонларга таъсири кўрсатишда ғайритабиий қобилиятга эга бўлган шахс; экстрасистолия [экстра...+ юн. systole – гижимлаш; сиқиш; қисқариш] – аритмиянинг бир тури; юракда вақтидан олдин импульслар пайдо бўлиб, юракнинг қўшимча, навбатдан ташқари қисқариши; экстроспекция [экстр(о)...+ лат. spectare – қарамоқ, кузатмоқ] – психологияда: бошқа кишиларнинг хулқ-атворини объектив, ташки томондан кузатиш усули.

...ЭКТАЗИЯ [юн. ektasis – чўзилиб кенгайиш, узайиш, чўзилиш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бўшлиқли (ичи бўш, ғовак) аъзоларнинг чўзилиб (шишиб) кенгайиши маъносини билдиради. Mac.: ангиектазия, артериектазия, бронхоектазия, кератоектазия, склеректазия; гастроектазия [гастр(о)...+...ектазия] – айрим касалликларда мөъда бўшлиги ва деворларининг чўзилиши, кенгайиши; нефректазия [нефр...+...ектазия] – буйракнинг кенгайиб кетиши; пиелоектазия [пиело...+...ектазия] – буйрак жомчасининг кенгайиши; тифлэктазия [тифл...+...ектазия] – кўричакнинг кенгайиши; флебектазия [флеб...+...ектазия] – вена томирларининг тургун кенгайиши.

ЭКТО... [юн. ektos – ташки, ташқари(да)] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ташки, сиртқи, ташқарида(ги), ташқарига каби маъноларни билдиради. Mac.: эктобласт, эктодермоз, эктомер, эктотрофлар; эктогенез [экто...+...генез] – эволюцион таълимотда тирик (жонли) табиатнинг тарихий тараққиётини организмларнинг яшаш муҳитига бевосита мосланиши деб ҳисобловчи йўналишларнинг умумий номи; эктодерма [экто...+...дерма] – эмбрионнинг бошлангич тараққиётида ҳосил бўладиган икки қават гаструла деворининг ташки қавати; эктопаразитлар [экто...+ паразит] – хўжайин танасининг юзасида, танадан ташқарида яшовчи паразитлар (бит, бурга ва бошқалар); эктоплазма [экто...+...плазма] – хўжайра протоплазмасининг ташки хўжайра пардасига яқин қисми.

...ЭКТОМИЯ [юн. ektome – олиб ташлаш, кесиб, кирқиб ташлаш] – ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи таркибий қисми бўлиб, бирин-

чи қисм англатган тана айзоси ёки унинг бирор қисмини операция йўли билан бутунлай ёки қисман олиб ташлаш маъносини билдиради. Mac.: **адипэктомия, альвеолэктомия, артреэктомия, ганглиоэктомия, дуоденэктомия, еюнэктомия, иридэктомия, ламинэктомия, ларингоэктомия, мастэктомия, омфалэктомия, офтальмоэктомия, плеврэктомия, склерэктомия, струмэктомия, тонзиллэктомия, тромбэктомия, цистэктомия, эзофагэктомия; аппендэктомия** [лат. append(ix) – ўсимта, ортиқ +...эктомия] –чувалчангсизмон ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш; **гастрэктомия** [гастр...+...эктомия] – меъданни (ошқозонни) бутунлай олиб ташлаш; **метрэктомия** [метр(о)...+ ...эктомия] – лагаротомия қилиб, кин орқали бачадонни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш; **некрэктомия** [некр...+...эктомия] – ўлган тўқималарни олиб ташлашдан иборат операция; **остеоэктомия** [остео...+...эктомия] – сукни ёки унинг бирор қисмини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш; **пневмонэктомия** [пневмо(н)...+ ...эктомия] – ўпкани батамон олиб ташлаш операцияси.

ЭЛЕКТР(О)... [юн. elektron – каҳрабо; қатрон] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, электрга алоқадор, унга хос, электр билан харакатга келтириладиган, электр ҳосил киладиган, электр туфайли ишлайдиган каби маъноларни билдиради. Mac.: **электрификация, электроакустика, электрод, электродиагностика, электродинамика, электромагнит, электрометрия, электромотор, электрон, электронаркоз, электроника, электроскоп, электростанция, электростатика, электрофон, электрофотография; электрограф** [электро...+...граф] – атмосферанинг электрик ҳолатини қайд этиб борувчи асбоб, ўзиёзар электрометр; **электрография** [электро...+...графия] – полиграфияда: тасвирини босма шаклда аслидагидай акс эттириш ва уни коғозга туширишнинг электрик ва магнит усуllibар; **электрокар** [электро...+ ингл. car – арава] – аккумуляторлар батареяларидан озиқланадиган электромотор ёрдамида харакатга келтириладиган аравача; **электрокардиограмма** [электро...+ кардиограмма] – юрак тепишининг электрокардиограф воситасида ёзиг олинган график тасвири; **электрокардиография** [электро...+ кардиография] – юракнинг тепиши натижасида ҳосил бўладиган электр импульсларни электрокардиограф ёрдамида график тарзда қайд этиб, юракнинг аҳволини текшириш усули; **электрокимё** [электро...+ кимё] – физик кимёнинг электрик ва кимёвий жараёнлар ўтасидаги алоқани ўрганадиган бўлими; **электролиз** [электро...+...лиз] – туз ёки кислоталарнинг эритмасидан ўзгармас электр оқими ўтаётганда, эритманинг таркибий қисмларга ажралиш жараёни; **электролитлар** [электро...+...лит(...лиз)] – электр токини ўтказиши ионлар ҳаракати билан

амалга ошадиган кимёвий моддалар ва системалар; электронаркоз [электро...+ наркоз] – ҳайвон ёки одам марказий нерв системасига маълум кучланиши электр токи таъсир эттириш йўли билан юзага келтириладиган наркоз; **электротерапия** [электро...+ ...терапия] – электр оқими, электр ва магнит майдонларини даволаш мақсадларида ишлатиш, кўллаш; **электротермия** [электро...+ юн. thermē – иссиқлик +...ия] – техниканинг саноат мақсадларида электр энергиясини иссиқликка айлантириш масалалари билан шуғулланувчи бўлими; **электротехника** [электро...+ техника] – 1) электр энергиясидан амалий мақсадларда фойдаланиш йўллари ва усуллари ҳақидаги фан; 2) техниканинг электр асбоб-ускуналар ва машиналар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ соҳаси; **электрофорез** [электро...+ юн. phōgeō – кўтариб (олиб) бораман, кўчираман] – зарядланган коллоид зарраларнинг ташқи электр майдони таъсири остида ўзгариши, жойини ўзгартириши.

ЭМБРИО... [юн. embryon – муртак, пушт; куртак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг муртак, пушт, хомилага алоқадорлигини билдиради. Мас.: **эмбриолог**, **эмбриома**, **эмбрион**, **эмбриотоксиклик**, **эмбриотроплик**; **эмбриогенез** [эмбрио...+ ...генез] – онтогенезнинг ilk даври: ривожланаётган ҳомила қисмлари, тизимлари ўзига хос вазифаларни бажара бошлайдиган давр; **эмбриология** [эмбрио...+ ...логия] – биологиянинг одам, ҳайвон ва ўсимлик эмбрионлари ўсиши ва ривожланишини ўрганадиган бўлими; **эмбриопатия** [эмбрио...+ ...патия] – эмбрионал ривожланиш даврида пайдо бўладиган нуқсон (касаллиқ)ларнинг умумий номи; **эмбриотомия** [эмбрио...+ ...томия] – ҳомилани майдалаб олиш операцияси; кўпинча кўндаланг ёки қийшиқ келиб (туриб), туғила олмай ўлиб қолган ҳомилани олиб ташлаш учун кўлланади.

ЭН... [юн. en – -да, -га, -дан; ичида, орқасида, ёнида, олдида] – олд қўшимча; ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ичида, орасида, ёнида каби маъноларни билдиради. Мас.: **энантема**, **энгармонизм**, **эндемизм**, **энтропион**, **энтропия**; **энзимлар** [эн...+ юн.zymē – хамиртуруш, ачитки] – ферментлар, биокатализаторлар; тирик ҳужайраларда кимёвий жараёнларни бир неча миллион марта тезлаштирувчи катализаторлар вазифасини бажарувчи оксиллар; **энзоотия** [эн...+ зоо(т)...+...ия] – ҳайвонларнинг муайян бир жой, худудгагина хос бўлган (шу ерларда тарқалган) юқумли касаллиги; **энофталмъ** [эн...+ юн. ophthalmos – кўз] – кўз соққасининг кўз косасида чукур жойлашганлиги.

ЭНД(О)... [юн. endon – ички, ичида, ичкарида] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ички, ўз ичидаги, ичида жойлашиш,

келиб чиқиш каби маъноларни билдиради. Мас.: эндаортит, эндартериит, эндобронхит, эндоген, эндокринолог, эндолимфа, эндометрий, эндоневрит, эндоплазма, эндопротез, эндосперм, эндостоз, эндотермия, эндотоксинг, эндотрофлар, эндофилия; эндогамия [эндо...+...гамия] – 1) биронта ижтимоий гурух (қабила, уруғ, табақа ва бошқалар)нинг ўз ичидан уйланишини тақозо этувчи одат; 2) яқин қариндошлар жинсий хужайраларининг қўшилиши; эндодерма [эндо...+...дерма] – ўсимликларда бирламчи пўстлоқнинг ўқ аъзолари марказий цилиндрига ёндош бўлган бир қатор жойлашган хужайралардан иборат ички қавати; эндокард [эндо...+...кард] – юрак деворининг ички қавати; юрак мушак қаватининг ички юзасини қоплаб турадиган юпқа парда; эндокрин [эндо...+ юн. krino – ажратман]: эндокрин безлар – ички секреция безларӣ; эндокринология [эндокрин(о)...+ ...логия] – клиник тиббиётнинг ички секреция безларининг тузилиши, ривожланиши ва функцияларини, улар ишлаб чиқарадиган гормонлар ҳамда уларга алоқадор касалликларни ўрганадиган бўлими; эндометрит [эндо...+ юн. metra – бачадон +...ит] – баъзи ҳайвонлар ва одам бачадони ички шиллик қаватининг яллиғланиши; эндопаразитлар [эндо...+ паразит] – ички паразитлар: хўжайнин ҳайвон ва ўсимлик тўки-малари, ички аъзоларида яшаб, унинг ҳисобига хаёт кечирувчи организмлар; эндоскоп [эндо...+...скоп] – ковак, ичи бўш аъзоларни кўриб текшириш учун ишлатиладиган оптик асбоб; эндотелий [эндо...+ юн. thele – сўргич] – ҳайвонларда бир қатор бўлиб жойлашган ясси хужайралар қавати; эндофлебит [эндо...+ флеб(о)...+...ит] – вена ички пардасининг яллиғланиши.

ЭНТ(O)... [юн. entos – ички, ичидা] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи кисми бўлиб, ички, ичкарида жойлашган каби маъноларни билдиради. Мас.: энтамёба, энтобласт; энтобактерин [энто...+ бактер(ия)...+...ин] – кристалл ҳосил қиласидиган бактерия асосида олинадиган, кўплаб зааркунанда ҳашаротларга қарши кўлланадиган биологик инсектицид; эндодерма [энто...+...дерма] – 1) кўп хужайрали ҳайвонлар ва одамнинг илк ривожланиш босқичидаги муртак (эмбрион)нинг ички қавати (ички муртак вараги); ундан ичак эпителийси ва у билан боғлиқ безлар ҳосил бўлади; 2) бўшлиқичли ҳайвонлар тана деворининг ички хужайра қавати; эндодерма.

ЭНТЕР(O)... [юн. enteron – ичак(лар), ингичка ичак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ичакка, ингичка ичакка, ичак касалликларига алоқадорлигини билдиради. Мас.: энтеробиоз, энтеровирус, энтерокиназа, энтеромегалия, энтеропатия, энтеросепсис, энтеростомия, энтеротоксин, энтероцит; энтералгия [энтер...+...алгия] – ичак санчиғи, ичакнинг

қаттиқ оғриши; **энтерит** [энтер...+...ит] – ингичка ичак ички қаватининг яллиғланиши; **энтероколит** [энтеро...+ колит] – ингичка ва йўғон ичаклар шиллик қаватларининг бир пайтда яллиғланиши; **энтеролит** [энтеро...+...лит] – ингичка ичак тоши; **энтерология** [энтеро...+...логия] – гастроэнтерологиянинг ичак касалларини ўрганувчи бўлими; **энтероптоз** [энтеро...+...птоz] – ингичка ичакнинг ўз ўрнидан пастда туриши (пастга тушиши); **энтероррагия** [энтеро...+...ррагия] – ингичка ичақдан қон кетиши; **энтероскоп** [энтеро...+...скоп] – ингичка ичак бўшлигини оптик йўл билан текшириш учун ишлатиладиган асбоб.

ЭНТОМ(О)... [юн. entoma – ҳашарот] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ҳашарот маъносини ифодалайди. Mac.: **энтомофаглар**, **энтомофилия**; **энтомозлар** [энтом(о)...+ ...оз] – қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида: улар организмидаги паразитлик қилувчи, қон сўрувчи ҳашаротлар келтириб чиқарадиган касаллар; **энтомология** [энтомо...+...логия] – зоологиянинг ҳашаротларни ўрганувчи бўлими; ҳашаротшунослик.

ЭНЦЕФАЛ(О)... [юн. enkephale – мия, бош мия] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг бош мияга, унинг касалларига алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **энцефалатрофия**, **энцефалограмма**, **энцефаломаляция**, **энцефаломенингит**, **энцефалометрия**, **энцефаломиелит**; **энцефалит** [энцефал...+...ит] – хар хил сабабларга кўра бош миянинг яллиғланиши; **энцефалография** [энцефало...+...графия] – олдиндан бош мия бўшликларига контраст моддалар (асосан, ҳаво ёки кислород) юбориб, уни рентгенологик текшириш усули; **энцефалопатия** [энцефало...+...патия] – бош миянинг турли хил яллиғланишларга боғлиқ бўлмаган касаллар; **энцефалоцеле** [энцефало...+...целе] – тутума ёки орттирилган мия чурраси: калла суюгининг нуксони туфайли бош мия моддасининг ташқарига бўртиб чиқиши.

ЭО... [юн. eos – тонгги шафак] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, илк, дастлабки, бошланғич (дavr) каби маъноларни билдиради. Mac.: **эоантроп**, **эозин**, **эокембрий**, **эолит**; **эозоонлар** [ео...+ юн. zoon – ҳайвон, тирик мавжудот] – XIX аср охирида Шимолий Америкада топилган ва янгилишиб, қадимги ҳайвонларнинг қолдиқлари деган холосага келинган ноорганик минерал ҳосилалар; **эолитлар** [ео...+...лит] – қирралари ўткир, кескир кремний ва бошқа тош парчалари; **эоцен** [ео...+...цен] – палеоген даврининг ўрта қисми.

ЭП... [юн. eros – нутқ, тил, гап, сўз; ҳикоя, қўшиқ; еріkos – ҳикояга, қиссага оид] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сўз, гап, нутқ, баён, ҳикоя билан алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: **эпик**, **эпод**, **эпопея**; **этика** [юн. еріkos] – эпик асарлар (ҳикоя,

кисса, роман кабилар) мажмуи; эпос [юн. eros] – 1) бадий адабиёт-нинг лирика ва драмадан ажралиб турадиган, баён тарзидаги учинчи тури; 2) халқ оғзаки ижодиётида қаҳрамонлик ва қаҳрамонлар ҳақида-ги достонлар мажмуи.

ЭПИ... [юн. ері – устида, устига, ёнида, яқинида, орқасида, кейин] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсанинг устида, бирор нарсанинг ёнида жойлашган, устки, бирор нарсадан ке-йинги каби маъноларни билдиради. Mac.: эпигон, эпиграфика, эпиди-димит, эпикотиль, эпикриз, эпископ, эпитаксис, эпитафия, эпите-лий, эпифауна, эпифиз; эпигенез [эпи...+...генез] – организмларнинг муртакдан аста-секин, изчил янги шакл ўзгаришлар натижасида ривож-ланиши тўғрисидаги таълимот; эпиграмма [эпи...+...грамма] – устки ёзув; кичик ҳажвий шеър; эпиграф [эпи...+...граф] – 1) Юнонистоңда қабртошлар ёки бино устидаги ёзув; 2) адабий асар ёки унинг бирор қисми (боби)нинг тепасига ёзиб қўйилган ва шу асар (боб) мазмуни-ни, гоясини ифодалайдиган ибора, мақол, матал, ҳикматли сўз, шеърий парча ва шу кабилар; эпидемия [эпи...+ юн. demos – халқ] – юқумли ка-салликларнинг маълум ҳудудда ёки мамлакатда одатдаги касалланиш даражасидан кўпроқ тарқалиши; эпидерма // эпидермис [эпи...+...дер-ма] – терининг энг устки қавати; эпизоотия [эпи...+ юн. zoon – ҳайвон +...ия] – ҳайвонларда бирор юқумли ёки вирусли касалликтнинг кенг тарқалиши; касалликтнинг маълум вақт ичida катта ҳудудга ёйилиб ке-тиши; эпикард [эпи...+...кард] – юракнинг юпқа бириктирувчи тўқима-дан иборат ташқи қавати; эпилог [эпи...+...лог] – бадий асарда воқеа тасвиридан сўнг қаҳрамонларнинг кейинги тақдирини баён қилувчи хотима қисми; эпифитлар [эпи...+...фит] – бошқа ўсимликлар, асо-сан, дараҳтлар пояси, шохларида яшайдиган, бироқ озиқ моддаларни атроф-мухитдан оладиган ўсимликлар; эпицентр [эпи...+...центр] – 1) зилзила ўчоги, порглашлар марказий нуктасининг ер сиртига проек-цияси; зилзила ўчоги устидаги ерлар; 2) бирор воқеа-ходисанинг ман-баи, марказий нуктаси.

ЭРГ(О)... [юн. ergon – иш, меҳнат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, иш, меҳнат маъноларини англатади. Mac.: эрг, эргатив, эргография, эргометр; эргограф [эрго...+...граф] – мушаклар фаолиятини, кишининг жисмоний иш қобилиятини гра-фик тарзда ёзиб оладиган маҳсус асбоб; эргометрия [эрго...+...метрия] – тирик организмларнинг маълум микдордаги иш бажариши вақтида алоҳида мушакнинг ёки мушаклар гурухининг ишлаш қобилиятини ўлчаш; эргономика [эрго...+ ном(о)...+...ика] – муайян киши (кишилар гурухи)ни ишлаб чиқариш фаолияти шароитлари билан боғлиқ ҳолда комплекс ўрганадиган фан.

ЭРИТР(О)... [юн. erythros – қызил] – ўзлашма қүшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қызил маъносини билдиради. Mac.: эритрит, эритробласт, эритролейкемия, эритропения, эритропозз, эритрофагия, эритрофобия, эритроцитоз; эритремия [эритр...+...емия] – периферик қон таркибида қызил қон таначаларининг кўпайиши, месьёрдагидан анча ортиқ бўлиши; эритрин [эритр...+...ин] – 1) кобальт гуллари – арсенатлар синфига мансуб, ранги пушти-қызил, ўта шаффоф минерал; 2) ҳайвон эритроцитларидан олинган, дифтерияни даволашда ишлатиладиган антибиотик препарат; эритродермия [эритро...+...дермия] – бутун гавда териси ёки кўлгина қисмининг яллиганиши (қизариши, шишиши, пўст ташлаши, кипикланиши, қичишиши) билан кечадиган касаллик; эритрометр [эритро...+...метр] – эритроцитлар диаметрини ўлчаш учун ишлатиладиган микроскоп окуляри; эритропия [эритр(о)...+...опия] – буюмларнинг қызилга ўхшаб, қызил бўлиб кўриниши; эритроцитлар [эритро...+...цит] – қызил қон таначалари – одам ва ҳайвонлар қонининг ядросиз хужайралари; таркибидаги гемоглобин қонга қызил тус беради.

ЭРОТ(О)... [юн. eros (erotos) – муҳаббат, эҳтирос] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, севги, муҳаббат, эҳтирос маъноларини англатади. Mac.: эротизм [эрот(о)...+...изм] – жинсий майлнинг, ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши; баъзи руҳий касалликларда жинсий майлнинг зўрайиши; эротомания [эрото...+...мания] – баъзи руҳий касалликларда жинсий майлнинг патологик зўрайиши; ўта кучли жинсий майл; шаҳвоний хирс; эротофобия [эрото...+...фобия] – мияга ўрнашиб қолган қўрқув ҳолати – жинсий алоқа қилишдан ҳадиксираш, қўрқиш.

ЭСТЕ... [юн. aesthesis – сезги, ҳис, туйғу; сезиш, ҳис қилиш] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сезигига, туйғуга, сезиш, ҳис қилишга алоқадорлигини кўрсатади. Mac.: эстезиометр, эстет, эстетизм, эстетик; эстезиология [эсте(зио)...+...логия] – сезги аъзоларининг тузилиши ва функцияларини ўрганувчи фан; эстезиометрия [эсте(зио)...+...метрия] – терининг сал тегинишга, ҳарорат ва босимнинг ўзгаришига сезигирлигини маҳсус асбоб – эстезиометр билан ўлчаш; эстетика [юн. aisthetikos – ҳиссий, ҳис килувчи; ўта сезигир, таъсирчан] – санъат ва бадиий ижодни, гўзалликнинг табиат ва ҳаётдаги моҳияти ва шаклларини, одам ва олам ўртасидаги қадрият муносабатларини ўрганувчи фалсафий фан.

ЭСХАТ... [юн. eschatos – сўнгти, энг охирги] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, сўнгги, охирги маъноларини англатади. Mac.: эсхатология [эсхато...+...логия] – бутун олам ва айрим бир инсоннинг сўнгги тақдири, охирзамон, охират ҳақидаги диний таълимот.

ЭТИ(О)... [юн. aitia – сабаб] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сабаб маъносини билдиради. Mac.: этиология [этио...+...логия] – 1) патологиянинг касалликларнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитини ўрганадиган бўлими; 2) касаллик сабаби; этиопатогенез [этио...+ патогенез] – касалликнинг этиологияси (келиб чиқиши сабаби) ва патогенези (пайдо бўлиши ва ривожланиши)ни ўрганиш; этиотроп [этио...+...троп]: этиотроп даволаш – биринчи навбатда касаллик сабабларини бартараф қилишга, шундан кейингина унинг оқибатларини бартараф қилишга қаратилган даволаш.

ЭТНО... [юн. ethnos – қабила, элат, халқ] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, элат, халқ ва уларга алоқадор деган маъноларни англатади. Mac.: этник, этногеография, этнограф, этномусиқа, этноним, этнопсихология, этнос, этноцентризм; этноботаника [этно...+ ботаника] – ботаниканинг бир бўлими: халқнинг ўсимликлар ҳақидаги билимларини тўплаш ва системалаштириш билан шуғулланади; этногенез [этно...+...генез] – муайян халқнинг келиб чиқиши; илгаридан мавжуд бўлган бир неча этник компонентлар асосида янги этнос (элат)нинг вужудга келиши; этнография [этно...+...графия] – халқшунослик; тарих фанининг халқларнинг келиб чиқишини, таркибини, жойлашишини, турмушини ва расм-русларини, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини бевосита кузатиш йўли билан ўрганадиган бўлими; этнолингвистика [этно...+ лингвистика] – тилшуносликда: тил билан тил эгаси бўлган халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг ривожида ва амал қилишида лисоний, этномаданий ва этнопсихологик омилларнинг ўзаро алоқасини ўрганувчи йўналиш; этнология [этно...+...логия] – айн. этнография; этнонимика [этно...+ оним...+...ика] – лексикологиянинг халқ, қабила ва бошқа этник уюшмаларнинг номларини – этнонимларни ўрганадиган бўлими.

ЭТО... [юн. ethos – урф-одат, хулқ-атвор, хатти-ҳаракат] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, урф-одат, хулқ-атвор, хатти-ҳаракат маъноларини ифодалайди. Mac.: этограмма [это...+ ...грамма] – у ёки бу ҳайвон турига хос бўлган ва тур ичидаги ташқи муомалада улар фойдаланадиган “тил”, ҳолат, ҳаракат, товуш ва мимикаларнинг тўлиқ рўйхати (каталоги); этология [это...+...логия] – биологиянинг зоология билан боғлиқ ва ҳайвонларнинг табиий яшаш шароитидаги хатти-ҳаракатини ўрганадиган бўлими.

ЭУ... [юн. eu – яхши] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, яхши деган маънони билдиради; эв..., эй... терминэлементларининг фонетик варианти. Mac.: эубактериялар, эупепсия, эухилия; эукариотлар [эу...+ юн. karyon – ёнғоқ магизи; ядро] – ци-

топлазмадан мембрана (ядро қобиғи) орқали ажралган ядро (магиз)га эга етилган ҳужайрали организмлар (барча ҳайвонлар ва күпчилик ўсимликларда).

ЭХИН(О)... [юн. echinos – типратикан] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, типратиканга ўхшаш, думалоқ, шарсимон маъноларини билдиради. Mac.: **эхин**, **эхинокактус**, **эхинококкэтомия**, **эхиноринх**; **эхинококклар** [эхино...+...кокк] – етилган ҳолда ит, мушук ва бошка этхўр ҳайвонлар ичагида, личинка ҳолида эса асосан ўтхўр ҳайвонлар ва одам жигари ҳамда ўпкасида яшовчи гижжалар; **эхинококкоз** [эхинококк +...оз] – одам ва ҳайвонлар организмида эхинококклар қўзғатадиган, ҳалокатли даражадаги хавфли касаллик.

Ю

ЮР(ИС)... [лат. jus, juris – ҳуқуқ; одиллик, адолат] – ўзлашма қўшма, ясама сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг ҳуқуқка, ҳуқуқшуносликка, ҳуқуқ масалаларига алоқадорлигини билдиради. Mac.: **юридик** [лат. juridicus – судга, судловга оид] – ҳуқуқка, ҳуқуқшуносликка оид; **юридик институт**, **юридик маслаҳатхона**, **юридик фанлар**; **юридик шахс** – фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мустақил обьектлари хисобланувчи корхона, муассаса ёки ташкилот; **юрисдикция** [лат. jurisdictio – судда ишларни кўриш, суд жараёни < юр(ис)...+ лат. dictio – гапираман, айтаман] – 1) бирор суд идорасига оидлик, судда кўриш ҳуқуқи; 2) суд ёки маъмурий органнинг муайян фактларга юридик баҳо бериш, шу жумладан, низоларни ҳал қилиш ва қонунда кўзда тутилган санкцияларни қўллаш бўйича ваколатлар доираси; **юрисконсульт** [лат. jurisconsultus – ҳуқуқшунос < юр(ис)...+ лат. consultus – қонуншунос, ҳуқуқшунос] – ҳуқуқ маслаҳатчиси; муассаса, ташкилот, идора ёки жамоат ташкилоти юридик хизматининг мансабдор ходими; муассаса фаолиятидаги қонунийликни таъминлайди, суд ва маъмурий органларда корхонанинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласди; **юриспруденция** [лат. juris prudentia – ҳуқуқшунослик < юр(ис)...+ лат. prudentia – билим, фан] – ҳуқуқшунослик; юристларнинг амалий фаолияти; ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ нормаларининг амалий қўлланиши билан алоқадор бўлган билимлар мажмуюи; **юрист** [нем. Jurist < юр(ис)...+...ист] – юридик маълумотга эга бўлган киши, ҳуқуқшунос, юридик соҳа амалиётчиси.

ЮСТ... [лат. justus – адолатли, одил, тўғри, аниқ; қонуний, қонунлаштирилган] – ўзлашма ясама сўзларнинг таркибий (ўзак) қисми бўлиб, шу сўзларнинг одиллик, тўғрилик, аниқликка, қонунийликка

алоқадорлигини билдиради. Mac.: юстировка [*< rus. < нем. justieren* – аник текширмоқ, ростламоқ, түғриламоқ *< лот. justus* – түғрилик, аниқликка оид] – 1) ўлчов-месьёрнинг, оптик ва ўлчов асбобларининг аник, түғри ва ишончли ишлашини таъминловчи, уларни ишчи ҳолатга келтирувчи амаллар мажмуюи; 2) полиграфияда: ҳарфларнинг, босма қолипнинг паст-баландлигини аник текшириш, уларни ўзаро мослаштириш; юстиция [*лот. justitia* – адолатлилик, ҳаққонийлик, қонунийлик; қонунлар мажмуюи] – 1) адолат, адлия; 2) адлия, суд, тергов идоралари; суд идоралари тизими.

Я

ЯТРО... [юн. *iatros* – шифокор, врач] – ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг врачга, шифокорга, даволашга алоқадорлигини билдиради. Mac.: ятрогения, ятромеханика, ятрофизика; ятrogen [ятро...+...ген]: ятrogen касалликлар, ятргенниявиялар – врач ёки бошқа тиббиёт ходимларининг эҳтиётсизлик билан айтган ноўрин гаплари, хатти-харакатларининг, ўқилган тиббий адабиётнинг бемор руҳиятига салбий таъсир этишидан келиб чиқадиган касалликлар; ятрокимё [ятро...+ кимё] – тиббиёт ва кимёнинг немис табиатшуноси Т. Парацельс асос соглан йўналиши (XVI аср) бўлиб, унинг намояндалари барча касалликлар кимёвий мувозанатнинг бузилишидан келиб чиқади, деб беморларни даволашда факат кимёвий моддаларни ишлатишни буюрганлар.

Изоҳли лугат

**Абдуваҳоб Мадвалиев, Неъмат Маҳкамов,
Зухра Мираҳмедова, Акмалхўжа Сайднўъмонов**

ХАЛҚАРО ТЕРМИНЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ-ИЛЛЮСТРАТИВ ЛУҒАТИ

Муҳаррир *P. Аҳмедов*

Техник муҳаррир *A. Асланов*

Мусаҳҳиҳ *C. Сайдамирова*

Саҳифаловчи *O. Исмоилова*

Нашириёт лицензияси АА № 0049. 18.03.2020.

Босишга 2020 йил 20 сентябрда рухсат этилди.
Бичими 60x90 1/16. Шартли босма табоғи 17,5.

Times New Roman гарнитураси.

Офсет қоғозида босилди.

Буюртма № 06-20/241. Адади 3000.

“Donishmand ziyosi” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100129. Тошкент ш., Навоий қўчаси, 30.
Телефон: (371) 244-41-90.

«DONISHMAND ZIYOSI»

ISBN 978-9943-6444-5-8



9 789943 644458

A standard barcode is positioned within a white rectangular box. The barcode represents the ISBN number 978-9943-6444-5-8. Below the barcode, the numbers 9 789943 644458 are printed in a small, black font.